

**ҚАМЧИБЕК КЕНЖА**

***БОБУРИЙЛАРДАН БИРИ***

**Ҳужжатли роман**

***(Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр)***

*Ушбу китоб халқаро миқёсда улузвор, гурурли ва машаққатли юмушларни адо этаётган Бобур жамоат фонди ва Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция фаолияти ҳақида, фонд ва экспедиция асосчиси, раҳбари, бениҳоя зайрат ва жасорат эгаси, табиатунонос, қадриятнонос олим, дунёни кезиб, жаҳон бобурунослари диққат-эътиборини Бобур юрти Ўзбекистонга, шу жумладан буюк ватандошимиз тугилиб ўсган Андижонга қаратаётган фавқуллодда ташкилотчи ва толмас инсон Зокиржон Маширабов ҳақида.*

## **ФИДОЙИ ИНСОН ТАСВИРИ** **(Сўзбоши)**

Ушбу китоб Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, таниқли олим Зокиржон Машрабов, унинг таржимаи ҳоли, геология, археология, соҳаларидаги хизматлари, халқаро Бобур экспедицияси сафарлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тарғибу ташвиқ қилиш фидойиси, Фарғона водийси вилоятлари марказларидан бири Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихини яратиш асосчиси ва Андижон шаҳрининг 2500 йиллик юбилей санасини ўтказиш ғоясининг муаллифи, Андижон шаҳар сейсмомикрорайонлаштириш харитасини тузиш ва zilзилабардошлик чоратadbирларини ишлаб чиқиш ташаббускори ва кўплаб маданий-маърифий тadbирлар тишкilotчиси, жонбози сифатидаги фаолиятлари ҳақида сўзлайди.

Аслида Зокиржон Машрабов тўғрисида:

“Миллий боғ боғбони”;

“Жаҳонгашта сайёҳ”;

“Бобуршунослик илми тарғиботчиси”;

“Бобур қомуси бунёдкори”

каби номлар ва мавзуларда китоблар ёзса арзийди. Зокиржон Машрабов обод этган Бобур миллий боғи ўз тузилиши, тарҳи, оҳорлилиги, истироҳат боғининг илм ва маданият марказига айлангани, ундаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур рамзий қабр-мақбараси, обсерватория, ҳавойи осма сим йўллари, юзлаб болалар ўйинлари комплекслари, ўнлаб ошхона, кафелар, озиқ-овқат, китоб дўконлари, айвонлар, меҳмонхона ва дам олувчилар масканлари, мутассил янграб турадиган мусиқий садолар бу боғни мустақил бир маданият шаҳарчасига айлантираёзган. “Андижон шаҳарсозлик маданияти” археологик музейидаги ер қаъридан топилган осори-атиқалар, хумлар, офтобалар, устун ва кошинлар..., янги қад кўтарган икки бино – “Бобур ва жаҳон маданияти музейи” ва Масжид ҳам боққа ўзига хос кўрк ва сир-синоат бағишлаб турибди... Ҳозирда бу боғ Ўзбекистондаги

энг намунали миллий боғ ҳисобланади. Унинг сатҳи ва бағри кенглиги (300 гектар), яшилликка бурканган дарахт ва гуллар билан гулшану бўстонга айланганини айтмайсизми.

Боғдаги уруғ ё кўчатлари ер шарининг турли гўшаларидан олиб келинган хилма-хил дарахтлар ва анвойи гуллар ансамбллари, иқлимлаштирилаётган зайтунзорлар нафосати бу миллий истироҳат боғига янада ўзгача файзу тароват бағишлайди. Буларнинг ҳамма-ҳаммасида Зокиржон Машрабов меҳнати, раҳбарлик сир-синоати, салоҳияти мужассамдир.

Боғда ҳар йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни ўтказилаётган илмий конференциялар, концертлар ва бошқа тадбирларнинг жаҳоний мазмун-моҳиятини белгилашда Зокиржон Машрабов закоси кузатилади. Чунки ҳар галги илмий-амалий анжуманларнинг маърузалари нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг Япониядан бошлаб АҚШгача бўлган бобуршунослари томонидан ўқилади. Натижада дунё бобуршунослари жамоаси шаклланади. Ҳар йилги бобуршунослик соҳасидаги янгиликлар тингланади.

Боғнинг энг катта ва қимматли бойлиги – бу, шубҳасиз, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ва ундаги 700 дан зиёд китоблар – темурийлар ва бобурийлар қаламига мансуб ва улар ҳақидаги илмий-оммабоп, тарихий, адабий –бадий асарлар, қўлёзмалар, ҳар турли, катта форматли нашрлар, Бобур ва бобурийларнинг расм галереялари, альбомлардир.

Ушбу маданий-маърифий ашёларнинг ҳар бири Зокиржон Машрабов бошлиқ Бобур халқаро экспедициясининг сафарлари мобайнида Осиё минтақасининг йирик маданий марказларидан, Европа мамлакатлари ва Америка Қўшма штатлари музейлари, архив, кутубхона ва шахсий коллекциялардан битталаб йиғиб келтирилган дурдоналардир. Уларнинг айримларини қўлга киритиш, жумладан, Бобурий хатда битилган Қуръон нусхасини Машҳаддаги Имом Ризо Қуръон музейидан, Техрондаги “Гулистон” музейидаги “Бобур куллиёти”дан нусха олиш учун фонд раисининг уч – тўрт мартабалаб бориб-келишига тўғри келганидан яхши хабардормиз.

Зокиржон Машрабовнинг бу борадаги хизмати ва заҳматларини Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов минбардан туриб шундай ифодалаган эди:

- Мен Зокиржон Машрабовни ҳар мавсумда қитъалараро саёҳат қиладиган қалдирғочга ўхшатаман. У ҳар гал уядан учиб кетиб, ватанига чет эллардан океанлар, чўллар ва улкан шаҳарлар устидан уча-уча қайтар экан, тумшуғида бир гавҳарни олиб келади. Бу гавҳар ҳазрати Бобур мирзо ҳақларидаги ноёб асар бўлади. У асарни чет эллик олим Ўзбекнинг улуғ фарзандини алқаб ёзган бўлади.

Бу гаплар бежиз эмас. Аннета Сюзанна Бевериж хонимнинг “Бобурнома” асари таржимаси бошига: “Китобни Бобурнинг шуҳратига бағишлайман” деган эпиграфнинг қўйилиши халқ шоири фикрининг яққол далилидир.

Яна бир муҳим жиҳати - китобларни илмий истеъмолга киритиш учун таржимон ва олимларга буюртмалар бериб, уларга ҳар томонлама ҳомийлик қилиш алоҳида ўрин тутди. Ана шундай маърифий фаолият туфайли фонд ташкил топгандан буён унинг

ташаббуси, буюртмаси билан 50 дан ортиқ бадиий ва илмий асарлар форс, уйғур, инглиз, немис, урду тилларидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Чунончи: Гиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”; Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий”; Ҳерольд Лэмбнинг “Бобур - йўлбарс”; Фритс Вюртленинг “Андижон шаҳзодаси”; Уильям Рашбрукнинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”; Румер Годеннинг “Гулбадан” асарлари шулар жумласидандир.

Зокиржон Машрабов Ўзбекистонда яқка тарихий, машҳур шахс ҳақида илк мартаба яратилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” энциклопедиясининг бош лойиҳачиси, ташаббускори, қомус ижодкорлари жамоасининг тузувчиси, моддий ва маънавий таъминотчисидир.

Булардан ташқари, экспедиция сафарларининг ҳар бири ҳақида биттадан китоб ёзиш мумкин. Сафар чоғларидаги машаққатлар, масалан, 1993 йили Аврангобод – Жайпур йўлидаги ваҳимали тун, Лахўр шаҳридаги меҳмонхонада ҳайдовчи билан боғлиқ хавотир ва хижолатчиликлар, автомашинанинг гоҳ сувга гоҳ қумликка текилиб қолишлари, Афғонистондаги нотинчликлар, Ироқ (Боғдод)да ҳукм сураётган жангли шароитлардаги, 1996 йили Абу Райхон

Берунийнинг Ғазни шаҳри четидаги хароб қабридан тупроқ олиб келишдаги, 2015 йили Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбарасига сағана тошини етказишдаги таҳликали вазиятлар, 2016 йилги Афғонистон сафарида Навоий мақбараси атрофига 2 минг тупдан ортиқ манзарали дарахтлар ва анвойи гул кўчатлари ўтказилишининг ҳашар-сайлга айланиб кетганини эслаш эса, таъсирли ҳам мароқлидир.

Биргина Ҳиротда учта йирик мақбара ва сағана бунёдликлари (Дехиканор (ҳозирги Нангободдаги Мавлоно Лутфийга қўйилган сағана тоши ва дахма худуди, Камолиддин Беҳзодга тикланган бебаҳо мақбара, Алишер Навоий мақбараси атрофининг манзарали ёриткичлар, дарахт ва гуллар билан ихоталаниб кўкаламзорлаштирилгани) Бобур номли халқаро жамоат фонди раёсатининг оқилона маърифий эҳсонлари намуналаридир.

Қ.Кенжанинг мазкур китобида ана шундай воқеа, маълумотлар ва биз бу ерда қамраб ололмаган кўплаб хайрли ишлар акс этган.

Қамчибек Кенжанинг олти китобдан иборат сафарнома-романлари (“Ҳинд сорига”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Даккагача”, “Андижондан Бағдодгача”, “Бобурийлардан бири”, “Соҳибқирон ўтган йўллардан”)нинг яратилишида ҳам Зокиржон Машрабовнинг хизматлари катта.

Шахсан Зокиржон Машрабов ва фонд раёсатининг ҳамкорликдаги меҳнатлари туфайли Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан йигирма бешта хужжатли ва видеофильмлар яратилди. Уларда асосан халқаро Бобур илмий экспедицияси сафарларидаги воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинган. Улар марказий ва вилоят телеканалларидан мунтазам равишда эфирга узатилмоқда.

Қамчибек Кенжа таниқли адиб ва шоир. Унинг адабий шуҳрати Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ва Бобур номли халқаро экспедиция фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. У ушбу экспедициянинг кўпчилик сафарларида Зокиржон Машрабов билан сафар азобу хузурларини тенг кечириб, баровар лаззатланган кучли қалам соҳиби. У Бобур номли халқаро жамоат фонди жаҳонга уюштирган экспедицияларнинг иккинчи хужжатли бадий

тасвирчисидир. Иккинчи дейишимизнинг боиси шундаки, тасвирчи камера билан, Қ.Кенжа эса қалам билан меҳнат қилади.

Асл соҳаси геологик ва узоқ йиллар турли юқори мансабларда юрган одамнинг бирдан ашаддий бобурпараст, бобуршуносга айланиб қолишини кўпчилик тасаввурига сиғдиrolмайди. Муаллиф китобхонларнинг шу борадаги иштибоҳи ва саволига жавоб топиб, Зокиржон Машрабовнинг болалиқдан адабиётга, санъатга, мусиқага ҳаваси кучли бўлганини, бугунги фаоллик илдизлари ана шу даврларга бориб тақалишини ҳам кўрсатиб беради. Асар бош қаҳрамонининг ўзини ғоявий-сиёсий айбловлар хатарига қўйиб Бобур хайкалини Россиянинг Митиши шаҳрида қандай қуйдириб келгани, айнан Бобурнинг боши узра қора булутлар сузиб, унга ҳар хил хатолар тақалаётган паллаларда Андижон шаҳар ижроия комитети раиси бўлган одамнинг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида, очиқ майдонда, кенг жамоатчилик иштирокида Заҳриддин Бобур таваллуд кунига бағишланган катта адабий-бадий анжуман ўтказишга ташкилотчилик қилишию ва унга шахсан ўзининг бош-қош бўлиши оқибатида лавозимидан бўшатилиши сингари жиддий воқеалар тасвирланган саҳифалар ўқувчини ҳушёр торттиради ва Зокиржон Машрабовга нисбатан ихлос ва ҳурматини оширади. Чегара-божхоналардан ўтишдаги расмийчиликлар билан боғлиқ қийинчилик, ғов-тўсиқларнинг З. Машрабов томонидан жураёт ва қатъият ила бартараф этилиши ва бошқа жараёнларда кўрсатилган жасоратларини адиб эҳтирос билан тасвирлар экан, экспедиция аъзолари кўзланган мақсадга эришган пайтларида, академик Азиз Қаюмов ёзганидек, китобхонлар ҳам улар билан баробар ҳаяжонга тушади .

Зокиржон Машрабовнинг экспедиция сафарларидан бошқа маҳалларда жамиятдаги қандай муаммолардан изтироб чекиши, қандай эзгу ишлардан мамнун бўлиши, умуман атрофида юз бераётган ижобий ё салбий воқеа-ҳодисаларга асло бефарқ эмаслиги, халқ манфаати, миллатнинг қадриятларини ўйлаб куйинишлари, қайғуришлари ишонарли очиб берилган.

Умуман олганда, “Бобурийлардан бири” асарини Зокиржон Машрабов сиймосига муваффақиятли чизгилар деб баҳолаш мумкин.

Қ. Кенжа, шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида янги истилоҳ юзага келишга сабабчи бўлди: унинг қаламида битилган сафар таассуротлари –“Ҳинд сориға”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Бағдодгача”, “Андижондан Даккагача” китобларини ўқиган академик Азиз Қаюмов “Қамчибек Кенжа ўзбек адабиётида янги бир ижодий соҳа – бадий сафарнома жанрини яратди!” деб эълон қилди. Дарҳақиқат, Қ.Кенжанинг сафарнома-романлари ўзи алоҳида хусусиятларга эга асарлар сифатида ўзбек китобхонларига манзур бўлди.

Сафарномаларнинг ўқишлилиги санъаткор Қ.Кенжанинг адабий маҳорати билан изоҳланса, маърифий қиммати ошиши Қ.Кенжанинг ўзи бўлган жойлар аҳолиси, жуғрофияси ва тарихи, адабиёти ва санъати соҳасида муайян маълумотларга эга маърифатпарвар эканлигини ҳам кўрсатади. Муҳими, ҳар бир факт, воқеа-ҳодиса тасвирида йирик истеъдодга хос вазминлик, талқинда бетарафлик ва холислик усулини қўллаб, адабий ва илмий меъёрга содиқ қолади.

Биз бобуршунослар ушбу ажойиб адибимизни Бобур экспедицияси йилномачиси, деб атаймиз. У заҳматли ҳалол меҳнати билан халқаро Бобур экспедициялари фаолиятини жаҳонга танитди. Айни пайтда бу сафарномалар ўз муаллифини элу юртга йирик адиб сиймосида гавдалантириб берди.

Ёзувчининг прозасида бир неча хил йўналиш кузатилади.

- Сафарномаларда мемуар, саёҳат ва илмий омухталик.
- Зокиржон Машрабов ҳақидаги китобида таржимаи ҳоллик, фаолият ва илмий жамоатчилик тасвири.
- Иброҳимжон Асқаров тўғрисидаги маърифий-биографик романида ҳам таржимаи ҳоллик ҳам табобат соҳасидаги кашфиётчилик талқинлари устуворлик қилади. Айниқса, бадий маҳорат масаласида алқагулик.
- Бошқа бадий асарларида ҳозирги замон наср анъаналари ва оҳорлилик яққол сезиларли.

Қамчибек Кенжанинг “Бобурийлардан бири” китобининг учинчи нашри борасидаги фикрларимизга хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, муаллиф қарийб ўттиз йилдан буён умрини улуг аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросларини ўрганиш, уларнинг қабрларини обод қилиб,



руҳларини шод этишга бағишлаб келаётган фидойи инсон Зокиржон Машрабов ҳаёти ва фаолияти уммонини муфассаллик ва қисқаю лўндалик омухталигида битта китобга сиғдира олган ҳамда энг муҳим маълумотларни мужассамлаб, зарур фикрларни айта олган.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**  
адабиётшунос олим, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган  
маданият ходими

## НУБУВВАТХОН АЯНИНГ ҲИКОЯЛАРИДАН

(Муқаддима ўрнида)

- Хаканга келин бўлиб тушганимга олтмиш йилдан ошди, ўзим Майдонда туғилганман. Бувим («онам» демоқчи – *муаллиф*) ўлганини эслолмайман. Дадамни сал-пал биламан. Ёш қолганман, битта акам бор эди, Самарқандга ўқигани бориб, ўша ёқда вафот қилган экан. Иккита бола қолганмиз - бир ўғил, бир қиз. Зокиржонни ўн саккизимда тукқанман. Еттинчидан ўнинчигача Жалақудукда ўқиди. Дадаси Кўтармада мактаб директори эди. Ўрни битиргандан кейин қайтиб кўчиб кеволдик эшикка. Зокиржонни ўқишга киритиш керак эди-да. Ташканга жўнатдик. Ёлғиз болани иши қийин экан. Битта товоқда ош емай, ҳоли нима кечяптийкин бола шўрликни, деб, эр-хотин ошни пишириб, лаганга босиб, кулчани ёпиб қопга солиб бороврамиз, бороврамиз... Йўқ, кейин чидамай кўчиб борволдик. Домла битта ишга турди. Кейин мазаси йўқ бўлиб, қайтиб келдик. Бола ўқиб юрди бориб-келиб... - дея бот-бот ҳикоя қиларди онаизор Зокиржон аканинг яқинларига. - Бола бечора аспирантурада ўқиятувди, дадаси қазо қилиб қолди. Йилини ўтказиб, мени кўчириб олиб кетди. Ишга Анжанга кўйишди, яна кўчиб келдик. Сурхандарёга борди – уёқда уч йил яшадик. Ундан Ташканга, кейин яна Анжанга кўчдик.

Ҳаёт шунақа бўлган, болам. Жуда кўп ишларни кўрди бу бош. Кўрсам ҳам майли, ишқилиб, болам соғ бўлсин. Дунёи оламга келиб кўрган матойим, топган бойлигим шу... Болагинамга ичим ачишиб ўтираман. Тушликка келмайди уйга. Кечқурун кеч келади. Кутиб ўтираман. Келдингми, болам, дейман. Келдим, онажон, ўзингиз яхшимисиз, дейди. Кейин хотиржам бўлиб ётаман. Эртаман эрта кетади, дуо қилиб қоламан орқасидан. Болам кўпники... Ундан мингдан-минг розиман. Умрага обориб келди. Ҳаж сафарига экспедиция билан биринчи борганида онамни олиб келаман, деб ният қилган экан. Яна олиб бораман, деб кўяди болам шўрлик. Шу гапи билан бориб қайтиб келаман Макатиллога, шунақа хурсанд бўлиб кетаман... Шу, дадаси ёш – қирк саккизида ўтиб кетди-да, ўқитиб-

Ўқитиб, униб-ўсганини кўролмади. Шунга ачинаман. Мана, қирқ йил бўпти. Ишқилиб, энди боламини боши омон бўлсин, мени бахтимга у, уни бахтига мен соғ бўлайлик...

Зокиржон аканинг онасига, онасининг унга ҳурмати, меҳри борасида алоҳида бир боб ёзилса арзийди. Мен экспедициянинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб узок муддатлик сафарларидан ташқари, Тошкент ва бошқа жойларга катновларида ҳам ҳамроҳ бўлганман. Ана шу маҳалларда ҳам Зокиржон ака онаси ҳақида жуда кўп гапирарди. Англашимча, у бирон ёққа боргудай бўлса, албатта онасидан фотиҳа олиб, кейин йўлга чиқарди, бирон иш бошлашдан аввал албатта у билан маслаҳатлашарди. Экспедицияларга, табиийки, аксариятимиз уйларда нон ёптириб олардик. Лекин Зокиржон аканинг нонлари, тўғрироғи, йирик-йирик кулчалари бежирим, таъми нечукдир бошқаларимизникига нисбатан ширин, куврак бўларди. Уларни мақтаб-мақтаб ерканмиз, Зокиржон ака, “Бу нонларни онам ёпиб берган-да”, дерди болаларча, самимий фахр билан. Кейин у Нубувватхон аянинг фазилатлари, ўзининг волидаи меҳрибони, ҳамрозига бўлган муҳаббатини, онаизорининг унинг ҳаётида тутган ўрнини ажойиб бир ибора билан ифодаларди:

- Онам – менинг хумо қушим.

Зокиржон ака ёзувчиликка даъвогар эмас, лекин анча-мунча ижодкор ҳам онага шунчалик бадий таъриф берар-да<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Нубувватхон ая 2010 йил бошларида салкам юз ёшида бу фоний дунёни тарк этди. Охирати обод бўлсин.

*Буюкларни қадрлаганлар ҳам буюкликка дахлдордир.*

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

### **БОЛА БОШДАН...**

*Тарозининг бир палласига дунё, иккинчисига Бобур қўйилса, ҳеч иккиланмай кейингисини танлайдиган бир инсон бор, бу – Зокиржон Машрабов...*

Андижоннинг шарқи билан жануби ўрталиғидаги ҳудудда Хакан деган табаррук бир қишлоқ бор. Унинг муқаддаслиги шундаки, бўлажак шоҳ ва оламшумул шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шаҳзодалиқ пайтларида бу ҳудудда кўп юрган ва азиз ота юртини сўнгги бора тарк этишда ҳам унинг тулпори ана шу йўлдан оғир қадам ташлаб ўтиб, Андижон адирлари томон ўрлаган. Алалхусус, Хакан Бобурнинг маънос тортган аламноқ сиймосини сўнгги бор кўрган, ғаму изтиробларига гувоҳ бўлган макондир.

Ўша маҳалда кимдир: «Бир замонлар келиб, сиз ватандан бош олиб кетаётган айни шу қишлоқда таваллуд топажак бир ўғлон сизнинг яна киндик қонингиз тўкилган Андижонга қайтишингизга кўмақ беражак», деса, Бобур Мирзо нима деб жавоб берган бўларди экан? Ахир у ўша лаҳзаларда ўз элимдан абадий жудо бўляпман, деб зинҳор ўйламаган, балки ҳадемай зафар қучиб, яна бу муборак масканларга қайтажагига умиди ва ишончи муқаррар эди. Аммо қисматнинг ҳукми ўзгача бўлди, толе унга қиё боқмади...

Бобур вафотидан тўрт ярим аср кейин, 1933 йилнинг саратонида, айни пишиқчилик палласида, кундузлари қуёш оламни оташ бўлиб қиздираётган, кечалари тўлин ойдан чароғон гўзал тонгларнинг бирида офтоб нурлари энг аввало етиб келадиган ана шу Хакан қишлоғидаги Машрабжон ака Қаландар ўғли хонадонида бир фарзанд дунёга келди. Чақалоқни яхши ният билан Зокиржон деб атадилар. Одамнинг исми унинг тақдирида катта аҳамият касб

этади, дейишади. Ўз даврининг илғор зиёлиларидан бири, қишлоқнинг биринчи муаллими Машрабжон аканинг дилига Зокиржон деган отни Аллоҳнинг ўзи солган бўлса ажаб эмас, эндиликда бу ном («Зокир» - эсга олувчи, ёдловчи, зикр этувчи) ниҳоятда тўғри қўйилганига, исм билан жисму феълнинг фавқулодда мос ва уйғунлигига қойил қолмай илож йўқ.

Хакан Андижон шаҳрининг бозорларини анор, узум, ўрик, беҳи ва бошқа мева-чевалар билан файзли қиладиган қишлоқ эди. Машрабжон аканинг оиласи Нубувватхон жамоа хўжалигида ишларди.

Зокиржоннинг болалиги ўзларининг боғ-роғдан иборат шинам ҳовлиларида ва қишлоқ билан туташ Андижон адирларида кечди. У ҳар куни мактабдан келгач, ола сигирларини ўша томонга ҳайдаб кетарди. Ўртоқлари билан кечгача мол боқиб, қуёш уфққа ёнбошлагандан кейингина уйга қайтишарди. У адирларнинг туя ўрқачларидай баланд-пастлигини, осмоннинг бепоён ва мусаффолигини яхши кўрарди. Қир ёнбағрида чалқанча тушганча мовий самони кузатиб ётиш, тўрғайлар хонишини тинглаш жони-дили эди.

Ўша кезларда кимдир: «Сен катта бўлганингда ашаддий бобурпарастга айланасан, Бобур изидан жаҳонни кезиб чиқасан», деса, Зокиржон индамай елка қисиб қўя қолган бўлармиди. Чунки унинг кўнглида ўз келажаги билан боғлиқ орзулари куртак ёза бошлаган эди. У тепаликларнинг ҳар жой-ҳар жойида нефть тортувчи қурилмаларнинг бошқарувчисиз, ўзидан-ўзи кечасию кундузи ишлаб ётганидан ҳайратланар, ускуна «тирсак»ларининг кўтарилиб пастлаши, узатгич ва бошқа мурватларнинг айланишини завқ билан, узоқ-узоқ томоша қилар экан, қалбида бу «жонли» темирларнинг ҳаракатига қизиқиш тобора ортаётганини ҳис этар эди. Бу иштиёқ секин-аста, кундан-кунга геологлик касбига ҳавасга, хоҳишга айланиб борарди.

Зокиржон ўтли-шудлигина эди. Кунора онаси соғиб берган икки пақир сутни пиёда Андижон шаҳрининг Янги бозорида сотиб келарди.

Сут пулларини тўплаб велосипед олди. Бу улов кейинчалик унга жуда иш берди. Дадаси Жалолқудук туманининг Пахтакор (ўша пайтда «Капа» дейишарди) қишлоғидаги етти йиллик мактабга директор қилиб юборилганида

етти-саккиз чақирим масофага - туман марказидаги ўрта мактабга ана шу велосипедда қатнади. Велосипед бузилиб қолганида поездга осилиб кетарди. Қиш-қировли кунларда, ёгингарчиликларда дадаси жамоа хўжалигининг чорва фермасидан от сўраб берарди. Албатта фермадагилар ҳам отни бекордан-бекорга миндириб юборишмас, Зокиржонга пул беришиб, Жалолқудуқ бозоридан ул-бул нарсалар харид қилиб келишини тайинлаб жўнатишарди. Зокиржон мактабдан икки халта майда-чуйда билан қайтарди.

Қиш совуғи кучайиб кетган паллаларда ўша ёқда тунаб қолишга ҳам мажбур бўларди.

Мўмин Аҳмедов деган кимё-биология ўқитувчиси Зокиржонни уйига олиб кириб кетарди. Муаллимнинг хотини - жуда кўнгли очик, меҳрибон аёл Аугистина Аҳмедова унга ўз ўғиллари қатори ғамхўрлик қиларди. Улар Зокиржоннинг қалбида ҳаётида илк бор учраган том маънодаги олижаноб, яхши одамлар сифатида ўчмас из қолдиришган. Албатта, кейинчалик Зокиржоннинг ҳам уларга озми-кўпми нафи тегди, бироқ унинг наздида бу наф ўша азиз ва кадрдон кимсаларнинг хизматлари олдида дарёдан томчидай туюлади.

Дарвоқе, Зокиржон ўзининг ҳалол меҳнати – сигир боқиб, сутига олган велосипеди билан Жалолқудуқ - Оламушук пойгасида биринчи ўринни эгаллаганида онасининг қанчалар суюниб, ўғлини қайта-қайта бағрига босганлари ҳали-ҳали кўз олдидан кетмайди. Сирасини айтганда, ғолибнинг ўзи ҳам чакана қувонмаган эди, чунки бу унинг ҳаётидаги дастлабки йирик ғалабаси, омма эътиборини қозониши эди. Кейин у 10-синфда ўқиётганида яна бир карра кўпчиликнинг назарига тушди, ҳурматига сазовор бўлди. Мактаб ҳаваскорлик сахнасида қўйилган, ўша пайтларда эл аро машҳур бўлган «Тоҳир ва Зухра» спектаклида Тоҳир ролини ўйнади. (Зухра – 9-синф ўқувчиси Холида эди). Ўқувчи ҳаваскорлар маҳорати мактаб маъмурияти, туман халқ таълими томонидан ҳам юксак баҳоланиб, Зокиржон алоҳида тақдирланади. Драмага қизиқиш кучайиб, қишлоқ аҳли ҳам томошага кела бошлайдилар, шундан сўнг спектаклни бир неча бор пуллик ҳам кўядилар. Шу баҳона, Зокиржон ўқиган мактаб туманда анча доврुक қозонади.

Дарвоқе, драманинг, Тоҳир ролининг муваффақиятли чиқиши бежиз эмас - Зокиржоннинг болалиқдан санъатга қизиқиши, ишқибозлиги кучли эди. У дадаси билан Андижон театрига тез-тез тушиб турарди. «Ёрил тош», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» спектакллари қайта-қайта томоша қилган. Дутор, ғижжак чалиб кўнгил ёзишни хуш кўрадиган амакиси Дарвишхон Қаландаровга унинг жуда-жуда ҳаваси келарди... Ҳавас унинг кўлига най, доира тутқазган, амакисидан ана шу созларни чалишни ўрганган. У пана-панада ашула ҳам айтарди: «Қаро кўзим...»ни, «Фигонким...»ни, «Алпомиш» спектаклидаги «Кўриб ёринг...»ни... Бу кўшиқларни ҳозир ҳам хиргойи қилиб юради.

## ЯХШИЛАР

Болалиқ орзулари Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетига бошлади. 1955 йили Зокиржон геология факультетини битириб, Жанубий Оламушук (Андижон вилояти) нефть қонида оддий операторликдан меҳнат фаолиятини бошлади ва истаклари рўёбга чиққанидан қувончининг чеки-чегараси йўқ эди.

Касбига меҳри баланд инсоннинг ўз соҳасида мартабаси тез ортади, чунки бундай одам сидқидилдан меҳнат қилади, ўз меҳнатидан завқланиб, яна бутун вужуди, бор кучи, имконияти билан ишлашга уринади. Зокиржон Машрабов ҳам ҳадемай участка геологи, катта геолог деган лавозимларга кўтарилди.

Уч йилдан кейин, яъни 1958 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институтига аспирантурага кетиб, «Фарғона водийсидаги литологик нефть ҳавзаларининг истиқболлари» деган мавзу устида илмий иш бошлади. Тадқиқотнинг боришидан Зокиржон Машрабовнинг ўзи ҳам, унинг илмий раҳбари Олег Александрович Рижков ҳам мамнун эдилар.

- Ҳаракатинг яхши, шу кетишда икки йилга қолмай ёқлайсан, - дерди у тиришқоқ, серғайрат шогирдининг елкасига қоқиб. У пайтларда геология жабҳасида илмий иш билан шуғулланишга иштиёқманд ўзбек йигитлари пойтахтда ҳам бармоқ билан санарли, вилоятларда эса деярли йўқ эди.

Устознинг далдаси ва мақтови Зокиржон Машрабовга куч-қувват, илҳом бағишлар, тунни кунга улаб изланар, ёзарди.

Лекин унинг омадига кўз теккандай бўлди, бошига оғир, жуда оғир мусибат тушди – бир йилдан кейин дадасидан айрилиб қолди. У падари бузрукворининг маросимларини ўтказиб келишга рухсат сўраш учун институт директори, таниқли олим, академик Иброҳим Ҳамробоевнинг хонасига кирди. Директор Зокиржонга ҳамдардлик билдирди, «бандачилик, бу мусибат хамманинг бошида бор, ишқилиб, ота-онадан аввал фарзанд кетмасин... Отангизнинг жойи жаннатда бўлсин, Сизга сабр-тоқат ато этсин», деб тасалли берди. Кейин хона бурчагидаги темир қутини очиб, бир сиқим пул узатди.

- Манавини олинг, мархумнинг маърака-маросимлари кўп бўлади...

Зокиржон рад этиш учун оғиз жуфтлаган эди, раҳбар гапиришга қўймади:

- Катта бир нарса деганда хўп денг...

Ўша пайтда икки минг сўм катта пул эди. Зокиржон бошлиқ хонасидан юраги баттар тўлиқиб чиқди. Кўзларига яна ёш инди, лекин бу энди фақат азиз кишиси, ҳаётининг устунни, пушти паноҳидан жудолик йиғисигина эмас эди. Зокиржон кейин Шўрчида ишлаб юриб икки минг сўм пул орттирди ва Тошкентга бориб, Иброҳим Ҳамробоевнинг – худди отаси каби яхшилик қилган ва наздида, хаёлида, кўз олдида дунёдаги энг олижаноб зотлардан бири бўлиб қолган кимсанинг хузурига кирди. Узоқ ҳол-аҳвол сўрашди, ишларидан ҳисобот берди. Пулни нима деб узатсамикин, деб иккиланарди. Қандай тушунаркин, деган ўй уни ташвишланттирарди. Бермай деса, қарз бўйнида тош каби осилиб юрибди, бу оғир юқдан халос бўлиш керак.

- Ишларим яхши, даромад ҳам ёмон эмас, домла, - деб гапни иш томонга бурди Зокиржон. – Зарур пайтда менга мадад бўлган манави пулни олиб мени бир масъулиятдан енгиллаштирсангиз.

- Бу катталардан кичикларга ўтиб, айланиб турадиган дунё, - деди Иброҳим Ҳамробоев самимий кулимсираб. – Ҳали сизнинг ҳаётингизда ҳам ёрдам беришга тўғри келадиган ёшлар учрайди. Сиз ҳам ўшаларни қўллаб юборарсиз...



Устоз мақомидаги улуғ инсондан олинган бу дарс ҳақиқатан ҳам кейинчалик кўп асқотди. Зокиржон Машрабов ҳам оти сал чарчаб қолган одамга «ха!» деб юбориш кишига мадад бағишлашини кўп бор ҳис қилди.

Бундан аввал Зокиржон яна бир нажоткор кишидан саховат, инсонийлик сабоғини олган эди. У учинчи курсда ўқирди. «Мактабда сумалак пиширтирди» деган айб билан дадасини партиядан ўчиришиб, вазифасидан бўшатишди. Беиш, ўқитувчиликдан бошқа касби, даромади бўлмаган Машрабжон ака талаба ўғлига ақча юборолмай қолган эди. Аслида Зокиржон ҳам икки хатининг бирида «дада, салом, пул тамом», деб ёзаверадиганлар хилидан эмас, лекин юқоридаги воқеадан кейин у чўнтагини сийпалайдиган бўлиб қолган эди. Бир гал уйга келиб қайтаётганида уни дадаси ва дадасининг улфати, хўжалик ҳисобчиси, узоқроқ қариндош бўлган Юнусхон ака Маҳмудов поездга кузатиб қўйгани чиқишди. Хайрлашаётганларида Юнусхон ака оғайнисига сездирмай Зокиржоннинг чўнтагига пул солиб қўйди. Ўша маблағни у уч ойга етказди. Шундан сўнг у янада астойдилроқ ўқишга ҳаракат қила бошлади: энди у стипендиядан тушиб қолмаслиги зарурлигини, акс ҳолда ҳоли нима кечишини яхши биларди. Кейинроқ эса, оддий стипендиянинг ўзи билан ҳам пойтахтдек шаҳри азимда тирикчилик қилиш анча мушкуллигини англадию бутун фикри-зикрини ўқишга қаратди. Кечалари, якшанба кунлари Мухтор, Жўра деган ўртоқлари билан темир йўл вокзалида юк туширишиб, пул ишлашарди. Қийинчилик, машаққат одамни тарбиялашини, меҳнатга, чидамга ўргатишини, меҳнатдан қочмайдиган, бардошли кимсанинг ҳаётда кам ва хор бўлмаслигини ўшанда билди.

У энди олий стипендия ола бошлади...

Хуллас, ўшанда ота каби меҳрибон раҳбарнинг яхшилигини кўнглига маҳкам туғиб, ана шу марҳамат далдасида ўзини қўлга олиб уйга келди, амакиси Аҳмаджон ва бошқа қариндошлари билан ёнма-ён туриб, ичдан эзилиб-эзилиб элда урф бўлган маросимларни ўтказди. Ҳаётининг бош устунидан, таянчидан умрбод айрилганини ҳис қилди, ғамбода онасини юпатмоқ бўлиб, бағрига бош қўяр экан, нозиккина, нафисгина бу вужуднинг, бу азиз инсоннинг ҳам суянчсиз қолганлигини, уни энди ёлғиз ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини англади.

Негаки, у биттаю битта фарзанд эди, ота-онанинг кўз тикишгани, ёлғиз умидлари шу ўғил эди.

Тошкентга бориб, яна директорнинг ҳузурига кирди-да, кўнглидаги гапларни, аспирантурани сиртдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда давом эттиришга қарор қилганини айтди. Иброҳим Ҳамробоев истейдодли бир олимнинг хаёли бўлинганига ачинди, лекин ҳаёт синовларини ўз бошидан ҳам ўтказгани учун йигитнинг аҳволини тушунарди.

- Мен розиман, фақат Академия президентининг ижозати керак-да. Ҳабиб Муҳаммедович ҳар бир аспирантнинг муаммолари билан шахсан ўзи шуғулланади. Биласиз-ку, у киши ёш олимларни жуда эъзозлайди, – директор шундай деб, телефон рақамларини терди-да, президент ёрдамчиси билан гаплашиб, Зокиржон Машрабов исми-шарифини раҳбарнинг қабулига ёздириб кўйди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаевни Зокиржон жуда яхши биларди. У улуғ зотнинг ўз соҳаси (геология)нинг даҳоси экани, шунингдек, камтарлиги, олижаноблиги, тантилиги, фан докторию оддий аспирант билан ҳам бирдай муносабатда бўлиши ва бошқа инсоний фазилатлари ҳақидаги гап-сўзлар олимлар, аспирантлар давраларида тинмай айланиб юрарди. Бунга Зокиржон Машрабов ўз мисолида яна бир қарра амин бўлди.

- Келинг, андижонлик Машрабов, - дея қарши олди Ҳабиб Муҳаммедович.

- Илмий ишларингиз қандай кетяпти?

- Яхши, - деди Зокиржон.

- Қандай муаммолар бор? – сўради яна президент меҳрибонлик билан.

Зокиржон бошига тушган мусибатни айтди.

- Сизга ҳамдардман, лекин ҳаёт давом этиши керак-ку... – Ҳабиб Абдуллаевнинг гаплари шундай самимий оҳангда бўлардики, ҳар қандай одам унинг катта мансабдорлиги – Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти эканлигини ёддан чиқариб, худди яқин кишиси билан мулоқот қилаётгандай туярди ўзини.

- У ёқда онам ўзи қолган, бу ёқда оилам, бир фарзандим бор, тирикчиликка стипендия етмаяпти, - деб кўнглини баралла очди Зокиржон.

Ўша пайтларда аспирантнинг стипендия – маоши 900 сўм (1961 йилги пулга 90 сўм) эди.

- Нега етмайди, харажатингиз кўпми? – Президентнинг саволлари суҳбатдошидаги ҳар қандай ийманиш, истиҳола тўғонларини очиб юборишга мўлжалланган бўларди.

- Онамдан хабар олиш учун Андижонга қатнаб туриш керак, ижарага икки юз сўм тўлаймиз...

- Ижара? Нега? Уй олмаганмисиз? – Президент Зокиржоннинг жавобини кутмай, телефон гўшагини кўтарди. – Алло, Обидхўжа, андижонлик бир аспирант - Машрабов ижарада қийналиб қолибди, оилали экан, унга янги қурилган “дом”дан битта квартира беринглар...

Обидхўжа – Обид Муродович Акрамхўжаев бўлиб, Бутуниттифоқ нефть-геологик қидирув институтининг Ўзбекистон филиали директори эди. Бевосита Москва тасарруфи ва таъминотидаги мазкур институт ўша йили ўз илмий ходимлари учун Тошкентнинг Шота Руставели кўчасида махсус кўп қаватли уй қуриб битказган эди.

Масаланинг бунақасига айланиб кетишини асло кутмаган Зокиржон нима дейишини билмай қолди, бирон нарса дейиш жоиз ҳам эмас эди.

Янгиликни Иброҳим Ҳамробоев ҳам мамнунлик билан кутиб олди.

- Ишингиз бароридан кепти, Зокиржон, омаддан юз ўгириб бўлмайди. Энди, буёғига мен ёрдам бераман: аспирантурани ҳам давом эттираверасиз, ишлаб ҳам тураверасиз.

Иброҳим Ҳамробоев Зокиржонни Қўқон нефть-газ қувурларини пармалаш идорасига катта геологикка тайинлашга ваъда берган эди. Шундай қилиб, ёш тадқиқотчи Тошкентдай шаҳри азимда уй-жойлик бўлиб олди. Уни қўллаб-қувватлаган, ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак берган улуғ инсонларнинг шарафли номларини ҳали-ҳали миннатдорлик билан эслайди.

## ҲАЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Бир йилдан кейин Зокиржон Машрабов онасининг ҳузурига, ўз шахрига қайтиб, «Андижон» нефть конида ишлай бошлади. Ота-онаси, устозлари дуосини олганлиги, ўзи ҳам заҳматқаш, тиришқоқлиги учун кам бўлмади: ҳадемай бош геологлик лавозимига кўтарилди ва бу вазифада роппа-роса беш йил ишлади. Ана шу давр мобайнида вилоятнинг, водийнинг шарқий, жанубий ҳудудларида бир неча литологик (чўкинди тоғ жинсларига хос) нефть ҳавзалари топилишига ташкилотчилик қилди. Ўзбекистонда шундай конлар бўлиши мумкинлиги исботланди. Қидирув жараёнларида Зокиржон Машрабов номзодлик диссертацияси мавзуида ҳам тадқиқотлар олиб борди.

Яна бир нарсани эслаб ўтиш жоиз: Зокиржон Машрабов “Андижоннефть” бошлиқлиги пайтида хизмат вазифасини “бир оз” суиъстемол қилган ҳолда, яъни чўнг маҳкамаларнинг маҳсус фармонисиз Кулла – Андижон йўлини қуриб ишга туширади. Бунинг учун, албатта, ҳайфсан билан “тақдирланади”. Умуман олганда, Зокиржон аканинг таваккалчилиги, дадиллиги баъзида ўзига панд берса-да, халққа фойда келтирарди. “Андижоннефть” бошқармасига бошлиқ даврида ҳам катталар таъбири билан айтганда яна “ўзбошимчалик” билан шаҳарга туташ Ҳакан қишлоғига ичимлик суви олиб келгани учун ҳам жазога – қаттиқ ҳайфсанга мустаҳиқ этилади. Лекин йиллар ўтиб, ҳайфсанларнинг юмшоғи ҳам, қаттиғи ҳам номаи аъмоллар дафтарида ўчиб кетади, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган ўн чақиримдан зиёд йўл ва аҳолини обиҳаёт билан таъминлаган сув қувурлари эса умрбод фойдага қолади.

\*\*\*

У 1966 йили Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида фаолият кўрсатувчи «Жарқўрғон нефть» бошқармасига бошлиқ қилиб юборилди. Худди ана шу йилларда, бир туман билан иккинчи туман оралиғи Андижон вилоятининг у четидан бу четигача бўлган масофадан ҳам йироқ йўлларда чиниқди, соғинчларни, қийинчиликларни, зерикишни енгишни ўрганди; бу воҳа табиати

айрим жойларини ҳисобга олмаганда, Фарғона водийси, хусусан, ота юрти Андижонга нисбатан камбағалроқдай туюларди: дов-дарахт, гуллар кам эди, очик, бепоён далалар, шамол кўп эди. Одамларнинг феъл-атвори ҳам бошқачароқ – тўпорироқ, соддароқ, дангалчироқ, самимийроқ эди. Улар билан ҳадемай кадрдон бўлиб кетди. Кейинчалик икки йиллик умри ўтган ана шу ҳадсиз кенгликларни, Бойсун тоғларини, юрагида меҳри, кўзларида сиймоси қолган ҳамжамоаларини, орттирган дўст-ёрларини соғиниб, қўмсаб эслаб юрди, гоҳ хаёлан, гоҳ ўнгда улар билан дийдор кўришмоққа интиларди...

Мутахассислар, раҳбарлар, геологлар учун ҳаёт катта бир дарёга ўхшайди: унинг тўлқинига бир тушган киши, ўз инон-ихтиёридан чиқиб, ана шу долғалар азмига бўйсунушга мажбур бўлиб қолади. Зокиржон Машрабов ҳам мутахассис, ҳам раҳбар, ҳам геолог эди; ҳаётининг мана шундай – уни қайдан олиб, қайга элтишини билмайдиган асов тўлқинлар гирдобида кечиши унга олдиндан аён эди: ўзи шу соҳани танлаган, ота-онаси унга фотиҳа беришган эди...

Икки йилдан сўнг уни Ўзбекистон Министрлар Совети (ҳозирги Вазирлар Маҳкамаси)га, оғир саноат бўлими бошлиғига ўринбосарликка олишди. Айни шу йили илмий фаолият борасида ҳам бир довондан ошди: диссертацияни ёқлаб, геология-минералогия фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

1970 йили «Андижоннефть» бошқармасига бошлиқ бўлиб, ўз яқинлари бағрига қайтдию кўнгли анча ором топди. Аммо Зокиржон Машрабов бир жойда узоқ турмаслик, юрт кезиш, геологлик-сайёҳлик ҳаёт тарзига айланиб қолганини билса-да, келажакда уни не-не йўллар, сафарлар кутаётганини эҳтимол ўша маҳалларда ўйламагандир. Балки, ана шу юртма-юрт кезишлар, мусофирчиликлар унда ўз элига меҳри-муҳаббатининг ортишига, эътиқод даражасига айланишига сабаб бўлгандир? Бу ҳақда кейин...

Беш йил ўтиб, вилоят пахта тозалаш бирлашмасига бошлиқлигига кўтарилди. Яна тўрт йилдан кейин Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

1985 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институтининг Шарқий Ўзбекистон (Фарғона водийси) бўйича раҳбари бўлиб ўтди. Балиқ сувга

талпингандек, Зокиржон ака ўзининг севимли касби – геологиядан кўнгили узолмас, бошқа юқори лавозимларда ишлаган пайтларида ҳам ҳаминиша жабҳадаги янгиликларга қизиқиб, бу борада олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида имкон қадар қатнашиб туриш пайида бўларди. Шу боисдан ҳам Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раислигидан бўшаганда (бўшаш тафсилотлари кейинроқ баён этилади) унга тавсия қилинган вазифаларга кўнгли чопмай юрди. Унинг бу кайфияти, ўз касбига иштиёқининг кучлилигидан хабар топган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология илмий-текшириш институти директори, геология-минерология фанлари доктори, академик Ғани Мавлонов телефон орқали Зокиржон акани қидиртиради. Зокиржон ака кўнгироқ қилганида директор у билан учрашиш истагида эканлигини айтади. Машрабов, албатта, катта олим, устознинг бу хоҳиши, эътиборидан мамнун бўлиб Тошкентга учади. Ғани Орифхонович Зокиржон акани билар ва унинг геология соҳасидаги салоҳиятини, раҳбар сифатидаги ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва бошқа фазилатларини қадрларди, уни Фарғона водийсида геосейсмология ишлари бошқарувида раҳбарлик лавозимида мўлжаллаган эди. Зокиржон ака бундай таклифни рад этолмасди, аксинча, бажонидил рози бўлди. Директор янги, ҳали давлат рақами олинмаган автомашина – «Уазик-469» унинг ихтиёрига берилажagini ваъда қилади. Ойлик маоши эса аввалги мансабидагига қараганда анча юқори эди.

У энди ўзига хон, ўзига бек эди, яйраб-яшнаб ишларди. Фарғона водийсидек табиати гўзал, ҳавоси тоза, катта ҳудудда гидроосейсмологик кузатувлар, сейсмостанциялар, магнитометрия, муҳандислик геологияси ва бошқа йўналишлар бўйича илмий-текшириш ишлари олиб бориларди. Табиатан серҳаракат, креслода эрталабдан кечгача, баъзида ярим тунгача қадалиб ўтиришдан, кўнгироқбозликдан, арзгўйлардан, ўзидаги ва юқори идоралардаги бир неча соатга чўзиладиган мажлислардан зада бўлган Зокиржон ака ўзини озодликка чиққан кушдай сезарди. Бошқарув марказининг ўз шаҳри – Андижондалиги нур устига аъло нур эди.

Бу вақтга келиб, собиқ СССРда анча-мунча ижтимоий эркинликлар, янги тузилмалар юзага кела бошлади. Янгилик тарафдори, изланувчан Зокиржон акада ҳам Андижонда мустақил корхона ташкил этиш фикри туғилди. Албатта, ҳар қандай янгилик ўз-ўзидан, осонликча юзага чиқмайди. Маҳкамаларда қоғоз титкилаб ўтирадиган бюрократлар ҳамма замонда ҳам ташаббуслар, ихтиролар, кашфиётларга тўғаноқ бўлиб келган. Зокиржон ака ҳам пойтахт ва Андижондаги тегишли ташкилотлар орасида хийла елиб-югурди ва 1989 йили Андижон вилояти ижроия қўмитаси қошида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фарғона водийсидаги хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи илмий ишлаб чиқариш марказини тузиб, уни рўйхатдан ўтказишга муваффақ бўлди. Янги жамоа таркибини шакллантириб, ишга киришди. Маълумки, ҳар қандай иншоот қурилиши олдидан ўша жойда геологик тадқиқот ўтказилиши шарт. Айниқса, юқори сейсмик ҳолатга эга бўлган ҳудудда бу нарса ўта муҳимдир. Андижон эса кўп ва кучли zilзила содир бўлиб турадиган юқори сейсмик минтақа ҳисобланади. Тўғри, ҳали техника ва бошқа воситалар етарли эмас эди. Секин-аста химия лабораторияси, кейинроқ, тупроқнинг физик-механик хусусиятларини ўрганувчи лаборатория ташкил этилди. Вақт ўтиши билан пармалаш ускуналари олиб келинди ва тўлақонли муҳандислик-геологик тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари вужудга келди. Марказга мутахассислар, ёшлар жалб этилиб, Фарғона водийсининг соҳа бўйича эҳтиёжи тўла қондирила бошланди.

Жамоа Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда топогеодезик, муҳандислик-геологик қидирув ва сейсмогеофизик йўналишлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориб, халқ хўжалигининг ривожланишига самарали ҳисса қўшиб, эътибор қозонди.

Марказ қисқа муддатларда 300 га яқин муҳандислик-қидирув ишларини бажаришга муяссар бўлиб, қурилиш майдонларининг ҳолатини аниқлаб берди, Андижон, Куйганёр, Ҳаққулбод, Шаҳрихон шаҳарлари, Бўз тумани маркази сейсмомикрорайонлаштирилди ва ушбу лойиҳалар Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланди.

Мустақиллик бошланган кезларда ишлаб чиқариш маркази давр тақозосига кўра, хусусийлаштирилиб, муҳандислик-геологик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди ва у «Мадор» номи билан аталди. Бирлашманинг асосий фаолият йўналиши вилоят ва водийдаги кўплаб йирик-йирик корхона, иншоотлар, шу жумладан, фабрикалар, мактаблар, шифохоналар заминини пухта ўрганиб, қурилишлар учун муҳандислик-геологик хулосалар тайёрлаб беришдан иборат эди. Бирлашма бажарган ишларни тасаввур қилиш учун Лойиҳа илмий-текшириш институтининг қуйидаги тавсифини ўқиш кифоя деб ўйлаймиз:

*«Ўзбекистон Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш маркази негизда юзага келган «Мадор» муҳандислик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1989 йилдан буён иншоотлар қуришга мўлжалланган майдонларда ер сатҳини топография усули билан ўлчаш, муҳандислик-геология кузатувлари ўтказиш, zilзилага бардошлилигини аниқлаш бўйича фаолият олиб бормоқда. Жамоа шаҳар ва туман марказларини сейсмомикрорайонлаштириш чораларини ахтармоқда. Жамоа малакали мутахассисларга эга. Бирлашма зарур жиҳозлар ва лаборатория ускуналари билан таъминланган. Қурилиш объектлари бўйича берган буюртмаларимизни ўз вақтида адо этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бажарилган ишлар сифати бугунги кун талабларига тўла жавоб беради, деб ҳисоблаш мумкин.*

*«Мадор» фирмаси иш бошлагач, у ташкилотлар, буюртмачиларнинг пойтахтга югуришларига барҳам берди, бу эса яхшигина иқтисодий самара бериш билан бирга, қурилаётган объектлар таннархининг арзонлашувини таъминляпти».*

Бундай баҳо, тавсифлар лойиҳалаш ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан кўп бора берилганидан ҳам «Мадор» фаолиятининг нақадар муҳим, фойдали ва самарали эканлигини чамалаш мумкин.

Оз ишдан қоникмайдиган, бир соат, бир дақиқа бекор ўтиришни хоҳламайдиган, бунақа иш тарзига кўникмаган Зокиржон Машрабов югуриб-елиб, 1992 йили Бобур номидаги халқаро жамғармани ҳам ташкил этди.



Дарвоқе, Зокиржон аканинг геологлик фаолияти тафсилотларининг ўзи бир неча жилдли китобга сиғмайди, унинг дунёдаги аҳолиси энг зич шаҳарлардан бири Андижондек кўхна, муаммолари кўп ва мураккаб шаҳар раҳбарлиги йилларидаги эзгу ишлари ҳақида ҳам ҳар қанча ёзса арзийди. Лекин биз асосан Зокиржон аканинг серқирра фаолиятини унинг ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам ғоят қадрли ва муҳим қирраси хусусида муфассалроқ сўз юритмакни ният қилдик. Зокиржон Машрабовнинг биз санаган бошқа «қирралари» бевосита унинг хизмат вазифаси, лавозими билан боғлиқ эди, дейиш мумкин, лекин Бобур мавзуи, Бобур ишқи, Бобур номини абадийлаштиришга оид барча ниятлари, саъй-ҳаракатлари унинг дил амри, юрак нидолари, шахсий орзулари эди. Андижонда, бутун Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда ҳам Бобур асарларини севиб ўқийдиган, унга меҳру-муҳаббати юксак, Бобур ва бобурийлар салтанати даврида бунёд этилган жаҳоншумул аҳамиятга молик илмий-тарихий, маданий мерослар, ўлмас обидалардан ҳайратга тушиб, ич-ичидан тасанно айтадиган инсонлар кўпдир. Бироқ, бошқа даъвогарлар бўлса, мени маъзур тутсинлар, илло, менинг назаримда ўз юртидан мосуво этилган, ўз халқи ёдидан мажбуран чиқарилаётган Заҳриддин Муҳаммад Бобурни ўз ота-она юртига қайтариб келиш, унинг муборак исми шарифини бемалол, бор овоз билан фархланиб айтиш, Бобурнигина эмас, унинг биз яхши билмайдиган ўғиллари, неварачеваралари – Ҳиндистондек бепоён мамлакатда 330 йилдан зиёд ҳукмронлик қилиб, ҳинд элини ёвлардан ҳимоялаб, тинч-омонликда сақлаб келган подшолар – Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзебдан тортиб, то Баҳодиршоҳ II – Зафаргача бўлган бобурийларни ҳам халқимизга яхшироқ танитиш, хусусан, ёшларимизда буюк аждодларимизга, энг аввало зиёлиларимизга нисбатан меҳрумуҳаббат уйғотиш, дунёда шундай юртдошлари ўтганлигидан фахрланиш туйғуларини уларнинг қалбига сингдиришга энг кўп жонкуярлик қилган инсон - бу Зокиржон ака бўлса керак. Балки шунинг учун ҳам икки гапининг бирида ифтихор билан «Бобур бобомиз», «Темурий бобокалонларимиз» дер ва менинг наздимда у шундай дея олишга, Темурий – бобурийларга эвара бўлишга, улар билан фахрланишга ҳақли бир зотдир.

## МЕХР ИЛДИЗЛАРИ

Хўш, асли касби геологлик, асосий соҳаси ва фаолияти раҳбарликдан иборат Зокиржон Машрабовда Бобурга кизиқиш қандоқ пайдо бўлдию, не сабабдан у одам бу улуғ ҳамюртимизга бағишланган маърифий кечаларда фаол иштирок этиб, маърузалар қилиб, унинг юбилейи муносабати билан амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирларнинг жонкуяр ижрочисига айланиб қолди, деган савол туғилиши табиий, албатта.

- Аслида, - дейди Зокиржон аканинг ўзи бу борада, - Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳурмат, эътиқодим илгаридан бўлса ҳам, унинг номини абадийлаштириш, бобурийлар шону шавкати уларнинг асл ватанида ҳам тиклаш фикри менда 1980 йилларда туғилган эди. Тўғриси, тан олишим керак, Бобурнинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар менга ёқарди, «Бобурнома»ни варақлаб чиққанман, лекин Бобурнинг шахсий ҳаётига бирдан астойдил қизиқиб қолишимга ҳурматли адибимиз Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи сабаб бўлди.

Ҳа, Зокиржон Машрабов аввалги лавозимларда бўлгани каби Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг раиси вазифасида ҳам вақти-вақти билан бадий асарлар ўқиб турарди. Тўғри, у пайтда, амалдорлар орасида китоб жавонларини асосан рус тилида чоп этилган китоблар билан безаш (ҳа, айнан безаш!) урф эди. Зеро, жавондаги китобларнинг ўқилиш-ўқилмаслиги кейинги масала эди. Зокиржон ака эса, она тилида битилган бадий асарларни доимий мутолаа қилиб турарди. Ҳамкасб-қадрдонлари Юнусали Пиримкулов, Жўра Мамажоновлар билан (оилалари ҳам) сайёҳлар сафида Ҳиндистонга отланишганида Зокиржон ака таниқли адиб Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи чоп этилган ва ўша даврларда катта адабда тарқаладиган, халқимизнинг, хусусан, зиёлиларнинг энг сеvimли журнаliga айланган «Шарқ юлдузи»ни ўзи билан ола кетган экан. Мана шу фактнинг ўзи кишида яхши таассурот қолдиради. (Мен бир вақтлар ўттиз олти кишидан иборат сайёҳлар гуруҳини бошқариб, Венгрия,

Чехославакия мамлакатларига борганимда, ҳамсафарларимнинг биронтасида китоб кўрмаган, хорижий юрт шаҳарларида уларнинг ўзларини асосан тижорат дўконларига уришганига гувоҳ бўлиб, хайрон қолган ва хийла изза тортган эдим.) Айниқса, ўша замонларда ўзбеклар учун бағоят сеҳрли ва дилтортар юрт бўлган Ҳиндистоннинг, журналистика таъбири билан айтганда, диққатга сазовор жойлари, шаҳарлари бисёр эди: Дехли, Бомбей, Жайпур, Кашмир, Агра... Ҳайратлар бир олам, ҳамроҳлар ўз таассуротларини ўртоқлашиб қизгин суҳбатлашишар, баҳслашишар, Зокиржон аканинг хаёли эса Ҳиндистонда салкам уч ярим аср ҳукмдорлик қилган бобурийлар сулоласининг асосчиси, лирик шоир, серкирра олим, жасоратли саркарда ва бағоят олижаноб инсон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жабру жафоларга тўла қисматидан ҳикоя қилувчи романда эди. Меҳмонхоналарда фурсат топди дегунча журналга ёпишар, ҳатто автобусларда ҳам уни кўлдан қўймас эди. Авваллари ҳам шубҳасиз бадий асарлар ўқиган, лекин китобга бу қадар берилиб, муккасидан кетганини эслай олмасди. Бобур Мирзонинг ўз ватани Андижон ва бобо юрти Самарқанд ўртасидаги сарсон-саргардонликлари, ғалаба нашидасию мағлубият аламлари, яқин кишиларнинг хоинликлари, суюкли эгачиси Хонзодабегимнинг аччиқ тақдири, Ҳисор йўлидаги дарбадарликлар, шоҳлик рутбасидан-да воз кечиб, яланг оёқ, товонларини қиррали тошлар, тиконлар чақа қилиб тоғу дашт кезишлари, музтарликлар Зокиржон аканинг юрагини эзар, бечора подшоҳнинг рўшнолик кўрган дамлари тасвирланган лавҳаларни излаб-интиқарди. Ниҳоясида эса шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ҳаёти яхлит олинганда армонлардан, афсус-надоматлардан, ватан соғинчи, ота юрт ҳажри-фироқидаги беҳисоб алам-изтироблардан иборат эканлиги унинг дилини пора-пора қилди. Машҳури жаҳон обида «Тожмаҳал» зиёратидан чиқишгач, муҳаббат, садоқат ёдгорлиги мудом аксланиб турадиган ҳовуз қирғоғида, мармар супанинг бир чеккасида ўтирганча, асарнинг охириги саҳифаларини ўқиркан, Бобур Мирзо ҳаётининг сўнгги кунларида тўнғич ўғил, фарзанди аржуманди Хумоюн Мирзо билан бўлиб ўтган шарқона суҳбат, шоҳнинг кўзи очиклигида тожу тахтни ўғлига инъом қилиши, фарзанди қобил, содиқнинг эса азбаройи падари бузрукворига беқиёс меҳри-

муҳаббати туфайли, шарқона, ўзбекона одоб-андиша тақозосига кўра ота мансаби - подшоликни сидқидилдан рад этиши ҳақидаги сатрларни хайрат ва ҳаяжон билан ўқир экан, кўз ёшларининг журнал варақларини хўл қилаётганига ҳам эътибор бермас эди. Зокиржон акага ўшанда ота-ўғилнинг самимий муносабати, ўзаро ҳавас қилгулик меҳрибонлиги, оталик ва фарзандлик бурчларининг юксак ифодаси қаттиқ таъсир қилган ва Эркин Воҳидовнинг «Келажакка мактуб» деган шеърини эслаган эди...

Шеърнинг мазмуни тахминан шундай эди: қай бир шоҳ тож-тахт таллашиб ўз фарзандини қилич билан чопиб ташлаб, қўлини қонга бўйяди, қай бир шоҳ эса оламдан ўтмай туриб тожу-тахтини ўғлига инъом этади... Буларнинг бири – Иван Грозний, иккинчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди...

Ўшанда Бобур Мирзонинг ҳақиқий темурийзода эканлиги, истеъдодли саркардалиги, адолатли ҳукмдорлиги, сабот ва матонати, шарқу ғарб олимлари, муаррихлари, адибларини хайратга солган, тан бердирган бошқа қатор фазилатлар эгаси эканлигига Зокиржон аканинг имони комил бўлган ва шундай буюк инсон ўзининг миллатдоши, ватандоши эканидан қалбида ифтихор ҳислари жўш уриб кетган, фақат унинг ўз юртида ҳақиқий баҳосини олмаётгани, етарли кадр топмаётганига ич-ичидан таассуфланган эди. Худди ана шу лаҳзаларда сафарда бўлса-да, Бобур Мирзо номини биринчи галда унинг киндик қони тўкилган Андижонда абадийлаштириш, адабий фаолиятини чуқурроқ ўрганиш ва тарғибот қилиш, ўз ворисларига етказиш йўллари, чораларини ахтариш, бунинг учун ўзининг бутун куч ва имкониятларини ишга солишни, керак бўлса, ўз лавозимидан ҳам фойдаланишни, бу ниятини сафардан қайтиши биланоқ амалга оширишга киришишни дилига тугиб қўйди.

Зокиржон ака ишни Бобурнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарликнинг қай аҳволдалиги, юбилей муносабати билан белгиланган тадбирлар ижроси билан қизиқишдан бошлади. 1983 йили ёз ойида Андижон шаҳрида ёзувчи Хайриддин Султон таърифлаган «Бобур лирикаси ва мақом кечаси»ни ташкил этди, унга узоқ-яқиндан, Тошкентдан таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорларни таклиф

қилди, кечани ўтказишда Андижон шаҳри ижроия қўмитаси раиси сифатида ўзи бош-қош бўлди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фавқулодда истеъдодидан хайратга тушган, машаққатлар, армонларга, надоматларга тўла бесарамжон ва беором ҳаётдан мутаассир бўлган ва уни жон-дили билан севиб қолган ёш қаламкаш Хайриддин Султон бу улуғ зот боши узра қора булутлар қуюқлашаётган бир даврда у ҳақда ҳикоялар, қиссалар битишга жазм қилган, тўғрироғи, журъат этган эди. Эндиликда Бобурнинг энг жонқуяр, фидойи, собит тарғиботчиларидан бири, таниқли ёзувчи шундай хотирлайди:

*«1983 йил, 16 июль Андижон.*

*Ҳафтанинг бошида Андижонда Бобур Мирзонинг 500 йиллик тўйи муносабати билан шеър ва қўшиқ кечаси ўтказилиши ҳақида хабар келди. Севиқли шоиримиз Абдулла Орипов билан мен шу тадбирга таклиф этилдик.*

*Бу пайтга келиб Бобур ҳазратларининг номи атрофида тагин қора булут айланиб қолган эди. Яъни навбатдаги шўро раҳбарларидан бири миллий маънавият ва қадриятларга қарши «салб юриши» эълон қилган, табиийки, биринчи зарбага Бобур Мирзо дуч келган эди.*

*Шундай бир вазиятда Андижон шаҳрида ҳазрати Бобур таваллудини нишонлашга журъат этилиши таҳсинга сазовор бир жасорат эди.*

*Шу боис ҳам Абдулла ака иккаламиз таклифни мамнуният ила қабул қилиб, жазирама иссиққа қарамай машинада йўлга чиқдик ва оқшом чоғи Андижонга кириб бордик.*

*Алқисса, эртаси кун кечқурун Андижоннинг ўша машҳур ёзлик боғида, афсонавий Семург қуш ҳайкали ёнида бобурона файзли бир анжуман ясалди. Фарғона водийсининг тўрт томонидан келган оташнафас ҳофизлар Бобур Мирзо қўшиқларини ҳарорат билан куйладилар, шоирлар байту газаллар ўқидилар.*

*Шу оқшом кейинчалик ниҳоятда машҳур бўлиб кетган «Анда жоним қолди менинг» қўшиғи илк бора янгради.*

*Халқ бу каби нафис бир мажлисни кўндан созинган экан, бутун вужуди қулоқ бўлиб сомеълик қилди.*

*«Бугун ҳазрати Бобур Андижонга, сизларнинг ҳузурингизга қайтиб келгандек бўлди», дея лутф қилди Абдулла ака ва бу фикр, дарҳақиқат, ўша жамоат кайфиятининг яққол ифодаси эди.*

*Бобур Мирзо тўйининг тўйбошиси – эллик ёшлар чамасидаги, оқ-сарик юзли, хатти-ҳаракатларидан гайрат ва қатъият ёғилиб турган бир киши эътиборимни тортди. Бу одам улкан издиҳомни моҳирона бошқарар, қиёфасида ниҳоясиз шодумонлик акс этар – баайни ўз отасининг тўйини ўтказайтгандек жонсарак ва масрур бир кайфиятда юрар эди.*

*Бу киши Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг раиси Зокиржон Маширабов экан.*

*Анжуман аввалида у «Бобур - буюк шоир ва олим» деган мавзуда маъруза қилди. Маърузани ботиний бир эҳтиром билан қироат қиларкан, дилидаги ҳаяжони шундоққина сезилиб турарди.*

*Унинг Бобур Мирзо ҳақидаги ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида «тадбир» эмас, тақдирнинг нафаси зуҳур этарди.*

*Ярим кечага қадар давом этган бобурхонлик адоғига етгач, шаҳар ижроқўмининг салқин боғида бир пиёла чой устида Бобур Мирзонинг ноёб фазилятлари ҳақида сўз борди. Ижроқўм бува «Ёшлик» журналида «Саодат соҳили»ни<sup>1</sup> ўқиган экан, суҳбат асноси нозик бир зарофат ила эслатиб ўтдилар.*

*Эртаси куни Абдулла ака билан самолётда Тошкентга қайтдик. Андижондаги оташин бобурпараст Зокиржон акани иккимиз ҳам дам-бадам эслаб юрдик».*

*Хайриддин Султоннинг жўшқин хотираларига фақат шуни илова қилиш керакки, ёзувчи эҳтирос билан таърифлаган кечада таниқли ҳофизлар Фаттоҳхон Мамадалиев, Толибжон Бадиновлар ҳам Бобур ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалари билан юракларни сел қилган эдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Қодиров халқ шоири Абдулла Орипов лутфига*

---

<sup>1</sup>Мазкур сатрлар муаллифининг Бобур Мирзо ҳақидаги қиссаси.

жавобан сахна – минбарга Бобур сиймосида чиқиб: «Мен Андижонга – ўз юртимга қайтиб келдим» деган сўзлари билан ҳаммани ҳаяжонга солган эди.

Анжуманга кечикиброқ етиб келган Шерали Жўраев Бобур ғазалига «Насруллои» оҳангида куй басталанган «Баҳор айёми» ашуласини илк бора шу оқшом куйлаб, Бобур ва қўшиқ ихлосмандларининг бисёр олқишларига сазовор бўлган.

Ана шу кечада Зокиржон аканинг ижроқўм раиси сифатида эмас, балки Бобур мухлиси, унинг фидойи тарғиботчиси сифатида ҳаяжон ва эҳтирос билан қилган маърузасини андижонликлар ҳали-ҳали хотирлашади.

Дарҳақиқат, Зокиржон Машрабов ўша биргина тадбир баҳонасида кўплар қатори Абдулла Орипов ва Хайриддин Султонлар қалбида ўзига нисбатан айрича эътибор уйғотган эди, бу эътибор меҳрга, уларни бир-бирларига боғловчи риштага айланди. Кейин улар турли сабаблар билан бот-бот учрашиб турадиган бўлишди. Хайриддин Султон экспедиция аъзоси сифатида дастлабки сафарга қатнашиб, Бобур Мирзо, Зокиржон Машрабов, сафар тўғрисидаги таассуротлари, кузатишлари, тавсифларини “Бобурийнома” номли йирик ҳажмли, мазмундор, бадиий бўёқларга, лутфларга, мутойибаларга бой китобида ифода этди, Абдулла Орипов эса Бобур ва Зокиржон ака, уларнинг азиз юрти Андижон ҳақида ажойиб шеърлар битди:

*Дунёга доврўқ солдинг доим нозик таъб бўлиб,  
Бобурингни изладинг Зокиржон Машраб бўлиб.*

\*\*\*

Аввалроқ Андижоннинг Эски шаҳар худудида шаҳар тарихини ўрганиш учун археологик қазилма ишлари олиб бориш масаласи Зокиржон Машрабов томонидан кўтарилган, лекин бу хайрли мақсадни амалга оширишга маблағ масаласи кўндаланг бўлган эди. Шаҳар раҳбари лавозимини эгаллагач (1985 йилга қадар) вилоят ва Андижон шаҳар партия комитетларидан пинҳона Археология институти раҳбарияти билан шартнома тузиб, шаҳар ижроия комитети бюджетидан ҳар йили 25 минг сўм (у пайтда бу анча салмоқли сумма эди)дан маблағ ажратиб берди. Шу тариқа Андижонда археологик қидирув

бошланди. Бу ишга Зокиржон ака шаҳар ижроия комитети раиси сифатида мутасаддилик қилар, геолог сифатида эса ўзи ҳам бевосита иштирок этар эди.

- Андижон Бобур давридагина эмас, аввалдан пойтахт, марказ эди, демак, унинг асл ёши биз билган, тахмин қилгандан анча катта бўлиши керак, - дейди Зокиржон ака. - Ахир, тарихий манбаларда таниқли мутафаккирлар, жумладан Наманган фарзанди Исоқхон Ибрат “Фарғона тарихи” китобида “Андижон Фарғона водийси шаҳарлари ичида энг аввалги ва қадимийсидир. Андижон тўрт минг йил муқаддам, яъни Ўғизхон вақтида ҳам ободон шаҳар экан. Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт қилган” деб ёзган-ку. Хуллас, мақсад – Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардан бўлмиш Андижоннинг ҳақиқий ёшини аниқлаш эди.

Ўша маҳалда Археология институтининг директори академик Аҳмадали Асқаров эди. Самарқанд вилоят ижроия комитетида учрашиб қолиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда у киши: «Зокиржон ака, сизнинг ташаббусингиз ва ҳомийлигингизда Андижоннинг 1750 ёшини тасдиқлайдиган далилларга эришдик, яна икки-уч йил қаттиқ иш олиб борсак, шаҳарнинг икки, мумкин, икки ярим минг йиллигини нишонласак, ажаб эмас», деган эди суюнчилаб...

Матбуот хабарларига қараганда, ўшанда қазилма ишлари икки йўналишда бошланган эди. Бири – аркнинг жанубий қалъа девори – Ташкилот кўчаси бўйлаб 500 – 600 метр, Бобур номидаги вилоят кутубхонаси ғарброғида. Иккинчиси – ҳозир Бобур музейига айлантирилган собиқ Ҳожар ноиб мадрасаси ҳовлисида (Деҳқон бозори ёнида). Қазилма чоғида Бобур давридаги шаҳар айнан ана шу ҳудудларда ўрнашганлигини исботловчи ашёлар, қолдиқлар топилган, Аркнинг, унинг атрофини ихоталовчи қалъа деворларининг ҳам XIV асрда барпо этилгани аниқланган.

Қалъа деворларининг тузилиши унинг шаҳарни муҳофаа қилиш мақсадида қурилганидан далолат берарди.

Собиқ Ҳожар ноиб мадрасасида олиб борилган қазилма ва тадқиқотлар пайтида катта арк қолдиғи бўлмиш иккита маданий қатлам, сирли бўёқлар билан нақшланган меъморчилик плиталари чиққан. Улар бу ерда ҳам арк ичидаги каби пухта иншоотлар бўлганлигини тасдиқлар эди. «Бобурнома»да эслатилган Эсондавлат бегим (Бобурнинг бувиси)га қарашли Қўштегирмон чорбоғи, боғ ёнидаги қўриқхона ҳозирги Андижоннинг шимоли-шарқий қисмида, бугунги Қўштегирмон маҳалласи ўрнида жойлашган, эҳтимол, Бобур даврида ўша ерда



тегирмонлар бўлиб, жойнинг номи шундан келиб чиққандир, деган фаразлар айтилган.

Орадан йиллар ўтиб, Бобур халқаро фонди Археология илмий текшириш институтининг кейинги директорлари Т.Ширинов, Ш.Пидаевлар билан ҳам шартнома тузиб, илмий изланишларни давом эттирди.

Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан «Арк ичи»ни қайта тиклаш баҳонасида ўша ҳудудда ҳам археологик қидирув ишлари ўтказиш керак, деган таклиф ўртага ташланди. Чунки, тарихий аҳамиятга эга бўлган бу жой ҳам тарихчи олимлар, зиёлилар, умуман, юртимиз тарихи билан шуғулланувчи кишиларни ўйлантириб келаётган муаммо эди. Бу ердан Андижон шаҳрининг ёшини аниқлашга ёрдам берадиган янги ашё ва далиллар чиқиб қолса, деган умидлар билдирилди. Шунингдек, қидирув натижасида деворни тиклаш ёки ўз ҳолича унинг тарихий аҳамияти ва қимматини халқимизга, юртдошларимизга, хорижий меҳмонларга ва келажак авлодга етказишдек муҳим масала ҳам ҳал бўлиши мумкин эди.

## **МОЗИЙГА ҚАЙТИШ**

### **(«Арк ичи»нинг қайта тикланиши)**

Бобур лирикаси ва мақом кечасидан кейин Зокиржон ака вилоятнинг кўзга кўринган шоир-ёзувчилари, тарихчилари, зиёлилари ва бошқа дахлдор кишилар билан маслаҳатлашиб, Темирчилик маҳалласидаги эски масжид-мадрасани – «Арк ичи»ни қайта тиклаш режасини тузишди. Бунинг қисқача тарихи бундай:

Тарих ва адабиёт ихлосманди Валижон Дадажонов бир иш билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига кирган эди, бўлим масъул котиби, таниқли шоир Олимжон Холдор билан суҳбатлашиб ўтириб қолишди. Мавзу айланиб-айланиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурга тақалди. Ўша пайтда (1982 йили) Бобур таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори чиққан бўлиб, қарорда шоирнинг ватани Андижонда унинг музейини

барпо қилиш, илмий-амалий анжуман ўтказиш каби бандлар бор эди. Вилоятда ана шу ишларни амалга оширишга тайёргарлик бошланиш арафасида эди.

Олимжон Холдор мана шулар ҳақида гапира туриб, Бобурнинг уй-музейи куриш мўлжалланаётгани, лекин унинг номи билан боғлиқ тайинли бир жой йўқлигига таассуф билдириб ўтди.

- Шундай жой бор-ку, -деди Валижон Дадажонов.

- Қаерда бор? – деб сўради Олимжон Холдор чехраси очилиб.

- Эски шаҳарда.

- Эски шаҳарнинг қаерида?

- Шундоқ Темирчиликнинг этагида, бозорнинг кун ботиш томонидаги дарвозага етмай, қовун сотадиган жойнинг чап биқинида.

- У ерда қанақа тарихий иншоот бор? – яна таъкидлаб сўради Олимжон Холдор, чунки айна шу масалада унинг боши жуда қотиб турган эди.

- Ҳа, ўша ерда «Арк ичи» деган жой бор. Тўғри, ҳозир у ерда мадрасадан бир нечта хужра қолган холос, вайронасифат бўлиб ётибди. Лекин таъмирлаш мумкин. Тайёр музей бўлади-қолади.

Олимжон Холдор аввалига ажабланди: наҳотки Андижон шаҳрида шунча яшаб, ишлаб, Бобур Мирзо даврига оид ўша кўҳна ёдгорликни билмаса, кўрмаган бўлса? Тўғри, Эски шаҳарда «Арк ичи» деган маҳалла борлигини биларди, лекин айнан «Арк ичи»нинг қаердалигидан беҳабар экан. Лекин ҳозир, муҳими, музейбоп ҳудуд ҳақидаги фикрнинг юзага келиши эди.

Дадажонов Ўзбекистон Маданият вазирлигига қарашли вилоят тарихий ёдгорликларни сақлаш давлат инспекциясининг бошлиғи эди, шунинг учун унинг гапига ишонса бўларди.

Олимжон Холдор бу янгиликни эртага шаҳар ижроия комитетида бўладиган йиғинда айтишни дилига тугиб қўйди.

Эртасига, жума куни эди, Олимжон Холдор барвақт, соат етти ҳам бўлмай, шаҳар ижроия комитети биноси олдига етиб келди. У ерда Андижон Тиллар институти ректори, шоир Ҳайитбой Азимий, Педагогика институти профессори, шоир ва адабиётшунос Ҳошимжон Раззоқов, математик-шоир Амонулло

Валихонов, Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш устахонасининг бошлиғи Мажидхон ака Турсунов ва яна бир неча киши тўпланиб туришган эди. Соат роппа-роса еттида шаҳар ижроия комитетининг раиси Зокиржон Машрабов ҳозир бўлди.

Раис ҳузурида Бобур таваллудининг 500 йиллигини қандай нишонлаш ва унинг уй-музейини барпо қилиш ҳақидаги масала муҳокама этилди. Маълум бўлдики, Зокиржон Машрабов Олимжон Холдор суюнчиламоқчи бўлган янгиликдан аллақачон хабар топган экан.

- Ҳозир ҳаммамиз битта машинага ўтириб борамиз-да, Арк ичини кўрамиз, қолган гапларни ўша ерда кенгашамиз, - деди у.

Кичик автобусда Темирчиликка боришди. Ҳақиқатан бу деярли ҳамма биладиган, лекин эътиборни тортмайдиган, хароб бир ҳовлига ўхшаган жой, бозорнинг овлоқ бир бурчаги эди. Икки томондаги бир неча хужра, ўртадаги ҳовуз қолдиғи чиндан ҳам бир вақтлар бу масканнинг дурустгина мадраса бўлганидан далолат берарди. Тўғриси, у собиқ аркнинг атрофи ҳам носаришта эди, бунинг устига бозордаги бесарамжон одамларнинг шовқин-сурони, босқону болғаларнинг гурсиллаган овозлари эшитилиб турарди. Лекин нима қипти, гавжум макон, раста, устахоналар таъмирланиб эпақага келтирилса, кўча ҳам, теварак ҳам ўз-ўзидан ободонлашади. Энг муҳими, ахир, Фарғона музофотининг пойтахти Андижоннинг маркази шу ер, бинобарин, подшо Умаршайх Мирзонинг саройи шу атрофда бўлган. Бобур ҳам тахминан шу депарада туғилган деб фараз қилинади-ку, - деган мулоҳазалар кечди Зокиржон Машрабов кўнглидан. У таъмирлов бўйича мутахассис ва мутасадди Мажидхон Турсуновга юзланди.

- Сиз нима дейсиз?

- Жуда тўғри фикр, ўтмишда, Бобур даврида шаҳарнинг киндиги шу жой эди. Шунинг учун ҳам бу ер «Арк ичи» маҳалласи дейилган. Эҳтимол Арк ичи айнан мана шу мадрасанинг ўрнида бўлгандир.

- Бу масала энди тарихчиларимизга ҳавола, лекин, ҳарқалай, Бобур бобомизнинг шу мавзеда, шу ҳудудда туғилганига ишонса бўлади, - деди

Зокиржон ака шарт-шарт гапириб. –Хуллас, сизнингча бу ерни таъмирлаб обод килса, Бобур уй-музейига айлантурса бўладими?

- Албатта бўлади, -деди Мажидхон ака.

Шу пайт бозорнинг кун ботиш тарафидаги маҳалладан, қовун бозори рўпарасидаги илонизи кўчадан чиқиб келишаётган таниқли шоира Эътибор Охунова (унинг ота-оналари ўша маҳаллада яшашарди) билан журналист ва шоир Холдоржон Қурбонбоевлар таниш одамларни кўриб, шу томонга юришди.

- Келганингиз яхши бўлди, опа, мана шу эски масжид-мадраса Арк ичининг ўрни экан, -деди Зокиржон ака салом-алиқдан кейин. - Бобур бобомиз шу жойда туғилган экан, шунинг учун шу ерда Бобур уй музейини тикламоқчимиз. Демак, газетада шундай деб ёзсангиз, айти муддао бўлади.

Эътибор опа ҳам, Холдоржон ака ҳам бу янги хабардан, бу катта тарихий воқеадан ниҳоятда хурсанд бўлишганини изҳор этишган эди, Зокиржон ака янада ҳаяжонланиб кетди. У тагин Мажидхон акага юзланди.

- Демак, қачондан бошлаймиз таъмирлашни?

- Душанбаданок ишга киришамиз, Худо хоҳласа.

- Йўқ, –деди Зокиржон ака, - бунақа муҳим ишнинг бир кун бўлсаям эртаси яхши. Бугундан бошлайсиз. Мени ўринбосарим Барчиной Каримжоновна шу ерда штаб бошлиғи бўлиб сизга кўмаклашади. Ҳамма сизга ёрдам беради. Техникани, мана, мен етказаман. Нима муаммо туғилса, Барчиной орқали менга айтаверасиз. Аммо фурсат жуда зиқ, тез ҳаракат қилишимиз лозим. Иш вақти эрталаб еттидан. Музей битмагунча оддих йўқ...

Мулоҳаза: Андижон шаҳар ижроия комитети раиси вазифасида Зокиржон Машрабовдан бошқа одам бўлганда ҳам ўша жойга ўзи бирга борармиди ёки «Бориб кўринглар, маслаҳатлашиб, кейин менга фикрларингизни айтасизлар», дермиди...

Лекин кўпчилик ўйлаганидай, Арк – қалъа деворларини қайта тиклаш, қуриш, у ерни музейга айлантириш, обод қилиш енгил кўчмади. Ҳар жиҳатдан тиғизлик, кўча ва йўлларнинг торлиги ўзига хос бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Энг катта, энг асосий бош қотирма шунда эдики, «Арк ичи»

атрофида ўн бир хонадон яшарди. Уларни кўчириш, кўчириш учун хонадон эгаларининг айтган жойидан тайёр уй-жой ёки участка учун ер бериш, хуллас, бошпана билан таъминлаш зарур эди. У маҳалларда “дом”лардан бир хонадон ёки уй-жой қуришга чек олиш учун одамлар бир неча йиллаб навбатда турар ва тегишли маҳкамаларга қатнаб бир неча чорик йиртарди. Зокиржон ака ҳаммасини бўйнига олди.

Бироқ хонадонларни кўчириш ҳам жўнгина иш эмас эди. Ота-бобоси яшаб ўтган ҳовли-жойини, киндик қони томган масканини, қўни-қўшнилари билан кадрдон бўлиб, шу тарзда чуқур илдиз отиб кетган маҳалласини, савдо-сотик, бозор-ўчар ва бошқа жиҳатлардан ўзига қулай худудни қайси одам осонликча ташлаб чиқиб кетади?! Ўн битта ҳовлида ўрта ҳисобда бештадан бўлса – эллик бешта одам яшайди – бу эллик беш хил феъл-атвор дегани. Уларнинг тушунадигани ҳам, ғалчаси ҳам, нотаниш, носинашта қўнимгоҳга жилишни хоҳламайдигани ҳам бор! Яхшироқ жой илинжида ё вазиятдан фойдаланиб мўмайроқ пул ундириш умидида «Йўқ, кўчмайман, ота-онамнинг арвоҳини чирқиратиб кетмайман», деб оёқ тираб туриб оладиганлари чиқади!..

Хуллас, ўн бир хонадоннинг уйлари бузилиши ва эгалари кўчирилиши лозим эди. Ўн бир ҳовлида йигирма беш оила яшарди, улардан ўнтаси уй қуриш учун ер участкаси, саккизтаси квартира (кўп қаватли уйлардан) билан таъминлашларини, қолган етти оила эса тайёр уй-жой қуриб беришларини талаб қилишарди. Улар ҳақ эдилар, тинчгина яшаб турган гўшаларидан кўзгатирилган, ҳаловати бузилган, елкаларига бир дунё ташвиш юкланган мўмин бандаларнинг шартга тенг талабларини бажармасликнинг, эҳтиёжларини қондирмасликнинг иложи йўқ эди. Аммо Андижондай ихчам, аҳоли зич ва уй-жойларга ҳожатманд, муҳтожлар кўп бир шаҳарда бирданига ўшанча сўровни қондириш жуда мушкул муаммо эди!

Мана шу ва бошқа сабабларга кўра «Арк ичи»ни тиклаш сурилиб, чўзилиб кетди.

Санъатшунос, Андижон маданиятининг жонкуяр ва фидойи тарғиботчиларидан бири, узоқ йиллардан бери вилоят Адабиёт ва санъат музейи

директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Дилшод Юсупов шундай хотирлайди: «Асримизнинг зиддиятли 80-йиллари. Республикамизда буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда эди. Юбилейга халқаро ЮНЕСКО ташиқлоти ҳам бош қўшар экан, деган овозалар келди. Ўша вақтдаги Андижон шаҳар ижроқўмининг раиси Зокиржон Маширабов таклифи билан андижонлик ёш ҳайкалтарош Абдурашид Сулаймонов бог-хиёбонга мўлжалланган Бобур ҳайкалини ишлашга тушиди. Қўйиладиган жой ҳам аниқ - Жоме майдони билан «Китоблар уйи» ўртасидаги хиёбон. Ҳайкал учун шоҳсуна қилиниб, атроф ободонлаштирила бошланди. Бошида салла, ўйчан қиёфада ўтирган шоҳ ва шоир Бобур қиёфасининг лойдан тайёрланган сиймоси республика бадиий кенгаши томонидан яхши қабул қилинди. Бронзага ўтказиш учун гипсдан қолип ҳам олинди. Бу миллий қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг диний эътиқодлари оёқ ости қилинган, партия раҳбарларини ҳатто отаси ўлганда жаноза ўқиб, мазорга борганлиги учун лавозимидан четлатиб, партия сафидан ўчиришгача бориб етган, Амир Темури ва Бобур каби буюк бобокалонларимизни қонхўр босқинчига чиқарган манфур 16-плениум арафалари эди.

Хуллас, анчагача юбилей ҳақида ҳам, ҳайкал борасида ҳам ҳеч кимнинг оғиз очишга юраги бетламай юрди, лекин Бобур Мирзонинг 500 йиллик тўйи арафасида Навоий номли маданият ва истироҳат богининг чеккасидаги ёзги театр биносида «Бобур лирикаси ва мақом кечаси» ташиқил этилгани, Бобур газаллари билан айтилувчи дардли қўшиқлар янграгани ҳамон эсимда. Ҳайкал учун ҳозирланган шоҳсуна ўрнида эса фавворалар вужудга келди».

### **АЛОҲИДА СУҲБАТ...**

1981-1982 йилларда Андижон меъморий шаҳарсозлигида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. «Бош лойиҳа» асосида марказий майдон тубдан қайта қурилди. Уч қаватли ва етти қаватли маъмурий бинолар қад ростлади. Аммо негадир аср бошларида қурилган меъморий обида – «Оқ уй» (Савдо маркази)

бузиб ташланди. Бир вақтлар ҳайкалтарош Манизер томонидан қўйилган Ленин ҳайкали Бош майдон учун энди кичиклик қилиб, ўрнига Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси қарорига биноан «Ленин халқ билан» мавзудаги кўп тимсолли улкан ҳайкал гуруҳи – монументал иншоот режалаштирилди. Вилоят партия комитети бюроси топшириғига кўра, буюртмачи – Андижон вилояти, бажарувчи қилиб шаҳар ижроқўми раиси Зокиржон Машрабов тайинланади.

Салкам қирқ тонналик ёдгорлик - ҳайкаллар мажмуини Москвада қуйдириб келиш керак, бу эса ҳазилакам иш эмас эди. Машҳур ҳайкалтарош, академик, Москва шаҳридаги «Большой» театри олдида, Кубада ва собиқ СССРнинг йирик шаҳарларида қад кўтарган Маркс, Лениннинг улкан ҳайкаллари муаллифи Лев Михайлович Кербил билан шартнома тузилади. Ҳайкалтарош ишга тушади, Зокиржон аканинг Москвага қатновлари бошланади. Андижонда ўрнатилажак ёдгорликнинг ҳажми, бўйи шу қадар улкан эдики, Кербилнинг баланд, ҳайҳотдай устахонаси шифти ҳам унга пастлик қилиб қолади. Зокиржон аканинг боши қотиб турган бир пайтда Москвага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги Биринчи секретари Шароф Рашидов бир иш билан бориб қолади. Зокиржон ака унга учрайди ва юрак ютиб муаммони айтади. Ўзбекистон давлатининг раҳбари Кербилнинг устахонасига ташриф буюради, аҳволни ўз кўзи билан кўргач, ҳайкалтарош билан келишади-да, устахонани очиб, томини кўтариш юзасидан Зокиржон акага топшириқ беради. Зокиржон ака шаҳардан таъмирловчи қурилиш ташкилотини топиб, унга Андижон шаҳар ижроия қўмитаси бюджетидан пул ўтказиб беради.

Бу орада Зокиржон ака Лев Михайлович билан Митиши шаҳрига, санъат асарларини бронзадан қуювчи заводга ҳам бориб, масалани гаплашиб келишади. Кейин ўзи яна бир неча марта боради, завод билан, унинг маҳсулотлари билан танишиб юради, хаёлида эса ўзига топширилган вазифа ижроси... Иттифоқо, ёдига Рашид Сулаймонов томонидан гипседан ишланаётган Бобурнинг ҳайкали тушади-ю, уни ғалати бир фикр чулғаб олади. Ленин монументи баҳонасида бу ҳайкални ҳам бронзадан қуйдиришнинг иложи йўқмикин? Зокиржон ака завод директори Иванов билан танишиб, анча сирдош ҳам бўлиб қолган эди.

- Бизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур исмли улуғ бир мутафаккир ўтган, - дея гапни узоқдан бошлайди Зокиржон ака. – У Гёте, Пушкинлар билан бир қаторда эъзозланадиган шоир, қолаверса, давлат арбоби. У Андижон фарзанди...

- Ҳа-ха, эшитганман, - дея Зокиржон аканинг гапини бўлади завод директори, - халиги, Ҳиндистонда узоқ йиллар ҳукмронлик қилган император Бобурни айтяпсиз-да.

- Ҳа, худди ўша, – деб тасдиқлади Зокиржон ака. – Ўша инсоннинг ҳайкали ишлаб қўйилувди, шуни ҳам бронзага олиш керак эди-да...

- Марҳамат, - деб розилик билдиради Иванов.

Зокиржон ака ўзида йўқ қувониб кетади. Миннатдорчилик маъносида директорнинг кафтига кафтини қўяди.

– Раҳмат сизга, олижаноб инсон экансиз.

Лекин Зокиржон аканинг суюнчи узоққа чўзилмади. Ивановнинг ваъдаси майдан сархушликдаги тантилик эканлигини ўйламаган экан. Кейинги гал кўришганида у Зокиржон акага: “Сиз айтган ишга СССР Маданият министрлигидан ижозат керак экан”, дейди.

Машрабов бир неча кун кутиб Маданият вазирининг ўринбосари (унинг фамилияси ҳам Иванов эди) қабулига киришга муваффақ бўлади. Яна Заҳириддин Бобурни билганича таъриф-тавсиф этади, таниқли рус шоирларига қиёслайди, унинг мумтоз адабиётимизда алоҳида ўринни ишғол қилишини таъкидлайди. Кенг фикрли Иванов “иккинчи” ҳам шоҳ ва шоир Бобурнинг кадрлашга муносиб улуғ зотлардан эканлигини эътироф этиб, Зокиржон аканинг саъй-ҳаракатларини маъқуллайди.

- Фақат – дейди у, - бунинг учун юқорининг – КПСС Марказий Комитетининг рухсати бўлиши зарур. У ерда Ўзбекистон бўйича масъул ходимга учрайсиз. Менимча, бу унчалик муаммо эмас.

Зокиржон ака масъул ходимни топиб, у билан ҳам учрашади. Мазкур масаланинг Ўзкомпартия ёки Андижон обкомининг қарори билан ҳал этилишини эшитиб шашти пасаяди, бу иш у ўйлаганчалик жўн эмаслигига имони комил



бўлади. Лекин у аҳд қилган нияти, бошлаган ишини қийинчиликдан, машаққатдан чўчиб ора йўлда чала қолдириб кетадиганлардан эмас эди. У Андижонга қайтар экан, хаёлида ҳар хил режалар тузиб келади. Вилоят партия комитетининг иккинчи секретари Шендрик нимагадир Зокиржон акани ўзига анча яқин олиб юрарди.

- Бу масалада сенга ёрдам беришга кўзим етмайди. Лекин принципда қаршилигим ҳам йўқ, - деди иккинчи котиб. – Менга қара, - дейди у яна. – Ўзбекистон Компартиясининг янаги йили нишонланадиган 60 йиллиги муносабати билан Обком партия тузган тадбирлардан хабаринг бор, менимча, ўша дастурга бир банд киритиш керак, зарур бўлса, сени қўллаб-қувватлайман.

Зокиржон акага шугина маслаҳатнинг ўзи кифоя эди, у яна тегишли мутасаддилар билан келишиб, вилоят партия комитети тадбирларига «Таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Ўрта асрнинг буюк шоири ва мутафаккир олими Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилиб ўсган жойлар ободонлаштирилсин ва унинг бюсти ўрнатилсин» деган банд кириттиради-да, ундан кўчирма олиб, яна Москвага парвоз қилади. Лекин у пойтахтга қанча тез етган бўлса, шунча тез орқасига қайтади. Хужжатда яна бир ишқаллик бор эди: бронзадан қуйилиши керак бўлган Бобур ёдгорлиги бюст эмас, ҳайкал эди. Зокиржон ака обкомнинг масъул бўлимида юқорида зикр этилган банддаги «бюст» сўзи ўрнига кўп музтарлик ва ўтинчлар билан «ҳайкал» деб ёздириб, яна Марказга чопади. СССР Маданият вазирининг ўринбосари Иванов хужжатларга имзо чекиб, уларни вазирликнинг ҳайкалтарошлик бўлимига чиқарган пайтда Зокиржон аканинг қандай ҳолатга тушганини тасаввур қилиш мумкин: у худди отасининг ҳайкалини ўрнатишга ижозат олгандай, энг тансиқ ва табарруқ орзуси ушалгандай ўзида йўқ эди.

- Москва вазирликлари ва маҳкамаларида ҳам иш битириш осон бўлмади, - деб эслайди Зокиржон ака. – Энди айтса бўлаверади – «коробка» кўтаравериб қўлларим қавариб кетган. Охири, СССР Маданият вазирлигининг бўлим мудири Валентина Безобразова деган аёл ёрдамида Бобур ҳайкалини Митиши шаҳрида

қуйдирадиган бўлдиқ. Ленин монументидан хабар олгани Москвага борганимда албатта Митишига ўтиб, Бобур ҳайкалини ҳам суриштириб қайтардим.

Шу тариқа маҳобатли ҳайкал-гуруҳи соясида Бобуршоҳ сиймоси ҳам бронзада гавдаланди.

Зокиржон Машрабов иш силлиқ битаётганидан хурсанд эди. Бироқ қувончи узокқа бормади. Ҳайкал тайёр бўлганда Бобур шаънига яна ҳар хил номуносиб гаплар айтила бошланди. Собиқ Ўзбекистон Компартиясининг собиқ мафкура котибаси ва бошқа расмий шахслар ташкилотчилигида халқимиз ўтмишига, тарихимизга тош отишлар авж олди...

Ленин ҳайкали зўр тантаналар билан Андижоннинг бош майдонидан жой олган бўлса, Бобуршоҳ ҳайкали яширинча Мажидхон ака идорасининг омборхонасига туширилди ва шу овлоқда бир неча йил, то истиқлол нурлари таралгунга қадар банди бўлиб ётди.

- Лекин ўшангача шаҳарда Бобур бобомиз руҳини шод этадиган анча-мунча ишлар қилишга эришдик, - дейди Зокиржон ака. – Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонни тарк этиб чиқиб кетаётиб Ўш йўлидаги адирда хуфтон намозини ўқиган экан. Шунда ўнг томонга қараганда шаҳарда лип-лип ёниб турган чироқларни кўрган ва намоздан кейин мулозимлари ҳузурида “Худо хоҳласа, Андижонга қайтсам, шу ерда бир ажойиб иншоот барпо этай...” деб орзу қилган экан. Ўша йиллари вилоят партия комитетининг Боғишамолни меҳнаткашларнинг дам олиш масканига айлантириш тўғрисида махсус қарори чиқарилади ва ободончилик, қурилишларга туманлар ҳам жалб этилиб, ҳудудлар бўлиб берилади - катта сафарбарлик бошланди. Мен Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг раиси сифатида шу оммавий тадбирни ҳам бошқаришим керак эди. Турли-туман вазиятларга қарамасдан ҳаракатни сусайтирмадик. Собиқ СССРда энг узун осма сим йўли тортдик. Тўғриси, жуда катта қийинчиликлар билан юзага келди бу. Массивда ёшлар учун 500 ўринли оромгоҳ иншоот барпо этилди. Булардан ташқари, Бобур туғилган даҳада унинг уй-музейини тикладик, Қўтанариқ бўйида Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг янги биноси, у билан ёнма-ён шарқона услубда хашаматли чойхона ишга туширилди. Ўзим

курулишлар тепасида турдим. Шуларни ўйласам, кўнглим анча таскин топади. Бироқ Бобур бобомизнинг ҳайкали узок йиллар «ҳибс»да ётганини эсласам юрагим эзилади...

Зокиржон ака ўша йиллардаги яна бир хайрли амалидан мамнун бўлиб юради. Унинг болалиқдан санъаткорларга ихлоси, шифокорларга ҳурмати баланд эди, бу фидойи инсонларга яхшилик қилиш, уларга мурувватлар кўрсатишни дилига тугиб юрарди. Андижон шаҳар ижрокўмлигида ана шу ниятларини рўёбга чиқариш учун фурсат, имкон туғилди. Аниқроғи, лавозимидан фойдаланиб, ана шу соҳаларнинг халққа хизмати сингган бир неча вакилига уй-жой бериб, гўё зиммасидаги оғир масъулиятдан халос бўлгандай енгил тортган эди.

## МАНСАБ ВА ҒОВЛАР

Бобур Мирзонинг Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги мақбарасининг харобага айланганидан радио орқали хабар топгандан бери тинчини йўқотган Зокиржон Машрабов 1983 йилнинг ёз кунларидан бирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сарвар Азимовга кўнғироқ қилди.

- Кобулга тўрт-бешта устани олиб ўтиб, Бобур мақбарасини баҳоли қудрат таъмирлаб қўйсак, девдим...

У пайтда Ўзбекистоннинг бир вилоятида экспедиция тузиб, хорижий мамлакатларга ўтиш ғоят мушкул - ойга чиқиш билан баробар гап эди, чунки бундай масалалар фақат Москва – марказ орқалигина ҳал этиларди.

Сарвар Азимов бир муддатли сукутдан сўнг шундай мулоҳаза билдирди:

- Жуда ажойиб ташаббус, яхши гап. Албатта, Бобур бизнинг улуғ юртдошларимиздан бири, уни қадрлашимиз керак. Лекин, хабарингиз бор, Афғонистонда жанг кетяпти. Ўзбекистон ҳукумати ҳам, Москва ҳам у ёққа ўтишингизга рухсат бермаса керак, вақтлар келиб, имкон бўлиб қолар...

Умуман олганда, уюшма раиси ҳақ эди. Лекин Афғонистонда вазият қанақалигини Зокиржон ака ҳам яхши биларди. Бироқ Заҳириддин Бобурдек ажойиб шоир ва мутафаккир олим (шоҳлигини қўйиб турайлик), бир умр

рўшнолик кўрмаган инсоннинг мусофир юртда мунғайиб қолган, айтишларича, камтарингина мақбараси ҳам мададга, шафқатга зор бўлиб ётса-ю!...

Ҳа, масаланинг иккинчи, янада афсусли, аламли жихати – хусусан, Машрабов мансабидаги одамга – коммунистик партия ва шўро ҳукуматининг масъул кишиларидан бирига ўзагини узувчилар томонидан манглайига “босқинчи шоҳ” тамғаси ёпиштирилган зотга бўлган ихлос ва эътиқоди, ҳис-туйғуларини намоён этишнинг имкони ҳам йўқ эди ўша даврларда. Шу сабабли у Андижондаги Бобур номи билан боғлиқ жойлар ҳолатини ўрганиш, таъмирлаш чораларини излаш, шу аснода шаҳарни ободонлаштириш борасида режалар тузишга киришди. Шу фикрлар қатори Эски шаҳардаги Девонабой марказий масжидини, ораликдаги фаолияти тайинли самара бермаётган фабрикани олиб ташлаб, Жоме мадрасаси билан қўшиб юбориш ғояси туғилди. Афсуски, Зокиржон Машрабовнинг давр сиёсатига зид бундай қалтис таклифини маъқуллайдиган валломатнинг топилиши амри маҳол эди. Ваҳоланки, инсоф билан айтганда, шаҳардаги бу энг йирик ибодатгоҳдаги шарт-шароитлар санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермас эди. Шаҳар ташкилотларининг мусулмончилик удумларига қалбан, пинҳоний хайрихоҳроқ раҳбарларини масжидга тўплади-да, уларни аҳвол билан таништиргач, кўнглидаги ниятни айтди. Зокиржон акани кимдир дилдан, кимдир тилда қўллаб-қувватлади, баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишга ваъда беришди. Кейин Машрабов «Фарғонанефтьгазмонтаж» бошқармаси бошлиғи Игорь Павлович билан боғланиб, масжидга газ олиб келишга кўмаклашишни сўради, артезиан қудуқларини пармалаш ташкилотини жалб этди. Хуллас, иссиқ-совуқ сувли 40 та таҳоратхона қуриб битказилди. Жоме масжид-мадрасаси ўз вақтида хона-хужралари бошқа юртлардан кўчиб келганларга “квартира” қилиб тақсимлаб юборилган, унинг ҳовлиси чўчка боқадиган «двор»га айланиб қолаётган эди. У ерда яшовчиларга (40 та хонадон эди) ер участкаси, уй бериб, бошқа жойларга кўчирилди ва бу маскан Адабиёт ва санъат музейига айлантирилди... Зокиржон ака эса мазкур ҳудудда қурилиш-таъмирлов ишларини ташкил этиб қўйиб, «Арк ичи»ни ростлашга киришиб кетган эди.

1983 йилнинг кеч кузи эди. Зокиржон акани вилоят партия комитетига чақириб, унинг устидан юқорига юмалоқ хат ёзилганини айтишади. Шикоятда шаҳар ижроия кўмитаси раиси амалини суиистеъмом қилишда, яъни режадан ташқари қурилишларга маҳаллий бюджет маблағини совуришда, энг асосийси, ҳукумат сиёсатига зид равишда, диндорларга шарт-шароит яратиб, уларнинг тегирмонига сув қуйишда айбланган эди. Масалани ўрганган ташкилий бўлим бошлиғи Геннадий Святков Зокиржон акани шу иш юзасидан вилоят партия комитети бюросига тайёрланган қарор лойиҳаси билан таништиради. Ўшанда ҳар бир ҳарфи бигиздай кўринган ва ҳали-ҳамон кўз олдидан кетмайдиган лойиҳа матни тубандагича эди: «Лавозимини суиистеъмом қилиб, ўзбошимчалик билан масжидда қурилиш-таъмирлов ишларини амалга оширгани учун Андижон шаҳар ижроия комитети раиси З.Машрабов партия сафидан чиқарилиб, вазифасидан бўшатилинсин...»

Ишнинг бундай чаппасига айланиб кетишини кутмаган Зокиржон аканинг устидан бир пақир совуқ сув қуйиб юборилгандай бўлди. Лекин ўзини тезгина қўлга олди. У пайтларда вилоят партия комитети бюросининг қарори қатъий, шикоят беҳуда, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ эди. Қарор лойиҳаси остига: танишдим, даъвои-достоним йўқ, деб имзо чекади. Ўша куни жума, бюро йиғилиши келаётган сешанбага мўлжалланган эди.

Зокиржон ака тўғри уйга қайтди. Бюродан кейин дабдурустдан совуқ хабар билан кириб бормаслик учун оиласидагиларга гапнинг учини чиқариб, уларни руҳан тайёрлайди, «ювоштиради». Душанбада куни бўйи қўли ишга бормай, идорасидаги ўзига тегишли қоғоз-дафтарларни йиғиштиради, қўл остидаги кўнгил яқинларни ҳам огоҳлантириб, яхши-ёмон гаплар учун улардан узр сўрайди. Лекин баъзида шундай фавқулодда ҳодисалар рўй бериб, ҳаёт чархпалаги бутунлай бошқа томонга айланиб кетадики, унинг сир-асрори тагига етишга оддий бандаларгина эмас, уларнинг ердаги улкан раҳнамолари ҳам ожизлик қилиб қоладилар.

Кечқурун, Зокиржон ака энди уйга кетаман деб турганида кечки почтани олиб киришади: газеталар, хатлар... Улар орасидаги шахсан ЎзКПМКнинг

Биринчи котиби Шароф Рашидов имзолаган, марказком муҳри туширилган конверт Зокиржон аканинг эътиборини тортади – бунақа нома одатда юқори ташкилотларга – вилоят партия кўмитасига ёки вилоят ижроия кўмитасига келарди. Ҳайрон бўлиб, хатжилдни очадию, ЎзКПК тадбирларига шоша-пиша кўз югуртираркан, нигоҳи ўзининг исми-фамилиясига тушиб, юрак уриши тезлашади. Тадбир бандини қайта-қайта, ҳижжалаб ўқийди ва Аллоҳнинг иноятими, кароматими, англолмай туриб қолади. Ўзбекистонга жаҳондаги 80 та давлатдан ташриф буюрган 120 нафар меҳмоннинг мусулмонларга яратилган шарт-шароитни кўриш-ўрганиш мақсадида Андижонга ташриф буюришлари кўзда тутилгани қайд этилган ва Андижон шаҳар ижроия кўмитасига, шахсан кўмита раиси Зокиржон Машрабовга мазкур дастур бўйича чора-тадбирлар кўриб туриш вазифаси топширилган эди!

Ё, тавба, демак, Девонабой масжидидаги санитария-гигиеник ҳолатларни эпақага келтириб қўйиш ўйини унинг қалбига Яратганнинг ўзи солган экан-да.

Зокиржон ака суюнишни ҳам, куюнишни ҳам билмай, нажотбахш (бунақалиги ҳақида ҳали ўйлаб ҳам улгурмаган эди) хатга тикилиб турганида, бирдан телефон жириглайди. Зокиржон ака кўзини ҳали ҳам қоғоздан узмаган ҳолда чап қўлини столдаги телефонга узатди.

- Алё, Зокир Машрабович! – гўшакдан эшитилган сипо, жиддий ва шиддатли бу овоз вилоят партия кўмитасининг идеология бўйича котиби Мирза Хўжевич Муҳитдиновники эди. Зокиржон ака «мен...» дегач, у давом этади. - Биз биринчи котиб билан маслаҳатлашдик. Сизнинг сидқидилдан ишлаётганингизни инобатга олиб, масалангизни бюродан қолдирдик, энди ҳушёрроқ бўлинг!..

Гапнинг моҳияти маълум эди. Зокиржон ака ўзини тутолмай, «Мен ҳам олдим ўша ҳужжатни» дейди. Мирза Хўжаевич кулиб юборади.

Умуман, ўша даврларда раҳбар бўлиб ишлаш ниҳоятда қийин эди. «Анонимка» - «имзосиз хат» деган балои азим бор эди. Кимнингдир устидан (албатта, оддий ишчи ё колхозчининг эмас) иғво-туҳмат нома битилса, унинг муаллифи кимлиги, қандай мақсадда ёзилганини суриштириб ўтиришмас, шак-шубҳасиз, иғвога нишон бўлган мансабдор фаолияти тит-пит қилиниб, бир

нимага илаштирилиб, шикоят эгасининг талаби мумкин қадар қондириларди. Бошқа тўсиқ-ғовлар ҳам кам эмас эди.

Хорижлик меҳмонлар Девонабой масжидидан мамнун бўлиб, катталарга ташаккур билдириб қайтишгандан кейинроқ фуқароларга уй-жой берилишини текшириш учун Андижон шаҳар ижроия кўмитасига махсус комиссия юборилади ва масала вилоят ижроия кўмитаси мажлисига қўйилади. Тафтишчилар бир неча квартира (уй) чиндан ҳам ноқонуний тарзда берилган, деган хулосага келишган эди. Яна масала тайёрловчи масъул шахс Зокиржон акани чақириб, “Бунга нима дейсиз?”, дегандай қараш қилади. Лекин «ноқонуний» уй олганларнинг ортларида кимлар турганлигидан, яъни «тепа»дан қилинган қўнғироқлардан, ёзма топшириқлардан, табиийки, унинг хабари йўқ эди. Бундай қалтис ва кисталанг пайтда Зокиржон ака «карта»ни очишга мажбур бўларди.

Ҳарқалай, қандайдир кучлар Зокиржон Машрабовни зимдан таъқиб этишга тушгани аниқ эди. У эса бундай куткилашларга сабаб бўлувчи қандай ножоиз иш қилиб қўйганини билолмай ҳайрон. Бу борада гумони ҳам йўқ эмас эди. Ўша даврда Андижон билан Ямбол (Булғория) шаҳарлари биродарлашган бўлиб, шартномага кўра бот-бот ўзаро борди-келдилар бўлиб турар, делегацияларга вилоят ва шаҳар миқёсидаги раҳбарлардан бири бошлиқ этиб тайинланарди, бу улар учун мажбурият, аммо айна вақтда ишонч, эътибор ва ҳордиқ чиқариш учун бир имконият, яъни, юқори ташкилот томонидан кўрсатилган мурувват ҳам эди. Вилоят партия комитетининг галдаги бюроси кетаётганди. Навбатдаги масала Ямболга делегация юбориш эди.

- Мирза Хўжаевич, Ямболга обком бюро аъзоларидан кимлар боради? – деб сўраб қолди Биринчи котиб.

Мирзажон Муҳитдинов амали Зокиржон Машрабовдан юқорироқ бўлган икки раҳбарнинг исми-шарифини тилга олди.

- Улар ҳозирча ўзларига тегишли топшириқларни уддалаб туришсин. Таклиф бор – янги делегацияга Андижон шаҳар ижроия кўмитаси раиси Зокиржон Машрабов раҳбар бўлиб бориб келса...

Наҳотки шугина ишонч, шугина илтифот кимларгадир ёқмаган, малол келган, иззат-нафсларини оғритган бўлса?.. Наҳотки уй-жой тақсимоти бўйича у билан келишмаган ҳолда «десант» ташлашларининг сабаби шу бўлса? Ҳа, чамаси, шу эди. Аммоки, Машрабовда ҳам қайсарликдан, ўз билганидан қолмаслик феълидан бир чимдимгина эмас, хийлагина бор эди. Яна катталар билан келишмай, бирданига иккита қурилиш бошлаб юборди. Шаҳар ижроия кўмитасининг биноси эски, кўримсиз, файзсиз эди, мантиқан олганда катта бир шаҳар аҳолиси ва ташкилотларига раҳнамолик қилувчи маҳкама идораси бошқалардан ажралиброқ турадиган бўлмоғи керак эмасми? Қолаверса, замон, юксалиш кундан-кунга илгарилаётган бўлса...

Зокиржон ака зиёлининг фарзанди, ўзи ҳам санъатга, гўзалликка, айрича бир меъморий нақш-жиҳозларга ҳавасманд бўлганидан хаёлида романтик ўйлар туғилар, жумладан, идорасининг биқинидан шалдирабгина оқиб ўтадиган Қўтанариқда бир чархпалак айланиб туришини, унинг кўрачаларидан шаршара бўлиб қуйиладиган сувдан бир кунда ўнлаб, юзлаб киши кириб чиқадиган идора олдидаги майдонда майса-гиёҳлар, ҳар турли ўсимлик ва дарахтларнинг яшнаб-яшнаб кўкка бўй чўзишини, ажойиб бир хиёбон тусини олишини жуда-жуда хоҳларди.

Чархпалак битгач, қараса, унинг бир ўзи кўққайиб, ярашиқсиз тургандай туюлди. Ариқнинг нариги бетига миллий услубдаги бир чойхона тикланса қандай бўларкин? Нуроний отахонлар оппоқ яқтакларда, кўк чойни ўгириб, гурунглашиб ўтирса...

Лекин ҳар қандай эзгу-ниятлар билан амалга оширилган иш дунёқараши, эътиқоди ўзгача кимсалар наздида бўлакча маъно касб этиши мумкин-да! Чойхонага шарқона зеб берган нақшли пештоқларнинг эскиликни, ўтмиш урф-анъаналарини кўмсаш тарзида баҳоланишини, “Шаҳар ижроия кўмитаси биқинида қоп кўтаргану калиш судраганлар ҳам бемалол кираверадиган бекорчихона нима килади?!” деган таъналарга қолишини, тўғриси, Зокиржон ака ўйламаган эди.



Шаҳар ижроия кўмитасига мўлжалланган бино ҳам анча машмашаларга сабаб бўлди. Нега бошқалар эски, одми идораларда ўтирадию, З.Машрабов янги, катта, пурвиқор иморатни эгаллаб олади, деган саволнинг илмоғи айрим мансабдорларнинг қалбини тирнай бошлаган эди. Бинони тортиб олишга пинҳона уринишаётганидан хабар топган Зокиржон ака ҳали поли ҳам қоқилмаган хонага иш столларини кўчириб келтиради-да, вилоят партия комитетининг Биринчи котибига қўнғироқ қилади.

- Солижон Мамарасулович, Сизнинг розилигингиз билан кураётган янги идорани битказдик, бугун кўчиб ўтяпмиз. Ўзимнинг ва ходимларимизнинг миннатдорчилигини сизга етказиб қўймоқчиман.

- Жуда шитобсиз-ку, табриклайман! - Вилоят раҳбарининг шу сўзлари кифоя эди.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлмоқчилар шу тариқа доғда қолишади. Улар эртасига «Бизга ҳам, унга ҳам йўқ» мақолини шиор тутишиб, янги жойни болалар поликлиникасига бериш керак» деган таклиф билан Биринчи котибнинг хузурига киришади

- Ие, хабарларингиз йўқми, у ерда Зокир Машрабович иш бошлади-ку, - дейди биринчи котиб. - Кўп меҳнат сарфлашди, ўзларига буюрсин, болалар поликлиникаси учун бошқа жой топамиз.

Танбеҳона жавобни эшитиб, аламзадаларнинг қўлтиқларидан тарвузи тушади. Тўғри, бир қарашда Зокиржон аканинг ҳатти-ҳаракати «шохидамас, баргида...» деган иборани эслатарди. Лекин унинг «меҳрибонлари» «югурганники эмас, буюрганники» деганларидай, Зокиржон акани ўз режаси, заҳматлари, ғоялари самарасидан бенасиб қилишмоқчи эди-да. Вақтлар ўтиб, ўша «дўстлар» мазкур иншоотларнинг ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам ўзига хос қиёфада Андижонга кўрк бағишлаб турганини, Зокиржон Машрабовнинг қайсар ва журъатлилиги шаҳар ва халқ манфаатига хизмат қилганини эътироф этишган бўлсалар ажаб эмас. Кейин аввалги гина-қудуратлар ҳам унутилиб (зеро бу гина-қудуратлар шахсий эмас, идоравий мансабга дахлдор, шу боис улар ўткинчи характерга эга эди), издаҳомларда, тадбирларда бир товоқда ош ейишар, эслаб,

мийиғларида ё ошкора кулишарди. Ахир ҳаммаси ҳам ўша давр ва сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ўз эътиқоди ва қарашларини тўғри деб билишар ва тан олиш керакки, қаттиқ меҳнат қилишарди – ўзларига топширилган вазифа ва топшириқларни сидқидилдан адо этишарди, фақат айрим қалбакилик ва кўзбўямачиликлар тўридан, тўрачилик ва буйруқбозлик исканжасидан ҳам чиқиб кетишолмасди, ўзаро келишмовчилик ва зиддиятлар юзага келишига асосий сабаб шу эди. Тўғриси, Зокиржон Машрабовнинг хизмат фаолиятидаги дадил силжиш ва юксалишлар айримларнинг таажжубини (балки ғайирлигини ҳам) оширарди. Нукул иши юришиб, омади чопаверадиган бу одамнинг ҳали у соҳага, ҳали бу соҳага бошлиқ қилиб кўтарилиши боисини англашолмасди чоғи. Зокиржон ака ўйлаб кўрса, бу таажжубу ҳайронликлар илдизи анча нарида экан. Ўзбекистон Министрлар Совети оғир саноат бўлими бошлиғи ўринбосарлигидан «Андижоннефть» бошқармасига бошлиқ бўлиб қолиб, ўзининг калбга яқин соҳасида яйраб ишлаётган эди, бундан бошқа ва ё юқорироқ мансабга ўтишни орзулагани, ҳатто хаёлига ҳам келтиргани йўқ эди. Бирдан вилоят пахта саноати бирлашмасига тавсия қилиб қолишди. Бу Зокиржон аканинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган иш эди. Рад этди. Уч ой тайсаллаб юрди. Кадрнинг «юқори»нинг тавсиясидан бўйин товлаши, эътироз билдириши ҳамма замонларда ҳам ножоиз, ўзининг тақдир нарвонига арра солиш билан баробар саналган. Бироқ пахтачилик Зокиржон ака учун мутлақо бегона жабҳа эди. Тўғри, бепоён пахта далалари билан туташ мавзеда туғилиб ўсган, ғўзанинг қандай ўсиб-ривожланиши, қандай шона тугиб гуллашини кўрган, пахта ҳам терган, аммо булар пахтачиликнинг сиртқи томони, холос. Республиканинг асосий даромад манбаи саналган пахта хомашёсини тайёрлаш, сотиш жараёнлари, йилдан-йилга ортиб бораётган режаларни, мажбурият ва қўшимча мажбуриятларни бажариш асносидаги муаммолар ва нозик, қалтис ҳолатлар тўғрисида орқаворотдан эшитиб юрган бўлса-да, шу ва бошқа кўп сиру саноатлардан беҳабар эди. Буни, яъни кадр билан соҳа ўртасидаги номувофиқликни катталар ҳам англашарди. Тўғри, бу ҳол ёзувчи Саид Аҳмад ҳажвиясида тасвирланганидай, кушхона директорини консерваторияга раҳбар қилиб тайинлашга ўхшарди, аммо катталар кадрнинг

соҳавий билим ва малакасини эмас, кўпроқ раҳбарлик қобилияти, бошқариш салоҳиятини эътиборга олишарди. Афтидан, бу тажриба ўша даврларда ўзини оқларди.

Қолаверса, катталарнинг оғзидан чиққан гап – отилган ўқ мақомида бўларди. Зокиржон Машрабовни энг давлат раҳбарнинг олдига олиб киришди. У киши эса Зокиржон аканинг кўлини маҳкам қисиб, фақат битта гап айтди: “Сизга омад тилайман!” деди. Эътирозга ўрин, сўз сиғадиган хонаси қолмаган эди.

Зокиржон ака ҳадемай янги соҳанинг ҳам ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириб олди, энг асосийси, пахта тозалаш саноати иқтисодиётини чуқур ўрганди, иккинчидан, меҳнат жамоаларида қаттиқ интизом ўрнатди, фойдазиённинг ҳисобини олишни йўлга қўйди. Ободончиликка алоҳида аҳамият берди, шу тариқа соҳа кўрсаткичлари яхшилана борди ва Ўрта Осиёда энг баланд поғонага кўтарилди.

Айрим раҳбарлар билан Зокиржон ака орасидан худди ана шу даврда оламушук ўтган эди. Гап шундаки, давлатга пахта топшириш, умуман пахта саноати бўйича ҳисобот фақат вилоятнинг 1-чи раҳбарига берилар, баъзи масалалар иккаласи ўртасида ҳал этилар, бу эса, табиийки, бошқа амалдорларга унча ёқинқирамасди. Зокиржон аканинг номзоди Андижон шаҳар ижроия кўмитаси раислигига қўйилганда, “бирданига катта шаҳар раҳбарлигини эплолмайди, қийналади, шунинг учун биронта туманда икки-уч йил ишлаб тажриба орттирса...” деганлар ҳам бўлди. Лекин бундай таклиф ҳам инобатга олинмай, Зокиржон Машрабовга Андижон шаҳар ижроия кўмитаси раислиги раво кўрилган эди.

## **ҚОРА БУЛУТЛАР СОЯСИДА**

Ўз замонида ўз ватанидан ғанимлар, ношукур, кўрнамаклар томонидан юзсизларча, андишасизларча, шафқатсизларча қувилган Бобур Мирзонинг жисмигина эмас, унинг номи, ижодий мероси ва бошқа ишларининг ҳам ўз юртига қайтиши нечоғлик қийин бўлгани яқин ўтмишимиздан ҳам маълум. Бу

улуғ ҳамюртимизга муносабат доим ўзгариб турди, унинг шоҳлиги ҳамиша шоирлигига, мутафаккирлиги, маърифатпарварлигига соя солиб келди. Собик шўро тузуми барча улуғларимиз каби Бобуримизни ҳам ўзимиздан пинҳон тутиш, бизга уни яқинлаштирмаслик, унингдек жаҳон аро машҳур ватандош, ўтмишдошларимизни яхшироқ билиб олмаслигимиз, азалдан маънавий ва руҳан бой халқ бўлганлигимиз билан фахрланишимизга йўл қўймаслик, изн бермаслик учун жон-жаҳди билан тиришди. Қизил империя манфур сиёсатини амалга оширмақ ниятида худбин, калтабин, амал, манфаат йўлида ҳар қандай эътиқодини, миллати, халқининг шаъни-шавкатини қурбон қилиб юборишга тайёр бўлган кимсалардан фойдаланди. Улар эса, келажак авлод олдида жавоб беришларини хаёлларига келтиришмади, чунки улар Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг «Сен ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, келажак сенга замбаракдан ўқ отади» деган ҳикматини ўқишмаган эди.

Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тириклигида ранжу балолардан чиқмаган олтин боши беш юз йилдан кейин ҳам ҳамма даврларда яшайдиган Аҳмад Танбаллар, Узун Ҳасанлар, Али Дўстлар томонидан отилган маломат тошларидан азият чекаверди.

1980 йилларда ҳам Бобур «хаёти»да кўп зиддиятли, оғир даврлар бўлди. Унинг тожи узра гоҳ қуёш чарақлар, гоҳ қора булутлар соя солиб, момақалди роқ гулдуларди.

\*\*\*

Бобур Мирзо ҳаётини ўрганиш, унинг номини, ҳурматини жойига қўйиш билан боғлиқ муаммолар, можаролар, зиддиятлар тарихчи олим, адабиёт фидойиси Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Андижон» китобининг «Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни...» деб аталмиш хотима қисмида мухтасар акс эттирилган:

*«Заҳириддин Муҳаммад Бобурдай улуғ инсон номини ўзи таваллуд топган шаҳарда адабийлаштириши борасида узоқ йиллар ҳеч иш қилинмай келди. Дастлаб бу масала 1958 йили, яъни Бобур таваллудининг 475 йиллиги муносабати билан кўтарилган эди. Ўшанда жумҳуриятимиз Фанлар*

академиясининг вице-президенти, ажойиб ташкилотчи, дойурак олим Иброҳим Мўминов ташаббуси билан илк бор Андижонда академиянинг кўчма илмий сессияси ташкил қилинган эди. Сессия уч кун давом этди. Унда таниқли шахслардан Қори-Ниёзий, Воҳид Зоҳидов, Хадича Сулаймонова, Муҳаммадҷон Йўлдошев, Гафур Ғулом, Яхё Ғуломов, Рашид Набиев, Ҳамид Сулаймонов, Порсо Шамсиев, Ҳоди Зариф, Сабоҳат Азимҷонова, Ҳамидулла Ҳасанов, Азиз Қаюмов, Абдулаҳад Азизов ва бошқалар қатнашиб, илмий маърузалар қилишган. Ўшанда Андижонда бир умрга эса қоларли тарихий учрашувлар, бобурхонликлар ўтказилган эди.

Меҳмонлар билан хайрлашув куни Андижон вилоятининг ўша пайтдаги раҳбари Р.Қурбонов Бобурнинг 25 йилдан сўнг, яъни 1983 йили бўладиган 500 йиллик юбилейигача Андижонда амалга оширилажак тадбирлар режасини қисқача баён қилган эди.

Минг афсуслар бўлсинки, бу тадбирлар қозғоғда қолиб кетди. Раҳбарлар алмашди, сиёсий вазият тез-тез ўзгариб турди. Бобур «ёддан кўтарилиб» кетди. Аммо пахта, пилла, гўшт мева-чевалар етказиб бериш режалари бир дақиқа ҳам унутилмади. «Ўтмишни идеаллаштиришга қарши» ҳақиқий салб юриши бошланиб, оқсоқол олимимиз Иброҳим Мўминов ҳам қаттиқ азият чекди ва охири юрак хасталиғи дардига грифтор бўлди. Оқибатда Бобур номини абадийлаштириш масаласи яна орқага сурилди.

Аммо бир мунча вақт ўтгач, вилоят партия қўмитасига биринчи котиб бўлиб келган Бектош Раҳимов ташаббус кўрсатиб, Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги университет)га Бобур номини бериш ҳақида институт илмий кенгаши қарор чиқаришини тавсия қилди. Ректорат томонидан камина ва шоир О. Валихоновга Бобур ҳайкалини тайёрлаш учун буюртма бериш топширилди.

Ўша йили Ўзкомпартия Марказқўмининг мафкуравий ишлар котиби Андижонга келганда тасодифан бу хатти-ҳаракатлардан воқиф бўлиб қолади ва мазкур иш ташаббускорларини (аввало ректорни) «босқинчи Бобурни

*тушунмаслик»да, сиёсий калтафаҳмлиқда айблаб, жаҳл билан бу қарорларни бекор қилади. Шу-шу бўлди-ю, Бобур номини яна тилга ололмай қолдик...*

*Ниҳоят, орадан 9 йил ўтгач, яъни 1981 йили, икки йилдан сўнг Андижонда Бобурнинг 500 йиллик юбилеи тантана билан нишонланиши ҳақида хушхабар тарқалди ва орзулар қайтадан ниш урди. Юбилейга тайёргарлик ишлари қизиб кетди...*

*Бироқ Марказқўмдан Бобур юбилеи тантана қилинмасин, барибир Бобур босқинчи, уни кўтар-кўтар қилиб бўлмайди, деган мазмунда кўрсатма бўлиб, 20 апрель куни Охунбобоев номидаги вилоят театри биносида бир ярим соатгина илмий анжуман ўтказилди. Академиянинг вице-президенти Эркин Юсупов бошчилигида келган олимлар тушлиқдан сўнг яна Тошкентга қайтиб кетдилар. Андижонда бошланган барча ишлар чала қолди...»*

Ушбу битикларга Зокиржон ака шундай аниқлик киритади:

- Бир куни идорада ўтирсам, тезда биринчи қаватга тушасиз экан, деб қолишди. Тушсам, фойеда Республика компартияси Марказкомининг идеология бўйича котиби кўргазма тахталарини томоша қилаётган киши бўлиб турибди. Мен билан совуққина кўришдию, биринчи саволи шу бўлди:

- Нима учун Андижон шаҳрида ҳар мингта туғилган боладан 32 таси ўляпти? Горисполком қаёққа қараяпти?

Мен жавоб бериб улгурмасимдан котиба опа яна сўроққа тутди:

- Сизга ким ҳуқуқ берди босқинчининг ҳайкалини қуйдириб келишга?!

- Ҳеч ким... Тарихимизга, адабиётга, Бобурга ҳурматим туфайли... – дедим.

- Сиз билан обком бюросида гаплашамиз, - деди Марказқўм котиби дағдаға билан ва шартга бурилиб чиқиб кетди...

Ўзингники ўзагингни узади, деганлари шу-да! Заҳириддин Муҳаммад Бобур босқинчи эмиш-а! Бу қандай бедодлик ва калтабинлик! Ахир Бобур Мирзо ҳинд ўлкасидаги майда-майда, тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, бепоён мамлакатни идора этувчи ягона, қудратли бир давлатни барпо қилган бўлса! Забт этган юрти халқининг моддий ва маънавий бойликларини талаб, ташиб кетмаган бўлса! Унинг она тилини қисиб, ўз тилини ихтиёрий-мажбурий тарзда жорий

этмаган бўлса! Аксинча, элда ахилликни вужудга келтириб, инсон учун ножоиз, бемаъни урф-одатларга барҳам бериб, юртни обод айлаган бўлса! Ахир, ўша халқнинг ўзи уни «босқинчи» деб атамаса, аксинча, мамлакат даҳоси Жавоҳарлаъл Неругача миннатдор бўлиб, унинг фаолиятига юксак баҳо берса, «дилбар шахс» деб улуғласа!..

Дунё тан олган машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бир ижодий суҳбатда шундай деган эди: *«...Яқинда ҳиндистонлик бир олим ва ёзувчи билан суҳбатлашдим. Биз Бобур тўғрисида гаплашдик, аниқроғи, мен унга: «Сизлар Бобурга қандай қарайсизлар?» деб савол бердим, «Биз Бобурни Ҳиндистоннинг асл фарзанди сифатида улуғлаймиз. Гарчанд у дастлаб бизга фотиҳ сифатида келган эса-да, кейинчалик у бизнинг умумтараққиётимиздаги катта кучга айланди. Бобур асос солган Буюк мўзуллар империясининг цивилизацияси халқимизнинг тарихий ривожига бениҳоя катта улуш қўшди», - деди у фахр билан...»*

Шундай гаплардан кейин Бобурнинг ички ғанимларига қарата: «Эй, нодон! Эй, нобакор! Бунақа китоб-журналларни-ку варақлаб ҳам қўймайсан, ҳа, лоақал, ўзинг ёмонлаётган, қора чаплаётган буюк инсонлар ҳақида дунё жамоатчилиги қандай фикрдалигини саводсизлигингни бировга гуллаб қўймайдиган “ишончли” одамларингдан бир сўраб қўй!..» деворгинг келади-да...

Хуллас, «опа» ўз сўзининг устидан чиқди.

Зокиржон Машрабовга муносиброқ иш топилиши анча қийин бўлди. Ҳали у, ҳали бу вазифани таклиф этиб кўришарди. Лекин Зокиржон акага бу вазифаларнинг кўлами тор, аҳамияти майда туюларди. Чунки у ҳар доим кенг кўламли ташкилот ва корхоналарда кенг қулоч ёзиб ишлашга, ёзилиб меҳнат қилишга ўрганган эди. Майда ишларни тасаввур қилганида этаги ва енги калта, тор чопон кийиб олган забардаст одам кўз олдида келарди.

Бир гал унга вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиқлигини тавсия қилишди.

- Йўқ, - деди Зокиржон ака, - шунча йил ишлаб топган обрўйимни фанорёгипурушлик қилиб йўқотишни хоҳламайман. Агар лозим кўрсанглар, «Андижоннефт»ни беринглар. Ўзимни меҳнатим синган жой...

- У ўрин банд, - дея таассуф билдиришди.

Худди ана шу кунларда Зокиржон Машрабовни ЎзФА Сейсмология илмий-текшириш институти директори Ғани Мавлонов йўқлаган эди...

## НАЖОТБАХШ ШАБАДАЛАР

Ҳа, не машаққатлар билан куйдириб келинган ҳайкал қоронғу хужрада «банди» бўлиб яқин беш йил ётди. Бобурнинг ҳайкалигина эмас, унинг номи ҳам банди қилинган эди. Одамзот табиати, феъли-атворининг турличалигини қарангки, бири ўзининг вақтинчалик амал курсисини эҳтиёт қилиш учун ўз миллати, халқининг ғурури, ифтихорига айланган буюк мутафаккирлардан, уларнинг жаҳон маданиятида юксак ўрин тутувчи илмий, бадиий меросларидан юз ўгиришдан, бошқа хиёнатлардан ҳам тоймайди, бошқа бири эса ўзининг юқори лавозимини миллат қадриятларини асраш, эъзозлаш йўлида ҳеч иккиланмай қурбон қила олади. Таассуфки, иккинчи тоифага кирувчилар кам, жуда кам топилади... Зеро имкону имтиёзлари бисёр, кишини иззат-икромга сазовор этгувчи мансабдан воз кечиш, аслида қийин, жуда қийин. Зокиржон аканинг жасорати шунчаки амалини қурбон қилиш эмас, балки ўзини аччиқ қисмат домига тутиб бериш билан баробар эди. Бунинг учун одамда жасоратдан ташқари каттакон юрак ҳам бўлиши керак. Зокиржон Машрабовда ана шундай юрак бор эди. У обком бюросида вазифасидан бўшатилиб, қаттиқ огоҳлантирилган бўлишига қарамай, Бобур Мирзо номини абадийлаштириш билан дахлдор орзу-ниятларидан асло қайтмади, буюк аждодининг бир кун келиб «озодликка» чиқишидан умидини узмади. Чунки у сиёсатнинг, хусусан, мафкура соҳасидаги қарашларнинг эврилиб туришига ўз ҳаётида анча-мунча гувоҳ бўлган эди.

Дарҳақиқат, саксонинчи йилларнинг охирларида, собиқ СССР парчаланиш арафасида сиёсий парокандалик авж олиб, мустақилликнинг нажотбахш эпкинлари эсиб, ҳар бир миллат, халқнинг жонкуяр зиёлилари яна кўзғолиб қолишди. Улар матбуотда, минбарларда ўз халқларининг тарихий, маданий мерослари, ўз миллатига мансуб машҳур тарихий шахслар – мутафаккир, фозил кишилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, уларнинг муборак номларини эъзозлаш борасида дадил-дадил чиқишлар қила бошладилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур боши устидаги қора булутлар ҳам секин-аста сийраклаша бошлади. 1988-89 йиллар Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кўра Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик асосан шоир ватани Андижонда бошланиши керак эди. Бир қарашда шундай бўлди ҳам. Яъни, юбилейга тайёргарлик кўриш, Бобур номини абадийлаштириш ва бошқа



тадбирларни амалга ошириш ҳақида гап-сўзлар, йиғинлар кўпайди. Бироқ, тадбирлар, режалар қайта-қайта муҳокама қилинардию, ҳал этилиши, сўнгги, узил-кесил нуқта қўйилиши қийин кечарди. Асосий масалалар қуйидагилар эди:

1. Вилоятимиз олий ўқув юртларидан ва Андижон шаҳридаги катта, асосий кўчалардан бирига, айрим хўжаликлар, маданият муассасаларига Бобур номини бериш, Арк-қалъа деворини тиклаш ва у ерда шоир уй-музейини ташкил этиб, ҳайкалини ўрнатиш.

2. Андижон шаҳрида Бобур номида маданият ва истироҳат боғи барпо қилиш ва бошқалар.

Масалалар кўп муҳокама қилинган. Баъзида узундан-узоқ давом этган кенгашлар, маслаҳатлар ниҳоясига етмас эди.

Ана шу ҳолатлар С.Жалиловнинг юқоридаги китобида шундай ифодаланган:

*«Шукрлар бўлсинки, янгилашни, ўзлимизни англаш сиёсати тўғрисида тарихий ўтмишимиз, маданий ва маънавий қадриятларимиз қайтадан ўз ҳақиқий баҳосини топа бошлади.*

*Аммо айрим ношуд, мустақил фикрлай олмайдиган, қалби муз вилоят раҳбарлари 1989 йил бошларида ҳам Бобур номидан чўчишиб, халқнинг газабига дучор бўлишаётганди. Жумладан, Бобур музейи битса-да, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби уни очгиси йўқ, ҳайкални эса умуман қўймоқчи эмас эди. Вилоят рўзномасига меҳнаткашлардан «Музей очилсин, ҳайкал ўрнатилсин, биронта каттароқ кўчага Бобур номи берилсин» деган талабномалар кўплаб кела бошлади (айримлари босилиб чиқди ҳам). Собиқ Жданов шоҳ кўчасини Бобур номи билан аташни сўраб билдирилган меҳнаткашлар истагини ҳисобга олишга қарор қилиш учун янги тузилган шаҳар топонимик комиссияси мажлис чақирган эди, у ҳам тўхтатиб қўйилди».*

Йиғинлар Бобур таваллудининг 510 йиллигини ўтказиш бўйича юбилей комиссияси раиси, вилоят ижроия комитети раиси бошқарувида ўтарди.

Биринчи масаланинг кенгайтирилган муҳокамаларидан бирида ўша пайтдаги вилоят ва партия комитетининг биринчи котиби ҳам қатнашгани

эсимда. Бу С.Жалилов эслатган вилоят жой номларини ўрганиш комиссияси билан кўшма мажлис эди. Аввал умумий вазият ҳақида гап кетди. Ўша маҳалларда динга анча эрк берилгани боис, баъзи мутаассиб кимсалар ҳали у, ҳали бу тарихий бинога эгалик даъвоси билан тўп-тўп бўлиб вилоят раҳбарияти идораси олдига келишиб, ғавғо кўтаришарди. Бундай номаъқул ҳаракатдан тўғриси, кўплар қатори мен ҳам каттиқ ранжиган эдим. Наҳотки, энг инсонпарвар, энг маърифатпарвар дин - ислом одамларни босқинчиликка, талончиликка, ёвузликка, шафқатсизликка, китобдай азиз, муқаддас бир нарсани – илм манбаини ҳар томонга отиб, депсашга ўргатса, изн берса?! – дея афсуснадоматлар чеккан эдим.<sup>1</sup>

Хуллас, ўша пайтларда каттароқ йиғинни милиция ходимларининг назоратсиз, кузатувсиз ўтказиш қийин бўлиб қолган эди. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий таваллуди кунига бағишлаб вилоят Ўлкашунослик музейида ташкил этилган анъанавий навоийхонлик пайтида ҳам ташқарида бизни қизил погонли йигитлар бизнинг хоҳиш-ихтиёримизсиз қўриқлаб туришган эди.

Мен юқоридаги йиғилишда мавриди келиб қолганда обкомнинг биринчи котибига бизга ишончсизликдай бўлиб туюлган ана шу «меҳрибонликдан» ёзғириб гапирганимда, у “Вазиятни кўриб турибсиз-ку, балки ана шу посбонлар туфайли тадбирларингиз тинч, осойишта ўтгандир, бунинг нимаси ёмон?” – дея писанда қилди. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ёппасига ботир кўпайган ана шу маҳаллаларда менга ғайри туюлган ҳодиса аслида тўғри экан. Бироқ вилоят раҳбари иккинчи бир масалада ўзига хос бўлган сиёсатдонлигини, эҳтиёткорлигини ошкор этган эди. Яъни, сўз энди Бобур бобомизнинг номини абадийлаштириш, ҳурматини жойига қўйиш (ҳа, айнан «ҳурматини жойига қўйиш» ибораси қайта-қайта таъкидланаётган кунлар эди) борасида кетаётган эди. Мен ҳам кўпчилик зиёлилар, адабиётчиларнинг хоҳиш-истагини ифодалаб, Андижон шаҳридаги энг йирик кўчаларнинг бирига - яъни Жданов проспектига

---

<sup>1</sup> Динни никоб қилган ғаламислар собиқ Жоме мадрасаси биносига жойлашган Адабиёт ва санъат музейидаги китобларни ҳам ҳовлига улоқтириб ташлашган эди.

Бобур номини бериш тўғрисидаги таклифни ёқлаб гапирдим. Шунда обком котиби:

- Хўш, сизнингча, кўчага номини қўйиш билан Бобурни хурматлаган бўламизми? –деди менга қараб.

Собиқ СССР парчаланиш арафасидаги парокандалик муносабати билан муз кўчган ўша даврда раҳнамолардан ҳам ҳайкиш урфдан чиққан, пойтахтдан бошланган бу «жасорат» тўлқинлари вилоятларга ҳам етиб келган, ана шу тўлқин айна ўша дамларда менга ҳам журъат, ғойибона бир дадиллик ато этган эди:

- Ҳа, номини кўча ё бошқа жойга қўйиш ўша одамни хурматлаш, улуғлаш белгиси бўлмаса, нима учун ҳамма шаҳар, туман, кўчаларга Лениннинг номи берилган? –дедим.

Табиийки, гапим вилоят раҳбарига ёқмади. У менга қарши нимадир дейиши аниқ эди. Лекин шу лаҳза катта залнинг олдинги қаторида – кўзга ташланадиган жойда ўтирган муҳтарам алломалардан бири вазиятни юмшатмоқчи бўлдими, қўл кўтариб, обком котибидан бир сонияга изн беришни сўради ва ўрнидан туриб менга савол берди.

- Хўш, муҳтарам Қамчибек, кейинги пайтларда сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими Андижонда яшаб ўтган ижодкорларнинг хотира кечаларини нимага жуда кам ўтказяпти?

Бу савол менга «Нега хотинингга ковуш олиб бермадинг» деган латифани эслатди, лекин вазият гапни кулгуга олишни тақозо қилмас эди.

## САРСОН МУАММОЛАР

Юқоридаги масала хоҳловчи ва ёқловчилар кўпчиликни ташкил қилгани учун, ижобий ҳал бўлди, яъни собиқ Жданов проспектига Бобур номи берилди.

Энди кун тартибида Андижон шаҳрида Бобур номида боғ барпо этиш муаммоси турарди. 1990 йилнинг феввали бошида вилоят ижроия комитети «Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга юбилей

комиссияси ҳайъати таркиби ҳам илова қилинган бўлиб, унга асосан вилоят ижроия комитети раиси Эргаш Раҳимов – комиссия раиси, вилоят партия комитети ва ижроия комитети раиси ўринбосарлари Олимжон Комилжонов, Қаноат Асранкулова юбилей комиссияси раиси ўринбосари ва камина (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимнинг раҳбари сифатида) масъул котиб бўлиб сайланган эдик.

Комиссия аъзолари рўйхатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг кўп тармоқли илмий ишлаб чиқариш маркази бошлиғи Зокиржон ака Машрабов ҳам бор эди.

Комиссия томонидан сал кам тўрт йилга, яъни юбилей санаси – 1993 йилгача мўлжалланган 41 банддан иборат тадбирлар режаси тузилган, унда ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини абадийлаштириш, ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, унга дахлдор деб эътироф этилган жойларни ободонлаштириш билан боғлиқ жуда кўп ва муҳим ишларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Ушбу тадбирлар апрель ойининг бошларида вилоят ижроия комитети раиси, Бобур юбилейини ўтказиш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиб, тегишли ташкилотлар ва масъул шахсларга тарқатилди.

Мазкур режаларнинг аксарияти Бобур таваллудининг 500 йиллигини ўтказиш бўйича Зокиржон Машрабов ва бошқа мутасаддилар томонидан тартибланган тадбирларда ҳам бўлган, лекин юқорида айтилган сабабларга кўра улар рўёбга чиқмай қолиб кетган эди. «Архитектура ёдгорлиги – «Арк ичи» мажмуаси биносида «Бобур уй-музейи»ни ташкил этиш», «Бобурнинг ҳайкалини яратиш ва Андижон шаҳрининг энг кўзга кўринарли жойига ўрнатиш», «Андижон шаҳри атрофидаги янги ерлардан 15 гектар ерда боғ ташкил этиш ва унга «Бобур боғи» номини бериш, унинг энг кўркем ўрнида Бобурнинг оқ от минган ҳайкалининг ўрнатилишини таъминлаш», «Бобур қабрини зиёрат қилиш учун вилоят делегациясини тузиш ва уни Кобулга юбориш, рамзий хокини олиб келиш ва «Бобур боғи»да мақбара қурилишини ташкил этиш», «Андижон шаҳридаги ўрта асрлардан буён мавжуд бўлган «Тўққиз ариқ»ни очиш,

таъмирлаш...» каби тадбирлар шулар жумласидан эди. Комиссия аъзолари тез-тез тўпланиб, муҳокама қилишар, лекин юқоридаги йирикроқ режалар юзасидан бирон-бир аниқ тўхташга келинмас эди. Айниқса, Бобур номидаги боғ яратиш муаммоси жуда узоқ чўзилди. Кимдир бир жойни таклиф қилар, комиссия аъзоларининг кейинги йиғинида ўша ҳудудни ўрганган меъмор ва бошқа мутахассислар унинг архитектура ва қурилиш жиҳатдан талабга мувофиқ эмаслиги, масалан, юқори кучланишли электр линиялари ўтганлиги ва бошқа сабабларни рўқач қилишиб, режани йўққа чиқаришар, комиссия яна янги жой топиш ва ўрганиш учун тарқаб кетарди. Ана шундай йиғинларнинг бирида Зокиржон Машрабов Боғишамол дам олиш мавзеини ободонлаштириб, Бобур номини бериш фикрини билдирди. Чунки кейинги пайтларда қаровсиз қолган Боғишамолни дастлаб боғ-роғ, гўзал бир дам олиш масканига айлантиришда Зокиржон аканинг ҳам кўп хизмати сингган эди. Мен ҳам азбаройи масала чуваланиб, ҳал бўлмаётгани учун шу таклифни қувватлаб гапирдим. Шунда юқорида эслаб ўтилган, менга афандининг саволини берган зот яна каминага юзланиб:

- Муҳтарам Қамчибек, эски боғ – эски, шу баҳонада янги боғ дунёга келиб қолгани яхши эмасми? - деди.

- Янги боғ бунёдга келгани минг марта яхши эди, лекин янги боғ яралишига менинг кўзим етмаяпти, юбилей тобора яқинлашяпти, - дедим мен.

Шу йиғинда яна Бўстон мавзеига қайтилди. Комиссия ҳам мажлис раиси эътирозли фикрларни рад этиб, ҳамма нарсанинг иложи бор, бугундан бошлаб ўша жойни узил-кесил ўрганишлар ва иш бошланглар, тамом, деди.

Кейинги йил баҳорида бўлса керак, Бўстон мавзеидан «Бобур боғи» учун ажратилган ерга Андижон давлат тиллар институтининг талабалари институт ректори, Республика Маданият жамғармаси вилоят бўлими раиси Мухторхон Умархўжаев бошчилигида ва бошқа кучлар ёрдамида мевали, манзарали кўчатлар ҳам ўтқаздилар. Лекин, тўғриси, жой кўпчиликка ёқмаётган эди, чунки пасттекислик, ёнбағирликлардан иборат бу ерда кўркам истироҳат боғи бунёдга келишини тасаввур қилиш қийин эди.

Дарҳақиқат, кўчатлар экилди-ю, ҳаракат яна тўхтади... ЮБобур таваллудининг 510 йиллиги юбилейига эса атиги бир ярим йилча вақт қолган, фақат боғ эмас, бошқа режалар ҳам қоғозда сарғайиб, ўз ечимларини умидсизлик ва интизорлик билан кутмоқда эди... Негаки, Сайфиддин Жалилов ёзганидай, раҳбарларимиз орасида ҳали бир олдинга, бир орқага қараб, яна биронта хамиятсиз каттакон чиқиб: «Э, нима қиляпсизлар, босқинчи Темур, Бобурларни яна қўмсаюпсизларми?!» деб қолмасмикин деган ҳадик билан яшаётган, шунча кутган кадриятларимиз яна пича сабр қилсин-чи, дея, мафкуравий, ижодий янгиликларни дастурлари, тадбирларни пайсалга солиб туришни маъқул кўрувчилар ҳам йўқ эмас эди. Натижада янги боғ яратолмадилар...

### **“ЗИНДОН”ДАН ЧИҚҚАН ҲАЙКАЛ**

Тўғри, орада яхшигина ишлар ҳам қилинди. Жумладан, собиқ Жданов проспектига – Андижон шаҳридаги энг узун, энг катта, энг кўркам иккита кўчанинг бирига, бир неча жамоа хўжалиги, ўқув юрти, муассасаларга Бобур номи берилди. «Тадбирлар»даги баъзи бир бандлар, масалан яқин ўн йиллардан бери сурилиб келаётган, масаланинг моҳияти ва ишнинг ҳажми, қўламига қараганда чиндан ҳам кўп қийин муаммолар гирдобидаги вазифа – «Арк ичи» мажмуасида Бобур уй-музейини ташкил этиш, Темирчиликдаги «Быткомбинат» цехлари ва «Плодоовошторг»га (ўша пайтларда ном, атамалар шунақа, русча ишлатиларди!) қарашли дўконлар, биноларни кўчиртириш, ўрнига хунармандчилик растасини таъмирлаб, очиқ музей ташкил этиш ишлари 1990 йили фавқулодда тезлаштириб юборилди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислон Каримовнинг ташаббуси билан Бобурнинг шоҳ асари, бутун жаҳон тарихчилари, адабиётшунослари, жуғрофияшунослари, табиатшунослари учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қиладиган қомусий «Бобурнома» китобининг ёзилганига 460 йил тўлишини республика миқёсида кенг нишонланаш, бу тантанага хорижий мамлакатлардан олимлар, адиблар ва бошқа расмий меҳмонлар таклиф этиш

бўйича тадбирлар белгиланди. Ташриф буюражак меҳмонларга эса Бобур номи билан боғлиқ масканларни, жумладан, Андижоннинг ўзига хос, тарихий нуқтаи назардан ижобий таассурот қолдирадиган жойларини кўрсатиш кераклиги аён эди.

Ҳарқалай, ўша йил ёзида Бобур қадамжолари билан боғлиқ ишлар секин-аста юриша бошлади. «Хунармандчилик»да белгиланган таъмирлаш ва ободончилик ишлари бошланди.

«Арк ичи»нинг ташқи деворлари тикланиб, музей ҳам қад кўтариб қолди. Бу ишларга бош-қош Зокиржон аканинг таклифи билан Фарғона водийси бўйича тарихий ёдгорликларни таъмирлаш бошқармасининг устахонаси бошлиғи (бошқарма маркази Андижонда эди) Мажидхон ака Турсунов бундан бир неча йил аввал бошлаган, аммо собиқ ЎзКП Марказий Комитети раҳбарларининг қаршилиги билан тўхтаб қолган эди, яна ўзи давом эттириб, ниҳоясига етказди.

- Илойим, охирати обод бўлсин, қаттиқ ҳаракат қилган, - дейди Зокиржон ака у кишидан миннатдор бўлиб (бу бутун Андижон зиёлиларининг миннатдорлиги дейиш мумкин!). – Бечорага ҳеч тиним бермаганман – тезроқ битказайлик, деб...

Аслида Зокиржон аканинг ўзи ҳам бўлажак «Мусаффо осмон остидаги музей»ни штаб қилиб уч ой ўтирган ўша ерда...

Ниҳоят, уй-музей битди. Бу орада Бобур каби улуғларга тош отганлар эл назаридан қолиб, ҳақли жазоларини олишди: қай бири ишдан олинди, қай бири қамалди.

Зокиржон ака Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Тоҳир Ориповга кўнғироқ қилиб, Бобур уй-музейи битганлигини хабар қилди ва Бобурнинг ҳамон зах омборда ётган ҳайкалини ўз жойига, яъни ўша музей ҳовлисига қўйсак.., - деди ўсмоқчилаб.

Котиб: «Шаҳар ижроия комитети раисига топширганман бу ишни», - деб масъулиятдан ўзини тортди. Зокиржон ака раисга кўнғироқ қилувди, у «Шуғулланяпмиз», деди. Орадан беш-ўн кун ўтказиб, яна биринчи котибга сим қокди. Яна аввалги гаплар такрорланди. Жавоблардан кўнгли тўлмаган

Машрабов: «Келинг, шу ишни менга топширинг», деди. «Яхши, ўзингиз бошлаган ишни ўзингиз охирига етказиб кўя қолинг бўлмаса», деб мулоқотга нуқта қўйди котиб.

Зокиржон ака идорасидан етти кишини сафарбар қилди. Улар иккита кўтарма кранни ёллаб, катта қийинчилик билан (аввало тор кўчага кўтарма краннинг кириши машаққат бўлди) уч ярим тонналик ҳайкални девор-томдан ошириб, музей ҳовлисига туширишди. Зокиржон ака бу ишларга раҳбарлик қилиб, йўл-йўриқ бериб турди. Иш битгач, суюнчисига палов дамлаб, йигитларнинг кўнглини олди.

Ўша пайтда Зокиржон Машрабовнинг қувончи бепоён эди! Кўкси осмон қадар баланд эди. Узоқ йиллар «зиндон»да ётган улуғ бобомиз сиймоси ниҳоят бандиликдан озод этилиб, ёруғликка чиққан, куёш юзини кўрган ва ўзининг ҳурмат супасини топган эди! Фақат, ҳайкалда Бобурнинг бошини қуйи солиб, чархи кажрафторнинг шеваларидан ҳайрону лол бўлиб ўтирган маъюс ҳолати акс этган эди! На чора, асли ҳаётда ҳам у кўп рўшнолик кўрмаган, маъсуд дамларидан кўра маҳзун онлари кўп бўлган жафокаш шоҳ, тақдир тақозоси ила юртма-юрт кезган, ватан соғинчидан бағри яра, кўнгли ярим шоир эди-да!

Лекин, шунисига ҳам шукур-да – шу кунларга етиб келиш ҳам осон бўлмади-ку... Бошқалар-ку, ҳарқалай, Бобур мақталса суюнишиб, бошқа пайтларда сабр қилишиб, даврони сиёсат ўйинларига дош бериб юришаверди. Зокиржон ака эса, зах омборда ётган ҳайкални ҳар дам ўйлаб, юраги эзиларди. Чунки, аввало ҳайкални Москвадан ҳам узоқ – Митиши шаҳрида қуйдириш, кейин уни Андижонга олиб келиш ташвишларию азобларини ёлғиз унинг ўзи биларди.

## **КИТОБ ТЎЙИ**

Ёз этаклари, кузга кириб «Ҳунармандчилик»да ишлар яна қизигандан қизиб кетди. Эски шаҳар аҳли бундай тез суръатдаги бузиш-қайта қуришларни умри бино бўлиб кўрмаган эди. Икки-уч ой ичида маҳалла ҳам, йўллар ҳам таниб



бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Қинғир-қийшиқ тор кўчанинг икки бетидаги ҳар хил шакл, ҳар хил тус, ҳар хил кўринишдаги дўконлар, бошқа бинолар ўрнини бир андозадаги файзли, шарқона устахоналар эгаллади. Хуллас, чинакам Темирчилик растасига, Ҳунармандлар маҳалласига айланди.

Бу қизғин бунёдкорлик жабҳасида фидойилик кўрсатган кўплаб олижаноб инсонлар ҳам бор эди. Жумладан, «Облстройреммебелбыт» деб аталувчи корхонанинг 1-чи шаҳар бошқармаси жамоаси (кейинчалик «Андис» номли фирма) раҳбари, менинг болалик дўстим Баҳром Қорабоев (охирати обод бўлсин) уста, ишчилари билан бошдан-охир ёнма-ён, типпа-тик турди. Таъмир ишлари учун ҳомий ташкилотлар томонидан ваъда қилинган пуллар чала унди. Лекин адабиёт, санъат шинавандаси бўлган Баҳром кўп қайғурмади. Майли, худо йўлига, Бобур учун хайр-эҳсон, деди. Дарҳақиқат, бир шоирнинг номи беш асрдан кейин ҳам ўз юрти ободончилиги ва шон-шавкати учун шу қадар хизмат қилаётган экан, нега энди унинг олис авлодлари, ўлмас меросининг ворис ва мухлислари улуғ бобоси руҳини шод этиш йўлида баҳоли қудрат саховат кўрсатмасин?..

Ҳадемай мезон оyi эшик қоқди. Таажжубки, Бобур юбилейлари ҳамиша қийинчилик билан, сурилиб-судралиб ўтарди. «Бобурнома» китобининг юбилейига тайёргарлик эса миллий мустақиллик шарофати, мамлакат Президентининг ташаббуси билан фавқулодда шиддатли тус олди. Юбилей анжуманлари халқ сайлига айланиб кетди.

Андижондаги маросимлар 23 октябрь, сешанба куни бошланди.

Эрталаб, соат тўққиз яримда аэропортда ҳозир бўлдик.

Тайёрагоҳ пештоқидаги ўзбек, инглиз, рус тилларида ёзилган шиорлар куёш нурида товланиб кўринарди. Шу шиорларнинг ўзиёқ Андижон ҳаво йўллари дарвозасига, шаҳар остонасига ўзгача бир рух, шодиёна манзара бағишлаган эди.

Махсус рейс билан учган – «Як-40» самолёти соат 10 га яқин Андижон заминига қўнди.

«Бобурнома» асарининг 460 йиллик юбилейи муносабати билан юртимизга кадам ранжида қилган таниқли ёзувчи, тоғаси - атоқли адиб Мирзакалон Исмоилий восита-риштаси ила Андижонга туташ қадрдонимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Тоҳир Малик бошчилигидаги тошкентлик ва хорижлик ижодкор олимларни – Бобур бобомизнинг меҳмонларини карнай-сурнай, гуллар билан кутиб олиб, вилоят Кенгаши идорасига олиб бордик. Кенгаш раҳбарияти ҳузурида танишув ва қисқа суҳбат бўлди.

Кейин «Хунармандчилик»ка ўтдик. Ҳар турли миллий асбоб-анжомлар билан савдо қилувчи дўконлар бир хил пушти рангга чиройли қилиб бўялган, кўчалар озода, оқ яқтак устидан шойи чорси боғлашиб, андижонча дўппи кийган темирчи-хунармандлар ўз пештахталари ва дастгоҳлари ёнида ишчан вазиятда эдилар, уларнинг айримлари тавозе билан меҳмонларни «хуш келибсизлар» деб қутлашарди. Раста ниҳоятда гавжум ва ўзгача файзли эди. Кўчанинг икки томонига Бобур сиймоси ўйиб ишланган миллий ёғоч сандиқлар териб қўйилганди. Меҳмонларни йўл-йўлакай Бобурга армон бўлган Андижон қовуни билан сийладилар.

Арқка, Бобур музейига яқинлашганимиз сари халойиқ қалинлашиб борар, карнай-сурнай садолари авжга чиқарди. Азбаройи одамнинг кўплиги, тиқилинчилигидан меҳмонларни «Арқ ичи»га аранг олиб кирдик.

Арқ ичи ҳам бутунлай ўзгариб кетган: доира шаклидаги музей ҳовлисининг ўрталиғидаги куни-кеча шип-шийдам турган ерлар бўлақларга бўлиниб, гуллар экилган, йўлақларга плиталар ётқизиблиб, қизғиш қум сепилган эди.

Асосий тантаналар шу жойдан бошланди.

Зокиржон ака не азоблар билан ёмон кўзлардан яширин равишда қуйдириб келган ва ўзи бош бўлиб ўрнатган Бобур ҳайкали устига оқ мато ёпиғлиқ эди. Унинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Вилоятнинг катта-кичиклари, шаҳар раҳбарлари шу ерда.

Оддий меҳнаткашлар, хусусан, зиёлиларнинг юзу кўзида қувонч, ифтихор ифодаси зоҳир эди.

Таниқли артист Муҳаммадали Абдуқундузовнинг Бобур сиймосида чиқиши тантанага ўзгача руҳ бағишлади, ҳаммани ҳаяжонлантириб юборди. Гўё Бобур тирилиб, ўз ватани, ўз юртига келгандай...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқалар Бобур ижодий мероси, унинг ғоят чигал ва мураккаб қисмати, бугун унинг боши устида гўё куёш чарақлагани, бу куёш ҳарорати асрий музликларни парчалаб, эритиб юборгани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Миллий безакли хона ва айвонларда, охорли атлас кўрпачалар тўшалган нақшли чорпоялардаги нон-чай, Андижон заминида етишган мева-чевалар билан тамадди асносида шеърхонлик бўлди, Бобур ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар янграб турди. Мудом нола чекиб мунгранадиган ғижжаклардан бугун жўшқин оҳанглар тараларди...

Ардан чиқилгач, Қўшариқ даҳасида бунёд этилиши режалаштирилган Бобур хиёбони кираверишида қад кўтаражак Бобур ҳайкалининг тошсупаси очилиши муносабати билан қисқа митинг бўлди (Ўша пайтдаги лойиҳа ва режа шундай эди, кейин ўзгариб кетди).

«Олтин водий» кафесидаги тушлиқдан сўнг меҳмону мезбонлар тўрт гуруҳга бўлиниб, бобурхонлик учрашувларини ўтказиш учун турли ташкилот ва корхоналарга йўл олдилар.

Бизнинг гуруҳимиз 2511-автокорхонага борди. У ерда карнай-сурнай садолари остида қизиқчилик, «от ўйин»ларини бошлаб юборишган эди (Ҳайдовчилар ҳам жуда шинаванда, адабиётга ҳавасманд, қизиқувчан халқ бўлади-да).

Тоҳир Малик бошқарган чой устидаги бобурхонлик жуда қизгин ўтди. Ўзбекистонга, шу жумладан, Андижонга илк бор ташриф буюрган афғонистонлик ўзбек шоираси Шафиқа Ёрқиннинг ёқимли лутфлари, ўша пайтларда ёниб ижод қилиб юрган шоир Шавкат Раҳмоннинг (жойи жаннатда бўлсин) гўзал, ўтлиғ шеърлари, бошқаларнинг дил сўзлари йиғинни файзиёб қилиб юборди.

Соат 17.00 да вилоят театрига келдик. Атрофга одам сифмайди. Кўчаларда дор ўйинлар, бошқа томошалар кўрсатилмоқда эди. Бобур ва унинг «Бобурнома»си шарофати билан бўлаётган бу сайлу томошалар ғоят шукуҳли, ғоят ибратомуз эди. Андижон халқи ўз Бобур Мирзоси билан чинакамига ошкора ифтихор ила қувонмоқда! Менимча, ушбу кун Бобур Мирзонинг руҳи ҳам илк бор шод, ўз элидан мамнун ва масрур эди...

«Бобурнома»нинг 460 йиллигига бағишланган илмий-бадиий кеча икки ярим соат давом этди. Дил сўзлари кўшиқларга, кўшиқлар рақсларга уланди.

Умуман, ўшанда бемалол, «Бобурнома»нинг Андижондаги тантаналари юқори савияда ўтди, дейиш мумкин эди. Айниқса, афғонистонлик меҳмонлар хайратланишиб, халқ тўйи бўлиб кетди, дея эътироф этишди. Пиримқул Қодиров, Тоҳир Малик ва бошқа ёзувчи –шоирларимиз ҳам кўп хурсандликларини изҳор қилдилар.

Эртасига эрталаб, соат ўнларда меҳмонлар «Бобурнома» тантаналарини давом эттириш учун қадимий Самарқандга жўнаб кетишди.

Ўшанда Тошкентдан, Москвадан, Покистон, Олмония, Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистондан жами йигирма беш нафар шоир, адиб, бобуршунос олимлар келишган эди. Улар орасида Афғонистон Фанлар академиясининг вице-президенти Асадулло Ҳабиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова, профессор Фозила Сулаймонова ва бошқа таниқли кишилар, улуғ меҳмонлар бор эди.

Мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентда бу азиз меҳмонлар Ўзбекистон Президенти томонидан катта ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилиндилар.

Ушбу қувончли, бетакрор, шарафли маросимлар замирида, шубҳасиз, Зокиржон Машрабовнинг хизматлари катта эди.

## **ВА НИҲОЯТ...**

Бобурнинг толеига, бобуршунослар, Бобур мухлислари, Бобур юртдошлари бахтига, барча Ўзбекистон халқи бахтига маънавиятимиз, қадриятларимиз

осмони бирдан чарақлаб, қора, ола булутларнинг қолган-қутганлари ҳам тумтарақай тарқаб кетди – 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди, меҳнаткаш омманинг, хусусан ижодкорлар, зиёлиларнинг асрий орзу-армонлари ушалди! Салгина аввал миллийлигидан чиқиб, қурама бир лаҳжага айланаёзган тилимиз бандиликдан озод бўлган эди, энди элимиз билан бирга ҳадигу мутеъликлар чангалида ниҳоятда майинлашиб, «қуллук»ни ўзига жо айлаган дилимиз бош кўтарди! Жисму жонимиз ҳур бўлди!

Боғларимизда қисиниб-қимтиниб чирқиллайдиган қушу паррандалар, дов-дарахтлар бамайлихотир қанот қоқиб, барг ёзишиб, эркин-эркин нафас олди!

Амир Темури, Бобур боболаримиз «босқинчи» деган сохта тавқи-лаънатдан, таъна-маломатлардан, иншоаллоҳ, тоабод халос ўлди!

Ана шу лаҳзадан кўп чигаллар ёзилиб, мушкулотлар равон бўла бошлади.

Худди шу йил кузида, мустақиллик шарофати билан Андижонда Бобур мавзуи яна қўзғалди ва вилоят ижроия қўмитаси қошида тузилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш комиссиясининг 1992 йил учун махсус иш режалари ишлаб чиқилиб, ижро учун яна мутасадди ташкилотларга, масъул шахсларга юборилди. (Айрим масалалар ҳамон тадбирдан тадбирга, режадан режага, дастурдан дастурга ўтиб келмоқда эди.)

Айни шу вақтда комиссия аъзолари рўйхатининг охирироғида бўлган Зокиржон Машрабов беқиёс ғайрат-шижоат ва фидойилик кўрсатди.

Аслида, Зокиржон ака мажлисларда кам қатнашарди. Балки у аввалига мазкур соҳага бевосита дахлдор бўлмагани учун истиҳола қилиб, четроқдан кузатиб, кутиб тургандир. Масалалар чўзилавериш, ишларнинг учи кўринавермагач, сабри чидамай майдонга чиққандир.

Ҳа, аслида Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан Андижон вилоят ижроия комитети, юбилей комиссияси томонидан 1990 йил 11 апрель куни тасдиқланган 41 банддан иборат «Тадбирларда»да ҳам Зокиржон Машрабов исми-фамилиси масъул шахс сифатида қайд этилмаган эди.

Зокиржон ака бу борада ташаббусни, масъулиятни ўзига олганидан кейингина ишлар юришиб кетди. Чунки унинг масалага аралашуви муаммоларнинг фавқулудда ечим топишини тезлаштириб юборарди. Умр бўйи раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган бу ташкилотчи инсон қайси масала каерда, қачон, кимлар билан ҳал бўлиши мумкинлигини, яъни ишнинг кўзини яхши биларди. Иккинчидан, у муайян масаланинг ечимига монелик қилиб турган энг қийин қисмини (худди ёғочнинг энг оғир жойини ўз елкасига кўтаргандек) ўз зиммасига оларди – масалан, муаммонинг асосий калити – ҳомийликни ёки ташкилотчиликни...

Зеро, у дангалчи, ушлаган жойини узиб оладиганлар хилидан. Хаёлига бир фикр келиб, кўнглида бир ният туғилиб қолса, то ўша ниятини рўёбга чиқармагунча ўйлайверади, имкон ва чора излайверади, бошқаларнинг эътиборига ҳавола қилиб кўради. Шу жараёнда режаларини обдон пишитиб олади-да, кейин унга дадил кўл уради.

### **ФИКРИ-ЁДИ БОБУРДА ҚОЛДИ...**

Унинг фикри-зикри Бобур ва унинг табаррук номи, хотирасини эъзозлаш, кутлуғ изларини тавоф қилиш бўлиб қолган эди. Айниқса, ўзи кутмаган жойда, бегона юртларда Бобурни гапиришса, эслашса, мақташса, ниҳоятда хурсанд бўлиб, фахрланиб кетар, бошлаётган ишларининг хайрли ва фойдали эканлигига ишончи ортарди.

1991 йилнинг кузида хизмат сафари билан Хитой Халқ Республикасига борган Зокиржон аканинг хотираларини ўқиб, ўша пайтдаёқ ишни зимдан пишириб қўйганига амин бўласиз.

*«Пекин шаҳрида ўтган гавжум суҳбатимиз давомида, профессор Чу Фаргона водийси ҳақида гапириб, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурни эслади. У киши «Бобурнома»нинг инглиз тилида чоп этилган нусхасини ўқиган экан. Бу улуг зотнинг табиатунослик, география ва геология илмига қўшган ҳиссаларини эслаб ўтди. Мен ҳаяжонланиб кетдим. Мағрурланиб айтдим: ҳа,*

*тўғри, аждодларимизнинг порлоқ руҳи авлодларни ҳозир уйғотмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона водийсидан, бизнинг Андижонда туғилган ва дастлаб шу юртнинг подшоҳи бўлган, дедим. Ўрта асрнинг буюк алломаси, шоири, ҳамшаҳар бобомиз ҳақида, туғилган маҳалласида унинг ҳайкали ва уй-музейини ташкил қилганлигимиз тўғрисида, 510 йиллик таваллудини ўтказиш учун Андижонда «Бобур изидан» номли экспедиция тузилаётганлиги хусусида гапириб бердим. Сухбатимизга бошқа олимлар ҳам қўшилди. Мен бўлажак автоэкспедиция маршрутини Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Непал, Ҳимолай тоғлари орқали Хитой ўлкасидан ўтишини айтдим. Хитойлик дўстлар экспедиция улар ҳудудига ўтгандан кейинги хизматларни ўз зиммаларига олишга тайёр эканликларини билдиришди.*

*Шу билан бирга, Туркистон халқларининг сермазмун тарих саҳифаларидан ўрин олган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз давридаги Буюк Ипак йўлини тиклаш мақсадида Андижон – Ўш – Ўзган – Қашқар орқали карвон ташкил қилиб, савдо-сотик ишларини давом этказиш бўйича олиб борилган музокараларга ҳам гувоҳ бўлдим».*

Зокиржон ака ўша сафардан қайтгач, вилоят раҳбариятига, зиёлилар эътиборига Бобур номида халқаро жамғарма тузиш таклифи билан мурожаат қилди. Унинг наздида бу улуғ сиймо юбилейини ўтказиш ва унинг номини абадийлаштириш билан боғлиқ барча масалаларни жамлаб, улар билан бевосита, махсус шуғулланадиган бир уюшма ё ташкилот бўлмаса, ҳар замонда бир тўпланиб, ўз мулоҳазаларини билдириб қўйиб, яна тарқалиб кетаверадиган комиссия ҳайъати билан иш битмайдиганга ўхшарди. Аслида ҳам шундай бўлаётган эди.

Албатта, жамғарма тузиш фикри Зокиржон Машрабовнинг хаёлига бирдан келгани йўқ. Узоқ ўйлаб юрди. У адабиётчи ё тарихчи бўлмаса... Нотаниш соҳа ичига кириб олиб, ўраллашиб қолмасмикинман, мақсадимни амалга ошира оламанми, агар ўйлаганларим рўёбга чиқмаса, раҳбарият, зиёлилар, эл-юрт олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмайманми, деган андишалар, гумонлар ҳам йўқ эмас эди. Унинг ниялари, нигоҳлари анча олисларга – хорижий

мамлакатларга - Захириддин Муҳаммад Бобур, умуман, теурийлар қадами етган юртларга қаратилган, режалар камрови ҳам шунга яраша кенг эди.

Вилоят раҳбарияти, зиёлилар, Бобур юбилейини ўтказиш комиссияси бу амалий таклифни қўллаб-қувватлади. 1992 йили Бобур халқаро жамоат фонди тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

\* \* \* \*

Бобур номидаги боғ учун жой топиш борасида тортишувлар, баҳслар жуда кўп ва узок давом этди. Кўпчилик Бобурга янги боғ яратиш керак, деган фикрда эди. Лекин бу қийин масала эди, чунки тор ва аҳоли тигиз шаҳарнинг ичида ҳам, таши-атрофида ҳам маданият ва истироҳат боғи боп кенгроқ, кўнгилдагидай холи жой йўқ эди! Бобурнинг бувиси Эсон Давлат бегимнинг чорбоғи бўлган, дея тахмин қилинган Қўшариқ даҳаси ҳам тилга олинар, «Бобурнома»нинг 460 йиллиги муносабати билан ўша жойда Бобур хиёбони барпо этиш ва унинг кираверишига ҳайкали ё бюстини ўрнатиш учун тошсупа ҳам қўйилган эдию, кейин негадир бу гап кун тартибидан чиқиб кетди.

Бўстон мавзеидан ажратилган ер - қабристон атрофидаги ёнбағирлик ҳам кўзланган мақсад учун талабга жавоб бермас эди.

Зокиржон ака, юқорида айтганимиздай, кейинги пайтларда қаровсиз қолаётган, бунёд этилишида ўзининг меҳнати сингган Боғишамол дам олиш масканини Бобур боғига айлантириш тарафдори, ташаббускори эди. Чунки Боғишамолда яратилган боғ 1970 йилларнинг бошларида ўша пайтдаги валоят партия комитетининг Биринчи секретари Бектош Раҳимов бошчилигида Зокиржон Машрабов ва бошқа мутасадди кишиларнинг саъй-ҳаракати билан Хакан адирларида хашар йўли билан вужудга келган эди. Бобурнинг 510 йиллигига оз вақт қолган, янги ерга дарахт экиб, зарур бинолар қуриш, боғ барпо этиш учун камида беш-ўн қовун пишиғи керак. Катта миқёсдаги ишлар, тадбирлар эса ҳамиша тикилинч, “бўл-бўл!” билан ўтади.

Ниҳоят, Боғишамолни Бобур боғига айлантириш ҳақида бир қарорга келинди. Вилоят раҳбарияти боғ лойиҳасини ишлашга кўрсатма берди. Қурилишларга ташкилотчиликни, умуман, янги боққа мутасаддиликни Машрабов ўз зиммасига олди.

Лойиҳачилар ишга тушди. Энди Зокиржон аканинг назарида «Бобур изидан» деган илмий экспедицияни тузиш учун ҳам айна қулай пайт келди.



Чунки янги боғда «Бобур ва жаҳон маданияти музейи», Бобур рамзий қабрини тиклаш ҳам кўзда тутилган. Рамзий қабрга Бобурнинг Кобулдаги Бобур қабридан тупроқ олиб келиб қўйиш, музейни эса Бобур ва бобурийларга дахлдор китоблар, кўлёмалар, бошқа экспонатлар билан тўлдириш зарур.

Зокиржон ака аслида бу ниятни анча илгаритдан дилига тутиб юрарди.

Унинг бу орзуси ҳам мустақиллигимиз шарофати билан, Ўзбекистон ўзига алоқадор халқаро масалаларни ўзи мустақил ҳал қила бошлаганидан кейин ижобат бўлди. Заҳириддин Бобурнинг қутлуғ 510 йиллик юбилейига тайёргарлик муносабати билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши 1992 йил, 30 январда Зокиржон Машрабов тузган лойиҳага биноан, «Бобур номли халқаро илмий экспедиция ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, экспедициянинг низомини тасдиқлагач, Адлия вазирлиги уни рўйхатга олди.

### ***ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯ НИЗОМИ***

*1. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши ўзбек халқининг асрлар давомидаги эзгу орзуларини рўёбга чиқарди. Эндиликда аجدодларимизнинг ўлмас руҳи авлодларни уйғотмоқда.*

*Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция мамлакатимизда, шунингдек, хорижий давлатлар ҳудудида ҳам фаолият кўрсатади. У Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда ўз Низомига асосланиб, меҳр-шафқат, халқаро инсонийлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида иш юритади.*

*II. «Бобур изидан» халқаро илмий экспедициясининг асосий мақсади ва вазифалари:*

*- Мустақил Ўзбекистон давлатини бутун жаҳонга тарғиб қилади, Туркистон ва Шарқ халқларининг буюк аجدодлари (Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фаробий, Жалолиддин Румий, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Бобораҳим Машираб, Фурқат ва бошқалар) босиб ўтган йўллардан бориб, кенг кўламда тадқиқот ва тарғибот ишларини амалга оширади.*

- Бу улуг бобокалонларимиз қолдирган бебаҳо маънавий обидалар ўрганилади ва ўзбек халқи тарихи саҳифаларига киритилади. Экспедиция чет элларда, ватандошлар орасида илмий-маданий, маърифий ишлар олиб бориб, ўзбек ва хорижий халқларнинг ҳаёти, тили, ўзига хос бетакрор адабиёти, миллий санъати, анъанага айланган урф-одатлари, удумлари, маросимлари билан, шунингдек, ҳаёт тарзи билан танишади ва таништиради. Шу мақсадларда мутахассис олимлар, маданият ходимлари ва зиёлилардан иборат экспедиция гуруҳи жамланади. Экспедиция материаллари асосида ҳужжатли фильмлар, китоблар яратилади, халқаро илмий анжуманлар ўтказилади.

Андижонда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларида, шунингдек, Бобур экспедицияси ўтган йўллардаги хорижий мамлакатларда ҳамкорликда ишлайдиган тижорат ва кичик корхоналар тузиш, экспедиция ваколатхоналарини очиш ва Ўзбекистон давлатининг қонунида тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади. Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзолари инсонийлик ва меҳр-шафқат тамойилидан келиб чиқиб, Афғонистон ва Покистонда бўлган пайтида Афғон урушида асир тушиб қолган ёки бедарак йўқолган ўзбекистонлик аскар йигитларнинг тақдири билан қизиқади ва имкон доирасида уларнинг она юртига қайтишига кўмаклашади.

- Экспедиция Бобурнинг ота юртида унинг рамзий мақбарасини бунёд этади, Буюк ипак йўли ўтган Андижоннинг жанубий Хакан дарвозасини тиклаш ва археологик қидирув ишларини олиб бориб, Андижоннинг 2000 йиллик юбилейини ўтказиш тадбир-чораларини кўради.

- Экспедиция Буюк ипак йўлини Бобур ватани Андижон орқали қайтадан тиклаш мақсадида карвон ташкил қилиб, Шарқий Туркистон ва бошқа хорижий давлатлар билан илмий-иқтисодий ва тижорат ишларини олиб боради.

Туркистон халқларининг улуг аждодлари изларидан юриб, хориждаги ватандошлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва улар билан иш юритиш тадбирлари кўрилади.

III. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари ва аъзолари олимлар, зиёлилар, ишбилармонлардан ташкил топади, ўз фаолиятини илмий-

*техник Кенгаш томонидан тасдиқланган иш режалари асосида юргизади. Экспедицияга Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳам аъзо бўлишлари мумкин....*

Кўриниб турибдики, экспедиция олдида қўйилган вазифаларнинг кўлами катта, бу ишларни амалга ошириш кўп вақт ва катта маблағ талаб қилиши аниқ, шунинг учун ҳар доим ҳам ҳомийлик кўмагига суяниш мақсадга мувофиқ эмас эди. Айниқса, халқаро миқёсдаги экспедициянинг ўз иқтисодий-молиявий манбалари бўлиши зарурлиги аён бўлиб қолди. Бунинг учун Бобур номидаги хайрия жамғармасини Тошкентда, адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш керак.

- Бу ишнинг қанчалар қийин бўлганлигини ёлғиз ўзим биламан, - дейди Зокиржон ака. –Ташқаридан, асосан ичкаридан қаршилиқлар кўп бўлди (бунинг сабаблари ҳам ўзимга маълум...).

Пойтахтга яна кўп қатнашга тўғри келди. Маҳкамаларнинг эшиклари олдида, қабулхоналарда соатлаб туриш, кутиш, ўтиниш – йирик бир шаҳар ижроия комитетига кўп йиллар раислик қилган, шу пайтда ҳам катта бир ташкилотнинг раҳбари бўлган одамга малол келар, ҳатто алам қиларди. «Баъзан бор-э, деворгим келарди», дейди Зокиржон ака. Маҳкамаларнинг катта-кичик ходимлари, бўлим бошлиқлари ишни негадир сансалорликка, пайсалга солишарди. Зокиржон аканинг назарида улар нималарнидир нимагадир қизғанишар, лекин нимани, нима учун қизғанишаётганини ўзлари ҳам билишмасди. Балки улар ижтимоий ҳаётимизда ҳали янгилик бўлган бундай тузилмаларнинг тартиб-қоидаларини яхши англамаганликлари учун ва буни сездирмаслик учун шундай қилишармиди...

Ниҳоят, Зокиржон аканинг сабр косаси тўла бошлаганида жамғарма рўйхатдан ўтгани тўғрисида хабар келди. У ва унинг сафдошлари эркин нафас олишди. Энди сафарга дадил жўнаса бўлаверади!

- Бу илмий сафарга бунчалик ошиққанимизнинг сабаби, - дейди Зокиржон ака, -биринчидан, Бобур бобомиз ва унинг авлодлари яшаб, фаолият кўрсатган юртларда бўлиб, биз учун номаълум маълумотлар, бобурийларнинг чет эллардаги ҳаёти ва меросига оид хужжатлар, китоблар, суратлар, қўлёзмаларни

тезроқ олиб келиб ҳамюртларимизга етказиш, Бобур Мирзонинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини уни яхши билмайдиганларга кўрсатиш бўлса, иккинчидан, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришгани, унинг ўша кунлардаги янги ҳаёти ва сиёсатини хорижий мамлакатларда тарғибу ташвиқ қилиш, шунингдек, бизга, биз тузган жамғарма ва илмий экспедиция келажагига шубҳа билан қаровчи баъзи кимсаларга мақсад ва ҳаракатларимизнинг жиддий эканини, унинг бесамар кетмаслигини исботлашдан иборат эди. Энг муҳими, Бобур бобомизнинг ўлмас сиймосини ҳар томонлама тиклаш орзуси менга тинчлик бермасди. Қалбимда бир пайтлар «Юлдузли тунлар» романи солган чўғ аланга ола бошлаган эди.

## **МАШАҚҚАТЛИ ИЛК САФАР**

1992 йил, 19 май.

Шу тонг Зокиржон Машрабовнинг қувонч ва ҳаяжони юрагига сиғмасди. Йўқ, шунчаки экспедиция билан узоқ сафарга жўнаётгани учун эмас, балки, аввало мана шундай имкониятнинг бош манбаи – мустақиллик деган буюк неъматга етказгани учун, қачонлардан бери юрагида армон бўлиб юрган ниятларининг амалга ошаётгани учун, катта-кичик олдида сўзининг устидан чиқаётгани учун... Хуллас, бунга сабаблар кўп эди.

Эрталаб Андижон вилоят ва шаҳар раҳбариятининг вакиллари, шоир-ёзувчилар, зиёлилар Бобур уй-музеи ҳовлисига тўпландилар. Бобур экспедициясини илмий сафарга кузатув маросими бўлди. Вилоят ҳокимининг муовини, Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейини нишонлаш комиссияси раиси ўринбосари Олимжон Комилжонов, вилоят фахрийлар кенгаши раисаси Турсуной Каримова, таниқли шоир Олимжон Холдор, Бобур номидаги Андижон давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, профессор Қодиржон Парпиев, Девонабой масжиди имом-хатиби Абдуллатиф қори Қосимов ва бошқалар дил сўзларини айтиб, экспедиция аъзоларига оқ йўл тиладилар.

Экспедиция бошлиғи вилоятимиз раҳбарияти ва меҳнаткашларининг уларга билдирган ишончи, яратиб берилган имкониятлар, самимий тилаклар учун миннатдорчилик изҳор этиб, бу умид ва ишончни оқлашга экспедиция аъзолари астойдил ҳаракат қилмоққа бел боғлаганларини изҳор этди.

Бобур Мирзо сўнгги марта Андижондан чиқиб кетган Хакан дарвозаси олдида оқсоқоллар кутишарди. Маҳалла чойхонасида Зокиржон ака ташаббуси билан палов дамланган эди. Ош-сувдан кейин улуғ ёшлилардан дуои фотиҳа олингач, йўлга тушдилар.

Манзил олис, ниятлар катта эди! Лекин баридан ҳам масъулият юки оғирроқ эди. Ахир уларнинг қандай улкан режалар билан сафарга жўнаганини эл-юрт билди, уларни кузатиш маросими халққа овоза бўлди.

Халқ эзгу ният билан бир ишга қўл урганларни ҳамиша ёқлайди, уларга сидқидилдан ҳайрихоҳлик билдиради, Аллоҳдан мадад тилайди. Лекин кўпчиликнинг ичида шунча оворагарчилик, қанча маблағ сарфлаб кетишяпти, қани, нима каромат кўрсатиб келишаркин, дегувчилар бўлмайди, деб ҳеч ким айтолмасди. Тўғриси, шундай кимсалар ҳам чиқди.

Экспедиция жўнаши биланоқ пана-панада, ҳатто маҳаллий радиода «Бобурни баҳона қилиб, сайру саёҳатга, ўйнаб келгани кетишди», дея жар солганлар, ғалвир сувдан кўтарилгунча ҳам сабри чидамаганлар бўлди.

Экспедиция аъзолари ҳар хил ёшдаги, турлича феъл-атворли, ранг-баранг соҳадаги ўн тўрт киши эди. Чунончи:

1. Зокиржон Машрабов – геология-минерология фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Андижон шаҳридаги кўп тармоқли илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, Бобур номидаги халқаро жамғарма президенти, экспедиция раҳбари.

2. Сайфиддин Турсунов – кардиолог-врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

3. Хайриддин Султонов – ёзувчи, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бош муҳаррири.

4. Собиржон Шокаримов – журналист, тарих фанлари номзоди, Андижон Пахтачилик институтининг катта ўқитувчиси.

5. Рустам Шамсуддинов – тарих фанлари доктори, профессор, Бобур номидаги Андижон давлат университетининг кафедра мудир.

6. Абдуғани хожи Ҳамидов – «Эл» халқаро жамиятининг Андижон бўлими раиси.

7. Шуҳрат Мадазимов – экспедиция ҳомийларидан бўлмиш Андижон гидролиз заводининг директори, техника фанлари номзоди.

8. Орифжон Ураимов – «Чинобод» фирмасининг директори (Бу корхона ҳам ҳомийлардан эди).

9. Маҳмуджон Раҳимов – Андижон давлат тиллар институтининг проректори, инглиз тили бўйича мутахассис, таржимон.

10. Муҳаммад Содиқ қори Қосимов – Мовароуннаҳр мусулмонлар идорасининг ходими.

11. Фаррух Расулов – Ўзбекистон телевидениесининг Андижон вилоят бўйича мухбир-тасвирчиси.

12. Адҳамжон Исмоилов – ҳофиз, Андижон мусиқа билим юрти муаллими. (Ҳамроҳларининг айтишича, у анча шўх, ҳазилкаш йигит, ўз ҳазиллари ва ашулалари билан сафар давомида узундан-узоқ йўлларни «қисқартириб», шерикларига яхши кайфият бағишлаб юрган).

13. Баҳромжон Зокиржонов – ҳайдовчи.

14. Рустамжон Холмирзаев – ҳайдовчи.

Албатта, экспедицияга аъзо бўлишни хоҳлаганлар кўп, лекин ҳаммасини олишнинг иложи йўқ эди. Аслида мана шу ўн тўрт кишининг ҳам кўплиги, аъзо танлашда экспедициянинг асосий мақсад ва режаларини инобатга олиш зарурлиги сафар давомида аён бўлди. Аммо, барча соҳадаги дастлабки тажриба ва ихтиролар, ҳар қандай хайрли саъй-ҳаракат ҳам камчиликдан ҳоли бўлмаслиги, аксинча, кейин такомиллашиб бориши табиий. Ахир Ўзбекистоннинг чекка бир вилоятдан Осиё қитъасининг қарийб ярмини айланиб

келишни мўлжаллаган халқаро илмий экспедициянинг сафарга чиқиши том маънода катта бир воқеа эди-да.

Зокиржон ака, гарчи геолог сифатида авваллари ҳам республика миқёсидаги кўп экспедицияларда қатнашган бўлса-да, бу гал кўнглида хийлагина ташвиш ва хавотир ҳам йўқ эмас эди.

- Иштиёқмандлар орасида экспедициямиз сафарини шунчаки саёҳат, чет элларни кўриб келиш учун қулай имконият, деб ўйлаганлар ҳам йўқ эмас эди назаримда, - дейди Зокиржон ака ўша кунларни эслаб. - Улар йўл азоблари, иқлим, табиий шарт-шароитларнинг кескин ўзгаришини, биз расмий делегация сифатида эмас, эркин илмий экспедиция бўлиб йўлга чиқаётганлигимизни эътибордан четда қолдиришган эди. Яъни, боражак хорижий юртларда бизни карнай-сурнай, гуллар билан кутиб олиш ва бошқа имтиёзлар кўзда тутилмаган эди. Чегаралардан ўтиш, меҳмонхоналарга жойлашиш, кўриб, ўрганишимиз лозим бўлган тарихий обидаларга кириш учун ижозат олиш ва бошқа ташкилий масалалар билан ҳам ўзимиз шуғулланишимиз, ўзимиз ҳал этишимизга тўғри келарди. Булардан бошқа кутилмаган муаммоларга ҳам дуч келишимиз мумкин эди. Шундай муаммолар ҳали кўп юрмасимизданоқ қаршимизда кўндаланг бўлишини, тўғриси, ўзимиз ҳам билмаган, ўйламаган эдик...

Экспедиция аъзолари улуг аждодимиз қадамжоларини зиёрат қилишни Бобур Мирзо қаттиқ муҳаббат қўйган ва бу муҳаббати эвазига кўп ранжу балолар чекишига сабаб бўлган кўҳна Самарқанду Бухородан бошладилар. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Ахрор Валий, Хожа Баҳовуддин Нақшбандларнинг қабрларини зиёрат этдилар.

Экспедициянинг асосий мақсади бобурийларга абадий ватан бўлиб қолган Ҳиндистонга бориш, уларнинг у ердаги ҳаёти, фаолияти ва қолдирган меросларини ўрганиб, маълумотлар тўплаб қайтиш эди. Ҳиндистонга Афғонистон ва Покистон орқали ўтиш мумкин эди. Лекин ўша пайтда Афғонистонда сиёсий аҳвол қалтислиги, кескин жанглар бораётгани учун Республика ҳукумати ҳам, вилоят раҳбарлари ҳам бу яқин йўлдан юришни

маслаҳат беришмади, экспедиция аъзоларининг ҳам бунга кўнгиллари чопмади. Шунинг учун улар айланма йўллардан кетишга мажбур бўлишди.

Дастлаб Эронга ўтиш учун Душанбедан виза олинди. Мамлакатимиз яқиндагина мустақил бўлгани учун ҳали пойтахтимизда кўп давлатларнинг элчихоналари иш бошламаган эди. Бундан ташқари, экспедиция дастурида «Бобур аждодлари – темурийлар қадами етган юртларга бориш, улардан қолган тарихий ёдгорликлар ва илмий маълумотларни ўрганиш» деган банд ҳам кўзда тутилган эди.

Тўрт кун деганда Туркменистон ҳудудидан ўтиб, Божгирон чегара божхонаси орқали Эрон Ислом Республикасига киришди. Ўтмишдан аёнки, бу кўҳна мамлакатда кўп жангу жадаллар юз берган. Яна шу нарса ҳам маълумки, жангларнинг айримлари Бобур Мирзонинг бобокалони, Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ. Бу муҳорабалар тарихга «Амир Темурнинг Эронзамин устига қилган икки йиллик юришлари» (1384-85-йиллар), «Амир Темурнинг Эронзамин устига қилган уч йиллик юришлари» (1386-88-йиллар) деган атамалар билан муҳрланган.

Заҳириддин Бобур Шайбонийхон билан тўқнашувларда мағлубиятга учраб юрган кезларида ёрдамга келган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Шайбоний кўшинларини Марв ёнида тор-мор қилиб, Бобур Мирзога йўл очиб берган, кейинчалик унинг ўғли Ҳумоюн Мирзо ҳам Эрон шоҳи Таҳмасп ҳузурида бир муддат паноҳ топган.

Экспедиция аъзолари ана шу тарихий воқеалар ва далиллар изидан юриб, Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Техрон, Ҳамадон, Табриз каби шаҳару қишлоқлар орқали Туркияга етиб боришади. Қадимий ва файзли шаҳарлардан бўлмиш Кўнёда тасаввуф илмининг улкан намояндаларидан ва тарғиботчиларидан бири, шоир, файласуф олим мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасини зиёрат қиладилар.

Сафар дастуридан бошқа мамлакатларга мазкур давлатларнинг Анқарадаги ваколатхоналаридан виза олиш кўзда тутилган эди. Бу масаланинг ечими қийин кечиб, икки кун Туркия пойтахтида қолиб кетишади. Сурия, Иорданияга руҳсат



олишга муваффақ бўлишгач, яна йўлга тушадилар ва 10 июн куни Саудия Арабистони заминига қадам қўйишади.

Экспедициянинг Маккаи мукаррамага кириб бориши бутун дунё мусулмонлари дини исломнинг бешинчи фарзи бўлмиш ҳаж зиёратини адо этиш учун йиғиладиган қизгин ва жўшқин паллага тўғри келган эди. Бобур изларини тавоф айлаш ниятида йўлга чиққанлар бу иноятни улуғ ажодимиз шарофатидан деб билдилар, Оллоҳга шукроналар келтириб, ҳаж амалларини адо этмоққа киришадилар.

- Ахир Бобурийлар тарихини ислом динидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди-ку, - дейди Зокиржон ака.

Яна бир бахтли тасодиф шуки, экспедиция аъзолари Маккада Тошкентдан ҳажга борган кўплаб ватандошлар, жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашадилар. Абдулла ака Зокиржон Машрабов ва Хайриддин Султон билан, экспедициянинг бошқа аъзолари билан кўришиб, уларнинг жасоратидан ҳайратга тушади, бундай олижаноб тадбирни мустақиллик неъматини, дея баҳолаб, ўзида йўқ қувонади, уларга куч-қувват, сабр-тоқат тилайди. Дилбар шоиримиз ўша пайтдаги таассуротлари ва дил сўзларини кейинчалик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мухтасар қилиб, шундай ифодалайди: *«Маккаи мукаррамада, Мино водийсида бўлган пайтимизда истеъдодли ёзувчи укамиз Хайриддин Султонов ва унинг андижонлик бобурушunos дўстларини кўриб қувониб кетдим. Улар улуг бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур изидан юриб, бир қанча мамлакатлар ҳудудида илмий-ижодий ишларни амалга ошираётган эканлар. Улар ҳам Маккада бўлиб, муқаддас ҳаж арконларини адо этиб, ҳожи бўлдилар. Сўнгра биз билан хайр-хўшлашиб, автомобилларида яна йўлларида давом этдилар. Ўзбекистон тарихида бундоқ хайрли ва ўзига хос илмий сафар гоят ноёбдир. Унинг ўзи бир тарих бўлиб, кечимишимизда ўчмас ҳарфлар билан ёзилиб қолишига ишонаман».*

Чиндан ҳам, Зокиржон ака ўша кунлари ҳаж амалларини адо этиш билан бирга, экспедициянинг кейинги сафарлари, олдиндаги мамлакатларга ижозатнома олиш ташвишлари билан ҳам банд эди. Раҳбарларга ҳавас

киладиганлар кўп бўлади. Лекин етакчиликнинг хусусан, сайёҳларга бош бўлишнинг афзалликлари кам. Мен бунга Венгрия ва Чехославакияга саёҳатга борган ўттиз олти кишилик гуруҳга раҳбарлик заҳматларини тортганимда, шунингдек, Бобур экспедицияси сафарларида иштирок этганимда Зокиржон ака тимсолида ҳам ўз кўзим билан кўриб, амин бўлганман. Аъзолар хотиржам нонушта қилаётган пайтда раҳбар ўша кунги режаларни, ишни, йўлни қаердан бошлашни ўйлаб бош қотириб ўтиради. Бошқалар қўл-оёқларини чўзиб, мириқиб дам олаётган маҳалда у элчихонага, бошқа маҳкамаларга чопади, мутасадди одамларнинг бир оғиз оғзаки рухсатини олиш ё имзосини чектириш учун қабулхоналарда соатлаб музтарликда ўтиради, чегара – божхоналарда ҳамроҳлар бир четга чиқиб, майсазорда ёнбошлаганича тамаки тутатиб, латифагўйлик қилиб, таассуротларини ўртоқлашаётган пайтларда, у божхона бошлиқлари хузурида, уларнинг бир оғиз гапига маҳтал бўлиб, қош-қовоқларига қараб туради, оддий ходимлар ортидан шерикларининг паспортлари ва бошқа хужжатларини кўтариб юради, ўзини ҳали у эшикка, ҳали бу дарчага уради. Машинанинг остию ичидаги юк-анжомларни, ашқол-дашқолларни исковуч ит билан тинтув-текширувдан ўтказишаётганда раҳбар юрагини ҳовучлаб, нафас олмай туради. Кечкурунги овқатдан кейин ҳамма мириқиб телевизор кўраётган чоғда у кундузги ишларни, сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилади, эртанги ишлар режасини тузади.

Бундан ташқари, гуруҳда нечта одам бўлса, ҳаммасининг табиати, дунёқарashi, феъли ҳар хил. Ҳаммасининг ўзига яраша талаблари, таманнолари бўлади. Раҳбар бир фикрни ўртага ташласа, ҳаммасидан ҳар хил мулоҳаза, маслаҳат чиқади. Бировининг қорни оғриб қолса ҳам дорихонага раҳбар чопади... Буюрилган таом кимнингдир таъбига тўғри келмай қолса, бошқа овқат топиб беришга ҳам масъул. Кимдир қатик ичаман дейди, ё қаҳва... Биронтасининг оёқ кийими ишдан чиқса, унга янги пойабзал олиб бериши керак...

Бошқа ҳамроҳлар Маккаи мукарраманинг «Қасри Осим» меҳмонхонасида шу азиз кунларга, Аллоҳ севимли бандаларига раво кўрадиган шундай муқаддас,

табаррук зиёратгоҳларга етказганига шукр келтириб, айримлар эса ватанга қайтгач, қариндош-уруғларининг иссиқ бағрида ўтказажак «Ҳожи келди» маросимларини хаёл қилиб ўтирган кунларда Зокиржон ака таржимонлар Муҳаммад Содик ва Маҳмуджонларни ёнига олиб Жиддага қатнар, Покистон ва Ҳиндистонга ижозатнома олиш ташвиши билан машғул эди.

Зокиржон Машрабов кўзда тутмаган муаммо, воқеларнинг жиддийроғи, улгуржиси ҳам рўй бериб қоларди. Ҳаж арконлари адо этилгач, галдаги вазифаларни келишиб олиш учун енгилгина йиғилиш ўтказилди. Унда шерикларнинг айримлари “асосий вазифа бажарилди, энди юртга қайтаверсак ҳам бўлади”, деган таклиф билдириб қолди. Кела-келгунча ҳам экспедиция аъзоларининг баъзиларида йўл-йўриқ кўрсатиб, бошқалар фикрини ўз мақсадлари томон буришга интилишлар сезилган, лекин раҳбар арғамчини узун ташлаб, қўйиб берган эди. Буни ўткинчи ҳолат деб ўйлаганди. Ўша кунги машваратда юқоридаги ўртоқларнинг етакчилик тизгинини маҳкам тутишга астойдил уринаётгани маълум бўлиб қолди. Зокиржон ака чиндан ҳам аъзоларни саралашда бир оз шошганини, қолаверса, одамзотнинг тили билан дили ҳамиша ҳам бир чиқавермаслигини англади.

Ахир экспедиция дастуридаги асосий вазифа Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар изидан юриб, улар уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилишган Ҳиндистонга ўтиш ва у юртда муайян ишларни амалга оширишдан иборатлиги сафардошларга қайта-қайта тушунтирилганди-ку?!

“Жуда узоқиб кетдик”, “Толиқдик”, “Оиламиздан хавотирлана бошладик”, деган важлар айтилди. Аён бўлдики, ўша, айрим... ларга Бобурнинг ҳам, Бобур экспедициясининг ҳам унчалик қизиғи йўқ эди. Инчунун, юқорида зикр этилганидай, назарларида ўз миссиясини ўтаб бўлишган ва юртга қайтиш хаёли, иштиёқи билан кун санаётганлар бор эди.

- Яхши, бугунча дам олиб, нафас ростлайлик. Эртагача ҳамма яна бир ўйлаб кўрсин, - деди Зокиржон ака ва шу заҳоти Жиддага жўнаб кетди. Ўзбекистон консулхонасига, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га учради, самолётга чипта суриштириб, битта ўрин гаплашиб қайтди.

Кейинги куни у қисқа муддатлик кенгаш чақирди.

- Демак, гап бундоқ, - дея сўз бошлади у қатъий оҳангда. – Биз экспедицияни давом эттирамиз. Ўзбекистонга қайтмоқчи бўлганларга қаршилик йўқ, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Қани, ким?...

Табиийки, Саудия Арабистонидан қайтворишнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор, хоҳиш билангина ниятга эришиш осон эмас эди.

- Билет масаласи... – деб ўсмоқчилади етакчилик иштиёқманди овози хийла пастлаб.

- Сизга икки кун кейинга билет буюртириб келдим, - дея дадил жавоб берди раҳбар.

Бошқалар гап қўшишмади. Бетарафлар жим, тарафдорлар ҳам... Лекин Зокиржон ака қайтиш таклифини қўллаш ниятидагилар йўқ эмаслигини фаҳмлаб турарди.

Тўғри, экспедиция аъзолари ичида соҳадан йироқ, касбу кори бўлак, дунёқараш и ўзгача, боз устига, ёши ўтиброк қолган, узок сафарга ўрганмаганлар бор эди. Лекин бир манзилни кўзлаб чиққан махсус экспедиция битта-яримта адашиб қўшилиб қолган одамнинг хоҳиш-иродаси билан йўлнинг ярмидан қайтиб кетавермайди-да. Ахир юртда раҳбарият, зиёлилар, жамоатчилик “қани, булар нима каромат кўрсатиб келаркин” деганлар кутишяпти!

- Биз эртага йўлга чиқамиз. Покистонга, Ҳиндистонга борамиз, кейин яна орқага қайтиб, Кветтадан Афғонистонга ўтамиз, Бобур қадамжоларини зиёрат қилиб, дастурдаги бошқа юмушларни бажаргач, Термиз орқали ватанга қайтамиз, - дея экспедиция ҳукмини эълон қилди Зокиржон ака. – Шу соатдан бошлаб, ҳар иккала ҳайдовчи ҳам фақат менинг буйруғим билан юради ва тўхтади. Хоҳламаганига жавоб, тўрт томони қибла!

- Майли, мен Карачидан учиб кетаман, ўша жойгача сизлар билан бориб олай, - деди шу ердан қайтиш даъвогари бўшашиб.

Шундагина тарафдорлари унинг ёнини олишди.

Зокиржон ака ҳам оёғини тираб туриб оладиганлардан эмас эди, майли, деди. Одамнинг юзи иссиқ, ҳамроҳни ёлғиз ташлаб кетиш ҳам дуруст эмас.

Бу жараён, албатта, осон кечмади, баланд-паст гаплар бўлиб ўтди. Лекин харқалай, умумий битимга келинди ва Эрон худудидаги Бандар Аббосга қараб йўлга чиқилди. Зеро, уларга бу ердан, яъни Саудиядан Бирлашган Араб Амирликларига ўтишга рухсат теккан эди.

Зокиржон ака ўшанда кечиримлилик йўлини танлаб тўғри қилганига кейинчалик амин бўлди. Маккаи мукаррамада уни хийла эсанкиратган ҳамсафар Андижонга қайтишгандан бир неча кун кейин ҳузурига келиб узр сўради. Ўзининг ноҳақлигини тан олди.

Лекин Дубай портида уларнинг тарвузи яна қўлтиқларидан тушди. Шу ердан кемага ўтириб Карачига етиб олишлари керак эди. Лекин бандаргоҳдан Покистонга кема қатнамаслиги маълум бўлди. Эроннинг Аббос бандаргоҳи орқали ўтиб кетиш мумкин эди, бироқ у ерга фақат уч кундан кейингина чипта бор, дейишди. Экспедиция аъзолари эса қаттиқ чарчаган эдилар, буни эшитиб, қалбларини умидсизлик, тушкунлик ҳислари чулғаб олди. Шу ердаги бир масжид даргоҳида тўрт кун қолиб кетишди – ишсиз, мақсадсиз, фақат кутиш, кутиб толиқиш билан тўрт кун ҳавога учди. Оламда мақсадсизликдан, фаолиятсизликдан кўра азобли нарса йўқлигига шу вақт ичида хўп ишонч ҳосил қилдилар.

Бандар Аббос портида эса уларни бошқа бир кўнгилсизлик кутарди. Бу нохуш вазиятни экспедиция аъзоси, ёзувчи Хайриддин Султон шундай тасвирлайди: *«Соҳилга тушишимиз билан одатдаги завзолар бошланди: Халил бандаргоҳида машиналаримизнинг юки бор ҳам дейилмабди, йўқ ҳам, шунинг учун маҳаллий маъмурлар дарҳол «Тойота»ларимизни махсус саройга элтиб банди қилдилар. То бизнинг шахсимиз аниқланиб, «номаи аъмолимиз» ўрганилгунча машинага яқин ҳам боролмаймиз. Шундоқ устимиздаги кийим бошу, сочиқ-совунларимизни олишга ижозат бўлди, холос.*

*Тагин умидсизлик, тагин тушкунлик. Яна бесамар саргайиш...»*

Умуман олганда, бир-бирига ўхшаган бундай савдолар экспедиция аъзолари бошига кўп бор тушди. Энг алам қиладигани, ёзувчи таъкидлагандек, «бесамар саргайиш» эди. Кун ўтган сари озиқ-овқат заҳираларининг ҳам чўғи пасайиб

борарди – ҳаммасидан ҳам шу нарса Зокиржон акани қаттиқ ташвишга соларди. Ахир маблағ тугаб қолса, бегона юртда кимга сарғаяди? Ким, қайси саховатпеша уларга мурувват қўллари очади? Ахир улар озчилик ҳам эмас, ўн тўрт киши-я!..

Яна, Хайриддин Султоннинг қуйидаги хотираларига эътибор қилинг:

*«29-30 июнь. Бандар Аббос. «Амин» меҳмонхонаси.*

*«Золимларга ўзинг инсоф бер, худо!»*

*Уч кундирки, шу илтижо тилдан тушмайди.*

*Уч кундирки, шу намчил бандаргоҳдан қутулиб кетолмаймиз.*

*Дастлаб Эрон ҳудудига ўтгандаги қийналганларимиз ҳолва экан, бу сафаргиси ниҳоятда ошиб тушди.*

*Бечора «Бой ота!» (яъни Зокиржон ака – Қ.К.).*

*Ҳар бири чойшабдай-чойшабдай (!) келадиган (сўзимнинг ҳеч муболағаси йўқ – сафардошларим тасдиқлашлари мумкин, чунки бутун сафаримиз тафсилотларини унутиб юборишимиз эҳтимол, аммо Бандар Аббосни ўла-ўлгунча унутмаймиз!) олтига қозонни кўтарганча шаҳарнинг у бошидан-бу бошига бўзчининг моқисидай зир югурадилар. Турли-туман идоралардаги амалдорларга имзо чектириш, муҳр бостириш учун соатлаб эланиб ўтирадилар. Бизлар эса... бандаргоҳ ташқарисидаги куйиб-ёниб ётган бостирмача тагида, қайноқ темир ўриндиқларда жизганак бўлиб, бир муждага зор бўлиб кунни кеч қиламиз... Иссиқ ва бекорчиликдан силламиз қуриб, бағоят тажсанг бўла бошладик...»*

Ҳарқалай, ўшандай пайтларда Зокиржон аканинг дунёдай кенг кўнглидан нималар кечганини тасаввур қилиш мумкин! Ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгарлик оила бошлиғининг зиммасида туради-ку. Экспедиция раҳбарининг масъулиятини ўлчашга тошу тарози етмас. Яхшиямки, Зокиржон ака аъзоларини хорижий мамлакатларда ҳукумат бошлиқларию беш юлдузли меҳмонхоналарнинг соҳиблари кучоқ очиб кутиб туришмаганидан қайта-қайта огоҳлантириб қўйган эди. Унинг ўзи эса геологик қидирувларда кўп юргани учун

йўл азоблари, сафар машаққатларини яхши билар, тоғ-тошли сўқмоқларда чиниқиб кетган эди.

Раҳбар зериккан, тушкунликка туша бошлаган шерикларининг руҳини кўтариши, олдинда яхши кунлар борлигини айтиб, уларга далда-таскин бериши ҳам лозим эди.

Тўғри, ҳамроҳларни ҳам тушуниш керак. Уйдан чиқишганига қирқ кун бўляпти. Умрида оиласи, фарзандлари бағридан бу қадар олис кетмаганлар, бунча узоқ ва заҳматли йўл юрмаганлар, юраклари кескин иқлим ўзгаришларига дош беролмайдиганлар бор...

Гапнинг индаллоси, янги туғилган муаммо Зокиржон ака кутганидан ҳам жиддийроқ эди. Арабистоннинг жазирама иссиқлари, ўрганилмаган иқлим, чегаралардаги тараддудлару ҳадиклар, уйқусизлик, очин-тўқин қолишлар, куни бўйи машинада силкиниб юришлар экспедициянинг айрим аъзолари руҳияти ва вужудига ўз таъсирини ўтказган, ланжлик, лоҳаслик бошланган эди. Улар экспедиция етакчиси ва бошқа йўлдошлардан узр ва изн сўраб, қайтмоққа чоғланишарди. Зокиржон ака қаттиққўл, айнаи вақтда кўнгилчан раҳбар. Қолаверса, экспедиция мутлақо ихтиёрий-кўнгилли кишилардан иборат, зеро, илмий-ижодий сафар табиати, моҳияти ҳам шуни тақозо этади.

Шундай қилиб, Эроннинг Зоҳидон шаҳрида экспедиция аъзолари иккига бўлинди – сафарни давом эттирадиганлар ва она юртга қайтадиганлар. «Тойота»нинг бирида беш киши – Абдуғани ҳожи ака, Сайфиддин Турсунов, Шухратбек Мадазимов, Орифжон Ураимов, ҳайдовчи Рустамжон қирқ кунлик ҳамсафарлар билан хайрлашгач, Андижон томон йўл олдилар. Қалблари андак дилгир бўлиб қолган тўққиз киши эса Покистонга жўнади. Зокиржон ака таъбири билан айтганда, жанубий Покистоннинг мураккаб ва машаққатли чўл ва тоғлик ўлкаларидан минглаб чақирим йўл босиб, бобомиз Бобур Мирзо ва унинг авлод-аждодлари қадамжолари бўйлаб асосий мақсад-вазифаларни адо этмоққа киришдилар. Кветта, Мўлтон шаҳарларидан ўтиб, қадимий Лоҳурга кириб бордилар.

Маълумки, Бобур Лоҳурда муқим турмаган, аммо гоҳ талонда, гоҳ омонда бўлиб, кўп сиёсий ғавғоларни бошдан кечирган. Тарихий тажовузларни хўп кўрган бу мустаҳкам қалъа-шаҳар узоқ даврлар бобурийларнинг асосий қароргоҳларидан бири бўлган. Бобурнинг набираси Акбаршоҳ, чевараси Жаҳонгиршоҳ ўз замонида Ҳиндистоннинг пойтахти бўлмиш бу шаҳарда ўз шараф ва номларини асрлар оша бизнинг кунларгача олиб келган, эндиликда тарихий обидалар ва ёдгорликларга айланган иншоотлар қурдирганлар, гўзаллиги ва тарихлари бир олам мазмунга эга боғлар барпо этганлар...

«Эмбассадор» меҳмонхонасига жойлашган экспедиция аъзолари пича хордиқ чиқариб, Лоҳурнинг қадимий, машҳур обидаларидан «Шоҳ қалъа»ни кўришга ошиқиб бораётганларида, зиёратгоҳни беркитишаётган эди. Ўзларини танитиб, мақсадларини айтишгач, музей ходими Нави Аҳмад тавозе билан кулфга қайта калит солди.

Бобуршуносларимиз Нави Аҳмаднинг «Ўзбекистон» деган мамлакатни билмаслигидан таажжубландилар, оғриндилар, бироқ йигитнинг «Бобур» номини эшитганидан сўнг соддадиллик ва самимият билан сўраган узрини яқдиллик билан қабул қилдилар. Нави Аҳмад «Шоҳ қалъа»ни обдан кўрсатиб, унинг тарихи ва ҳовли-худуддаги хотира, ёдгорлик жойларига айланган бинолар, кўшк, айвонларни ҳафсала билан шарҳлаб берди.

«Шоҳ қалъа» асли XIII асрда қурилган, аммо жангу жадаллар, тож-тахт талашилар туфайли бир неча бор вайрон бўлган. Бобурий Акбаршоҳ уни 1560 йили қайтадан тиклатган. Акбаршоҳнинг ўзи мана шу муаззам марказ – пойтахтда ўн беш йилга яқин бепоён Ҳиндистонни бошқарган.

Хуллас, экспедиция аъзолари «Шоҳ қалъа», Лоҳур тарих музейи ва бошқа обидаларни завқу ҳайрат ила томоша қилдилар. Покистон халқи, маданий ёдгорликларни асраш мутасаддиларининг бобурийларга бўлган ҳурмат ва эътиқодидан ғоят севиниб, фахрландилар, эндиликда дунёнинг ҳамма бурчакларидан келадиган сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланган мазкур обидаларнинг Бобурнинг ўз юрти Андижонда бунёд этилмаганидан ўқиндилар, афсус чекдилар. Жаҳонгиршоҳ ва Нуржаҳон бегим



мақбараларини кўриб, завқландилар, уларнинг муҳаббати ҳақидаги нақллар ва ривоятларни тинглаб мутаассир бўлдилар.

Миллий музейда танишиб қолишган Акифа хоним Маннон қизи уларда ажойиб таассурот қолдирди. Музей хоналаридан бирида оқ матога бобурийлар суратини чизаётган бу қиз бобурий маликаларга монанд соҳибжамол ва жуда дилбар, ёқимтой эди. Бир оз суҳбатдан сўнг у ҳам экспедициячиларга қизиқиб қолди ва уларни ўз хонадонига таклиф этди. Андижонлик сайёҳлар ортиқча такаллуф қутмай, таклифни бажонидил қабул қилдилар.

Уларни Акифанинг катта бувиси самимий илтифот билан кутиб олди (Қизнинг ота-онаси ишда эди). Бу дилкаш, муҳтарама онахон ҳам Бобур ва унинг авлодлари тарихини яхши билар, уларга ҳурмати баланд ва улардан жуда мамнун экан.

- Бобур Мирзо бизнинг юртимизга ислом нурини олиб келди. Аллоҳнинг марҳамати ва у подшоҳ туфайли биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобур Мирзодан бир умр миннатдоримиз, - деди у.

Хуллас, бир ҳафта давомида Лоҳурда Бобур ва бобурийларнинг номлари билан боғлиқ ёдгорликлар, кутубхоналар билан яқиндан танишдилар, «Ньюс», «Миллат» рўзномалари таҳририятларида учрашув ва суҳбатлар қурдилар, экспедиция низомида кўзда тутилган бошқа ишлар билан шуғулландилар, шу баҳона уларнинг чарчоқлари, хуморлари анча ёзилди, кайфиятлари чоғ бўлди.

Эндиги навбат – Ҳиндистон эди. Лекин ҳинд элчихонасидан олинган жавоб уларнинг бошидан бир пақир муздай сув қуйиб юборгандек бўлди: Ҳиндистон ҳудудига автомобилда ўтишга рухсат йўқ экан. Зокиржон ака бундай бўлишини сира кутмаган, бу ҳақда ҳеч ким уни огоҳлантириб ҳам қўймаган эди. Мана энди Ҳиндистонга борамиз, деб босилган минглаб чақирим йўллар, бутун орзу-умидлар пучга чиқиб ўтирибди. «Бир келса, ҳамма нарса қўшалок келар», деганларидай, бу ёқда – «шахсий таркиб»да ҳам муаммолар, ишқалликлар чиқа бошлаган - экспедиция аъзоларидан тўрт-беш киши қаттиқ ичбуруғдан азоб чекишарди.

Ватанга қайтишдан бошқа илож қолмади. Орқага эса фақат иккита йўл бор - бири – яна келган изларидан юриш, иккинчиси – Афғонистон орқали кетиш. Орқага қайтишдан ҳамма безилларди, чунки йўл узоқ, яна ҳамма машмашаю машаққатларни, айниқса, Бандар Аббосдаги музтарликларни қайта бошдан кечиришни тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Афғонистон эса...

### **ЖАНГГОҲЛАР ОРАЛАБ...**

Афғонистон уруш алангаси ичида тутаб ётган бир мамлакатким, унинг худудидан ўтиб олиш – оловни кечиб ўтиш демак эди. Хусусан шўролардан куйиб, шўро давлатининг фуқароларидан аламзада бўлиб, кўзи қонга тўлиб турган одамлар «экспедиция», «Бобур» деган сўзларни англашармикин, англашни хошлашармикин? Улар англаган чоғда ҳам, тоғли, хатарли йўлларда дайди ўқлардан омон қолишга ким кафолат бера олади?

Лекин ўша ёқда бошқа бир умид шамчироғи милтиллаб кўринар ва уларга таскин берарди. Хўп, Ҳиндистонга ўтишолмади, энди Ватанга нима деб, нима олиб боришади? Ахир дастурда «Бобур қабри тупроғидан олиб келиб, Боғишамолдаги Бобурнинг рамзий қабрига қўйиш» деган банд бор эди-ку... Демак, таваккал қилиш керак. Бу таваккалга эса экспедициянинг ҳамма аъзолари рози бўлишлари зарур эди. Хийла мунозара ва музокаралардан кейин улар ҳам азбаройи масаланинг моҳиятини ҳис этганлари боис мойиллик билдирдилар. Шундан сўнг Афғонистоннинг Покистондаги элчихонаси ходимларининг иккиланишлари, сиёсий вазиятнинг хавотирли эканлигини эслатишгани ҳам уларни раъйдан қайтаролмади. Хулоса ва ҳукм қатъий, бошқа мулоҳаза ва мушоҳадага ўрин йўқ эди.

Шу куни тунда Пешоварга кириб келишди. Эртасига эрталаб бу шаҳардаги афғон консулининг ижозати ва Маккаи мукаррамада танишишган афғонистонлик ўзбек Ҳожи Омонуллоҳ Шамс ёрдами билан чегарадан ўтиб, Афғонистон худудига қадам қўядилар. Жалолобод йўлларининг ҳар қадамида жангу-жадаллар даҳшатида дуч келган сайёҳларимиз қандай ишга таваккал қилишгани, нечоғлик

хатарли худудга кириб қолишганини ҳис этишади, аъзои баданлари жимирай бошлайди. Зеро, "... теварак-атрофдаги вайрона иморатлар, йўл ёқасида қалашиб ётган ҳисобсиз ҳарбий техника, портлатилган кўприклар, култепага айланган кентлару овуллар, пичан ва таппи босилган томлар тепасида тумшуғи йўлга қаратиб қўйилган тўп ва пулемётлар, етти яшаридан етмиш яшаригача қурол осиб олган сирли, бегона одамлар... юракка беихтиёр ваҳима соларди. Дам-бадам кетмонсоқол, тундбашара, важоҳати қўрқинчли кимсалар йўлимизни тўсади, машинамиз ичига аланглаб назар солади. Қўрққанга қўш кўринар, деганларидек, ҳар бир нарса бизга шубҳали туюлади. Гоҳ олислардан, гоҳи эса яқингинадан гумбурлаган ўқ товуши эшитилади”<sup>1</sup>.

Экспедиция ўша маҳалларда Гулбиддин Ҳикматёр қароргоҳи бўлиб турган Жалолободга кечга яқин кириб боради. Ана шу пайтда кулгули ҳам куйгули ғаройиб бир ҳодиса юз берадиким, у “Бобурийнома” китобида хўп кифти келтириб тасвирланган: “Шаҳар четига етиб келганимизда кўнгилсиз ҳодиса юз берди: шунча километрдан буён қилт этмай келаётган машинамизнинг олд филдирагидаги баллон ёрилиб кетди. Қоронғи туша бошлаган, атроф хатарнок. Апил-тапил машинадан тушдик. Бир зумда атрофимизни бир тўда одам ўради. Уларнинг ичида қуроллиси ҳам бор, қуролсиз ҳангоматалаби ҳам бор. Ундан-бундан сўраб, гапга тута бошладилар. Баъзилари машина деразасидан ичкарига олазarak аланглаб қўйишади. Уч-тўртта ёш-яланг йигит шундоққина олдимизда ерга чўнқайиб наша чека бошлади. Атрофни ўткир, гуркираган ҳид тутиб кетди. “Аз сафари ҳаж” деган сўзнинг сеҳрли кучи таъсир қилдими, бу олақуроқ оломон бизга дахл қилмади. Шу пайт бамисоли мўъжиза рўй бергандек, осмондан тушдимми, ердан чикдимми, лоп этиб рўпарамизда иккита хушсурат, алпкелбат йигит пайдо бўлди. Иккаласининг ҳам эғнида қордек оппоқ кўйлак-иштон, устидан қора нимча кийиб олишган. Бу вақтда бизнинг ҳайдовчиларимиз филдирак тагига домкрат қўйиб кўтараётган эди, бирдан қарс этдию... домкрат синиб кетди. Ана томоша! Ҳушимиз бошимиздан учиб турган эдик, бояги икки йигит меҳрибонлик билан ҳол сўради. Кейин уларнинг бири “Ҳозир!” дегандек

---

<sup>1</sup> Х.Султон. Бобурийнома, 223-б.

ишора қилиб, йўлдан ўтиб кетаётган бир машинани тўхтатиб нимадир деди ва унга ўтириб жўнаб кетди. Хушқад, хушмўйлов иккинчи йигит биз билан гурунглашиб турди. Кўп ўтмай ҳалиги йигит ўша машинада домкрат олиб келди. Машина биздан уч-тўрт кадам нарида чироғини ёкиб турди, унинг ёруғида йигит баллонни кўз очиб юмгунча алмаштириб берди. Машинамизнинг тагига кириб, кандайдир мурватларини бураркан, оппоқ кўйлаги бир зумда қоп-қора бўлди. У эса парвойи фалак, кулимсираб турар эди. Шу пайт машинани олд томонидан жиндай кўтариб туришга тўғри келди. Зокиржон ака бошчилигида ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб машинага ёпишдик. “Бой ота” жаноблари буйруқ бердилар: “Қани, давайте, раз, два, взяли!” “Ҳай-ҳай, Зокиржон ака! – дедим жонҳолатда. - Бояги кўрсатмалар нима бўлди энди?!” “Э-ҳа! - деди у киши шошиб. – Кечирсинлар, проста оғзимдан чиқиб кетди...”

Вазият шу қадар нозик эдики, ҳатто кулгани ҳам журъат қила олмадик”<sup>1</sup>.

Салгина аввал Зокиржон ака “афғонлар билан муносабатда, ўзаро суҳбатда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Булар шўролардан аламзада, биздан барибир шубҳаланишади, оғзингиздан русча сўз чиқиб кетмасин” дея огоҳлантирган эди.

Худо етказган халоскорлар тунда юриш жуда хавфли эканлигини таъкидлашиб, меҳмонларга кечани “Сипангир” (Оқ тоғ) меҳмонхонасида ўтказиб, азонда йўлга чиқишни маслаҳат берадилар.

Жалолобод шаҳридаги ҳарбий касалхонага айлантирилган, у ёқдан-бу ёққа инқиллаб юришган ногирон ва ярадор аскарлар билан тўла меҳмонхонанинг ойналари синган иккита хонасида, уруш ваҳшатлари ва даҳшатларини ҳис этган ҳолда тонг оттиришга тўғри келди.

Атрофда отишма овозлари, қарсиллаган товушлар... Узун ва кўзи кўр тун... Тонггача нима воқеа юз беради – худо билади.

Зокиржон ака ҳайдовчидан ва Фарруҳнинг қимматбаҳо видеокамераларидан хавотирланиб, машинага чиқиб ётишга қарор қилди. Ташқари янада ваҳимали эди. Қани энди кўз илинса...

---

<sup>1</sup> “Бобурийнома”, 224-225-б.

Шу кеча ким қандай ухлади, кимнинг қалбидан нималар кечди – фақат ўзларига ва Аллоҳга аён. Раҳбарнинг кўнглида ва зиммасида эса тўққиз кишининг ҳадиги, ташвиши бор эди...

Зокиржон ака Парвардигордан уларни ўз паноҳида асрашини, ҳамроҳларини – экспедиция аъзоларини оилалари бағрига эсон-омон етказишни сўраб, илтижо қилиб ётаркан, Афғон тупроғида тинч, бегуноҳ аҳолининг умрларига зомин бўлиб, обод юртни вайронага айлантираётган, 14 йилдан бери давом этаётган қонли урушнинг сабаб ва оқибатларини мулоҳазалар чархидан ўтказар, бунда гўё ўзининг ҳам айби бордек туярди. Ахир, урушга ўзбекларнинг фарзандлари ҳам аралашиб кетган-да. Улардан қанчасининг мажақланган, майдаланган жасадларини ҳарбий комиссариатдагилар темир тобутларда олиб келишиб, “сандиқ”нинг қопқоғини очишга рухсат беришмай, кўмдириб юборишган. Тоғни урса талқон қиладиган қанча-қанча норғул йигитларимиз кўли, оёғи, бошқа аъзоларидан ажраб қайтишди. Яна қанчалари дом-дараксиз...

Дарвоқе, Зокиржон ака экспедиция дастурини тайёрлаётганда мана шу урушда бедарак йўқолган ўзбек йигитларининг рўйхатини тузган, уни Афғонистон ҳукумати вакилларига бериб, улардан шу борада кўмак ўтинишни ҳам дилига туғиб кўйган эди. Вазиятга қараганда бу юртда ҳозир унинг илтимосига кулоқ тутадиган одамни топиш амри маҳолга ўхшарди.

Зокиржон ака қалтис ишга қўл урганини ўйлаган сари, тўғри йўл тутдимми, деб ўзига ўзи савол берар, лекин жавоб топишга қийналарди, бу олов ичидан шерикларининг пешини куйдирмай олиб ўтиб кетиш унинг асосий ғами, тилаги эди. Биз хайрли мақсадлар билан юрибмиз, шунинг учун аввали Худо, қолаверса, Амир Темури, Бобур боболаримизнинг руҳи кўллаиди бизни, дерди (Бобур қабрини зиёрат қилиш фикрини ҳозирча пинҳон тутарди).

Мана шундай хаёллар гирдобида осмон ёришди. Зокиржон ака ҳамроҳларининг қизаринқираган кўзларидан уларнинг ҳам деярли мижжа қоқишмаганини англади.

Улар апил-тапил йиғиштирилиб, Кобулга жўнадилар.

Асосий қисми тоғ, адирлар, довонлардан ўтадиган йўл кимсасиз, файзсиз эди. Атрофда уруш асоратлари яққол сезилиб турарди: автомат ва милтиқларнинг ўқдан бўшаган ўқдонлари, вайрона-култепалар, ярми ёнган, қийшайиб ётган БТР ва ҳар хил русумдаги пачақ юк машиналари одамнинг юрагига ваҳима соларди.

«Тойота» шамолдек елиб пойтахтга яқинлашмоқда. Манзара бир хил: йўлнинг икки томонидаги хароба маҳаллалар, қишлоқлар, тунд башарали, қалин қора соқолли эркаклар, эски либослар, чодирларга ўранган аёллар, йиртиқ кийимли болалар...

Мана, ниҳоят, Кобул – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган тарихий, машҳур шаҳар! Эътибор берган бўлсангиз, «Бобурнома»нинг бир неча саҳифасида Афғонистоннинг вилоятлари, жумладан, Кобул ва унинг туманлари меҳр билан кўп ва хўп тасвирланади; иқлим, табиати, тоғ-адирлари, чашма-булоқлари, ажойиб фасллари таърифланади. Зеро, Бобур Кобулдан айтарли ёмонлик кўрмаган, билъакс, кўп омонлик ва рўшноликлар кўрган, бу юртда ғалаба ва омадлар нашидасини сурган, ҳаётининг энг қувончли ва гаштли даврлари шу жойда, ўзи яратган боғ-роғларда ўтган. Унинг суюкли фарзандлари Хумоюн, Ҳиндол, Гулбаданбегим (ва бошқа)лар шу гўзал шаҳарда таваллуд топишган. Балки шу сабаблар боис, Бобур Ҳиндистондалик пайтида Андижон каби Кобулни ҳам мудом соғиниб, қўмсаб яшади, ҳатто абадий оромгоҳининг Кобулдаги ўзи бунёд этган боғда бўлишини тилади, васият қилди... Ҳарқалай, Бобурни Кобул билан боғлаб турган ришталар бисёр ва мустаҳкам эди. Эҳтимол шунинг учун ҳам Кобул Зокиржон ака ва унинг ҳамроҳларини ўзига тортгандир...

Кобулда ҳам қўналға учун биргина макон топдилар, «Сипанзар» отлиғ бу меҳмонхона ҳам ҳарбийлар учун қароргоҳга айланган, узоқ-яқиндан ўқ овозлари эшитилар, Жалолободдагидан ҳам хатарлироқ эди. Бино олдида ҳайбатли танклар турар, томга эса ҳар томонга қаратиб пулемётлар ўрнатилганди. Кечаги тун ҳали кўз олдиларидан кетмагани учун безиллашиб, бу ердан тезроқ жўнашни хоҳлашарди.

Эрталаб эса, Зокиржон ака қисқа муддатли машварат ўтказиб, ниятини изҳор этди.

- Биродарлар, демак, ҳамонки шунча хавф-хатарни била туриб Кобулга келган эканмиз, энди бир илож топиб, Бобур бобомизнинг хоки пойини тавоф қилиб, демак, унинг қабри тупроғидан олиб кетишга уриниб кўрмаймизми?

Таклиф яқдиллик билан бўлмаса-да, харқалай, маъқул топилди. Чунки, таҳликалар, жисмоний ва руҳан чарчашлар асабларни хийла таранглаштиргани туфайли ўзаро анча-мунча келишмовчиликлар, англашилмовчиликлар ҳам бўлиши табиий эди.

Уларнинг ишини Парвардигор ўнглаганини қарангки, меҳмонхонада боксчи, мамлакатнинг бир неча бор чемпиони Муҳаммад Али деган йигит билан танишиб қоладилар. У Ўзбекистондаги, ҳатто Андижондаги мусобақаларда ҳам қатнашган экан. Зокиржон ака уни Бобур боғига бошлаб боришга бир амаллаб кўндиради.

«Тойота»да юриш хавфли эди, экспедиция раҳбари эски бир такси ёллаб, Собиржон Шокаримов ва Хайриддин Султонни ёнига олиб жўнади.

Боғи Бобур дарвозаси олдида уларни қуролланган соқчилар қарши олишди. Мана шунда чиндан ҳам Муҳаммад Али асқотди.

Боғнинг баланд, баҳаво жойидаги Бобур мақбарасини ҳаяжон билан, қадамларини шу азиз тупроққа етказгани учун Тангрига шукроналар келтириб зиёрат қилишар экан, бобуршунос Ҳамидулла Ҳасановнинг қуйидаги гапларини эсладилар:

*«Кобулга келган ҳар кимса Бобур мақбарасини кўрмай кетмайди. Кобулликларнинг ўзлари Бобур мақбарасини зиёратгоҳ деб биладилар. Ҳар йили Наврўз байрамида – 21 март куни аҳоли Боғи Бобурга келиб, биринчи кўчатни ўтқазади. Кобулликларнинг кўчат экиш ҳафталиги шу боғдан бошланади. Бобурга шу қадар иззат-эҳтиром кўрсатган кобулликларга балли, Бобур мақбарасини супуриб-тозалаб турган боғбонларга балли!»*

Боғ ва мақбаранинг ҳозирги ҳолати олим тасвирлаган ва таърифлагандай эмас эди, албатта. Лекин зиёратчилар - Бобурнинг юртдошлари Афғонистонда ўн

тўрт йилдан бери уруш кетаётган бўлишига қарамай, Аллоҳнинг марҳамати ва инояти билан мақбарага деярли зиён етмаганини кўриб хайратландилар, қойил қолдилар, қабр пойида қуръон тиловат қилиб, Зокиржон ака таъбири билан айтганда, бобомиз олдидаги ўз инсоний бурчларини адо этдилар. Кейин бу завқу сурурни меҳмонхонада қолишган шерикларига ҳам илинишди: ҳарбийлар билан бордилар-да, яна Муҳаммад Алининг кўмаги билан таксида уларни ҳам олиб келдилар. Атрофда совуқ урушнинг тунд кайфияти ҳукмрон, лекин андижонлик сайёҳлар учун айна лаҳзалар гўё байрам, катта тантана эди. Улар кеча оқшомгина ушалмасдай бўлиб туюлган орзу-армонларининг рўёбга чиққанидан, эзгу ниятларига етганларидан ўзларида йўқ шод, гўё ғалаба сурури ва ғурури билан сармаст эдилар. Айна дамларда улардан-да бахтиёрроқ, улардан-да омадлироқ одам йўқ эди дунёда!

Ийиб кетган Зокиржон ака соқчи-аскарларни бисотида қолган дўппи-чорсилар билан сийлади, қўмондонга эса Андижоннинг сабзиранг тўнидан кийдирилди. Тухфага жавобан аскарлар боғдаги марвартак тутдан милтиқ кўндоқлари билан қоқиб беришди.

- Демак, бобомиз эккан мана шу тутдаги ризқимиз бизни Покистондан қайтариб кепти, - деди раҳбар ҳаяжонини босолмай.

Бироқ қувонч билан ташвиш эгизак, деганларидай, меҳмонхонада уларни урушнинг рутубатли нафаси кутиб олди.

Ётоққа қайтишганида кеч кириб қолган эди. Яна ваҳимали, саросимали ҳолат бошланди. Кобул туни ниҳоятда қоронғи эди, бунинг устига, дераза пардаларини тортиб ётишни тайинлашди. Дикқинафас бўлиб, кўзларига энди уйқу илинганда тасира-тусур отишма овозларидан уйғониб кетишди. Қайтиб ухлашолмади. Хоналардан чиқиш мумкин эмас. Қисқаси, тонг ниҳоятда қийинчилик билан оқарди...

Раҳбарнинг фикри-ёди Бобур мақбараси пойидан олинган тупроқда: уни халтачага солиб, ашёлар орасига маҳкам жойлаб қўйишганди. Ана шу бойлик гўё ваҳиманинг, кўрқинчининг дамини кесиб тургандай эди. Шунданми, Зокиржон аканинг кўнгли хотиржам, айна чоғда табаррук хокни тезроқ Бобурнинг туғилган



юрти Андижонга етказиш орзусида бетоқат эди. Олдинда эса уларни Мозори Шариф, тасодифий учрашувлар, кутилмаган воқеалар кутмоқда эди.

Улар яна ҳарбий қароргоҳга тўғри келдилар: «Мозори Шариф» меҳмонхонасида Афғонистон шимолий вилоятлари ислом ҳаракатининг идораси жойлашган эди. Бу ерда ўзбекистонлик меҳмонларни иш бошқарувчи Муҳаммад Наби қабул қилади, унинг воситаси ила ҳаракатнинг Мозори Шариф бўлими раҳбари Элмурод Арғун, умуман шимолий Афғонистон раҳбарлари Озодбек, генерал Абдурашид Дўстим ва бошқа масъул шахслар билан танишадилар, мулоқотда бўладилар. Мезбонлар Мозори Шариф аҳлининг вакилларини тўплашиб, экспедиция аъзолари билан учрашув уюштириб беришади. Йиғинда Зокиржон ака ва бошқалар Ўзбекистоннинг янги ҳаёти, мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани, ҳурриятга чиққан халқимизнинг кўтаринки кайфияти, Истиқлол шарофати билан вужудга келган Бобур халқаро экспедициясининг шу пайтгача босиб ўтган йўллари ва фаолияти, бундан кейинги режалари хусусида гапириб, саволларга жавоб бердилар, Афғонистондаги мусулмон халқларига тинчлик – хотиржамлик соғинишларини изҳор қилдилар. Ўз навбатида мезбонлар меҳмонлар шаънига илиқ сўзлар айтишиб, уларни ҳуррият билан муборақбод этдилар, ёш, озод Ўзбекистон давлатининг келажагига ишонч билдириб, омад ва ривож тиладилар, яқдиллик билдирдилар.

Мулоқот ниҳоясида Зокиржон ака генерал Абдурашид Дўстимга афғон урушида асир тушган ёки бедарак йўқолган ўзбекистонлик 44 нафар аскарнинг рўйхатини топширди. Элчига ўлим йўқ. Генерал бу илтимосни бажонидил қабул қилди, бегуноҳ жабрдийда ўзбек йигитлари тақдири билан шуғулланиб, улар ҳақидаги маълумотларни мумкин қадар аниқлаштиришга ва бу ҳақда қайси бир йўл билан Ўзбекистонга хабар етказишга ваъда берди. Совға, тухфалар алмашинди.

Ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» ҳафталик газетаси, маҳаллий телевидениенинг журналист-ходимлари билан бўлган учрашув ҳам экспедиция аъзолари қалбида унутилмас хотира сифатида муҳрланди. Чунки зиёлиларда,

ижодкорларда бир-бирларининг дунёқарашларига, яшаш тарзлари ва иш услубларига, ўзаро ижодий ҳамкорликка қизиқиш кучли бўлади.

Ҳафтанома муҳаррири Абдулло Руин эса билимдон киши бўлиб, айниқса Бобур Мирзони, хусусан, унинг Афғонистондаги ҳаётини яхши биларди. Бу эса бобурпарастларни бир-бирига янада яқинлаштириб, ҳамсухбатларнинг қулфидилини очиб юборди. Шунингдек, муҳаррирнинг гап орасида Бобур номи билан боғлиқ обидаларнинг таъмирга муҳтожлиги ҳақида ўқиниб айтган фикрлари ҳам Зокиржон ака ва унинг шерикларида бу бобурпарвар инсонга нисбатан меҳр уйғотди.

Меҳмонлар шарафига уюштирилган зиёфат эса экспедиция аъзоларининг чарчоқлари ва хуморларини ёзиб юборди. Адҳамжон Исмоилов ажойиб кўшиқлар куйлади. Унинг ширали овози ва оромбахш хонишлари айниқса генералга маъқул тушиб қолиб, қайта-қайта айттирди. Шундан кейин маҳаллий телевидение ҳам Адҳамжоннинг ашулаларини ёзиб олди. Дарвоқе, ҳофизнинг оҳанрабо наволари бошқалар учунгина эмас, ҳамсафарлар учун ҳам ҳаёт озиғи бўлиб, йўл бўйи ташвишу маҳзунликларга чулғанган кўнгиллар чигилини ёзиб дилхушлик бахш этиб келмоқда эди.

Хуллас, экспедиция аъзолари ташвишу ҳадиклар билан бошланган Афғонистон сафаридан кўп хушнуд ва масрур бўлдилар, хавфу хатар остида Бобур Мирзо қабридан олинган табаррук тупроқни бағирларига босиб, музаффарона бир кайфиятда ватанга қайтдилар.

Ватан эса ўз фарзандлари ташрифига мунтазир эди. Машҳур Ҳайратон кўпригидан ўтишиб, Сурхондарёнинг Жарқўрғонига, ундан Қўқонга етиб келишганида 14 июлнинг туни эди. Эрталаб Зокиржон ака Андижонга сим қоқиб, вилоят раҳбарларига хабар берди. Нонуштадан сўнг йўлга тушишди ва соат ўн бирларда Андижон шаҳридан Олтинкўл туманига кетаверишдаги чорраҳа майдонига етиб келишди. Уларни ҳамюртлар карнай-сурнай, нон-туз билан қарши олдилар.

Биз, яъни шаҳар аҳолисининг вакиллари, адабий жамоатчилик, зиёлилар қаҳрамонларимизни Арк ичида, Бобур номидаги Адабиёт ва санъат музейи ҳовлисида кутмоқда эдик.

Бу ерда ҳам карнай-сурнай садолари экспедициянинг юртга қайтгани ҳақидаги шодиёна хабарни бутун вилоятга таратмоқда эди.

Ниҳоят улар чоғроқ, шарқона нақшли дарвозадан қаторлашиб кириб келишди. Музей ҳовлиси ва кўчаларга одам сиғмасди. Ҳаяжонли дақиқалар... Тумонат халойиқни кўриб, экспедиция аъзоларининг ҳорғинлик чекина бошлаган юзлари янада ёришиб кетди. Узоқ сафар заҳматлари уларнинг қиёфаларида акс этиб турарди.

Сайёҳлар йиғилганларнинг бир қисми – шундоқ яқинда турганлар билан бағирлашиб чиқишгунча хийла фурсат ўтди. Бу вақтда хонанда ва созандаларимиз дийдорлашув, бахтиёрлик нағмаларини хониш қилиб турдилар. Сўнг катта митинг бўлди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейини ўтказиш комиссияси раиси Баҳодир Тешабоев, вилоят бош имом-хатиби Абдулатиф қори ва камина экспедиция аъзоларини Андижон заминига эсон-омон етиб келишгани билан қутлаб, юртдошларнинг соғинч ва тилақларини изҳор айладик.

Экспедиция бошлиғи аъзолари ўзларига кўрсатилаётган бу қадар юксак иззат-икромдан ҳаяжонда, мана шундай оқибатли эл-юрти борлигидан бахтиёр ва унинг раҳнамоларидан миннатдор эдилар.

Зокиржон ака ўз сўзида аввало ана шу фахр ва миннатдорлик туйғуларини баён этиб, чет мамлакатларда кўрган-кечирганлари, экспедиция дастури ижроси жараёнидаги илк муваффақиятлар ҳақида ҳисобот берар экан, жумладан, шундай деди:

- Мен яна шу билан ғурурландимки, қайси хорижий киши билан гаплашсак, Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур, Имом Бухорий деган номларни эшитгач, юзлари ёришади, лабларида табассум пайдо бўлади. Демак, биз шундай улуғларимизнинг иззатини аввало ўзимиз жойига қўйсак, уларни ўзимиз ўрганиб-

ўқисак, демак, ўзбек миллатининг кадрини янада юксалтирган бўламиз, деган хулосага келдим...

Бобур Мирзонинг Кобул шаҳридаги қабр-мақбарасидан олинган тупрок ҳақидаги гап йиғилганларнинг олқиш садолари билан муборакбод этилди, кўпларнинг миждаларига ёш қалқиб чиқди.

Ушбу тантаналарнинг акс-садоси Андижонда гўё бир неча кунгача янграб турди. Зеро, бу ҳаяжон ва тўлқинланишлар, шубҳасиз, Амир Темур ва темурийлар, Бобур Мирзо ва бобурийлар, бошқа улўғ боболаримиз хотирасига билдирилган эҳтиром, авваллари эркин изҳор қилолмаган меҳр-муҳаббатимиз ифодаси эди.

Ўз таркибига маънавият фидойиларини бирлаштирган Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг узоқ – қарийб икки ой давом этган, 18 минг чақиримли, машаққатли биринчи сафари ана шундай яқунланди. Олдинда эса ҳали жуда кўп сафарлар бор эди...

*Ўзбекистон истиқлоли шарофати билан қарамлик зовлари олиб ташланди. Улўғ аждодларимиз изидан жаҳон бўйлаб сафарга чиққан биринчи ўзбек илмий экспедицияси, Зокиржон Маширабов бошлиқ Бобур номидаги халқаро жамгарманинг фидойилари таркиб топди.*

*Пиримқул ҚОДИРОВ,*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*

## **РАМЗИЙ ҚАБР**

«Бобур изидан» халқаро илмий экспедициясининг хорижий мамлакатларга сафари мустақил Ўзбекистон маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Матбуот, радио ва телевидениеда иждодий сафар самаралари ва аҳамияти ҳақида мақолалар, суҳбатлар эълон қилинди, кўрсатувлар намойиш этилиб, экспедиция раҳбари ва аъзоларининг ҳисоботлари, хотиралари босилиб чиқди. Тележурналист ва

тасвирчи Фаррух Расулов тайёрлаган уч қисмли «Бобур изидан» видеофильми халқимизда катта қизиқиш уйғотди, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларнинг зиддиятларга тўла ҳаётлари ҳақидаги маълумотларни янги далиллар билан бойитди. Олий ўқув юртлари, турли маданий муассасалар ва корхоналарда сафар қатнашчилари билан уюштирилган учрашувлар, мулоқотлар қизгин ва ҳаяжонли ўтди.

Мазкур воқеалар Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёргарликнинг янада жонланишига катта туртки берди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг камина раҳбар бўлган Андижон бўлими вилоят ҳокимлигининг розилиги билан «Анда жоним менинг» деган китобни тайёрламоққа киришди. Унда андижонлик ижодкорларнинг Бобур Мирзо ҳақидаги асарлари жамланганди.

Фақат бир нарсадан Зокиржон аканинг кўнгли ғаш эди. Бобур Мирзонинг Кобулдаги қабридан олиб келинган тупроқ, мана, қарийб уч ойки, унинг иш кабинетида хокисор бўлиб ётарди. Табаррук хокнинг «жойи» борасида айрим раҳбарлар билан бир фикрга келиш чўзилиб кетди. Баъзилар тупроқни «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига экспонат сифатида қўйиш керак, дейишарди. Зокиржон аканинг нияти эса бутунлай бошқа эди. Бобур боғида худди Кобулдаги мақбара кўринишида қабр-мақбара қуриш режалаштирилган-ку. Тупроқ ана шу рамзий қабрга “дафн этилиши” ва узоқ-яқиндан келадиган меҳмонлар учун Бобур Мирзо руҳига қуръон тиловат қилинадиган зиёратгоҳ жой бўлиб қолиши зарур. Ахир, мақсад ҳам шу эди-ку!..

Охири Машрабов вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Олимжон Комилжонов ҳузурига кирди ва гапни индаллосидан бошлади, яъни:

- Наҳотки, Бобур Мирзо қабри тупроғини унинг она ватани Андижон заминига қўйиш шунчалик мушкул бўлса?! – деди бир оз қизишиб.

- Бўлди, мен тегишли одамлар билан келишаман, индинга «дафн» этамиз, тайёргарлик кўраверинг, - деди ўринбосар ҳам дангаллик билан.

Шундай қилиб, 1992 йил, 10 октябрь куни вилоятда тарихий воқеа амалга оширилди. Зокиржон аканинг таклифига кўра Боғишамолнинг Андижон шаҳри

билан юзма-юз қиршовига - Бобур рамзий қабр-мақбарасини бунёд этиш режалаштирилган жойга шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари, оқсоқоллар, зиёлилар, илм, ижод аҳли иштирокида экспедиция аъзолари таҳликали жанглар бораётган Кобулдаги Бобур қабридан олиб келишган тупроқ қўйилди, яъни Бобур Мирзо рамзан ўз юрти бағрига, Андижонни сўнгги бор тарк этиб кетаётиб, ота масканига ўкинч ва зорлик билан термулиб қараган супага «дафн» этилди.

Зокиржон ака билан Собиржон Шокаримов тупроқ солинган, устига бахмал мато ёпилган қутичани “лаҳад”га қўйишгунча халқ атрофлардаги курси ва ўтирғичларда сукут сақлаб ўтирди. Дастлабки тупроқни ёши улуғ оқсоқоллар тортди, кейин бошқалар, камина... Ёнимда менга доимий маслақдош, ҳамфикр, ҳамроз бўлган шоир Фозил Эмин ҳам тупроқ тортаётган эди, унинг киприклари намдан йилтираётганини кўрдиму, бирдан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлиқиб келаётганини пайқаб қолдим. Менинг наздимда Бобур Мирзо энди, илк бор дафн этилаётгандек эди, шунданми, ҳазин, мунглиғ бир туйғулар юрагимни дилгир қилиб юборган эди.

Вилоят ҳокими Қ.Холмирзаев, Девонабой масжиди имом-хатиби Абдулатиф қори, Зокиржон ака ва бошқалар Бобур шахсияти, Боғишамолнинг келажаги – Бобур истироҳат боғи ҳақида, у ерда қад кўтаражак Бобур ҳайкали, Арк дарвозаси, мозийгоҳ ва бошқалар тўғрисида гапирдилар.

Қуръон оятларидан тиловат қилиниб, Бобур ва бобурийлар, барча темурийлар руҳига, ҳамма ўтган улуғлар ҳақида бағишланди. Кейин шу муносабат билан Бобур хотирасига атаб эҳсон оши тортилди.

## **ЯНА ҲИНДИСТОН ОРЗУСИ**

Экспедициянинг бош мақсадларидан бири Бобур ва бобурийлар уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилган Ҳиндистонга ўтиб, буюк бобокалонларимизнинг бегона мамлакат тарихида мислсиз аҳамият касб этган фаолиятлари, бепоён давлатни идора этиш тажрибаларини, улар қурган, яратган тарихий, ўлмас обидалар,

маданий мерослари, шахсий ҳаётларига оид тафсилотларни ўрганиб қайтишдан иборат эди. Шунинг учун биринчи сафар қанчалик сермашаққат, серзаҳмат ўтган бўлмасин, экспедиция раҳбари Ҳиндистон орзусидан воз кечмас, кеча билмас эди.

Ахир, “Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?” деган мақол бежиз тўқилмаган-ку! Яқин ўтмишда ҳам комил мусулмонлар ҳаж орзусида минг-минг чақирим йўлларни босиб ўтиш учун йиллаб умрларини сарф этишган. Хўш, уларга осон бўлганми? Ёт ўлкаларда, қоронғу тунларда кимлар уларни қучоқ очиб кутиб олган, ким уларнинг ёнбошига парку болишлар қўйиб берган? Энг оддийси, тош йўлу сўқмоқларда адашиб-тентираб, елкада хуржун билан бир кун пиёда юришнинг ўзини тасаввур қилиб кўринг-чи!..

Хўш, Бобурнинг ўзи Ҳиндистонни осонликча забт этибдими? Унинг даври, замонида Ҳиндистон билан Кобул ўртасида доимий қатнаган одамлар асфальт йўлларда, автобусларнинг юмшоқ ўриндиқларида мизғиб бориб келишармиди?.. Катта мақсадли олис сафарларнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бўлади-да. Бир чўққини забт этишга аҳд қилган альпинист то ниятига етмагунча, қайта-қайта тоққа тирмашаверади.

Хуллас, бир-икки ойлик ҳордиқ давридан кейиноқ, экспедиция раҳбари яна зимдан ҳаракат бошлади. (Ҳа, одатда Зокиржон ака бир ишнинг етмиш-саксон фоизи ҳал бўлиб, масала анча ойдинлашмагунча бировларга овоза қилмайди – шунақа «ичидан пишган» одам).

Тўғрироғи, Бобурнинг ҳар қадамда отишмалар юракка таҳлика солиб турган жанггоҳ – Кобул шаҳридаги қабр-мақбараси ёнбағридан олиб келинган табаррук тупроқни «дафн этиш» маросими, бу маросимга халқ ва вилоят раҳбариятининг эътибори, жамоатчиликнинг экспедиция фаолиятига берган юқори баҳоси Зокиржон акани тўлқинлантириб, илҳомлантириб юборган эди. Ўша жойда, ўша куни у нияти, тутган йўли ҳақ, манзур ва зарурлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди, ўзида янги қуч, шижоат туғилаётганини, кўнгил уммонининг янги орзулар билан тўлаётганини туйди.

«Бобур Мирзо каби барибир сени забт этаман, эй олис Ҳиндистон!» деди хаёлан ва тайёргарликни бошлаб юборди. Тараддуднинг ибтидоси юқори ташкилотларнинг розилиги, босиб ўтилажак хорижий мамлакатлар элчихоналарининг муҳри босилган ижозатномалари эди! Пойтахт билан Андижон оралиғидаги қарийб тўрт юз чақиримли масофани гоҳ автоуловда, гоҳ самолётда неча марта босиб ўтди - Зокиржон ака охири ҳисобламай ҳам қўйди. Ҳарқалай, сал кам беш ойда сафар тадориклари, аъзолар таркиби тахт бўлди; бу гал рўйхат, ўтган галги тажрибалардан келиб чиқиб, ихчамроқ тузилди ва мумкин қадар экспедиция табиати инобатга олинди:

1. Зокиржон Машрабов.
2. Тарихчи олим Сайфиддин Жалилов.
3. Шоир, Бўз педагогика билим юрти директори Тўлан Низом.
4. Тарихчи ва журналист Собиржон Шокаримов.
5. Ҳиндшунос ва таржимон Аҳмаджон Қосимов.
6. Тележурналист ва тасвирчи Фаррух Расулов.
7. Ҳайдовчи.

Рўйхатда ёзувчи Хайриддин Султон ҳам бор эди, лекин муайян сабабларга кўра бу гал сафардошлик унга насиб этмади.

28 ноябрь, шанба куни Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги маҳалла чойхонасида кузатув маросими ўтказилди. Экспедицияга оқ йўл тиланди, эзгу истаклар изҳор этилди. Оқсоқоллар фотиҳа бердилар.

Қадрдон «Тойота»ни яна Ҳиндистонга қараб сурдилар. Манзил узоқ! Шунинг учун бу гал айланиб ўтиш тактикасидан воз кечиб, хатарлироқ эса-да, ҳар нечук таниш бўлиб қолган яқин йўл – Афғонистон орқали кетиш режалаштирилган эди.

Икки кундан сўнг Мозори Шариф миноралари кўзга чалинди. Афсуски, ўтган галги ошно-биродарлар уларни шодиёна руҳда кутиб олишолмади. Экспедиция айнан ана шу юртга етиб борганида Ҳиндистоннинг Айодҳа шаҳрида мусулмонлар билан ҳиндлар ўртасида низо чиқиб, Бобур жомъе масжиди



ёндириб юборилган, бу ходиса эса ўзаро қонли тўқнашувларга сабаб бўлиб, мамлакатдаги сиёсий барқарорликка катта путур етказган эди.

Ана шундай шароитда «Бобурийлар фаолиятини ўрганмоққа келдик» деб Ҳинд ўлкасига кириб бориш оқилликдан бўлмас эди, албатта.

Қолаверса, Афғонистондаги вазият ҳам у ёқдагидан юз карра баттар эди. Декабрь ойининг охирида давлат раҳбарини сайлаш учун Қурултой ўтказилиши мўлжалланган, шу аснода ўзбек (туркий) тилида сўзлашувчи тўққиз вилоятнинг саккиз миллиондан зиёд аҳолисига раҳнамолик қилаётган ўзбек генерали Абдурашид Дўстим билан Кобул, Жалолобод, Қандаҳор шаҳарлари атрофидаги пуштун миллатига мансуб аҳолининг етакчиси Гулбиддин Ҳикматёр ва бошқа сиёсий кучлар ўртасидаги низо-зиддиятлар кучайиб кетган эди. Шунинг учун экспедиция аъзоларини Покистон чегарасига эсон-омон етказиб қўйишга ҳеч ким кафолат ҳам, умуман, уларга сафарни давом эттиришни маслаҳат ҳам беришмасди. Элмурод Арғун ва бошқа мурувватли кишилар ўзбекистонлик сайёҳларни самолётда Покистонга яқинроқ, хавфсизроқ жойга етказиб қўйишга уннаб кўришди, лекин етти кишидан иборат жамоа ва автомашина бу масалани ижобий ҳал этишга монелик қиларди...

Шу боис экспедиция фурсатни бекор ўтказмай, Шимолий Афғонистондаги маданий ёдгорликлар билан танишувга киришди. Зиёратни Мозори Шарифдаги Ҳазрати Алининг муаззам мақбараси – «Равзаи муборак»дан бошладилар. Кейин Балхга йўл олишди. Бу кўҳна шаҳарнинг иккинчи карра шуҳрат топиши ватандошимиз, оташнафас шоир Бобораҳим Машраб номи билан боғлиқлиги маълум.

Ўтган галги сафар чоғида сиёсий вазият тақозо этмаганлиги ва бошқа сабаблар боис, дунё кезиб, охир диний мутаассиблар тазйиқи билан шу юртда фарёд урганча дорулбақога рихлат қилган жабрдийда ва аламдийда Машрабнинг Ишкамиш қишлоғидаги қабригача етиб бориш экспедиция аъзоларига насиб этмаган эди. Шоир қабр-мақбарасининг зиёрати мунглиқ бир таассурот қолдирди. Мақбара ачинарли аҳволда эди.

Кейин аввалги сафар чоғида танишган Абдурашид Дўстим билан учрашиш ниятида Шибирғонга жўнадилар. Йўлларда назорат кучли эди. Бобур номи уларни ана шундай нуқталардан осон олиб ўтди. Генералнинг отаси Ризо хожи Раимбой, укаси Қодиржон, шоир Муҳаммад Яхё Ҳафизийлар билан Бобур Мирзо ва унинг авлод-аждодлари ҳақида қизғин суҳбатлар қурилди.

Мозори Шарифда яна бир ўзбек генерали Сирожиддиннинг қароргоҳида бобуршунос олимлар, шоирлар, ҳарбий-сиёсий раҳбарлар билан учрашув бўлди. Бу кутилмаган, эсда қоларли анжуманда Туркистон тарихи, ўзбек ва афғон халқлари дўстлиги борасида гап кетди. Шу ерда Бобур Мирзонинг андижонлик ватандошлари Соҳибқирон Амир Темур ва Бобур давлатларининг байроқларини кўришга, уларнинг фото нусхаларини, Амир Темур тўғрисида янги чоп этилган нодир китобни қўлга киритишга муяссар бўлдилар.

«Юлдуз» газетаси таҳририятидаги учрашувда ҳам сўз, шубҳасиз, ўзбек ва афғон халқлари тарихини уйғунлаштириб турувчи буюк алломалар – Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машрабларнинг мураккаб, машаққатли ҳаёти, ўлмас мерослари хусусида борди.

Зокиржон ака, иншоаллоҳ, афғон заминидаги қирғин-баротлар барҳам топган рўшноли кунларда Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармаси учун улут боболаримизнинг қабр-мақбараларини таъмирлаш имкони туғилишига умид билдирди.

Мезбонлар «Юлдуз» газетасининг таниқли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довони» рўмонларидан парчалар эълон қилинган сонларини ҳадя этдилар.

«Мозори Шариф» меҳмонхонасида экспедиция аъзолари билан танишиш, дийдорлашиш иштиёқидаги яна бир гуруҳ афғонистонлик зиёлилар билан мулоқот бўлиб ўтди. Шафиқа хоним Ёрқин, Муҳаммад Яхё Ҳафизий, Муҳаммад Назир, Ҳалим Ёрқин, Абдулғаффор Баёний, бизнинг Тўлан Низом, Сайфиддин Жалилов, Собиржон Шокаримов каби шоир, тарихчи олимларнинг ижодий мусоҳабалари, мушоиралари мавзуи кенг ва ранг-баранг бўлди: Ўзбекистон ва қадимий Туркистон халқларининг умумий тарихи, миллат, тил, урф-одатлар, ҳаёт

ва меҳнат тарзларидаги муштараклик ва ўзига хос жиҳатлар, Бобур Мирзо ва бобурийлар...

Шу куни кечки пайт Мозори Шариф телевидениесида экспедиция аъзоларининг чиқиши уюштирилди. Улар сафарнинг мақсад ва вазифалари, мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол тамойиллари, маънавиятимиз, кадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар хусусида гапиришиб, ўзларига кўрсатилаётган самимий ҳурмат, иззат-икром учун афғонистонлик дўстларга миннатдорчилик изҳор этдилар, уларга тинчлик, омонлик тиладилар.

Энди орқага қайтишдек залворли бир юк Зокиржон аканинг елкасидан босиб келмоқда эди. У Ҳиндистон орзуси рўёбга чиқмаётганидан ғоят афсусда эди. Лекин, Хайриддин Султон такрор-такрор қайд этгани каби «Ал-абд йудаббир ва Аллоҳ йуқаддир» («Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади») – яъниким, қисмат Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари пешонасига Ҳинд сари юзланишининг иккинчи дафъасида ҳам «армон» дейилмиш бир калимани битган бўлса, на илож!

Аммо, Зокиржон ака таваккал қилиб Тошкент орқали Деҳлига самолётда учишни кўнглидан ўтказиб, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Рамеш Чандрага сўнгги илинж билан кўнғироқ қилди. Лекин элчи жаноблари ҳам бу хайрли сафарни мазкур мамлакатда вазият бир қадар барқарорлашгунча тўхтатиб туриш маъқул, ахир, эзгуликнинг кечи йўқ-ку, деган мулоҳазани билдирди.

Шу тариқа Бобур Мирзо каби Бобур халқаро илмий экспедицияси иккинчи бора ҳам Ҳиндистонни «забт» этолмай, қайтмоққа мажбур бўлди. Ахир, Бобур ҳам мазкур мамлакатни бешинчи юришида ишғол қилган-ку.

## **САБОҚ ВА ЯНГИ АҲДЛАР**

Зокиржон ака келгуси ишларни янада пухта режалаштириш, кўламни кенгайтириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар белгилаш заруратини ҳис этди. Шу мақсадда 1993 йилнинг февралида, Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд

куни муносабати билан жамғарма раёсатининг йиғлишини Тошкентда ўтказишга қарор қилди. Анжуманга раёсат аъзолари, бобуршунос олим ва адиблар - Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, истеъдодли ёзувчи Хайридин Султонов ва бошқалар таклиф этилди. Қўрилган масалаларнинг муҳим ва долзарблигини инобатга олиб, мазкур йиғин баёнини тўлароқ келтиришни лозим топдик. Кун тартибидаги масалалар Бобур номидаги Халқаро илмий экспедициянинг чет эл сафарлари ҳақида ҳисобот, Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан Андижонда халқаро илмий конференция ўтказиш, жамғарманинг Бобур номидаги халқаро мукофотларини таъсис этиш ва бошқалар эди.

**Биринчи масала юзасидан** жамғарма раиси, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов экспедициянинг Бобур ва унинг авлод-аждодлари изидан чет мамлакатларга қилган икки бор сафари, олиб борилган илмий-ижодий ишлар, тўпланган манба-материаллар ҳақида батафсил ахборот берди.

**Иккинчи масала юзасидан** Раёсат аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг таклифи тингланди. Нотиқ Бобурнинг ҳаёти, у яшаган давр, унинг илмий-адабий меросини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда буюк ватандошимиз номини халқаро миқёсда тарғиб қилиш учун Бобур ҳақидаги энг яхши илмий, бадиий, санъат асарлари учун Бобур номидаги халқаро мукофотларни таъсис этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

**Учинчи масала юзасидан** Андижон вилояти ҳокимининг муовини, Ўзбекистон Фанлар Академияси муҳбир аъзоси Акмал Қосимовнинг ахбороти тингланди. Маърузачи Бобур Мирзо таваллудига 510 йил тўлиши муносабати билан республика ҳукуматининг махсус қарорига биноан Андижонда ўтказиш кўзда тутилган халқаро илмий конференция муддати, мазкур анжуман билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳақида тўхталди.

**Тўртинчи масала** - яъни, Жамғарма тасарруфига ўтказилиб, Бобур номини бериш мўлжалланаётган Боғишамол миллий истироҳат боғида юбилейга тайёргарлик ишлари қандай бораётганлиги, Бобур ҳақида яратилаётган адабий,

илмий асарларга ҳомийлик қилиш, уларни тарқатиш ва тарғиб этишда яқиндан кўмак бериш хусусида Зокиржон Машрабовнинг қисқача ахбороти эшитилди.

Мунозарада раёсат аъзоларидан С.Жалилов, Х.Султонов, А.Фозилов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Маърузачилар ҳамда муҳокама иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, раёсат Бобур номидаги Халқаро илмий экспедициянинг чет эл сафарлари, хусусан, унинг 1992 йилги фаолиятини маъқуллаш, экспедиция жараёнида Бобур ва унинг аجدод-авлодлари ҳақида тўпланган илмий-адабий маълумотлар, ҳужжатлар, китоблар ва суратлар, матбуот, радио-телевидение орқали эълон қилинган манба-материаллар, кино тасмаларини илмий асосда ўрганиш учун экспедиция мулки сифатида жамғарма қошида сақлашни тавсия қилиш, экспедициянинг 1993 йилга мўлжалланган Ҳиндистон сафари режасини тасдиқлаш, Ўзбекистон ҳукуматининг Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан Андижонда халқаро илмий конференция ўтказиш ҳақидаги қарори ижро учун фаолият дастури сифатида қабул қилиниб, мазкур тадбирни Андижон вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Бобур номидаги Халқаро жамоат хайрия жамғармаси томонидан 1993 йил июл-август ойларида амалга ошириш, жамғарма раёсатига конференция ўтказилиши билан боғлиқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, таклиф қилинадиган олимлар рўйхатини тузиш вазифасини топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳужжатда, шунингдек, Бобур Мирзо ҳаёти, у яшаган давр, унинг илмий-адабий меросини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда буюк ватандошимиз номини халқаро миқёсда тарғиб қилиш мақсадида Бобур ҳақидаги энг яхши илмий, бадиий ва санъат асарлари учун жамғарманинг Бобур номидаги халқаро мукофотларини таъсис этиш, Бобур таваллудига атаб чоп этишга тайёрланаётган «Бобур девони», Азиз Қаюмовнинг «Бобур» рисоласи, «Шарқ машъали» журналининг махсус сони, Х.Султоновнинг «Бобурнинг тушлари» китоби, «Бобурнома»нинг тўлдирилган янги нашри, Бобур плакати ва бошқа нашрларни чоп этиш, тарқатиш ва тарғиб қилишга имкон доирасида ҳомийлик ёрдами кўрсатиш каби масалалар ҳам акс этган эди.

Йиғилиш баёни ва раёсат қарорини дастлаб ўқиган одамга белгиланган тадбирлар давлат тасарруфида бўлмаган хайрия ташкилоти учун нореал, муболағавор туюлиши шубҳасиз. Чиндан ҳам, вазифалар бағоят серкирра, залворли ва масъулиятталаб. Фақат ташкилий томонларигина эмас, молиявий жиҳатлари ҳам анча-мунча маблағ талаб қилиши аён. Аммо жамғарма раиси ўз кучи, имкониятларини чамаламай кураш майдонига чиқмайдиган полвон каби, натижага ишонч ҳосил қилмай туриб мақсадни кўзламасди. Тўғри, унинг таваккалчилиги бор, лекин бу таваккалчилик ҳам унинг ғаройиб ҳодисаларга бой, жўшқин умри давомида кўп бора ўзини оқлаган, Зокиржон акани доғда қолдирмаган. Қолаверса, юқори мансабларда ишлаб, катта ва салобатли дастурлар асосида фаолият кўрсатиб келган одам майда ишлар доирасида ўраллашиб юришни ўзига эп кўрмасди ҳам. Боз устига, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек дунё миқёсидаги улкан тарихий шахснинг асрлардан асрларга ўтган сари салобат касб этиб, жаҳон эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилаётган бой ва ранг-баранг тарихий, бадий, меъморий мероси, сабоқларга бой ҳаёти шундоқ залворли режа ва дастурлар тузишни тақозо этарди.

\*\*\*

Зокиржон аканинг озурда кўнглини ўзи ният қилган эзгу ишлар машъала бўлиб ёритдию, у янги орзулар оғушида яшай бошлади. Мустақил Ўзбекистон ҳукуматининг ватанга, тилга, урф-одатларимизга, қадриятларимизга эътиборининг бир ёрқин мисоли ўлароқ, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейига тайёргарлик жонланиб кетган эди. Шу муносабат билан ниҳоят, вилоят ҳокимлиги 300 гектарлик Боғишамол дам олиш мавзеини Бобур миллий боғига айлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Боғда қурилажак иншоотлар, Бобур Мирзо ҳайкаллари лойиҳаси ишлаб чиқилган, бу лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий назоратчилиги, мутасаддилиги ўз таклифи ва ташаббусига кўра Бобур фонди раҳбарига топширилган эди. Аслида Боғишамолда Бобур номида маданият ва истироҳат боғи ва зиёратгоҳ барпо этиш фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ҳам Зокиржон ака эди! Зеро, унинг катта бир алами, армони бор эди. Бир вақтлар Ҳиндистон

отаси, Бобур Мирзога «дилбар шахс» дея баҳо берган улуғ арбоб Жавоҳирлаъл Неру Ўзбекистонга ташриф буюрган чоғида Бобур туғилган, униб-ўсган шаҳарни бир кўрсам, деганда, улкан бир мамлакат раҳбарига, Бобур мухлисига кўрсатишга арзийдиган, диққатга сазовор бирон-бир жой, тарихий иншоот ё бошқа бир ёдгорлик йўқлиги боис, Андижонга олиб келишолмаган эди. Зокиржон ака афсус билан мана шу воқеани кўп эсларди. Шу гап ёдига тушса, ғурури поймол этилгандай, нафсонияти оғриб, изтироб чекарди. Бобур боғи ва шаҳар марказидаги ишлар ана шу «поймол этилган» ғурурини қайта тиклаши, унинг Андижонига шон-шараф келтирмоғи лозим эди. Жумладан, шаҳарнинг марказий хиёбонида Бобур Мирзонинг отлик ҳайкали, Бобур боғида эса яна бир шоирона ҳайкали, Арк дарвозаси, рамзий қабр-мақбараси, «Бобур ва жаҳон маданияти» деб номланажак мозийгоҳ, чоғроқ бир масжид бунёд этиш кўзда тутилганди. Ушбу мажмуадаги қабр-мақбара тарҳи шаклан Бобурнинг Кобул шаҳридаги қабр-мақбарасидан нусха олиб чизилган эди, зеро ҳар иккала боғнинг кўп жиҳатдан муштарақлиги Зокиржон акада ана шундай тарҳ яратиш фикрини уйғотган эди. Бу муштарақлик, аввало, табиат манзараларининг сўлимлиги, об-ҳавоси, иқлимларнинг мўътадиллиги, мақбара учун танланган адир қиршовларининг ўхшашлигида эди. Айни мана шу монандликнинг ўзи Зокиржон акага алоҳида кайфият, шижоат бағишларди, бу жойнинг келгусида Ўзбекистоннинг узоқ-яқин шаҳар-қишлоқларидан, хорижий юртлардан вилоятимизга меҳмон бўлиб келувчилар учун муқаддас бир зиёратгоҳга айланишига ишонарди. Бу умид ва ишонч эса уни шошилишга ундарди.

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Делип Мехта жаноблари рафиқаси ва қизи билан Андижонга қадам ранжида қилганида Зокиржон ака уларни Бобур миллий боғига олиб чиқиб, бу ерда барпо этилажак иншоотлар ҳақида завқ билан сўзлади. Элчи жаноблари ҳам мамнун бўлиб, Бобур Мирзо ва унинг ота юртига ҳурмати рамзи сифатида Бобурнинг миниатюра суратини ҳадя этди.

Қурилишлар Андижоннинг ўзи билан, ҳайкаллар эса Тошкент билан боғлиқ, уларнинг муаллиф-ижодкорлари, хомашёлари ҳам пойтахтда эди. Яна нонушта Қўқондаю, тушлик Тошкентда...

Машрабонинг марказга ҳафтасига икки марталаб қатнаганларини эшитиб, бошқалар эриниб кетарди, аммо унинг ўзи асло эринмас, тайсалламас, чунки унинг қалбида эътиқод, руҳий бардамлик, ғайрат, куч-қувватнинг таги мўл эди...

Боғда қурилишларга ҳозирлик авж олган, ҳайкалтарошлар Бобур руҳияти ва сиймоси билан яшай бошлаган эдилар. Отлиқ ҳайкал муаллифи ёш ҳайкалтарош Равшанбек Миртожиев, шоирона кайфият зуҳур этилиши лозим бўлган ҳайкалники эса тажрибали Қодиржон ака Салоҳиддинов эди.

Зокиржон акага яна бир ўй тинчлик бермай қўйди. Бобур миллий боғидаги ҳайкал билан рамзий қабр-мақбара ўртасида қад кўтаражак мозийгоҳнинг номику жуда топиб қўйилди, салобатли ва маҳобатли атама: «Бобур ва жаҳон маданияти!» Хўш, битгач, у ерга нималар қўйилади? Андижонда Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳаётига оид, Бобурни жаҳон маданияти билан боғловчи, жаҳон маданиятига дахлдор нималар, қандай ашёлар бор? «Бобурнома» китоби, рассомлар томонидан ишланган бир-иккита сурати бўлиши мумкин? Шуларнинг ўзи билан баланд ва катта кошонани тўлдириб бўлмайди-ку. («Арк ичи» - Бобур номидаги адабиёт ва санъат музейи ўз йўлига! Ундаги ашёларни бу ерга олиб чиқиш мумкин эмас.) Бобур Мирзонинг тўйига Тошкентдан ҳазилакам одам келмайди, бундан ташқари Ҳиндистон, Покистон, Афғонистондан ва бошқа хорижий мамлакатлардан бобуршунос олим ва адиблар таклиф этилиши аниқ. Хўш, уларни бу масканга бошлаб келиб нимани кўрсатишади?..

Машрабов назарида ушбу муҳташам мозийгоҳни безайдиган ва тўлдирадиган ашёлар – китоблар, қўлёзмаларни бобурийлар 332 йил яшаб ҳукмдорлик қилган Ҳиндистондан топиш мумкиндай туюлаверарди. У хорижда, шарқу ғарб мамлакатларида Бобур ва бобурийлар ҳақида ёзилган илмий, бадиий асарлар, рўмонлар кўп деб эшитган, ўқиганди. Мана шу асарларнинг Ҳиндистонда борлигига ишонарди. Бунинг устига, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция фаолияти республика миқёсида эътироф этилиб, вилоят



хокимлигига таниқли адиблар, олимлар, жамоат арбоблари номидан ташаккур ва истаклар изҳор этилган хатлар кела бошлаганди. Буларнинг барчаси Зокиржон аканинг юрагига қутқу солиб, яна сафар тадоригини кўришга даъват этарди. Ҳайкаллардан хабар олгани Тошкентга қатнашлари асносида турли маҳкамаларга, элчихоналарга учраб, иш битиришга киришди. Унинг бахтига Ҳиндистоннинг юртимиздаги янги элчиси Делип Мехта жаноблари жуда одамохун, Бобурни яхши биладиган, яхши кўрадиган маърифатпарвар зиёли чиқиб қолди.

Зокиржон акани ҳар гал қийнаётган нарса – Ҳиндистон ҳудудига автомобил билан ўтиш муаммоси эди. Делип Мехтанинг кўнглига қўл солиб, мана шу масалани пишитиб олди. Яъни, «Марк Твен чамадони билан» дегандай, хужжатларга «Экспедиция автомобили билан» деб ёздириб олишга муваффақ бўлди. Унинг хаёлида иш энди росаям пухта қилингандай эди. Лекин... Ҳа, бу ҳақда кейин...

Экспедиция раҳбари ўз аъзоларини яна бир кўрикдан ўтказиб, таркибга лозим ўзгартиришлар киритишга қарор қилди. Сафарга отланиш муддати тобора яқинлашиб келарди.

Кейинги воқеалардан қисман ўзимнинг ҳам хабарим бор...

\*\*\*

Март ойининг охириги шанбаси эди шекилли. Қишлоқда баҳорги юмушлар қизиган пайт: анорларни очиб, кўтариш, ерни чопиб, экинга тайёрлаш, узумларни сўритокка чиқариб тараш, дегандай... Ўғиллар ўзларича ишга тушиб кетаверишлари қийин. Ё ўзингиз бошлаб, уларни ёнингизга олишингиз керак, ё уларга ишни кўрсатиб, тепаларида туришингиз лозим. Шунинг учун бизга ўхшаган хизматчи, “қосиб” одам шанба-якшанбани кўзи тўрт бўлиб кутади.

Ўша куни ҳам жомакорларни кийиб, ўғиллар билан энди иш бошлаган эдик. Кун ҳали чиқиб улгурмаган, шарқ осмони энди қизариб келаётганди. Кимдир чақириб қолди. Кўчага чиқсам, Зокиржон Машрабов жилмайиб турибди. (Ўзи рўлда келган эди.)

- Яна сафарга ҳозирлик кўряпмиз, - деди у салом-алиқдан кейин, уйга кирайлик, деган гапимга бош чайқаб. – Керакли ташкилотларнинг розилигини олдик. Бу галги ниятимиз, йўналишимиз асосан Ҳиндистон, Худо хоҳласа... Экспедиция аъзоларини танлаяпмиз. Бобур шоир, адиб бўлган. Демак, одатдагидай, сафимизда андижонлик адиблардан ҳам бўлиши керак. Шу масалада, демак, сиз билан маслаҳатлашгани келдим. Тополмай қолмай, деб атай барвақт йўлга чиқувдим, яхши, уйда экансиз. Қисқаси, сизнинг таклифингизни билмоқчиман.

- Жуда яхши, Андижонда қалби ва ижоди Бобур руҳига яқин, тўғрироғи, Бобур ҳақида асарлар ёзган, ҳам сизларбоп шоир-ёзувчилар кўп, - дедим ва бир-иккитасини санай бошлаган эдим, Зокиржон ака гапимни бўлди.

- Тўхтанг энди. Сиз мендан ҳам фидойи чиқиб қолдингиз. Биринчи сафаримизда бир-икки гаплашдиг-у, лекин, менинг назаримда ўзингиз унча қизиқмадингиз. Иккинчидан, бизда ҳам тажриба йўқ, демак, кимни олиб, кимни қўйишни билмай, роса гангиганман. Қолаверса, сиз билан яхши таниш эмас эдик. Хуллас, шунақа бўлди. Иккинчи сафар айтсам, Тўлан Низомни тавсия қилдингиз, демак, мен бажонидил рози бўлдим. Яхши адиб (Зокиржон ака ижодкорларга нисбатан «адиб» иборасини кўпроқ ишлатарди), яхши инсон экан, яхши ҳамроҳ бўлди. Лекин бу гал у боролмас экан, сабаби сафаримиз билим юртида кириш имтиҳонлари бўладиган даврга тўғри келяпти. Ростданам, директор<sup>1</sup> бунақа пайтда ўқув юртини ташлаб кетолмайди-да. Демак, қисқаси, бу сафар ўзингиз бирга бўлсангиз. Бошқа ўртоқлар ҳам сизни тавсия қилишяпти, вилоят раҳбариятининг фикри ҳам шу...

**Қисқа изоҳ:** экспедициянинг биринчи сафарида андижонлик ижодкорлардан йўқ эди, шунинг учун, тўғриси, билиб-билмай Зокиржон акага нисбатан анча-мунча таъналар ҳам айтилган, бу ўпка-гиналар ичида самимийси ҳам, ғаразлиси ҳам бўлганлиги сир эмас. Баланд-паст гаплар, шубҳасиз, Зокиржон аканинг қулоғига ҳам етиб борган эди...

- Мен ўйлаб кўрай, - дедим тўғриси, ҳаяжонимни яширишга ҳаракат қилиб.

---

<sup>1</sup> Т.Низом Бўз педагогика билим юртининг директори эди.

- Ана холос, қизиқ одам экансиз, -деди Зокиржон ака ростакмига ажабланиб.

Мен молиявий масалалардан сўз очган эдим, Зокиржон ака:

- Ўзингизга, сув-пув ичгани, совға-саломга етса бўлди, бошқаси экспедиция хисобидан. Буёғидан хижолат бўлманг, -деди.

- Уйдагилар билан маслаҳатлашай бўлмаса, -дедим ҳамон бир қарорга келолмай.

- Нимасини маслаҳатлашасиз, нима, уйдагилар йўқ, бормайсиз, дейиши мумкинми?.. Боринг, паспортни олиб чиқинг. Ўзингиз билан душанба куни Андижонда гаплашиб олаверардим, шу, паспортингизни деб келдим, - деди Зокиржон ака «ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ», деган мазмунда, кейин кўшимча қилди: - Уйлариңиз анча чеккада экан, сўраб-сўраб аранг топиб келдим. Аммо, зўр жойлар экан, табиатнинг гўзаллигини қаранг, курортга боришнинг ҳожати йўқ экан сизга. Бунақа жойда менам адиб бўп кетардим... Бўлинг, опчиқинг паспортни...

- Чой-пой...

- Кейин, буёғи шошилиш...

Яшириб нима қилдим, ўзимда йўқ хурсанд эдим. Хорижий юртларга сафарга чиқишни қайси қаламқаш хоҳламайди дейсиз? Яна Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция таркибида, буюк ватандошимиз, мумтоз адиб, ҳаёти афсонавий жанглар, саргузаштлар билан тўла Бобур Мирзо юрган йўллардан... Бунинг устига, автомобилда кўнгил яқин ва соҳадош одамлар билан ҳангомалашиб... Яна бир ажойиб жиҳати - ўзинг кўришни болалиқдан орзу қилиб келаётган ва сеҳрли, мўъжизавий бир мамлакат сифатида ҳаёлингизни мудом банд этиб юрган олис бир диёрга-я! Бунақа имконият, бунақа марҳаматни фақат тасаввур қилиш ёки тушдагина кўриш мумкин-ку...

*Одамзод фахрланиш, маънавий меросхўрлик туйғуси билангина эмас, ўзидан нималарнидир қолдириш иштиёқи билан ҳам яшайди. Тимсолий*

*маънолар билан айтганда, ҳар бир инсон ҳаёт занжирига бир халқа бўлиб қўшилгиси келади. Бусиз ҳаётнинг маъноси ҳечдир.*

*Экспедициянинг ёши ҳам истиқлолимиз ёши билан баробар. Юртимизда ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизнинг ўқилмасдан келаётган саҳифаларини ўқиш жараёнлари бошланаётган дастлабки паллаларида Зокиржон Маширабов ташаббуси билан оёққа турган бу илмий экспедиция ўз олдига Бобур юрган йўллар бўйлаб сафар қилиб, бобурийлар ҳақида янги маълумотлар тўплаш ва уларни илмий истеъмолга киритишни мақсад қилиб олган эди.*

*Сезиляптики, бу шунчаки оддий сайёҳлик эмас, эзгулик йўлидаги хайрли сафар.*

*Тақдир тақозоси ила киндик қони томган юртдан чиқиб, ўзга элларда тургун бўлган улуғ аллома ҳақида ўйлаш, ҳурматини бажсо келтириш ўзини Бобурга ватандош деб билган ҳар бир маърифатли инсоннинг ийманий бурчидир. Бобур қадамжолари бўйлаб сафарга чиққан сайёҳларимизнинг мақсадлари ўз эътиқодлари йўлида содиқ туриб, ватандошлик бурчларини адо этишдир.*

*...Алломаларнинг эзгулик йўлидаги ишларини давом эттирувчи фарзандларни берган халқнинг, Ватаннинг келажаги ёруғ.*

**Исмоил ТЎЛАКОВ,  
филология фанлари доктори**

### **«МУРОДГА ҚАСД ҚИЛИБ ЮГУРГАН ЕТУР...»**

Шундай қилиб, мен бу ёқда ҳаяжонланиб юравердим, Зокиржон ака эса учинчи сафарга олдинги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, янада жиддийроқ тайёрланиб бораверди. Ҳозирлик ташвишлари ва заҳматлари боз ора кунда Тошкентга қатнаш ва пойтахтдаги катта идоралар, элчихоналарнинг қабулхоналарида зориқиб кутишлардан, иши тушган ҳар бир кимсага шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ва бобурийларнинг кимлиги, уларнинг мураккаб қисматлари,

Бобур номли халқаро жамғарма ва экспедициянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг маънавиятимиз ва қадриятларимизни мустақиллик, эркинлик талаблари ва имконлари асосида ўз жойига қўйиш, юксалтириш борасида касб этажак аҳамиятини ҳижжалаб тушунтиришдан ва бошқа яна кўп ташкилий машмашалардан иборат эди.

Нихоят, югур-югурлар ортда қолди, масалалар ҳал бўлди, муаммолар ечилди, жисман чарчаган Зокиржон ака руҳан бардам, тетик, янада серғайрат эди. Жўнаш кунимиз белгиланди.

1993 йил 22 июль, офтоб ҳаммаёқни баробар қиздираётган кунларнинг бирида Боғишамол – эндиги Бобур боғида кузатув маросими уюштирилди. Шу кун эрталаб боғнинг энг баланд ва хушманзара кўксидаги ошхонада жамғарма ташаббуси билан эҳсон маросими қилиниб, жамоатчилик вакилларига ош берилди. Кейин янада юқорироқда – Андижон шаҳри ғарби-шимол томонда кафтдагидай кўриниб турадиган яланг майдонда хайрлашув йиғини бўлди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бобур таваллудининг 510 йиллик юбилейини ўтказиш комиссияси раиси Машариф Юсупов экспедициянинг фаолияти ҳақида гапириб, унинг ишларига ривож ва сафарига оқ йўл тилади. Зокиржон ака ўз сўзида жамғарма ва экспедицияни қўллаб-қувватлаётган Республика ташкилотларига, вилоят ҳокимлигига ва руҳий мадад бераётган халқимизга миннатдорчилик билдириб, ушбу сафарнинг дастури, режаларини баён қилиб берди.

Соат 8 дан 15 дақиқа ўтганда ёнбошига ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида «Бобур номли халқаро илмий экспедиция» деб ёзилган «Тойота» автомашинаси Бобур боғидан, Андижон заминидан жилиб, олис сафарга йўл олди. Японларнинг бу шинам ва қулай кичик автобуси ўриндиқларидан экспедициянинг қуйидаги саккиз нафар аъзоси жой олган эди:

1. Зокиржон Машрабов. Дарвоқе, унга илк сафар чоғида Адҳамжон ҳофиз «Бой ота» деб лақаб қўйган, бу атама узукка кўз қуйгандек, ниҳоятда ўз ўрнига тушган эди. Дарҳақиқат, экспедициянинг бутун бойлиги, мол-мулки Зокиржон

аканинг тасарруфида. Йўл кирасию божхона тўловлари, меҳмонхона ҳақию ёқилғи... - ҳамма харажатлар экспедиция ҳисобидан эди.

2. Андижон Давлат дорилфунунининг фахрий профессори Сайфиддин Жалилов. Бу муҳтарам зот «яхши бузоқ икки онани эмади», деганларидай, аслида муаррихлик бобида чевар, айна вақтда, шарқшунос, бадииятнинг, ижодкорларнинг ашаддий мухлиси, профессионал адабиётшунослардан кам бўлмаган бобуршунос ҳамдир. У кишининг ғаройиб хислатлари, ибратли фазилатлари бисёр... Аслида бу камтарин, адолатпеша олим дастлабки экспедиция аъзолари таркибида ҳам бор эди. Вилоят ҳокимлигидаги сафар олди йиғилишида ўроқда йўқ, машоқда йўқ бир кимсанинг рўйхатга қўшилгани эълон қилинган пайтда ўрнидан шартта туриб, мен экспедицияга бориш фикридан қайтдим, деб, залдан чиқиб кетган, кейин Зокиржон ака ҳарчанд уринмасин, уни кўндиролмаган эди.

3. Собиржон Шокаримов – Зокиржон аканинг аввалги сафарларда синалган кадрдони. Бу матонатли инсон ҳам Сайфиддин акага берилган таърифга муносиб: тарих илмининг билимдони, шунингдек, маҳоратли журналист эди (охирати обод бўлсин). Сафардошлари унга, азбаройи чойга муҳаббати беқиёслиги боис, «Чой ота» деган ном беришган. Мазкур “тахаллус”лардан, хусусан, Хайриддин Султон «Бобурийнома» китобида хўп ўринли фойдаланган.

4. Ўзбекистон илмий-оммабоп фильмлар студиясининг тасвирчиси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Тўлқин Рўзиев. Ҳақ жойида гоҳо қарор топишини, шу қадар камтарин ва хокисор санъаткорга ҳам юксак унвон берилиши мумкинлигини ана шу баҳоси йўқ инсон мисолида кўриш мумкин эди...

5. Аҳмаджон Қосимов – таржимон, яъни экспедиция аъзоларининг ишонган ва суянган мададкори. Ўзбекистон радиоси ҳинд эшиттиришлари бўлими заҳматкашларидан.

6. Фаррух Расулов – Республика телевидениесининг Андижон вилояти бўйича муҳбири ва тасвирчиси.

7. Энг асосий одам – ҳайдовчи Обиджон Солиев (хамманинг тақдири ўша кишининг қўлида-да).

8. Янги аъзо – каминаи камтарин.

\*\*\*

Ҳаётлигида шўришу ғавғоларни бисёр бошидан кечирган Бобуршоҳ билан боғлиқ тадбирларнинг ҳам мудом қийинчиликлар билан амалга ошиши ҳақида кўп гапириб-ёзишади. Сафаримиз давомида ўзимиз ҳам бунга гувоҳ бўлдик. Йўлга чиққанимиздан кейин йигирма чақиримча юрганимиздаёқ ҳамма жойи соғ ва соз “Тойота” бирдан «йўталиб», силташга тушди. Ҳайдовчи бир неча бор тўхтатиб, карбюраторни тозалади. Машина икки-уч чақирим меъёрида юради-да, кейин яна секинлаб, «йўтали» тутарди.

Қўқон шаҳридан чиқаверишда бир устахонага кирдик. Фильтр деганини алмаштиришди. Шундан кейин улов анча тузалиб қолган эди, лекин кейинроқ бошқа бир ишқал чиқди. Захира учун 300 литр солярка қуйиб олинган тўрт қиррали металл бочка автобусчамизнинг орқа бурчагига жойлаштирилган эди. Зомин тумани ҳудудида кетаётганимизда салонни ноҳуш хид тутиб кетди. Қарасак, оёқларимиз остига мой сизиб келяпти. Бочка чокидан дарз кетган экан. Керагида пулга топилмайдиган соляркани бекорга берамиз, десак, олгани одам топилмайди. Ўтган-кетган трактор, юк машиналарини тўссак ё тўхтамайди, ё ҳайдовчи идишим тўла, деб таассуф билдиради. Бак жўмрагини пастга тўғрилаб, соляркани машина орқасидан ерга оқизганча бир оз юрдик. Бўлмади. Йўлдан анча ичкаридаги «Тараққиёт» деган жамоа хўжалигига бордик. Афсуски, биронта раҳбар йўқ эди, бир ёқдан қоронғи тушиб келарди. Яна катта кўчага қайтдик.

Салон ичи ёқилғи иси билан тўла, кимларнингдир боши оғрий бошлади. Муҳокама қиламиз, уф тортамиз. Зарбдор туманининг Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудига кираверишда дуч келган бир дарвозани тақиллатдик. Ичкаридан чиққан одамга, аҳволни тушунтириб, мана шу солярка деган балодан бизни халос қилишларини ўтиниб сўрадик. Улар кўшнилларини айтиб чиқишди. Қисқаси, бакни бўшатиб беришди, эвазига бизни нон, чой, айрон билан

сийладилар. Сўнг биз елкамиздан тоғ қулагандай бўш бочкани даранглатиб йўлда давом этдик.

Самарқандга етганимизда машинанинг яна «безгаги» тутиб қолди. Адаша-адаша, Жума шаҳарчасини ярим тунда топиб бордик. У ерда «Тойота» устахонаси бор экан. Таъмирхона ҳовлисига кирдигу ярмимиз машина ичида, қолганларимиз йўлаклар четидаги супасимон узун бетон тўсиқларга кўрпачаларимизни наридан-бери тўшаб, озгина мизғидик.

Эрталаб корхона раҳбарлари келишгач (уларга экспедиция ва «Тойота»миз аввалги сафарлардан таниш экан), машинани мутахассислар кўздан кечира бошладилар.

Аслида бундай машмаша экспедиция учун янгилик эмас, ўтган гал ҳам ана шундай темир идиш олишган, лекин у Бухородан ўтганда тешилиб қолиб, ташлаб юборишган экан.

- Банданинг хом сут эмганлиги шу-да, - деди Зокиржон ака куюниб. – Бу сафар ишни пухтароқ қилиш керак эди, Обиджон акага ишониб, ўзим шуғулланолмадим-да.

Усталар кундузи билан уринишди. Тузалди, дейишади. Машинани ўн-ўн беш чақирим айлантриб келишади, яна ўша аҳвол давом этади. Қисқаси, кечга яқин «касаллик»нинг боиси топилди ва улов ростмана юрди. Одамзотнинг ҳам дардига шифо топилишининг қийинлигига, баъзида у дунёга барвақт жўнаворишига ҳам кўпинча ташхиснинг ноаниқлиги ёки нотўғрилиги сабаб бўлади-да. Хасталик тўғри аниқланмагач, ножоиз муолажа, яъни ноўрин дори-дармонлар наф бериш ўрнига, аксинча, ҳилвираб турган организмга зиён етказиб, аҳволни баттарлаштириши оддий ҳақиқат.

Хуллас, йўлга тушдик. Энди “Тойота”жоннинг ошқозону ичаклари бўшаб қолган эди. Гўзалкент тумани ҳокимиятига “озуқа” сўрагани бордик. Ҳоким мажлис қилаётган экан, анча кутишга тўғри келди. Тун тобора қуюқлашиб борарди. Ниҳоят, Зокиржон ака ҳоким билан гаплашиб чиқди. Ҳоким «Беш қахрамон» жамоа хўжалиги раисига қўнғироқ қилиб, 50 литр солярка беришни



тайинлабди. «Беш қахрамон»ни излаб кетдик. Ёқилғининг кечаги хорлигию, бугун азиз бўлганини қаранг, ё қудратингдан!..

«ДАН» деган ғов-тўсиқлардан ўтишларнинг машаққати тўғрисида гапирмай кўя қолайлик. Чоржўйга яқинлашганимизда Амударёдан ўтадиган паромни сув оқизиб кетган дейишди. 70 чақирим ортиқча йўл босиб, Элжин деган жойга бордик.

Ниҳоят, Жайхун қирғоғига етдик. Паромда хоразмлик шўх жувонлар, йигитлар кўшиқ ва ўйинлари билан кўнглимизни анча хушнуд этишиб, нариги қирғоққа олиб ўтиб кетишди.

Шундай қилиб, йўл юриб, мўл юриб, Туркманистоннинг бепоён чўл-сахроларию, шаҳарларидан ўтиб, ниҳоят, Афғонистоннинг кўхна Ҳирот шаҳрига ҳам етдик. Лекин Кушка билан Ҳирот оралиғида адабимизни едик. Курол-яроғ, замбарак ташувчи катта ҳарбий машиналар, танк, бронетранспортёрларга мўлжалланган бу узундан-узоқ йўлга ораси очик, сўридай-сўридай бетон плиталар ётқизилган бўлиб, биринчидан, тез юриб бўлмас, иккинчидан, ҳар ўн қадамдаги оралиққа машина ғилдираги дўқиллаб тушганида бутун вужудимиз зарб билан силтанарди.

## АЛАМ УСТИГА АЛАМЛАР

Ҳирот кўп йиллардан бери давом этиб келаётган уруш-жанглар оқибатида жудаям харобалашиб кетган эди. У маърифатпарвар султон ва шоир Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлик қилган, инсоният фаҳри бўлмиш Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзодлар униб-ўсган шаҳарга мутлақо ўхшамасди.

Зокиржон ака Ҳиротнинг ўша пайтдаги ҳокими Амир Исмоилшоҳ билан учрашиб, экспедиция сафарининг мақсадларини баён этди. Афғон урушида асир тушган ё бедарак йўқолган ўзбек йигитлари рўйхатини топшириб, уларни топишга ёрдам беришини сўради. Сухбат адоғида ҳокимга Андижон тўни ва дўпписидан кийдирди. Берган худога ёқибди, деганларидай, Амир Исмоилшоҳ ҳам бизни маъкулгина турар-жой билан сийлади.

Бироқ, номигина қолган Жўйи Инжил сойи буйидаги Мусалло майдонини излаб бордиг-у, дилимиз хуфтон бўлди. Узоқ йиллик жангу жадаллар ва эътиборсизлик туфайли буюк зотларнинг мақбаралари қаровсиз қолиб, машхур майдон вайронага айланган эди. Ҳазрат Навоий мақбарасига ўт-ўланлар босиб кетган, кўпдан бери инсон оёғи тегмаган сўқмоқдан кириб бордик. Сағана тоши синган, бурчакда ғишт бўлаклари, гувала-кесаклар уюлиб ётибди. Деворлардаги ажи-бужи ёзувларни кўриб, кўнглингиз озади... Ҳаммамиз ичимиздан зил кетдик. Зокиржон аканинг эса киприклари намдан йилтираётганини кўрдим...

Ҳусайн Бойқаро мақбараси ўрнида фақат қора сағана тоши қолган эди, холос. Раҳбаримиз нуқул бош чайқар, унинг қалби қаттиқ изтироб чекаётгани аниқ сезилиб турарди.

- Агар афғон ҳукумати рози бўлганида, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро қабрларини Ўзбекистонга кўчириб кетардим, - деди у алам билан.

Юқоридаги аянчли ҳолат Зокиржон акага ҳаммамиздан ҳам кўра оғирроқ таъсир қилган эди. Бу нохуш манзара унинг кўз олдидан узоқ вақтгача нари кетмаган, аксинча, кўнглида ана шу буюк миллатдошларимиз қабр-мақбараларини Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида, Бобур номли халқаро жамғарма кучи билан таъмирлаш режаси туғилган эди. Бу кутлуғ ниятини ҳамроҳлар билан ўртоқлашгач, Амир Исмоилшоҳ биз турган жойга (бу ер Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги Ҳирот бўлимининг меҳмонхонаси эди) кирганида, гапни узоқдан бошлаб, яъни, губернаторни анча «юмшатиб», кейин унинг қўйнига қўл солди.

Мен Амир Исмоилшоҳ лоақал орият нуқтаи назаридан ҳам кутилмаган таклифга кўнмаса керак, деб ўйловдим. Лекин Зокиржон ака ҳозирги пайтда Афғонистон, хусусан Ҳиротнинг нотинчлиги, узоқ йиллик урушлар ҳукуматнинг ҳам, халқнинг ҳам тинка-мадорини қуритиб, моддий жиҳатдан ниҳоятда танг аҳволга солиб қўйгани, мана шундай бир пайтда ҳукумат раҳбарлари кўнглига мақбаралар таъмири сиғмаслигини эътироф этган ҳолда, Бобур жамғармаси айнан мана шу мақсадларда ташкил қилингани, шунинг учун у мутлақо беғараз, биродарлик ёрдами кўрсатиб, умуминсоний бурчни бажариши мумкинлиги

тўғрисидаги фикрларини ҳокимга англади. Амир Исмоилшоҳ, аксинча, мамнуният билдириб, таъмирловчи усталар ва ишчиларга турар жой бериб, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ўз зиммасига олишга тайёрлигини айтди.

- Бу жуда қийин вазифа-ку, узоқ йўл, усталару ашёларни олиб келиш ҳазилакам маблағ талаб қилмаса керак, -дея аста шипшидик раҳбаримизнинг кулоғига.

- Республика ҳукуматига, мутасадди раҳбарлар олдига чиқаман! Ўзбекистон аҳолисига мурожаат қиламан: халқимиз ўзининг буюк аждодлари қандай ачинарли аҳволда ётганини билса, албатта ёрдам қўлини чўзади, -деди Зокиржон ака умид ва ишонч билан. Албатта, бу гапни айтиш учун ҳам одамда маънавий ҳуқуқдан ташқари, эътиқод, журъат, матонат бўлиши керак.

Ўша куни, ўша жойда бизга дахлдор иккинчи бир муаммо ҳам Исмоилшоҳ иштирокида муҳокама қилинди. Экспедиция сафарининг дастурига кўра Ҳиротдан Эронга ўтиб кетмоғимиз режалаштирилган эди. Фавқулодда бир ишқал чиқиб қолди. Бизга Эронга Божгирон чегара-божхонаси орқали ўтишга рухсат берилган экан. Ҳужжатларимизда Афғонистон ҳудудига ўтиш қайд этилгану, у юртдан қачон, қаеридан, қандай чиқиб кетиш кўрсатилмаган эди. Бунинг учун Эроннинг Ҳиротдаги консулхонасидан қўшимча рухсатнома олиш зарурлигини айтишди. Лекин, бахтга қарши консул Техронга кетган экан. Унинг атиги икки ойдан бери ишлаётган ёш ёрдамчиси бу масалани ҳал қилолмаслигини баён этиб, таассуф билдирди.

Шу куни биз турган меҳмонхонага Эрон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Жалил Шамс ҳам жойлашган ва у ҳам шу ерда ҳозир эди. Маслаҳат сўраб, унга ҳам мурожаат қилишга тўғри келди. Баъзилар йўли унча яхши бўлмаса ҳам, яқинроқ деб, Қандаҳор орқали кетишни маслаҳат беришган эди, Амир Исмоилшоҳ ҳам, вазир ҳам бу фикрни негадир қувватламдилар.

- Яхшиси, етти кишини тайёрада Пешаворга жўнатайлик, машинангизни ҳайдовчига иккита соқчи қўшиб, орқаларингдан етказамиз, - деди Амир Исмоилшоҳ.

- Юкларимиз кўп, кинокамера, телекамералар, бошқа аппаратураларимиз бор, демак... совға-саломларимиз бор, - деб эътироз билдирди Зокиржон ака босиқлик билан.

- Барча нарсаларингизни тайёрага ортишади.

- Бунинг иложи йўқ, - деди Зокиржон ака бир оз кескинлашиб. – Машинадан бир қадам ҳам жиллолмаймиз.

Мезбонлар ажабланишган эди, Зокиржон ака изоҳ берди:

- Экспедициямизнинг мақсади ерда, Захириддин Бобур юрган йўллардан юриб, у жойлар ҳақида маълумотлар йиғиш, одамлар билан суҳбатлашишдан иборат.

Меҳмонхона – қароргоҳнинг биринчи қаватидаги расмий учрашувлар, ҳар турли мулоқотларга мўлжалланган «Г» шаклидаги хонада бўлган суҳбат-музокара анча узоқ давом этди. Амир Исмоилшоҳ ҳам, Жалил Шамс ҳам жуда беғам ва хотиржам, шошадиган ишлари йўқдай кўринишарди.

Ҳирот ҳокими ҳали ёш – эндигина қирқ иккига кирган, ўрта бўйли, кичик, аммо чуқур маъноли кўзлари кулиб турадиган истарали, босиқ одам эди. Мана шу ҳолати ва феълени кўриб, унинг юртида уруш кетаётган мамлакат раҳбарларидан бири эканлигига ишонгимиз келмасди.

Эллик - эллик икки ёшлар чамасидаги Жалил Шамс анча совуққон, лоқайд, бизнинг ташвишимизга мутлақо жон куйдирмаётгандай туюларди.

Амир Исмоилшоҳнинг Қандаҳор йўлидан юришимизга розилик билдирмагани сабабини суҳбатда қатнашган Ҳирот матбуот ва маданият ишлари бўйича раис муовини, муаррих Мавлавий Анбарий тушунтириб, Қандаҳор билан Покистон оралиғининг нотинчлиги, турли тўдалар хужумидан хавфсирашаётганини айтишди.

- Унда биз орқага қайтамиз, - деди Зокиржон ака ҳеч иккиланмай. – Бунақа оворагарчилик, қийинчиликларга ўрганиб қолганмиз.

Кушкага қайтиш ҳақидаги нохуш қарорни эшитишим билан дўқир-дўқир бетон йўлни кўз олдимга келтириб, жамики томирларимда чумоли ўрмалай бошлагандек бўлди. Зокиржон аканинг тайёр самолётга унамаганига, мезбонлар

мурувватидан фойдаланишни хоҳламаганига жуда ажабландим. Менимча, ўша топда бошқа ҳамроҳларимнинг кўнглидан ҳам шундай туйғулар ва хаёллар кечган бўлиши турган гап. Лекин биз фақат ўз танзимнинг ҳаловатини кўзлаган бўлсак, раҳбаримиз ҳаммининг жонини, ҳайдовчи ва «Тойота»мизнинг тақдирини ҳам ўйлаган эди. Дарҳақиқат, самолётдан Пешаворга осонгина бориб олиб, жанггоҳлар, пистирмали тоғлар орасидан машинамиз етиб боргунча не кўйларга тушишимиз мумкинлигини тасаввур қилиш мумкин эди.

Шундай қилиб, «елкамизнинг чуқури кўрсин» дея зада бўлганимиз бетон йўлдан яна бир карра юришдан бошқа чорамиз қолмаган эди. Энг ачинарлиси, ҳар дақиқаси ҳисобли вақтимизни беҳуда йўқотмоқда эдик. Ҳиротда Эрон консулини кутиб икки кунни ҳавога совурдик. Кушка – Мари – Ашхобод орқали Божгиронга етиб боргунимизча яна икки кеча-кундуз «қулоғини ушлаб» кетди.

Сафар давомида юқоридагидай муаммо ва машаққатларга, асабларимизни қақшатган йўллар, божхоналар, одамларга кўп дучор бўлдик, лекин мен ушбу китобда булар ҳақида батафсил ҳикоя қилишни лозим кўрмадим. Биринчидан, бундай тўсқовуллар, таҳликалар, қийинчиликлар, қўноқ истаб тунлари сарсон бўлган тунларимиз тўғрисида «Ҳинд сориға» деган сафарномада анча кенг тўхталганман, иккинчидан, бу гал экспедициямиз раҳбари, Бобур Мирзонинг чинакам жонкуяр тарғиботчиси Зокиржон Машрабов фаолиятини ёритмоқни ният қилганим боис, ўқувчи эътиборини сафаримизнинг асосан мана шу фидойи инсон билан боғлиқ нуқталарига қаратмоққа жазм этдим. Масалан, Божгирон божхонасидан Эронга ўтишимиз ҳам анча қийин бўлди. Менга гўё хужжатларимиздан бир нуқсон топиб, чегарадан ўтказмай қўйишадигандай туюлаверарди. Зокиржон аканинг дадил ва дангаллиги, ҳеч нарсадан қайтмаслиги, умидсизликка тушмаслиги тажрибасиз ҳамроҳларни кўп ранжу ғурбатлардан сақлаб қоларди. У ўзидаги ишонч ва қатъиятни бошқаларга ҳам юқтиришга ҳаракат қилар, тушкун ҳолатлардан далда бериб олиб чиқиб кетарди.

Ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзо назари тушган, кўп улуғ инсонлар илм ва тарбият топган машҳур Машҳад шаҳри бизни жозибадорлиги билан мафтун айлади. Шаҳардан сал наридаги Тус қасабасида жаҳон китобхонлари тан олиб

ўқийдиган «Шоҳнома» асарининг муаллифи Абулқосим Фирдавсий номидаги боғ ва шоир мақбараси кўркамлиги, салобати, зиёратчиларнинг гавжумлиги билан бизда катта таассурот қолдирди. Лекин худди жу жойда бир одам таъбимизни хира қилди. Ўзини Техрон шаҳар девонхонаси ходими Алия Шамлу деб таништирган, ўрта ёшлардаги бу кимса Ўзбекистонни билмаслигини айтганида, шахсан менинг этларим зириллаб кетди. Нега, нега у Ўзбекистондай гўзал ва саховатли катта бир юртни билмайди? Ахир биз «Эрон» деган давлатни-ку қўйинг, Техронни, Шерозни, Машҳаду Тусни, Табризни, бошқа шаҳарларни яхши биламиз-ку! Наҳотки хорижий элларнинг қомусларида Ўзбекистон деган мамлакат, ўзбек деган миллат ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаса?! Демак, бизнинг жаннатмонанд диёримиз, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк сиймолар ватани «СССР» деган тўртта ҳарфдан иборат давлатнинг соясида, унинг аҳамиятсиз бир нуқтасидай қолиб кетган экан-да! Ҳа, юқорида саналган алломалар номини билмайдиган киши кам, аммо улар туғилиб вояга етган заминнинг «Ўзбекистон» деб аталишидан беҳабар!.. Демак, Бобур номли халқаро илмий экспедициянинг ўз олдида мустақил Ўзбекистон давлатини тарғибу ташвиқ қилишни ҳам мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас экан. Мана, чиндан ҳам Фирдавсий боғида бизни ўраб туришган кимсаларга Ўзбекистонни, ўзбек миллатини хийла тушунтирдик, улар гапларимизни тинглашар экан, анграйиб, кўзларидан ҳайрат учқунлари чакнаб, «Ие, ановини кўринг...» деган маънода бир-бирига қараб бош ирғашарди.

## ЙЎЛ АЗОБИ

Зоҳидондан чиқаверишда ғалати бир ҳодиса юз берди. Зокиржон ака баъзан сизга берган бирон-бир ваъдасини унутиб қўйиши мумкин, лекин унинг ана шу лафзини ёдига солсангиз, кеч бўлса ҳам сўзининг устидан чиқишга ҳаракат қиларди. Билиб-билмай экспедиция аъзоларидан биронтасининг дилига андак озор етказиб қўйганини пайқаб қолса, дарҳол ўша одамнинг кўнглини олиш

пайига тушиб қолади. Алиқисса, ўта босиқ, ҳамиша қувноқ, раҳматли Тўлқин ака Рўзиев (у экспедиция сафаридан қайтгандан бир неча ой кейин тўсатдан вафот этди) асабийлашиб, сигаретни босиб-босиб тутатиб қолди. Сабаби – кеча кечкурун у Машҳадни яхши томоша қилолмадик, энди Зоҳидонни бир айланиб кўрсак, деганида Зокиржон ака, майли, деган экан. Нима сабабдандир, эрталаб нонушта ҳам қилмай жўнаб юбордик. Тўлқин ака шунга бўғилиб қолган экан. Охири, шаҳарнинг ўртасидаги хиёбонга етганимизда, сабри чидмай, оқшомги келишувни писанда қилган эди, Зокиржон ака, бўпти, қайтамыз, деди, бироқ Сайфиддин Жалилов домла: «Энди орқага қайтмай қўя қолайлик», деб ижирғанди. Шунда Тўлқин ака: «Нимага қайтмаймиз?!» деб юборди биринчи марта баланд ва дағал оҳангда. Шундан кейин раҳбар қайтишга қатъий амр этди. Кейин бу воқеани анча пайтгача эслаб, Тўлқин ака билан ҳазиллашиб юрдик.

Эрон божхонаси Миржавехдан Покистон божхонаси Тафтонга ўтиб, Лохур сари йўлга чиққунимизга қадар ҳам ярим кундан ортиқ вақт кетди. Биз каби кутувчи-томошагўйлар «Тойота»миз пешонаси ва ёнбошидаги «Бобур. Туркистон – Ўзбекистон – Андижон» деган ёзувларга қизиқиб қолишади, лотин алифбосидаги номларни ҳижжалаб ўқишга тутинишади. Ҳеч нарса англамаганлари елка қисиб, кимсизлар, қаердан келяпсизлар, деб сўрашади. Форсчанинг кифтини бир мунча келиштирадиган таржимонимиз Фаррух кўмагида Ўзбекистон деган юрт борлигини, унинг яқинда мустақилликка эришганини, экспедициямизнинг мақсадини англантишга уринамиз. «Бо-бу-ур... Ўз-ба-гис-тан...» дея пичирлаб такрорлашади. Шунинг ўзи ҳам бизда фахр уйғотади ва экспедициямизнинг бежиз тузилмаганига, сафарларимиз беиз кетмаслигига ишонч туғдиради...

Тафтонда бизга Парвез Султон деган маъмурни қўшиб беришди. Унинг сарбонлигида Кветтага қараб йўлга чиқдик. Масофа 600 чақирим экан. Ҳадемай сўқмоқсифат, тор, нотекис, дўқир-дўқир кўча бошланди. Худди дарё ўзанидан юраётганга ўхшаймиз. Юз чақиримдан сўнг икки томони яп-яйдоқ сахрога чиқиб қолдик. Ярим кечада қишлоқсифат бир жойга етиб, маҳаллий аҳоли тилида “Кўноқхона” деб аталувчи очиқ майдонга қўйилган каноп тўрли темир

каравотларга йўл тўшакларимизни тўшаб тарракдай қотиб ухладик. Эрталаб туриб таъбимиз жуда тирриқ бўлди. Кечаси қоронғида пайқамаган эканмиз – атроф хароб ва ниҳоятда ивирсиқ эди. «Меҳмонхона» - майдон ўртасидан ўтган саёз бетон ариқчадан бир эмас, учта исқирт малларанг кучук қатор бўлиб, чапиллатишиб сув ичарди. Оғизни чайқамай, кўлни хўллаб юзларга наридандан-бери сурдик-да, чой ҳам ичмай жилвордик.

Йўлнинг харобалигига қарамай, қатнов тиғиз, юк машиналари ҳаддан ташқари кўп эди. Кветтага етиб боргунча теварак-атрофнинг носаришталигидан кўнгилларимиз озиб, вужудимиз қаттиқ толиқди. Кейин билсак, тунд сарбонимиз Парвезнинг ношудлиги ва лоқайдлиги туфайли адашиб, асосий йўлдан юрмай, илон изи, расво кўчаларга кириб кетган эканмиз...

Биз йўл танобини тортиш, ёқимсиз манзаралардан ўзимизни чалғитиш учун Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғанимлар ва аламлар ичра кечган ҳаёти, унинг беқиёс шон-шавкати ҳақида суҳбатлашиб борардик. Ўрус ёзувчи-шоирлари, олимлари, арбобларини илоҳийлаштириб, ҳар қадамда уларнинг исм-шарифларини эъзозлаб, ўзимизникиларни эса четга суриб юрганимизни эслаб ёзғирдик, куюндик. Олмониядаги йирик шаҳарлардан бири Веймарнинг жуда кўп жойлари машҳур немис шоири ва мутафаккири Гёте номи билан боғланган. Бизда, мустақиллик шарофати билан энди айрим билим масканларига Бобур номи берилди бошланувди, шундан ҳам хавотирланиб, «кўпайиб кетмаяптими?...» дегувчилар чиқиб қолди.

Зокиржон Машрабов бундай ҳодисалар ҳақида ёниб-куйиб сўзлар, Бобур шаънига отилган маломатларни бамисоли ўзига қаратилгандек оғир оларди.

Мен бу ажойиб инсон билан илгари турли муносабат билан, масалан, пойтахтдан Саид Аҳмад ва бошқа таниқли адиблар Андижонга келишганида, йиғинларда кўришиб, сўрашиб турардим-у, лекин кўп суҳбатдош бўлмаганман. Анча йиллар Тошкентда яшаганим учун унинг Андижон шаҳрига раҳбарлик қилган даврда амалга оширган ишларидан бохабар эмас эдим. Фақат, амал ва манфаат учун ўз юрти тарихидан, ўз ўтмишидан бемалол юз ўгириб оладиган манқуртларнинг тазйиқи билан Бобур номини тилга олиш ҳам гуноҳи азим



саналадиган пайтларда унинг хайкалини узоқ Россияда тайёрлатиб келганини эшитганман (бу ҳақда юқорида ҳикоя қилинди). Қахрамонликка баробар ана шу жасорати, эътиқоди учун ҳам унга ҳурматим баланд эди.

Зокиржон ака жамғарма ва илмий экспедиция ташкил этиш мобайнида Андижон – Тошкент йўлларида, маҳкамадан маҳкамага елиб-югурганида орқаворотдан «Қизиқ... адабиётчи бўлмаса, тарихчи бўлмаса...» дея таажжубланганлар, бу олижаноб саъй-ҳаракат мақсадини ҳар хил маънога йўйганлар ҳам чиқди. Агар улар Зокиржон ака билан ҳамсафар бўлиб, унинг қалбидаги-орзу ниятлар, туйғуларни англаб, ҳис этишганида ўз иштибоҳлари учун кўп хижолат чекишлари аниқ эди. Мен мана шу бир неча кунлик сафар ва суҳбатлар асносидаёқ жамғарма ҳам, экспедиция ҳам айнан ўз эгасини топганлигига буткул ишонч ҳосил қилгандим.

«Йўл азоби» деган ибора ҳаммага маълум. Айниқса, нотаниш юртлар, синалмаган тош, кум йўллар, адашувлар, ўрганилмаган намчил ҳарорат, янги иқлимнинг мижозга салбий таъсири, пашша, чивин тўла қўноқхоналар (уларнинг ҳаммасини ҳам меҳмонхона деб аташ қийин), белгиланган муддатда улгуриш учун кунига ўн тўрт – ўн беш соатлаб бетиним йўл босишлар, автомашинанинг ярим тунларда сувда ё кумда тикилиб ёки бузилиб қолишлари, жазирамага дош беролмаган баллонларнинг отиб юбориши... Ана шу ҳолатларни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а... Ёши олтмишдан ошган одамга бу машаққатлар, уринишлар, асабийлашишлар ҳавасмиди...

Зокиржон ака жамоа ўртасида зарур бўлиб қолганда раҳбарлигини ишга соларди, айтайлик, бирон масала «умуммажлис»да муҳокама этилгудай бўлса, албатта, сўнгги, ҳал қилувчи сўзни у айтарди. Биз буни яхши билардик, лекин шунга қарамай, баъзи-баъзида (кўпроқ маҳмадона Фаррух) сўнгги сўз, хулосага ўзгариш киритишга уриниб, «Бой ота»нинг жиғига тегишни хуш кўрардик. Бошқа маҳал у ҳамма қатори эди. Зокиржон акада раҳбарликдан ташқари ҳайдовчига дам бериш вазифаси ҳам бор эди. Бу серзавқ одам рўлга ўтирса, дарров мусиқа янграб кетарди. Асосий ҳайдовчимиз Обиджон ака табиатан оғир-вазмин бўлгани учунми ё рўлда чалғимай, дебми, магнитофон овозини унча хуш

кўрмасди. Умуман, ҳаммада ҳар хил феъл-одатлар бўлади-да. Сайфиддин ака ёшига нисбатан анча серҳаракат, қизиқувчан. Тўлқин ака бўлса: «Менга ош-нон берманглар, фақат чекишга имкон беринглар...» дейди.

Фаррухнинг бир мазаси қочиб тузалди. Иқлим ё ҳар хил ажабтовур овқатлар мижозига салбий таъсир кўрсатди шекилли. Собиржон ака ҳам ўзини эҳтиётлаб, авайланиб юрибди. Ҳар қанча чанқаса ҳам, совуқ сув ичмайди (Бу борада раҳбаримизнинг оғзаки фармони ҳам бор, чунки аввалги сафар чоғида ичбуруғлик дардини тортишган). Аҳмаджон ҳамма ишни одоб ва маданият доирасида, ўз расамадида адо этади. Тўлқин ака иккимиз таом масаласида инжиқ эмасмиз, совуқ сувдан ҳам раҳбарнинг кўзини шамғалат қилиб симириб-симириб олаверамиз. Сув, тўғриси, бемаза, лекин начора, иссиқда юрак ўртаниб турса, бу ярим саҳрода зод буд Гуркировимдагидай мазаси замзамга тенг оби ҳаётлар қаёқда!..

Йўл ниҳоятда носоз, шаҳар ва қишлоқлар хароб эди. Секин юрардик. Шунинг учунми, кунлар беҳад узун ва зерикарли туюларди. Ўзимизни чалғитиш мақсадида биримиз қўйиб биримиз Парвездан йўлда учраётган шаҳар ва қишлоқларнинг номларини ва бошқа нарсаларни сўраб-суриштириб борамиз. Тумрайган етакчимиз охири: «Бутун Покистонни сўраб чиқасизларми», дея тўнғиллади зада бўлганини яширмай.

Хуллас, Лоҳурга анча қийинчилик билан етиб бордик. Бобурий султонларга узоқ йиллар қароргоҳ ва пойтахт бўлган бу қадимий шаҳарнинг ҳамон ноёб ва қимматли бойлиги бўлиб турган «Шоҳи қалъа», Лоҳур давлат миллий музейи зиёрати бизни ўтмиш қаърига батамом ғарқ айлади. Бу тарих ва санъат масканларидаги ҳар бир иншоот, ҳар бир ашё, хусусан, бобурийларга дахлдор бинолар, буюмлар, суратлар биз учун, экспедициямиз учун ғоят муҳим илмий қимматга эга эди.

Миллий музей директори, профессор Сайфур Раҳмон ва бошқа олимлар билан учрашиб, бобурийларнинг Лоҳур шаҳри билан боғлиқ ҳаёти ва фаолияти, улар яратган тарихий обидалар тўғрисида қизиқарли суҳбатлар курдик. Жаҳонгиршоҳ ва Нуржаҳон бегим қабр-мақбараларини, бобурийлар барпо

этишган бошқа тарихий обидалар, жумладан, Шалимар боғини томоша қилиб хузурландик, ғурурландик. Покистон халқининг ватандош-аждодларимизга хурмати жуда юқори эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Раҳбар китоб дўконларидан Амир Темур, Бобур ва уларнинг ҳукмдор авлодлари тўғрисида инглиз ва урду тилларида чоп этилган кўп яхши китобларни сотиб олди. Тушлик килиш учун кирган ошхонамизда бахтли тасодифга дуч келдик: емакхона тўрига қўйилган рангли телевизорда Бобур ҳақидаги видеофильм қўйилаётган экан! Буни қаранг-а! Зокиржон ака: «Мана шу видеофильм кассетасини сотиб олишимиз керак», деди ҳаяжонланиб. Ошхонадан чиқиб оқ дўконни излаб топдик ва бу бебаҳо маънавий бойликни экспедициямиз хазинасига жойладик.

Лекин қувонч билан ғам доим ёнма-ён юради, деганларидай, эртасига эрталаб хийла дилхиралик ҳам бўлиб ўтди. Меҳмонхонада ҳайдовчимиз Обиджон акани йўқотиб қўйдик. У-ку топилди, лекин унғача Зокиржон ака бояқиш бир неча пайсага озиб кетди-ёв! Тўғри, ҳаммамиз ҳам жиддий хавотирландик. Масалан, Тўлқин ака уф тортганича, у ёқдан-бу ёққа юриб, бир кути сигаретни чекиб адо қилди. Зокиржон ака эса ўз ҳолатини бир жумла билан ифодалади: «Сочимга бир нечта оқ қўшилди», деди у. Юзларидан ҳам ранг қоча бошлаганди. “Ишқилиб, тинчликмикин... Бирон кор-ҳол юз берса...” деган ваҳима ҳаммамизнинг ҳам ич-этимизни кемирарди. Тонгга яқин шундоқ меҳмонхона яқинида қандайдир портлаш юз берган, шунинг учун ҳар хил хаёлларга борган эдик. Машинада ётиб қолган Обиджон ака ҳадиқда яхши ухлаёлмаган бўлса керак, азонда (портлашдан кейин) меҳмонхонага кирган ва бўш хоналардан бирида уйқунинг чаласини давом эттирган экан.

## **ЧЕГАРАДАГИ МАШМАШАЛАР**

Покистон божхонасида бизни илиқ кутиб олишди, лекин «Ҳиндистон ҳукуматининг ҳинд заминига ҳеч қандай транспортни ўтказмаслик ҳақида ёзма кўрсатмаси бор», дейишганида, қўлтиғимиздан тарвузимиз тушиб, ҳафсаламиз

ниҳоятда пир бўлди. Экспедициянинг аввалги сафарларидаги каби бу гал ҳам собиқ бобурийлар салтанатига етолмай қайтсак-а? Ахир ҳаммага Ҳиндистонга кетяпмиз, деб овоза қилиб келганмиз-ку?!

Лекин Зокиржон ака умидсизликка тушмади. Бобур Мирзо тўғрисида, унинг Андижонда туғилгани, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехтанинг икки марта Андижонда бўлгани, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, экспедициянинг мақсади ва аҳамияти, бу ергача не-не машаққатлар билан етиб келингани ва ҳоказолар ҳақида ҳаяжон билан, куюниб гапирди.

Божхона бошлиғи шаштидан тушди.

- Ундай бўлса, Ҳиндистон божхонасига бориб сўраб келинглари, агар улар майли, дейишса, биз рухсат берамиз, -деди у мулоимлик билан. Бошлиқ истараси иссиқ, кўнгилчан одамга ўхшайди, балки, божгир кўнглининг юмшашида Зокиржон ака тухфа этган пахта гулли чойнак-пиёланинг ҳам хизмати катта бўлгандир.

Раҳбар сарбон Парвез ва таржимон Аҳмаджонни олиб, жўнади. Ҳиндистон божхонаси бу ердан уч юз қадамча нарида эди. Ҳадемай, улар хурсанд бўлиб келишди.

- Бобур экспедицияси Ҳиндистон ҳудудига автомобилда ўтадиган бўлди! - деди Зокиржон ака завқу эҳтиросини босолмай. Унинг шу пайтдаги қувончини таърифлашга сўз камлик қиларди.

Бироқ, Лоҳурда икки кеча қолиб, индинига борганимизда Покистон божхонасида ҳам, Ҳиндистон сарҳадида ҳам вазият, фикрлар ўзгариб қолган эди. Сабаби – навбатчилар алмашишган, ҳар иккала манзилда ҳам ўша куни биз гаплашиб кетган кишилар йўқ эди. Зокиржон ака барча саъй-ҳаракатни, тушунтиришни бошқатдан бошлади. Яна совға-саломлар ишга тушди. Ҳужжатларимиз апил-тапил тайёрланди-ю йўлга чиқдик.

- Таваккал қилиб, яна бир омадимизни синаб кўрамиз, -деди Зокиржон ака. Унинг дадил ҳаракатлари ҳаммамизга далда берар ва умид уйғотарди.

Ҳиндистон чегарачи-зобитлари автомашина билан киришимизга қатъиян қаршилик қилиб туриб олишди.

Зокиржон ака ва таржимон ўшалар билан ерда, қолганларимиз эса “Тойота”да хавотир билан, аммо жимгина ўтирибмиз. Машина эшиги очик тургани учун пастдагиларнинг гаплари бемалол эшитиларди. Ўнг томонимизда - гулхона ўртасидаги олтинсимон рангли қуйма ҳайкал – Ҳиндистон рамзи бўлган уч эгизак арслон «булар нега можаро қилишаркин», дегандай, хотиржам кузатиб турарди. Афтидан, улар тирик, онгли мавжудотларнинг бундай машмашаларига кўникиб кетганга ўхшарди.

Раҳбар аввалига масалани ётиғи билан англантишга уринди. Лекин чегарачилар гап уқавермагач, тутақиб кетди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехтанинг ташриф қоғозини силтаб кўрсатди, овозини ҳам икки парда кўтарди:

- Ахир бу одам Ҳиндистон ҳукумати билан келишиб, рухсат олиб берди-ку! Наҳотки бизни алдаган бўлса? Етти минг чақирим йўл босиб, қанча маблағ сарфлаб етиб келдик бу ерга! Ўтган куни келиб сўраганимизда «но проблем» дейишганди-ку! Нега Ҳиндистон зобитлари бизни лақиллатишади? Мен Дехлига кўнғироқ қиламан! Премьер-министрга арз қиламан! Тошкентга – элчиларга сим қоқаман!.. – деб такрорларди у куйиб-пишиб. Сўнгра Аҳмаджонга «Таржима қилинг», дерди-да, яна гапда давом этарди. Аҳмаджон ўгириб улгурияптими, йўқми, чегарачилар уни эшитишяптими – қизиқмасди. Терлаб-пишиб кетган, асаб торлари ниҳоятда таранглашган эди. У бу сафарнинг Ҳиндистон сари учинчи интилиш экани, дунёнинг қанча мамлакатларидан – Афғонистон, Эрон, Покистондан ўтиб келганимизни, биронтаси қаршилик кўрсатишмаганини айтиб, тилмочга ҳам сабри чидамай, қўллари билан имо-ишора қиларди (гўё сарҳадчилар бу ишораларни тушунадигандай). «Биз, - деб давом этарди у ҳатто нафас ҳам ростламай, - Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамламоқчи бўлиб, сизларни мустақиллик байрамингиз билан табриклаш учун келяпмиз! Биз Агра билан Бобурнинг асл юрти Андижон шаҳарларини биродарлаштириш ниятидамиз!..»

Зокиржон ака Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, бундай экспедициянинг биринчи марта ташкил топганини қайта-қайта таъкидлаб,

посбонларнинг кўзларига умид ва нажот илинжида тикиларди. Аммо, совуққон, ўз қасамию конун-қоидаларига содиқ зобит, аскарларнинг юзи, нигоҳида ҳеч қандай ўзгариш, Зокиржон ака ва биз кутаётган ифода сезилмасди. Охири раҳбаримиз сўз оҳангини ўзгартириб, жиддий қиёфада: «Мени энг катта бошлиқларингиз олдига олиб киришлар, ўзим гаплашаман», деди. Чегарачилар: «Яхши, сўраб кўрамиз, фақат автомобилни Покистон ҳудудига олиб чиқиб туришлар», деб талаб этишди. Зокиржон ака: «Йўқ, олиб чиқмаймиз, «банди» қилиб қўяверинлар», дея жавоб берди. Соқчилар, майли, лоақал икки-уч қадам орқага – дахлсиз майдонга жилдириб қўйинлар, деб, Обиджон акага «хайда», дегандай имо қилишди.

- Йўқ, машинани бир қадам ҳам орқага юргазмаймиз, - деб қатъиян бош тортди Зокиржон ака ва Обиджон акага қараб, «юрғизма» деган ишорани билдирди.

Ўзга бир мамлакат чегарасида ўзини шу қадар эркин тутиш чинакам довюраклик эди.

Сарҳад кўриқчилари ҳам раҳбаримизнинг вазоҳатидан, дангал ва кескин гапиришидан, ўзини мағрур тутишидан «бунда бир гап бор» деб ўйлашди чоғи, ҳарқалай, юмшашди. Ҳатто ичкарироққа киришга ижозат беришди, уловимизга жой кўрсатишди. Зокиржон ака билан Аҳмаджон тўн, дўппи, пичоқ ва бошқа эсдалик-совғалардан олиб, чегарачи зобитлар кузатувида бошлиқ олдига кириб кетишди ва масалани ҳал қилиш учун Ҳиндистон ҳукуматига бориб келишга рухсат олиб чиқишдию, шу заҳоти поездга ўтириб, Деҳлига жўнаб кетишди.

Зокиржон аканинг сиёсатию ҳадя-“эхсон”лар шарофати туфайли «Тойота»мизга божхона ҳудудидан, ўзимизга эса собиқ ресторан залидан, катта шамол пуркагичлар қўйиб жой тайёрлаб, кечки таом билан сийладилар.

Зокиржон ака ва таржимонимиз уч кундан кейин қайтиб келишди, уларнинг руҳи баланд, кайфиятлари чоғ эди, лекин севинчини яширишга ҳаракат қилишаётгани сезилиб турарди.

- Ўзбекистон консули Аҳмаджон Лукмонов ёрдамида Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлигига чиқдик. Тошкент билан, Ҳиндистон элчиси Делип Мехта

билан боғландик. Хавотирланманглар, масалани ижобий ҳал этамиз, дейишди. Бу берга факс билан ижозатнома юборадиган бўлишди, яна билмадим... – деди раҳбар мумкин қадар ўзини жиддий тутиб.

Эртасига тушдан кейин чегара маъмуриятига чақиришди. Зокиржон ака ошиқиб чиқиб кетди ва... ҳадемай қайтиб кирди. Унинг ўша пайтдаги ҳолати ҳамон кўз олдимдан кетмайди: худди ёш боладай севинчини ичига сиғдиролмас, музаффар саркарда мисоли ҳаммамизни бир-бир бағрига босиб, табрикларди!

Шу тариқа биз Ҳиндистонга – бобурийлар 332 йил ҳукмронлик қилган мамлакат ҳудудига автомобилда ўтишга ва боболаримиз фаолиятини ўрганиш, тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлдик.

## ЖАНГГОҲ ПАТНА ВА ДЕҲЛИДА

Биз Бобур Мирзо ўзидан ўн баробар ортиқ аскар ва кучга, жанговар филларга эга бўлган Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонни қўлга киритган машҳур Панипат жангоҳини (эндиликда у жой мусаффо осмон остидаги очиқ музейга айлантирилган эди) зиёрат қилар эканмиз, чегарадаги гина-кудуратларимиз, азобу изтиробларимиз унутилди, қалбимиз ифтихор туйғулари билан тўлди. Панипат ёдгорлиги кўрғонига кириш дарвозасининг икки ёнидаги девор-устунларда урду ва инглиз тилларида битилган қуйидаги ёзув бор эди:

*«Бу Панипат майдонида бўлган машҳур, муҳим жанглар ёдгорлигидир. Бу жанглар Ҳиндистон тарихида катта ўзгаришлар ясаган. 1 – жанг Бобур ва Иброҳим Лўдий ўртасида бўлиб ўтган. Бу жангда Бобур Иброҳим Лўдий устидан галаба қозониб, Ҳиндистонда мўғуллар империясига асос солди. 2 – жангда 1556 йили Акбаршоҳ Байрамхон ёрдамида Одилхон Сурунинг бош вазири Ҳейму устидан голиб чиққан.*

*1861 йили бўлиб ўтган учинчи жангда эса Аҳмадшоҳ Ал-Абдолий Саодатив ва Рав Пешво бошчилигидаги марахатларни енгади.*

*Ўтмиш ёдгорликларини сақлаш жамияти. Харияна».*

Тарихий ҳақиқатнинг мардона эътирофи эди бу!

Ўша куни Дехлига етиб бориб, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги консули Аҳмаджон Лукмонов билан учрашдик, унинг танишлари ёрдамида Дехлини бир айланиб, меҳмонхона топдик.

Эртасига Аҳмаджон Лукмонов етакчилигида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигига кирдик. Самимий кутиб олишди. Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг дўстона алоқалари, Бобур ва бобурийлар, экспедициямизнинг мақсад ва йўналишлари ҳақида мулоқот бўлди. Кейин Дехли шаҳрида бобурийлар яратган Лаъл Қалъа, Ҳумоюншоҳ қабр-мақбарасини, Жоме мадраса-масжидини, ота-боболари туркистонлик бўлган машҳур шоирлар Амир Хисрав Дехлавий, Мирзо Абдуқодир Бедил, Мирзо Ғолибларнинг қабр-мақбараларини, Ҳиндистоннинг улуғ фарзандлари Маҳатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Ражив Гандиларнинг жасадлари куйдирилган муқаддас жойларни зиёрат қилдик. Дорилфунун, кутубхоналарда, миллий давлат музейида бўлиб, Бобур ва бобурийлар ҳақидаги маълумотларни ўргандик, тўпладик. «Бобурнома», Бобур девони, бобурийлар фармонларининг кўлёзма нусхалари билан танишдик. Хуллас, Дехлида Бобур ва бобурийлар тўғрисида биз учун янгилик бўлган анча гаплар топдик.

Тўқимачилик, терини қайта ишлаш соҳаси билан шуғулланадиган «Тапер» гуруҳи президентининг ўринбосари жаноб Матхур бизни меҳмон қилди. Мен уни Андижонда, Бобур номидаги Ип-газлама бирлашмасида кўрган эдим. Зокиржон ака билан анча қадрдон бўлиб қолишган экан. Икки буюк халқ вакиллариининг самимий дўстона муносабатлари, ҳинд тадбиркорининг Зокиржон акага нисбатан ҳурмат ва эътиқоди шахсан менда катта таассурот қолдирди.

Дастурхон устида ҳинд ва ўзбек халқларининг азалий алоқалари ва буришганининг ҳозир, Ўзбекистон мустақилликка эришгач янада мустаҳкамланаётгани, ўзаро борди-келдиларнинг, жумладан, экспедициямизнинг икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштиришдаги аҳамияти ҳақида гап борди.

Юксак маданиятли, одамохун жаноб Матхур жуда сўзамол ҳам эди.

- Ўзбекистонда бизга кўрсатилган юксак даражадаги иззат-иқром, меҳр-оқибатни биз ўзимизнинг юртимизда ҳам кўрмаганмиз, -деди у. – Эҳтимол,



бизнинг боболаримиз ҳам Бобур билан бирга Туркистондан келиб қолишгандир. Ахир, биз бир-биримизга ўхшаймиз-ку. Ўзбек халқи жуда дилкаш, меҳмондўст экан. Мен сизларнинг ажойиб юртингизда уч марта бўлиб, қалбимни ўша ёқда қолдириб келганман. Сизлар ҳам Ўзбекистонга қайтганларингизда, имоним комилки, юрагингизнинг бир бўлаги Ҳиндистонда қолиб кетганини ҳис қиласизлар. Сизларни мустақил бўлганингиз билан чин юракдан қутлайман. Ўзбекистон – келажаги порлоқ ўлка. Ва мен шундай ўлканинг ажойиб кишилари билан танишганимдан ўзимда йўқ хурсандман. Айниқса, Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси, экспедициянгиз раҳбари жаноб Зокиржон Машрабовни жуда яхши кўриб қолдим. Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўттиз йил ишлаб ҳам бундай одамни кўрмаганман, десам бўлади. Зокиржон соҳиб юраги тоза, олижаноб инсон...

Дарвоқе, бугунги зиёфат ҳам, шубҳасиз, Зокиржон ака шарафига бўлаётган эди.

Раҳбаримиз ҳам жавоб сўзида ўзбек ва ҳинд халқларининг қадимий дўстлиги, умумий жиҳатлари, Бобур халқаро илмий экспедицияси дастуридаги асосий бандлардан бири, бу - икки халқ биродарлигини янада кучайтиришга хизмат қилишдан иборатлиги ҳақида гапириб, Матхур жанобларига юксак эътибор ва тўкин дастурхон учун экспедиция аъзолари, бутун андижонликлар – Бобур юртдошлари номидан миннатдорлик билдирди. Мана шундай учрашувлар, мулоқотлар катта муносабатларга дебоча бўлишлигини таъкидлади. «Жаноб Матхурнинг бизга ёзган дастурхони – ҳинд халқининг дастурхонидир», деди у.

Зиёфат охирида жаноб Матхур бизга чиройли гулдор қоғозга ўралган ҳадя бераркан, «бунинг ичида бойлик йўқ, балки менинг қалбим бор», дея лутф қилди. Унинг қалби – эсдалик ликопчага ғоятда чиройли сурати туширилган, филбардош ҳинд халқининг тимсолига айланган фил эди.

**АГРА. ТОЖМАҲАЛ . КАЛЬКУТТА.**

Аграда бобурийларга қароргоҳ бўлган Қизил қалъани, Искандар мавзеидаги Акбаршоҳ қабр-мақбарасини, бобурийларга дахлдор бошқа масканларни зиёрат қилдик. Ниҳоят, бобурий Шохжаҳоннинг дунёдаги етти мўъжизанинг бири деб эътироф этиладиган шох «асари», севги ва садоқат рамзи Тожмаҳалга етиб бордик.

Дарвозадан киришимиз билан қаршимизда – сокин Жамна соҳилида чиндан-да мўъжизавий бир кошона, Шохжаҳон томонидан унинг ўзига ва барча бобурийларга қўйилган улкан, оппоқ, пурвиқор бир мрамар «хайкал» намоён бўлди.

- Мен «Юлдузли тунлар» романининг охириги саҳифаларини мана шу жойда йиғлаб ўқиганман, -деди Зокиржон ака дарё билан ёндош мрамар супани кўрсатиб. – Бобур бобомизга ҳурматим шундан кейин ортиб кетган...

Санъат асарининг олий намунаси бўлмиш бу муаззам ёдгорлик кўркидан, маҳобатидан ҳайратга тушиб, уни ҳузур ва ғурур билан томоша айлар эканмиз, мен машҳур ҳинд ёзувчиси Кришан Чандрнинг Тожмаҳалга берган баҳосини яна бир бор эсладим ва уни ушбу китобимиз ўқувчиларига ҳам илингим келди: *«Тожмаҳалдай гўзал мўъжизани табиатнинг ўзи ярата олармикин... Гўё бутун Ҳиндистон халқининг меҳр-муҳаббати мужассам бўлгану ялтироқ оқ мрамардан либос кийиб, мана шу заминда қад кўтарган. Назаримда Тожмаҳал бунёдга келгандан кейингина Ер юзининг ҳусни мукаммаллик касб этган...»*

Менинг наздимда, бир неча асрни қаритиб, ўзи ҳамон навқирон турган ушбу буюк ихтирога, беқиёс обидага энг мос ва қойилмақом қилиб берилган таъриф эди бу!

Мана шундай шарафга лойиқ ёдгорликни бизнинг аждоду боболаримиз яратганидан ғурурландик, айни вақтда унинг Андижонга, ўзбек халқига эмас, Аграга, ҳиндистонликларга насиб этганига андак таассуфландик. Шу ўринда фарғоналик бир серзавқ ва куюнчак китобхоннинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировга ёзган мактубини ёдга олиш жоиздир: «Балки улуғ бобомиз Мирзо Бобур хоинлар туфайли бу тупроқдан чиқиб кетмаганларида, кечаги қарам ҳолига тушмасмидик. Юртимиз ҳам Туронлигича қолиб, дунёдаги энг буюк

давлат бўлармиди? Ҳумоюн ва Акбарлар ҳам шу диёрда туғилармиди, балки Тожмаҳал ҳам Андижонда қурилармиди?!»

Менимча бу дардли, аламли нидо неча-неча авлодлар, минглар, миллионларнинг ўкинчи, армони ифодасидир...

Машҳур Жамна дарёсининг нариги соҳилидаги Бобур Мирзо ўзи яратган, Андижондан ток олдириб келиб эктирган ва ҳаётининг сўнгги йилларини кечирган Оромбоғ бизни ғамгин табассум билан қарши олди. Гарчи боғ-қароргоҳ эндиликда кимсасиз, биргина боғбон ихтиёрида бўлса-да, ўша пайтларда бу жойнинг нақадар обод, гавжум ва файзли оромгоҳ бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бобур Мирзо оила аъзолари билан яшаган уйнинг девор-шифтларидан гўё унинг нафаси уфуриб тургандек эди. Ҳаммасидан ҳам оддийгина лойиҳали биноларнинг салкам беш юз йилдан бери сақланиб келаётганлигига ақлимиз лолу ҳайрон эди.

Бобурийлар салтанатининг асосчиси вафот этганида, унинг мурдаси сарсон ёғига солиниб, қабр-мақбара шошилинич равишда қуриб битказилгунга қадар мана шу собиқ саройнинг ертўласида сақланган экан...

Эгасиз, кимсасиз хоналарнинг мунғайиб туриши одамни дилгир қилиб юборарди.

Чобуржи боғидаги Бобуршоҳ дастлаб дафн этилган қабр-мақбара эса вайрона бўлиб ётарди. Унинг маймунлар йиғлайдиган аҳволини кўриб, юракларимиз эзилди... Зокиржон ака кўрсатмаси билан тўрт юз олтмиш уч йилдан буён соҳибига аза тутиб ва зилзилаю шамол-бўронларга дош бериб келаётган сағана деворлари остидан, Бобур Мирзо дафн этилган жойдаги майин тупроқдан олиб, халтачага жойладик.

- Буни ҳам Бобур боғидаги рамзий қабр-мақбарага қўямиз, -деди раҳбар. – Ахир азиз ҳамюртимизнинг танаси бир неча йил мана шу тупроқ остида ётган-ку.

Ҳинд тарихчиларининг айтишича, ҳазрат подшоҳ жасадини унинг афғонистонлик хотини Биби Муборика Кобулга олдириб кетган экан. Чунки Бобур Мирзонинг ўзи йигирма йиллар давомида қалбига яқин бўлиб қолган ана шу шаҳардаги ўзи барпо қилган боққа қўйишларини васият қилган, бироқ ўша

пайтда сиёсий вазият ва бошқа сабаблар боис марҳумнинг сўнгги истагини рўёбга чиқариш имкони бўлмаган эди. Киндик қони тўкилган Андижонга юборишнинг ҳам иложи йўқ, чунки бу жойда Шайбонийхон ҳукмронлик қилар эди.

\*\*\*

Аградан 1225 чақиримли Калькуттага жўнадик. Йўл-йўлакай «Бобурнома»да тилга олинган Лакнав шаҳридаги ҳайвонот боғи ва ундаги бой тарих музейини томоша қилдик, Лакнав университетига бўлдик.

Ганг дарёсидан, Патна, Султонпур, Банорас шаҳарлари ва кўп кишлоқлардан ўтиб, уч кун деганда Калькуттага кириб бордик (йўллар тор, қатнов тифизлигидан тез юришнинг иложи йўқ эди).

Калькутта университети тарих куллийетининг ислом тарихи ва маданияти бўлими профессор-муаллимлари билан учрашдик. Бобурийлар даврининг Ҳиндистон тарихи ўқув фанидан ниҳоятда қисқа ўрин олганлигига таажжубимизни изҳор этган эдик, мезбонлар ихтиёр бизда эмас, дегандай елка қисишди. Ўкинчимиз ичимизда қолди. Ахир Ҳиндистонни майда-майда рожаликлардан яхлит бир империяга айлантирган Бобур ва бобурийлар-ку! Ахир бу даврни ғарб тарихчилари товуснинг тожиги қиёс этишади-ку!

Ҳарқалай, ҳиндистонликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши, ватанимиз борасидаги билим ва тушунчалари даражаси бизни анча ранжитди. Ахир биз ўзбеклар бу мамлакат ҳақида яхшигина маълумотга эгамиз, ҳинд адибларининг асарларини кўп ўқиймиз, ҳинд фильмларини мароқ билан томоша қиламиз, кўшиқларини суйиб тинглаймиз-ку. Бизни эса деярли билишмайди. Албатта, бу ҳам қарамлик, кўп миллатли СССР деган мамлакат таркибига сингдириб юборилганимиз оқибати эди.

Шунинг учун ҳам профессор Банежининг «Сизларни экспедиция ташкил этишга нима мажбур қилди?» деган саволига (саволнинг ўзи ҳам илмоқлироқ, оҳанги нохушроқ эди) раҳбаримиз жуда ўринли жавоб берди.

- Биринчидан, -деди у, – Ҳиндистонда шунча ҳукмронлик қилиб, кўплаб тарихий ёдгорликлар қолдирган ва ҳинд тарихида зўр ижобий ўзгаришлар қилган

бобурийларнинг асли-насли андижонлик, ўзбекистонлик, яъни бизнинг боболаримиз эканлигини бошқа халқларга, шу жумладан, ҳиндистонликларга ҳам англатиб қўйиш. Иккинчидан, билмайдиганларга Бобуршоҳнинг мўғул эмас, ўзбеклигини уқтириш, учинчидан, мустақил Ўзбекистон давлатини танитишга ўз йўлимиз билан, ўз касбимиз воситасида баҳоли қудрат хисса қўшиш, мамлакатимиз истиклолини хорижий ўлкалар аҳолисига англатиш каби эзгу мақсадларда ташкил этилди экспедициямиз...

\*\*\*

Инглизлар томонидан Деҳлидаги Қизил қалъа ва бошқа обидаларнинг полу йўлакларидан, ҳовли саҳнларидан кўчириб келинган мраммлардан барпо этилган, қиролича Виктория номидаги маҳобатли мозийгоҳда Бобур Мирзонинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Абу Фазлнинг «Акбарнома»си, шунингдек, Шайх Саъдий, Амир Хисрав Деҳлавий ва бошқа улуғ алломалар асарларининг қўлёзмалари мавжуд эди. Йигирма тўрт киши акс эттирилган бир сурат шарҳида «Мўғул императорлари» дейилган, энг юқорида Бобур подшоҳ турарди. Бу бебаҳо сурат 1904 йили Б.С.Моҳитоб исмли рассом томонидан ишланган экан.

Музей бойликлари ичида Аврангзеб-Оламгирнинг Бенгалия навобига совға қилган қиличи ҳам бор эди.

«Ҳиндистон музейи»да эса Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеб, Шоҳ Аълам-2, Баҳодиршоҳлар даврида зарб этилган тангалар, пуллар эътиборимизни тортди.

Биз 28 кун давомида бепоён ва табиати фусункор ҳинд диёрининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлдик. Зокиржон ака ҳамма ерда, ҳар доим Бобур Мирзо ва унинг авлодларига дахлдор жойлар, обидалар, музейларни яхшилаб ўрганишимиз зарур деб, таъкидлаб, тайинлаб турарди. Олимлар билан учрашиш, бобурий ҳукмдорларга оид ҳужжатлар, ашёлар, қўлёзмалар, суратларни синчиклаб кўздан кечириш учун бир масканга, керак бўлса, икки-уч марта борардик.

Раҳбар сафар йўналиши ва дастурини тузишда Ҳиндистонни ва бобурийлар фаолиятини дуруст ўрганган олимлар, адиблар, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги

элчиси ва бошқа соҳа кишилари билан кўп фикрлашган, улардан йўл-йўриқ, маслаҳатлар олган эди. Шунинг учун харитага қараб йўл юрар эканмиз, у галдаги борадиган шахримизнинг қаерларида бўлишимиз, кимлар билан учрашиш зарурлигини олдиндан эслатиб қўярди. Агра, Патна, Канпур, Калькутта, Пури шаҳарларидан ўтиб, Ҳайдарободга яқинлашганимизда кимдир «И-е, Аврангбоддан ўтиб кетибмиз-ку», деб қолди. Зокиржон ака ўтирган жойида сапчиб тушди.

- Йўғ-э? Унда қайтамиз, - деди у ҳеч иккиланмай.

- Анча узоқда қолиб кетибди.

- Неча кунлик йўл бўлса ҳам қайтамиз. Ахир у ерда бобурийларнинг олтинчи авлоди, улуғ шоира Зебуннисонинг отаси Аврангзеб ётибди-ку. Уни зиёрат қилмасдан қандай кетамиз?..

## **ҲАЙДАРОБОД. БОБУР АВЛОДЛАРИ**

Сафаримиз давомида энг қимматли бойликни Ҳайдаробод шаҳридан топдик. Тўғрироғи, толеимиз чопиб, давлатнинг ўзи бизни топди...

Менинг назаримда, дунёдаги энг бой музейлардан бири бўлган Салор Жанг мозийгоҳининг бўлимлари ниҳоятда кўп, улардан бири бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган экан. «Бобурнинг «Бобурнома»ни ёзаётган чоғлари» деб номланган сурат, Акбаршоҳ ҳаётидан лавҳалар, Шоҳжаҳон, Аврангзеб, Акбар II, Баҳодиршоҳ расмларини мусаввирлик санъатининг юксак намуналари дейиш мумкин эди.

Кашмир бўлимига Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Нуржаҳон, Мумтозбегимларнинг анча катта, кўркам суратлари файз ва салобат бағишлаб турарди.

Мен мана шу ноёб ва биз учун ниҳоятда қимматли, кадрли бўлган расмларнинг лоақал фотонусхалари шу пайтгача Ўзбекистонга етиб бормаганмикин, дея ажабландим ва ачиндим.

Профессор Раҳматуллоҳ Алихон бошқараётган Шарқ кўлёмалари бўлимида эса янада ноёб, янада қимматли жавоҳиротлар – Бобур девони, «Бобурнома» кўлёмаларини кўришга мушарраф бўлдик.

Меҳмонхонага қайтиб, йўлакка киришимиз билан фойедаги телефон жиринглаб қолди. Эшик оғаси сизларни сўраяпти, деб, гўшакни Аҳмаджонга тутди. Аҳмаджон номаълум йўқловчилар билан ҳинд тилида гаплашаркан, юз-кўзларига ҳайрат ва қувонч балқиб:

- Зокиржон ака, «Бобур авлодларимиз, сизлар билан кўришмоқчимиз», дейишяпти, -деди.

- Келишсин, айтинг, ё манзилини беришсин, ўзимиз борамиз, - деди раҳбаримиз шоша-пиша.

Биз шу ерга суҳбат учун жой тайёрлаб, бобурийлармиз деган мўътабар зотларнинг ташрифини сабрсизлик билан кута бошладик. Худди хазина топиб олгандай, ўзимизда йўқ шод эдик. Ҳа, агар улар ҳақиқий бобурийлар бўлишса, биз учун чиндан ҳам беназир давлат эмасми? Ахир, сафардан кўзда тутилган мақсадларимиздан бири ҳам Бобур авлодларини излаш эди-ку. Шу пайтгача бу буюк ва машҳур сулоланинг ҳозирда барҳаёт вакиллари ҳақида тайинли бир гап, маълумот йўқ-ку. Ақл бовар қилмайдиган ҳол – 330 йилдан зиёд сурункасига ҳукмронлик қилган подшолардан бирон-бир насл бизгача етиб келмаган бўлса!

Келишилган вақтда – кеч саккизларда ўрта ёшлардаги икки киши кириб келди. Бири қотма ва бўйчан, иккинчиси чорпахил, оқсоқроқ эди. Бизни дарров танишди. Улар ака ука Зиёвуддин ва Масихуддин Тусийлар экан...

Бу бахтли учрашув тафсилотлари ҳамсафарларим ва каминанинг бошқа хотираларида ҳам баён қилингани учун бу ерда батафсил тўхталишни лозим кўрмадим. Хуллас, Тусийларнинг айтишича, улар сўнгги бобурий подшо Баҳодиршоҳ II – Зафарга бориб тақалишар экан. Яъни, инглизлар Баҳодиршоҳни Бирмага сургун қилиб, унинг Ҳиндистонда қолган авлодини кириб ташлаш ҳақида фармон беришганида, Баҳодиршоҳнинг тўнғич хотини Ишрат Маҳалдан туғилган тўнғич ўғли Мирзо Қуёшни (кейинчалик у Қурайш бўлиб ўзгариб кетган) яқин одамлари яшириб қолишган экан. Зиёвуддин ва Масихуддин унинг

эвараси бўлиб, оналари Лайло Уммахон Ҳайдарободдаги «Мўғуллар (*Бобурийлар – Қ.К.*) жамияти»нинг раиси экан. Уларнинг ғарб олимларининг хато атамасидан келиб чиқиб, ўзларини ҳалигача «мўғул» деб билишлари бизга жуда эриш туюлди. Янги танишларимизнинг Осмонгар мавзеидаги уйларида меҳмон бўлганимизда уларнинг буюк аجدодлари мўғул эмас, ўзбек, у пайтларда турк дейилганини қайта-қайта таъкидлаб тушунтирдик. (Кириш эшиклари тепасига ҳам инглиз тилида «Мўғул хонадони» деб ёзиб қўйилган эди.)

Лекин, биз учун энг муҳими, бобурийлар авлодининг топилиши эди! Ҳар қандай илмий тадқиқотдан қимматлироқ аҳамият касб этадиган бу воқеа, эндиликда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги борди-келдилар, дўстлик алоқаларининг янада кучайишига хизмат қилиши шубҳасиз!

Биз Аврангободда бўлганимизда Сатвари тепалигида, Хўжа Зайниддин Чештий қабри билан ёнма-ён Аврангзеб Оламгир қабр-мақбарасини, унинг фарзанди, шаҳзода Аъзамшоҳ томонидан онаси учун бунёд этилган муаззам мақбарани (Ҳиндистонда уни «Иккинчи Тожмаҳал» дейишаркан) зиёрат қилдик. Худди шу шаҳарда журналистлар билан учрашиб, матбуот анжумани ўтказган, мулоқот тафсилотлари шу куннинг эртасигаёқ «Аврангобод таймс» газетасида *«Тарихий кашфиёт: шаҳаншоҳ Бобур андижонлик, ўзбек экан»* деган сарлавҳа билан босилиб чиққан, ушбу ахборот маҳаллий радио ва телевидение орқали ҳам кенг тарқалган эди. Мақолада, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг шарофати билан юзага келган экспедициямиз фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳам анча кенг ёритилган эди. Бундан хабар топган Тусийлар бизни суриштириб, меҳмонхоналарга қўнғироқ қилишга тушган ва ниҳоят, бу ердалигимизни аниқлашган эди. Мисли кўрилмаган ғаройиб тасодифларни қарангки, Жайпур шаҳрига сафаримиз ҳинд телевидениеси Ҳиндистон тарихи ҳақидаги кўп қисмли видеофильмнинг Акбаршоҳга бағишланган қисмини намойиш этаётган кунларга тўғри келди! Фильмда ҳинд халқининг Бобур Мирзонинг невараси Акбаршоҳга бўлган меҳр-муҳаббати жуда ёрқин ифодаланган эди. Қалбимиз қанчалар фахр ва ғурур ҳисларига тўлганлигини тасвирлашга қалам ожиз.



Бу фавқуллода ҳолатлар чиндан ҳам бизга омад кулаётганидан далолат эди-ёв!

Мўлтон шаҳрида, Баҳовуддин Закариё номидаги университетда эса ажойиб бобуршунос олим, доктор Ошиқ Муҳаммадхон Дурроний билан бўлган суҳбатимиз ниҳоятда кизгин ўтди. Дурроний соҳиб Ҳиндистон тарихини, хусусан, бобурийлар даврини хийла чуқур биларкан. Гапга чечангина мухтарам домла завқ-шавқ билан сўзларкан, бобурийлар фаолиятига юксак баҳо берди, уларнинг тақдирига ачинди.

- Ғурбат бобурийларни емирди, - дейди олим бошини сарак-сарак қилиб. – Ғурбатга лаънатлар бўлсин – бир авлоднинг бошига етди...

Хулоса қилиб айтиш керакки, сафардан 54 кунда, жуда бой таассуротлар билан қайтдик. Раҳбаримизнинг жўшқинлиги, дадиллиги боис, руҳсат этилмаган жойларда ҳам бобурийларга дахлдор обидалар ва бошқа манбаларни фото, телетасвирларга туширишга муваффақ бўлдик, жуда кўп нодир китоблар, суратлар ва ноёб ашёлар, ҳужжатларни қўлга киритдик. Қайси шаҳарга борсак, Зокиржон ака энг аввало китоб дўконларини суриштирарди. Бобур ва бобурийлар ҳақида бирон-бир китоб ё ўзга бир ҳужжат топилиб қолса, чеҳраси қанчалик ёришиб кетганини кўрсангиз эди... Машҳад шаҳрида (қайтишда яна Эрон билан юрган эдик) деярли ярим кун кўчама-кўча китоб дўконларини айландик. «Бобурнома»нинг таржимони, инглиз олими Вильям Эрскиннинг «Эрон ва Бобур» асарини сотиб олганимизда раҳбар ниҳоятда суюнди ва... куюниб кетди:

- Мана бу китобнинг гўзаллигини, ҳажмини кўринглар – қирқ босма табоқ! Еттинчи марта нашр қилиниши экан. Китоб эмас, дурдона бу! Бобур Эронда бор-йўғи бир неча ой турган бўлса керак. Андижонда йигирма, Хуросонда йигирма йилдан ортиқ яшаган, сарсону саргардон кезган. Қани ўша давр ҳақида китоб? Униям бизга инглиз ё француз бобуршунослари ёзиб беришлари керакмикин?

Ачинарлиси шуки, мазкур тадқиқот Эронда қайта-қайта чоп этилиб, Бобур Мирзо номи кўкка кўтарилаётган маҳалларда у буюк зот Ўзбекистонда маломат тошлари остида эзилиб ётарди.

Хуллас, сафар давомида Зокиржон аканинг кўп жиҳатлари ва хислатлари аён бўлди. Собиржон Шокаримовнинг тоби қочиб қолган кезларда унинг холидан мунтазам хабар олиб, соғлиғини яхшилаш чораларини излар, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиларди. Яхшики, Собиржон ака ҳам иродали, дардга чидамли одам эди. У касалликни бардош ва матонат билан енгарди.

Бирон ишга астойдил бел боғлайдиган, эзгуликни ёқлаб куядиган, жони ачийдиган, ёниб яшайдиган фидойи одамнинг бор яхши фазилатларини жамлаб, халқ «жонкуяр» деб атайди. Зокиржон ака ишбилармон, жонкуяр раҳбаргина эмас, жуда камтар ва оддий фуқаро, дилкаш ҳамсафар, самимий улфат ҳамдир. Ҳиндистон сафари даврида унинг машинани шиддат билан, аммо текис ҳайдашини кўрган, ўз қўли билан пиширган ниҳоятда мазали палов, шўрва ва бошқа таомларини татиган одамнинг унга ҳаваси келиши турган гап. Пурида, «Муҳаббат эҳроми»дан қайтиб келаётиб, Бенгал кўрфазининг шовқини эшитилиб турган маҳалла хонадонларидан бирида еган, у киши дамлаган паловимизнинг таъми ҳали-ҳали оғзимда...

Эрондан Туркменистон ҳудудига ўтганимиздан кейин Зокиржон ака ҳайдовчини тезроқ ва тўхтамай юришга қистай бошлади. Зарур бўлганда кечалари тунамай йўл босдик. Сабаб она юрт соғинчигина эмас, Бобур Мирзонинг 510 йиллик тўйига тайёргарлик, унинг Андижон шаҳрига қўйишга мўлжалланган иккита ҳайкалини ишлатиш, Бобур миллий боғида амалга оширилаётган катта кўламдаги қурилишлар, бошқа йирик-йирик тадбирлар Зокиржон Машрабовга муштоқ эди.

*Бобур Мирзога, унинг беқиёс салоҳиятига бошқача назар билан қараши кайфиятлари устивор бўлган, у ҳақда яратилган илмий, бадиий асарлар асоссиз таъқиб остига олинган даврларда ҳам ўзининг эътиқодида собит турганлар бор эди. Шулардан бири асли касби геолог, катта лавозимларда ишлаб келаётган, лекин ҳаётда ҳамма нарсадан буюк Бобур Мирзога баландроқ меҳр қўйган Зокиржон Машрабовдир. Мен бунга Заҳириддин Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишлаб, унинг киндик қони томган*

*Андижонда ўтказилган илмий-адабий анжуманда шахсан гувоҳ бўлганман. Ўшанда Бобур Мирзо боши узра қуюқ қора булутлар таҳдид солиб турар, унинг пешонасига «босқинчи» деган машъум тамга босишга ҳаракат авж олган эди. Ана шундай бир замонда Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлган Зокиржон аканинг улуг бобомиз тўйига бош бўлмоғи катта жасорат эди. Бу сергайрат, толмас инсон кейинги ўн йилликларда умрини, бутун қувватию салоҳиятини бобурийлар ва бошқа машҳур донишмандларимизнинг тақдир тақозоси билан турли хорижий мамлакатларда қолиб кетган қабр-мақбаралари аҳволдан хабар олишга, зарур бўлса, таъмирлашга, улар томонидан яратилган ва чет элларнинг кутубхона ва бошқа муассасаларида, фуқароларда сақланаётган ноёб асарлар, қўлёзмалар каби нодир маданий бойликларни топиб, олиб келиб, ҳақиқий ворислари бўлган ўзбек халқига етказишга бағишламоқда.*

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири.*

## ТАШВИШЛИ ВА ХУРРАМ КУНЛАР

Сафардан қайтишимиз билан Зокиржон ака ишлар гирдобига шўнғиб кетди. Унинг ташкилотчилигида яна Бобур боғига вилоят ва Андижон шаҳар ҳокимликлари вакиллари, уламолар, адабиётчи-зиёлилар тақлиф этилди. Рамзий қабрга, Кобулдан келтирилган тупроқ ёнига Оромбоғдаги Бобур жасади сарсон ёғида уч ой сақланган ертўладан ва у илк бор дафн этилган Чобуржи боғидаги дахма остидан олинган хок ҳам қўйилди.

Боғишамолда бошланган ёдгорлик мажмуаси – Арк дарвозаси, «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳи, Бобур Мирзо рамзий қабри, мўъжазгина масжид-намозгоҳ қурилиши ва бу иншоотлар атрофини ободонлаштириш ишлари жадал тус олди. Юбилей комиссияси ҳар куни мутасадди ва ҳомий корхоналар, ташкилотлар иштирокида йиғилиш ўтказарди. Зокиржон Машрабов гўё ана шу

комплекснинг эгаси, буюртмачиси сифатида уюштирувчи ва жон куйдирувчи, айни вақтда, Тошкентда яратилаётган Бобур ҳайкаллариغا ҳам масъул эди.

Шунингдек, экспедициямиз сафари асосида кинооператор Тўлқин Рўзиев билан ҳамкорликда хужжатли-оммабоп фильм ишлаш ҳам режалаштирилганди.

Хуллас, Зокиржон ака иккимиз Тошкентга қатнай бошладик. Ҳафта бошида бир ярим кун Андижонда идоравий ишларимизни адо этамиз-да, сешанба куни тушдан кейин раҳбарнинг хизмат машинасида жўнаймиз. Қамчиқ довонида кечки тамадди қилиб (Зокиржон ака лўла кабобни хуш кўради), соат кеч тўққиз-ўнларда Тошкентга кириб борамиз. Қадрдон «Лабзак» меҳмонхонасида битта хона бизга мунтазир бўлиб туради. Жойлашибоқ танишларга кўнғироқ қиламиз. Алламаҳал бўлишига қарамай, меҳмонхонадан бир неча юз қадам наридаги кўп қаватли уйда яшовчи ҳамсафаримиз Тўлқин ака етиб келади. Эрта куни қилинажак ишларни режалаштирамиз.

Мўъжазгина меҳмонхона шаҳарнинг катта шовқин-суронидан узоқроқ, анча тинч эди. Фақат... Ҳиндистонда бизни безор қилган чивин бу ерда ҳам сероб эди. Бошни буркаб ётиб оламиз, лекин митти қонхўр барибир жой топиб чақади. Ахийри чидамай турамиз-да, Зокиржон ака иккаламиз сочиқни думалоқлаб отиб, деворнинг тепа қисмларига, шифтларга кўниб олган бетамиз, бешафқат ҳашаротни биз ҳам раҳмсизлик билан қира бошлаймиз. “Ваҳшийлар”га қирон келтирганимизга ишонч ҳосил қилгач, ана энди мазза қилиб ухлаймиз, деб чойшаб орасига шўнғиймиз. Лекин... зум ўтмай, қулоқларимиз остида ғинғиллаган товуш эшитилади ва қай бир жойимиз чимиллаб, қичиша бошлайди. Муғамбир махлуқлар энди ўткир найзаларини қайраган ҳолда пистирмаларидан - диван-каравотлар остидан гала-гала бўлиб чиқишарди... Хуллас, кап-катта одамлар заррадай ҳашарот билан олишиб тонг оттирамиз.

Азонда яна Тўлқин ака, қовун ё бирон хил мева кўтариб Қодир ҳайкал (Қодиржон ака Салоҳиддинов) ёки Равшанбек кириб келади. Улар – Андижонда қад кўтаражак Бобур ҳайкаллариининг муаллифлари.

Ҳайкалтарошларимиз ўз ишларининг бориши ва камчиликлар, муаммолар ҳақида Зокиржон акага ахборот беришади. Биринчи қаватдаги ошхонада

наридан-бери нонушта қилгач, раҳбар билан ҳайкалтарошлар бир томонга, биз Тўлқин ака билан киностудияга қараб кетамиз.

Студияда бизни «Достон» ижодий бирлашмасининг бош режиссёри (фильмимизнинг ҳам режиссёри) Даврон Салимов, режиссёр Шухрат Қурбонбоевлар кутишаётган бўлади.

Сафарга жўнашдан олдин студия бир қисмли (яъни 10 минутли) фильм ишлашни режалаштирган. Тўлқин ака олиб келган тасвирлар эса 18 қути, яъни икки соату 40 минутга –демак – 18 қисмга етарди. Даврон Салимов: “Йўқ, буни камида уч қисмли фильм қилиш керак, мен катталардан рухсат оламан”, деб бизни бемалол ишлашга даъват этади.

Шухрат Қурбонбоев Тўлқин ака тасвирлари асосида «Бобур саломи» номли икки қисмдан иборат яна бир хужжатли фильм ишлаётганди. У мендан фильм сценарийсини ёзиб беришимни илтимос қилди, йўқ демадим, албатта. Чунки Шухрат яхши режиссёр ва яхши инсон, қолаверса, Тўлқин аканинг кадрдони эди.

Киночилар каминани Анҳор бўйидаги хусусий ошхона ё кафедра тушлик билан сийлашарди.

Меҳмонхонага қайтгач, мен «Бобурийлар изидан» деган видеофильмимизга сценарий ёзишга ўтираман. Бир дунё муаммоларни битириб келган Зокиржон ака, сценарийга оид фикр ва маслаҳатларини беради-да, яна кундузги ишларининг чалаларини телефон орқали давом эттиради... Шунда соддалик, самимийликнинг ажойиб тимсоли бўлмиш Тўлқин ака ўзигагина хос, болаларча беғубор табассум билан кириб келарди-да, «Ие, Тошкентга фақат ишлагани келганмисизлар», деб, унамаганимизга кўнмай, уйига, кечки овқатга бошлаб чиқиб кетарди. Зокиржон ака кўпинча истиҳола билан: «Мени қорним тўқ, фалон-фалон кишиларга кўнғироқ қилишим керак, сизлар сафардаги кадрдон улфатсизлар, бир мазза қилиб отамлашинглар», деб менга ижозат бериб, ўзи қоларди.

Тўлқин аканинг хотини Гулчеҳраҳон хоразмлик бўлиб, жуда меҳмонсевар, пазанда жувон эди. У пиширган мазали таомлардан сўнг Тўлқин ака билан алламаҳалгача сафардаги кунларимизни эслашиб ўтираемиз. Раҳбар айтгандай,

биз экспедиция давомида у билан чиндан ҳам жуда яқин бўлиб кетувдик. Феълимиз, гапимиз мос келиб қолувди. У мендан етти-саккиз ёш катта, лекин ёшимиздаги бу фарқ иккаламиз учун ҳам аҳамиятсиз, чунки у жуда кичик кўнгил эди. Ҳа, раҳматли ниҳоятда юмшоқ табиатли, одамшаванда, суҳбати ёқимли инсон эди. Ичакузди латифалари билан ҳамроҳини сира зериктирмасди. Биз у билан дўст бўлиб улгурмагандик, аммо, назаримда у умуман яқинлари, ҳатто бегоналарга ҳам ғамхўр, меҳрибон эди, дўсти учун эса жонини ҳам аямайдигандай туюларди. Худбинлик, инжиқлик, бетгачопарлик каби хусусиятлар унинг табиатига мутлақо ёт эди. Қисқаси, «яхши одам» деган таъриф унинг фазилатларини ифодалашга ожизлик қиларди, у ўта яхши инсон эди, унинг яхшилиги юқумчил эди, беихтиёр унга ўхшаб яхши одам бўлгингиз келиб кетарди. Фақат, аксарият эркакларга хос айрим камчиликлардан холи эмас: майни хуш кўрар, кўп чекарди. Биз у билан сафар чоғида деярли доим бирга эдик – автобусда ёнма-ён ўтирардик, ўша ўринда бир-биримизни қистаб, навбатлашиб мизғирдик, меҳмонхоналарда ҳамхона бўлардик, бир-биримизга илтифотимиз кучли ва самимий эди. Сафардан қайтганимиздан кейин ҳам мен Тошкентга борганимда бир-биримизни кўрсак, ҳар қандай ҳолатда ҳам сидқидилдан хурсанд бўлиб, чехраларимиз ёришиб кетарди. У жудаям хушчақчақ, хушҳол инсон эди. Бу сифати ҳам юқувчан эди: шодон кайфияти бир зумда ҳамсуҳбатига ҳам ўтарди. У билан улфатчилик қилиб, ҳангомалашиб тўймасдик... Мана шундай улуғ ва азиз, ўрнини ҳеч ким босолмайдиган инсоннинг энди бу ёруғ оламда йўқлиги, унинг доим кулимсираб турадиган буғдой ранг, истарали чехрасини соғинганимизда, дилкаш суҳбатларини қўмсаганимизда тополмаслигинг алам қилади, яхшилиқнинг, яхши одамнинг умри қисқалиги алам қилади... Мана, ҳозир шу сатрларни битяпману киприқларимга ёш қалқиб чиқаётганини сезиб турибман...

Ўша кунлари биз ана шу инсон билан ҳамкор, ҳамфикр эдик. Мен унинг тасвирлари асосида Бобур ва экспедиция сафари мазуида уч қисмли хужжатли оммабоп фильмга матн ёзмоқда эдим. Тўлқин акаларникидаги ўзаро мулоқот асносида мана шу ишларимизни ҳам муҳокама қилиб, кенгашиб олардик.

Эртасига эрталаб Зокиржон ака Ғазалкентга жўнайди – ҳайкаллар остига кўйиладиган шоҳсупа тошларини ана шу шаҳарда кесиб тарашлаб беришаркан. Раҳбар у ёқдан Тошкентга қайтиб келади-да, Равшанбек Бобурнинг суворий ҳайкалини ишлаётган жойга – Оқтепадаги махсус корхонага ўтади, ундан Қодир ҳайкалнинг ёнига... Орада киностудияга келиб биздан ҳам хабар олади, ишнинг бориши билан қизиқади.

Шанба куни тушдан сўнг юртга қайтамиз. Кечки таомни Қўқонда тановул қилиб, Андижонга тун ярмида кириб келамиз. Сешанба куни пешинларда яна пойтахт сари йўлга чиқамиз.

Шу тариқа Тошкентга икки ойдан ортиқ қатнадик. Айниқса, шоҳсупага ярайдиган тош муаммоси анча қийин кўчди. Зокиржон ака у ёқ-бу ёқдан топиб борган тош намуналари Ғазалкентдаги корхона мутахассисларига маъқул бўлмас эди. Уларнинг тавсияси билан икки марта Наманганнинг Поп туманидаги Чоркесар деган овлоқ бир жойни ҳам кездик. Лекин тош бўлаклари майдароқ экан. Корхона муҳандиси бор тошимиз шу, тагидан катталарини топиб беришга куч, техникамиз йўқ, дея узр айтди. Директор йўқ экан, икки гал ҳам уйига бордик.

Хуллас, иш қийинчилик билан, аста-секин юришарди. Қодир ҳайкал билан Равшанбек ҳали албастр, ҳали цемент йўқ, деб келишар, Зокиржон ака яна телефонда таниш-билишларини ишга соларди. Бу борада у юқори маҳкамаларга ҳисоб бериб турар ва гоҳида мадад ҳам сўрарди.

Ниҳоят, ноябрнинг охирида (1993 йили) бир жуфт ҳайкалнинг гипсдаги ҳолати, шунингдек, икки фильм тайёр бўлди. Зокиржон Машрабовнинг саъй-ҳаракати билан ҳайкаллар Тошкентдан катта юк машиналарида Андижонга олиб келинди ва шаҳарнинг Сойгузар мавзеидаги бир вақтлар собиқ Иттифоққа донг таратган Машина заводида гипсдан бронзага олинди – бундай тажриба Андижонда илк бор амалга оширилди ва жуда муваффақиятли чиқди. Энг қизиғи, Зокиржон ака вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидаги бузиб ташланган Ленин ҳайкалларини тўплаган эди, еттита ҳайкалга ишлатилган бронза эса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг битта ҳайкалига аранг етди.

Бу ерда шоир таваллудининг 510 йиллигига ҳозирлик қизиб кетган эди. Вилоят ва шаҳар раҳбарияти, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, адабий жамоатчилик, Андижон аҳлининг бутун фикри-зикри яқинлашаётган тантаналарда эди.

Анжуман 17 декабрь, жума куни очилди. Ҳаво анча совуқ, харқалай, киш хукм суларди. Тошкентдан республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, санъаткорлар, фан ва маданият арбоблари буюк бобомизнинг қутлуғ тўйида катнашиш учун ташриф буюрдилар. Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчилари ва шоирлари Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова, профессор Фозила Сулаймонова, шоирлар Эътибор Охунова, Ҳамроқул Ризо, Муҳаммад Юсуф, Мирзо Кенжабек ва бошқа ижодкорлар, олимлар бор эди.

Бобурхонлик кечалари институтлар, корхоналар, меҳнат жамоаларида кўтаринки руҳда ўтди. Асосий маросимлар эртасига – 18 декабр куни бошланди. Андижон узоқ-яқин юртлардан қадам ранжида қилган азиз меҳмонларни кутиб олди. Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбар-ходимлари, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехта, шунингдек, олис Ҳайдаробод шаҳридан экспедиция аъзолари томонидан илк бор топилган бобурий зурриёдлар – Зиёвуддин, Масиҳуддин ва Шажоуддин Тусийлар Президент девонининг масъул ходими Хайриддин Султонов ҳамроҳлигида етиб келишди.

Андижоннинг маркази – Бобур майдонида шаҳаншоҳ ва шоирнинг суворий ҳайкали (муаллифлар: ҳайкалтарош Равшанбек Миртожиев ва меъмор Собиржон Одилов) очилиш маросими бўлди. Сўнг издиҳом аҳли Бобур боғи (собик Боғишамол)га йўл олди. Дарвоқе, анжуманда республикамизнинг барча вилоятларидан таклиф этилган меҳмонлар ҳам иштирок этмоқда эди.

Бобур боғининг Арк дарвозаси, буюк юртдошимизнинг бутун қадди-басти, шоирона кайфияти ифодаланган ҳайкали (ҳайкалтарош Қодир Салоҳиддинов), «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳлари тантанали суратда очилди. Бобур рамзий қабри ёнида қуръон тиловат қилинди. Кўшиқ мухлислари билан тўла ёзги



концерт майдонида эса Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг Бобур ғазалларига басталаган ашулалари янграр ва олис-олисларга тараларди...

Шу куни вилоятимизда яна бир тарихий, унутилмас воқеа содир бўлди. Хонобод сув омборида Андижон шаҳрига олиб келинаётган улкан ичимлик сув қузури тантанали вазиятда ишга туширилди.

Анжуман бир неча кун давом этди ва назаримда байрам шодиёнлари Самарқанд ва Ҳиротда, Кобул ва Лоҳурда, Дехли ва Аграда ҳам акс-садо бериб тургандек эди...

### **БИРНИ КЎРИБ ШУҚР ҚИЛ...**

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди, Андижондаги маросимлар халқ сайлига айланиб кетди. Бобур номини абадийлаштириш борасидаги режалар амалга ошди: 300 гектарлик ерда Бобур маданият ва истироҳат боғи барпо қилинди, боғда ҳайкал, мозийгоҳу рамзий қабр бўй кўрсатди. Шаҳарнинг марказий майдони суворий Бобур сиймоси билан кўркланди.

Хуллас, армонлар ушалди. Энди Зокиржон ака ғурурланиб, хотиржам тортмоғи, ўз юмушлари билан андармон бўлиб, умрининг қолган қисмини роҳат-фароғатда ўтказмоғи мумкин эди. Лекин улуг режаларсиз яшолмайдиган бу одам умр мазмунини мудом яхши амаллар, хайрли ишлар сари талпинишда, интилишда деб билади. Қолаверса, ҳали Бобур Мирзо ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ ишлар, ечилмаган муаммолар кўп эди...

Зокиржон ака эса аллақачон бобуршунос олим, жиддий тадқиқотчи сифатида кўзга ташлана бошлаган эди. Президентимиз фармонида биноан ана шу хизматлари учун берилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган унвон эса унга маънавий ва маърифат борасида яна янги, масъулиятли вазибалар юклади.

Кўз олдидан ҳазрат Навоийнинг қаровсиз, ғариб дахмасию султон Ҳусайн Бойқаро мақбарасидан қолган қора сағана тоши нари кетмас, хаёлидан уларни

таъмирлаш керак, деган фикр аримасди. Афғонистонда эса вазият ҳамон қалтис, хали-вери яхшиланадиганга ўхшамасди. Уруш кимларнингдир тирикчилик манбаига айланган бу заминда тинчлик ўрнатиладиган кунларнинг нишонаси кўринмасди.

Зокиржон ака дам-бадам мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов билан мулоқотни эсларди. 1994 йил 4 октябрда Андижонга ташриф буюрган юртбошимиз Бобур боғини зиёрат қилиб, андижонликлардан, жумладан, Бобур номли халқаро илмий экспедиция фаолиятидан мамнунлигини изҳор этган эди.

Шунда Зокиржон ака Ҳирот шаҳридаги хароба Мусалло майдони ва унинг атрофида кўрган нохуш манзаралар ҳақида гапириб берган, мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий қабр-дахмаси ҳолатини муфассал ўрганиб, уни қайта тиклаш бўйича республика ҳукуматига тегишли таклиф киритишни тавсия этган эди. Бу кўрсатма Зокиржон акага янада куч-ғайрат, қанот бағишлади. Келаси йил ёзда экспедициянинг меъмор, муаррих, муҳандис, геолог ва геодезистлардан иборат янги таркибини тузиб, тагин йўлга чиқди.

Алқисса, кейинги икки сафар давомида экспедиция аъзолари кўп заҳматлар эвазига, хоки тупроқлари чет элларда қолиб кетган бир қанча улў сиймоларимиз қабрларининг аҳволи билан танишиб қайтишга мушарраф бўлдилар. Ҳар галгидек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ қадамжолар, обидалар илмий жиҳатдан ўрганилди.

Хитой Халқ Республикасида бўлган чоғларида уйғур биродарларнинг ёрдами билан Опоқхўжа, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Зокиржон Фурқатнинг мангулик оромгоҳларини зиёрат қилдилар. Халқларимиз маданияти, маънавияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган бу муҳтарам алломаларнинг хотираси эъзозланаётгани, уларнинг муҳташам мақбаралари кўз қорачиғидек асралаётганидан мамнун бўлдилар. Бироқ бошқа жойларда кўнгилларига ранжу озор ҳам етди.

Гарчи бошқа давлатлар ҳудудида бўлса ҳам, ақалли Беруний каби алломаларимизнинг қабрларига бефарқ бўлмаслигимиз керак. Бизнинг тарих олдидаги, буюк миллатдошларимизнинг ёрқин хотираси олдидаги фарзандлик,

ворислик бурчимиз уларнинг номларини, муборак хокларини эъзозлаб-ардоқлашни тақозо этади – бу Зокиржон аканинг хулосаси ва шиори эди.

Хуллас, Ҳиротга бориб, маҳаллий ҳукумат билан келишган ҳолда ёввойи ўт-ўланлар ичида қолган, тўплар зарбидан, ўқлар захмидан ярим вайронага айланган Навоий дафнгоҳи ва унинг атрофидаги ўн гектар майдоннинг топосъёмкасини, геологик ва сейсмологик ҳолатини аниқлаб, муҳандислик-кидирув ишларини тугатиб қайтишди. Мутахассис-лойихачилар улуғ мутафаккир мақбарасининг макетини яратишга киришдилар. Бу борада ўрганиш, андоза олиш учун Зокиржон ака ўз ёнига меъмор Муҳаммаджон Мирзаев ва муҳандис Раҳмонжон Азимовни олиб, Туркистонга жўнади. У ерда Аҳмад Яссавий мақбарасида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишиб келди.

### **БУ НА ЖАВОҲИРКИМ...**

*«Ҳар гал Ҳиндистон тупроғига қадам қўйганимда юрагимда ҳаяжон, руҳимда энгилик пайдо бўлади. Бу қадим диёр тарих ҳақиқатларидан сўзловчи бинолари, дарахтлари, қушлари тимсолида бир замонлар тақдир тақозоси билан бу юртга келиб қолган аجدодларимнинг руҳлари интиқлик билан кутиб олаётгандек бўлади.*

**Зокиржон МАШРАБОВ,**

**«Халқ сўзи», 1996 йил, 7 февраль**

1995 йил қиш фаслида Зокиржон ака Ҳиндистонга экспедиция таркибида эмас, делегация сафида боради, лекин жуда қимматли бир янгиликни қўлга киритади. «Марказий Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари» мавзусига бағишланган халқаро анжуманга Россия, Хитой, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби давлатларнинг таниқли тарихчилари, маданият арбоблари қаторида Ўзбекистондан ҳам бир неча вакил, жумладан, Зокиржон Машрабов ҳам таклиф этилган эди. Бобур халқаро

жамғармаси раҳбарига эса анжуман баҳонаю дийдор ғанимат эди. Экспедиция билан борганда ота-боболари асли туркистонлик бўлган машҳури жаҳон Мирзо Абдукодир Бедил, Амир Хисрав Деҳлавийларнинг Эски Деҳлининг турли мавзеларида мунғайиб ётган қабр-мақбараларини шошилинича кўрган эди. Анжуман кунларида фурсат топиб, уларни бафуржа зиёрат қиларкан, дилидан бу улуг инсонларнинг мазорларини қандай қилиб таъмирлаш мумкин, деган ўй кечди. Қани энди, қурбим етсаю, бадиият мулкининг шаҳаншоҳлари бўлмиш бу табаррук зотларнинг маҳобатли сағаналарини тиклатиб, атрофларини обод ва кўркем масканларга айлантурсам, дея орзулади.

Ватандошларимизнинг яна бир аждоди бўлмиш Мирзо Ғолибга ҳиндларнинг ҳурмати, эътибори юксаклигини кўриб, хурсанд бўлди. Эски Деҳли билан Янги Деҳли туташиб кетган ҳудуддаги шоир номи билан аталувчи илмий-текшириш институтида Мирзо Ғолибнинг форс тилидаги темурийлар - бобурийлар тарихига оид “Меҳри нимруз” рисоласидан ксеронусха олишга муяссар бўлди, бобурийларга бағишланган яна бир неча қимматли китобни ҳам кўлга киритди. Бу ноёб бойликлар ҳозир Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳини беэаб турибди.

Анжуман минбарида Ўзбекистоннинг мустақиллик медаларидан бири - Бобур номидаги халқаро жамғарма фаолияти ҳақида гап бораётганда Зокиржон ака тўлқинланиб, ҳаяжонланиб ўтирди. Мамлакатнинг бир вилоятида ташкил топган нодавлат жамғарманинг халқаро анжуман қатнашчилари эътиборига тушиши, албатта, қувонса, ҳаяжонланса, фахрланса арзийдиган ҳодиса эди.

Издихом тугайдиган куни таниқли ҳинд шоири, ўзбек халқининг садоқатли дўсти доктор Қамар Раис ўзаро суҳбат асносида Деҳлида бобурийлар сулоласига мансуб яна бир хонадон бор, деб қолди. Ўтган галги сафаримиз чоғида Деҳлида Бобур авлодлари бор-йўқлиги борасида биз мулоқотда бўлган кўп олиму фузало, зиёлилардан (шу жумладан, Қамар Раисдан ҳам) тайинли жавоб ололмаган эдик. Ҳайдарободлик Тусийлар экспедициямиз дарагини эшитиб, ўзлари бизни топиб келишганди. Қамар Раис бобурий Покиза Султонбегим деган аёл ҳақидаги маълумоти билан Зокиржон акага ноёб жавоҳир – Кўҳинурни инъом этгандан

хам зиёда бўлди! У хинд биродаридан дарҳол ўша хоним билан учраштиришни ўтинди. Қамар Раис ҳам ҳеч иккиланиб ўтирмай, бобурийлар ворисига қўнғирок килди. Покиза Султонбегим оёғи гипсдалигини, шу боис ўзбекистонлик меҳмон хузурига бора олмаслигини айтиб узр сўради ва уларни уйига таклиф этди.

Шу тун Зокиржон ака учун Лайлатулқадр кечасидан ҳам узун туюлди. У тонг отишини сабрсизлик билан кутди. Эртасига эрталаб Қамар Раис билан Покиза Султонбегимникига – Деҳли жанубидаги мавзегга жўнадилар. Уларни ёш йигит билан басавлат бир эркак кутиб олишди. Ичкарида эса уларга ўзбек аёлларига жуда ўхшаб кетадиган нуроний жувон – Покиза Султонбегим пешвоз чиқди.

Буларни қарши олган киши Покиза Султонбегимнинг турмуш ўртоғи, таниқли адвокат жаноб Дониёл Латифий, йигитча эса ўғли Суюм Афгани экан.

Мулоқот қизиб кетди. Покизабегим ўз шажарасини шарҳлаб берди. Унинг онаси Қамар Жаҳон Зебуннисобегим (исми-шарифларининг ҳам айнан темурий – бобурийларга хошлигига эътибор беринг), унинг отаси Фархунда Жамол, унинг отаси Мирзо Фотиҳ ул-Мулк Баҳодир, унинг отаси эса Ҳиндистоннинг сўнгги бобурий ҳукмдори Баҳодиршоҳ II - Зафар эди.

Покиза Султонбегим боболарининг юртдоши ва миллатдоши бўлган табаррук меҳмонга жуда кўп қимматли маълумотлари, жумладан, уларнинг авлоди бориб тақаладиган Мирзо Фотиҳ отаси Баҳодиршоҳ Бирмага сургун қилинганида беш ёшдалиги, уни яқинлари инглизлардан яшириб юришгани, Ҳиндистондан Покистон ажралиб чиққан пайтда кўп қариндошларнинг тушунмовчилик натижасида (балки янги давлатда ислом дини, мусулмончилик устуворлигига қизиқиб) Покистонга кетиб қолишгани, буларнинг эса, Ҳиндистон Миллий конгрессига эътиқодлари туфайли шу ерда, яъни Деҳлида қолишгани, буюк аждодларидан мерос қимматбаҳо буюмларни, жумладан, Аврангзеб – Оламгир қиличини ҳам давлат музейига топширишгани ва бошқа кўп воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Буюк Британия қироличаси Елизавета хоним Ҳиндистонга ташриф буюрганида онаси Қамар Жаҳон Зебуннисобегимнинг буюк бобурийлар авлодига мансублигини эътиборга олиб, уни тантанали қабул маросимига таклиф

этишгани оила аъзолари учун унутилмас ҳодиса бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ўзининг Ҳиндистон Маданият вазирлиги томонидан йўқлаб турилишини, чет элдан келган меҳмонларга ҳамроҳлик қилиб, уларга буюк аждодлари ҳақида сўзлаб беришларини айтаётганда, унинг гаплари оҳангида, юз-кўзларида фахр ва ифтихор акс этиб турарди.

- Боболаримиз номининг шарофати билан хонадонимизга Ҳиндистон давлатининг мўътабар раҳбарлари Жавоҳарлал Неру ва Индира Ганди хонимлар кадам ранжида қилган, -деди Покиза Султонбегим Зокиржон акага юзланиб. – Сизнинг ташрифингиздан ҳам бошим кўкка етди. Улуғ аждодларимизнинг юрти нафасини туйгандай бўлдим...

Зокиржон ака бобурийлар хонадонидан қалби нур ва ҳаяжонга тўлиб чиқди. Бу қувончли ҳодиса устига Ҳайдарободдан жаноб Масихуддин Тусий уни йўқлаб келиб қолди. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Суръат Мирқосимов иштирокидаги мулоқотда улар келгуси алоқалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Зокиржон ака ҳайдарободлик бобурийзодаларни деҳлилик бобурий хоним билан таништириб қўйишни ният қилдию, лекин вақтнинг тифизлиги бу хайрли мақсадни амалга ошириш имконини бермади.

Аммо қайтар чоғида «Деҳли таймс» газетасининг Покиза Султонбегим тўғрисида чоп этилган «Буюк мўғуллар вориси йўқолган зебу зийнат ва ноёб асарларга ачинади» сарлавҳали мақоласи чоп этилган 19 май сонини Зокиржон акага тухфа қилишган эди, у рўзномани Суръат Мирқосимовга топшириб, ҳурматли элчимиздан бобурийларнинг бир-бирлари билан топишишларига ёрдам беришни илтимос қилади ва ватанимизга кўнглида бир олам сурур ва янги-янги орзулар, режалар билан қайтади.

## **БОБУР ҲИСОРГА ҚАНДАЙ ЕТИБ БОРГАН?**

Зокиржон аканинг қалби орзулар билан лиммо-лим, бу орзулар эса фақат ташкилий ишлардангина иборат эмас эди. Асли геолог бўлса-да, ҳиссиётлари, эҳтирослари юрагига ва вужудига сиғмай жўш урадиган бу одам ўзи сезмаган

холда тарих ва адабиёт қатламларидан ҳам нималарнидир излай бошлаганди. Унда Бобур бобомиз ҳаётининг кўпчиликка маълум ва номаълум даврлари, кирраларини ўрганиб, шу бобдаги кемтикларни тўлдирадиган маълумотларни топиш, тўплаш иштиёқи туғилган эди. Хусусан, Машҳадда «Бобур ва Эрон» китобини сотиб олганидан кейин бу фикри қатъийлашди. Жумладан, кўп бобуршунос олимларнинг бошини қотириб келаётган жумбоқ – Бобур Мирзонинг Фарғона мулкини тарк этиши, унинг қайси йўлдан, қандай қилиб Ҳисорга етиб боргани Зокиржон акани ҳам қизиқтириб қолди. Бу тарихий муаммога бирон-бир аниқлик киритиш мумкин эмасмикин, деган ўй унинг хаёлидан кетмай қўйди. Аслида Бобур номли халқаро илмий экспедициянинг келгуси режаларига Зокиржон ака «Бобур Мирзонинг Фарғона мулкида ўтган умри ва фаолиятини ўрганиш» деган бандни ҳам киритган эди. Қадрдони, тарихчи олим, журналист, экспедиция аъзоси Собиржон Шокаримов билан «Бобурнома»ни қайта варақлаб чиқишди, таниқли бобуршунос олимлар – Ҳамидулло Ҳасановнинг «Бобур сайёҳ ва табиатшунос», Сабоҳат Азимжонованинг «Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги давлати», Сайфиддин Жалиловнинг «Бобурнинг Фарғона давлати» каби асарларида билдирилган юқоридаги жумбоққа оид фикр ва мулоҳазаларни синчиклаб ўрганишди, мулоҳаза юритишди ва «Бобур Андижоннинг Хакан дарвозасидан чиқиб, адир оралаб ҳозирги Кулла қишлоғи томон борган. Асака ва Мингтепа қишлоқлари оралиғидан юриб, Қува ҳамда Марғилоннинг тепа қисмидаги тоғ ёнбағирларидан ўтиб, Сўх ва Ҳушёрга йўл олган»<sup>1</sup> деган хулосага келдилар. Ана шу хулосани асослаш ва исботлаш мақсадида 1996 йилнинг март ойида илмий экспедициянинг навбатдаги сафарига чиқишади. «УАЗ-469» автомашинасида улар Сўхга етиб боришади. Сўх дарёсини ёқалаб кетганда Тул қишлоғидан кўриниб турадиган Қамишсой, Жиддасой, Қоқсой, Бургутия сойлари қуршовидаги кўҳна тоғ тепасига чиқишиб, Бобур Мирзо назарига ва таърифига тушган «Санги ойна»ни зиёрат қиладилар. Кейин Бобур Мирзо бир йил яшаган Ҳушёр қишлоғига ўтадилар. Маҳаллий зиёлилар билан учрашиб, зарур маълумотлар излашади.

---

<sup>1</sup> З.Машрабов, С.Шокаримов. «Асрларини бўйлаган Бобур». Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1997 й. 29-бет.

Жўғрофия муаллими Воҳиджон отанинг тахминига кўра, «Қишлоқнинг пастида, Сўх дарёсининг тор қисмида Бобур ўзи қурдирган кўприкдан ўтиб, дарё бўйлаб Жовпоя қишлоғига борган бўлиши мумкин. Сўнг, дарёнинг бошланиш қисми – Зардоли қишлоғига ўтилади. У ёғида Зардоли (Федьченко) музлиги бошланади. Катта довон оша Сурхоб лабида жойлашган Ҳайит қишлоғига борилади. Ҳайитдан Гарм томонга бурилиб, Файзиобод, Кафаниён орқали Ҳисорга чиқиб кетиши мумкин эди»<sup>2</sup>.

Экспедиция аъзолари ҳозир ҳам Бобур номи билан аталадиган мазкур кўприкни бориб кўришади. Воҳиджон ака тасвирлаган йўналишни имкон қадар кузатадилар ва Бобур Сўх дарёси бўйлаб кетмаган, деб фараз қиладилар. Чунки юқорида айтилган йўл ва довондан Ҳисорга фақат йилнинг июль-август ойларидагина от-улов билан юриш мумкин эди, ҳолбуки, фаразларга кўра, Бобурнинг Ҳисорга етиб бориши баҳор фаслига тўғри келади. Экспедиция аъзолари ва Воҳиджон ака Ҳисорга чиқиб кетадиган яна иккита йўл мавжудлигини эслашади. Бири ҳозирги Ўш – Боткент йўналиши, иккинчиси – Туркистон тоғ тизмаларининг ёнбағирларидан ошиб, Ҳушёрдан Сувбошига ундан, Қорабулоқ ва Ворухга, кейин Лайлак орқали Деҳқатга ўтиш. Бобур Мирзо ўзига таниш мана шу йўлни танлаган бўлиши керак, чунки аввалги йўл тоғ тизмаларининг паст-текисликларидан, яъни, ғанимларга яқин қишлоқлардан ўтарди, деган фикрга келишади. Сўнг Ғончи туманидаги (Хўжанд вилояти) Янгиариқи Боло қишлоғига жўнашади. У ерда ўқитувчи Абдулло Қаюмов билан учрашишади. У экспедиция аъзолари фикрини қўллаб-қувватлайди, уларга ана шу йўналишни кўрсатиб, ҳамроҳлик қилишни бажонидил зиммасига олади. Овчи дарёси бўйидаги Деҳқат қишлоғининг тепароқ қисмида жойлашган Бобурчак (Бобур бурчаги)дан ўтишгач, йўлни Овчи дарёси бўйидан давом эттириб, ҳали-ҳануз сақланиб келаётган «Бобур тоши»ни бориб кўришади.

Овчи қишлоғининг эъзозли оқсоқоллари ва бошқа илмли кишилари билан дастурхон атрофида ҳам фақат Бобур йўли ҳақида суҳбат қурилади. Экспедиция

---

<sup>2</sup> Ўша жойда.



аъзолари кекса донишмандларнинг ҳикоялари, ривоятларидан ўз тахминларининг ҳақиқатга яқинлигига ишонч ва қаноат ҳосил қиладилар.

«Хулоса қилиб айтганда, - деб ёзади юқоридаги асар муаллифлари, - Бобур Мирзо Андижоннинг Хакан қишлоғидан чиқиб, Мингтепа қишлоғининг қуйи қисмидан Қува шаҳрининг юқори томони орқали Сўх – Ҳушёр – Сувбоши – Қорабулоқ – Воруҳ – Деҳкат – Овчи қишлоқларидан ўтиб, Фарғона мулкани тарк этган. Ўзига таниш ва қулай йўллар билан Оббурдон, Қоратегин довларидан ошиб, Ҳисор водийсига ўтиб кетишга муяссар бўлган». Экспедиция изланишларининг меваси бўлган бу фикр, бизнингча, эътиборга лойиқдир.

Энди Бобур Мирзонинг Оббурдон довларидан ўтиб, Ҳисор ва Кобулга етиб бориш йўллари ва жараёнларини ўрганиш масаласи ҳам бор. Зокиржон ака бу вазифани экспедициянинг галдаги сафарлари давомида амалга оширишни мўлжаллаб қўяди.

## ОҒИР ҚИСМАТ

Илмий экспедициянинг 1996 йилги навбатдаги сафаридан кўзда тутилган мақсад Хитой Халқ Республикаси, яна Покистон, Эрон, Афғонистон мамлакатлари ҳудуди бўйлаб, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Ғазнавий, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Зебуннисобегим ва бошқа аждодларимизнинг илмий-адабий меросларини ўрганиш, уларнинг номи билан боғлиқ тарихий обидалар, қадамжолар, хусусан, қабр-мақбараларнинг ҳолатини аниқлашдан иборат эди. Йигирма икки кун давом этган бу сафар ҳам анча самарали бўлди.

Бу галги сафар йўналишини Хитойдан бошлаш мўлжалланган эди. Девонабой масжиди имом-хатиби ҳожи Муҳаммад Содик, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Андижон вилояти муҳбири Фарруҳ Расулов ҳамда Илҳомжон Мамарозиқов ҳамроҳлигида улфати чор бўлиб, йўлга шайландилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Мазкур рўйхатда каминна ҳам бор эдим. Жўнаш арафасида бироз мазам бўлмай, балки насибам қўшилмай, қолиб кетган эдим (муаллиф).

Сафардан-сафарга экспедиция раҳбарининг малака ва тажрибалари ошиб, таркиб ҳам такомиллашиб, ихчамлашиб борарди. Аъзоларнинг вазифалари аниқ эди: Муҳаммад Содик – таржимон, у араб ва форс тилларини мукаммал билади. Фаррух журналист, ҳам тасвирчи, Илҳомжоннинг касб-кори маълум, фақат у хайдовчиликдан ташқари «жамоатчилик асосида» механик ишини ҳам бажарар - автоулов билан боғлиқ деярли барча муаммолар унинг гарданида эди.

Андижондан отланиб, Тошкент, Чимкент, Бишкек, Рибачье орқали Турғат довонига етиб бордилар. Уларни Ван деган бир Хитой маъмури билан Қайсарбек исмли уйғур йигит кутиб олишди ва улар меҳмонлар Шинжондан чиқиб кетишгунча ҳамроҳлик қилдилар. Экспедиция аъзолари дастлаб Қашғарда буюк алломалар Маҳмуд Кошғарий, Офоқ Хожа Эшон, Юсуф Хос Ҳожиб, сўнг мумтоз адабиётимизнинг яна бир ўзига хос намояндаси, лирик ғазаллар устаси, айрим сабаблар билан тарки Қўқон айлаб, Ёрқентда, муҳожирликда умргузаронлик қилган Зокиржон Фурқатнинг қабрларини зиёрат этдилар. Мақбаралар суратга олинди, илмий-маърифий манбалар, буюк аждодлар ҳаёти ва фаолиятига, Шарқий ҳамда Марказий Туркистон тарихига оид маълумотлар тўпланди. Лекин Зокиржон ака учун энг қувончли воқеа – «Бобурнома»нинг уйғурча нашри қўлга киритилганлиги бўлди, зеро раҳбарнинг эзгу мақсадларидан бири – Заҳириддин Бобур асарлари, хусусан, қомусий маданий ёдгорлик - «Бобурнома»нинг турли тиллардаги нашрларини мумкин қадар жамлаш ва улар билан «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳини бойитишдан иборат эди.

Яна шуниси ҳузурли ва ғурурли эдики, қаерга боришса, уларни илиқ кутиб олишар, қизгин суҳбатга чорлашиб, саволлар ёғдиришарди. Маҳаллий халқ вакиллари, аксарият, зиёлиларни автоулов пешонасига ёзилган «Ўзбекистон» атамаси ва машина тепасида ҳилпираб турган ўн икки юлдузли байроғимиз ўзига жалб этарди. Озод юртнинг ана шу рамз ва белгиларига қай бирлари ҳайрат, қай бирлари ҳавас билан тикилишаркан, Зокиржон аканинг Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва бу хур диёрда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, янгиланиш, тозариш жараёнлари тўғрисидаги завқли ҳикояларини мароқ билан тинглашарди.

Қашқардан сўнг экспедиция Буюк Ипак йўли орқали денгиз сатҳидан 5 минг метр баландликдаги Қорақурум довонини кўзлаб йўлга тушди. Қашғар билан Покистон чегарасидаги қадимий Тошқўрғон бўсағасида Помир, Ҳиндикуш, Тибет тоғлари бирлашар, худди шу ерда Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон ва Тожикистон давлатлари бир чегарада туташарди. Қорақурум эса ниҳоятда баланд, маҳобатли ва хийла хавфли – баъзи жойларда йўл жуда тор, бир машина аранг сиғарди.

Гилгет водийсининг маркази Гилгет шаҳрида тарихий обидалар билан танишишгач, бир оз дам олишди. Мамлакатнинг аввалги пойтахти Исломобод билан туташ Равалпиндида Ўзбекистон элчихонаси ходимлари билан учрашдилар ва бошқа доиралардаги адабий-илмий суҳбатларда иштирок этдилар. Бу шаҳарда амалга оширилган энг муҳим тадбир – Бобур халқаро хайрия жамғармаси бўлимининг очилиши бўлди. Сўнг ҳамюртларимиз баланд руҳда Ҳасан Абдол шаҳридаги, фаразларга кўра Бобур барпо қилдирган боғни бориб кўрадилар. У ерда ўсган улкан, кекса дарахтларнинг Бобуршоҳ даврида экилганлигини эшитганда ғоят мутаассир бўладилар, ҳайратланадилар, ифтихор туйғуларини бир-бирларига ошкор этадилар.

Бобур ва бобурийлар ҳаёти билан чамбарчас боғланган қадимий Лоҳур шаҳридаги улуғ аждодларимиздан мерос ва ҳали ҳам яшнаб турган Шалимар боғи шаҳарнинг гавжум сайргоҳларидан бири эди. Боғни ажиб бир ҳаяжон ва завқ билан айланишиб, ором олишгач, у ердан Бобур Мирзонинг чевараси Жаҳонгиршоҳ ва унинг суюкли маликаси Нуржаҳон бегимларнинг, шунингдек, Покистоннинг таниқли, эътиборли шоирларидан бири Муҳаммад Иқболнинг қабрларини зиёрат қиладилар. Ўтган галги сафар вақтида Покистонда бобурий малика, бобурийлар сулоласининг ёрқин намояналаридан бири, Шохжаҳоннинг невараси Аврангзеб – Оламгирнинг қизи, мумтоз шоира Зебуннисо бегим қабрини топишга муяссар бўлинмаган эди. Бу гал бобурийлар давлати учун кўп замонлар пойтахт ва қароргоҳ бўлган қадимий Лоҳур шаҳрида пештоқиға шоира исми битилган мақбарани тавоф айлаш насиб этди. Аммо, бобурийлар сулоласининг, шеърият осмонининг ёрқин юлдузларидан бири бўлган бу

мухтарама малика дахмасининг қаровсизлигидан кўп афсус чекишди. Иншоот 60-йилларда тарихий обида сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлишига қарамай, ночор аҳволда эди. «Ўзбекистон ва Покистон давлатлари ҳамкорликда бу жойни таъмирлаб, Зебуннисо номида музей ташкил этилса, қандай яхши бўларди», деган фикр ўтди раҳбарнинг кўнглидан. Унинг мулоҳазасини бошқалар ҳам маъқулладилар. Қуръон оятларидан тиловат қилишиб, ул зоти олияларининг руҳига бағишлайдилар ва аста ўринларидан туриб, ҳам севинч, ҳам маъюслик билан қабр пойидан узоқлашадилар.

Ушбу қабр-мақбаранинг айнан Аврангзебнинг қизига тегишли эканлигига андак гумон ҳам бор, албатта. Чунки, Акбаршоҳ мақбараси(Агра)га кираверишда, очиқ майдондаги мрамор қабр тошларидан бири юзасига ҳам Зебуннисо исми битилган.Тарихий манбаларда ёзилишича, аслида Зебуннисобегим Дехлидаги Зарзари қабристонига дафн этилган. Инглизлар даврида темирйўл ўтказилиши муносабати билан қабристон бузилиб кетган ва шоира хоки бошқа жойга кўчирилган. Эҳтимол, ўшанда бобурий малика хоки катта бобоси Акбаршоҳ сағанаси ёнига қўйилгандир. Ё балки лоҳурликлар севикли мумтоз шоира жисми, шарафли номининг ўз шаҳарларида қўним топишини хоҳлаб олиб кетишгандир. Зокиржон ака аввалги сафар суриштирганда маҳаллий зиёлилар бобурий малика Зебуннисобегим дахмасининг Лоҳурда эканлигини айтишган, аммо унинг аниқ манзилини кўрсатиб бера олишмаган эди.

\*\*\*

Лоҳур шаҳар маъмурияти вакиллари ўзбекистонлик сайёҳларни мамнуният билан кутиб олиб, уларга етарли иззат-икром кўрсатадилар. Илиқ муносабатдан завқланиб кетган Зокиржон ака Покистоннинг бу қадимий ва машҳур шаҳрида ҳам Бобур халқаро жамғармасининг бўлимини очиш ҳаракатига тушиб қолади. Лоҳурлик мансабдорлар, айниқса, зиёлилар Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, унинг покистонликлар маънавий ҳаётида туб бурилишлар қилганини, хусусан, халқ дилига ислом динини олиб киришдаги хизматларини яхши билишар ва кадрлашарди. Зокиржон аканинг таклифи хушнудлик билан қўллаб-қувватланади ва Лоҳурда жамғарманинг бўлимига асос солинади.

Шундан кейин улар Бобур Мирзо кадамжолари бўйлаб юришда давом этишаркан, Мўлтон шаҳри орқали Кветтага етиб борадилар. Бу ердан Афғонистонга 120-130 километрлар чамаси масофа бор, галдаги вазифа Қандахор орқали Ғазнига ўтиб, дунё илм аҳлининг пири калонларидан бири Абу Райҳон Беруний мазоригача етиб боришдан иборат эди.

Маълумки, Ғазни шаҳрида Ғазнавийлар сулоласининг йирик вакили Маҳмуд Ғазнавий кўп йиллар юрт сўраган. Султоннинг эътиборли жиҳати – нисбатан анча маърифатли бўлган, чунки у ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар каби ҳам шоҳ, ҳам шоир эди. Ҳарқалай, Маҳмуд Ғазнавий тарихимизда яхши ном қолдирган туркий ҳукмдорлардан, шунинг учун ул зотнинг дафнгоҳини ҳам зиёрат қилиш мўлжалда бор эди. Ғазнавий хилхонасини топиш-ку унча қийин бўлмади, аммо Беруний қабрини анча излашга тўғри келди. У шаҳарнинг хароб бир чеккасида бўлиб, деворлари нураб-тўкилаётган эски ҳовлилар ёнидан ўтган тор, қинғир-қийшиқ кўчадан бориларди. Сағанадан-ку ном-нишон йўқ, ҳатто қабр деганлари – тупроқли супа устидаги ҳар хил катта-кичикликдаги бир уюм тош эди.

- Ё, алҳазар, - дейди Зокиржон ака ўша ҳолатни эслаб, - Колумбдан бир неча аср илгари Америка қитъасини башорат қилган, «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» сингари қомусий асарлар муаллифи, бир эмас, бир неча фанлар даҳоси, юртимиз доврўғини жаҳонга таратган буюк мутафаккир олимнинг вайрона бир макондаги қабрининг аянчли аҳволини кўриб, дийдаларимиздан ёш чиқиб кетди, юракларимизга титроқ кирди.

Қуръони каримдан тиловат қилишаркан, Зокиржон аканинг кўзлари ҳамон намли эди.

- Ўша лаҳзаларни эсга олишнинг ўзи ҳам оғир, - деб хотирлайди экспедиция раҳбари. Унинг қулоғига бир ҳовуч тош-тупроқ остида ётган бобокалонимизнинг нидоси эшитилгандай туюлганди: «Хуш келибсиз, эй менинг ворисларим. Аллоҳга шукрим, мени йўқловчилар ҳам бор экан. Неча асрлардан бери кўзларим Турон йўлига нигорон эди. Элу юртим тинч-омонми, маъмур-

фаровонми? Илм-фан ривождами? Менинг руҳи покимни эъзозлаб қадам ранжида қилганингиз учун Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин. Интизор, ташна руҳимга ватан ҳиди, нафаси ором берди. У юрт, у замин тупроғининг гарди-ғубори мен учун нақадар азиз, муқаддаслигини билсангиз эди...»

Ҳа, биз икки гапнинг бирида тарихда ўтган алломаларимизнинг илмий ихтиролари, ижод маҳсуллари билан мақтанишга ўчмиз. Тарих ҳақида, ўзбек миллати хусусида, маънавий меросимиз борасида, ғуруримиз, фахримиз бўлган инсонлар тўғрисида сўзлаганда, уларнинг муборак исм-шарифларини қайта-қайта тилга оламиз. Бироқ халқимиз шони-шарафини дунёга таратган у буюк зотларнинг қабрлари, муқаддас хоки билан эса ҳамиша ҳам қизиқавермаймиз.

- Буни қарангки, - дейди Зокиржон ака яна “тутаб”, - яқин ўтмишда Беруний қабри атрофини кавлаб, ҳатто тилла ҳам қидиришибди! Қабрнинг ёнгинасидан, бор-йўғи икки қадам беридан ариқ ўтган. Икки метр нарида шоли дейсизми, макка дейсизми, деҳқонлар хоҳлаган экинини экяптилар. Худо кўрсатмасин, биронта трактор беҳосдан қабрни текислаб кетса, уни қайта топиш қийин. Тўғри, бизга бир нарса таскин беради: юртимизда Абу Райҳон Беруний номидаги йирик-йирик муассасалар, бутун бошли туман бор... Беруний номида давлат мукофоти таъсис этилган!..

Зокиржон аканинг дилидан: нега бундан йигирма-ўттиз йил аввал келмадик? Нега бу улуғ бобомиз мазорини Афғонистон тинч-осойишта бўлган даврларда бирров йўқламадик, деган афсус-надоматлар ўтди. Лекин биз қарамлик чангалида яшаган у даврларда бунинг ҳеч қандай имкони йўқлигини ҳам у яхши англарди.

Дунёнинг ишларини қаранг: Султон Маҳмуд билан Беруний замондош, азбаройи олимнинг истеъдоди таърифини эшитиб тинчини йўқотган Султон унинг ўз қўли остида, кўзи олдида бўлишини хоҳлаган ва ниятига эришган. Табиийки, Султон ўша даврда ҳам олтин-зарлар билан зийнатланган қасрларда, баланд мавқеда, эътиборда, иззат-икромда даври даврон сурган, олим - илмнинг ашаддий фидойиси бўлган зот эса камтарин ва хоксор умр кечирган. Минг йиллардан кейин... Маҳмуд Ғазнавийнинг яна шоирлигини инобатга олмаганда,

подшолигидан унинг пурвиқор мақбарасидан бошқа хотира қолмади, Берунийнинг исми, мероси эса доимо ёдланади, ундан ҳали-ҳамон илм-маърифат ўрганадилар, ҳайратланадилар, ибрат қилиб кўрсатадилар, у билан ғурурланадилар, унга ташаккур ва қуллуқ бажо этадилар.

Улуғ Алишер Навоий дунёга келган қутлуғ шаҳар Ҳиротнинг кўрки, шукухи, шухрати ҳам энди мутлақо аввалгича эмас. Жумладан, машҳур Мусалло майдони ҳам ўта файзсиз, кўрксиз. Шу атрофдаги Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Улуғбекнинг волидаи муҳтарамаси Гавҳаршодбегим ва Бойсунқур Мирзоларнинг қабрлари (айримларининг мақбаралари йўқликка юз тутган, баъзиларники таъмирга муҳтож) аҳволи ҳам бағоят ночор. Умуман, ҳар қайдаки, туркий тилли алломаи киромларнинг қабри, дахмаси бор – қарийб бари қаровсиз, эътиборсиз эди, айти шу ҳол экспедиция аъзоларини қайғуга, ташвишга солар эди. Бу ҳудудларда автомат, пулемёт овозлари, ҳар хил портлашлар барҳам топиб, тинчлик-осойишталик ҳукм сурадиган пайтлар келар, иншоаллоҳ, ана ўшанда бу ўлкаларда мангу ором топган аждодларимизнинг қабр-мақбараларини тиклаш-таъмирлаш мумкин бўлар...

Зокиржон ака ва унинг ҳамроҳлари энди Афғон заминидан мумкин қадар тезроқ чиқиб кетишга ва Эрон ҳудудига ўтиб олишга ошиқишарди. Экспедиция раҳбарининг илинжи, умиди – Заҳириддин Бобурнинг Машҳад шаҳридаги Имом Ризо мажмуи кутубхонасида сақланаётган «Хатти Бобурий» қўлёзмасидан нусха олиш эди. Афсуски, унинг бу орзуси ҳам мустажоб бўлмади – ҳар қандай дурри гавҳардан ҳам қиммат, бебаҳо ҳисобланувчи ноёб қўлёзмалардан кўчирма олиш олижаноб, саховатли одамлар ўйлаганчалик жўн иш эмас эди. Кутубхона мутасаддилари қўлёзмадан нусха кўчиртириб, Ўзбекистонга, Бобур жамғармаси манзилига жўнатиб юборишга ваъда бердилар. Лекин бу ваъданинг хом, «меҳмон кузагунча» кўрилган тадбир эканлиги кейин бир эмас, бир неча марта аён бўлди (Бу мавзуга кейин яна қайтамиз).

Шундай қилиб, салкам бир ой давом этган сафар ниҳоясига етди. Дастурдаги тадбирларнинг айримлари амалга ошди, баъзилари чала қолди... Лекин, энг муҳими – хайрли мақсадлар йўлида яна бир неча йирик қадам олға

ташланди. Ишни қандай бошлаш ва нималарга эътибор қаратиш борасида муайян хулосаларга келинди, тажриба орттирилди, десак, хато бўлмас. Экспедиция раҳбари эса бу борада қуйидагиларни эътироф этади:

- Сафаримиздан мурод – халқимизнинг нақадар бой маънавий қадриятлар эгаси эканлигини яна бир карра хорижий юртларда намойиш этиш, даҳо аждодларимиздан қолган бебаҳо меросларни излаб топиш эди. Назаримда, ниятларимизга асосан эришдик. Тўғри, яширмаймиз, сафаримиз осон кечмади, кийинчиликларга дуч келдик, очик далаларда тунашга, қотган нон билан тирикчилик қилишга тўғри келган пайтлар ҳам бўлди. Осон ишнинг ўзи йўқ. Халқимиз “Тоққа чиқмасанг дўлона қайда?” деб бежиз айтмайди. Бирок юрагимизда улўғ аждодларимизга муҳаббатимиз, эътиқодимиз кучайса кучайдики, асло пасаймади. Ватан меҳри, унинг бой тарихига қизиқиш, экспедициямиз фаолиятининг ёшларга ибрат бўлиши, нафи тегишини ҳис этиш кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб турди.

### **ОЛОВГА БОШ СУҚИБ...**

Республика оммавий ахборот воситаларида экспедиция сафари натижалари ҳақида ҳисобот-мақолалар ёритилган, хорижий юртларда, жумладан, Афғонистонда умргузаронлик қилган буюк боболаримиз, хусусан, Абу Райҳон Беруний қабрининг аянчли ҳолати республика телевидениеси орқали намойиш этилган эди. Зиёлиларимизда қаттиқ ачиниш уйғотган мазкур кўрсатувга Президентимизнинг ҳам кўзи тушган ва Зокиржон Машрабов Тошкентга чақиртирилиб, Берунийнинг хокидан олиб келиб, у туғилиб ўсган юртга қўйиш юзасидан фонд раҳбарига топшириқ берилган эди.

Бу орада гоҳ ёниб, гоҳ тутаб ётган ўт ичидаги Афғонистон заминида сиёсий-ҳарбий вазият кескин ўзгариб, Абдурашид Дўстим, Гулбиддин Ҳикматёр, Аҳмадшоҳ Маъсуд ва толибонлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар кучайиб кетган, фуқаролар уруши юз бераётган бу мамлакатга беш-олти киши билан автомобилда кириб бориш хатарлигина эмас, оловга бош суқишнинг ўзгинаси, бунга рухсат олиш, чегара-божхоналардан ўтиш янада оғир бир муаммо эди.



Лекин ташаббус кўрсатиб, бировнинг эсига келмай турган муаммони кўзгаб кўйгач, орқага чекиниш марднинг иши эмас, чора излаш ва топиш керак.

Зокиржон Машрабов ўтган галги сафардошларини йиғиб, масалани ўртага кўйди, уларнинг розилигини олди – бундоқ хайрли ва савобли вазифадан бўйин товлаб бўлармиди!

Афғонистонга энг яқин йўл – Ўзбекистон ё Тожикистон орқали... Лекин у ёқдан Ғазнига етиб боргунча Афғонистоннинг хийла ҳудудини босиб ўтиш керак, қолаверса, бу тарафнинг бошқа мушкулотлари бор эди. Айланиш бўлса ҳам, ўтган сафарги йўналиш маъқулга ўхшарди. Чунки, Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Шавкат Али Шайх билан Бобур фондининг салом-алиги бор ва бу яқинлик Зокиржон акага қандайдир далда бағишларди.

Шавкат Али Шайхнинг Покистон ҳудудидаги чегара ва бошқа муаммоли жойларда Бобур фондига ёрдам кўрсатиш сўралган хатини кўйинга солиб (шундай мазмундаги хат Эрон элчихонасидан ҳам олинган эди), Аллоҳдан мадад, омонлик тилаб йўлга тушадилар. Дарҳақиқат, элчиларнинг илтимосномалари Эронга ўтишда, Зоҳидон ва бошқа шаҳарларда, Покистонга киришда ҳам экспедиция аъзоларининг жонига оро киради. Лекин Кветтада барибир муаммо туғилади. Афғонистонга ўтишга рухсат ва ёрдам сўраб кирилган масъул маҳкамада эртага хабар олишларини айтишади. Эртасига “Хатингизни пойтахтга – Исломободга жўнатдик, рухсат келгунча кутасизлар” деган жавобни олишади. Кветтада уч кун вақт бекор ўтади. Хаёлда бошқа ташвишлар, хавотир бўлгани боис, шаҳар айланиш, томоша қилиш ё бошқа юмушлар кўнгилга сиғмас эди.

Уч кундан кейин Ташқи ишлар бўлимидаги барваста, истараси иссиққина генералнинг жавоби жуда кескин ва совуқ бўлди:

- Ҳукуматимиздан мамлакатимиз ҳудудидан зудлик билан чиқиб кетишингиз талаб этилган хат келди. Бинобарин, биз ҳам хавфсизлигингизни таъминлашга кафолат бера олмаслигимизни баён этишдан хижолатдаман. Афсус....

Зокиржон ака “Яхши!” деган жавобни айтиб чиқди-да, шериклар билан шаҳарнинг четроғидаги кўримсизроқ меҳмонхонага жойлашишди. Суриштириб,

афғонистонлик дала қўмондонларидан бирининг қароргоҳини топиб боришди. Бу, элчига ўлим йўқ қабилидаги таваккал бир тадбир эди. Экспедиция ҳам элчиликдай гап-да, фақат сиёсий эмас, илмий-маърифий элчилик. Зеро, мавжуд вазиятда бундан бошқа чора ҳам йўқ эди.

Бир неча йўлақдан, даҳлизлардан ўтиб кириладиган кенггина хонада тўшакларда чордона қуриб ўтирган афғонлар қутилмаган меҳмонлар – Зокиржон ака билан Муҳаммад Содикни таажжуб билан қарши олишади ва такаллуфсизлик билан ўтиришга таклиф этишади. Меҳмонлар ҳам мулозамат, иззатталаб кайфиятда эмас эдилар, пойгаҳга омонатгина чўккалайдилар. Салом-алиқдан сўнг Зокиржон ака таржимон (Муҳаммад Содик) орқали ўзларини таништириб, экспедиция ҳақида, мақсад-муддаолари тўғрисида гапириб, Афғонистонга ўтиш учун ижозатнома зарурлигини уқтиради. Ғазнидаги музей, тарихий ёдгорликларни кўриш истагида эканликларини таъкидлайди.

- Кутиб турунглари, - дейишади мезбонлар ва ўз суҳбатлари, машғулотлари билан андармон бўладилар.

Бир оздан кейин хонага қирқ ёшлардаги дароз, серсоқол киши кириб келади. Ўтирганлардан бири мусофирларнинг арзини етказди.

- Мен билан бирга кетаверасизлар, - дейди серсоқол киши Зокиржон акага юзланиб. - Мен ўзим сизларга ижозатнома.

Зокиржон ака ва ҳамроҳлари фавқулодда мурувватдан ва ишлари ўнгидан келганидан хавотиру ваҳималарни ҳам паққос унутишади.

Соқолли киши Чаман тумани ҳокими, етти жойидан ўқ еган зобит – полковник экан.

Кветтадан Афғонистонга йўл олишади. Дарҳақиқат, ҳоким Худоёрнинг обрў-эътибори баланд экан, чегара-тўсиқлардан суриштирувсиз ўтиб кетишади.

Йўл хароб, бомба тушавериш хандак-хандак бўлиб кетган, машина соатига 10-15 километр тезликда аранг юриб борарди. Қарама-қарши томондан узун ва баҳайбат стволини лапанглатиб келаётган танкни кўриб, ҳамманинг капалаги учди. Рулда Зокиржон ака, ўртада таржимон Муҳаммад Содик унинг ёнида ҳоким Худоёр ўтирарди. Зокиржон ака беихтиёр педални босди. Ўн беш қадамча

нарига келиб танк ҳам тўхтади. Зокиржон ака Муҳаммад Содикқа “Ҳокимдан сўранг-чи, қанақа танк экан, бу” деди. Полковник машина эшигини очди, шу пайт танкнинг қопқоғи ҳам кўтарилиб, бир бош кўринди. Улар пуштун тилида, баланд овозда савол-жавоб қилишди. Маълум бўлишича, нариги кимса деҳқон экан, у ташлаб кетилган бузуқ танкни ўнглаб, деҳқончиликда фойдаланиш учун олиб кетаётганмиш.

Тор йўлни ким бўшатиши бирпас муаммо бўлди. Чунки икки томон, юқорида айтилганидай, миналаштирилган эди. Ҳокимнинг буйруғидан кейин деҳқон танкчи чеккага чиқиб турди, экспедиция улови ўтиб олди.

Чаман маркази Қандаҳордан 70 километр берида эди. Худоёр меҳмонларни ўз қароргоҳига бошлаб киради. Сухбатга киришадилар. Бу ерга туман муфтиси ҳам чақирилган эди. Муфти билан Муҳаммад Содик ўртасида мулоқот бошланади. Уламо меҳмонларнинг кимлиги, мақсад-режалари билан қизиқади. Муҳаммад Содик Беруний қабри-мақбарасининг хароблиги ҳақида сўзлай бошлайди.

- Ким у Беруний? Қабри ҳали ҳам борми? – дея ажабланади шарият пешвоси Муҳаммад Содикнинг гапини бўлиб. – Ахир дини ислом ақидасига биноан банданинг жисми тупроққа қоришиб кетиши керак-ку?!..

- Сизлар Муҳаммад алайҳиссаломни тан оласизларми ўзи? Ахир у зотнинг қабри турибди-ку!.. – дейди Муҳаммад Содик хужумга хужум билан.

Муфтининг шашти пасаяди. Вазиятдан фойдаланган Зокиржон ака ҳокимга китоб - “Қуръон” қўйиладиган лавҳ ва Шаҳрихон пичоғини ҳадя қилади.

Худоёр пичоқни қинидан суғуради-да, у ёқ-бу ёққа айлангириб томоша қиларкан, ўзига гапиргандай хитоб қилади.

- Зўр яроғ экан, бу билан Аҳмадшоҳни...

- Ҳай-ҳай, ундоқ деманг, жаноб ҳоким, - дейди шошиб Зокиржон ака. – Пичоқни хайрли ишларга ишлатинг: қўй сўйинг, гўшт тўғраб енг...

Шундан кейин экспедиция аъзоларини ҳокимнинг мулозимлари Қандаҳор йўлига кузатиб қўйишади. Ғазнига Қандаҳор орқали ўтиларди. Рухсат олиш учун бу ердан дала қўмондонининг хузурига кириш, бунинг учун ёзма равишда

мурожаат қилиш зарур эди. Дарвоза олдида бир пайтлар Россиянинг Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида ўқиб келган бир афғон зобити мирзолик қилиб, арзгўйларнинг номаларини битиб ўтирган экан, Зокиржон акадан русчалаб, нима юмушларинг бор эди, деб сўраб қолди. Бу тасодифни ҳам Яратганнинг иноятига йўйиб суюнишди. Зобит илтимоснома ёзиб, қабулхонага киришларига кўмак берди. Лекин... ичкарига қадам қўйишлари билан ҳовлидан бир вертолёт ҳавога парвоз қилди.

- Аттанг, кечикдинглар, раҳбар ҳозиргина Кобулга учиб кетди, - деди унинг Абдужалил деган бир муолозими. – Қачон келиши номаълум.

Кутишдан бошқа чора йўқ, чунки Абдужалил уларга вазиятнинг хатарли эканини, ҳудудда хорижий фуқароларнинг юришлари мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтирган эди.

Уларни қароргоҳдаги каттароқ бир хонага жойлаб қўйишди. Лекин бу даргоҳга кириб чиқаётган кимсалар кўп, ранги-рўйи турлича, аксарияти қалин, қора соқол қўйган одамлар бўлиб, деярли ҳаммасининг қовоғи осилган, ҳаммаси ташвишли, умуман, атроф қандайдир ваҳимали кўринарди. Боз устига, хонада яна икки бегона ҳам бўлиб, улар Арабистондан келган ёлланма жангчилар экан. Бир амаллаб тонг оттиришди. Эрталаб Зокиржон ака Муҳаммад Содиқ кўмагида бояги мулозимга вақтлари зиклиги, тезроқ юртга қайтишлари лозимлигини тушунтирган эди, Абдужалил соҳиб катта мурувват кўрсатди. “Булар кўмондонимиз...нинг меҳмонларидир. Ислом қоидаси бўйича уларга шикаст етказилмасин, кўмак берилсин, мабодо видеокамераларини ишга солишса, бизнинг қонун-қоидамизга кўра мажақлаб ташлансин!” деган мазмунда хат ёзиб, муҳр босиб берди.

Хатнинг қандай таъсир кучига эгалиги ноаён эди, шунинг учун экспедиция аъзолари ўта қувониб кетишмади, аммо йўлда давом этишларига ижозат текканидан хурсанд эдилар, албатта... Дарҳақиқат, Ғазни томонга энди бир чақиримча юришган эди, йўлнинг икки тарафидаги қамишлар орасидан чиқиб, автомат ўқталиб, тўхташга буюрган кишиларга кўзлари тушганда, кимнинг хаёлидан нима ўйлар кечганини фақат ўзлари биларди, холос. Қуролли

кимсалардан баъзилари уларга бақириқ-чақириқ билан машинадан пастга тушишни буюрар, қолганлари гўё ичкарида нима борлигини билмоқчи бўлгандай, автомат қўндоқлари билан машина (“Тойота” кичик автобуси)нинг ёнларига дукиллатиб уриб кўришарди. Уларни қамишлар ичига олиб кириб кетишди. Кенггина бир ялангликда ўттизталар чамасида эркак бўлиб, айримлари ёнбошлаб ётишар, бошқалари турли юмушлар билан банд эди.

Ёнбошлаб ётганлардан бири буларни сўроққа тута бошлаган эди, Зокиржон ака Абдужалил соҳибнинг хатини узатди. Сўроққа тутувчи қоғозни ҳафсаласизлик билан олди-да, унга тикилиб қолди. Зокиржон ака билан Муҳаммад Содик кулгидан ўзларини аранг тутиб туришарди. “Терговчи” ёзувни тескари ушлаб гўё ўқимокқа тутинарди. Нарироқда ўтирганлардан икки-учтаси яқинлашиб, қоғозни бири олиб, бири қўйиб, кўра бошладилар, лекин биронтаси бирон сўзни овоз чиқариб ўқимасди.

Шу пайт қаёқдандир елкасида битта катта юлдузи бор норғул одам пайдо бўлди-да, қўлма-қўл ўтаётган мактубни шартта юлқиб, унга назар ташлади. Кўзлари сатрлар аро югураётганидан ўқиётгани сезилиб турарди.

“Ё буниси ҳам ўзини ўқиётгандай қилиб кўрсатяптимикин?” деган ўй кечди Зокиржон аканинг кўнглидан.

Йўқ, юлдузли киши ҳарқалай нома мазмунини англаган эди: ўтирганларга қараб ўшқириб қолди (Унинг сўзларини Муҳаммад Содик кейинчалик шерикларига айтиб берди).

- Кимларни тутиб келдинг, галварслар?!

- Хорижийлар экан, нима ниятда юришганини билиш учун ушлаб келдик.

- Хатни ўқимадингларми?!

- Қандай ўқиймиз, соҳиб? Ўттиз йилдан бери уруш... Мактаб кўрмаган бўлсак... Биз ўқишни билмаймиз, фақат урушни биламиз.

- Ахир булар қўмондонимиз Амир-ул мўминин жанобларининг меҳмонлари экан-ку, нодонлар!.. Қани, тезда улардан кечирим сўраларинг!

Шу гапнинг ўзи етарли эди, Зокиржон ака қўллари билан узр сўраш шарт эмас, бизга рухсат берсангиз бас, дегандай ишора қилди. Барибир “тўсқовуллар” узр-маъзур билан хайрлашиб қолишди.

Ғазнига кираверишда яна тўхтатишди, аммо Абдужалил соҳибнинг хатини кўриб, ўтказиб юборишди.

Шаҳар ҳокими экспедиция аъзоларини илиқ қарши олди. Зокиржон ака Абу Райҳон Берунийнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида таваллуд топгани, тақдир тақозоси билан Афғонистон заминида боқий дунёга рихлат қилгани, аммо бугунги кунда унинг мақбарасидан ном-нишон қолмагани, қабр ҳам текисланиб, йўқ бўлиб кетаёзгани, шунинг учун, агар ижозат берилса, олимнинг хокини юртига олиб кетишмоқчи эканликларини аста, ётиғи билан гапирди.

- Ўйлаб кўрамиз. Албатта, бу масалани бир ўзим ҳал қилолмайман, бошқалар билан маслаҳатлашамиз, бир-икки кун бизнинг қароргоҳда ётиб туринглар, - деди ҳоким.

“Ҳа, ҳарқалай, Берунийнинг кимлигини биларкан, озгина маърифатдан хабари бор экан”, дея тусмоллади Зокиржон ака, лекин жавобнинг мужмаллигидан ғашланди.

Уларга одам кўшиб беришди. Шаҳардаги маданият ва тарих музейини бориб кўришди. Музей бой эмас, қолаверса, ойналари синиб, тахта қоқиб кўйилган, девор сиртидаги ўқ излари одамни алланечук сескантиради.

Шаҳар четроғида жойлашган Султон Маҳмуд Ғазнавий мақбарасини зиёрат қилишди, Абу Райҳон Беруний қабрини...

Буюк алломанинг қабри ўтган сафар, бундан икки ой аввал кўришганда қандай бўлса, ўшандай алпозда эди.

Шаҳарда бошқа кўрадиган диққатга сазовор жой ҳам йўқ, қолаверса, вайрона, хароб – фэйзсиз кўчаларда, совуқ нигоҳли, жангари кайфиятли кишилар орасида юриш ҳам ёқимли эмас эди.

Эртасига улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, гарчи нонушта ва бошқа таомланиш пайтларида дастурхонга чорлаб туришса-да, нима қиляпсизлар, нима қилмоқчисизлар, дейдиган кимса йўқ эди. Аксарияти елкасига милтиқ ё автомат

осган одамлар булар ким бўлди экан, дегандай, қараб қўйишар, баъзиларининг ғижини келаётгандай туюларди. Хуллас, қароргоҳдаги муҳит борган сари таҳликали тус ола бошлади.

Икки кун шу тарзда ўтди. Октябрь ойи, ҳаво совий бошлаган, иситилмаган хоналарда ҳаловатсизлик, нима бўларкин деган ташвиш, хавотирда ухлаш ҳам қийин эди.

Учинчи куни пешин олдидан намоз ўқийдиган кенг хонада ўтиришар, Муҳаммад Содик қуръон тиловат қилаётган эди, йўлакда ҳоким кўринди ва у тўхтаб, тиловатни соме бўлиб тинглаганча туриб қолди. Намозга сафга туришаётганда Зокиржон ака ва Муҳаммад Содикни ёнига – биринчи қаторга чақириб олди.

Шу воқеадан сўнг қароргоҳдагиларнинг “ажнабий”ларга муносабатлари ўзгариб, жилмайиброқ, қизиқиш билан қарайдиган бўлишди. Экспедиция аъзолари ҳам энди ўзларини эркинроқ тута бошладилар.

Қароргоҳга ҳар замонда кириб-чиқиб юрган ўттиз ёшлардаги бир йигит Зокиржон акадан ўзбекчалаб, қаердан келишганини сўраб қолди. У Мозори Шарифдан экан. Исми Абдул Воҳид бўлган бу кишининг сўзларидан бу ерда ноилож юргани, Мозори Шарифда оиласининг ночор аҳволда экани маълум бўлди. Имкониятдан фойдаланган Зокиржон ака йигитга мақсадини тушунтириб, Беруний хокини олиб бериш эвазига пул ваъда қилади. Лекин Абдул Воҳиднинг хатти-ҳаракатларини сезиб қолган айғоқчилар бу хабарни ҳокимга етказишади. Яхшики, йигитни огоҳлантириш билан чекланишади. Зокиржон ака билан Муҳаммад Содикни эса ҳоким ўз ҳузурига чақиртиради.

- Беруний нафақат ўзбеклар ва афғонларники, балки бутун башариятникидир. У Ғазнида минг йилдан бери ётибди, қўйинглар, унинг руҳини безовта қилмайлик, - дейди у салмоқли ва таъсирли охангда. – Иложи бўлса, унинг қабрини шу ерда ободонлаштиринг, биз ҳам кўмак берайлик.

Бошқа гап сиғмас, илтимосга ҳам ўрин қолмаган эди. Зокиржон ака узр-маъзурдан сўнг ҳоким жанобларининг фикри, маслаҳати ниҳоятда оқилона ва маъқуллигини таъкидлар экан, иншоалло, шундай қилажакларини, фақат ҳозирча

Ўзбекистонда барпо этилажак рамзий қабр учун Беруний қабри хокидан бир ховуч тупроқ олишга ижозат беришини сўради.

Ҳоким розилик билдириб, ўз ўринбосарини қўшиб беради. Беруний қабрини очиб устухонига тегишмай, ўша устухонлар минг йилдан бери ётган табаррук тупроқ-хоқдан олиб қайтишади.

Ўша даврда, ана шу вазиятда улуғ аллома қабрини очиб, ундан тупроқ олишгина эмас, ўша маконларга етиб боришнинг ўзи ҳам катта жасорат эди!

Эндиги манзил Қандаҳор эди. Тоғлар орасидан ўтган йўлда автоматли, қароқчимисон бир киши тўсди. “Мана бу одамни Қандаҳорга олиб кетасизлар” деди ёнидаги қора чачвонга ўралган кимсага ишора қилиб. Унинг ростдан ҳам аёлми ё эркаклигини ким билади? Қандай мақсадда нотаниш, боз устига, хорижий машинага чиқариб юборяпти? Яна “Мен Қандаҳорда кутиб оламан”, деб таъкидлаб қўйди. Қанақасига булардан олдин етиб, кутиб олади? Учиб борармикин? Ё... Демак, у қисқа йўлни билади ё бошқа бир мўлжали бор, ё шунчаки пўписа, огоҳлантириш учун шундай дедимикин?..

Ҳай, бу синовдан ҳам ўтишди.

Қандаҳорда қайси тараф билан кетиш муаммоси кўндаланг бўлади. Покистонга ўтишга юраклари бетламай, Ҳирот сари юришади. Йўл-йўлакай икки-уч ерда қароқчиларми ё бошқа бир тўдалар таъқибидан қочиб қутулишади. Шу ҳолатда Ҳиротни томоша қилиш ҳеч кимнинг кўнглига сиғмасди. Шаҳарга кирмай, Тойибод томонга жўнаб юборишади. Эрон чегарасида яна муаммо туғилади. Хужжатларда экспедиция аъзоларининг Афғонистонга Покистон орқали кириш ва чиқишлари кўрсатилган эди. Бир неча соат музтарлик, сарғайишлардан сўнг сарҳадчиларнинг қалбига йўл топиб, Эрон заминида ўтиб, Тойибодда меҳмонхонага жойлашишгач, юз-қўллар совун, энгил-бошлар дазмол кўрди. Соқол-мўйловга устара тегди. Кўнгиллар ҳам хийла хотиржам тортди, чехралар анча очилди. Чанг-лойга беланган машинанинг ўнг-тусини билиб бўлмади кетган эди, уни ҳам ювиб-тозалаб, эпақага келтиришди. Энди улар кўрган-кечирганларини дам кулиб, дам ваҳима билан эслашар, фалокатларимиз аригани рост бўлсин, дея дуо қилишарди.



Лекин экспедиция аъзолари уларни олдинда яна бир кўнгилсизлик кутаётганидан беҳабар эдилар.

## ТУНДАГИ ХУЖУМ

Тойибодда бир кеча ётиб нафас ростлашгач, эртасига шаҳарни бироз айланишди, Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг пири Зайниддин Абубакир Тойибодий мазорини зиёрат қилишади, сўнгра барча юк-нарсаларни машина томидаги багажга маҳкам бойлаб, дилда шукроналик билан Туркменистон сари азимат қилишди. Энди улар Абу Райҳон Беруний қабридан олинган тупроқни олимнинг ўз юртига элтаётганларидан – ўз ишларидан, муваффақиятларидан мамнун эдилар.

Марвга етиб келишганида соат тунги ўн эди. Зокиржон ака Тошкентга телефон қилиб, мутасадди идораларнинг тегишли ходимлари билан боғланади, Беруний хокини қаерга етказиш тўғрисида маслаҳат сўрайди. Табаррук тупроқни қадимги Кот – ҳозирги Беруний шаҳрига олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр билдирилади.

Шаҳардан чиқаверишда иккиланиб, ўша ерда “06” “Жигули” ёнида чекишиб, ўзаро суҳбатлашиб турган уч-тўрт йигитдан Чоржўй йўлини сўраб, давом этдилар. Аслида Марвда тунамоқчи ҳам бўлишганди, аммо улуг алломанинг муборак хокини белгиланган манзилга тезроқ етказиб бориш иштиёқи уларни олға ундарди.

Ҳадемай, икки томони юлғинзор чўлга кириб кетишди. Тойота шиддат билан олдинга интиларди. Илҳомжон рулда, Зокиржон ака “штурманлик”ни Фаррухга топшириб, бирпас дам олиш мақсадида салонга ўтиб, ёнбошлаганди. Ўриндиқларнинг бошқа бирида Муҳаммад Содик мизғиётганди. Икки соатдан кейин раҳбар штурманлик “пост”ини қайта эгаллаши, Муҳаммад Содик эса ҳайдовчи билан ўрин алмашиши лозим эди.

Фаррух ўзининг эсноғини ва Илҳомжоннинг уйқусини қочириш учун у ёқ-бу ёқдан гапириб борарди. Тунги соат бир яримлар эди. Иттифоқо орқадан бир енгил машина яқинлашиб, чироғини ўчириб-ёқа бошлади.

- Ёрдам сўрашяпти... шекилли, - деди Фаррух Илҳомжонга.

Ҳайдовчи индамай кўзгудан салонга қаради. Раҳбар ҳам, таржимон Муҳаммад Содик ҳам ростмона уйқуга кетишган эди. Енгил машина эса, булар билан изма-из келар ва ҳамон чироғини ўчириб-ёқарди. Фаррухнинг раҳмдиллик туйғуси жўшиб, Илҳомжонга тўхташни буюради. Илҳомжон-ку раҳбарнинг амрисиз тўхтамаслик лозимлигини биларди, лекин у ҳам ҳайдовчи-да, “нимагадир зориққан” ҳамкасбларининг ўтинчига лоқайдлик билан қарашни одамгарчиликдан эмас, деб ўйлади шекилли, тормозни босди. Фаррух ирғиб ерга тушди-да, эшикни очик қолдирганча, бир кафти билан кўзларини чироқ ёруғидан пана қилиб, “Жигули” томон илдам юрди. Лекин, интизомсизликка йўл қўйган, қолаверса, уйқусизликдан толиққан “штурман”нинг кўнгли, онгида инсонийлик, ҳол сўраш, ёрдам қўлини чўзишдан бошқа бир фикр, хаёл йўқ эдики, етиб боргунча ҳам машинадан нега ҳеч ким тушмаётганига аҳамият бермади. “Жигули” ёнига боргандагина автомобилнинг икки ёндаги олд эшиклари шартта очилиб, икки киши тушгани ва улардан бирининг кўлида милтиқ борлигини кўргач, бояқишнинг капалаги учиб, орқага югурди. Яхшики, Илҳомжон моторни ўчирмай турган эди, Фаррухнинг оёғи машинага чиқиб-чиқмай, газ тепкисини шахт билан босди. Шу лаҳзада орқадан варанглаган товуш эшитилди ва Илҳомжон, Фаррухларнинг бошлари тепасидан визиллаб ўтган сочма ўқлар машина томини тешиб чиқиб кетди.

Зокиржон ака ҳам, Муҳаммад Содик ҳам чўчиб уйғонишди.

- Нима гап, нима гап? – деб сўради раҳбар

- Ётинглар, ётинг! - дейишди Илҳомжон ва Фаррух салонга қарамай. Уларнинг ўзлари ҳам энқайиб олишганди. Раҳбар: “Босинг!!!” дея амр қилди ҳайдовчига.

Шу шиддат билан соатига 140 километр босиб, юз чақиримча юришди. Илҳомжон орқадаги чироқдан батамом узоқлашиб кетишганига ишонч ҳосил

қилгандан кейингина тезликни пасайтирди. Шундан сўнггина Фаррух бўлган воқеани сўзлаб, Зокиржон акадан кечирим сўради. Бошқа маҳал бўлганда, албатта у раҳбардан яхшигина танбеҳ эшитарди, лекин ҳозир бусиз ҳам болапақирнинг бўлари бўлган эди.

“Жигули”даги кимсалар боя Марвда Фаррухнинг ўзи йўл сўраган одамлар эди, афтидан, улар машина тепасидаги ғалвайган юк-буюмларни савдогарларнинг бўғчалари деб ўйлашган бўлса керак. Қароқчилар кўзига кимматбаҳо матоҳлар бўлиб кўринган - ғилофларга ўралган кўрпа-тўшак ва бошқа ашёлар йўл-йўлакай тўкилиб, юкхона бўшаб қолган эди.

Яна ярим соатлардан кейин ДАН (Давлат автомобил инспекцияси) маскани рўпара келди. У ердагиларга воқеани баён қилишган эди, ариза талаб этишди. Ёзиб беришди. “Яхши, машинани қидириб топамиз, текшираамиз, аниқлаймиз, унгача шу ерда кутасизлар”, дейишди. Ростдан ҳам масаланинг бу ёғи эсга келмаган экан. Ахир у машина қачон топилади, иш қандай ҳал бўлади? Унгача шу чўл ўртасида ётишадими?..

Отанг яхши, онанг яхши, деб, аризаларини аранг қайтариб олишди. ДАНчилар ҳам бу борада бошқа жойга шикоят қилмаслик шарти билан зўрға кўнишди.

Бир соатлардан сўнг Чоржўйга етиб боришди. Бу орада тонг отди. Машинанинг орқа ойнагини сочма ўқ илма-тешиқ қилиб юборган эди, ўрнига мос ойна топилмади, фанер қоплатиб бўятиб олишди.

Экспедиция аъзоларини Ўзбекистон чегарасида Беруний тумани вакиллари кутиб туришган эди.

Эртасига Беруний шаҳри марказида тайёрланган рамзий қабрга Берунийнинг Ғазнидаги қабридан олинган хоки “дафн” этилди. Минглаб одамлар иштирокидаги йиғинда шу заминда улғайиб, дунё миқёсида донг таратган илму фан султони Беруний ҳақида сўзладилар, Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзоларининг мардона саъй-ҳаракатлари ва олижаноб тухфалари учун миннатдорчилик билдирдилар.

“Тойота”нинг ўтирғичлари, шифтидаги ўқ излари яна бир неча ой турди, кейин машина таъмирга берилди.

Бизнингча, ана шу воқелардан сўнг анча-мунча одамнинг бундай сафарларга чиқишга юраги дов бермай қоларди. Лекин ўшанда уларни хайрли ишлари учун Аллоҳ асраганига ишонган Зокиржон ака кейин яна ўнлаб экспедициялар уюштирди.

## МИСР ТОМОНЛАРДА

1997 йилнинг сўнгги ойида экспедиция яна олис сафарга чиқди. Бу галги мақсад йўл-йўлакай улуғ аجدодларимиз қадамжоларини зиёрат қилиб, Бобур ва бобурийларга дахлдор манба-маълумотларни ўрганиш билан машғул бўлинган ҳолда, Миср Араб Республикасига етиб бориш эди. Маълумки, яна бир буюк ватандошимиз, Шарқнинг машҳур алломаси Аҳмад Фарғоний ҳаётининг бир қисми мазкур мамлакатда кечган ва олим ўша заминда тупроққа бош қўйган.

Юнеско Бош конференцияси 29-сессиясининг қарори ҳамда Республикамиз Президентининг «Аҳмад ибн Касир Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида ватанимизда мазкур санага қизгин тайёргарлик бошлаб юборилган, экспедиция ана шу оламшумул анжуманга ўзига хос совға ҳозирламоқчи эди.

Экспедиция декабрь бошларида кўзланган манзилга - Қоҳирага етиб боради ва аъзолар Аҳмад Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолиятига оид далилларни тўплашга, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан хизматларини ўрганишга киришади.

Манбааларда қайд этилишича, фалакиётшунос, жуғрофия, риёзиёт фанлари билан чуқур шуғулланган қомусий истеъдод соҳиби тахминан 797 йили Фарғона водийсидаги қадимий Кубо (Кува) шаҳрида туғилган ва 865 йили Мисрда вафот этган. Марв, Бағдод, Дамашқ, Қоҳира шаҳарларида яшаган ва илмий фаолият олиб борган. У, китобларда ёзилишича, кексайган чоғларида, 861 йили, аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил (847-861)нинг топшириғига биноан

Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот – нилометр барпо этиш учун Мисрнинг Фустат шаҳрига борган. Балки аслида бу ажойиб кашфиётга халифа буйруғи билан эмас, ўзининг қизиқиши, дил амри билан қўл ургандир, ахир фандаги ихтиро, янгиликлар фақатгина ҳукмдорларнинг хоҳиши, фармони билан юзага келмайди-ку. Ҳарқалай, қай тарзда бўлса ҳам, илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор ва ноёб мазкур қурилма бунёд этилади ва дарёнинг Сайёлат ул-Рад деган ирмоғига ўрнатилади. Ҳозирда Ал-Манял туманининг Ар-Рид мавзеи ҳудудига қарашли бўлган жойдаги нилометр шу кунга қадар яхши ҳолатда сақланган.

Баъдаз, Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонаси ходимлари кўмагида маҳаллий университетлар, илмий муассасалар, кутубхоналар, Миср Араб Республикасининг тарихий ёдгорликларни қўриқлаш олий кенгашида экспедиция аъзолари билан танишув, илмий мулоқотлар уюштирилади. Зокиржон аканинг мустақил Ўзбекистоннинг қисқа фурсатда эришган маънавий-иқтисодий тараққиёти, экспедиция мақоми ва шу кунгача амалга оширилган сафарлар, самаралар борасидаги маълумот ва ҳикоялари мисрликларда катта қизиқиш уйғотади, улар экспедиция режалари бўйича амалий ёрдам кўрсатадилар. Экспедиция аъзолари Мисрда бир ҳафта давомида бўлиб, улуғ ватандошимизнинг ўткир ақл-идроки самараси ўлароқ яратилган нилометрни бориб кўрадилар, уни ўрганиб, тасвирга олиб, Аҳмад Фарғоний қабрини излаш билан шуғулланадилар.

Экспедиция ишига таниқли мисрлик олимлардан Қоҳира университети қошидаги Шарқ тадқиқотлари маркази директори, доктор Муҳаммад Халифа Ҳасан, шарқий тиллар профессори, библиограф, мусулмон қўлёмалари бўйича мутахассис, доктор Насруллоҳ Мубашшир ат-Тарозий, Тарихий ёдгорликларни сақлаш олий кенгашининг археологик тадқиқотлар маркази Бош директори, доктор Кавсар Абул Фарух ҳам бош қўшадилар. Бир неча кунлик изланишлар натижасида буюк алломанинг Фустат шаҳрида, Муқаттам тоғининг шарқий қисмидан икки чақиримча масофада жойлашган Имом Аш-Шофеъ қабристонига

дафн этилганини аниқлашга муваффақ бўладилар. Афсуски, замонлар силсиласи, эътиборсизлик оқибатида олимнинг қабри йўқолиб кетган эди.

Аллома мангу уйқуга кетган жой ва Нил дарёсидаги Фарғоний бобомиз бунёд қилган сув ўлчаш қурилмаси пойидан бир ҳовуч тупроқ оладилар. Зокиржон Машрабов бу табаррук хокни буюк инсон, жаҳон илм-фанининг порлоқ юлдузларидан бири Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан унинг ватани Фарғонада қад ростлаши режалаштирилган ёдгорлик мажмуига қўйишни кўзда тутди.

Шундай қилиб, экспедициянинг навбатдаги сафари якунига етади. Унинг Қоҳирага ташрифи ўзбек халқи ва мисрликлар ўртасидаги мустақиллигимиз шарофати билан янгиланган дўстлик ришталарининг барқарорлашувига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

\*\*\*

Маълумки, сал аввалроқ Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижтимоий тадқиқотчи ва тарғиботчиларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида Бобур фондининг Халқаро мукофоти таъсис этилган бўлиб, бу сийлов билан Бобур Мирзонинг серқирра фаолияти – шоирлик, олимлик, давлат арбоби сифатидаги фазилатларини акс эттирган, шунингдек, республикамиз ва хорижий давлатларда бобуршунослик соҳасида яратилган энг етук бадий, илмий, публицистик асарлар муаллифларини, атоқли сиёсий ва жамоат арбобларини тақдирлаш кўзда тутилганди.

1998 йили Бобурнинг 515 йиллиги Тошкент ва Андижонда кенг нишонланди. Вилоятда ўтказиладиган анъанавий бобурхонлик халқаро анжуманга айлантирилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи бобуршунослари билан бирга хорижий мамлакатларнинг шарқшунос, адабиётшунос олимлари, жумладан, ҳиндистонлик профессор Қамар Раис, афғонистонлик Шафиқа Ёрқин, Абдулҳаким Жузжоний ва бошқалар Бобур ижодининг жаҳон маданияти ривожига тутган ўрни мавзуида эҳтирос билан сўзладилар. Айни шу йиғинда Бобур мукофотининг дастлабки лауреатлари эълон қилинди. Таниқли олим ва адиблар, санъат ва меъморчилик намояндалари, жумладан, Пиримқул Қодиров,

Сабоҳат Азимжонова, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Мажидхон Турсунов, Эйже Мано (Япония), Муҳаммадали Абдуқундузов, Хайридин Султон, Мақсуд Юнусов, Шафиқа Ёркин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиев, Муҳаммаджон Мирзаев, Раҳмонжон Азимов бу мукофотнинг илк совриндорлари бўлдилар.

Ҳа, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини абадийлаштириш, унинг ижодини халққа кенгроқ етказиш борасида кимдир кўп гапириб жон куйдирар, кимлардир мажлислар, йиғинлар, тадбирлар ўтказар, кимлардир китоблар ёзар, Зокиржон ака эса амалий иш қилар эди. Чинакам бобурпарастлигини, уни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўришини, жонкуярлигини исботлар эди. Бобур мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов бежиз шундай дегани йўқ: *«Агар ўша пайтларда Бобур Мирзонинг ёнида Зокиржон акага ўхшаган эътиқодига содиқ, фидойи одамлар бўлганида, унинг Андижонни ташлаб кетишига йўл қўйишмаган бўларди...»*

*«Халқимизнинг ичида, жумладан, Андижонимизда ақл топгандан бошлаб, босиб ўтган йўлларида яхшилик уругини экиб қолдираётган шундай мўътабар зотларимиз борки, улар билан ҳақли равишда фахрланамиз, - деган эди шоир Фозил Эмин. – Андижон шаҳрининг гуллаб-яшнашига, маданияти, саноатининг юксалишига катта хизматлари сингган Зокиржон ака Маширабов ана шундай муҳтарам ҳамюртларимиздан биридир. Бу шижоатли инсонга куч-ғайратни Яратганнинг ўзи ато этганга ўхшайди... Унинг Бобуришоҳ юрган йўлларда кезиб, қилаётган беминнат меҳнатларининг қадрини кўзимизга тўтиё айлаймиз... Айниқса, Бобур Мирзонинг узоқ юртдаги қабридан бир кафт тупроқ келтириб, Бобур боғида рамзий қабрини тиклаши чинакам тарихий воқеа бўлди.»*

## ЕТТИ ЙИЛЛИК ХУЛОСАЛАР

Мана, экспедиция тузилганига ҳам етти йил бўлди. Экспедиция аъзолари бу давр мобайнида автомобилда саккиз бора сафарга чиқдилар. Ўн бешдан ортиқ шарқ мамлакатларида бўлиб, қарийб икки юз минг чақирим масофани босиб

ўтдилар. Албатта, ҳар қандай сафарнинг ўзига яраша гашти, шу билан бирга заҳматлари, машаққатлари ҳам бўлиши турган гап. Дастлаб, риёзат кучайган маҳалларда «экспедицияни қайтиб елкамни чуқури кўрсин...» деганлар кейинчалик энг фаол қатнашчига айланганлари рост. Жаҳонни пиёда, велосипедда, мотоцикл ва бошқа уловларда бир ўзи шунчаки дунё кўриш ёки овоза учун айланганлар, айланаётганлар бор. Экспедиция эса энг аввало катта ният, режалар билан йўлга чиқади. Бу мақсад ва режалар юқорида баён этилган. Хўш, улар қандай ва қанчалик адо этилди, рўёбга чикди? Жоизки, экспедиция қадами етган хорижий юртларга бир эътибор қилинг: Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Миср., Европа, АҚШ... Бу мамлакатларнинг айримларида бир неча мартадан бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда уларнинг аждоду авлодлари ҳақида ноёб илмий, тарихий маълумотлар олиб қайтилди. Халқимиз ўз бобокалонлари ҳаёти ва фаолиятига оид бундай қимматли маълумотларнинг кўпидан беҳабар эди. Мисол учун, бобурийлар тўғрисида чет элларда, ҳинд, урду, инглиз, форс, араб ва бошқа тилларда чоп этилган 150 га яқин рисола, илмий тадқиқотлар, қиссалар, рўмонлар, ҳужжатли ва бадий фильм кассеталари сотиб олиб келинди ва «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейига кўйилди. Хусусан, «Бобурнома»нинг хорижий мамлакатларда нашр қилинган ўнга яқин таржималари, нодир кўлёмаларнинг эндиликда ўз маънавий мулкимизга айланганлиги ғоят таҳсинга сазовордир. Бу китоблар, кўлёмалар, ҳужжатлар мутахассислар томонидан ўрганилмоқда, лозим кўрилганлари ўзбекчалаштирилиб, халқимиз эътиборига ҳавола қилинмоқда, телевидение орқали намойиш этилмоқда. Инглиз олими, бобуршунос Уильям Эрскиннинг «Бобур Ҳиндистонда» деган китоби, ҳинд кино санъаткорлари томонидан яратилган кўп қисмли «Баҳодиршоҳ - Зафар» бадий фильми шулар жумласидандир.



Бобур номини абадийлаштириш ғояси билан бошланган иш кўламининг кейинчалик шу қадар кенгайиб кетишини, бизнинг назаримизда, Зокиржон аканинг ўзи ҳам кутмаган бўлса керак. Улуғ аждодларимиз – бадиият мулкининг шаҳаншоҳи Алишер Навоий, Хуросондай бепоён мамлакатнинг маърифатпарвар султони бўлиб ўтган шоир Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротдаги қаровсиз, хароба қабр-мақбаралари Зокиржон аканинг кўз олдидан кетмасди. Наҳотки, беш асрдан бери номи миллион-миллион дилларда ва тилларда қайта-қайта такрорланиб, кўшиққа айланган ғазаллари миллион-миллион хонадонларга руҳ ва файз бағишлаб келаётган оламшумул инсоннинг мақбарасига борар йўлларни ёввойи ўт-ўланлар босиб ётса?! Ахир бу жойлар энг гавжум, энг обод зиёратгоҳ бўлиши лозим эди-ку... Бошқа улуғ аждодларимиз, Абу Райҳон Беруний, Бобораҳим Машрабларнинг хоки-тупроқларини айтинг...

Ахир ҳаётлигида ва ўтиб кетгандан кейин ҳам инсониятга фақат эзгу хизмат қилаётган, илму маърифат жиҳатидан ҳар бири бутун бир академияга татийдиган, ғуруримиз, ифтихоримиз, шон-шавкатимиз бўлмиш буюк сиймолар хотирасига улардан олган илмларимиз, завқу сурурларимиз ҳаққи-ҳурмати одилона муносабатда бўлмоғимиз, лоақал, тақдир тақозоси билан мусофир юртларда қолган қабр-мақбараларини топиб, уларнинг ҳоли-аҳволидан хабар олиб қўймоғимиз лозим эмасми? Сен отангга нима қаромат кўрсатган бўлсанг, фарзандинг ҳам сенга шундай қаромат кўрсатади, деган гап айни мана шу маънода айтилмаганмикин? Ахир ҳар бир одам, болам ўзимдан кейин уйим чироғини ёқиб қолармикин, ишларим ва номимни давом эттирармикан, деган умидда меросхўр ўстириб тарбиялайди-ку...

Шу мазмундаги фикрлар Зокиржон аканинг кўнгил амрига, ҳаётий дастурига айланган эди. Шундан кейин у ҳар гал экспедиция йўналиши ва режаларини тузаётганда ишни аввало қайси хорижий мамлакатнинг қайси шаҳрида, қайси бир улуғ аждодимиз ётибди, деган саволдан бошлайдиган бўлди. Мана шундай хайрли мақсад ва саъй-ҳаракатлар оқибати ўлароқ, экспедиция етти йил мобайнида расман саккиз бора узоқ сафарга чиққан бўлса, ана шу сафарлар давомида жуда кўп машҳури жаҳон тарихий шахсларнинг мангу оромгоҳлари

бориб кўрилди, ҳолатлари ўрганилди, айримларини таъмирлаш, ободонлаштириш режалари тузилди ёки уларнинг ҳимояга, муҳофазага муҳтожлиги оммавий ахборот воситаларида баён этилди, кенг жамоатчиликка етказилди, амалий таклифлар билдирилди. Булар – Марказий Осиё – Турон худудидан етишиб чиққан ёки асли-насли туронлик бўлган, давр силсилалари ва тақдир тақозоси билан Шарқ ўлкаларида – Араб мамлакатларида, Афғонистонда, Эронда, Покистон ва Ҳиндистонда, Шарқий Туркистон (Хитой)да ва бошқа юртларда умргузаронлик қилиб, фаолият кўрсатган, илму ижод билан машғул бўлган, дунё аҳлига бебаҳо маданий-маънавий бойликлар қолдирган буюк инсонлар – Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний ва Абу Наср Форобий, Жалолиддин Румий ва Мир Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, бобурийлар – Ҳумоюн Мирзо, Акбаршоҳ, Жаҳонгир Мирзо, Шоҳжаҳон, Аврангзеб – Оламгир, Зебуннисо бегим, Али Қушчи ва Мирзо Абдуқодир Бедил, Амир Хисрав Дехлавий ва Мирзо Голиб, Камолиддин Бехзод ва Бобораҳим Машраб, Офоқ Хожа ва Зокиржон Фурқат... Шунингдек, бу рўйхатга форс-тожик мумтоз адабиётининг бетакрор ва беназир намояндалари Умар Хайём ва Абулқосим Фирдавсий, Абдурахмон Жомий ва Фаридиддин Атторлар ҳам киради. Экспедиция аъзолари мана шу ва бошқа буюк алломаларнинг мақбараларини, оддий қабрларини зиёрат айладилар, улар бошида Куръони карим оятларидан тиловат қилиб, ўз инсоний бурчларини адо этдилар.

Андижон заминидан етишиб чиққан яна бир улуғ зот – Туркистон ўлкасида доврўқ қозонган шоир, адиб, адабиётшунос, драматург, тенгсиз истеъдод эгаси Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон машъум ўттизинчи йиллар қатағони қурбонларидан бири эди. Унинг қабри йўқ эди, фақат отилган жойи тахминан маълум эди, холос. Вилоят ҳокимлиги раҳнамолигида, Зокиржон Машрабовнинг ташаббуси, Бобур жамғармаси ҳомийлигида ана шу жойдан - ҳозирги Тошкент телемаркази яқинидаги Бўзсув қирғоғидан тупроқ олиб келиниб, оқсоқоллар, ижодкор зиёлилар, шоирнинг қариндошлари иштирокида ўша жойдаги “Бодомзор” чойхонасида қон чиқариб, эҳсон қилинган, Андижон шаҳрининг

Сойгузар мавзеидаги Чўлпон боғига қўйилиб, у ерда рамзий қабр барпо қилинди. Адибнинг ҳайкали салобат тўкиб турган бу боғ ҳам энди Андижон аҳли ва вилоятимиз меҳмонлари учун табаррук бир зиёратгоҳга айланиб қолди. Иншоаллоҳ, суюкли бандалари хотирасини йўқлаганларни парвардигори олам ўз фазлу карами билан сийласа ажабмас.

Шубҳа йўқки, эзгу мақсадлар сари қўйилган ҳеч бир қадам ва дилда тугилган ният беиз, бесамар кетмагай. Умид билан экилган ниҳол албатта мева беражак. Бобур Мирзо ва авлодларининг бизга у қадар маълум бўлмаган ҳаётлари, давлатчилик, ҳарбий иш, меъморилик ва ижодий фаолиятларини ўрганиш, қўлга киритилган маълумотларни тадқиқ этиш, тарғиб қилиш борасида экспедиция аъзолари томонидан бир мунча ижодий ишлар қилинди, ҳужжатли ва бадиий асарлар ҳақида аввалги саҳифаларда батафсил маълумот бериб ўтган эдик. Таъкидлаш жоизки, бу асарлар бобуршунослик ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди, китобхон ва томошабинлар кўнглидан мустаҳкам жой олди.

\*\*\*

Бобур фонди, унинг экспедицияси имкон доирасида мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли илмий-маърифий анжуманларда иштирок этиб, тўплаган материалларни оммалаштиришга ҳаракат қиларди. Жамғарма раҳбарининг иккимингинчи йилларнинг бошларида Улан-Батор, Деҳли, Лондонда ва Истанбулда ўтказилган халқаро симпозиумларда илмий маърузалар билан иштирок этганлиги бунга мисол бўла олади. Шунингдек, фонд томонидан Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази билан биргаликда Тошкент шаҳрида «Икки буюк тақдир» (Амир Темур ва Бобур Мирзо шахсияти) мавзуида маърифий кеча, экспедиция аъзоларининг навбатдаги сафарига бағишлаб ҳисобот йиғилиши, Андижондаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Бобур Мирзо – соҳибқирон Амир Темур зурриёди» мавзуида тадбирлар уюштирилди. Зокиржон Машрабовнинг Тошкент давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашуви ҳам ғоятда қизғин ўтди. Мазкур издиҳомларда республикамиздаги етук олимлар, ёзувчилар, матбуот вакиллари, чет эл элчихоналарининг вакиллари қатнашиб,

жамғарманинг маънавиятимизни юксалтириш ва заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг маданий ва илмий меросларини ўрганишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Жамғарма фаолиятининг қамрови «халқаро» деган мақомга мос равишда тобора кенгайиб борди. Захириддин Муҳаммад Бобурни яхши биладиган, унинг ижодига ихлоси баланд зиёлилар кўмагида Дехли (Ҳиндистон), Лохур (Покистон), Қоҳира (Миср), Токио (Япония), Кобул (Афғонистон), Алмати (Қозоғистон), Ўш (Қирғизистон), Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона (Ўзбекистон) шаҳарларида жамғарманинг бўлимлари ташкил этилди ва у жойларда бобурийлар меросини тўплаш, ўрганиш, тарғиб қилиш юзасидан амалий ишлар олиб борилди. Мазкур бўлимлар адабиётлар, илмий маълумотлар билан алмашишда жуда қўл келмоқда, энг муҳими, халқаро алоқалар, муносабатларни яхши йўлга қўйишга ҳисса қўшиш, қўшма тадбирлар ўтказиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, жамғармани юзага келтиришдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳам шу эди.

- Шу кунга қадар биз асосан Шарқ мамлакатларида бўлиб, темурийлар ва бобурийлар маданиятига оид кўплаб манбалар билан танишдик, - дейди Зокиржон ака. – «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи учун юзлаб китоблар, қўлёзмалар, бошқа тарихий экспонатлар тўплашга муваффақ бўлдик. Айни вақтда, изланишлар жараёнида биз шунга амин бўлдикки, кўҳна ва бой тарихимизга тааллуқли, жумладан, бобурийлар маданиятини ёритувчи жуда кўп тарихий ҳужжатлар Европа давлатларининг музей ва кутубхоналарида сақланаётган экан. Албатта, уларнинг маълум бир қисми ўзбекистонлик шарқшунос олимлар томонидан ўрганилган, илмий муомалага киритилган. Лекин бизнинг ўтмиш маданий бойлигимиз шу қадар улкан эканки, биз уларнинг ҳаммаси ҳақида мукамал ва етарлича маълумотга эгамиз, деб айта олмаймиз.

Бобур номидаги Халқаро жамғарма раёсати ана шу мақсадда, яъни, қадим тарихимиз ва беқиёс маданий ёдгорликларимизни янада чуқурроқ ўрганиш, имкони борича улар билан ватандошларимизни яқиндан таништириш учун Европа минтақаларида ҳам ўз ваколатхоналарини ташкил этишга қарор қилди.

Россия пойтахти Москвада, Германиянинг Бильдфельд шаҳрида жамғарманинг бўлимлари очилади. Москва бўлимига Борис Михайлович Морозов, Бильдфельд бўлимига эса доктор Ян Хонзель раҳбарлик қилиб келмоқда.

Дастлабки пайтларданок Зокиржон ака фонд бўлимлари орқали ўша юрт-эллардаги ўзбек маданиятига дахлдор тарихий-маданий ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш чораларини қидиришга киришади. Жумладан, Бильдфельддаги бўлим воситачилиги ва кўмагида Олмониянинг «Хонзель» фирмаси билан амалий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилади. Шарқ маданиятининг самимий мухлиси Ян Хонзель етакчилигидаги мазкур фирма жамғарма раҳбарияти, шахсан Зокиржон Машрабов илтимосига кўра Ғарб мамлакатларининг музей ва кутубхоналарида сақланаётган темурий-бобурийлар тарихига оид кўлёмалар ва бошқа адабиётларни ўрганиб, имкон қадар улардан нусхалар олиб, «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳига жўнатишга бажонидил розилик билдиради ва бу ҳамкорлик тез орада ўз самарасини кўрсата бошлади.

### **ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ**

1999 йил 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Бобур номидаги Халқаро жамғарма томонидан ташкил этилган «Бобурийлар мероси – жаҳон манбаларида» мавзуида нуфузли халқаро илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтади.

Анжуман ишида Ўзбекистон, Германия, Россия, Ҳиндистон, Эрон Ислом Республикаси, Афғонистон мамлакатларининг бобуршунос олимлари, жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Жумладан, хорижий мамлакатлардан:

- 1-2. Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг Германия бўлими бошлиғи, доктор Ян Хонзель ва ушбу бўлимнинг илмий ходими Сюзанна Хонзель.
3. Ношир, журналист, доктор Юрген Андреас Эрнест (Германия).
4. Шарқшунос Тиманн Альтханс (Германия).

5. Тарихчи Морозов Борис Михайлович – жамғарманинг Москва бўлими бошлиғи.

6. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Маданият маркази бошлиғи, доктор Қамар Раис.

7. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданий масалалар бўйича маслаҳатчиси, доктор Худойбаҳт.

8. Жамғарманинг Афғонистон бўлими бошлиғи, Бобур номидаги халқаро мукофот лауреати, доктор Шафика Ёрқин.

9. Доктор Абдулҳаким Шаърий Жузжоний (Афғонистон).

10. Шарқшунос Муҳаммад Ҳалим Ёрқин (Афғонистон).

#### **Ўзбекистондан:**

1. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди Пиримкул Қодиров.

2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди Муҳаммад Али.

3. Таниқли давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳиддинов.

4. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов.

5. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Наим Каримов.

6. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов.

7. Филология фанлари доктори Убайдулла Уватов.

8. Ёзувчи, Бобур номидаги халқаро мукофот лауреати Хайриддин Султон.

9. «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, ёзувчи Эркин Аъзамов.

10. Биология фанлари доктори, профессор Ҳасан Бўриев.

11. Филология фанлари номзоди, Гёте институти (Германия)нинг Ўзбекистон бўлими ходими Хуррам Раҳимов.

12. «Олтин мерос» халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари Насиба Усмонова.

13. «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг ижрочи директори Бобохон Шарипов ва бошқалар иштирок этишди.

Мажлисида Ян Хонзельнинг «Бобур ва бобурийлар меросининг Ғарбий Европа манбалари», Сюзанна Хонзельнинг «Бобур ва бобурийлар меросини Ғарбий Европа манбаларидан излаб топишнинг методологик масалалари», Қамар Раиснинг «Бобурнинг 1910 йили Калькуттада нашр этилган девони», Шафиқа Ёрқиннинг «Комрон Мирзонинг Ҳамбургда сақланаётган девони қўлёзмаси хақида», Зокиржон Машрабовнинг «Бобур ва бобурийлар меросини жаҳон манбаларидан излаб топиш ва ўрганиш муаммолари тўғрисида», Хуррам Раҳимовнинг «Швейцария адиби Арнольд Хоттингернинг «Буюк Акбар» романи хақида», Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Шоҳғариб Мирзонинг Ҳамбургдаги қўлёзмаси хусусида» мавзуларидаги илмий маъруза ва ахборотлари тингланди.

Анжуманда Юрген Андреас Эрнест, Борис Морозов, Пиримкул Қодиров, Муҳаммад Али, Нуриддин Муҳиддинов мавзуга дахлдор фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш ниҳоясида Қамар Раис Бобурнинг 1910 йили Калькуттада чоп этилган девонининг ксеронусхасини, Хуррам Раҳимов «Буюк Акбар» романини жамғарма раҳбари Зокиржон Машрабовга тухфа этдилар.

Анжуман якунида Жамғарманинг Германия бўлими воситасида Ғарбий Европа манбаларидан бобурийлар меросига тааллуқли ҳужжатларни излаб топиш юзасидан амалга оширган илмий изланишлари маъқулланди, бу борадаги тадқиқотларни давом эттириш тавсия қилинди, Жамғарма раёсатининг янги қўлёзма манбаларни илмий истеъмолга киритиш, яқин келгусида «Бобурнома» асарини юксак сифат билан қайта нашр этиш, шунингдек, Арнольд Хоттингернинг «Буюк Акбар» романини ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш тақлифлари маъқулланиб, 2003 йил сентябрь ойида Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллиги муносабати билан Андижон шаҳрида халқаро илмий конференция ўтказиш режалаштирилди.

\*\*\*

Конференциядан сўнг жаноб Юрген Андреас Эрнест ва Ян Хонзель рафиқалари билан Андижонга ташриф буюришди. Улар Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан қадим шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа жойларда ҳам бўлиб, юртимизнинг тарихий обидалари ва замонавий кифасини ҳайрат билан томоша қилдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон бўйлаб қилган сафари таассуротларини Жамғарма идорасидаги давра суҳбатида завқ ва ҳаяжон билан сўзладилар.

- Ватанингиз биз тасаввур қилгандан ҳам гўзал экан, -деди, жумладан доктор Ян Хонзель. – Айниқса, миллий кадриятларни, тарихий обидаларни тиклаш борасида Президентингиз Ислон Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлар, янги ва улкан қурилишларни кўриб, кенг кўламли, улуғвор ўзгаришлар, шубҳасиз, мамлакатингиз мустақиллиги шарофати эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Худди ана шу йиғинда немис дўстларимиз чинакам батартиб, масъулиятни юксак даражада ҳис этувчи ишончли ҳамкор эканликларини намойиш этишди: Улар Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шохғариб Мирзо ва Бобур Мирзонинг ўғли Комрон Мирзонинг Ҳамбург шаҳридаги музейда сақланаётган девонлари тўла матнларининг ксеронусхаларини, шунингдек, Ян Хонзельнинг рафиқаси Сюзаннахоним заҳматлари эвазига йиғилган яна бир ғоят қимматли ҳужжат – ҳазрати Бобур шахсияти, ҳукмдорлик ва илмий фаолияти, ижодига оид 140 мингдан зиёдроқ манба-маълумот рўйхатини Жамғарма ихтиёрига топширдилар.

\*\*\*

Жамғарма ўша йили Андижондаги Бобур қадамжоларини ободонлаштириш билан ҳам машғул бўлди. Жумладан, Мустақиллик байрами арафасида Бобур боғидаги музей биноси ва унинг гумбазини таъмирлаш, янги бўёқ бериш ишлари ниҳоясига етказилди.

Тиниб-тинчимаган Зокиржон ака хаёлида Жамғарма қошида «Бобур кутубхонаси»ни ташкил этиб, темурийлар, бобурийлар ҳақида яратилган илмий бадий асарларни тўплаб, мамлакатимиз ва кўшни давлатларнинг Бобур қадамжолари билан боғлиқ шаҳар-қишлоқларидаги мактабларнинг



кутубхоналарига хайрия сифатида тухфа қилиш фикри ҳам ўша пайтларда туғилган эди. Бунда илм-маърифат масканларини янги адабиётлар билан бойитиш назарда тутилган, албатта.

Тошкент Давлат Техника университетиде тахсил кўраётган ҳиндистонлик Бобур авлоди (Тусийлардан бири) Аброр ибн Умарнинг Бобур фонди стипендияси билан таъминланиши, худди шундай стипендиянинг Бобур номидаги Андижон давлат университетиде ҳам жорий этилиши чинакам хайрли амаллардан эди.

Зокиржон ака бошқаларнинг омадидан, ютуғидан самимий қувонадиган одам. Айниқса, ўша ютуққа ўзи ҳам озми-кўпми дахлдор бўлса... Бир куни унинг хонасида суҳбатлашиб ўтирган эдик, эшик очилиб, бир йигит хоразмча лаҳжада «Зокиржон ака, сиз билан хайрлашиб гетмакчи эдим», - деди остонада турганча.

- Киринг, кириг, - деди Зокиржон ака ва ўзи ўрнидан туриб меҳмонга пешвоз юрди-да, уни бағрига босиб: «Яна бир марта табриклайман, ўйнаб-кулиб миниб юринг, тўйларга хизмат қилсин», деди ва ташқаригача кузатиб, қайтиб киргач, менга изоҳ берди:

- «Тико» ютиб олди. Ўзида йўқ хурсанд...

Ҳа, ўша йиллари Бобур жамғармаси чиқараётган «Бахт куши» лотореясида «Тико», «Нексия», «Дамас» ютганлар биргина хоразмлик йигит эмас эди.

- Ютмаётганлар ҳам бордир, - деб сўрадим ўсмоқчилаб.

- Албатта, ҳаётда ҳамма ҳам доим ютавермайди, - деди Зокиржон ака бир оз оғриниб. – Лекин ютқизган зиён кўрмайди – юз эллик сўм, уч юз сўм, боринг, минг сўм бой берар. Аммо ютган катта нарсани қўлга киритади – «Нексия», «Дамас», «Тико»... Бундан ташқари, демак, ютмаганлар ҳам умид билан интилаверади. Бахти чопса, бир куни ошиғи олчиам туради... Энг муҳими, улар биз амалга ошираётган хайрли ишларга, маънавиятимизни юксалтиришга ўзлари билмаган ҳолда катта ҳисса қўшишяпти. Масалан, Бобур мукофотида... Бундан ташқари, шу йил Наврўзда ўндан ортиқ болага суннат тўйи қилиб бердик, қўли юпқароқ ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказяпмиз.

\*\*\*

Зокиржон ака ўша йиллари илмий экспедициянинг узок сафари йўналишининг лойихасини хаёлан пишитиб юрарди. Бу лойиха «Ўзбекистон карвони Буюк ипак йўлида» деб аталарди. Мўлжал бўйича карвон дастлаб отлар ва туяларда йўлга чиқиши, маълум масофадан кейин, автомобилда давом этиши лозим эди. Қирғизистон – Хитой – Ҳиндистон худудлари орқали Бирмага ўтиб, Рангун шаҳрида дафн этилган сўнгги бобурий хукмдор Баҳодиршоҳ Зафарнинг қабри ҳолатини ўрганиш кўзда тутилганди. Маълумки, Баҳодиршоҳ уни она шаҳри Деҳлига дафн этишларини васият қилган, лекин ўша давр бу сўнгги илтижони ҳам бажо келтириш имконини бермаган. Зокиржон аканинг нияти, агар иложини қилса, мусулмончиликда муқаддас калом, удум саналмиш васиятни, кеч бўлса ҳам, ҳиндистонлик дўстлар ёрдамида рўёбга ошириш, агар бунинг эвини қилолмаса, лоақал қабр-мақбарани таъмирлаш... эди.

- Демак, - деган эди Зокиржон ака ўшанда, - бизнинг мана шу улуғ карвон йўлларидаги биринчи вазифамиз озод Ўзбекистоннинг бой тарихи, бугунги тинчликсевар сиёсатини, содда, меҳнаткаш, бағрикенг халқини бутун дунёга тарғиб қилишдан иборат бўлади. Албатта, мамлакатимиз мустақилликка эришмаганида бундай халқаро сафарлар ва тадбирларни ҳатто орзу ҳам қилолмаган бўлардик. Қолаверса, буюк ватандошларимизнинг олис ва бегона юртларда қолиб кетган хоки-тупроқларидан хабар олиб, қабр-мақбараларини таъмирлаш, ободонлаштириш борасида шахсан Президентимиз бизга кўрсатма берган, вазифа қилиб қўйган. Юртбошимизнинг «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳи хотира дафтаридаги дастхати, андижонликлар ҳақидаги фикрлари барчамизда ғурур туйғуларини уйғотади, айни вақтда, бизни янги-янги сафарларга ундайди, янги-янги орзуларга илҳомлантиради.

*“Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довругини дунёга таратган улуғ аجدодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.*

*Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда “Бобур ва жаҳон маданияти” музейининг барпо этилиши – халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир.*

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.*

*Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари кўнайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин.*

*Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий самимий миннатдорчилик билдираман.*

**Ислом КАРИМОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

1994 йил, 4 октябр”.

**(Андижоннинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” мозийгоҳи “Хотира китоби”га битилган дастхат).**

- Президентимизнинг бу самимий сўзлари мени яна бир масала устида ўйлашга ундади, -деган эди Зокиржон ака. - У ҳам бўлса - жонажон шаҳримиз Андижоннинг ёши масаласи. Шу пайтгача бу муаммо узил-кесил ҳал бўлмаяпти. Тарихчиларнинг ҳаракатларидан, тахминларидан унча кўнглим тўлмайди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология илмий текшириш институти билан ҳамкорликда (шартнома асосида) илмий тадқиқотлар – қазишмалар олиб бориб, Андижоннинг асл тарихини, ҳақиқий ёшини аниқлашимиз зарур. Менинг наздимда Андижон Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарлари билан тенгдош бўлиши керак. Бунинг устига, бу ердан Буюк ипак йўли ўтган...

Ҳа, Зокиржон аканинг дилида ва тилида Андижон тарихини ўрганиш, унинг ёшини аниқлаш нияти ўша йиллардаёқ куртак ёза бошлаган эди.

## **САЙЛОВ ҲАЯЖОНЛАРИ ВА ИЗТИРОБЛАРИ**

1999 йил охирларида мамлакат парламентида сайловлар жараёни бошланди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида Зокиржон Машрабовнинг ҳам исми-фамилияси бор эди. Уни Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамда бизнинг сайлов қоидаларимизда янгилик бўлган жамоа – «Ташаббускорлар гуруҳи» тавсия этган эдилар.

Аввалига таклиф Зокиржон акага эриш туюлди. Дарҳол кўз олдида бундан анча йиллар бурунги сайловдаги машмашалар келди. Ўшанда Зокиржон ака билан пиво заводининг директори такрорий овоз беришга қолишган эди. Дастлабки сайловда энг кўп овоз олганидан кўнгли хотиржам бўлган Зокиржон ака айна такрорий овоз бериш кунлари сафарда эди. Қайтиб келганида «рақиб»нинг сайланиб кетганидан хабар топди-ю, ортиқча ажабланиб ўтирмади, «омади чопибди, қандини урсин», деб кўя қолди. Калишми, совунми, ким нима топса, кимнинг нимага қурби етса, ўша нарсадан сайловчиларга тарқатиб овоз олиш урф бўлган эди ўшанда...

- Ишончинглар учун раҳмат, - деди Зокиржон ака, - лекин менинг ёшим етмишга қараб кетаётган бўлса, ҳожати бормикин... Ахир бу оғир масъулият, катта ташвиш... Жамғарманинг ишлари, экспедиция сафарлари кўп. Ҳозир эркин кушман, ўз ихтиёрим ўзимда... Мабодо депутатликка сайланиб қолгудай бўлсам, ҳар бир сафарниям, режамдаги бошқа тадбирларниям кимлар биландир маслаҳатлашиб, кимлардандир ижозат сўраб қилишимга тўғри келиб қолармикин?.. Шунинг учун, яхшиси, мени кўйинглар, узр...

Лекин ташаббускор гуруҳнинг ҳам, партия раҳбарларининг ҳам, сайловга дахлдор бўлган бошқа масъул ўртоқларнинг ҳам қарорлари қатъий эди.

- Йўк, Зокиржон ака, - дейишди унга. – Сизни бутун Ўзбекистон танийди, хорижий мамлакатлардаям билишади. Қаерга борсангиз, сўзингизни ўткази оласиз. Парламентда сизга ўхшаган обрўли одамларимиз бўлиши керак. Қолаверса, сизнинг ҳозирги бутун фаолиятингиз маънавият билан боғлиқ хайрли ишлардан иборат. Депутат бўлсангиз, мана шу ишларингизни юқори доирада,

янада кенгроқ олиб бориш имкониятлари туғилади. Парламент сизнинг олижаноб ниятларингизни қўллаб-қувватлайди, ёрдам беради...

Хуллас, Зокиржон ака кўпчиликнинг раёини қайтаролмади.

Аммо Зокиржон Машрабов билан беллашадиганлар ҳам чакана «полвонлар» эмас эди. Андижон шахрининг кунчиқар томони ва Андижон туманининг катта бир ҳудудини ўз ичига олган 26-Мустақиллик сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига турли партиялардан 5 кишининг номзоди кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири мавқеи, сайловолди дастури жиҳатидан бир-биридан қолишмайдиган, ҳаммаси ҳам депутатликка муносиб шахслар эди.

Мамлакатда бу гал чинакам демократик сайлов кутилаётган эди. Бироқ бизда ҳали депутатликка номзодлар ҳам, сайловчилар ҳам демократик сайловга юз фоиз тайёр эмас эдилар. Шунинг учун учрашувларда сайловчилар илгари бўлганидек, номзодларга хўжалик ишлари бўйича турли нақазлар беришар, айрим номзодлар ҳам гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона ҳар турли ваъдалар қилишдан ва уларни ижро этишдан ўзларини тийишолмасди. Бунинг устига, айрим номзодларнинг ишончли вакиллари ва ёқлаб сўзловчилари баъзан қизиққонлик қилишиб, ўзаро ҳурмат ва муносабат маданияти доирасидан ҳам чиқиб кетишар, йиғинни бошқараётган сайлов округи раиси гоҳо нима дейишини, нима қилишини билмай, гангиб қоларди.

Хуллас, курашлар ғоят кескин руҳда бўлди.

Айрим ғалати ҳодисалар ҳам юз берди. Масалан, сайловчилар билан сўнгги учрашувда вилоят Автоўл бирлашмаси раисининг ўз номзодини қайтариб олганлигини маълум қилишди, лекин тарғиб ва ташвиқ ишлари давом этаверди. Ундан аввал, учинчи расмий учрашувда номзодини қайтариб олган ёш номзоднинг исми-фамилияси бюллетень қоғозида яна пайдо бўлиб қолди. Кураш авж олган сари ташвишлар, иккиланиш ва задаликлар ҳам кучайиб борарди. Тарғибот ва ташвиқотга бағишланган тахминан қирқ кунлик масофа жуда узоқдай туюлиб кетди.

Лекин шу жараён баҳонасида Зокиржон Машрабов аҳоли орасига чуқурроқ кириб, халқнинг муаммолари, одамларнинг шахсий дарду ҳасратлари билан

яқиндан танишди, сайловчиларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ошириш долзарб масала бўлиб турганини, агар эл-юрт унга ишонч билдириб, депутат бўлиб қолгудай бўлса, асосий эътиборни наказ бажаришга эмас, балки парламентда, Олий Мажлис сессияларида мамлакат ва юрт фаровонлигига эришиш борасидаги қонунлар яратишга қаратиш зарурлигини чуқур ҳис этди.

Ниҳоят, кўпдан қутилган ҳаяжонли кун – 5 декабрь ҳам етиб келди. Номзодлар, уларнинг сайлов участкаларидаги кузатувчилари, тарафдорлари бюллетен қутилари кеч соат саккизда очилса, натижалар соат ўнгача маълум қилинади-ю, кўнгил бир ёқлик бўлади, деб ўйлашган эди. Лекин 50 мингдан ортиқ сайловчи, тўртта номзоднинг сайлов бюллетенларини санаб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб чиқиш, баённомалар тўлдириш ва бошқа ташкилий масалалар кўп вақтни оларди. Тунги соат ўн бирда ҳам, ўн иккида ҳам, 6 декабрнинг саҳар тўртигача ҳам натижалар маълум бўлмагач, ҳамма уй-уйига тарқалди.

Қисқаси, сайловда тўрт номзод ичидан ҳеч ким ғолиб чиқмагани икки кундан кейин маълум қилинди.

Зокиржон ака бунга кўп ҳам ажабланмади. Аввалги сайловда ҳам у бошқа «рақиблари»га нисбатан кўп овоз олиб, иккинчи турга қолган эди, тагин айнан шундай бўлди-я...

Бу гал ҳаканлик ҳамқишлоқлари ундан ошқора узр сўрашиб, олдинги сафар ёшларимиз турли сохта ваъдаларга учиб, панд еганмиз. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деб унга ваъда беришганди. Тўғри, ҳаканликлар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Зокиржон Машрабов учун тўқсон фоиздан ортиқ овоз беришди. Лекин Андижон шаҳрининг 5 та кичик даҳасида яшовчиларнинг бу кишини унча яхши билмасликлари ҳисобигами, бошқа сабаблар ҳам бормиди, керакли миқдорга бир неча фоиз овоз етмади.

Зокиржон ака қийин аҳволга тушиб қолди. У билан бирга такрорий овоз йиғишга Андижон шаҳар 1-туғруқхона бош врачси, Ўзбекистон халқ демократик партиясидан номзод Лола Абдурахмонова қолган эди.

- Энди жуда ноқулай иш бўлди, аёл киши билан курашиш уят-ку, -деди у иккимиз холи қолганимизда (камина ҳам Зокиржон аканинг ишончли вакиллари билан бири эдим). - Яхшиси, мен номзодимни олиб қўя қолсам, нима дейсиз?

Тўғриси, мен ҳам Зокиржон аканинг депутат бўлишига унча қизиқмай қўйган эдим. Сабаби, 2000 йилда Бобур номидаги халқаро экспедициянинг шарқ мамлакатлари бўйлаб икки бора сафари режалаштирилаётган ва экспедиция аъзоси сифатида менинг ҳам ана шу сафарларда иштирок этишим назарда тутилаётган эди. Шунингдек, мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбари сифатида Бобур халқаро жамғармаси ҳомийлигида ва ҳамкорлигида бир неча адабий, маданий тадбирлар ўтказишни мўлжаллаб, Зокиржон ака билан келишиб қўйган эдим. Олий Мажлис сессиялари ва бошқа депутатлик юмушлари ана шу ниятларимиз ва режаларимиз ижросини ортга суриб ёки ўзгартириб юбориши мумкин эди.

Зокиржон ака кўпинча “Сизда дипломатлик етишмайди, ўзингиз адиб бўлсангиз ҳам, кўнглингизга келган гапни бадиийлаштириб, айлантириб ўтирмай, шартта айтиб қўя қоласиз”, дер ва каминанинг бу феълени маъқулларди.

Ҳозир ҳам шундай қилдим. Дилимдагини айтдим. Зокиржон аканинг хафа бўлмаслигини сезиб турардим, чунки у ҳам мени синаш, шунчаки фикримни билиш учун эмас, балки сидқидилдан гапираётган эди. Яъни мен:

- Унда мардоналик бўларди, -дедим.

- Китобингизда шундай деб ёзасизми? – деб сўради Зокиржон ака болаларча самимий жилмайиб.

- Албатта.

Икки кунми аввал тарих муаллими, Зокиржон аканинг хайрихоҳларидан бири Шукуржон Валиев билан Султон Махмуд Ғазнавий ва Рай шаҳри ҳокими Сайидабону можаролари тўғрисида гаплашган эдик.

Мазкур воқеа ҳақида тарихий асарлар устаси, таниқли адиб Миркарим Осим шундай ҳикоя қилади: “Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва Кўҳистоннинг ҳукмдори

Фахруддавла йигирма бир йил ҳукм суриб вафот этгандан кейин тахти унинг балоғатга етмаган ўғли Маждуддавллага қолади. Давлат ишларини унинг онаси Сайида бошқара бошлайди. Ундан фуқаро рози, аён ва кубаролар ҳам хурсанд эдилар. Кўп мамлакатларни босиб олган Султон Маҳмуд кунлардан бир кун Сайиданинг ҳузурига элчисини юбориб, унинг номига хутба ўқитиб, хирож тўлаб туришни талаб қилади. Сайида унинг элчисига шундай дейди: «Эрим тириклигида мен Маҳмуд Ғазнавий келиб юртимизни босиб олмасайди, деб кўрқар эдим, энди кўрқмаймен. Ё у енгади ёки мен. Мен зафар қозонсам, бутун дунё илгари юз подшоҳни енгган Маҳмуд аёл кишидан енгилбдур, дейди. Агар у ғолиб келса, шундай улуғ подшоҳ хотин кишини енгиб, фатхнома ёздирибдур, деб таъна қилмай. Бу Султон учун шон-шавкат эмас, шул сабабдан ҳукмдорингиз мен билан жанг қилмайдур!».

Оқилона жавобдан мутаассир бўлган Маҳмуд Ғазнавий Сайида тириклигида унинг юртига кўз тикмайди.

Бошқа бир манбада ушбу ривоят ўзгачароқ талқин этилади. Яъни, буюк табиб ва мутафаккир Ибн Синони кўпдан таъқиб остига олиб юрган Султон Маҳмуд унинг Рай шаҳрида эканлигидан хабар топгач, Сайидадан олимни Ғазнага юборишни талаб қилади. Акс ҳолда Райга қарши ҳужум очишини билдиради. Шунда зўр ақл-идрок эгаси ва тадбиркор аёл Сайида Султон Маҳмудга қуйидаги мазмунда хат ёзади: «Агар уруш натижасида сиз мени енгсангиз, одамлар Султон Маҳмуд фақат ожиз аёлнигина енгди дейдилар, холос. Агар мен енгсам, сиз учун жуда катта номусдир».

Биз мана шу ғоят таъсирли ва ибратли ҳикоятни эслашдик.

- Бўлди, ҳозир, сизнинг гувоҳлигингизда ариза ёзганим бўлсин, -деди Зокиржон ака ҳеч иккиланмай. Унинг ўша пайтдаги кайфиятида катта бир йўқотишни бошидан кечираётган кишиларда бўладиган ҳолатни, ачиниш, афсусни сезмадим. Аксинча, менинг наздимда, Зокиржон аканинг юзларидаги қизиллик қуюқлашди. У вужуди оғир бир юкдан, қалби катта ташвишдан халос бўлаётгандай енгил нафас оларди.



- Битта учрашув ташкил қиламиз, - деб ўз режасини ошкор эта бошлади Зокиржон ака. – Мен сўзга чиқиб, Бобур Мирзонинг ашаддий ғаними Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Буъага айтган узри ва унга кўрсатган муруввати, Маҳмуд Ғазнавий билан Сайида бону муносабатлари ҳақида гапираман-да, сайловчиларни Лолахонга овоз беришга даъват этаман, ўзим ҳам шу синглимизга овоз бераман, дейман. Қалай бўлади?

- Ҳақиқий жентльменлик, мард кишининг иши бўлади, - дедим ўзимни ҳам шу жумардликка шерикдай сезиб. - Қолаверса, сиз ҳозир ютиб турибсиз – ҳаммадан кўп овоз олгансиз. Ўйиндан чиқсангиз ҳам, ғолиб сифатида чиқасиз.

- Тўғри, -деди Зокиржон ака, -бизга хайрихоҳ бўлган ёру дўстлар, кўнгил яқинларни анча уринтирдим, овора қилдим. Лекин улар ҳам тушунишар, узр сўраймиз-да, - деди у ва шу заҳоти столи тортмасидан оқ қоғоз олди-да, ниманидир ёза бошлади.

Ариза битилди. Мен ҳам енгил тортгандай бўлдим. Шундан кейин Зокиржон ака сайловга дахлдор масъул одамларга кўнғироқ қилиб, ниятини билдирди.

- Келинг, хўп денг энди, -дерди Зокиржон ака жудаям мулойимлик билан. – Биринчидан, демак, «Аёллар йили»да бир аёл билан курашиб, уни қийнаб юрмайлик. Иккинчидан, демак, мени ёшим ҳам бир жойга бориб қолди, ёшлар депутат бўлишсин... Хафа бўлиб ёки бошқа фикрда айтаётганим йўқ, юракдан, самимий гапиряпман... Бу ёқда ўзи ишларим ҳам бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Бу йилги режамизда экспедиция сафарлари бор. Андижоннинг асл ёшини аниқлаш учун археологик қазувлар олиб бориш мўлжалим ҳам йўқ эмас...

Лекин мутасадди кишилар Зокиржон аканинг илтимосига рад жавобини беришди.

- Энди кеч бўлди, -дейишарди улар. – Бунақа аризалар қабул қилинмаяпти.

Ҳа, поезд кетиб қолган эди.

Зокиржон аканинг тарвузи кўлтиғидан тушди. Ҳарқалай, депутатлик учун курашнинг биринчи босқичидагичалик гашти, қизиғи қолмаганди. Тўғриси, дастлабки босқичда ҳам Зокиржон ака кўп ўйланган, иккиланган, номзодимни

олиб кўя қолсам, дея бир неча бор масъул ўртоқларга айтган, ён-атрофидаги хайрихоҳларга маслаҳат солиб кўрган эди. Бироқ улар рози бўлишмаган, ташаббускорлар эса, майдонга тушиб кўйдингиз, курашни охирига етказмай чиқиб кетиш ҳақиқий полвонларга хос иш эмас, қолаверса, биз нима деган одам бўламиз, деб, Зокиржон акани шаштидан қайтаришган эди.

Унинг қўли ишга бормай кўйди. Такрорий сайловдан икки кун олдин Президентимиз Ислон Каримов сайловчилари билан учрашгани Андижонга келди. Учрашувда Юртбошимиз Андижон замини ва бу вилоятнинг катта обрў ва нуфузга эга бўлган таниқли кишиларини таърифлаётиб, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори Зокиржон Машрабов исми-шарифини ҳам тилга олар экан, халқ ичига қараб, «ўзлариям шу ерда ўтирибдилар экан», деб таъкидлаб кўйди. Юртбошимизнинг алоҳида хурмат-эътиборидан Зокиржон ака жуда ҳам тўлқинланиб кетди. Бироқ, у кейинги кунларда шамоллаб юрган эди, шу кеча ётиб қолди. Тарғибот ишлари, сайлов участкаларига Миллий тикланиш партияси номидан кузатувчилар тайинлаш, бошқа ташкилий юмушларни Зокиржон аканинг ўғли Зоҳиджон бошқара бошлади. Шунда мен бу хушрўй, хушсурат, оғир-босиқ феълли йигит сиймосида меҳрибон отага муносиб қобил фарзандни, падари бузруквори учун чинакам садоқатли, жонкуяр ўғилни кўрдим. Ким биландир телефонда бу галги сайловнинг мураккабликлари, дадасига грип илашиб ётиб қолгани ҳақида куюниб гаплашаётганида кўнгли тўлиқиб, сўзлаёлмай қолди, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Мен мана шу сайлов олди тарғиботлари жараёнида Зокиржон ака ҳаётининг яна бир бахтли, ибратли жиҳатини ўзимга кашф этдим. Бу серзавқ, эҳтиросли, одамохун инсон атрофида унга ён босиб, тарғибот ишларининг ҳолати билан қизиқиб, зарур бўлса, кўмакка шайлигини изҳор этувчи тарафдорларнинг беҳад кўплиги, чиндан-да, ҳавас қилгулик ҳол эди. Булар – Зокиржон аканинг тенгқур қадрдонлари, содиқ жўралари, турли даврларда ҳар хил идора ва ташкилотларда бирга ишлашган жамоадошлари, унинг маънавият ва кадриятларимизни эъзозлаш, юксалтириш борасидаги фаолиятини ёқловчи ихлосмандлари, оддий-оддий инсонлар эди. Демак, Зокиржон ака мана шу юзлаб

одамларнинг кўнглидан ўзининг эзгу, савобли ишлари, меҳр-оқибати, яхшилиги билан муносиб жой топган, уларни ўзига дўст ва меҳрибон айлашга муваффақ бўлган экан.

Тарғибот даврида сайловчилар билан бўлган мулоқотлардан бирида хаканлик бир мўйсафид шундай дегани эсимда:

- Ўнтадан ҳам битта, биттадан ҳам битта, деганларидай, Зокиржон ёлғиз фарзанд, лекин у ўнтага татийдиган фарзанд. Отасини рози қилган, она дуосини олиб юрган ўғил. Ўтган улуғларни йўқлаб, руҳларини шод қиляпти. Шунинг учун уни Оллоҳнинг ўзи қўллайди.

Алқисса, Зокиржон Машрабов Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайланди! Лекин у бу юксак мартабага эришганидан ортиқча суюниб кетмади. Чунки, халқнинг, ўз юртдошларининг ишончи депутат зиммасига жуда катта масъулиятлар юклаши табиий эди, буни Зокиржон ака яхши ҳис қилиб турарди. Жамғарма тадбирлари, экспедициянинг келгусидаги сафарлари... Бу юмушлар энди ундан янада фаол, янада жўшқин, янада қизгин меҳнат қилишни, янада серғайрат, янада соғлом бўлишни тақозо этади.

Олис Оврўпадан келган хушхабар депутатимиз руҳини янада кўтариб юборди.

Зокиржон ака суюкли набиралари – Фотима-Зухраларни ўзи тарбиялаб, ўзи ўқитиб, ўзи уларни бир кунда турмушга узатган эди. Шу кунларда набира куёви – Буюк Британия пойтахтидаги Ўзбекистон суғурта компаниясининг вакили Нодирбек билан Лондон шаҳрида яшаётган Зухра ҳам ўғил кўришганди! Бу Зокиржон ака билан Мўътабахон опаларнинг биринчи чеваралари, Нубувватхон аянинг эса эвараси эди! Мана буни хонадон, оила ҳаётидаги энг қувончли воқеалардан бири, бахтиёрлик нишонаси деса арзийди...

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5 йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Президенти томонидан тасдиқланган ҳужжатга кўра Зокиржон Машрабовнинг депутатлик фаолияти ижобий баҳоланиши ва бу фаолиятнинг Олий Мажлис Раисининг миннатдорчилиқ билдириб ёзган табрик хати билан

яқунланиши Зокиржон Машрабов номзодини қўллаб-қувватлаган ва унга ишонганларнинг янглишмаганларидан далолат эди.)

*Бир киши бўйи баравар китоб ёзиши мумкин. Одамзоднинг имконият доирасидек кенг майдон бу оламда кам топилади. Зокиржон Машрабов Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган имкониятдан эзгу мақсад йўлида фойдаланиб келмоқда. Унинг узоқ йиллар давомида олиб борган машаққатли меҳнати тўғрисида бугун биз билан Бобур ўртасидаги масофа зоят қисқариб кетди. У ўзи босиб ўтган йўлларда Бобурдан қолган изларни топибгина қолмай, у ҳақдаги ҳақиқатни, унга бўлган меҳрни эл-юртларга сахийлик билан сочиб юрибди.*

*Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори, академик,  
Беруний номидаги Ўзбекистон  
Давлат мукофоти лауреати*

## ***ИККИНЧИ ҚИСМ***

### **НАВБАТ – АНДИЖОН ТАРИХИГА**

2000 йилдан Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси фаолиятида иккинчи босқич, янада муҳим давр бошланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 517 йиллигига бағишлаб 14 февраль куни вилоят ҳокимлиги раҳнамолигида Андижон шаҳрида «Бобур - буюк арбоб, беназир аллома, улуғ шоир» мавзуида халқаро илмий-маърифий анжуман ўтказилди. Унда Ҳиндистон ва Афғонистондан, пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарлардан таниқли бобуршунос олимлар, адиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Тадбир давомида меҳмонлар иштирокида Бобур ҳайкали пойига гуллар қўйилди, Бобур рамзий қабри зиёрат қилинди, Андижондаги Бобур қадамжолари бўйлаб саёҳат уюштирилди. Анжуман доирасида «Маънавият» нашриётида чоп этилган теурий-бобурийлар тарихига оид китобларнинг кўргазмаси ташкил этилди, бухоролик бобуршунос олим Раҳим Воҳидовнинг «Биз билган Бобур» рисоласининг тақдими ўтказилди.

Май ойида эса, «Соғлом авлод йили» шиори остида Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигида яратилган Соғлом авлод дастури ғояларини жамоатчиликка тарғибу ташвиқ қилиш, улуғ аجدодларимизнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги бебаҳо меросларини кенг оммалаштириш мақсадида маърифий-бадий анжуман ташкил этилди. Анжуман доирасида бир пиёла чой устида маҳалла фуқаролари ва зиёлилар олдида пойтахтдан келган ва маҳаллий олимлар, шоир ва ёзувчилар, мутахассисларнинг «Маҳалла – соғлом авлод

бешиги», «Бобур, Ҳумоюн, Акбар – уч буюк зотнинг маънавиятимизни юксалтиришдаги ибратли хислатлари», «Миллий мафкура ва баркамол авлод тарбияси», «Тарихий қадриятларни тиклаш – миллий мафкуранинг асосларидан бири», «Соғлом авлод тарбияси ва оила», «Улуғ аждодларимиз ижодида комил инсон орзуси», «Соғлом авлодни шакллантиришда ислом динининг ўрни» мавзуларидаги суҳбатлари, фикр-мулоҳазалари тингланди. Республикаимизнинг таниқли ҳофизлари ижросида куй ва қўшиқлар янгради.

Шу йили Жамғарма яна бир хайрли ишга астойдил киришди. Зокиржон акани кўп йиллардан бери бир масала қийнаб келарди. Қадимий Ипак йўлида жойлашган машҳур шаҳарлардан бири Андижоннинг ёши нега шу пайтгача аниқланмаган? Нега умуман Андижон тарихи бўйича маълумот-манбалар, тарихий-илмий тадқиқотлар кам? Ахир шундоғ ёнимиздаги Ўш шаҳрининг ёши уч минг йил деб белгиланди ва катта миқёсда нишонланди, дунёга овоза қилинди-ку? Ўнг ёнимиздаги Қуванинг ҳам ана шундай қадимий тарихга эга экани айтиляпти, Андижон ҳам шулар билан ёндош, тенгдош шаҳар-ку? Бу ёқда Довон деган улкан бир давлат пойтахти Эрши тўғрисида ҳам тайинли китоб битилмаган. Тарихчиларимиз шаҳар ёшини археологлар аниқлаши керак деб юришибдимикин?...

Аслида Зокиржон ака бу муҳим ишга Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раислигидаёқ киришган, лекин замон, даврлар чархпалаги терс айланиб, бу масала ечилмасдан қолиб кетган эди. Устига-устак, тиқилинч шаҳарнинг, қалин аҳолининг беҳисоб муаммолари ичида кўмилиб кетадиган раҳбарнинг ҳадеганда бошқа йўналишларга чалғиб кетаверишига ҳам имкон бўлавермас эди. Ташкилотчи, ташаббускор, серғайрат, серғоя инсон ҳар ерда, ҳар қачон ўзига иш очиб олаверади. Зокиржон ака ҳам бу менинг хизмат соҳамга кирмайди деб, анча-мунча жабҳалар, умумманфаатига дахлдор муаммолардан юз ўгириб оладиганлардан эмас. Унга ҳеч ким, сиз энди Бобур ва бошқа буюк аждодларимиз тақдири билан шуғулланинг, деб илтимос қилмагани ё кўрсатма бермаганидек, Андижон тарихига қизиқиши ҳам ўзининг дил амри, ўзи туғилиб ўсган шаҳар, юртга меҳр-муҳаббати, фуқаролик, фарзандлик бурчининг даъвати,

эътиқод, садоқат ифодаси эди. Қисқаси, у Ўзбекистон Фанлар Академияси Яҳё Гуломов номли Археология институти билан келишиб, ишни тўхтаган жойидан давом эттиришга аҳд қилди. Бу орада у ўзига ўхшаган яна бир изланувчан инсон – Избоскан фарзанди, археолог олим Боқижон Матбобоевни топиб олди. Боқижон, гарчи Самарқандда ишлаб, ўша жойда яшаса ҳам, даъватга - ота-она юрти Андижон тарихи билан шуғулланишга бажонидил розилик билдирди. Зокиржон ака Боқижон ва бошқа хайрихоҳ дўстлар билан маслаҳатни бир жойга кўйиб, тахминий иш режаларини тузиб олгач, таклиф билан вилоят ҳокимиغا мурожаат қилди, масаланинг нақадар долзарб, муҳимлигини, бу ҳар бир андижонликнинг фуқаролик, ҳеч бўлмаганда, оддий инсоний бурчи эканлигини баён қилди. Ҳоким жонкуяр фонд раҳбарининг муддаосини англади ва бу тадбирга албатта бош қўшажагини айтди. Ахир Жамғарманинг ўзи буюртмачи ва ҳомий бўлганидан кейин вилоят ҳокимлигига қандай оғирлик ҳам тушарди? Ҳа, Зокиржон ака жонажон шаҳри (сирасини айтганда у туғилиб ўсган ва ҳозирда яшаётган мавзе шаҳар худудидан ташқарида – Андижон тумани депарасида, бинобарин, бу борада биров ундан ўпка-гина қилмасди ҳам!) Андижоннинг ёшини аниқлаш, тарихини мукаммал ўрганиш учун ташкилий иш ташвишлари, югур-югурларгаю асосий жамғарма фаолиятини ривожлантиришга сарфланиши зарур бўлган вақти, куч-қуввати, сармоясини ҳам фидо қилишга ҳозир эди. Зеро, у Андижонни бошқалардан кўра кўпроқ яхши кўрар, эъзозларди.

Шундай қилиб, вилоят ҳокимининг «Андижон шаҳрида археологик тадқиқот-қидирув ишларини олиб бориш ҳақида»ги қарори юзага келди. Қарорда, жумладан, шундай сўзлар битилган эди: *«Вилоят аҳолиси, айниқса, ёшларни ўтмиш аجدодларимизга, тарихимизга ҳурмат, муҳаббат, садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мамлакатимиз кўҳна тарихида қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланувчи Андижоннинг тутган ўрнини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида батафсил илмий маълумотлар тўплаш, унинг ёшини аниқлаш борасида бошланган археологик тадқиқот-қидирув ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида*

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН...**

Қарорда вилоят Электр тармоқлари корхонаси, «Андижонтелеком», «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси, Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, Ички ишлар бошқармасига, шунингдек, Андижон шаҳри, Андижон тумани ҳокимларига ва бошқа тегишли ташкилот, муассасаларга Андижон шаҳри ва Андижон тумани ҳудудларида археологик қидирув ишларини олиб бориш даврида келиб чиқадиган муаммоларни ижобий ҳал қилишда зарур ёрдам кўрсатиш топширилган эди.

Зокиржон ака ишнинг гирдобидида қолди, лекин у кўнглидаги эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқаётганидан ўзида йўқ мамнун эди. Жамғарма тасарруфидаги «Мадор» инженерлик ишлаб чиқариш бошқармаси билан Археология институти кучларини бирлаштириб, тажрибали муаррих Сайфиддин Жалилов, археолог Боқижон Матбобоев ва бошқа мутахассислар кенгашган ҳолда тупроқ қатламларига, тарих қаърига дадил йўл олиш мумкин эди ва шундай қилдилар ҳам. Бу соҳа ҳам Зокиржон ака учун, аслида ҳамма учун Бобур ва бобурийларнинг бутун дунёга сочилиб кетган ўлмас ва бебаҳо меросларини тўплаш, илмий жиҳатдан теран ўрганиш, улардан халқимизни, хусусан, ўсиб келаётган ва ҳали кўп нарсалардан беҳабар ёш авлодни баҳраманд этишдан кам аҳамиятга эга эмас эди. Зеро, бу соҳаларнинг бири иккинчисисиз мукамаллик касб этиши қийин, шу жиҳатдан уларни икки қанотга қиёс этиш мумкин эди.

### **АНДИЖОН – ҚАШҚАР – ДАККА**

Археологлар қидирув ишларига киришдилар, энди экспедициянинг навбатдаги сафарига хотиржам жўнаш мумкин. Тўғриси, экспедиция раҳбари тайёргарликни аллақачон бошлаб юборган эди. Зокиржон ака бир ишнинг якунига етмагунча бошқасини четроққа суриб турадиганлар тоифасидан эмас. У бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда бемалол фаолият олиб бора олар,



вазиятга, шарт-шароитга кўра, бирини қўйиб, иккинчисини силжитиш чорасини ахтариб топарди. Маълумки, экспедициянинг ўзига яраша заҳматлари, машаққатлари бисёр. Шулардан бири, шубҳасиз, кўзда тутилган йўналишдаги давлатларга уларнинг Ўзбекистондаги элчихоналаридан виза - рухсат олиш. Зокиржон аканинг август ойданоқ бир оёғи Андижонда бўлса, иккинчиси Тошкентда эди. Баъзан бобуршунос олим, профессор Неъматилло Отажонов ва камина ҳам ҳамроҳ бўлардик. Бу пайтда Қамчиқ довони кенгайтирилиб, асфальтланган, доводда қурилаётган иккита туннелнинг мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида ишга туширилиши натижасида йўлнинг энг баланд айланишлари, хавfli бурилиши кўп жойлари анча пастлатилиб, равон кўринишга келтирилган, шу аснода масофа ҳам бир неча ўн километрга қисқарган эди. Раҳбаримизнинг хизмат машинаси – оппоқ рангли «Нексия» Андижондан Тошкентга, Тошкентдан Андижонга шамолдай еларди.

Экспедициянинг бу галги йўналиши олис, мақсад ва режалари анча бой, тиғиз эди: Бобурийлар салтанати таркибига кирган Бангладешга бориш, у ерда бобурийларга дахлдор жойларни, улардан қолган тарихий, илмий, бадий мерос, меъморчилик ёдгорликларини ўрганиш... Яна бир аниқроқ вазифа - Қашқарда Заҳириддин Бобурнинг бизгача етиб келмаган «Асрори мусиқий» асари кўлёмасини излашдан иборат эди. Шу йили сал аввалроқ «Халқ сўзи» газетасида мусиқашунос Х.Олимжоновнинг бир мақоласи чоп этилган бўлиб, унда юқоридаги асар Қашқардаги кутубхоналардан бирида сақланаётгани айтилган, Зокиржон ака мақола муаллифи билан суҳбатлашиб, ишонч ҳосил қилгач, Қашқарга мумкин қадар тезроқ етиб боришга ошиқарди. Шунинг учун Бангладешга Хитой орқали юриш мақсадга мувофиқ ва жуда муҳим эди. Қашқарга виза - рухсат олиш эса осон эмас эди. Сафар йўналиши билан боғлиқ бошқа муаммо ҳам бор эди: ўша пайтларда Ҳиндистон билан Покистон ораларига андак совуқчилик тушиб тургани боис, Ҳиндистон ҳудудига Покистон орқали ўтиш жумбоғи ҳам ечилмаётганди. Ҳиндистон элчихонаси ходимлари Хитой билан юрсаларинг, бизнинг мамлакатга Непалдан ўтганингиз дуруст эди, деган фикрни билдиришар, раҳбаримизга эса бу таклиф унча маъқул

тушмаётганди. У ҳолда Непалга ҳам виза олиш керак, ҳолбуки, у мамлакат экспедиция дастурига кирмаган эди: анча ортиқча масофа ва вақт сарфланарди. Бу ёқда эса ҳали Туркменистон, Эрон, Покистон давлатларига рухсат олиш масаласи турарди.

Бу мураккаб жараёнлар, орада каминанинг паспорт ва бошқа ҳужжатларни ўғрига урдириб юбориб, қайта паспорт олиши билан боғлиқ машмашалар тўғрисида мазкур сафар натижаларига бағишланган сафарномада батафсилроқ сўз юритилгани боис, бу ерда ортиқча тўхталиб ўтиришни лозим кўрмаймиз.

Амалга ошишига ишонмаса бир мақсадни кўзламайдиган Зокиржон ака охир-оқибат Хитой элчисига ҳам, Ҳиндистон ваколатхонаси ходимларига ҳам ўз сўзини, фикрини ўтказди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Цин Се рухсат беришга бердию, лекин негадир тезроқ жўнаб кетишимизни истамаётганга ўхшарди. Аввалига у 1 октябрь - хитой халқининг миллий байрами, шунинг учун бу кунларда мамлакатимиз ҳудудига ўтишни тавсия этмаймиз, деди. Раҳбар сафар кунини бир ҳафтага кечиктирди, бир ҳафтадан кейин эса, Хитой элчихонасидан 10 октябргача чегара-назорат пунктлари берк бўлади, деган мазмунда хат келди. Зокиржон ака узил-кесил 11 октябрни танлади.

Шу куни, одатдагидай, раҳбарнинг ташаббуси билан Бобур миллий боғи биқинидаги, Ўш йўли билан ёндош ошхоналардан бирида ош дамланиб, кузатув маросимига вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, зиёлилар, маҳалла фаоллари, экспедиция аъзоларининг кўнгил яқинлари йиғилдилар ва улар дил сўзларини айтиб, бизга оқ йўл тиладилар. Жумладан, вилоят ва республика миқёсидаги катта лавозимларда ишлаган, мўътабар фахрийлардан бири, тўқсонни қоралаётган Пўлатжон Қаюмов автомобилда юз минглаб чақирим масофаларни, яхши-ёмон йўлларни босиб ўтиб, олис хорижий мамлакатлардан бобурийлар ва бошқа улуғ аждодларимиз томонидан яратилган тарихий, бадий, илмий китоблар, ноёб қўлёзмаларнинг топиб келинишини катта жасорат сифатида баҳолади, сафаримизнинг беҳатар бўлишини тилади, ҳамма дуога қўл очди.

«Тойота» кичик автобусида қуйидаги таркибда йўлга чиқдик: раҳбардан ташқари Наманган давлат университети профессори, бобуршунос олим Неъматилло Отажонов, Ўзбекистон телевидениеси ходими Фаррух Расулов, Бобур истироҳат боғининг директори Илҳомжон Мамарозиқов ва камина.

Машинамиз тушовда димланиб, чопишни қўмсаган тулпордек елиб кетди. Ўш шахридан қадимий Ипак йўли бўйлиб кун чиқишга қараб жўнадик. Йўлнинг тахминан учдан бир қисми дуруст, қолгани таъмирсиз, энсиз ва файзсиз эди. Лангар, Бекжар, Олой, Гулча, Тошқора, Жили суу, Мурдаш, Кунэлэк (Хитойдан келаётган карвонни қор босиб қолиб, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо ёрдам учун одамлар юборган жой), Учтепа каби шаҳарча ва овуллардан, Саритош постидан, Толдиқ довонидан ўтиб, 390 километрдан зиёдроқ йўл босиб, Эргаштом божхона-чегара постига етиб бордик. Бу ерда эса бизни нохушгина кутиб олишди. Зокиржон ака Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқовга учраганида, элчи «Шу йил (яъни 2000 йил) 2 июль куни Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида виза битими бўйича шартнома имзолангани, ўша ҳужжатга асосан Қирғизистон ҳудудидан ўзбекистонликлар, Ўзбекистон ҳудудидан қирғизистонликлар уч кун ичида чиқиб кетадиган бўлса, виза шартмас»лигини, бу борада ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтган эди. Биз Қирғизистон депарасида ҳали бир кеча-кундуз ҳам юрмагандик. КППчилар эса биздан виза - рухсатнома талаб этишарди.

Улар узр-маъзурга, илтимос, ўтинчларга елка қисиб тураверишар, гап уқдиришнинг иложи йўқ эди. Икки кеча қолиб кетдик. Биринчи куни қор совуғи уфураётган тоғлар қуршовидаги қаттиқ шамолда тебраниб, чайқалиб турадиган вагон-уйчада (ижарада) ечинмасдан, устимизга топилганки эски кўрпа-тўшак, пўстин-пўстакларни ташлаб ётдик. Эртасига, ҳарқалай, раҳмлари келди шекилли, ўзлари яшайдиган уйчалардан бир хонани беришди. Сим каравотлари ночор, матрасларининг пахталари мушт-мушт бўлиб белга ботар, аммо чидашдан, сабр қилишдан бошқа чорамиз йўқ эди.

Икки кунгача Зокиржон ака Тошкентга қўнғироқ қилиб, пойтахтдаги танишлар билан боғланар, телефон аппаратларининг эскилиги, боз устига

алоқанинг умуман носозлиги боис, муддаони англатиш, у ёқдагиларнинг гапини тўла эшитиш мушкул эди.

Ниҳоят, учинчи куни тушдан кейин Бишкекдан факсда Хитойга ўтишимизга рухсат келди. Кеч кириб қолаётгани учун шоша-пиша жўнадик. Хитой чегарачилари бизнинг ташрифимиздан хабарлари борлигини айтишди (Мазкур давлат элчиларининг пухталиги, батартиблигига тан бериш керак). Улар жуда мулойим, айна вақтда ўта синчков, қаттиққўл эдилар: халта-палталаримизнинг тит-питини чиқариб юборишди.

Қашқарда асосан Бобур Мирзонинг «Асрори мусиқий» асарини ахтариш билан шуғулландик. Китоб дўконларини айландик, шаҳар ва олийгоҳларнинг кутубхоналарида бўлдик, афсуски, биз қидирган қўлёзмадан дарак чикмасди. Лекин Зокиржон ака бир режани узоқ пишитар ва унинг амалга ошиши учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. У юқоридаги асар қўлёзмаси ёки нашрини топишни жуда-жуда истарди. «Тангритоғ» номли китоб дўконида шу мавзудаги бошқа бир рисола – Исматиллоҳ ибн Неъматиллоҳ Мўъжизийнинг «Таворихи мусиқиюн» («Мусиқа тарихи») асарини қўлга киритгач, Зокиржон ака ана шу китобчанинг нашрга тайёрловчиларини суриштира кетди. Улардан бири Анвар Ботур оламдан ўтган, Ҳамид Темур дегани Урумчида яшар экан. Раҳбар унинг уй телефонини қийинчилик билан топди. Ҳамид Темурни Пекинга кетган дейишди. Зокиржон ака у ёққа ҳам сим қоқди. Ҳамид Темур ижодий таътилда экан, тўрт-беш ойдан кейин қайтишини айтибди, лекин, маълум бўлишича, Бобурнинг «Асрори мусиқий» асаридан унинг ҳам хабари йўқ экан. Зокиржон ака Тошкент билан боғланиб, «Халқ сўзи»даги мақола муаллифининг юқоридаги маълумотни қаердан олганлигини аниқлашга уринди, аммо бу телефонда битадиган иш эмас эди.

Зокиржон ака яна Урумчига – Пиримкул Қодировнинг «Авлодлар довони» рўмонинг уйғур тилига таржимонларига қўнғироқ қилди. Таассуфки, улар ҳам бу борада тайинли ахборотга эга эмас эканлар.

Шундан сўнг бу режани кейинга қолдириб (раҳбар Бобурнинг бизгача етиб келмаган асарини топишдан умид узмаган, умид узмоқчи ҳам эмас эди), Юсуф

Хос Ҳожиб, Офоқ хўжа, Маҳмуд Кошғарий ва бошқа улуғларнинг қабр-мақбараларини зиёрат қилгач, кўхна Тошқўрғон, Гилгет шаҳарлари орқали хавфли бурилишлари бисёр, тор ва танг Қорақурум довонида юрак ҳовучлаганча, Покистонга йўл олдик.

Асосий муддао янги манзил – Бангладеш бўлгани боис, Покистонда кўп тўхтамай, Ҳиндистонга ўтиб кетдик.

Маълумки, экспедициянинг Ҳиндистонга қилган биринчи сафари чоғида Бобурийлар авлоди – ҳайдарободлик Тусийларнинг топилиши бобуршунослик тарихида янгилик бўлган ва бу воқеа давлат аҳамияти даражасига кўтарилган эди. «Марказий Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари»га бағишланган нуфузли халқаро анжуманга Ўзбекистон делегацияси таркибида Дехлига борган Зокиржон Машрабов шу ташрифи чоғида ҳам ўз экспедицияси фаолиятини давом эттиради. Юқорида қисман зикр этганимиздай, унинг кулоғига Дехлида бобурийлар авлодидан бўлмиш Покиза Султонбегим исм-шарифли бир аёл яшайди, деган хабар чалинган эди. Ўшанда қадрдони, таниқли ҳинд шоири, бобуршунос олим Қамар Раис ҳамроҳлигида Покиза Султонбегимни топишга ва у билан суҳбатлашишга муяссар бўлган эди. Бу сафар бизни, яъни, экспедиция аъзоларини ўша хонадонга бошлади. Покиза Султонбегим билан бўлган суҳбат-мулоқотимиз жуда қизиқарли, жўшқин ўтди. Унинг уйидаги тарихий суратлар, хужжатлар, газета ва журналларда чоп этилган мақолалар, эсдаликлар бу мўътабар аёлнинг Баҳодиршоҳ II – Зафарга, яъни бобурийларга бошқалардан ҳам кўра яқинроқлигини тасдиқларди.

Покиза Султонбегимнинг Лондон шаҳрида яшаётган опаси Тоҳира Султонбегим эса шоира экан. Бобурийзода хоним Зокиржон акага опасининг урду тилида нашр этилган шеърий тўпламини тухфа қилди.

Экспедиция сафари дастурига Бангладеш мамлакати ҳам киритилганига айримлар ажабланган бўлишлари эҳтимол: ахир Заҳириддин Бобур у юртда бўлмаган-ку?.. Ваҳоланки... Зокиржон ака беҳуда вақт ва маблағ сарфлайдиган таваккалчилардан эмас. Унинг ибратли сифатларидан бири - ҳамиша аниқ мақсад билан, ҳисоб-китобли иш юритишидир.

Аввал Ҳиндистон таркибида бўлган Бангладеш худудида ҳам бобурийлар номи билан боғлиқ жойлар анчагина экан: Акбарпур, Шоҳжаҳонпур деган мавзелар, шаҳарчалар...

Пойтахт Дакканинг гавжум масканларидан бири бўлмиш Лаълбоғ қалъа-музейи таркибидаги бобурийларга бағишланган мозийгоҳ эса экспедиция солномасининг ёрқин ва ўзига хос саҳифаларидан яна бири бўлди, десак асло муболаға эмас! Аврангзеб Оламгирнинг ўғли Аъзамшоҳ томонидан 1678 йили бошланиб, 1688 йили Бенгалия ҳокими Шойистахон Субадор томонидан куриб битказилган қалъа ҳовлисининг кун чиқиш тарафидаги икки қаватли бино фақат ва фақат бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган осори атиқалардан иборат эди. Мозийгоҳнинг ашёлари кўп ва жуда қимматли эди: кейинги бобурий ҳукмдорлар даврида ишлатилган пичоқлар ва уларнинг ёғоч ғилофлари, қиличлар, дубулға (темир қалпоқ), ўқ ўтмас металл нимча(совут)лар, ингичка, қаттиқ симдан майда занжирсимон қилиб тўқилган аскарый кийимлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн, Жалолиддин Муҳаммад Акбар, Жаҳонгиршоҳ, Аврангзеб-Оламгир, Баҳодиршоҳ-I, Муҳаммад Фаррух-Сияр, Аҳмадшоҳ, Азизиддин Муҳаммад Оламгир, Муҳаммадшоҳ, Муаззамшоҳ, Аълам Баҳодир, Муҳаммад Иброҳимшоҳ, Муизиддин Жаҳонгиршоҳ (исм-шарифлар ўша музей хужжатларида қандай битилган бўлса, шундай олинди) ва бошқа императорлар даврида зарб этилган танга-пулларнинг намуналари, Аврангзеб, Аъзамшоҳ суратлари, Бобур Мирзо, Акбар, Шоҳолам фармонлари... Аврангзебнинг мазкур қалъани барпо этиш тўғрисида ўғли Аъзамшоҳга берган фармони битилган тош...

Биринчи қаватдаги алоҳида шийпонда эса туфакандоз турибди. Унинг ёнига «Бобурийлар» (афсуски, у жойда «мўғуллар» дейилган) ишлатган замбарак» деган ёзув битилган. Умуман олганда, бобурийларнинг асосий салтанати бўлган Ҳиндистон ва Покистон мамлакатларида ҳам бунингдек махсус мозийгоҳни кўрмаган эдик.

Раҳбарнинг ушбу йўналишдан кўзда тутган яна бир муҳим режаси Баҳодиршоҳ- II – Зафар сургун қилинган Рангун (Бирма)га ўтиб, сўнгги бобурий

шоҳнинг қабр-мақбараси ҳолидан хабар олиш, у билан бирга кетган яқинлари тақдирини сўраб-суриштириш, Зафар тахаллуси билан ижод қилган шоҳ-шоирнинг бобокалонларидан қолган ва ўша юртга олиб кетилган бой кутубхонасини, китоб ва қўлёзмаларини қидириш эди. Афсуски, бу ёпиқ мамлакатнинг талаб-тартиблари ва бошқа сабабларга кўра у ёққа ўтиш имкони бўлмади.

## ҲИНДИСТОН БЎЙЛАБ

Раҳбар энди Ҳиндистонга қайтиш, тезроқ Патна шаҳрига етиш, Тошкентда адабиётшунос, шарқшунос олимлардан суриштириб-билгани –Худобахш кутубхонасини кўриш орзусида эди. Ушбу илму дониш маскани дунёдаги энг йирик кутубхоналардан бири бўлиб, унда араб, форс, урду, пуштун тилларида битилган 20 мингдан ортиқ турли даврларга оид, энг машҳур ҳаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзма-асарлар, ҳар хил тил ва шаҳарларда чоп этилган 200 мингга яқин китоблар сақланарди. Биз учун муҳими – зиёхонада бобурийларга оид китоблар, қўлёзмалар ҳам кўп эди. Жумладан, салкам 500 йил аввал Байрамхон томонидан кўчирилган икки жилдли «Воқеоти Бобурий», ҳижрий 1082 йилда кўчирилган Жавоҳирнинг «Тазкират-ул воқеот», «Тарихи хонадони Темурия» асарлари қўлёзмаларининг кутубхона мутасадди ва ходимлари томонидан кўз қорачиғидек асралаётганига гувоҳ бўлдик, ўзимиз ҳам бу ноёб дурдоналарни оҳиста варақлаб кўрдик. «Тарихи хонадони Темурия» асарини соҳибқирон Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари акс эттирилган 130 дан зиёд миниатюра суратлари безаб турибди.

Лакнов университетини қошидаги 1200 дан ортиқ қўлёзма ва каттагина китоб жамғармасига эга бўлган Робиндранат Тагор кутубхонасида, Ислом Университетини хузуридаги “Надват-ул уламо” деб номланган мадрасанинг шарқшунослик кутубхонасида ҳам Бобурийларга оид кўплаб нодир китобларга дуч келдик. Инглиз тилидаги «Бобурнома», инглиз шарқшунослари, бобуршуносларидан Уильям Эрскиннинг «Ҳиндистон тарихи», «Темурийлар ва

бобурийлар даври», «Бобур ва Ҳумоюн», Стейн Лейн Поулнинг «Император Бобур», австралиялик шарқшунос Фридрих Аугустуснинг «Император Акбар», таниқли хинд адиби Муни Лаълнинг «Шоҳ Жаҳон», Маҳди Ҳусайннинг «Баҳодиршоҳ-II» каби ҳажман йирик асарлари бор эди.

Р.Уильямснинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Г.Лэмбнинг «Бобур – йўлбарс», Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвеш», Румер Годеннинг «Гулбадан» асарлари эса Бобур ва бобурийларнинг Оврўпада ҳам катта эҳтиромга сазоворлигидан далолат берар, бу эса биз учун катта шараф эди.

Мазкур китобларнинг аксариятини шаҳар китоб дўконларидан қидириб топдик. Улар анча қиммат – сафарда юрган кишини бир оз эсанкиратиб қўядиган даражада эди. Лекин Зокиржон ака бир сония ҳам иккиланиб ўтирмай, китобларни сотиб олди. Раҳбарнинг ўша дамлардаги қувончини кўрган одам кутилмаганда катта бойликка эга бўлибди ё кўп замонлардан бери қидириб юрган ноёб нарсасини топганга ўхшайди, деб ўйлаши турган гап эди. Экспедиция аъзоларидан қай бирининг дилидан эса “китобларга шунча пул сарфлаб юборяпмиз, бизнинг келгуси кунлардаги молиявий аҳволимиз қандоқ бўларкин...” деган ташвиш-ҳадик кечиши ҳам мумкин эди. Бироқ, айти ана шундай пайтларда, яъни эришилган ғалаба йўлида мўлжалдагидан ортиқроқ маблағ харжланган кунларда раҳбарнинг боз сахийлиги, тантилиги тутиб кетарди – тушлик учун катта ресторанлар, тунашга юлдузли меҳмонхоналар танланарди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизгача етиб келмаган асарларидан бири «Хатти Бобурий»дир. Бу Бобурнинг шунчаки бир асари эмас, унинг кашфиёти, ихтироси дейиш мумкин. Араб алифбосининг зеру-забарлари уни оммавий равишда ўрганишга монелик қилишини ўйлаган Бобур Мирзо одамларга енгиллик туғдириш мақсадида 29 ҳарфдан иборат, қўлланилиши бир қадар содда туркий имло тuzган ва уни Хатти Бобурий – Бобурий ёзуви деб атаган эди. Муаллиф, яъни ихтирочи ўз алифбосида Қуръони Каримни кўчириб, Саудия Арабистонига юборгани аён, унинг кейинги тақдири номаълум эди. Зокиржон ака кўп изланишлардан кейин бу мўътабар манба Эроннинг Машҳад шаҳридаги Имом Ризо зиёратгоҳи кутубхонасида сақланаётганини ҳам аниқлаган эди. Унинг



дипломатлиги, танишу нотанишлар қалбига йўл топа билиш салоҳияти ҳамда қизгин саъй-ҳаракатлари натижасида юқоридаги ноёб китобдан бир неча саҳифа кўчирма-намунанинг қўлга киритилиши ҳам экспедициянинг жиддий ютуқларидан бири бўлди.

Экспедиция Андижонга ёруғ юз билан қайтиб келганида Зокиржон акани яна бир муҳим хушхабар кутарди: «Бобурнома»нинг уч жилддан иборат танқидий матнини яратган Эйжи Манодан «Бобур даври» номли асарини ёзиб тугатганлиги тўғрисида нома келган эди. Япон олими Бобур жамоат фонди раҳбари мустаҳкам алоқа ўрнатган таниқли жаҳон бобуршуносларидан бири сифатида Зокиржон ака учун ҳам, Андижон учун ҳам қадрлидир.

\*\*\*

Бобур номидаги Халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги илмий сафари яқунларига бағишлаб илмий-адабий жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Тошкентда ўтказилган ҳисобот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Мелибоев, таниқли ёзувчи ва олимлар Саид Аҳмад, П.Қодиров, О.Шарафиддинов, Э.Воҳидов, Н.Иброҳимов, М.Ашуров, Муҳаммад Али, Б.Қосимов, экспедиция аъзолари, республика радио-телевидениеси, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари (жами 60 га яқин) қатнашдилар.

Раислик қилувчи Х.Султонов Андижонда ташкил топган Бобур номидаги Халқаро илмий экспедициянинг шу кунгача бобурийлар изидан Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафарлари ва уларнинг илмий натижалари ҳақида гапириб, хусусан, кейинги - саккизинчи сафари яқунларига алоҳида тўхталди.

Маълумки, олис ўтмишда юртимизда яратилган ва турли сабабларга кўра ҳозирги вақтда чет элларда сақланаётган маданий меросимиз намуналарини ўрганиш, имкон даражасида уларни Ватанимизга қайтариш бўйича сўнгги йилларда Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Бобур Халқаро жамғармаси ҳам ўз Низом ва дастуридан келиб чиққан ҳолда, бу борада фаол иш олиб бормоқда.

Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов шу ҳақда фикр юритиб, Темурийлар ва Бобурийлар изидан, уларнинг тарихий, илмий-бадий, меъморчилик соҳаларидаги фаолиятлари, меросларини чуқур ўрганиш мақсадида йўлга чиққан экспедициянинг Хитой Халқ Республикаси (Қашқар)да, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон мамлакатларида кўлга киритилган қўлёзмаларнинг ксероноусхалари, сотиб олинган (аксарияти юқорида зикр этилган) бадий асарлар, илмий тадқиқотлар - жами 35 га яқин китоб ва бошқа ноёб ашёлар, қимматли маълумотлар ҳақида, зиёрат қилинган, кўриб ўрганилган музейлар, кутубхоналар, бобурийларнинг қабр-мақбаралари, улар яратган қалъалар, меъморий обидалар, боғ-роғлар тўғрисида сўзлади, экспедициянинг ана шу сафари натижаларидан келиб чиқиб, яқин келажакда рўёбга чиқарилиши кўзда тутилаётган режалари билан ўртоқлашди.

Экспедиция аъзоларидан Неъматулло Отажонов, камина ҳам ўзимизнинг сафардан олган таассуротларимиз хусусида қисқача гапириб бердик.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, шарқшунос олим, академик Неъматулло Иброҳимов, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ва бошқалар экспедиция фаолиятининг диққатга сазоворлигини, унинг тарғиботини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини изҳор этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг таклиф ва тавсиялари асосида экспедиция олиб келган манба-маълумотларни чуқур ўрганиш, инглиз, урду, ҳинд, форс ва бошқа тиллардаги Бобур ва унинг авлодлари ҳақида ёзилган илмий, бадий асарларни таржима қилиб, халқимизга етказиш борасида амалий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, жумладан, «Бобурнома» ва унга ишланган миниатюра суратларини юксак сифатли, алоҳида нашр тарзида чоп этиш бўйича З.Машрабовнинг таклифини маъқуллаш, экспедиция раҳбарига келгусидаги сафарларни Бобур ва бобурийларга оид манбалар мавжуд бўлган Европа қитъаси ва бошқа мамлакатлар бўйлаб давом эттиришни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридаги анжумандан кейинроқ Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги мухбири Махмуд Бурхон билан Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси, илмий экспедиция раҳбари З.Машрабов ўртасида куйидагича мулоқот бўлиб ўтди:

**Савол:** Бобурнинг ўзбек давлатчилиги ва адабиётидаги ўрнига бугуннинг назари билан шарҳ берсангиз.

**Жавоб:** Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк илмий, адабий меросини, давлатчилик фаолиятини яқиндан ўрганиш Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан кейин амалга оша бошлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамма жойда, ҳамиша давлат қуриш ва ҳукумат сиёсатининг асосини юргизишда улуғ бобокалони Соҳибқирон Амир Темурнинг тажриба ва тузукларига суяниб, маъмурий-территориал усулни қўллаган, яъни, ҳар бир шаҳар ва вилоят ишонарли - яқин кишилари томонидан бошқарилган. Аҳолини турли уруғлар ва қабилавий бирлашмалар ташкил этган бўлса ҳам, улар умумий қадриятлар ҳисобланмиш фикрлаш йўсинлари, урф-одатлари, асосий омил - исломий эътиқод жиҳатидан бир хил бўлган эди. Бобур Мирзо давлатни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш тизими ҳақида «Мубаййин» асарини ёзиб, шунга биноан иш юритишни тавсия қилган. Андижонда ҳам, Кобулда ҳам, бепоён Ҳиндистонда буюк бобурийлар сулоласини яратишда ҳам ўзининг салтанатни идора қилиш тамойиллари борасидаги эътиқодига содиқ қолди. Аслида Бобур Мирзода улуғ шахсга хос кўплаб фазилатлар тажассум топган. У жасур тадбиркор, шижоатли ҳукмдор, ўз ортидан одамларни эргаштира оладиган саркарда эди. Энг муҳими, Бобур Мирзо давлати халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларига асосланар, айна шу хусусият ўзбек давлатчилиги ўзагини ташкил этарди.

Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо талончилик билан шуғулланган навкарларини жазолар, давлат, салтанатнинг обрў ва шаънига путур етказадиган ножўя хатти-ҳаракатларни мурасасизлик билан даф этар эди. Яъни, у ҳамиша халқ ва адолат тарафдори сифатида иш кўрарди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғворлиги ва у яратган салтанатнинг умри боқийлиги сири, моҳияти, ибратли томони ҳам шунда эди.

Маданият, маънавият, яратувчилик фаолияти ҳам Бобур давлатининг устунлари эди. Бу соҳаларга, шунингдек, илм-фан ривожига давлат аҳамиятига молик иш сифатида қараларди. Бобур Мирзо ўзининг қўл остидаги шаҳарларда сарой, қасрлар қурдирди, боғлар яратди – у ўзи ҳукмдорлик қилаётган мамлакатнинг гўзал бўлишини, халқининг маъмур ва фаровон яшашини хоҳлар, шунга ҳаракат қилар, бошқалардан ҳам шуни талаб этар эди.

Бобур Мирзо ўзининг бунёдкорлиги билан машҳур бўлган. Албатта, даврлар ўтиши билан яратилган иншоот-иморатлар, саройлар, катта-катта меъморчилик обидалари, боғу-роғлар ўша давр ҳокими шуҳратининг белгиси бўлиб қолаверади. Қувончли томони ҳам шундаки, бу борада Бобур Мирзо ва бобурийлар фаолиятининг бунёдкорлик жиҳатлари бутун оламга кўзгу бўлиб, бир қанча асрлар давомида тан олиниб келинмоқда.

Биз Панипат шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Иброҳим Лўдий ўртасида Ҳиндистон тақдири учун бўлган жангдаги Бобур Мирзо ғалабасини намоиш этувчи, очиқ тарихий музейни кўриб, ҳинд халқига ва Ҳиндистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этдик. Ушбу меъморчилик мажмуаси Ҳиндистон халқи ва ҳукумати томонидан бобурийлар сулоласига кўрсатилган ҳурмат рамзи бўлиб, уларнинг Ҳиндистон тарихида алоҳида ўрин тутганлигидан далолат эди.

Бобур Мирзо ўзбек халқининг фарзанди бўлса ҳам, Ҳиндистон тарихида унинг авлодлари ғайриилмий равишда «мўғуллар» деб аталиб келинди. Бобурийлар - ўзбеклар сулоласи ҳозирги Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида мамлакатни узоқ даврлар мобайнида моҳирлик билан бошқариб келдилар. Зеро, мазкур империяга асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан

тортиб то бу мамлакатнинг гуллаб-яшнашига бекиёс ҳисса қўшган кейинги ҳукмдорлар – қобилиятли давлат арбобларининг темурийлар наслидан келиб чиқишининг ўзи табиий ҳол эди.

Бу даврда салтанат ҳукмдорларининг асосий эътибори сиёсий бирликни таъминлашга қаратилган бўлиб, хорижий мамлакатлар билан муносабатлар тикланди. Бу ҳолат чет мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини йўлга қўйиб, давлат иқтисодини ва Осиё мамлакатлари билан маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ёрдам берди.

Шуниси эътиборга молиқки, бобурийлар умуминсоний кадриятларни, ислом ва бошқа динларни бир-бирига яқинлаштириш йўли билан турли дин ва мазҳабдаги кишилар ва элатларни бирлаштириш асосида давлатни мустаҳкамлаб, ҳокимиятни бошқардилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳлик ва шоирликни маҳорат билан уйғунлаштира олган. Унинг ўзбек адабиётидаги ўзига хос ўрнини ҳеч ким боса олмайди. «Бобурнома»нинг, ўлмас ғазалларнинг ва бошқа қатор асарларнинг ўзбек тилида юксак истеъдод билан ёзилганлигининг ўзи ана шу мавқенинг умрбоқийлигини таъминловчи бош омилдир. Қолаверса, ҳазрати Навоийдан сўнг ҳеч ким Бобурчалик «кўп ва хўп айтқон эмас».

***Савол: Экспедициянинг Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижодига оид янги (охирги) маълумотлари ҳақида гапириб ўтсангиз.***

***Жавоб:*** Истиклол туфайли, маънавиятимизнинг бош ҳомийси муҳтарам Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хайрихоҳлиги, қўллаб-қувватлаши билан ташкил топган Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси бобурийларнинг бой илмий-маданий меросини ўрганиб, баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб келмоқда. Муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, бу гал Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Қашқарда бўлганлигини тасдиқловчи далилларни қидириб юриб, унинг «Асрори мусиқий» асарини топмасак ҳам, у асар ҳақида фикр юритилган рисола билан танишишга ва уни юртимизга олиб келишга муяссар бўлдик.

Ўша сафарда қўлга киритилган Бобур Мирзо ҳаётига оид яна бир ноёб, муҳим ашё – “Бобурнинг Қашқарни забт этиши” деган миниатюра-сурат бўлди. Кўпларга аёнки, Бобуршоҳнинг Қашқарга қўшин тортганигина эмас, умуман ўша тарафга қадам ранжида қилгани ҳақида тарихий китобларда, ҳатто “Бобурнома”да ҳам маълумот учрамайди. Лекин жанг лавҳаларини тасвирлаган мусаввир мавзуни ҳаводан олмаган бўлиши керак. Демак, муаррих, бобуршуносларимиз зиммасида шу масалага ойдинлик киритиш вазифаси ҳам турибди.

Дехлида бобурийлар авлодининг вакиласи бўлмиш Покиза Султонбегим билан учрашдик. Унинг опаси, шоира Тоҳира Султонбегимнинг урду тилида нашр этилган шеърлар тўпламини ўқиб, бобурий маликалар ва шоиралар сулоласи давом этаётганига яна бир карра имонимиз комил бўлди.

Бангладешнинг пойтахти Даккада кўрган музейимиз эса биз учун бутунлай янгилик ва катта бойлик бўлди. Лаълбоғ деб аталмиш кўҳна қалъа ичида жойлашган икки қаватли мозийгоҳнинг фақат бобурийлар ҳаёти ва фаолиятини акс эттиришга бағишлаганлиги, ундан ўрин олган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан тортиб Баҳодиршоҳ-II гача бўлган даврларга оид китоблар, қўлёзмалар, ҳар турли фармонлар, кийим-кечаклар, танга пуллар, қурол-яроғлар, ҳатто туфакандоз – замбарак ва бошқа ноёб ашёлар бизни ҳайратга солди, уларнинг эъзозланиб сақланаётганлигидан улуғ юртдошларимиз ҳурмати-иззатининг, шаънининг ўша чекка ўлкаларда ҳам баландлигидан бағоят фахрландик. Бизнингча, ер юзида фақат бобурийлар салтанатига бағишланган ягона музей шу бўлса керак.

Дехли, Дакка, Патна, Лакнов, Лохур ва бошқа шаҳарлардаги китоб дўконлари, кутубхоналардан, хусусий дўконлардан топган ва қўлга киритган нодир китоблар, қўлёзмалар ёки уларнинг ксероноусхаларидан Бобур Мирзо ва бошқа бобурий ҳукмдорлар ҳақида бизга номаълум бўлган, етиб келмаган кўп янги маълумотлар аниқланди. Уларнинг энг ноёбларини ўзбекчага таржима қилдириб, Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳомийлигида нашр этириш ниятидамыз.

**Савол:** *Бобур маънавий мулкнинг ўрганилиши, тадқиқ этилишида бугун ва эртанги кун билан боғлиқ вазифалар борасида тўхталсангиз.*

**Жавоб:** Биз ҳар гал экспедиция сафарида бўлганимизда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг китоб дўконларида бобурийлар тўғрисидаги бир-биридан қалин, бир-биридан гўзал, бир-биридан маълумотларга бой китобларни кўриб ҳам ҳайратланиб суюнамиз, ҳам афсусланиб куюнамиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Юқорида номлари зикр этилган ва зикр этилмаган китобу қўлёзмаларни варақлар эканмиз, бобурийларга ҳинду инглиз, немис, француз, форс, покистонлик ва бангладешлик олимлар, адиблар, муаррихлар, катта давлат арбоблари нақадар қойил қолиб, юксак эътибор беришганига ва уларни бениҳоя улуғлашганига гувоҳ бўлиб ғурурландик. Лекин бир нарсадан ўқиндик: хўш, нега Бобур ва бобурийлар фатх этиб ҳукмронлик қилган ўлкаларда ва бошқа Европа мамлакатларида, мутлақо узоқ юртлар ва бошқа тилларда буюк аждодларимиз ҳақида, бобурийлар тўғрисида шунча кўп ва хўп китоблар ёзилган-у, уларнинг асл ота-она юртларида кам, жуда кам ёзилади? Хўп, аввал-ку, давр, сиёсат изн бермас эди. Хўш, энди-чи? Ахир Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига роппа-роса ўн йил бўлди-ку? Бу ўтган вақт ичида қанча-қанча илмий асарлар яратиш, романлар ёзиш мумкин эди (Ёзиб қойил қилиб қўйганлар бор, улар бизни маъзур тутсинлар). Хўп, буниси ҳам майли, дейлик. Нега ҳинд ва инглиз тилларида ёзилган том-том илмий рисоалару, бадий асарларнинг лоақал энг оммавий, энг зўрларини ўзбек тилига ўгириб халқимизга етказиш борасида қайғурмаймиз, ҳаракат қилмаймиз? Ана шундай қимматбаҳо китобларнинг ўнлаб намуналари Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида ўз тадқиқотчилари ва таржимонларини кутмоқда. Улар қаторига сўнгги сафаримиздан кейин яна 35 та ноёб китоб ва қўлёзмалар нусхалари қўшилди.

Қисқаси, Африка қитъасидан тортиб, Бенгал кўрфазигача бўлган худуддаги буюк ҳамюрт-аждодларимиз қабр-мақбараларини зиёрат қилиш, улар яратган бой илмий, маданий, тарихий манбааларни баҳоли қудрат ўрганиб, видео, фототасвирларга туширишга, юзлаб ноёб китоблар ва қўлёзма асарларни ватанга

олиб келишга муяссар бўлдик. Ўнлаб китоблар жамғармамиз томонидан чоп этилди, видео, кино фильмлар яратилди, халқимизга етказилди. Ва бу ишлар узлуксиз давом эттирилади.

Буюк Амир Темур ва бобурийларнинг хорижий мамлакатларда сақланаётган илмий-маданий меросига доир (қўлёзма ва нодир китоблар) асарларнинг асл нусхаларини ёки кўчирма нусхаларини юртимизга олиб келишдек янги вазифаларни режалаштирмоқдамиз.

Илмий сафарларимиз давомида қўлга киритилган бобурийлар ҳақидаги ноёб китоб ва қўлёзма асарларнинг айримларини, жумладан, австриялик ёзувчи Арнольд Хоттингернинг «Буюк Акбар» романи, Шоҳғариб Мирзонинг девони ва юқорида номлари зикр этилган китобларни жамғарма буюртмасига биноан, таниқли адиблар, олимлар ва таржимонлар Пиримкул Қодиров, Саидбек Ҳасан, Хуррам Раҳимов, Шарифа Салимова, Гуландом Боқиева, Нёъматжон Отажонов, Фафуржон Сатимов, Шафиқахоним Ёрқин, Қамчибек Кенжа ва бошқалар иштирокида ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этириш ниятидамиз.

Шунингдек, жаҳоншумул асар «Бобурнома»нинг Америкада (Текстон), Англияда (Эрскин ва Бевериж), Францияда (Граммонт), Японияда (Эйже Мано) тўлдирилган шаклда, ташқи ва ички кўринишлари гўзал ва ғоят сифатли чоп этилган нусхалари олиб келинди. Мазкур асарни Ўзбекистонда, ўзбек тилида – Бобурнинг она тилида ҳам ўшандай юксак сифат ва савияда чоп этиш вақти келмадимикин? Мен бобуршунос адиб ва олимларимизга мурожаат қилмоқчи эдим: келинлар, Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳомийлигида Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллик тўйига ушбу қомусий асарни ҳар томонлама шаклда нашрдан чиқариб, халқимизга тухфа қилайлик”.

Зокиржон ака ўшанда бежиз куёнмаган, чунки у аллақачон шундай хулосага келган эди: “Қарийб эллик йил мобайнида Бобур Мирзо ва унинг шавкатли авлодлари ҳаётини, бебаҳо меросини баҳоли қудрат ўрганиб келмоқдаман. Борбурийлар изидан уюштирилган халқаро илмий экспедициялар давомида ўн бешга яқин хорижий мамлакатларда бўлиб, икки юз минг километр



масофани автомобилда босиб ўтиб, шунга амин бўлдимки, Бобур Мирзо нафақат Андижон, нафақат Ўзбекистон, балки бутун башарият фарзандидир.

Дунёга ана шундай буюк сиймони берган халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди”.

## **«БОБУРНОМА»НИНГ 470 ЙИЛЛИГИ**

Ўша йили жаҳон маданиятининг ноёб ёдгорлиги «Бобурнома» яратилганига 470 йил тўлган эди. Шу муносабат билан Бобур номидаги халқаро жамғарма 5 август куни шаҳарнинг Бобур номи маданият ва истироҳат боғида «Бобурнома» - миллий маданиятимизнинг ноёб дурдонаси» мавзуида катта илмий-маърифий йиғин ўтказди. Унда Андижон тарихини археологик жиҳатдан ўрганиш истиқболлари масаласида ҳам фикрлар алмашилди.

Анжуманга республикамизнинг атоқли бобуршунос олимлари, адиблар, кўшни мамлакатларда Бобур мероси билан шуғулланувчи илмий-ижодий жамоатчилик намояндалари, шунингдек, вилоят зиёлилари, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчи ва талабалари, «Нуроний» жамғармаси ходимлари, санъаткорлар ҳамда маҳаллалар оқсоқоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, миллий маданиятимизни тиклаш ва уни юксалтириш йўлида «Бобурнома» бизга катта маънавий мадад бериши табиий. 30 дан зиёд мамлакатда нашр этилгани, инглиз, француз, олмон, япон ва бошқа тилларда қайта чоп этилгани асарнинг умум башарий аҳамиятини кўрсатади. Япония шарқшунослари яқинда «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнини босиб чиқардилар. Айни пайтда асар Халқаро жамғарма томонидан бобурхонларнинг ҳамма талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда янгидан нашр этилиши алоҳида қайд этилди. Ушбу анжуман Андижон шаҳри тарихини илмий ўрганиш истиқболлари халқимиз номи билан бевосита боғлиқ бўлган мазкур қомусий асарнинг мукамал нашрига оид бўлган баъзи масалаларни илмий ҳал қилиб олишга ёрдам бериши лозим эди.

Анжуманни таниқли ёзувчи Хайридин Султонов бошқарди. Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Тиллабоев иштирокчилар ва меҳмонларни «Бобурнома»нинг 470 йиллиги тантаналари билан табриклаб, йиғилиш ишига муваффақият тилади.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Тўра Мирзаев, профессорлар Абдуқодир Ҳайитметов, Саидбек Ҳасанов, Наим Каримов, Сайфиддин Жалилов, Ҳасан Қудратуллаев, Фатҳиддин Исоқов, адабиётшунос Иброҳим Ғофуров, Наманган Давлат университети профессори Неъматилло Отажонов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, афғонистонлик олима ва шоира Шафиқахоним Ёрқин, адабиётшунос Раҳмон Қўчқоров, Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг Ўш бўлими бошлиғи Бўрибой Жўраев, Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология илмий-текшириш институти «Турон» бўлимининг бошлиғи, археолог Боқижон Матбобоев ва бошқалар ўз маъруза ва ахборотлари билан сўзга чиқишди.

Анжуман кун тартибига қўйилган «Бобурнома» - миллий маданиятимизнинг ноёб дурдонаси» ҳамда «Бобур даври Андижон тарихини археологик асосда ўрганишнинг бориши ва унинг истиқболлари» ҳақидаги масалалар юзасидан қуйидагича

#### ***ҚАРОР КАБУЛ ҚИЛИНДИ:***

1. Бобур ҳаёти ва илмий-адабий меросининг тарихий аҳамиятга эга бўлган муайян саналарини нишонлаб бориш тажрибасини анъанага айлантириш таклифи маъқуллансин.

2. «Бобурнома»нинг янги илмий нашрини тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарли деб ҳисоблансин. Бобур таваллудининг 520 йиллиги санасига қадар (2003 йилнинг февралигача) бу ишни тўла амалга ошириш учун:

а) Профессорлар С.Ҳасанов ва Н.Отажоновларга асарнинг тўлдирилган, луғатлар ва изоҳлар илова қилинган замонавий нусхасини 2001 йил охиригача нашрга ҳозирлаш юклатилсин.

б) «Бобурнома»нинг янги нашрини тайёрлаш ишига ёрдам бериш ва қўлёзмани илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институти ҳамда Тарих институти раҳбариятидан сўралсин.

в) «Бобурнома»нинг янги нашрига ҳомийлик қилишни Бобур номидаги Халқаро жамғарма ўз зиммасига олганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамғарманинг келгуси иш режасига Андижон тарихи билан боғлиқ қадимий жойлар ва жой номларини чуқурроқ ўрганиш масаласи киритилсин.

4. Жамғарма раёсатига ёшларни Бобур мероси билан яқиндан таништиришга қаратилган тарбиявий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш топширилсин.

5. Андижон тарихини археологик асосда ўрганишнинг бориши ва истиқболлари ҳақидаги ишларни жадаллаштириш Ўзбекистон Фанлар Академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти раҳбариятидан сўралсин ҳамда Б.Матбобев ва бошқаларнинг ахборотлари инобатга олинсин, бу борада бошланган ҳомийлик ишлари маъқуллансин.

\*\*\*

«Туркистон» газетасининг 2001 йил 11 июлдаги сонида Зокиржон Машрабовнинг «Бобур изидан» сарлавҳали қарийб бир саҳифани эгаллаган мақоласи эълон қилинди. Унда жамғарма ва экспедиция томонидан ўтган тўққиз йил мобайнида амалга оширилган ишлар, ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, қўлга киритилган ютуқлар, сафарлар чоғида топиб келинган нодир китоблар, қўлёзмалар тўғрисида анча муфассал ҳисобот берилган, галдаги режаларга кенг тўхтаб ўтилган. Режаларда, жумладан, қуйидаги жуда муҳим вазифалар саналади: юртимиздан ҳар хил йўллар билан хорижга олиб чиқиб кетилган ноёб китоблар, қўлёзмалар, илмий ва санъат асарларининг лоақал нусхаларини мамлакатимизга қайтариб олиб келиш, Бобур

ва унинг аждод-авлодларининг ҳали маълум бўлмаган меросларини топиш, ўрганиш, зарур бўлган тақдирда уларни ўзбек тилида чоп этиб, жамоатчиликка таништириш, Беруний, Форобий, Навоий сингари улуғ боболаримизнинг қабр-мақбараларини тиклаб-таъмирлаб, зиёратгоҳларга айлантириш, олим ва ёзувчиларимизни Бобур ва бобурийлар ҳақида янги илмий, бадиий китоблар яратишга рағбатлантириш, ёзилган асарларни Жамғарма ҳомийлигида чоп этиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш, Бобур тўғрисида чет элларнинг киноижодкорлари билан ҳамкорликда тўлақонли бадиий фильм яратиш, Осиё, Европа, Америка қитъалари бўйлаб илмий экспедиция йўналишларини давом эттириш ва бошқалар...

Албатта, бунча улуғвор, ўта масъулиятли вазифалар бир нодавлат ташкилот учун ақл бовар қилмас даражада оғир ва қийин туюлиши шубҳасиз. Лекин кейинчалик бу маҳобатли режаларнинг йилма-йил ижро этиб борилганига гувоҳ бўлган киши З.Машрабовнинг ўзига ва бошқаларга ишончи зўрлигига, унинг узоқни аниқ кўра билиш ва юксак ташкилотчилик қобилиятига, руҳан ва жисман бақувватлигига таҳсин айтмай иложи йўқ.

## ЎНИНЧИ САНА

Шу тариқа Бобур жамоат фондининг фаолият доираси, кўлами йил сайин кенгайиб, мамлакатда ва халқаро миқёсда нуфузи ортиб борарди. Зеро, тажрибалар такомиллашиб, Фонд ва унинг экспедицияси раҳбарининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиларди. У ишлар юришаётганини (гарчи машаққатлар билан бўлса-да) Бобур Мирзо ва бошқа улуғ зотлар ҳурматидан Аллоҳ қўллаётганида, деб билар, уларга эътиқоди янада юксалар, миллат учун, тарих учун, жамият учун керакли иш қиляпмиз, деган ишонч, қониқиш ҳисси унинг руҳини янада кўтарарди.

2002 йил ҳам Фонд учун алоҳида аҳамиятга лойиқ йил бўлди. Аввало, бу сана жамоа раҳбари ва ходимлари, экспедиция аъзолари учун жамғарма ташкил топганлигига ўн йил тўлиши билан, қолаверса, йирик сана – Заҳириддин Бобур

таваллудининг 520 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ юмушларга, тадбирларга бой бўлиши билан қадрли эди. Шунингдек, айти шу йили Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг илмий ходимлари томонидан Андижон шаҳрида олиб борилаётган археологик қидирув ишлари жиддий – кенг қамровли босқичга кўтарилди.

Маданий ҳаётимиздаги қувончли воқеалардан бири – бебаҳо мулк «Бобурнома» асарининг янги нашри ҳам худди шу йили дунё юзини кўриб, китобхонлар, Бобур ихлосмандларининг китоб жавонларини бебади.

Куз мавсуми кириб, мамлакатда қизгин пахта йиғим-терими бошланган тигиз кунларда Бобур фонди раҳбари ташаббуси билан Андижондаги Бобур боғида ўтказилган илмий-амалий анжуман ва унинг иштирокчилари таркиби юқоридаги масалаларнинг маънавий ҳаётимиз равнақи учун қанчалик эътиборга моликлигидан далолат берарди. Мазкур йиғинни ҳам Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, таниқли ёзувчи Хайриддин Султон бошқарди. Унда қуйидаги таниқли адиб-олимлар, бошқа соҳа етакчилари иштирок этишди.<sup>1</sup>

#### ***КУН ТАРТИБИ:***

1. Андижон вилоят ҳокимининг «Андижон шаҳри ёшини аниқлаш мақсадида археологик қидирув-тадқиқот ишларини олиб бориш тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва археологик тадқиқот истиқболлари.

2. «Бобурнома» қомусий асарининг тўлдирилган, тузатилган янги нашри тақдимоти.

3. Бобур номидаги Халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси ташкил топганига 10 йил тўлиши муносабати билан амалга оширилган ишлар ҳақида.

Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Тиллабоев кириш сўзи билан анжуманни очди. Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти директорининг ўринбосари А.Анорбоев, мазкур институтнинг «Турон» бўлими бошлиғи Б.Матбобоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

---

<sup>1</sup> Анжуманлар ва уларда қатнашганлар маданиятимиз тарихида муҳим ходиса ва шахслар бўлгани боис, тафсилотларни батафсилроқ беришни жоиз деб билдик (*муалл.*).

Муҳаммад Али, Фарғона ўлкашунослик музейи ходими Г.Иванов сўзга чиқдилар. Улар Андижон шаҳрида охириги йилларда олиб борилган археологик қидирув ишларининг самаралари ҳақида гапиришар экан, шаҳар ўтмишига оид ноёб топилмаларни шарҳлаб, бу ерда шаҳарсозликнинг илк белгилари бундан 2300-2600 йил аввал бошланган, деган фикрни илгари сурдилар ва келгусида яна янги, асосли маълумот-ашёлар топилишига умид билдирдилар.

Бобур номидаги Халқаро жамғарма хомийлигида чоп этилган «Бобурнома»нинг янги нашри тақдимида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, бобуршунос олимлар – академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров, мазкур нашрни тайёрлаган Саидбек Ҳасанов, Тошкент Ислон университетининг профессори А.Жузжоний, «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни бош директори Бобур Алимов, тарихчи Сайфиддин Жалилов, бобуршунос олим, таржимонлар Нейматилло Отажонов, Гофиржон Сатимов, Ансориддин Иброҳимов, Андижон шаҳар фахрийларидан Пўлатжон Қаюмов, Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдор, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар Жамғарма ва унинг илмий экспедицияси томонидан эътиборга лойиқ хайрли ишлар қилинганлигини таъкидладилар. «Бобурнома»нинг янги нашри маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлганлигини эътироф этиб, унинг матбаа сифатини юқори баҳоладилар.

Зокиржон Машрабов Жамғарма ва илмий экспедициянинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди ҳамда навбатдаги вазифалар, режа ва дастурлар ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Анжуман қарорида Андижон шаҳри тарихини ўрганиш, унинг ёшини аниқлаш мақсадида ўтган даврларда олиб борилган археологик-илмий қидирув натижаларини қониқарли деб ҳисоблаш ва уларни ривожлантириш, «Бобурнома» қомусий асарининг янги нашрини кенг тарғиб-ташвиқ этишга қаратилган тадбирлар белгилаш; Бобур номидаги Халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси томонидан 10 йил давомида ватанимиз заминидан етишиб чиққан буюк алломаларимиз қолдирган бетакрор, бой илмий-маданий меросни ўрганиш

йўлида олиб борилаётган ишларнинг давомийлигини таъминлаш, бобурийлар кадамжолари бўйлаб янги илмий экспедициялар уюштириш тавсия этилиб, Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллик юбилейини 2003 йилда кенг нишонлаш ҳақидаги Жамғарма ташаббусини қўллаб-қувватлаш таклиф қилинди.

## 2003 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Ҳар йилгидек, ўша йил ҳам Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг асосий фаолияти январнинг дастлабки кунларидаги раёсат йиғилиши билан бошланди. Пойтахтдан таклиф этилган таниқли адиблар, бобуршунос олимлар, вилоят зиёлиларининг вакиллари иштирокида ўтган мазкур анжуманда Бобур асарларига изоҳли луғат тузиш, Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафарини режалаштириш, буюк аждодимиз таваллудининг 520 йиллигига атаб чоп этиладиган тақвим ва яна бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Жамғарма раиси Зокиржон Машрабов кўпчиликнинг эсига келмаган ё эсига келган бўлса ҳам, амалга ошиши мушкул бўлиб туюлган шундоқ бир муҳим ва мураккаб муаммони ҳал этиш ташаббуси билан чиқиб, кўпчиликни ҳайрон қилиб кўяди. Бобур асарларига изоҳли луғат тузиш ҳам айримларга амри маҳол бўлиб кўринадиган юмушлардан эди. Тўғри, бу соҳада бир вақтлар самарали тадқиқотлар қилинган. У китоб бўлиб ҳам чиққан, аммо уни мазкур соҳада ҳамир учидан патир эди, дейиш мумкин. Зеро, «Бобурнома»дай серқиррали, ҳужжатли-бадийий солномада, «Мухтасар», «Мубаййин» каби асарларда, юзлаб гўзал ғазаллар, рубоийлар ва бошқа жанрлардаги асарларда қўлланган сўзларни мукамал тарзда изоҳлаб берадиган луғат яратиш ҳазилакам иш эмас ва у ҳамманинг ҳам қўлидан келвермайди, қўлидан келганда ҳам, асосий ташкилий муаммо – ҳомийликни ўз гарданига оладиган валлакатнинг топилиши осонмас. Зокиржон ака эса, қайси бир нодир, ноёб асар нашрини таклиф этар экан, масаланинг ана шу «нозик» томонини ўз дилида ҳал қилиб, пишитгач, яъни, ўз зиммасига олгачгина ўзгалар эътиборига ҳавола этарди.

Масала пойтахтдан ташриф буюрган таниқли адиблар, бобуршунос олимлар томонидан муҳокама этилди, луғат тузиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ раҳбарлигига филология фанлари доктори Саидбек Ҳасанов тайин этилди.

\*\*\*

Апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессияси бўлиб ўтди. Президентимиз Ислон Абдуғаниевич мазкур анжуман минбарига сўзлаётиб, Бобур жамғармаси ва унинг илмий экспедицияси фаолиятига юксак баҳо бериб ўтди.

*«Зокиржон ака, сизнинг фаолиятингиз, фидойи ишларингиз, Бобур бобомизнинг меросини бугунги ёшларимизга, замонамиз кишиларига етказиш, умуман, бунинг боқий таъсирини бугунги ҳаётда ташвиқот-тарғибот қилишдаги хизматингиз барчамизга маълум. Халқимиз ҳам жуда яхши билади. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сизга катта раҳмат айтмоқчиман...»*

*Ҳаммангизга маълумки, Афғонистондаги кўҳна Ҳирот заминида Алишер Навоий бобомизнинг хоки ётибди. Энди бу улуг ватандошимизнинг қабр-мақбарасини обод қилиш вақти-соати келди».*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида ана шу муаззам кошонада ўтирган Зокиржон Машрабовнинг кўнглидан қандай ҳис-ҳаяжонлар кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахир юртбошининг эътирофи – юрт эътирофи, миллат эътирофи, бутун халқ эътирофи! Энди, мамлакат раҳбарининг ишончини оқлаш учун белни янада маҳкам боғлаш, юксак минбардан берилган юксак баҳога яраша ишлар қилиш керак!..

Президентимиз яна тегишли давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларини буюк аждодларимизнинг ватанимиз ҳудудидан ташқаридаги мангу оромгоҳларини таъмирлаб, обод этиш ишларига бош қўшишга давъат этди.

**ИЛОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
КЕНГАШИНИНГ Қ А Р О Р И**



Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини обдонлаштириш тўғрисидаги таклифларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати буюк аждодларимизнинг тарихий ва маънавий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга молик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштириш юзасидан зарур чоралар кўрсин.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буюк аждодларимизнинг дафн этилган жойларини таъмирлаш ва ободонлаштириш тўғрисида келишувларга эришиш мақсадида тегишли чет давлатларнинг ваколатли органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказсин.*

3. *Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар нодавлат нотижорат ташкилотларига буюк аждодларимизнинг дафн этилган жойларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишда кўмаклашсин.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий муассасалар ва ўқув yurtлари буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ ёдгорликларни аниқлаш ҳамда уларнинг тарихий аҳамиятини асослаб беришга қаратилган чуқур тадқиқотлар ўтказсин.*

5. *Бобур номидаги халқаро жамгарманинг буюк аждодларимиз хотирасини тиклаш ва абадийлаштиришга доир фаолияти маъқуллансин ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига буюк аждодларимизнинг дафн*

*этилган жойларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг маънавий меросини аҳоли орасида кенг ёйишга қаратилган ахборот-маърифий ва тарбиявий ишлар даражасини ошириш тавсия этилсин.*

*6. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Телерадио компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятлари тегишли давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг буюк аجدодларимиз дафн этилган жойларини таъмирлаш ва ободонлаштириш масалалари билан боғлиқ фаолиятини кенг ёритиб борсин.*

\*\*\*

Орадан кўп ўтмай юқоридаги масала бўйича халқаро миқёсда дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Президентимиз 17-18 июнь кунлари Эрон Ислом Республикасига қилган расмий ташрифи давомида Афғонистон ҳукумати раҳбари билан ҳам музокаралар ўтказиб, жумладан, Ҳиротдаги Алишер Навоий мақбарасини обод этиш масаласини муҳокама қилдилар. Ана шу учрашувларда Ўзбекистон расмий ҳайъатининг аъзоси сифатида Зокиржон Машрабов ҳам қатнашди. Кейинроқ унинг иштирокидаги махсус гуруҳ Юртбошимиз топшириғига биноан Навоий мақбараси қайта тикланадиган жой ва бу ишга дахлдор бошқа масалаларни ўрганиш мақсадида Ҳиротда бўлиб қайтди.

Юқори даражадаги мазкур тадбирлар Бобур халқаро илмий экспедициясининг йил бошида режалаштирилган галдаги сафарининг тезлаштирилишини тақозо этарди. Экспедиция раҳбари зудлик билан тайёргарликка киришди, аъзолар таркиби тузилди, тегишли элчихоналардан рухсат олинди ва август ойи бошларида Зокиржон ака, Илҳомжон Мамарозиқов, Муҳаммад Анвар ва каминадан иборат таркибда жўнаб кетдик.

\*\*\*

Дарвоқе, 21 июль – Зокиржон аканинг таваллуд куни, шунчаки кун эмас, у табаррук 70 ёшга тўлган сана эди. Юбилей ўтказишни катта шараф, мартаба санаш урф бўлаётган, одам йиғиб, тўрида салобат тўкиб ўтириш ва совға-

саломлар қабул қилиш орзусидаги кимсалар (ҳатто маҳалласидан ё жамоасидан наридагилар билмайдиганлар ҳам) кўпайиб бораётган бир даврда Зокиржон Машрабовдай машҳур жаҳонгашта, кадриятпарастликда, миллатсеварликда, ватанпарварликда кўпларга, хусусан, ёшларга катта ибрат кўрсатаётган инсоннинг юбилеи жуда катта бўлса керак дегувчилар шубҳасиз бисёр эди. Аммо Зокиржон ака ўша куни ўзининг отаси Машрабжон Қаландаров номи билан аталган кўчадаги ҳовлисида яқинларига ош бериш билан чекланиб, жуда кўпларни ҳайратга солди. Бу борада ҳам у улоқни олиб кетди, унга ҳурмат-эҳтиром чандон ошди.

## АФҒОНИСТОН САФАРИ

Йўл-йўлакай менга Зокиржон аканинг яна бир фазилати аён бўлди. У бир замонлар бирга ишлаган касбдош кадрдонларию, оддий ходимларини ҳам унутмас, кези келганда уларни йўқлаб туришни инсоний бурч ҳисоблайдиганлар, яъни, оқибат деган буюк неъматни кадрлайдиганлар сирасидан экан. Илгари айтиб ўтганимиздек, у ўттиз икки ёшида Андижондан «Жаркўрғоннефт» ташкилотига бошлиқ бўлиб бориб, салкам уч йил фаолият кўрсатган эди. Шу боис Сурхондарёда яқин танишлари кўп, улардан бири ўша пайтдаги ўрта мактабда илмий бўлим мудирини бўлиб ишлаган (кейинчалик вилоят ҳокими даражасигача кўтарилган) Жўра Норалиев эди. Жўра аканинг яқинда ўғли автомобил ҳалокатида вафот этган экан, йўл анча чап ва биз олис сафарга ошиқаётган бўлишимизга қарамай, Зокиржон ака ўша кадрдонидан кўнгил сўрамай ўтиб кетишни ҳеч ақлига сиғдиролмаслигини айтди. Шу аснода раҳбар ўша даврларда ўзига ҳайдовчи бўлиб хизмат қилган Ҳасан Назаровни ҳам бир кўриб қўйиш учун машинасини туман маркази томон буришга амр этди.

Зокиржон ака бу галги махсус сафарга Президентимиз томонидан олға сурилган, юқоридаги расмий ташрифлар чоғида Эрон ва Афғонистон раҳнамолари билан ўзаро келишилган Термиз - Мозори Шариф – Ҳирот – Тойибод автойўлидан боришни кўзда тутган, қисқаси, унинг нияти бўлажак янги

автотрасса бўйлаб юриб, йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси билан учрашувлар ўтказиш, Афғонистон заминида дорилбақога рихлат қилган улуғларимиз қабр-мақбараларининг сўнгги урушлар ва бесаранжомликлардан кейинги ҳолатини ўрганиб, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига ахборот-маълумот беришдан иборат эди.

Йўлларнинг аксарият қисми, айниқса, Майманадан қарийб Ҳиротгача дашт, тоғу доволар, даралар оралаб борарди. Бу шунчаки қатнов йўналиши бўлиб, йўлнинг изи бор-у, ўзи йўқ ҳисоб эди. Тизза бўйи тупроқ. Онда-сонда юрадиган баҳайбат юк машиналари «йўллар»нинг абжағини чиқариб ташлаган эди. Хуллас, бу «сўқмоқ»ни йўлга айлантириш учун қанча маблағу меҳнат сарф этиш кераклигини тахминан ҳам тасаввур қилиш қийин.

Мозори Шарифда «Навоий анжумани»нинг навбатдаги анъанавий йиғилишига тўғри келиб қолдик. У ерда бир қанча зиёлилар – шоир-ёзувчилар, олимлар, журналистлар билан танишдик.

Анжуманнинг мақсад ва вазифалари Афғонистонда яшовчи туркий тилли халқларнинг тили, тарихи, адабиёти, умуман, маданиятини қайта тиклаш, ривожлантириш, тарғибу ташвиқ қилишдан иборат эди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон адабиёти, маданий ҳаёти билан қизиқдилар, уларнинг аксарияти Зокиржон ака билан яхши таниш, Бобур экспедициясининг фаолиятдан хабардор эдилар, шу боис ташрифимиздан ниҳоятда мамнун эканликларини изҳор этишиб, бизни саволларга кўмиб ташладилар. Кўпларининг ота-боболари ўзбекистонлик бўлган бу миллатдошларимиз аждодлари ватанида юз бераётган ўзгаришларни катта иштиёқ ва ҳаяжон билан тинглашарди. Дийдорлашувга, мулоқотга тўймаганларидан, яна кўп нарсалар билишни хоҳлашганидан қизгин суҳбат, савол-жавоб йўлакда, қаватларнинг саҳнларида, зиналарда ҳам давом этди. Мезбонларнинг биздан – ота юрт нафасини олиб келган инсонлардан кўнгил узишолмаётгани шундоқ сезилиб турарди.

Балх шаҳрида оташнафас шоиримиз Бобораҳим Машраб қатл этилган жойларни - унинг маҳаллий шоирлардан бири ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаган муваққат қабрини зиёрат қилдик.

Қадимий Ҳирот шаҳрида ўзгаришлар катта: Навоий, Гавҳаршодбегим мақбаралари бир оз таъмирланган ва қўрғонланган эди. Форс-тожик мумтоз адабиёти намояндаларидан бири, Навоийнинг устози, дўсти Абдурахмон Жомий қабр-сағанасининг ҳолати анча яхши, ҳиротликлар пири саналмиш Абдулло Ансорий мақбараси гавжум зиёратгоҳ, аммо, шарқ тасвирий санъатининг дарғаси, миниатюра-суратлар устаси Камолиддин Беҳзод қабри мақбарасиз, Султон Ҳусайн Бойқаронинг қабр тоши ҳамон биз бундан етти йил муқаддам кўрган аҳволда – атрофи очик, ёлғиз, ташландик эди... Улуғ олимимиз, мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг Ғазни шаҳрининг хароба четидаги қабри тепасида ҳам ҳануз бир уюм тош сочилиб ётарди. Ачинарли, йиғлагингиз келади...

Кобул шаҳридаги Боғи Бобур ва Бобур Мирзо қабр-мақбарасининг халқаро Оғахон фонди томонидан таъмирланаётганини кўриб суюндик, аммо Ишкамишда Бобораҳим Машраб қабрини тому деворларининг сувоқлари тўкилиб турган ночор ҳужра ичида кўриб, таъбимиз яна хираланди. Зокиржон ака бизни кузатиб борган маҳаллий маъмурлар орқали маҳалла вакилларини тўплаб, суҳбат ўтказди, Машрабнинг бу ерга дафн этилиш тарихи, мазкур омонат ҳужра – сағана тафсилотларини сўраб-суриштирди. Ишкамиш Афғонистоннинггина эмас, дунёнинг бир чети. Ҳукумат эътиборидан олисда, одамлари ниҳоятда содда, мўмин, улардан илмий асосга эга тайинли бир маълумотлар олиш даргумон эди.

Зиёратдан сўнг раҳбаримиз илтимоси билан қишлоқ марказидаги чойхонага зиёлинамо, илм-фанга дахли бор кишилар, қўшни Оқпара қишлоғидан Ҳожи Назар Мирсафо ота таклиф этилди.

Шунча узоқ ва машаққатли масофани босиб келиб тузук-қурук маълумотсиз, бирон «нима»сиз қайтиш Зокиржон акани асло қониқтирмасди. Мирсафо оқсоқолда ҳижрий 1324 (милодий 1900) йилда Бухоро шаҳрида чоп этилган «Девони Машраб» китоби бор экан. Раҳбар отахонни мақтаб, Машраб

кабрининг таъмирланишига бош қўшишга ваъда бериб, китобни қўлга киритди. Мўйсафид анча пухта одам экан, шунча ваъдадан ташқари пахта гулли қора чойнак-пиёла сервизларни ҳам индамай олди. Зокиржон ака бир янги маълумот ё манба илашгудай бўлса, эвазига бор мол-мулкани ҳам аямас эди.

## ЛУТФИЙ ҚАБРИНИ ИЗЛАБ

Афғонистонга ушбу сафаримизнингэнг катта ютуқларидан бири – мавлоно Лутфий қабрининг топилиши бўлди, дейиш мумкин.

Маълумки, Лутфий зуллисонайн шоир бўлиб, у форс - тожик тилида ҳам ижод қилган, лекин ўзбек тилидаги шеърлари билан шуҳрат қозонган. Тарихчи Хондамир «Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эди», деб ёзади.

Лутфий катта адабий мерос қолдирган. Ўзининг бой ижоди билан дунёвий адабиётнинг забардаст намояндасига айланган. Навоий таърифи билан айтганда, у «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир бўлган. Тўрт минг мисрадан иборат туркий девони, форс тилидаги нодир ғазалларидан ташқари «Гул ва Наврўз» номли ишқий-қаҳрамонлик дoston муаллифи, шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини форс тилидан таржима қилган, шу асар таъсири ва асосида шу номда ўзи ҳам маснавий йўлида 10 минг байтдан зиёдроқ дoston битган.

Тарихий-адабий манбаларда улуғ шоирнинг «Ҳиротнинг Деҳи Канор мавзеида», «Ҳирот атрофидаги хиёбонлардан бири – Деҳи Канорда» таваллуд топгани ва ижод қилгани ҳамда ўша ерда вафот этгани ёзилган. Ҳолбуки, Деҳи Канор Ҳиротнинг хиёбонларидан бири эмас, шаҳардан ўттиз чақирим кун чиқишдаги дашт ва овлоққина қишлоқ экан. Буни биз Ҳиротнинг тарихнавис, билимдон кишиларидан бири бўлмиш мавлоно Анбарийдан суриштириб билдик. Лекин у ҳам Лутфийнинг қаерга дафн этилганини аниқ айтолмади.

- Шаҳзода Қосим зиёратгоҳи – қабристони бор. Мавлоно Лутфий Шаҳзода Қосим қабрининг кун чиқиш тарафига қўйилган деб эшитганман, - деди олим иккиланиброқ.

Деҳи Канор йўллари жуда носоз эди, бунинг устига сўраган одамларимиз бизга бошқа тарафни кўрсатиб юборишган экан, кўп сарсон бўлдик. Бир жойга борганимизда йўл (сўқмоқ) батамом йўқолиб, бутунлай дашт бошланди. Яқин-атрофда аҳоли яшамас, манзилни сўрайдиган бир жон учрамасди. Дарё ўзанидан, сўнг одам изи тушмаган даштликдан узоқ юрдик. Биздан ташқари уловимиз – «Ленд Краузер» отлик, «Жип» русумли машинамиз ҳам жуда қийналиб кетди. Ҳар дўқиллаб тушганда ҳаммамизнинг, айниқса «мол» эгаси – раҳбарнинг юраги ачишарди. Гоҳ кум тўзонлари ичида қолардик. Аммо ўзгаларнинг хафсаласи пир бўлганда ҳам Зокиржон ака Лутфий қабрини топишдан умид узмасди. Умид охир бизни изланаётган манзилга элтди. Шаҳзода Қосим мазорини ва унинг шайхи ҳам билмайдиган Лутфий қабрини топишга муяссар бўлдик. «Мавлоно Лутфий Ҳиравий» сўзлари битилган, зангор туси ўнгиб кетган мрамар тошни бир қанча қатлам тупроқ остидан қовлаб олдик. Ҳиротга кеч қайтдик. Лекин Зокиржон аканинг ҳаяжони босилмаган эди.

- Тўғри сангтарошлар растасига бошланг, - деди у сарбон ва таржимонимиз, афғонистонлик тадбиркор (Тошкентда яшайди) Муҳаммад Анварга.

Эртасига мрамар тахтани олиб яна Деҳи Канорга жўнадик. Лутфий дафн этилган, лойшувоқлари тўкилиб турган кўрғонча девори ёнини чопиб-ўйиб, «Бу оромгоҳ пок Аллоҳ лутфи дунёсининг ғаввоси, урфонга элтувчи ғазал иқлимининг султони, ҳазрати Лутфий Ҳиравийникидир...» каби жумлалар чекилган мрамар тахтани жойлаб, ёнларини суваб маҳкамладик. Биз сағана хатини замонавий қилиб, жўнроққина ёзмоқчи эдик, Зокиржон ака Лутфий, Навоийлар даврига хосроқ услуб акс этиб туриши керак, деб, кеча кечаси мавлоно Анбарийга ёздирди.

Дарвоқе, экспедицияни Деҳи Канорга бошлаб бориш, Лутфий қабр тошини қовлаб топиш ва бошқа юмушларда бизга жону дил билан кўмак берган ҳиротлик дўстимиз, мавлоно Анбарийнинг ўғли Тоҳиржондан раҳбар ва бошқаларнинг

беҳад мамнунлиги далолати сифатида ўша оқшом у Бобур халқаро фонди раёсати вакилларининг замонавий, яъни ғарб услубида қурилган меҳмонхонадаги йиғилишида Фонднинг Ҳирот бўлими бошлиғи қилиб тайинланди.

\* \* \*

19 сентябрь куни Тошкентда, Бобур халқаро фондининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, таниқли ёзувчи Х.Султонов раислигида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда фонднинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Таниқли адиблар, олимлар иштирок этган ушбу анжуманда аввало Бобур халқаро илмий экспедициясининг Афғонистонга сафари ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов, адабиётшунос Иброҳим Гофуров ва бошқалар экспедиция жуда катта, савобли ишларни амалга ошираётгани, боболаримиз хотираси, буюк меросимизга ҳурмат-эътибор билан қараш юртимизда ижтимоий-сиёсий масалага айланганини, умуман Бобур фонди ва унинг экспедицияси фаолиятининг мақтовга сазоворлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай Бобур халқаро илмий экспедициясининг Афғонистон сафари мобайнида олиб борилган изланишлари ҳукуратимиз эътиборини ҳам жалб этганлиги аён бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисидан Андижонга нома келди.

***«Муҳтарам Зокиржон Маширабов!***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Буюк аجدодларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Бобур номли халқаро фонднинг илмий экспедицияси ҳақида юборган маълумотингиз билан танишиб, Сизга Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан бошланган катта ва хайрли тадбирда фаол иш олиб бораётганингиз учун Олий Мажлис Кенгаши***



*номидан ташаккур билдирамиз. Сафарингиз натижаси, айниқса, мавлоно Лутфий қабрининг топилиши қувончлидир.*

*Сизга, ҳамкор ва йўлдошларингизга келгуси ишларингизда маваффақиятлар тилаймиз...»*

## **СЕРМАШАҚҚАТ 11-чи САФАР**

Афғонистондан қайтибоқ Зокиржон ака навбатдаги сафарга тайёргарликни бошлаб юборди. Биз ҳайрон, кўплар лол эди: бу одамнинг чарчамаганини, машаққатлардан, чегара, божхоналарда хонама-хона зир югуришлардан, тунд, кўзлари қаттиқ, талаблари аёвсиз кимсаларга сарғайишдан безилламаганини... Ҳа, у безилламас эди, чунки унинг ниятлари улуғ эди, улуғ ниятларни амалга ошириш ҳеч қачон осон кечмагани, улуғ бобокалонларимизнинг ҳам юртма-юрт сарсон кезганлари, заҳматлари беиз, бесамар кетмаганини яхши биларди.

Бу гал йўл янада олис, режалар янада кенг қамровли эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 11-сессиясида буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини ободонлаштириш тўғрисидаги таклиф ва кўрсатмаларини, бу борадаги Олий Мажлиснинг 2003 йил 5 майдаги 2-53 сонли қарорини бажаришда давом этиш лозим, зеро Бобур фондининг фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан маъқулланиб, унинг зиммасига янада шарафли, масъулиятли вазифа юкланган эди.

Йўналиш Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролидаги мамлакатлар сари эди.

Буюк аждодларимизнинг қабр-мақбаралари ҳолатини ўрганиш, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўплаш керак эди.

Бу гал сафарда 65 кун юрдик.

Экспедиция таркиби раҳбар, Зайнобиддин Мамарасулов, Муҳаммад Содик Қосимов, Илҳомжон Мамарозиқов ва каминадан иборат эди.

Асосий зиёратлар Эрон Ислом Республикасидан бошланди.

Ушбу юрт худудида яшаб, ижод қилиб ўтган Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, шунингдек, Жалолиддин Румий (Туркия)ларнинг қабр-мақбаралари талаб даражасида таъмирланиб, зиёратгоҳларга айлантирилгани таҳсинга лойиқ эди.

Турон заминидан етишиб чиқиб, дунёга танилган сиймолардан «Муаллими соний» унвонига сазовор бўлган Абу Наср Форобий абадий макон тутган «Бобус сағир» (Дамашқ), ўрта асрларнинг етук астрономи, математиги, Мирзо Улуғбекнинг сафдоши, шогирди Али Қушчи ётган Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Авлиё Айюб Ансорий, Маккаи мукаррамадаги Заҳириддин Бобурнинг ўғли, шоир Комрон Мирзо дафн этилганлиги тахмин қилинадиган «Жаннат-ул маъало» қабристонлари кўздан кечирилди.

Арабистон ярим оролидаги мамлакатларда илмий изланишлар олиб борилаётганда ҳаж мавсуми бошланиб қолгани муносабати билан биз ҳам муборак ҳаж ибодатларини адо этдик.

Халифа Маъмун Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийни ўзи билан бирга Ироқ давлатининг пойтахти Бағдодга олиб кетганлиги маълум. Хоразмий Бағдодда яшаб, фалакиёт, алжабр ва бошқа табиий фанлар соҳасида кўплаб илмий кашфиётлар қилган.

Саудия Арабистонида юрган кезларимизда Зокиржон аканинг фикри-хаёли Ироқ мамлакатига ўтиш ташвиши билан банд эди. Маълумки, ўша маҳалларда Америка томонидан эълон қилинган бирёқлама уруш, тўғрироғи, хужум давом этар, юртнинг, хусусан, пойтахт Бағдоднинг ҳали у, ҳали бу мавзеида портлашлар рўй бериб турарди. Раҳбар Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги консули, бошқа расмий ва норасмий кишилардан маслаҳат, йўл-йўриқ сўраганида уларнинг биронтаси ҳам Ироққа ўтиш фикрини қувватламдилар. Аммо Зокиржон ака, барибир фикридан, аҳдидан қайтмади. Маккаи мукаррамадалиқ пайтимизда бир неча марта ироқлик ҳожилар кўнимгоҳларига бориб, улардан мамлакатларидаги, хусусан, чегараларидаги аҳвол тўғрисида сўраб-суриштириб келди. Ҳаж зиёратига Ироқ орқали келган

бошқа кишиларни (улар жуда кам эди) топиб суҳбатлашди. Ҳеч ким гоҳ авж олиб, гоҳ пасаяётган жанг оловлари ичида қолган юртдаги шарт-шароитга тайинли, қониқарли жавоб бера олмас, фақат вазият қалтис ва таҳликали эканлигини таъкидлашарди.

Раҳбар масалани ҳамроҳлар эътиборига ҳам ҳавола этиб, ҳар биримизнинг фикримиз, хоҳишимизни сўради. Албатта, ҳаммамиз ҳам иккиланардик: бир ёқдан, тинч-омон уйга қайтишни ўйласак, иккинчи томондан, шахсан мен орзуимдаги шаҳарлардан бири, тарихий-бадий китобларда, эртак ва ривоятларда кўп тилга олинадиган машҳури жаҳон Бағдодни, буюк ватандошларимиз Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар фаолият олиб боришган ва ҳали-ҳануз мавжуд Байт-ул ҳикмани (мен уни Фанлар Академияси сифатида тасаввур қилардим) кўришдан умид узгим келмасди. Зокиржон аканинг қатъиятига ишонар, унинг вазиятдан чиқишдаги уддабуронлиги, шаҳди-жасорати билан ҳар қандай хавф-хатар ва ғов-тўсиқни енгиб ўтиш мумкин деб ўйлардим. Қисқаси, мен Ироққа ўтиш тарафдори эдим. Бошқа шерикларнинг кўнглидан нималар кечарди – билмадим, ҳарқалай, улар ҳам бошлиқ изми-ихтиёрига зид фикр билдиришмади.

Араб саҳроларида икки кеча-кундуз сарсон кезиб, 450 чақирим йўл босиб, Ар-Ар чегара пунктига етиб бордик. Афсуски, шунча вақтимиз, заҳматларимиз зое кетди – бизни Ироқ ҳудудига қўйишмади. “Саудияга қайси чегарадан кирган бўлсангиз, ўша томондан кетасизлар, биз рухсат берган тақдиримизда ҳам америкаликлар ўтказмайди, ё...” дейишди. Илтимос, ўтинчлар ҳам иш бермади. Яна орқага қайтишдан бошқа илож йўқлиги алам қиларди, аммо на чора?

Зокиржон аканинг эса режаларидан кечгиси, ниятидан қайтгиси келмасди.

- Энди Иордания орқали уриниб кўрамиз, Бағдодни кўрмай кетмаймиз, - деди у ҳеч иккиланмай.

Кейинги оворагарчиликлар, чегарадан қандай ўтганимиз, бошқа таҳликали ҳолатлар «Андижондан Бағдодгача» номли сафарномада кенгроқ ёритилгани учун бу ерда гапни мухтасар қилишни лозим кўрамиз. Алқисса, Ироқ заминига кадамимиз етди. Бағдод шаҳрида икки кун бўлиб, Байт-ул ҳикманинг Абдужаббор Нажий бошчилигидаги бўлим ходимлари билан учрашдик.

Хоразмий илмий фаолият олиб борган кутубхонада у буюк аждодимиз қолдирган бой илмий мерослар ҳақида суҳбатлашдик.

Хоразмий ўзи яшаган Қутрубул маҳалласидаги қабристонга дафн этилганини аниқлаш учун жаноб Абдужаббор Нажийдан ўша жойга олиб боришни ўтиндик. Доктор Нажий шахсий енгил машинасида бизни шаҳарнинг шимолий қисмидаги Имом Аъзам мақбара-масжидини зиёрат қилдириб, Қутрубул яқинига олиб борди. Лекин шаҳардаги ҳарбий ҳолат қабристонни излаб топиш имконини бермади.

Афсус билан Байт-ул ҳикмага қайтдик. Илмий мулоқотни давом эттирар эканмиз, Зокиржон ака Хоразмий фаолиятини биргаликда чуқурроқ ўрганиш, янгиликлар билан ўртоқлашиб туриш, Бағдодда тинчлик-осойишталик юзага келгач, Байт-ул ҳикма ходимлари томонидан Хоразмийнинг дафн этилган жойини аниқлаш, Хоразм Маъмун Академияси билан ҳамкорликда қабр устига ёдгорлик ўрнатиб, у ерни ободонлаштириш бораларида таклиф киритди. “Ҳикматлар уйи” мутасаддилари ва олимлари таклифни бажонидил қабул қилдилар.

Шартномага Халқаро Бобур фонди номидан Зокиржон Машрабов, Байт-ул ҳикма номидан Абдужаббор Нажий имзо чекдилар.

Раҳбар шартномани Хоразмга, Маъмун Академиясига юборишни дилига туғиб қўйди: зора улар ушбу ишни ниҳоясига етказсалар.

Бағдод шаҳридаги муҳит Ироқ мамлакатидан тезроқ чиқиб кетишни тақозо этарди. Эрон давлати худудига ўтиб, қадимий Шерозга йўл олдик.

Шарқнинг машҳур мутафаккир-алломалари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозийлар яшаб ижод қилган бу мўътабар шаҳарда миллатимизнинг ажойиб вакиллари яна бири, туркий тилда илк бор девон тузган шоир Ҳофиз Хоразмий ҳам маълум муддат яшагани ва шу жойда дорилбақога рихлат қилгани манбаларда қайд этилган эди.

Шероз университети олимлари билан, Ҳофизшунослик маркази илмий ходимлари ва бошқа зиёлилар билан учрашув-мулоқотлар, фикр алмашувлардан, ашъвий далиллардан аён бўлдики, ҳозирги гўзал, шинам Ҳофиз Шерозий

ёдгорлик мажмуаси ва хиёбони ўрни бундан 50-60 йил илгари катта қабристон бўлган экан. Демакки, Ҳофиз Хоразмий ҳам шу жойга дафн этилган бўлса, унинг гўри ҳам бошқа қабрлар қатори текисланиб, йўқ бўлиб кетган...

\*\*\*

Юқорида зикр этганимиздай, Захириддин Бобур ўз даврида ўта мураккаб бўлган араб алифбосини туркий талаффузга мос ҳолда ислоҳ қилиб, янги ўзбек ёзувини яратган ва ўша имлода Қуръони каримни кўчириб, Маккаи мукаррамага юборган. Бобуршуносликка оид манбаларда «Хатти Бобурий» деб ном олган бу алифбо ҳақида маълумот учраса-да, ҳанузгача унинг намунаси топилмаган эди.

Экспедиция етиб борган мамлакатларнинг кутубхона, музейларида, дорилфунунларида олиб борилган изланишлар сафарларнинг бирида ўз самарасини берган - Эрон давлатининг Машҳад шаҳридаги улкан, маҳобатли Имом Ризо мажмуаси музейида «Хатти Бобурий»да кўчирилган Қуръони Карим сақланаётгани аниқланган, лекин ундан тўла кўчирма олиш имкони бўлмаётган эди.

Ушбу сафар чоғида ҳам Машҳадда тўхтаганимизда, Зокиржон ака Имом Ризо зиёратгоҳи мажмуаси таркибидаги «Толиб-ул ҳақ» қўлёзмалар маҳкамаси мутасаддилари билан музокаралар ўтказиб, уларнинг ваъдасини олишга эришган, Техронда Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Илҳомжон Акрамовга ҳам шу борада илтимос қилган, аммо у ваъдаларга ишониб-ишонмай, лекин кўнгилни, умидни ҳам узмай келаётган эди. Шероз йўлида элчимизга кўнғироқ қилдию, бирдан Техронга қайтамиз, бизга суюнчли янгилик бор экан, деб қолди.

## **МИНГ ЧАҚИРИМ ОРҚАГА**

Албатта, икки ой давом этган сафардан уйга, оила, фарзандлар бағрига ошиқиб қайтаётган одамларнинг минг километр орқага қайтиш ҳақидаги хабарни эшитганда қандай ҳолга тушишларини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо экспедиция сафарида унинг манфаати муҳимлигини унутишга ҳеч биримизнинг

ҳаддимиз, ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Боз устига, кўзи чакнаб, қалби яшнаб кетган раҳбарнинг қувончига қандай шерик бўлмаслик мумкин?

Дарҳақиқат, элчимиз Илҳомжон Акрамов бизни бебаҳо «сюрприз» билан кутаётган экан. «Сюрприз» - «Хатти Бобурий»дан ва Техрондаги Эрон миллий кутубхонасида сақланаётган «Бобур куллиёти» (сайланма)дан кўчирмалар эди.

Зокиржон ака Ўзбекистондаги йирик бобуршунос олимлар (мас. проф. С.Ҳасанов)дан Эронда «Куллиёти Бобур» номли бир нодир қўлёзма мавжудлиги, аммо турли сабабларга кўра қарийб қирқ йилдан бери уни қўлга киритиш имкони бўлмаётганини эшитган ва бу масалани ҳам дилига тугиб юрарди. Техрондаги элчихонамизда «Хатти Бобурий» масаласи кун тартибига қўйилган чоғда Зокиржон ака унинг ёнига «Куллиёти Бобур»ни ҳам қўшиб қўйишни элчимиздан ўзбек бобуршунос олимлари, зиёлилари, Бобур Халқаро жамғармаси ва унинг илмий экспедицияси номидан сўраган, элчимиз бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилишга сўз берган эди. Нодир қўлёзма ва нашрлар ниҳоят қўлга кирганидан, шубҳасиз, барчамиз мамнун, Зокиржон аканинг эса боши осмонда эди. Оворагарчилик заҳматлари, чарчоқлар унутилди.

Бу қимматбаҳо бойликлар Зокиржон аканинг бир неча йил давомида олиб борган тинимсиз изланишлари ва уринишлари, Эрон давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисига ёзган мурожаатномалари ва Техрондаги Эрон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган суҳбат-мулоқотларнинг дастлабки меваси эди. Зеро, ҳар қандай давлат каби, Эроннинг музей ва кутубхоналаридан қўлёзма нусхасини олиш ғоят мушкул масала. Сиз уни улар сўраган нуфузли асар ё китобни, лоқал нусхасини топиб-алмаштириш ҳисобига қўлга киритишингиз мумкин. Машҳаддаги Имом Ризо мажмуаси директори илтимосига кўра Зокиржон ака томонидан Россиядан келтириб берилган ноёб асар эвазига қилинган «сюрприз» эди бу.

Эндиликда дунёда фақат Машҳад ва Андижон шаҳрида, икки нусхадагина мавжуд “Хатти Бобурий”ни илмий ўрганиш ва истеъмолга киритиш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Экспедиция сафардан қайтгач, Республика Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат марказида, Тошкент Шарқшунослик институтида, Бобур номидаги Андижон давлат университетида, Андижон вилоят ва шаҳар коллеж, лицейларда, “Нуроний” жамғармаси фаоллари, зиёлилар давраларида экспедиция аъзолари билан учрашувлар бўлди. Сафар якунлари тўғрисида матбуот, теле-радио орқали ахборот-ҳисоботлар берилди. Мазкур йиғинларда, матбуотдаги чиқишларда Зокиржон Машрабов қуйидаги фикрларни алоҳида, куйиниб таъкидлар эди:

- Дунёга машҳур ҳамюртларимиздан бири Абу Наср Форобий қабри Сурия давлатининг пойтахти Дамашқдаги марказий «Бобус сағир» қабристонининг бир бурчагида мунғайиб ётибди. Йўл йўқлиги, кўримсизлиги учун уни топиб бориш ҳам мушкул. Қолаверса, қабр мақбарасиз, қабр тоши (бетондан қилинган) эскирган, нураган, ёзилган кичкина лавҳа оддий михга илиб қўйилган. Энг асосийси – қабр ёнидаги баланд деворли эски, ҳовлили уйларнинг босиб қолиши хавфи остида. Қабр панжара билан ўралган. Панжаранинг ичини маҳаллий бой қассоблар ўзлари учун хилхонага айлантириб, салобатли сағана тошлари қўйиб боришяпти. Яқин 40-50 йил ичида Форобий ҳазратлари қабридан ном-нишон қолмаслиги мумкин.

- Мутасадди ташкилотлар (ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда Абу Наср Форобийнинг дахмасини таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари олиб бориб, у жойга ёдгорлик ўрнатиш керак ёки Форобий туғилиб ўсган юртга кўчириш лозим.

- Ватандошимиз, буюк математик, астроном Али Қушчининг қабри Истанбулдаги Ансорий мақбарасининг орқа томонига, диний уламолар мазорига дафн этилган. Қабрларнинг ниҳоятда зичлиги, йўл йўқлиги ва сағана тошига битилган ёзувлар ўчиб, хиралашиб бораётгани сабабли уни ҳам топиш қийин.

Али Қушчи қолдирган бой илмий мерос, олимнинг халқаро миқёсда тутган ўрни, унинг келгуси авлодлар тарбияси учун ибрат, сабоқ эканини эътиборга олиб, бу буюк инсон қабрини ўша ерда алоҳида жойга кўчириб, ёдгорлик ўрнатиб, ҳамма учун қулай зиёратгоҳга айлантириш мақсадга мувофиқ. Ёки, унинг хокини керакли мутасадди ташкилотлар билан келишган ҳолда Самарқанд

шаҳридаги Улуғбек расадхонаси ёнига кўчириб, тепасига ёдгорлик ўрнатиш керак.

*Бобур Халқаро жамғармаси нафақат маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Балки бу фаолият бугунги ўзбек бадиий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу бадиий сафарнома жанридир.*

*Азиз ҚАЮМОВ,  
академик*

## **2005 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ**

Бу йилнинг солномаси Бобур халқаро жамғармасининг хайрихоҳларидан, ўзбек мумтоз адабиётининг билимдонларидан бири, профессор Саидбек Ҳасановнинг «Бобур куллиётининг Техрон нусхаси» сарлавҳали мақоласи («ЎзАС», 1 январь) билан бошланади. Мазкур тадқиқотда айнан Бобур халқаро илмий экспедицияси раҳбарининг саъй-ҳаракатлари эвазига қўлга киритилган «Куллиёти Бобур» (Бобур асарлари тўплами) муаллифнинг дунёнинг бошқа мамлакатлари, бошқа шаҳарлардаги нуфузли кутубхона ва музейлардан топилган қўлёзмаларига солиштириш асносида таҳлил қилинади. Куллиётдан Бобур Мирзонинг «Мубаййин», «Аруз рисоласи», «Бобурнома»си ҳамда Хожа Аҳрорнинг «Рисолаи волидия» асари таржимаси ўрин олган эди.

Тадқиқотчининг эътирофича, мазкур қўлёзмада ўзига яраша қусурлар мавжудлигига қарамай, Ўзбекистондаги мавжуд қўлёзмалардаги айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда катта аҳамиятга эгадир. «Хуллас – деб ёзади, мақола муаллифи, - Техрон қўлёзма нусхасини бошқа қўлёзмалар билан қиёслаш натижасида шуни айтиш мумкинки, бу қўлёзма Бобур асарларининг муаллиф қаламига яқин бўлган ва энг ишончли матнни яратишда ўзига хос, бетакрор



манба сифатида истифода қилишга лойиқ эътиборли нусха эканлигини қайд этиш мумкин».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Заҳириддин Бобур таваллуд санасига бағишланган 11 февралдаги сонидан эса Бобур халқаро жамғармасининг яна бир дўсти, ҳамкори, Бобур Мирзо шаънига бағишланган маданий-маърифий тадбирларнинг доимий қатнашчиси, афғонистонлик бобуршунос олим Муҳаммад Ҳалим Ёрқиннинг «Бобурми, Бабарми ё Бобир?» сарлавҳали қизиқарли тадқиқоти чоп этилади.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммаднинг таҳаллус-номи мақола сарлавҳасида келтирилганидай, турли шаклда ёзилиб келинади. Муаллиф ўз кузатувлари, тарихий манбалар мисолида «Бобур» шакли тўғрироқ ва мазмунан мосроқ деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, Ҳ.Ёрқин ўз тадқиқотида яна бир таклифни ўртага ташлайди: кўп ҳолларда, хусусан замонавий мақола ва нашрларда истифода этилаётган «Бобур Мирзо», «Мирзо Бобур» деган атамадаги “мирзо” сўзи ўрнига «подшоҳ» ёки «шоҳ» атамасини қўшиб ёзиш мақсадга мувофиқ эканлигини тарихий мисоллар ёрдамида исботлашга ҳаракат қилган.

#### МУХТАСАР МАЪЛУМОТЛАР

14 февраль куни Заҳириддин Бобур таваллудининг 522 йиллигига бағишланган илмий-бадиий анжуман ўтказилди – албатта, Бобур халқаро жамғармаси ташкилотчилигида. Унда пойтахтдан, қўшни вилоятлардан бобуршунослар, Бобур ихлосмандлари иштирок этдилар. Сал аввалроқ испаниялик олима Мариса Комас «Бобурнома» асарини испан тилига таржима қилиб, Президентимиз И.А.Каримовга тақдим этган, Юртбошимиз эса ушбу китобни Фонднинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига тухфа қилган эди. Анжуманда испан тилидаги «Бобурнома» асарининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

\*\*\*

Мамлакатимиз Президенти топшириғига биноан, Олий Мажлис Кенгашининг 2003 йил 5 майдаги 2-53-сонли «Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон худудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва обдонлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Фонд томонидан ўзбек мумтоз шоири мавлоно Лутфий мақбараси ва сағана тошини тайёрлаш билан боғлиқ ишлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, улар андижонлик моҳир ёғоч ўймакорлиги ва сангтарошлик усталари иштирокида тайёрланди.

\*\*\*

2005 йилнинг 13 май кунги Андижон шаҳрида юз берган машъум террорчилик ҳаракатлари вилоятимиз ижтимоий ҳаётига озми-кўпми таъсир кўрсатди, лекин матонатли халқимиз руҳан тушкунликка тушмади, аксинча, юртбузуқи ғаламисларга нисбатан нафрати янада кучайди. Кўхна тарихга эга Андижон аҳли азал-азалдан юксак маънавиятли инсонлар эканлиги ва бу юртдан қанчадан-қанча катта истеъдод эгалари етишиб чиққанлиги ҳаммага маълум. Вилоят аҳлининг санъатга шайдолигини инобатга олиб, Фонд томонидан Бобур боғида халқимизни руҳан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Сиз соғинган кўшиқлар» деб номланган хайрия концерти ўтказилди. Концертда Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Маҳмуджон Йўлдошев, республикада хизмат кўрсатган артист Хуррият Исроилова ва бошқа санъаткорлар иштирок этди.

\*\*\*

Август ойида фонд раиси Зокиржон Машрабов Санкт-Петербург шаҳрига қилган илмий сафари чоғида Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург филиалидан «Бобурнома» асарининг Қозон шаҳрида чоп этилган нусхасининг микрофильми ҳамда «Фолномаи Бобур подшоҳи ғозий» асарининг ксеронусхасини олиб келишга муваффақ бўлди, уларнинг тақдимотлари ўтказилиб, илмий истеъмолга киритилди.

\*\*\*

Шу йил декабрь ойида Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими қошида «Ўқув-маърифий марказ» фаолияти йўлга қўйилди. Унда инглиз, немис, араб, хинд, ўзбек ва рус тиллари ўргатила бошланди.

\* \* \*

Йил давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология илмий текшириш институти билан Фонд ҳомийлигида олиб борилаётган Андижон шаҳрининг тарихий ёшани аниқлаш, унинг Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш бўйича археологик-қидирув ишлари давом эттирилди ва эътиборга молик натижалар қўлга киритилди.

*Буюк боболарнинг этагидан тутмоқ, уларнинг хайрли ва эзгу ишларидан ҳайратга тушмоқ, гурурланмоқ бизларга оталардан қолган меросдир. Ўзбекнинг бирор фарзанди йўқки, у ўзининг улуг боболарини руҳан йўқламаган, изламаган бўлсин.*

*Халқимизнинг фидойи ўғилларидан бири Зокиржон Маишрабовни шу маънода ҳар қанча эъзозласак, ҳурмат этсак арзийди. Айтиш мумкинки, Зокиржон ака ўзининг меҳнатсеварлиги ва фавқулудда шижоати билан тақдир тақозоси ила Ватанидан мосуво бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни Андижон боғларига бошлаб келди. Бобур баҳона халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари хотиралари ҳам кўнгилларимиз қатидан жой олди. Боболаримизни қадрлаш, улуғлаш, улар билан фахрланиш, чинакам миллий гурур туйғуси бизларга жуда ҳам зарур. Биздан ҳам кўра кўпроқ эртаимизнинг суянчиқлари бўлган фарзандларимизга керак. Зокиржон Маишрабов бу йўлда беминнат хизмат қилиб келмоқда.*

*У раҳбарлик қилаётган Халқаро Бобур жамғармаси ва Халқаро Бобур илмий экспедицияси маданиятимиз тарихини, меросимизни ўрганишимизда эътиборга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда.*

*Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,*

**ДЕҲИ КАНОРГА МАҲСУС САФАР**

**ОҚ ЙЎЛ**

*(Жаҳонгашта инсон Зокиржон Маширабовнинг ўз экспедицияси билан  
улуғ шоир, мавлоно Лутфий ҳазратлари қабр-мақбарасини янгилаш учун  
Афғонистонга жўнаши муносабати билан)*

*Оқ йўл Сизга, жаҳонгашта Инсон,  
Чопагон тулпорлар бўшалсин.  
Кетаяпсиз пиримиз томон,  
Орзулар, армонлар ушалсин.*

*Ҳазрат Лутфий авлиё шоир,  
Улуғ Навоийнинг устоди.  
Сизга интиқ ётибди ҳозир,  
Сизда эса хотири, ёди...*

*Таъзим айланг ул зотга минг бор,  
Бобур юрти жон Андижондан.  
Қабр тошин тиклаб, миннатдор –  
Гуллар қўйинг Ўзбекистондан!*

*Айтинг, қадим диёрларимиз  
Истиқлолга юз тутганини.  
Яна айтинг, азёрларимиз*

*Андижонда қон ютганини.*

*Яна айтинг Юртбошимдан сўз,*

*Келажак ҳақида тилаклар:*

*Сизни ўқир қанча қаро кўз,*

*Қанча-қанча ёниқ юраклар.*

*Сўнгра менинг шеъримни ташланг –*

*Пок хокига қўшилиб кетсин...*

*Кейин унда тиловат бошланг,*

*Овозингиз қалбимга етсин!..*

**Тўлан НИЗОМ,**

**Ўзбекистон халқ шоири**

**2006 йил, 30 апрель тонги, Андижон шаҳри, Боғи Бобур.**

Аслида мазкур йил ҳам турли воқеалар, тадбирлар, анжуманларга бой йил бўлди, аммо энг муҳим, энг катта воқеа - экспедициянинг Афғонистонга навбатдан ташқари, махсус сафари эди.

Президентимиз топшириғига биноан Зокиржон ака ёғоч ўймакорлари ва сангтарош излашга тушган эди. Избосканлик Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарсали Ўтаганов, нуроталик уста Тоҳирларни топиб, уларга масаланинг моҳиятини тушунтирди, албатта, усталар ҳам бу қутлуғ ва хайрли ишга бажонидил рози бўлдилар.

Икки йил давом этган серзаҳмат, сердиққат меҳнат, ижод маҳсули ўлароқ сағана тоши ва ёғоч марқад тайёр бўлиб, мутахассислар, мутасаддилар, ҳайъат назаридан ўтгач, Бобур боғидаги ош-сувдан кейин (Т.Низом юқоридаги шеърини ана шу кузатув маросимида ўқиган) экспедиция яна йўлга отланди. Олти аъзо ўрнашган «Газель» ҳамда юклар, йиғма сағана ва бошқа керакли ашёлар юкланган «КамАЗ» олис ва машаққатли сафарга жўнаб кетади.

Экспедиция бир неча кунлик осмонўпар довлар, божхоналардаги музтарлик, диққинафасликларни ортда қолдириб, Афғонистон заминига, сўнг ўтган гал Мавлоно Лутфий қабри изланган дашту биёбон, тор, қинғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир йўллар билан оқшом пайти Шаҳзода Қосим мазоротига етиб боради. Қаттиқ чарчоқ натижасида ҳолдан тойган экспедиция аъзолари ва усталар қабристон шайхининг хужраси ёнидаги бетон супада донг қотиб ухлаб қолишади. Эрталаб уйғонишганида устларини бир неча энлик қум босган эди. Ачишган кўзларини аранг очишади. Тишлар ғичирларди. Қулоқлар ичи ҳам қумга тўлган. Бундай ҳолатни тасаввур қилмаган янги аъзолар бир зум эсанкираб, таҳликага тушишади, бироқ раҳбарнинг хушқайфият ва даъватидан ўзларини тезгина ўнглаб олишади. Зокиржон ака уларга Бобуршоҳнинг афғону ҳинд заминида тортган азобу уқубатларини эслатади. Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва бошқа улуг аждодлар руҳи мадад, қувват беражанини таъкидлайди. Астойдил ишга киришадилар. Қабр тоши, дахмани тиклашдан аввал майдон ҳозирлаш, пахса деворларни бузиш, қамиш босиб ётган катта ҳовуз ўрнини тупроқ билан тўлдириш, текислаш ва ўша ҳудудга бетон ётқизиш зарур эди. Бу ерда қум сероб, бироқ ундан бошқа қурилиш ашёси йўқ эди. Лекин узоқни кўрадиган, ишни пухта қилишга ўрганган раҳбар «КамАЗ»га цемент билан бирга зарур асбоб-анжомларни ортишни ҳам унутмаган эди.

- Пиримсан, деб ишга киришдик – дейди Зокиржон ака. – Ўзингиз биласиз, у ерда на чироқ бор ва на бошқа қулайликлар... Қаттиқ шамол мавсуми бошланган экан...

Ҳамиша режали иш тутиб ўрганган экспедиция раҳбари электр движок, электр узатгич мосламалар ва бошқа барча керакли анжомларни ҳам бу ерга олиб келган эди.

Оқшом алламаҳалгача ишлашга тўғри келади. Зокиржон ака усталар ва ёрдамчиларга тасалли бериб, алқаб турар, ўзи ҳам улар билан баробар, балки ортиқроқ меҳнат қиларди. Зеро, мазкур ёдгорлик, иншоот узоқ-яқиндан зиёратга келадиганлар томонидан баҳоланишини, ташкилотчилар, ижодкорлар, ижрочилар, энг муҳими, Бобур Мирзо юрти – Ўзбекистон шаънини ифода этмоғи

лозимлигини эътибордан қочирмаслик, бир неча минг чақирим ердан келиб кўрсатган кароматлари шу эканми, деган таъна-маломатга ўрин қолдирмаслик зарур эди. Бу Зокиржон Машрабовнинг муддаоси, иш услуби эди.

Аввалги хотираларимизга, жумладан, “Буюклар изидан” деган китобга, газеталар, телевидениедаги чиқишларга кўзи тушган ўқувчиларимизга аёнки, ўша сафар атоқли ўзбек шоири, “сўз лутфида ягонаи даврон, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган” (Хондамир) Мавлоно Лутфий қабрини бир кун эрталабдан кечгача овораи сарсон бўлиб, Дашти Бўталайдан излаб, ниҳоят, уни қадимий Дехи Канор (ҳозирги номи Нангобод) қишлоғи билан туташ бепоён чўл ўртасидаги Шаҳзода Қосим мазористонидан қийинчилик билан топган ва қабр тепасидаги тупроқлари тўкилиб уюм бўлиб қолган чоғқина, чор бурчакли пахса деворнинг бир ёнини ўйиб, вақтинча ёдгорлик мрамор тахта ўрнатиб келган эдик. Ана шу аснода Зокиржон ака қалбида юқоридагидай қутлуғ бир ният туғилган эди.

Сағана тош-ку яхлит бир нарса. Аммо олти устунли, эни беш, бўйи олти ярим, баландлиги тўрт метрли шийпон-мақбара тарқоқ ва тахланган ҳолда эди. Ҳар бир бўлак, бир-бирига ўхшаган, лекин фарқли элемент-қисмларни ўрни-ўрнига қўйиб чиқиш зарур. Бир сантиметр тафовут қилса элемент кертikka ё тўла тушмайди ё оч келиб, лиқиллайдиган бўлиб қолиши мумкин.

- Ҳиротдан Дехи Канорга, Шаҳзода Қосим қабристонига етиб бориб, Ўзбекистондан олиб борилган юклар туширилгандан кейин бир қўй олиб сўйилди. Таомилга кўра, унинг гўшти камбағалларга улашилди. Мавлоно Лутфий руҳига Қуръон ўқилиб, дуои фотиҳалар бағишлангач, изсиз йўқолиб кетаёзган қабр устида бунёдкорлик ишлари бошланди, - деб хотирлайди экспедиция раҳбари.

Қабр тоши, марқадни ростлаб-тиклашдан аввал уларга жой ҳозирлаш зарур эди. Пахса деворлар бузиб ташланди, қамиш босиб ётган ўнқир-чўнқирлар текисланиб, катта майдонга бетон ётқизилди. Афғон шамоли тез-тез учириб олиб келадиган қум тўзони эркин ишлашга қўймайди. Экспедиция аъзолари озчилик. Маҳаллий аҳолидан қўшимча ишчилар ёлланди. Ёрдамчи-дурадгор,

сангтарошлар ва ўн нафар ишчилар олинди. Афғонистонлик биродарлар ҳам қараб туришмади. Ҳирот ҳокимлиги томонидан хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиб, махсус ҳарбий мулозимлар жалб этилди. Экспедиция механиги ва ҳайдовчиси, билмайдиган ҳунари кам Илҳомжон Мамарозиқов ва бошқалар Уста Қосимнинг ёнига киришди. Уч ҳафтадан зиёд, тонг отгандан кўёш ботгунча давом этган меҳнат эвазига мақбара салобат билан қад кўтарди. Унинг атрофига ва йўлакларга мрамор плиталар тўшалиб, кичик кўприклар қурилди, темир панжаралар билан ихоталанди.

Ёғоч ўймакорлигининг Андижон услубида яратилган улуғвор кўшк-айвон остига ўрнатилган мрамор қабр тоши усти ва ёнлари “Бу оромгоҳ пок Аллоҳ лутфи дарёсининг ғаввоси, ирфонга элтувчи ғазал иқлимининг султони Ҳазрат Лутфий Ҳиравийга мансубдир”, деган сўзлари ва Қуръони карим сураларидан олинган оятлар билан безалган эди.

Мақбаранинг очилиш маросимида қатнашган Ҳирот вилояти ҳокимлиги ва илму зиё аҳли вакиллари, атрофдаги туманларнинг волийлари, яқин қишлоқлар аҳолиси Ўзбекистонга, унинг маърифатпарвар халқи ва раҳбарига, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоларига ташаккур изҳор айлаб, ҳақларига дуолар қилишди.

Шодижон улуси оқсоқоллар кенгаши раиси ҳожи Ғулом Саидхон ўз сўзини: “Мавлоно Лутфийга тикланган бу зиёратгоҳ жафокаш афғон замини осмонига ибрат нурини таратгандек бўлди. Биз бу ерда улуғ зот қабри борлигини билар эдик, аммо унинг туркийгўй буюк шоир мавлоно Лутфийники эканини билмасдик. Қалбларимиздаги азобли туйғулар ўрнини эзгу тилаклар эгаллади. Бу улуғ даргоҳни биз кўз қорачиғидек авайлаб-асраймиз”, деб яқунлади.

Ўша кунларнинг ўзидаёқ овозаси атрофга таралган обидани кўргани, тавоф этгани ихлосмандлар қадам ранжида қила бошлаган эдилар. Ишончимиз комилки, бийдай дашт ичида мунғайиб ётган катта қабристон бағрида бунёдга келмиш бу муҳташам мажмуа худди шоҳи сўзана каби атрофга фусун, кўрк бағишлаб, обод қадамжога, гавжум зиёратгоҳга айланажак ва ўз зиёратчиларига камтарин, хокисор инсон, мўътабар шоир Мавлоно Лутфийнинг сўнмас шони-



шавкатидан, Бобур Мирзо юртдошларининг буюк инсонларга муҳаббати ва эътиқодидан сўйлаб туражак.

## 2006 ЙИЛ

Февраль ойида Бобур Мирзо таваллудининг 523 йиллигига бағишлаб Андижонда навбатдаги илмий-бадий анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, бобуршунос олимлар Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратиллаев, Ҳалим Ёркин ва бошқалар қатнашдилар.

\* \* \*

Март ойида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Бобур боғи атрофидаги маҳаллалар ва Боғишамол даҳасидаги кам таъминланган оилалар учун хайрия тадбири ўтказилиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

\* \* \*

Шу йил Фонд ҳомийлигида ушбу сатрлар муаллифининг «Буюклар изидан» сафарнома китоби нашрдан чиқди. Инглиз ёзувчиси Румер Годеннинг «Гулбадан» асари таржимаси, шунингдек, каминанинг «Андижондан Бағдодгача» сафарномаси нашрга тайёрланди.

\* \* \*

Буюк аждодларимиз қолдирган бой илмий-маданий меросимизни чуқур ўрганиш, кўхна тарихимизга оид манбалар ҳамда ёшларнинг миллий маънавиятимизга эътиборини кучайтириш мақсадида республикамиздаги ўқув даргоҳлари, университетларда, маънавият марказларида Фонд томонидан ҳисобот учрашувлари ўтказилди

*Улуғ Истиқлол билан деярли тенгдош – 1992 йил февралдан таъсис этилган Бобур халқаро хайрия фонди Заҳририддин Муҳаммад Бобур абадиятини таъминлашда, Бобур ва бобурийлар асарлари, таржималари ва улар ҳақидаги жаҳон олимларининг тадқиқотларини қўлёзма, тошбосма ва литографик нашрлар ҳолида ўз ватанига - Андижонга олиб келишда кўп хайрли ишларни бажармоқда.*

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**

Маълумки, Андижон заминида туғилиб-ўсиб, ашулачиликда ўзига хос маҳорат мактаби яратган, эл-юрт ардоғига сазовор бўлган санъаткорлар талайгина. Шулардан бири Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиевдир. Июль ойида ҳофиз хотирасига бағишлаб Жамғарма ҳомийлигида хайрия концерти ўтказилди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги миллий чолғу ансамбли, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Маҳмуджон Тожибоев, Маҳмуджон Йўлдошев, республикада хизмат кўрсатган артист Ўктам Аҳмедов ва бошқа таниқли санъаткорлар ижросида куй-кўшиқлар ижро этилди. Мумтоз кўшиқлар, устознинг миннатдорчилик билан зикр этилган порлоқ ёди кўнгилларни эзгу ҳислар билан нурлантирди.

Шу фасл Бобур боғида яна бир эса қоларли анжуман бўлиб ўтди. Бобур халқаро жамғармаси ва унинг илмий экспедицияси ташкил топганига 15 йил тўлган эди. Шу муносабат билан боққа ён атрофдаги маҳаллалардан нуроний отахонлар, вилоятимизнинг фахрийлари, зиёлилар ва бошқа соҳа вакиллари таклиф этилиб, уларга ош тортилди. Дастурхон атрофида, давра суҳбати тарзида анжуман бўлди.

Фонд раиси Зокиржон Машрабов ўз ҳисобот-маърузасида ўтган муддатда фонд ва илмий экспедиция томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди, келгусидаги муҳим вазифаларга, жумладан, галдаги экспедициялар, Заҳириддин Бобур қаламига мансуб «Муסיқа сирлари», «Ҳарб иши» каби асарларнинг кўлёмаларини, «Бобурнома»нинг йўқолган қисмларини топиб нашр қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг шоир-ёзувчилари, олим, тадқиқотчилари томонидан ёзилган Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижоди, тарихига оид бадий, илмий асарларнинг чоп этилишига ҳомийлик кўрсатиш давом этажанини таъкидлаб, ижодкорларни шоир ва шоҳ Бобурнинг ҳали очилмаган қирраларини кашф этишга, бобуршуносликни янада кенгайтиришга чорлади.

Анжуманда атоқли адабиётшунос, академик Азизхон Қаюмов шундай фикрларни баён этди:

- Ўн беш йил ичида Фонд томонидан қилинган ишларнинг салмоғи жуда катта. Илмий сафарлар давомида экспедиция аъзолари бошдан кечирган кунлар, фикр-хаёллар баён этилган бир неча китоб дунёга келди. Бу китоблар яратилиши натижасида ўзбек адабиётида янги-сафарнома жанри ривожланди. Мана шу ишлар ташкилотчиси, илҳомчиси, жонкуяр, фидойи инсон Зокиржон Машрабовга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Филология фанлари докторлари, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Суйима Ганиева, филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмон, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Бобур номидаги Ўш театри директори Бахтиёр Тўхтаматов, тиббиёт фанлари доктори Комилжон Мирзаев ва бошқалар Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги жамғарма ва илмий экспедиция томонидан буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва уларни оммалаштириш борасида олиб бораётган кенг кўламли фаолиятга юксак баҳо бердилар.

Илмий анжуман қатнашчилари ва фонд раёсати аъзоларининг таклифига кўра, 15 йил давомида кўхна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш йўлидаги самарали ва ибратли меҳнатлари, Бобур мирзонинг Москвада қуйдириб келинган ҳайкали учун Зокиржон Машрабов ва ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов Бобур халқаро мукофоти билан тақдирландилар. Шунингдек, миллий адабиётшунослигимиз, бобуршунослик равнақи йўлида самарали изланиш олиб бораётган таниқли олимлардан Азизхон Қаюмов ҳамда Саидбек Ҳасанов («Бобур ижодиёти» ва бошқа асарлари учун), профессор Наим Каримов (Қатағон қурбонлари Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар ҳаёти, ижодини ўрганиш соҳасидаги илмий тақиқотлари учун), тарихнавис олим, фахрий профессор Сайфиддин Жалиловга (Андижон тарихи ва унинг Бобур Мирзо билан боғлиқ даврларни ўрганишдаги хизматлари ҳамда таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан) Бобур халқаро жамғармасининг Тақдирлов ёрлиқлари топширилди.

## **АНДИЖОННИНГ АСИЛ ТАРИХИ**

Шу йилнинг кузидаги Андижон аҳли учун катта аҳамиятга молик бўлган яна бир тарихий воқеа вилоят тарихи солномасидан алоҳида ўрин олиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг Ўз.ФА Тарих институтида ташкил этилган академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинари йиғилишларида муаррихлар ва педагоглар томонидан тарих фанининг долзарб муаммолари муҳокама қилиниши ҳукуратимиз томонидан қўйилган вазифалар нафақат Тарих институти жамоаси, балки барча тарихчилар учун муҳим эканлигидан далолат эди.

Республика тарихчиларининг халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этувчи, унинг ғурурини уйғотувчи, энг муҳими, ёш авлод тафаккурида тарихий хотира туйғусини тарбияловчи ҳаққоний, қадимий, бой ва ранг-баранг тарихимизни яратиш ва кенг жамоатчиликка етказиш борасида олиб бораётган улкан, сермашаққатли ишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Кейинги йилларда мазкур семинар йиғилишлари мамлакатимиздаги барча тарихчиларни ўз атрофига бирлаштириб, ҳақиқатда илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ўзига хос марказга айланди.

Мазкур илмий семинарнинг навбатдаги 47-йиғилиши Бобур халқаро фонди (З. Машрабов) ташаббуси билан 10 ноябрь куни Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих ва Археология институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон Давлат университети, Ўзбекистон тарихчилар жамияти, Андижон вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари, олий ўқув юртлари, халқ таълими вакиллари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтди. Мавзу: «Андижон шаҳри тарихи: илмий изланишлар ва янги натижалар».

Семинар йиғилишида сўнгги йилларда Андижон шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, шарқ ёзма манбаларида

Андижон тавсифи, ушбу музофот аҳолисининг этник жиҳатдан таркиб топиш жараёнлари борасида олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида топилган янги материаллар шарҳига бағишланган маърузалар тингланди. Чунончи, тарих фанлари номзоди, археолог Б.Матбобоев ва Бобур халқаро фонди раиси, геология-минерология фанлари номзоди З.Машрабовнинг «Андижонда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши», тарих фанлари номзоди, Бобур номидаги Андижон давлат университетининг профессори С.Жалиловнинг «Шарқ ёзма манбаларида Андижон тавсифи», тарих фанлари номзоди Я.Баратов (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти)нинг «Фарғона водийсидаги пул-товар муносабатлари» (Андижон танга пуллари мисолида), тарих фанлари номзоди У.Абдуллаев (Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти)нинг «Андижон аҳолиси этник таркибининг шаклланиши тарихидан», тарих фанлари доктори, профессор Р.Шамсутдинов (Андижон давлат университети)нинг «XIX аср охири – XX аср бошларида Андижон шаҳри» мавзуларидаги чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Маърузалар бўйича академиклар А.Асқаров, А.Муҳаммаджонов, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамов, Марказий Осиё тарихини ўрганиш Француз тадқиқот институти директори Байрам Балчи, Андижон давлат университети ректори Т.Мадумаров, Фанлар Академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор А.Хўжаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Б.Матбобоевнинг қарийб ўн йилдан бери Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги тарихий жиҳатдан эътиборга молик жойларни, тупроқ қатламларини археологик нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида муттасил равишда кузатув-тадқиқот олиб бораётган жонкуяр, фидойи мутахассислиги ва бу борада унинг кўпроқ тасаввур ва маълумотга эга эканлигини тан олган семинар қатнашчилари унга ўзларини қизиқтирган муҳим саволлар билан мурожаат қилдилар.

**Асқаров А.А:** Тангаларнинг Андижонда энг олдин зарб этилганлари қайси давр билан белгиланади?

**Матбобоев Б:** Андижонда 358-359 хижрий, 968-970 мелодий йилларда танга зарб этилган. Кейинчалик, XIII асрда водийнинг қатор шаҳарларида (Андижон, Марғилон, Ўш ва Хўжанд) танга зарб этилган. Улар чиғатоё тангалари деб ҳам юритилади. Бу гуруҳ тангалар Чордонадаги қабрлардан ҳам топилган. XV асрлардан Андижонда катта пул зарбхонаси бўлганлигини мутахассислар қайд этганлар.

- Кулолчилик чархида тайёрланган сополларнинг қуйи қатламлардаги миқдори қандай?

- Бу муҳим масала ҳисобланади. Чунки кулолчилик чархида идишлар кўп ишлаб чиқарилган ва уларнинг асосан бозор учун мўлжалланганлиги ҳам ҳақиқатга яқин. Қолаверса, Эйлатон маданиятига хос кулолчилик буюмларининг шаҳар ёдгорликлари орасидан топилиши жуда муҳимдир. Бу сополлар миқдорига келсак, улар энг қуйи қатламларда ҳам қисман учрайди, фоиз ҳисобида 30 га боради.

**Эшов Б:** (1-савол) Илк шаҳарлар (Еркўрғон, Афросиёб, Кўктепа, Қизилтепа ва б.) уч қисмли эди. Сарвонтепада-чи? Ибодатхона сақланганми? (2-савол) Сарвонтепада милoddан аввалги VI-IV асрлардан олдинги қатламлар борми?

**Матбобоев Б:** (1-саволга жавоб) Ўлик ва ҳозирги мавжуд шаҳарлар деган тушунчалар бор. Сиз назарда тутган ёдгорликлар барчаси «ўлик шаҳарлар» хилига киради. Шунинг учун улар сиз санаган бир неча қисмли шаҳарларда сақланган, лекин барчасида эмас. Сиз айтган давр учун қисмли шаҳарлар хос эмас, бундай бўлиниш, яъни арк, шаҳристон, работлар араблар келгандан сўнг пайдо бўлган. Кейин, тарихий шаҳарларда қадимги даврлардагидай қисмларга бўлиниш сақланмаган. Чунки ҳамма ерда қадимги шаҳарлар қалин қурилишлар остида қолиб кетган. Бунинг устига Фарғона водийси сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани учун турли йиллардаги zilzilалар туфайли кўплаб кўҳна моддий-маданий ёдгорликлар йўқолиб кетган. Аммо ўрта асрларга оид арк, шаҳристон ва работлар қисман бўлса-да, Андижонда сақланган. Ибодатхона, аниқроғи, қадимги даврдаги ибодатхоналар сақланмаган. Бироқ кейинги замон диний

иншоотлари тўғрисида маълумотлар бор. Масалан, Бобур тилга олган Намозгоҳ масжиди.

(2-саволга жавоб) Сарвонтепанинг милоддан аввалги VI-IV асрлардан олдинги даврлари борасида изланишлар олиб борилмоқда.

**Қўчқоров Т:** Археологик ёдгорликлар ва қатламлар шаҳар даврий тизимида қандай ҳолатда жойлашган?

**Матбобоев Б:** Шаҳар тарихининг барча даврларида археологик ёдгорликлар қайд этилган. Улар ичида айримлари кўпроқ, айримлари камроқ учрайди. Қадимги ва илк ўрта асрлар археологик комплекси бўйича кўплаб материаллар бор.

**Академик А.Асқаров сўзидан:** - Бугун эшитилган барча маърузалар қониқарли. Айниқса, Б.Матбобоев маърузасида катта янгиликлар бор. Шунинг учун мен ҳамма маърузаларга тўхталмай, фақат унинг чиқишига тўхтаб ўтсам. Маъруза мураккаб илмий усулда баён этилди. Лекин шунга қарамай, келтирилган материаллар даври милоддан аввалги VI-IV асрлар деб тўғри баҳоланган. Мен Андижон шаҳрини археологик ўрганиш ишининг бошланиш қисмини яхши биламан ва бугунги материаллар топилишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ўша пайтда археологик қазималарга астойдил киришилдию, аммо ҳар хил сабабларга кўра охирига етмай қолган эди. Кейинчалик Зокиржон Машрабов ташаббуси билан қайтадан бошланган бу ишлар шогирдимиз Боқижон Матбобоевга юклатилди. Мен иш давомида бир неча марта келиб, қазималар жараёни билан танишдим. Эйлатонга оид милоддан аввалги VI-IV асрлар материалларини биринчилардан бўлиб мен кўрганман ва Зокиржон Машрабов, Боқижонларни бу ютуқ билан табриклаганман. Энди шаҳар белгиларининг Боқижон айтган даврларда намоён бўла бошлагани янада таҳсинга лойиқдир. Менинг фикрим: ўрта аср деворларини бир-икки жойда қовлаб очиб, уларни кўриш учун тайёрлаш керак. Яна бир нарса – бу андижонликларнинг ўз шаҳарларига меҳри ва муҳаббатидир. Бунинг мисоли шаҳардаги тарихий жиҳатдан ўта муҳим Сарвонтепанинг чиройли қилиб ўраб қўйилганидир. Мен

ушбу семинарнинг кизиқарли, юқори илмий савияда ўтганини ва ўз олдига қўйган вазифани бажарганини мамнуният билан таъкид этаман.

**Семинар раиси Д.А.Алимованинг яқунловчи сўзидан:** - Менинг фикримча, семинаримиз жуда яхши ва ишчанлик руҳида ўтди. Маърузалар ўзининг кенг қамровлиги, тарихимизнинг долзарб муаммоларига бағишланганлиги билан диққатимизни жалб этди. Ўйлайманки, барча маърузалар кизиқарли ва фактларга бой бўлди. Албатта, Боқижон Матбобоевнинг чиқишини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Бу ахборотни кўп йиллик меҳнат самараси ва янгилик деб қараш мумкин. Биз Боқижон акани меҳнаткаш ва Андижон тарихини ўрганиш учун кўп хизмат қилаётган тадқиқотчи олим сифатида биламиз. Бу кишининг ишларига зафарлар тилаймиз.

Семинар йиғилишининг эътиборли жиҳати шунда бўлдики, Андижон тарихига оид изланишлар ва натижаларнинг илмий асосга эга эканлиги ва масаланинг долзарблиги алоҳида эътироф этилди. Шаҳарлар ва шаҳарсозлик маданияти тарихини тадқиқ қилиш борасида олиб борилиши зарур бўлган янги илмий йўналишлар ҳамда келгуси тадқиқотларга асос бўлувчи мулоҳазалар, назарий-методологик хулосалар айtilди. Семинар қатнашчилари маърузалар ва мунозаралардан келиб чиқиб, Андижон шаҳрининг ёштини аниқлашга йўналтирилган археологик тадқиқотларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлагани учун Бобур халқаро фондига миннатдорчилик билдириб, бу фаолиятни давом эттириш лозимлигини таъкидладилар. Бобур халқаро фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ҳамкорлигида Андижон шаҳрида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган милoddан аввалги VI-IV асрларга оид материаллар ва уларнинг хронологияси инобатга олинди, шунингдек, қуйидаги таклиф ва тавсиялар билдирилди.

1. Фарғона водийси, жумладан, Андижон шаҳрининг тарихи, унинг Марказий Осиё цивилизациясида тутган ўрнини кенг жамоатчиликка тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида бу борада илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассис олимларнинг мақолаларини илмий нашрларда, хусусан, Фанлар академиясининг «Ўзбекистон тарихи» журналида чоп этиш;



2. Семинар материалларини алоҳида илмий рисола тарзида нашр қилиш, Андижон шаҳрининг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихини акс эттирувчи янги илмий натижалар, хулосаларни «Андижоннома», «Андижанская правда» ва бошқа газеталарда, маҳаллий телевидение, радио орқали мунтазам равишда ёритиб бориш;

3. Андижон шаҳри тарихига оид энг янги маълумотларни ёшлар, айниқса, талабалар оммасига етказиш, қўлга киритилган янги илмий ютуқларни таълим жараёнининг барча босқичларига жорий этиш ва тарих фани бўйича яратилаётган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларига киритиш;

4. Андижон шаҳри ва умуман Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари тарихини ўрганишда тарихчилар, археологлар, манбашунослар, санъатшуносларнинг илмий ҳамкорлигини янада кучайтириш;

5. Андижон шаҳри тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, қадим ва ўрта асрлардаги урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданиятининг юксалиш тарихига оид археологик материалларни, ёзма ва архив ҳужжатларини ўрганиш ишларини янада жадаллаштириш, шаҳарнинг қадимги даврдан бугунги кунгача бўлган тарихига оид илмий нашрлар тайёрлаб чоп этиш.

#### **ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИ:**

1. Маърузалардаги Андижон тарихига оид илмий изланишлар ва янги натижаларнинг илмий асосга эга эканлиги, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги алоҳида эътироф қилинсин. Ушбу хайрли фаолият давом эттирилсин.

2. Андижон шаҳридаги археологик ёдгорликлар рўйхати тузилсин ва уларни сақлаш ва таъмирлаш чоралари кўрилсин. Сарвонтепа атрофини ободонлаштириш ва уни очиқ музейга айлантириш борасида шаҳар ҳокимлиги ва Бобур халқаро Фонди амалга оширган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.

3. Халқаро Бобур фонди ташкил этаётган Андижон шаҳарсозлик музейи қурилиши ва таъмир ишлари 2008 йил ўрталаригача ниҳоясига етказилсин.

Археология институти фондидан музей учун керакли осори атиқалар олиш ва бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, хусусан, Ўзбекистон худудидан топилган ва ҳозирда Санкт-Петербург шаҳридаги Моддий маданият тарихи институтида сақланаётган археологик ашёларни ушбу музейга келтириш масаласида мутасадди ташкилотларга мурожаат этилсин. Бу вазифа Археология институти бўлим бошлиғи Б.Матбобоев ва Бобур халқаро фонди раиси З.Машрабов зиммаларига юклатилсин.

4. Юқоридаги эзгу ишларни амалга ошириш учун зарур ёрдам чоралари кўрсатиш вилоят ва шаҳар ҳокимликларидан сўралсин.

5. Семинарнинг Фанлар Академияси Тарих институти, Андижон Давлат университети ва Бобур Халқаро фондининг илмий ҳамкорлигини йўлга қўйиш қарорлари маъқуллансин;

6. Академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» Республика семинарининг Андижон шаҳрида ўтказилган 47-йиғилиши ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни самарали бажарди деб топилсин.

## **ХАЙРЛИ ИШЛАР**

Шу йили яна бир хайрли ишга қўл урилди. Маълумки, тарих, жуғрофия, адабиёт ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича қимматли, нодир маълумотларга ўта бой бўлган том маънодаги қомусий асар «Бобурнома» ўз даври тилида ёзилгани, тушунилиши қийин сўзлар кўплиги боис, уни оддий китобхонлар, ҳатто зиёлиларнинг ҳаммаси ҳам тўла англаб етавермайдилар, китобни луғат билан ўқиш эса қийинчилик ва ноқулайлик туғдириши табиий. Шунинг учун асарнинг ҳозирги ўзбек тилидаги баёнига, яъни табдилига зарурат сезилар эди. Шундай ҳаракат бир вақтлар Андижонда бошланган, тарихчи олим Сайфиддин Жалилов бу мураккаб ишга қўл урган ва унинг табдилида «Бобурнома»нинг дастлабки қисмлари 1990 йилнинг сентябрида Андижон вилоят газетасида эълон қилинган эди. Лекин бирёқлама ўйловчи айрим Бобур «ихлосмандлари»нинг «Бобурнома» ахир ўзбек тилида ёзилган-ку, ўзбек тилидан яна ўзбек тилига таржима

киладими, унда муаллифнинг услуги бузилади-ку?» каби таъналари туфайли хайрли иш тўхтаган эди. Аммо даврлар ўтиб, «Бобурнома» тили, услубидан тобора узоқлашиб бораётганимиз, кейинги авлодларнинг асарни тушунишлари янада қийин ва гумон бўлиб қолиш эҳтимоли масаланинг қайта кўтарилишини тақозо этди. Бобур Халқаро фонди бу борада ҳомийлик қилишга тайёрлигини билдирди, Зокиржон Машрабов илтимоси ва даъвати билан фидойи олимлар Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар енг шимариб ишга киришдилар. Табдилнинг бир қисми «Республика» газетасида, «Ҳолис» ҳафтаномада эса пешма-пеш тўла равишда босилди.

Умуман олганда, 2007-2008 йиллар Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига тайёргарлик ва уни нишонлаш муносабати билан китоблар нашри ва бошқа матбаа, маърифий соҳаларда ҳам ниҳоятда самарали, баракали бўлди. Зеро, Бобур, бобурийларнинг қўлёзма, тошбосма ва типографик нашрларини жаҳон бўйлаб йиғиш, Бобур ва бобурийлар даври ва уларга бағишланган илмий тадқиқотлар ва бадиий асарлар, санъат ва маданият обидаларини тўплаш, Ўзбекистонда Бобур ва бобурийлар асарларини нашрга тайёрлаш, чоп этишга бош-қош бўлиш Бобур фондининг ўзак режа, мақсадидир. Фонд ўз таркибидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига нодир китоб ва қўлёзма асарларни йиғишга ҳаракат қиляпти. Юқорида таъкидланган, Бобур кашф этган «Хатти Бобурий»да ёзилган муқаддас Қуръон нусхаси, «Бобурнома»нинг испан тилидаги таржимаси, мазкур асарнинг Ҳайдаробод нусхаси фото-факсимиле нашри ана шундай ноёб топилмалар жумласидандир. Кейинги китобни бобуршуносликда улкан хизмат кўрсатган япон олими Эйжи Мано музейга лутфан ҳадя қилиб юборганди. Эйжи Мано тузган «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матни, «Бобурнома»нинг япон тилига таржимаси, «Бобур ва унинг даври» ва «Бобурнома: кўрсаткичлар ва шарҳлар» китоблари ана шу заҳматкаш олим меҳнатининг намуналаридирки, бу нодир тўрт китоб ҳам музейнинг қимматли мулкига айланди.

Фонд ва йирик ўзбек олимлари ҳамда рассомлари ижодий меҳнатлари самараси ўлароқ «Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган

темурийлар шажараси» тайёрланди. Унда 30 дан ортиқ темурий подшоҳларнинг расмлари, таваллуди, ҳукмронлик йиллари, вафоти саналари юксак замонавий дизайн асосида талқин этилган.

Ўзбек халқининг самимий дўсти, Бобур фондининг ҳамкори афғонистонлик Шафиқа Ёрқин 1983 йилдаёқ Бобур девонини Кобулда нашр эттирган, ўзбек олимлари бу нашрни Бобур асарларининг нисбатан мукаммал нусхаси ҳисоблаган эдилар. Кейинроқ тадқиқотчи Бобур халқаро фонди томонидан Истанбулдан келтирилган Бобурнинг шеърий асарлари асосида «Бобур девонига такмила» китобини Ўзбекистонда эълон қилиб, унинг шеърий меросини мукаммаллаштиришга навбатдаги ҳиссасини қўшган эди. Шу йили, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига унинг яна бир ҳадяси келди. Маълумки, жаҳоний шуҳрат қозонган “Бобурнома” китобининг кўплаб воқеалари Кобул ва унга яқин кентларда содир бўлган. Шафиқа Ёрқин мазкур асарнинг асосий қисмини «Воқеоти Кобул» («Кобул воқелари») сарлавҳаси билан икки китоб ҳолида тартиб берган: ҳар бири 400 саҳифага яқин бу «Бобурнома»ларнинг биринчиси форсий тилда, иккинчиси ўзбек тилида бўлиб, Кобулда эски ўзбек ёзувида нашр этилган.

Ўзбекистон нашриётларининг тўёна нашрлари ҳам диққатга сазовордир.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компаниясининг Бош таҳририяти «Избранная лирика Востока» туркумидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хушбичим кўринишдаги шеърлар тўпламини, шунингдек, «Ҳумоюннома» муаллифи, Бобурнинг севимли қизи Гулбаданбегим ҳақида инглиз адабаси Румер Годен ёзган «Гулбадан» асарини, ушбу сатрлар муаллифининг Бобур номидаги халқаро экспедициянинг навбатдаги сафари таассуротлари жамланган «Андижондан Бағдодгача» сафарнома-романини чоп этди.

2007 йили Зокиржон аканинг яна бир нияти рўёбга чиқди. У жуда синчков одам, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасини диққат билан кузатиб юради ва қаерда нимага талаб ва эҳтиёж борлигини тез илғайди. Аслида мутахассислиги ва қизиқиши жиҳатидан унинг матбуотга жуда яқинлиги йўқ, лекин бир нарсани – оммавий ахборот воситаларининг жамиятда катта ва муҳим ўрин тутишини яхши билиши

аниқ эди. Республикамизда фермерлик тизими вужудга келиб, экин ерлари танлов-синов асосида деҳқончиликдан хабари ва тажрибаси бор кишиларга, шу жабҳага иштиёқмандларга тақсимлаб берилди, яъни, ер эгасини топди, тармоқ секин-аста изга туша бошлади. Зокиржон ака энди соҳа мутахассисларига минбар, фермерлик сирларидан, жабҳадаги илғор тажрибалардан ер эгаларига сабоқ бериб, янгиликлардан бохабар қилиб турадиган бир нашр зарурлигини ўйлаб қолди ва Республика фермерлар уюшмаси ҳамда “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки раҳбариятига маслаҳат солди, уларни ҳаммуассисликка чорлади.

Орадан кўп ўтмай “Фермер” журналининг биринчи сони босилиб чиқди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзкимёсаноат” Давлат акциядорлик компаниялари, Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик илмий тадқиқот институтлари журнал жамоаси билан сидқидилдан ҳамкорликка киришдилар. Таҳририятга тажрибали ижодий ходимлар, моҳир журналистлар жалб этилди. Тўғри, ҳамма жойда ҳам дастлабки қадамлар осон кечмайди, ҳар бир соҳанинг ўзига хос машаққатлари, муаммолари бўлиши табиий. Айниқса, тажрибали мутахассислар топиш ва уларнинг бошини қовуштириш ташкилотчи-раҳбардан кунт, сабот талаб этади. Таҳририятда ижодий гуруҳни таркиб топтириш, уларнинг кўнглига йўл топиш янада масъулиятли, янада нозик иш. Зокиржон ака эса ҳар қандай касб эгасининг кўнглига йўл топа биладиган инсондир.

*Бобур ва бобурийлар қадамжоларини зиёрат қилиш билан бирга улуг аجدодларимиз ҳаёти, ижоди ва бунёдкорлик ишлари ҳақида янги маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва буюк ватандошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш борасидаги бутун ҳаёти, фаолиятини фан ва маданият тараққиётига бағишлаётган ажойиб инсон Зокиржон Маширабовнинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.*

**Саидбек ҲАСАНОВ,**  
*филология фанлари доктори*

\* \* \*

2008 йил аввал бошдан Зокиржон Машрабов Фонднинг асосий эътиборини қутлуғ сана – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига қаратди, бошқа ҳамкор ва хайрихоҳлар, Бобур ихлосмандлари диққатини ҳам шу воқеа тайёргарлигига жалб этди.

Февраль ойидаги анъанавий илмий анжуманни, Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирларини ўтказгач, экспедиция ушбу санага муносиб совға ҳозирлаш мақсадида Хитойга жўнаб кетди. Бобур қаламига мансуб «Муסיқа сирлари», «Ҳарб иши» асарларини излаб Урумчи, Хўтан, Ёрқент, Қашқар, Оқсув шаҳарлари кезилди. Гарчи мақсад тўла восил бўлмаса-да, изланишлар беҳуда кетмади. Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Исматуллоҳ ибн Неъматуллоҳ Мўжизийнинг «Таворихи муסיқиюн» номли муסיқа санъати ва унинг тарихига бағишланган китобининг янги нашри, хитой ва уйғур тилларида чоп этилган «Бобурнома» асарлари юртимизга олиб келинди.

Фанлар Академияси Археология институти билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида бобурийлар даври ва умуман шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий-қидирув ишлари янги босқичга кирди. Эрамиздан аввалги VII-IV асрларга оид Эйлатон даврига хос ашёвий далиллар топилди, бу ашёлар Андижоннинг тарихий ёшини 2300-2700 йил деб белгилашга асос бериши билан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Буюк Ипак йўли бўйида, Бобур миллий боғида Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи музейи биноси қуриб битказилди ва у тўла жиҳозланиб, унга Андижонда олиб борилаётган археологик қазилмалар чоғида топилган ашёлар қўйилди.

Археология институти Самарқанд бўлимининг тажрибали мутахассиси Боқижон Матбобоев етакчилигида тадқиқотчилар Андижон шаҳрининг тарихий қисмлари – Чордона (Т.Келдиев номли кўча), Сарвонтепа (собиқ Сужоат ва Тутзор кўчалари кесишган жой), Яккатепа (Далварзин кўчасидаги 67-69-уйлар оралиғи), Қўштепа (Шаҳрихон кўчасидаги уйлар, Тиббиёт институти академик

лицейининг ҳовлиси), Арк ичи (Ташкилот кўчаси), Шаҳристон (Ҳақиқат кўчаси, Жомеъ масжиди) худудларида археологик тадқиқотлар ўтказишди.

Ушбу изланишлар мобайнида Андижоннинг энг қадимги тарихи билан боғлиқ ёдгорлик ва маданий қатламлар шаҳарнинг жануби-ғарбий ёки марказий қисмида – Сарвонтепа ва унинг атрофларида деган хулосага келинди.

“Сарвонтепадаги археологик ва геологик жараёнларни ҳисобга олиб, - дейилади Б.Матбобев ва З.З.Машраповларнинг “Қадимий Андижон ёки Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг илк босқичлари” сарлавҳали мақоласида, - ҳозирги Андижонсой (узунлиги 60 км.) милоддан аввалги бир минг йиллик ўрталарида Қорадарёнинг тармоғи – сунъий канал сифатида бунёд этилган. У Сарвонтепанинг, яъни, Андижоннинг қадимги ўзагини сув билан таъминлаши мумкин бўлган обиҳаёт манбаи эди.. Андижонсой, Шаҳрихонсой ва Ўзганариқларнинг сунъий канал сифатида милоддан олдинги бир минг йиллик ўрталарида пайдо бўлиши тарихий ҳақиқатга ҳам зид келмайди... Демак, Андижонсой камида 2400-2600 йиллик ўтмишга эга ва у бу ерда яшаган аҳоли ўша сойдан сув ичган деган янги илмий фикрни ўртага ташлашга имкон беради”.

Муаллифлар ўз мулоҳазаларини асослаш учун академик А.Д.Муҳаммаджоновнинг ““Андижон” атамасининг келиб чиқишини ҳам сув – оби-ҳаёт билан боғлашган. Андижон топоними келиб чиқиши жиҳатидан қадимги турк атамаси бўлиб, “сой (сув) бўйидаги (ёқасидаги) макон” маъносини беради” деган фикрига суянадилар ва Андижон шаҳри қадимда Сарвонтепа ва унинг атрофида жойлашган, кейинроқ шаҳар аҳолиси шимоли-шарқ томонга бир оз силжиган деган ечимга келадилар. Бу эса Андижоннинг тарихи – ёшини аниқлашга асос бўла оладиган ва жиддий эътиборга арзирли хулосадир.

Андижон шаҳрининг ҳозирги жануби-ғарбий қисмидаги Сарвонтепадан милоддан аввалги VI-IV асрларга оид Эйлтон қатламининг топилиши умуман Фарғона водийсининг қадимги шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда қимматли манба-далил бўлди.

Ушбу жараёнда Бобур даври бўйича ёзма манбааларни тасдиқловчи, тўлдирувчи моддий-маданий ашёларнинг аниқланиши ҳам муҳим тарихий воқеа эди.

Шу тарзда фонд саъй-ҳаракати билан Андижон шаҳрининг ёшини аниқлаш бўйича тўпланган илмий археологик далиллар ва тегишли хужжатларни ҳукуматга ва халқаро ЮНЕСКО ташкилотига тақдим этиш масаласи етилиб борди.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

2008 йил Бобур халқаро фонди учун нашрлар борасида ҳам баракали бўлди.

«Шарқ» нашриёти «Бобурнома»нинг М.А.Салье қаламига мансуб рус тилидаги таржимасини шўро давридаги нашрида йўл қўйилган нуқсонлари тузатилган тарзда (нашрга тайёрловчи В.Раҳмонов) китобхонларга ҳавола этди. «Маънавият» нашриётида темурий ва бобурийлар сулолалари вакиллари расмларидан иборат альбом, «Ўқитувчи» нашриётида «Бобурнома»га ишланган миниатюралар китоби, таниқли олим Ғофиржон Сатимовнинг «Марказий Осиё, Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври» тадқиқоти, «Андижон» нашриётида таниқли ҳинд адиби, бобуршунос олим Қамар Раиснинг «Бобур шахсияти ва шеърляти» рисоласи, андижонлик шоир Қобил Мирзонинг «Қаро зулфинг» (Бобур ғазалларига 50 мухаммас) тўпламининг янги нашри босилиб чиқди. Ана шу нашриёт чоп этган «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат» китоби эса мазкур қомусий асарни аслиятда ўқувчилар учун катта қулайлик яратувчи ажойиб совға бўлди. Луғат андижонлик таниқли тилшунос, филология фанлари доктори, профессор Фатхиддин Исоқовнинг бир неча йиллик ижодий заҳмати самараси эди.

Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган «Бобур ва унинг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни» мавзудаги халқаро илмий конференция қатнашчилари учун энг ажойиб совға Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллаҳўжаевалар табдиллаштирган «Бобурнома» («Ўқитувчи»)нинг чоп



этилиши бўлди. Конференция 15-16 август кунлари Бобур миллий истироҳат боғидаги янги таъмирланган Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи музейи биносида ўтди.

Адабиёт, маънавият байрамига айланган анжуман тадбирлари Бобур боғида Бобур фонди томонидан ташкил этилган хайрия оши билан бошланди. Унда илмий мажлис иштирокчилари, чет эллик бобуршунослар, республикамиздаги илм даргоҳлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари меҳмон бўлдилар. Санъат усталарининг мумтоз куй-қўшиқлари даврага ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади.

Анжуманнинг расмий йиғилишини Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти С. Гуломов кириш сўзи билан очди.

Вилоят ҳокими А.Усмонов тадбир қатнашчиларини қутлади.

- Азиз меҳмонлар, муҳтарам ҳамюртлар! Бобур туғилиб ўсган Андижонга яна бир бор хуш келибсизлар! – дея ҳаяжон ва эҳтирос билан бошлади З.Машрабов ўзининг «Бобур ва бобурийлар мероси: илмий экспедициялар натижалари ва келгусидаги вазифалар» ҳақидаги маърузасини. – Башарият тарихида шундай улуғ маданий, маърифий, сиёсий ва илмий хизматлар қилган кишилар бўладики, уларнинг абадияти, яъни, ўзи жисмонан фано бўлиб, бақо мамлакатига кўчгач яшайдиган умрлари табиий умридан ўн, юз кара узоқ бўлади.

Бобурнинг ўзи «Бобурнома»да:

«Донишмандлар ўтган кишилар исмининг ёдга олиниши – унинг иккинчи умридир, деганлар», - дея бежиз қайд этмаган.

Сизлар Фарғона, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳукмдори бўлган улуғ Бобур Мирзонинг боқий умри тўйига қадам ранжида қилдиларингиз.

Сир эмаски, ҳазрати Бобур шуҳратининг манбаи – унинг шеърлари девони, арузга оид рисоласи, «Мубаййин» асари, «Бобурнома»си. Шу билан бирга унинг доврўғини таъминлаган омиллар – маърифатли ва адолатпарвар подшоҳлиги, бобурийлар сулоласининг асосчиси бўлганлиги ҳаммага маълум.

Бобур ҳаётлигидаёқ «Бобурнома»нинг форсий таржимаси билан дунё адиблари, олимлари оламига қадам қўйган эди. Кейинроқ, XVII асрдан Витсеннинг голланд тилига таржимасидан бошлаб, сўнгги асрларда

«Бобурнома»нинг инглиз, француз, испан, япон, немис, рус, хитой ва бошқа тилларга қайта-қайта таржимаси унга жаҳоний обрў-эътибор олиб келди... Бу борада Бевериж хоним, Уильям Рашбрук, Михаил Салье, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Порсо Шамсиев, Сабоҳат Азимжонова, Эйжи Мано, Танжу Арал Сейҳан, Шафика Ёркин, Билол Южел, Ислом Жеменей, Магида Салаҳ Махлуф, Ильза Сиртаутас ва бошқаларнинг беқиёс хизматларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мен мамнуният билан изҳор этаманки, буюк истиқлолимиз билан деярли тенгдош, 1992 йили таъсис этилган нодавлат жамоат ташкилоти бўлган Бобур халқаро фонди ўтган ўн олти йил давомида Ўзбекистон давлати, вилоят ҳокимлиги, илмий жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Бобур ва бобурийлар абадиятини яратишга қўлдан келганча ҳаракат қилди.

Фонд ташаббуси билан Андижоннинг Боғишамол даҳасида Бобур боғи яратилиб, ҳар томонлама ободонлаштирилди. Бобурнинг уй-музейи ташкил этилди. Буюк ватандошимизнинг муҳташам мақбараси Боғи Бобурда қад кўтарди. Шоир илтижосини биз бажо келтирдик. Гўё ғариб ҳамшаҳаримиз – Бобурни киндик қони тўкилган Андижон шаҳрига қайта олиб келдик. Боқий умрли Бобур энди нафақат Аграю Кобулда, балки Андижонда ҳам ором олмоқда. Эл-юрт, меҳмонлар унинг зиёратига ошиқмоқдалар.

Шоҳ ва шоир руҳи покини шод айлаб, Бобур боғида ва шаҳарда ул зотнинг муҳташам бронза ҳайкаллари барпо этилди...»

Зокиржон аканинг ҳисоботи катта эътибор билан тингланди. Ундаги далилу ва рақамлар кўпларни ҳайратга солганлиги аниқ ва табиий эди.

Таниқли япон олими Эйжи Мано Бобур асарларининг Техрон нусхаси, туркиялик олима Танжу Арал Сейҳан Бобуршоҳнинг ижтимоий давлат концепцияси тушунчаси, мисрлик профессор Магида Салаҳ Махлуф «Бобурнома»нинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, академик Азиз Қаюмов Бобур даврида Андижон маданий муҳити мавзуидаги чиқишларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг серкирра фаолияти: саркарда ва шоҳлиги жаҳон ҳукмдорлик тарихида, илмий-бадий ижоди мумтоз адабиёт ривожига

мислсиз, беназир аҳамият касб этишини ҳаётий ва илмий мисолларда кенг ва теран шарҳладилар. Шунингдек, хорижий маърузачилар Бобур Мирзо сиймоси ва мисолида Ўзбекистонга, ўзбек халқига ўз халқларининг меҳри, муҳаббатини изҳор этдилар. Ана шундай фазилатлари билан азиз меҳмонларнинг илмий ва дил сўзлари анжуман аҳлида зўр таассурот қолдирди ва ўзаро яқинликни вужудга келтирди: анжуман маънавият байрамига, дўстлик издиҳомига айланиб кетди. Турли қитъалардан ташриф буюрган турли миллат вакиллари аро суҳбат ва мулоқотлар қизғин тус олди.

Ялпи мажлисдан сўнг секцияларнинг қўшма кенгашлари академик Азиз Қаюмов раислигида иш бошлади. Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари номзоди Гофиржон Сатимовнинг «Ҳинд тарихида янги давр», Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Д.Юсупованинг «Хондамир ва Бобур фан ва маданият тараққиёти ҳақида», мазкур институтнинг яна бир илмий ходими, тарих фанлари номзоди О.Бўриевнинг ««Бобурнома»да Марказий Осиё аҳолиси ҳақида маълумотлар», Хитойнинг Шинжон университети доценти Хурматжон Абдурахмоновнинг ««Тарихи Рашидий»да Бобур сиймоси», Шарқшунослик институти илмий ходими, тарих фанлари доктори Ш.Мусаевнинг ««Тарихи Шоҳий» асарида Бобур давлати бошқарув тизими ҳақида маълумотлар», мазкур илмгоҳнинг яна бир ходими, тарих фанлари номзоди Г.Султонованинг XVI-XVII асрлар «Саёҳатнома»ларида Бобурийлар даври ҳаёти (Сейфи Чалабий ва Бенедикт де Госс асарлари асосида), Самарқанд Археология илмий-текшириш институти Турон бўлими мудир, тарих фанлари номзоди Б.Матбобоев ва «Мадор» ИИЧБ бош директори З.З.Машрабовнинг «Темурийлар даврида Андижонда шаҳарсозлик маданияти (археологик манбалар асосида)», Тарих институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди А.Отахўжаевнинг «Бобурнома» Зарафшон водийси тарихий географияси бўйича муҳим манба сифатида», Тошкент Иқтисодиёт университети профессори Ш.Шодмонов ва Н.Ўрмоновнинг «Бобурнинг иқтисодий қарашлари ва ижтимоий ҳимоя», филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновнинг «Бобуршуносликдаги илмий

муаммолар», Қоҳира (Миср Араб Республикаси)нинг Айн Шамс университети профессори Магида Салах Махлуфнинг ««Бобурнома» ва жаҳон маданияти», Анкара (Туркия) Жумҳурият университети доктори Билол Южелнинг «Бобур девонидаги ўғуз-турк сўзларининг ўзига хос хусусиятлари», шотландиялик бобуршунос, доктор Мирза Ҳасан Али Бекнинг «Бобурнинг адабий мероси», филология фанлари доктори Ҳасан Қудратуллаевнинг «Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари», Сизтл (АҚШ) университети профессори Илза Сиртаутаснинг «Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг ёзма ва оғзаки адабиёти ёдгорликлари», Истанбулнинг Мармара университетети профессори Гулшан Сейҳан Алишиқнинг «Нисорийнинг «Музаққир асҳоб» асарида Бобур ва унинг авлодлари», филология фанлари номзоди Х.Дадабоевнинг «Бобур - бунёдкор», Тошкент Давлат Шарқшунослик институти доценти Г.Тўйчиевнинг «Бобур - аруз илмининг назариётчиси», ЎзМУ профессори Ҳ.Болтабоевнинг «Бобур ва тасаввуф адабиёти», Тошкент Шарқшунослик институти доценти, филология фанлари номзоди А.Исмоиловнинг «Бобурийлар хилхонасидаги қабртош битиклари тарихидан», Лондондаги «Парвоз» ойлик журнали муҳаррири Собир Иршод Усманийнинг «Бобур сиймоси ХХІ асрда», афғонистонлик бобуршунос олим Ҳалим Ёрқиннинг ««Хатти Бобурий» ҳақида янги ҳақиқатлар» мавзуларидаги маърузалари кун тартибидан ўрин олган эди.

Нотиклар ўз сўзларида Заҳириддин Бобурнинг дилбар шоир, мутафаккир олим, қомусий асар муаллифи сифатидаги фазилатларига алоҳида тўхталдилар. Жумладан, Бобур девонини Туркияда бир неча марта нашр эттирган олим Билол Южел Бобурнинг маънавий ворислари, ихлосмандлари ва тадқиқотчилари дилидаги умумий фикрни шундай ифодалайди: «Бобурнинг асарлари биргина чигатой (ўзбек) адабиётининггина эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти ва тилининг шоҳ асарларидир».

Музокараларда А.Қаюмов, И.Сиртаутас, Ш.Мусаев, Д.Алимова, Ҳ.Абдурахмонов, З.Қутибоев, С.Ғаниева ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Йиғилиш ниҳоясида конференция қатнашчилари ўзаро эркин баҳс ва кизгин мунозарага киришдилар. Ўрганилган мавзулар, тингланган маърузалар, бобуршуносликдаги ютуқ ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди. Мунозарада яна чет эллик бобуршунос ва ўзбекистонлик олимлар, адиблар, Эйжи Мано, Ҳасан Бег, Магда Салах, Зухра Зокирова (Олмония), Ҳалим Ёркин ва Шафиқа Ёркин (Афғонистон), Ислон Жеменей (Қозоғистон), Саидбек Ҳасанов, Ваҳоб Раҳмонов, Суйима Ғаниева, Ҳасан Қудратуллаев, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Замира Рўзиева, Хуршида Қўчқорова ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Осиё, Оврўпа, Америка, Африка қитъаларидан ташриф буюрган йирик олимлар рўйхатидан, илмий маърузаларнинг ранг-баранг ва кўламдорлигидан англашилиб турибдики, биринчидан, Бобурийларнинг серқирра мероси, чиндан-да жаҳоний аҳамиятга молик, иккинчидан, анжуманнинг бош мавзуи («Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни») жуда мос ва муносиб танланган, шунингдек, чет эллик олимлар бу маросимга катта эътибор билан қараб, жиддий тайёргарлик кўрганлар.

Меҳмонларнинг, деярли ҳар бирининг лирик чекинишларида бир мавзу қайта-қайта, эҳтирос билан таъкидлаб турилди. Бу мустақиллик шарофати билан Ўзбекистондаги барча жабҳаларда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, хусусан, миллий қадриятлар, илм-фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги миллий ўзига хослик ва бошқа ижобий эврилишлар... Дарҳақиқат, улкан нуфузга эга бўлган халқаро машваратнинг мамлакатнинг олис бир шаҳрида эркин уюштирилиши аввало Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборидан, анжуманнинг кўтаринки руҳда, баланд савияда, тўю-тантана мақомида ўтиши эса, мустақил давлат яратган катта имконият ва имтиёзлардан далолатдир. Бобур халқаро фонди раиси Зокиржон Машрабов эса, истиқлол инъом этган имконият ва имтиёзлардан миллий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш, миллат шаъни-шавкати, юрт обрў-эътибори йўлида ўринли ва унумли фойдаланаётган салоҳиятли ташкилотчи, жонкуяр бир ватанпарвар эканлигини мана шу тадбир мисолида яна бир карра исботланди.

Хорижлик олимлар симпозиумга фақат маърузалари билангина эмас, балки ажойиб совға-саломлари билан ҳам ташриф буюришган эди. Ғоят азиз, қадрли меҳмонлардан Магида Салаҳ Махлуф «Бобурнома»нинг ўз таржимасидаги арабча нашрини, Шафиқа Ёрқин «Бобурнома»нинг («Воқеоти Кобул») янги форсий таржимаси ва ўзбекча нашрини, Эйжи Мано бобуршуносликка оид қимматли тадқиқотларини, Танжу Арал Сейҳан ўзи тузиб нашр эттирган Бобурнинг «Мубаййин» асари фото-факсимил нусхаси илова қилинган илмий-танқидий матнини, хитойлик Ҳ.Абдурахмон «Бобурнома»нинг хитой тилидаги нашрини ва Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» китобининг 2007 йилда Муҳаммадтурди Мирзааҳмат томонидан нашрга тайёрланган (таржимон Мулло Муҳаммадниёз ибни Абдулғофир) нусхасини, Ҳалим Ёрқин «Хатти Бобурий» ҳақидаги тадқиқотини ҳамда ўз маърузаси бўйича тайёрлаган плакатларни, Шотландияда яшаб ижод қилаётган покистонлик Ҳасан Бег «Парвоз» журналининг Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижодига бағишланган сонини анжуманга, унинг ташкилотчиси З.Машрабовга лутфан тақдим этдилар. Ҳасан Бег олиб келган, Андижондаги Бобур уй-музейи, Аҳси вайроналари, Тошкент, Хўжанд, Исфара, Афғонистон ва Ҳиндистондаги Бобур қадамжолари тасвирга туширилган «Бобур изидан» видеофильми намойиш этилиши қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Фильм давомида ўзбек мумтоз куй ва кўшиқлари янграб турди.

Анжуман ниҳоясида Бобур халқаро мукофотини топшириш маросими бўлди.

Бобур Мирзо номини абадийлаштириш, унинг илмий-адабий меросини дунё бўйлаб излаб топиш ва илмий истеъмолга киритиш, буюк аждодларимиз қабр-мақбараларини ободонлаштириш борасидаги ташаббускорлиги ва катта амалий фаолияти учун геология-минерология фанлари номзоди, фахрий профессор Зокиржон Машрабов;

Бобур асарларини нашрга тайёрлаш, «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек адабий тилига табдилини амалга оширишдаги хизматлари учун филология фанлари номзоди, доцент Ваҳоб Раҳмонов;

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалини юксак маҳорат билан яратгани учун ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов;

«Бобурнома» асарига бағишланган илмий тадқиқотлари ҳамда мазкур асарни таржима қилиб, араб дунёсига кенг таништиришдаги катта хизматлари, шунингдек, темурийлар, бобурийлар даври цивилизациясига оид илмий мақолалари учун профессор Магида Салаҳ Махлуф хоним;

«Бобур армони» илмий тадқиқоти ҳамда шу мавзуга оид туркум рисола ва мақолалари учун филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаевлар ана шу юксак мукофотга сазовор деб топилдилар.

Халқаро конференция қатнашчилари илмий маърузалар, музокаралар ва тақлифлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим хулоса ва қарорга яқдиллик билдирдилар. Чунончи:

- Тақдим этилган мавзулар бобуршунос олимлар томонидан ўрганилиб, ҳар беш йилда Бобур ва бобурийларнинг илмий-бадиий, тарихий фаолиятини ўрганишга бағишланган халқаро конференция ўтказиш;

- Дунёнинг барча музей, университет ва илмий ташкилотлари билан бобуршунослик борасида ўзаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни жадаллаштириш;

- «Бобурнома» табдилининг маърифий аҳамияти катталигини ва мазкур тарихий-қомусий асардан халқ таълимининг турли босқичларида ўрганишда, унинг мазмунини ойдинлаштиришда, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фойдаланишни назарда тутиб, табдилнинг янги, кўпроқ нусхадаги нашрини тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бобур халқаро илмий экспедициясининг Яқин Шарқ мамлакатларига сафари чоғида, Бағдоддаги «Байт-ул ҳикма» олимлари билан мулоқотдан сўнг Зокиржон ака Андижонда ҳам Бобур академиясини тузиш ниятини дилига тугиб қўйган эди. Зеро, у Бобур фондининг 16 йиллик фаолияти давомида «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига темурийлар ва бобурийларга дахлдор қўлёзма, тошбосма ва типографик усулдаги 300 дан зиёд китобларнинг жамланганлиги, фонднинг моддий ва маънавий кўмагида 50 дан ортиқ асар нашр этилганлиги ва

бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги халқаро Бобур академиясини яратиш учун асос бўла олади, деб ўйлар эди. Мана шу таклиф ҳам анжуман қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди ва йиғилиш қарорига киритилди. Шунингдек, Зокиржон ака таклифи ва ташаббуси билан таниқли бобуршуносларимиз Азиз Қаюмов, Абдулла Аъзамов, Саидбек Ҳасанов, Ваҳоб Раҳмонов, Ансориддин Иброҳимовлар «Бобур энциклопедияси»ни яратишга киришган эдилар. Мажлис аҳли бу ғоят муҳим ва эзгу ишни ҳам тезлаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Анжумандан сўнг хорижлик бобуршунослар Андижоннинг диққатга сазовор жойлари, айримлари Ўзбекистон бўйлаб сайр этишди ва азиз меҳмонлар Бобур ва унинг юрти, юртдошлари ҳақида, мустақил Ўзбекистон тўғрисида янги таассуротлар билан бойиган ҳолда, кўтаринки кайфиятда ўз ватанларига жўнаб кетдилар. Зеро, халқаро конференциянинг асосий мақсади ҳам турли мамлакатларда ўз ҳолича бобуршунослик билан шуғулланаётган илм аҳлини бир-бирлари билан учраштирмақ, дўстлаштирмақ, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик учун имкон яратмоқдан, уларни янги, ҳур Ўзбекистон манзаралари билан, диёримиз ҳақидаги илмий ва ҳаётий ҳақиқатлар билан таништирмақдан иборат эди.

## **ТИБЕТ ТИББИЁТИ АНДИЖОНДА**

Ёш ўта бошлагач, инсон узвининг ҳам чоклари у ер-бу ердан ситила бошлаши табиий ҳол. 2006 йили Зокиржон акага тишини таъмирлатиш зарурати туғилиб қолди. Таниш-билишлар унга Тошкентнинг Чилонзордаги анча таниқли стоматологлардан бирига учрашни тавсия этишди. Вилоятларда пойтахтдаги номи чиққан мутахассислар ишни ҳамиша қойилмақом қилади, деган тушунча бор, лекин баъзида зўр мутахассислар ҳам янглишиши, билиб-билмай панд бериб кўйиши мумкинлиги тўғрисида кам ўйлайдилар. Зокиржон аканинг қадрдонлари (жўралари)дан бири ҳам Тошкентдаги шифокорларнинг таърифига учиб, борувди. Ҳалигача дами ичида: дупша-дурустгина кўрадиган кўзи арзимаган (ҳозир катаракта ҳақида ҳамма, жумладан, офтальмологларнинг ўзлари ҳам



шундай фикрда), майда жарроҳлик оқибатида доим қизариб турадиган, ёшланадиган бўлиб қолди. Икки марта тиф теккизишди, икки марта ҳафталаб эмас, ўн беш-йигирма кунлаб даволашди – натижа ўша-ўша.

Чилонзор массивидаги тиш докторининг кенг, ёруғ хонаси энг замонавий тиббий асбоб-ускуналарга тўла эди, шифокорнинг ўзи ҳам хонага муносиб: келишган, гап-сўзлари жойида, стоматология соҳаси бўйича дунёда юз бераётган янгилик ва кашфиётлардан бохабар, кўзлари ўткир, қўллари чаққон, энг муҳими саранжом-саришта, пишиқ-пухтага ўхшарди. У ҳозир тилла тишлар қўйиш урфдан чиқиб бораётганини, айниқса, мўътабар ёшдаги салобатли эркакларга оқ садаф тишлар ҳар жиҳатдан мос тушишини айтиб, ўзининг иш услуби ҳозиргача муваффақият қозониб келаётгани тўғрисида мароқли камтарлик билан сўзларкан, Зокиржон аканинг унга ихлоси, эътиқоди ортиб борар, шундай мутахассисга рўпара келтирган омадидан мамнун бўлиб ўтирарди. Дарҳақиқат, докторнинг иши текис, бежирим эди. Тилла тишлар ўрнини эгаллаган оппоқ садафлар узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди – табиий тишлардан ҳам тиниқ ва кўркамага ўхшарди. Фақат, доктор оғриқсизлантирувчи, нервларни карахтловчи укол қилиш учун бир марталик шприц ишлатмай, сувда қайнатиладиганларини қўллаётганида Зокиржон аканинг кўнглида андак ҳадик, иштибоҳ туғилди.

- Сизларда бир марталик шприц бўлмайдими? – деб сўради юмшоқроқ тарзда.

- Хотиржам бўлинг, биз қўйган тишлар сизни безовта қилмайди, - дея таъкидлади шифокор ишонч билан.

Зокиржон ака навбатдаги сафарга кетиши керак эди, доктор унга оқ йўл тилади.

Ҳақиқатдан ҳам тишлар безовта қилмади, лекин...

Зокиржон ака Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бир неча кун юрди. Санкт-Петербургдаги шарқшунослик институтидан «Бобурнома»нинг Қозон босмасидан ва «Бобур-башоратчи» китобидан нусха сотиб олиш учун борган эди. Иккала нодир бойлик ҳам қўлга киритилганидан ўзида йўқ Зокиржон ака сафарнинг охириги кунларида ўзида ланжлик сеза бошлади. Бирон жойи

оғримасди, чарчаганимники бўлса керак, деб ўйлади. Тошкентда самолётдан тушганида лоҳаслик кучайди, Андижонга етиб келганида эса беҳоллик уни забтига олди, юришга ҳам мажоли қолмади. Уни тезлик билан вилоят тез тиббий ёрдам шифохонасига ётқизишди. Зудлик билан қон таҳлил қилинганда Зокиржон аканинг гепатит билан оғриётгани аён бўлди. Бу хасталик, унга шубҳасиз Чилонзордаги таниқли, «тажрибали» стоматологнинг чала қайнатилган шприцларидан илашган эди.

Энди Зокиржон ака Андижоннинг ўзида, кадрдони, вилоятимиздаги етук мутахассислардан бири, профессор, кўнгил дунёси адабиёт, санъат зиёси билан нурафшон инсон Комил Мирзаев ва бошқа соҳа шифокорлари назоратида даволанди. У одамнинг жон жойларидан бири, ғоят мулойим, нозик аъзо жигар пайига тушадиган хийла «сур» хасталикдан батамом хориж бўлиб кетиш учун чоралар ахтаришга тушди. Шунда унга яна пойтахтдаги таниш-билишлар “кўмакка” келишди. Улар ҳозир айрим пойтахтликлар ўртасида Тибетга бориб даволаниш расм бўлаётганини айтишиб, Зокиржон акага ҳам шуни маслаҳат беришди.

Парвардигор суйган бандасининг ишини ўнглаб туради, дейишади. Ўша йили қиш арафасида Зокиржон Машрабовга Ҳиндистондан чақирув қоғози келиб қолди. У ва ҳиндшунос, бобуршунос олим Ансориддин Иброҳимов Шарқ мумтоз адабиётининг улкан намояндаси Мирзо Ғолиб таваллуд куни муносабати билан ҳар йили ўтказиладиган анъанавий хотира анжуманига таклиф этилган эди. Таржимонликка Бобур жамғармасининг етакчи ходими, ҳинд ва инглиз тилларини она тилидек биладиган Шафоат Сотқиновани олиб Деҳлига учишди.

Анжуманда Ўзбекистон номидан Зокиржон ака сўзга чиқди. У асли ота-боболари Туркистон заминидан бўлган, бинобарин, ўзбек халқи учун ҳам ғоятда кадрли шоир Мирзо Ғолиб ижодий фаолиятининг бобурийлар билан боғлиқлигини фахр билан, эҳтирос билан гапирганида тингловчилар жонланиб қарши олдилар. Анжумандан кейин меҳмонлар саёҳат ва зиёфат учун турли йўналиш ва гуруҳларга бўлинди – кимлардир Аграга, кимлардир Жайпурга... Зокиржон ака анжуман ташкилотчиларидан рухсат олди-да, таржимон Шафоат

билан Тибетга жўнади. Автобусда 12 соат юриб, Дарам- соли шаҳарчасига етиб боришади. Далайлама номидаги Тибет тиббиёти ва астрологияси илмий-текшириш институтида доктор қабулига кирадилар. Шафоат мижоз-беморлар учун қўйилган инглиз ва бошқа тиллардаги журналларни варақлай туриб, Ўзбекистондан мингдан ортиқ одам даволаниш учун келгани тўғрисидаги маълумотни ўқиб қолади ва буни Зокиржон акага “суюнчилайди”. Зокиржон аканинг дилидаги ният алангалайди. Бу орада доктор унга 25 долларлик дори ёзиб беради, хизмат ҳақини эса рад этади, менинг улушим дорилар баҳосига кўшилган, дейди.

Ўзбекистондан мингдан ортиқ киши... Шунча узоқ масофага-я? Ҳазилакам пул кетадими? Шу Тибет тиббий марказининг Ўзбекистонда бўлимини очишнинг иложи йўқмикин?

Зокиржон ака маъмуриятга кириб, фикрини айтади.

- Биз учун бу муаммо эмас, ўзларингга боғлиқ, - дейишди унга. – Биз қайси мамлакатдан таклиф тушса, борди-келди ва бошқа сарф-харажатимизни кўтаришса, доктор юбораверамиз.

Зокиржон ака Бобур хайрия жамғармаси номидан мазкур тиббий марказ билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузиб қайтди ва келибок, воқеани, мулоҳазасини Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, ҳамюртимиз Бахтиёр Ниёзматовга баён этди. Вазир ўринбосари Зокиржон акага ташаккур билдирди. Ҳа-да, халқнинг саломатлигини яхшилаш, узоғини яқин қилиб, қулайлик яратиш борасидаги ташаббусни олқишламай бўладими! Қани энди шунақа олижаноб ташаббуслар кўпроқ чиқса!

Вазирликка маъқул бўлгач, табиийки, лицензия масаласи ҳам қийин кечмади. 2007, 2008 йиллари Тибет тиббий марказининг вакиллари Андижонга ташриф буюриб, Бобур жамғармаси қошида икки ой беморларни қабул қилади. Албатта, шифо топганлар кўп эди, бинобарин, ҳамкорликни давом эттириш мумкин эди. Аммо... Биринчидан Зокиржон ака тибетлик шифокорлар кўмагида маҳаллий шароитда, ўзимизда ўсадиган гиёҳ-ўсимликлардан дори тайёрлашни

йўлга қўйишни мақсад қилган эди. Тибетликларнинг бу таклифга унча райи бўлмади. Улар ўзлари дори-дармон олиб келишлари шартлигини айтишди.

- Биз Ҳимолай тоғида ўсадиган гиёҳлардан дори тайёрлаймиз, - дейишди улар. – Ҳимолай тоғидагидек иқлим, табиат ўзга жойда йўқ, шунинг учун бошқа ернинг ўт-ўланлари ҳам Ҳимолайникига ўхшаши қийин. Сизлардаги гиёҳларни ҳам камситмоқчи эмасмиз, эҳтимол биздагидан-да фойдалироқ, шифобахш хусусиятлари беқиёс ўсимликлар мавжуддир, лекин буни аниқлаш учун алоҳида шарт-шароитлар, узоқ вақт илмий-текшириш ва тажриба олиб бориш керак.

Уларнинг гапи важ эмас, сабаблигини Зокиржон ака тушунди, зеро тибетликларнинг содда, тўғрисиўзлигига ўзи гувоҳ бўлган эди. Қолаверса, энди Ўзбекистоннинг ўзида ҳам фармацевтика кундан-кунга ривожланиб, дорихоналар кун сайин кўпайиб борарди.

*Балки Зокиржон Маширабов ташаббус тулпорини суриб майдон сари азимат этмаганида ҳам Андижонда Бобур номи билан халқаро экспедиция тузилиши мумкин эди. Балки бу инсон раҳбарлик қилмаганида ҳам мазкур ташкилотнинг ишлари кўркам ва муваффақиятли тарзда юриб кетса ажаб эмас эди. Бироқ, барибир Зокиржон Маширабовсиз тузилса, ушбу ташкилотнинг нуфузи шу қадар олий мақом касб этмас эди, унинг фаолияти шу янглиз музаффар бўла олмас эди, буниси аниқ. Нимагаки, Зокиржон ака ўз шахсиятида бебаҳо фазилатларни жамлай олган ажойиб инсондир ва мана шу хислат-хусусиятлар экспедиция қўлга киритган барча ютуқларнинг етакчи омили бўлди.*

*Лутфулло МАҲМУД,  
файласуф, адиб*

**2009 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ**

Шу йил Бобур халқаро илмий экспедициясининг бир-биридан муҳим ва қизиқарли, амалий натижаларга бой икки сафари амалга оширилди.

Зокиржон ака Бобур Мирзо ёди билан нафас олади. У Худонинг яратган куни лоақал бир марта Бобуршоҳнинг бизгача етиб келмаган «Ҳарб иши», «Муסיқа сирлари» ва бошқа асарлари, «Бобурнома»нинг йўқолган ё ёзилган-ёзилмаганлиги биз учун қоронғи бўлган саҳифалари тўғрисида ўйлайди, ачинади, куйинади, олимлардан суриштиради. Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодининг ҳар бир тадқиқотчиси, ихлосмандининг бу борадаги фикрини, тахминини сўрайди, мазкур ноёб ганжиналарнинг бир кунмас-бир кун бирон ердан «лоп» этиб чиқиб қолишига ишонади ва холи қолган пайтларида уларни қаерлардан қандай излаш ҳақида узоқ-узоқ бош қотиради, режалар тузади. Экспедициянинг ҳар бир сафари йўналишларини ана шу мақсаддан келиб чиқиб белгилайди. Умуман, экспедициянинг асосий йўналиши, мақсади қандай бўлишидан қатъий назар, йўқолган маданий бойликлар тўғрисидаги армон ва умид ҳамиша унинг ёдида, хаёлида бўлади.

Шунингдек, Бобур Мирзонинг Фарғона мулкида ўтган машаққатли, аламли йиллари, унинг Андижонни тарк этишию неча муддатлик сарсон-саргардонликлардан кейин Ҳисорга ва ундан Хуросонга қандай етиб борганлиги тўғрисидаги муаммо ва мулоҳазалар Зокиржон акани аввалдан қизиқтирарди. Бундан ўн уч йил илгари ана шу йўналиш бўйлаб уюштирилган махсус экспедиция хулосалари, натижалари ушбу китобнинг аввалги саҳифаларида баён этилган. Ўшанда Зокиржон ака Бобуршоҳнинг Оббурдон довонидан ўтиб, Ҳисор ва Кобулга етиб бориш йўллари ва жараёнларини ўрганишни экспедициянинг кейинги галдаги вазифаларига киритишни мўлжаллаб қайтган эди. Қарийб аввалги йўналиш бўйлаб сафарга чиққан экспедициянинг бу галги таркибида раҳбардан ташқари бобуршунос олимлар Ваҳоб Раҳмонов, Ғофиржон Сатимов, телережиссёр Толиб Ҳамидов ва бошқалар бор эди. Асосий мақсад Бобур Мирзо Андижондан қайси йўл билан чиқиб кетган ва Кобулга етгунча уч йил давомида қаерларда яшаган, қандай юмуш ва фаолият билан шуғулланган, деган саволларга жавоб топиш эди.

Улар Ўш шаҳри орқали Бобур юрган тарихий йўллари босиб, у қўниб ўтган қатор қишлоқларда бўладилар, маҳаллий халқ вакиллари билан суҳбатлашадилар, жумладан, Бобур анча муддат яшаб, Андижонга қайтиш имконини пойлаган Ҳушёр қишлоғини, сўнг Оббурдон довонини ўрганадилар, Ҳисор қалъасини тасвирга оладилар. Бобур Мирзо Султон Аҳмад Мирзонинг кизи Ойша Султон бегимга уйланган Хўжанд шаҳрига сафар қиладилар. Кейин Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳридаги Археология ва Камалиддин Беҳзод номидаги музейларга ташриф буюрадилар. Экспедиция аъзоларини, айниқса, археолог А.Мухторов томонидан топилган, Оббурдон довонида Бобурнинг фармойиши билан Шайх Саъдий ижодига мансуб байтлар битилган ва ноёб тарихий ёдгорликка айланган қора тош қаттиқ тўлқинлантиради. А.Мухторовнинг «Тошнинг ҳам қалби бор» китобида, муаррих Собир Зикирзоданинг «Ҳисор тарихи» асарида Бобур Мирзо тошбитиклари хийла батафсил шарҳланган эди. Атоқли тарихчи олим А.А.Семёнов эса *«Бобур тоши жаҳоннинг энг машҳур музейлари зийнати бўла олади»* деган экан.

Тош Зокиржон аканинг кўзига ҳам ушбу мозийгоҳдаги энг қимматли осор-атика бўлиб кўринади ва унинг ижобий маънодаги худбинлиги тугади: Бобур Мирзо хотираси абадияти билан боғлиқ бундай ўлмас-йитмас обида муаллифнинг, ижодкорнинг ўз юртидаги музейларни безаб турса бўлмасмиди?.. Гуржи адиби Илья Чавчавадзе отининг қай бир жойда тушиб қолган тақаси ҳам музейдан ўрин олган, ўша от сув ичган булоқ бошига лавҳа-битик ўрнатилган экан. Бобур тошлари донишмандона байтлар битилган чинакам тарихий ёдгорликлар-ку! Зокиржон ака эса шу тошнинг нусхасини (айнан унга ўхшатиб) яратиб Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳига қўйишни кўнглига тугади, шу ниятда тошни фото ва видео тасвирга олдиради.

Туркистон, Олой – Зарафшон тоғ тизмаларида жойлашган Масчо ва Фалғар қишлоқларида бўлишаркан, Зокиржон акада алоҳида илмий экспедиция ташкил этиб, мазкур жойлардаги Бобуршоҳ ва бошқаларнинг байтлари битилган тошларни махсус ўрганиш керак экан деган фикр туғилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Зокиржон Машрабовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган «Табаррук кадамжолар бўйлаб» сарлавҳали мақоласида мазкур сафар таассуротлари анча муфассал ёритилган. Унда қайд этилишича, экспедициянинг ушбу сафаридан кўзланган мақсад «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарларида қайд этилган воқеа-ҳодисалар содир бўлган манзиллар бўйлаб юриб, янги ашъвий ва илмий-адабий манбаларни йиғиш, мазкур икки йирик тарихий асар муаллифлари кадамжоларини зиёрат қилиб, видео ва фотолавҳаларга олишдан ҳам иборат эди.

Экспедиция «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи, Бобуршоҳнинг холаваччаси Ҳайдар Мирзо униб-ўсган қадимги Истравшан (ҳозирги Ўратепа) йўлидан юриб Бобур кадамжоларидан, Бекобод шаҳрига туташ Ҳаштияк қишлоғига ўтади. Ҳамсафарлар Бобур Мирзонинг Шайбонийни таъқиб этиб бораётиб ана шу қишлоқдаги юзаси музлаб ётган ариқ сувида чўмилганини, «ўн олти марта шўнғиганини», улуғ Бобурнинг нақадар матонатли инсон бўлганини муҳокама қилишиб, яна ҳайратланадилар. Сўнг баланд Шаҳристон довонидан ошиб, Айний (собик Варзиманор – Фалғар)га ўтадилар ва у ерда бир неча кун тунаб, Анзоб довони йўлидан сафарни давом эттирадилар. Бобур Мирзо ва унинг навкарлари сув ичган Озахак, Шуроҳ булоқлари бўйигача борадилар. Шамтич қишлоғилик Умарқул ака уларни дарёнинг ўнг соҳилига жойлашган «Дуруст қабристони»га бошлаб боради. Дарё қирғоқларидаги Бобур номи билан боғлиқ тошбитиклар бобо мулки Самарқандни бир неча бор эгаллаб, яна кўлдан чиқарган норасида шахзода, ёш саркарда Бобур Мирзо ҳаётидаги энг қайғули, энг фожеали дамлардан аччиқ хотиралар сифатида, ғамга ботган бир алфозда кўзга ташланарди.

Экспедиция аъзолари Душанбедан Ҳисорга йўл оладилар. Кўлобда Бобур Мирзо меҳри-эъзозига сазовор бўлган Мир Саид Али Ҳамадонийнинг қабр-мақбарасини зиёрат қиладилар. Панж дарёси бўйлаб юриб, Хоруғ шаҳрига етиб боришади ва Хоруғ давлат университетининг қадимшунос олимлари билан учрашадилар, темурийлар, бобурийлар тарихи тўғрисида қизғин суҳбатлар, фикр алмашувлар бўлади. Маҳаллий олимларнинг «Бобурийлар Бадахшон

хукмронлигини қўлга киритгач, халқимиз «Буюк ипак йўли»га чиқишга муваффақ бўлган, қўшни давлатлар билан маданий алоқа, савдо-сотик ишлари ривожланган» деган эътирофлари Бобур Мирзо юртдошлари қалбида фахр туйғуларини уйғотади. Шунингдек, мезбонлар бадахшонликларнинг темурийлар ва бобурийларга эътиқоди юксаклиги далили сифатида талабалар орасида Бобурхон, Шохрух Мирзо, Бобур Саид каби исмлар кўплигини таъкидлайдилар. Ишкошим ва Султон Ишкошим оралиғидаги чўққининг «Хумоюн чўққиси» («Куллаи Хумоюн») деб аталиши ҳам юқоридаги фикрларнинг тасдиғи эди.

Помир тоғлари бўйлаб юриб, «Хумоюн чўққиси» орқали Ишкошимга қараб кетишаркан, Юмғон қишлоғида Турон заминининг улуғ фарзандларидан бири, донишманд шоир, адиб Носир Хисрав қадамжоларини зиёрат қилишгач, Файзободга ўтишади ва бу шаҳарда бобурийлар давридаги тарихий обидалар билан танишиб, маълумот тўплайдилар.

«Шаҳарнинг номи Бобур ва Хумоюнлар замонида Жовзгун бўлган, - деб ёзади мақола муаллифи. - XVI асрда Бадахшоннинг пойтахт шаҳри Қалъаи Зафар эди. Бу ерда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг укаси Носир Мирзо, ўғиллари Хумоюн Мирзо, Ҳиндол Мирзо, жияни Султон Аҳмаднинг ўғли Султон Саидхон, холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ва бошқалар кўп марта бўлишган, яшашган, ҳукмдорлик қилишган.

Бадахшон халқи тарихидаги муҳим маълумотлардан яна бири шуки, Хумоюн Мирзо бу юртда ҳукмрон бўлган йиллари Фарғона водийси - Андижондан, Марғилон ва Қува атрофларидан кўп ўзбек оилалари бу ерга кўчиб келишган. Биз аҳоли, хусусан, Бадахшон волийси билан суҳбатлашганимизда шу маълумотларга эга бўлдик. Эртаси куни кўплаб ўзбек зиёлиларининг меҳмонхонага келиши биз учун кутилмаган воқеа бўлди».

Вилоят маърифат-маданият марказида зиёлилар, шоирлар, мухбирлар билан бўлган мулоқотда эса мезбонлар бобурийларни Бадахшон ҳукмдори сифатида ҳурмат қилишлари, бобурийларнинг Бадахшонга маърифат тарқатганликлари хусусида тўлқинланиб сўзлайдилар. Зокиржон ака эса Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида



ахборот берар экан, йиғилганлардан Бобур Мирзонинг улар излашаётган «Ҳарб иши», «Асрори мусикий» асарлари ҳамда «Бобурнома» қўлёзмаларини аҳолидан суриштириб топишда кўмаклашишларини сўрайди.

Мазкур сафар давомида қўлга киритилган маълумотга кўра, Аёз тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо 1529-1530 йилларда Бадахшонда турган пайтлари «Жаҳоннома» достонини эски ўзбек тилида ёзиб тугатган экан.

\* \* \*

Экспедиция Афғонистонда бир қатор ишларни амалга оширади. Таххор вилояти волийси жаноб Абдуллатиф билан жаҳонгашта шоир Бобораҳим Машрабнинг шу вилоятга қаршли Ишкамиш шаҳридаги ночор қабр-мақбарасини таъмирлаш борасида кенгашилади. Мозори Шарифда зиёли ҳаммиллатларимиз меҳмонларни хуррамлик билан қарши олишиб, улар шарафига “Самар Волид” меҳмонхонасида учрашув-зиёфат маросимини уюштирадилар. Меҳмонлар шаҳардаги Навоий ва Бобур анжуманларига Бобур жамоат жамғармаси ҳомийлигида, ташкилотчилигида босилиб чиққан Бобур ва бобурийларга ва боўқа буюу аждодларимизга оид юздан ортиқ китобларни тортиқ этадилар. Ўз навбатида мозоришарифлик зиёлилар жамғармага Алишер Навоий асарларидан тўрт китобни, Гулханийнинг «Зарбулмасал»и, «Бобурнома»нинг Мозори Шариф нусхаларини тухфа қиладилар.

Булардан ташқари, экспедиция аъзолари сафар мобайнида яна бир қанча ноёб китобларни қўлга киритадилар. Собир Зикирзоданинг «Ҳисор тарихи», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарининг 2004 йилги Техрон нашри, файзободликлар ҳадяси - Коргарнинг «Темуриён» («Темурийлар») китобининг Техрон нашри шулар жумласидандир. Кейинги асар темурийлар ва бобурийлар ҳаёти, фаолияти анча муфассал тадқиқ этилганлиги билан ҳам қимматлидир.

## КАШМИРГА САЁҲАТ

Экспедициянинг Ҳиндистоннинг гўзал ва бетакрор водийси Кашмирга илмий сафари дастурида Бобур ва бобурийлар ҳамда Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарида баён этилган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ манзил-маконлар бўйлаб илмий изланишлар олиб бориш, Бобур ва Ҳайдар Мирзо кадамжоларида бўлиб, уларнинг ҳаёти ва ижодига доир янгиликлар топиш кўзда тутилган эди. «Тарихи Рашидий» ўзбек тилига орадан беш юз йил ўтиб, Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан ўгирилди. Бироқ Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг 1540-1551 йиллардаги фаолияти ҳақида маълумотлар озлиги туфайли нашр бир оз кечиктирилиб, ушбу Ҳиндистон сафари, жумладан, Кашмирга саёҳат кун тартибига киритилганди.

Зокиржон ака «Тарихи Рашидий» асари билан танишгач, унда Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳаёти ва ижодига рағбат уйғонган эди. Меҳри тушиб қолган кишиси ҳақида кенг, батафсил маълумот олмагунча кўнгли тинчимайдиган бу одам фақат Бобур ҳақидагина эмас, балки у билан боғлиқ давр, воқеа-ҳодисалар, яқинлари ва бошқалар тўғрисида ҳам мукамал билим ва ахборотга эга бўлишни, умуман, тарихда ўтган барча буюкларимизнинг илмий кашфиётлари, ихтиролари, тадқиқотлари, китобларини халққа мумкин қадар кўпроқ, мукамалроқ етказиш, хусусан, ёшлар онгига миллий кадриятларимизнинг нақадар серқирра, сермазмун ва бойлиги, қимматбаҳолигини сингдириш зарур деб ҳисоблар, шу борада баҳоли қудрат хизмат қилишни ўзининг фуқаролик бурчи деб биларди. Муҳаммад Ҳайдар Мирзога ихлос қўйиб қолишининг сабаблари эса кўпроқ эди. Аввало унинг Бобур каби шоҳ ва адиблиги, унга яқин қариндошлиги... Шунингдек, унинг устозлари, ҳомийлари Бобуршоҳ ва Султон Саидхонлар хизматини юксак баҳолаб, уларга садоқат кўрсатганига тан берарди. Энг муҳими, «Бобурнома» йўли, услубида битилган «Тарихи Рашидий» асарининг мазмундорлиги, бадиий жиҳатдан пухталиги, тарихий муҳим далил ва маълумотларга бойлиги, жуғрофий қамровининг кенглиги ва бошқа қатор фазилатлари Зокиржон акани батамом ўзига ром этган эди. Муаллиф ва асар тўғрисида муфассалроқ маълумот йиғиш ниятида мумтоз адабиёт билимдони Ваҳоб Раҳмонов, инглиз ва ҳинд тиллари

бўйича таржимон Шафоат Сотқинова ва видео тасвирчи Фурқат Саидмаматовларни ёнига олиб Кашмирга жўнайди.

Кашмир йўлларида ва Кашмирда зиёлилар ва оддий халқ вакиллари билан Ҳайдар Мирзо ҳақида суҳбатлашиб, буюк алломанинг сўнгги оромгоҳини Сринагар шаҳридаги Султонлар мазористонидан топадилар...

Кобулда холаваччаси Бобур Мирзодан катта меҳр-мурувватлар кўриб, унинг қўлида тарбия топган Муҳаммад Ҳайдар яна бир қариндоши, Бобур ўзи туғилиб-ўсган вилоят - Андижонга ҳоким этиб юборган ва кейинчалик Қашқарда узоқ йиллар ҳукмронлик қилган Султон Саидхон сўрови билан унинг ҳузурига кетади. Саройда турли лавозимларда фаолият кўрсатган, кўрагон унвонига мушарраф бўлган, кейинроқ энг муҳим жангларда бош кўмондонлик қилган Муҳаммад Ҳайдар Султон Саидхон салтанатидаги ишончли ва етакчи давлат арбоби мавқеини эгаллайди. Саидхон вафотидан кейин бир неча йил Комрон Мирзо ва Ҳумоюн Мирзолар даргоҳида бўлади. Ҳумоюн Шерхон Сурдан енгилиб, Ҳиндистонни бой бергач, Муҳаммад Ҳайдар иккинчи марта Кашмирни забт этиб, у ерда ўн йил подшолик қилган.

Жангларнинг бирида ўз тан соқчисининг тасодифий ўқидан ҳалок бўлган Муҳаммад Ҳайдар шу тариқа Кашмир музофотида абадий қолиб кетган эди.

Экспедиция аъзоларини бир нарса ҳайратга солади: қабр узра 1822 йили инглиз сайёҳи, капитан Вильям Моркрафт томонидан хотира лавҳаси қўйилган ва унда Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳаёти ва фаолияти қисқа, лўнда сўзларда ифода этилган экан. Тўғри, лавҳа ёзувида айрим ноаниқликлар, чалкашликлар мавжуд, аммо тош шарқнинг буюк инсонларидан бирига оврўпаликлар эҳтироми, эътиқоди рамзи сифатида бағоят қимматли эди. «Албатта, европалик инглиз сайёҳининг Кашмирга келиб Мирзо Ҳайдар дафн этилган қабристонни топиб, у буюк алломага ёдгорлик қўйиб кетишига асосий сабаб, - дейилади Зокиржон Машрабов ва Ваҳоб Раҳмоновлар томонидан ёзилган сафар ҳисоботларида, - «Тарихи Рашидий» асарини ўқиб, олган таассуротлари боис бўлса ажаб эмас. Бинобарин, инглизлар араб ёзувидаги ушбу ноёб адабий-маърифий асарни форс

тилидан ўз она тилларига биринчилардан бўлиб, XIX асрнинг бошларидаёқ таржима қилиб улгурган эдилар». ( «Ўзбекистон адаб. ва санъати», 2010 й. 19 фев.)

Зокиржон аканинг қуюнганича ҳам бор-да: бизнинг маънавиятимиз, тарихимизга оид китобни оврупаликлар ўзимиздан икки аср илгариёқ ўқиб, бир дунё завқу, бир дунё қимматли маълумотлар олишган ва шундай ажойиб асар муаллифининг кадр-қиммати, иззат-ҳурмати жойига қўйишган бўлса! «Ростданам қанақа одамлармиз ўзи?!» дегингиз келиб кетади-да!

- Хорижий мамлакатларда умргузаронлик қилган буюк аждодларимизга, маданий бойликларимизга билдирилаётган муносабатларимиз бизнинг ким эканлигимизни билдирадиган баромет-ку, - дейди Зокиржон Машрабов.

Ҳа, агар Зокиржон ака ташаббус кўрсатмаса, ҳомийлик қилмаса, билмадик, ўтмишимизнинг жуда муҳим ва жўшқин, зиддиятли даврлари қамраб олинган бу илму тарих жавоҳирлари яна қанча вақт ўзбекчага ўтирилмай, халқимиз назари, эътиборидан четда, аллақандай жавонларда чанг босиб ётардийкин?! Шунингдек, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод қабр-мақбараларини ким, қачон зиёратгоҳга айлантирардийкин?..

Ҳамюртларимиз Мирзо Ҳайдарнинг ўн йиллик фаолияти ва Кашмир тарихини кенгроқ ўрганиш мақсадида «Археология ва қадимги Кашмир» музейига ташриб буюриб, Бобур ва бобурийлар, шунингдек, Мирзо Ҳайдарга доир ашёвий далиллар, кўرғазмалар билан танишадилар.

Кашмир университетининг тарих факультети профессори Муҳаммад Ашраф Воний ташкилотчилигида ўрта асрлар тарихи бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борадиган мутахассислар билан учрашадилар, фикр алмашадилар, шу аснода ёзма манбалар, Кашмир, Алигарх университетларида, Деҳлида чоп этилган китоблар асосида Мирзо Ҳайдарнинг подшолик даври хусусида бир мунча янгиликлар олишга муяссар бўладилар. Ҳуқуқшунос олим Назир Аҳмад хонадонидаги бир пиёла чой устида ҳам суҳбат Мирзо Ҳайдар, умуман Бобурийлар ҳақида боради. Мезбон тухфа қилган «Тарихи Ҳассан» (муаллиф Ҳассан Кухҳихоний) асари жуғрофияга оид бўлиб, унда ҳам бобурийлар, шу жумладан, Мирзо Ҳайдар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган эди.

Олимлар билан мулоқот чоғида Алигарх университетининг профессори Мансура Ҳайдарнинг «Мирзо Ҳайдар Дуғлат» деб номланган асар ёзганидан хабар топган экспедиция аъзолари уни Деҳли китоб дўконларидан излаб топади ва у жамғарманинг ноёб китоблар хазинасидан жой олади.

Юқоридаги суҳбатлар, китоблар ва бошқа манбаларда кайд этилишича, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ҳукмронлик даврида Кашмирда Бобур ва бобурийларга хос ободончилик ишлари авж олдирилади, илм-фан, мусиқа санъати ривожланади. Ўрта Осиёдан кўплаб усталар таклиф этилиб, ажойиб иморатлар барпо қилинган, шойи ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши муносабати билан Кашмир Буюк Ипак йўлига уланган.

Юқоридаги сафар таассуротларида «Тарихи Ҳассан» китобидан келтирилган далилларга кўра, Кашмирда йирик-йирик режали боғлар яратишга Муҳаммад Ҳайдар томонидан асос солингани, шунингдек, «Бобурий шоҳлар даврида Кашмир далалари, кўл соҳиллари, Бхат дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб ўнлаб йирик, шинам боғлар бунёд этилгани, «Кашмир жаннатдан намунадир» деган ибора ана шу даврга тўғри келиши» ҳақидаги қизиқарли ва биз учун ғоятда фахрли маълумотларни ўқир эканман, ҳиндистонлик атоқли шоир ва бобуршунос олим Қамар Раиснинг бир галги учрашувимизда унинг Бобуршоҳнинг набираси Акбаршоҳ Фарғонадан минг тупдан зиёд чинор ва бошқа дарахт кўчатлари олдириб Кашмирга эктирганлиги, ана шу чинорлардан айримлари ҳали-ҳамон яшнаб турганлиги тўғрисида мароқ билан сўзлаганини эсладим. Дарҳақиқат, таниқли инглиз олими Рашбрук Уильямс Бобуршоҳни бежиз том маънода шоҳ-бунёдкор деб тан олмаган ва ўз асарига бекорга «Ўн олтинчи аср бунёдкори» деб сарлавҳа қўймаган. Демак, темурийзода Бобур Мирзонинг фарзандлари, набиралари – авлодлари ҳам ота-боболарининг улуғ инсоний удумлари, эзгу ишларини давом эттиришиб, уларнинг ва ўзларининг табаррук номларини асрлараро эъзоз билан тилга олинишларига замин яратишган. Буюкларни кадрлаш ва ардоқлаш анъанасининг дилдан дилга узлуксиз ўтиши ва давомийлиги эса, шубҳасиз, Зокиржон Машрабов каби буюк ҳиммат эгаларига боғлиқ!

## ЯНА ҚАШҚАРДА

Бобурнинг тақдири ноаён «Асрори мусиқий» асарининг Қашқарда сақланаётгани тўғрисидаги гапдан (газетада босилган мақоладаги расмий хабардан) ҳаяжонга тушган раҳбар экспедициянинг бир галги сафари йўналишини ўша ёққа бурган, ўшанда Қашқарда бир неча кун юриб, «Асрори мусиқий»нинг изини ҳам тополмаган бўлсак-да, некбин инсон Зокиржон ака тушкунликка тушмаган, умидини ҳам узмаган эди. Ўшандан бери хушхабар муаллифи билан бот-бот кўришиб, телефон орқали боғланиб, фақат ўша масалада суҳбатлашар, аниқлик киритишга уринар, хушхабар муаллифи эса ўзининг фикрида собит, мақоласида келтирган маълумотни астойдил, ишонч билан ҳимоя қиларди.

Олимнинг сўзларига суянган ва кўнгли тинчимаган Зокиржон ака ўша, «Асрори мусиқий» Қашқарда деган даъво муаллифи Холмуҳаммад Олимжоновни ёнига олиб, Хитойга жўнайди. Муаллифнинг эса «Асрори мусиқий» Қашқарда ишончли қўлларда авайлаб сақланаётганига имони комил эди. Зеро, у бир вақтлар Шарқий Туркистондан ижодий сафар билан Ўзбекистонга ташриф буюрган шоир Қодир Булоқ билан танишган, унинг юртимиз бўйлаб саёҳатларида ҳамроҳлик қилган. Қўшиқчилик, мусиқа соҳасига оид тарихий қўлёзмаларни тўплаб борадиган санъат шинавандаси бўлган қадрли меҳмон бир куни ўзаро мулоқот чоғида икки қардош халқ аждодлари орасидан чиққан буюк алломалар ва уларнинг бой ва серқирра илмий-ижодий мерослари хусусида гапира туриб, «Бобур Мирзонинг мусиқа сирлари ҳақидаги қўлёзмаси унга авлоддан авлодга ўтиб келаётган энг яхши мерослардан бири» эканлигини алоҳида таъкидлаган ва мезбонга агар унинг юртига борса, ўзбекистонлик бобуршунослар қидириб тополмаётган ўша қимматли асарни кўрсатишга ваъда берган эди.

Аmmo бу сафар ҳам орзу рўёбга чиқмади: шоир ва санъат мухлиси Қодир Булоқ улар боришидан ўн кун бурун вафот этган, уйлари бузилиб, бошқа жойга

кўчирилган эди. Қийинчилик билан янги ҳовлини топиб боришади, лекин хонадон эгалари - Қодир Булоқнинг оиласи ва бошқалар меҳмонларни хурсанд қиладиган тайинли бир гап айтиша олмайди. Кўп китобларини шоир ўлимидан олдин кимларгадир сотганлиги ва бир қанчаси давлат томонидан олиб кетилганлигини маълум қилишади.

Зокиржон ака ва хамроҳида умид уйғотган бошқа жойлардаги изланишлари ҳам самара бермайди. Аксига олиб, Қашқар қўлэзма мерослар музейида ҳам таъмирлов ишлари бораётган паллага тўғри келишган эди. Албатта, Қашқар, Ёркент каби қадимий шаҳарлардаги тарихий жойлар, жумладан, машхур «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асарининг муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб, Бобораҳим Машрабнинг пири муршиди Офоқ Хожа, Шарқий Туркистондаги Саидия хонлиги асосчиси Султон Саидхон, ҳамюртимиз, мумтоз шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ва бошқа улуғ алломалар хотирасига барпо қилинган ёдгорликлар, мақбаралар зиёрати ўзбекистонлик сайёҳлар – Бобуршоҳ меросларини изловчилар кўнглида ҳайрат ва ғамгин ҳиссиётлар уйғотди.

Зокиржон аканинг таъкидлашича, мазкур сафардан асосий мақсад тўла ушалмаган бўлса-да, тарихий меросимизга оид анчагина манбаларни кўлга киритиб, ватанимизга олиб қайтдилар. Улар орасида хитой ва уйғур тилларидаги «Бобурнома», Амир Темурга доир тарихий асарлар, шунингдек, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари, Малика Омоннисо хонимнинг «Ўн икки мақом» ёзувлари ҳамда Шарқ табобати, Хитой-Тибет табобатига ойда бир қанча китоблар бор эди.

\*\*\*

2009 йилда Бобур халқаро фонди (дарвоқе ташкилот шу йилда қайта номланиб, Бобур халқаро жамоат фонди деб атала бошланди) томонидан яна қуйидаги ишлар амалга оширилди:

\* Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асари фонд ҳомийлигида ўзбек тилига ўтирилди ва Неъматуллоҳ Мўъжизийнинг «Таворихи

музикиюн» рисоласи билан бирга нашрга (филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмонов) тайёрланди.

\* Гофуржон Сатимовнинг «Акбаршоҳ - Бобурийларнинг энг буюги», Ашурали Боймуродовнинг «Кўнглимдаги Ватан ёхуд Мирзо Бобур» асарлари, Лутфуллоҳ Маҳмуднинг «Бобурни тушуниш бахти» рисоласи чоп этилди.

\* Йил мобайнида илмий экспедицияларнинг натижалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида ҳисобот-мақолалар эълон қилинди, видеофильмлар намойиш этилди. Сафарлар давомида қўлга киритилган ноёб китоблар «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи китобхонасини бойитди.

\*\*\*

Бобур жамоат фонди жорий йилнинг сўнги чорагида жамғарманинг Тошкентдаги қароргоҳида ўтказилган йиғилишида яна бир неча долзарб масала, жумладан, экспедициянинг навбатдаги сафарлари давомида қўлга киритилган материал ва ашёлар, илмий ва бадиий китобларни илмий истеъмолга киритиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш борасидаги режалар муҳокама қилинди.

Зокиржон ака бобуршунос олимлар, адибларни муҳим бир иш билан банд қилиб қўяди-да, ўзи боз Бобур оламига, унинг илму урфон, бадиият уммонига шўнғиб кетади, у ердан ўзгалар фикри, назаридан четда қолган дуру жавоҳирлар топади ёхуд яна бир кутилмаган (бошқалар хаёлида мушкул туюлган) таклиф билан чиқиб, кўпчиликни ҳайратга солиб, ҳатто шошириб қўяди. «Бобур қомуси»ни яратиш шундай залворли ва фавқулодда муҳим режалардан бири эди. Мазкур йиғилишда ўтган йилдан бери тилга олиниб келинаётган ва хийла етилиб қолган ана шу масала алоҳида муҳокама этилди. Қомус сўзлигининг нусхаларини кўпайтириб, тегишли бобуршунос олимларга тарқатиш, ижрочилар, масъул кишиларни белгилаш, қомусга киритиладиган мақолалар ҳажмини, молиявий манбаларни аниқлаш, нашр билан боғлиқ ва бошқа ташкилий муаммолар тўғрисида фикр алмашилди, вазифалар белгиланди. Қомус штаби сифатида фонднинг Тошкент шаҳридаги илмий-маркази танланди ва бу қутлуғ, масъулиятли саъй-ҳаракатга бошчилик қилиш республикамизнинг етакчи



бобуршунослари – академик Азиз Қаюмов ҳамда филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасановлардан сўралди. Нашрга илова этиладиган хариталарни тайёрлаш, Бобур ва бобурийларга доир маълумотларни интернет ва бошқа манбалардан олиб жамлаш юмушларига мутасаддилар тайинланди.

\*\*\*

2000 йили экспедициянинг Бангладешга қилган сафари чоғида муайян сабабларга кўра Бобурий ҳукмдорларнинг Ҳиндистондаги охириги вакили, император Баҳодиршоҳ II умрининг сўнгги йилларини кечирган Рангун (Бирма)га ўтиш имкони бўлмаган, Зокиржон Машрабов анчадан бери ўша муддаосини амалга оширишнинг мавридини тополмай келарди. 2009 йил яқунланиб, йўлларни қор босиб, иш сал енгиллагандай бўлган эди, декабрнинг охирида инглиз тили бўйича мутахассис Сардор Аҳмаджоновни ёнига олди-да, самолётда Малайзияга, ундан Бирмага учди. Маълумки, Баҳодиршоҳни инглиз истилочилари мамлакатнинг энг чекка ҳудуди (ўша маҳалларда Бирма ҳам Ҳиндистон таркибида эди) Рангунга сургун қилиб юборишган. Сўнгги бобурий шоҳ ва “Зафар” тахалуси билан машҳур шоир сифатида танилган муҳтарам бу зот анча кексайиб қолган эди. У жисми хокининг ўз ватани бағрида қолишини жуда-жуда хоҳларди, аммо мустамлакачилар унинг бу илтимоси ва илтижосини қатъиян рад этишади. Зокиржон ака ҳаёти шу тариқа мусофирчиликда ачинарли яқун топган бобурий подшоҳнинг қабрини зиёрат қилиб, унинг ҳолатини ўрганиш ниятида эди. Маълум бўлишича, қабр-мақбара кўп замонлар ҳароб ҳолатда ётган ва бундан салгина аввал таъмирланиб, эпақага келтириб қўйилган экан.

Зокиржон ака сафар мобайнида Буюк Британия ҳукумати томонидан собиқ ҳукмдорни назорат қилиб туриш учун тайин этилган махсус хизмат вакили капитан Х.Н.Девиснинг кундаликлари ҳамда Баҳодиршоҳ II – Зафарнинг ўз қўли билан ёзиб борган эсдаликларидан кўчирмалар олишга ҳам муваффақ бўлади.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий ва илмий меросини ўрганишда халқаро илмий экспедициянинг ҳам ўз ўрни, изланишлар йўналиши бор.*

*Зокиржон Маширабов раҳбарлик қилаётган Бобур фондининг бу соҳадаги ишлари мустақил юртимиз ёшлари учун намуна бўлишига арзирли бир ҳол.*

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**  
**профессор**

## **АФҒОНИСТОНЛИК ЎЗБЕКЛАР**

2009 йил ва ундан олдин киришилган айрим ишлар, китоблар таржимаси, нашри 2010 йили амалга ошди, ниҳоясига етди. Фонднинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини нишонлашга бағишланган йиғилишида 2010 йилда амалга оширилажак умумий ишлар режаси ҳам тасдиқланди.

Юқорида зикр этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита топшириғига биноан, Бобур жамоат фонди мутахассислари Ўзбекистон халқининг фахри, ифтихори, буюк сиймо Алишер Навоийнинг харобага айланган қабр-мақбарасини қайта қуриш мақсадида Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Мусалло майдонининг топосъёмка, муҳандислик-геологик ва сейсмик ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган ва бир йил давомида лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилган, аммо айрим сабабларга кўра, чунончи, Афғонистондаги сиёсий вазиятнинг кескинлашгани туфайли қурилиш ишлари тўхтаб қолган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 495-сонли қарорини бажариш мақсадида Фонд қурувчилари бундан уч йил илгари Алишер Навоийнинг устози Мавлоно Лутфийнинг Ҳирот вилояти Деҳи Канор (Нангобод) қишлоғидаги мазорини топиб, бу ерда маўъжаз ва кўркам мақбарани қуриб битказиб, ўрнатиб келган эдилар.

Мамлакатимизда 2011 йилда нишонланадиган Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги олдида ва Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот вилоятидаги бугунги вазиятни ўрганиш мақсадида Фонднинг 4 нафар мутахассиси 2010 йилнинг баҳорида автомашинада Афғонистонда бўлиб қайтдилар. Буюк даҳо-алломалар Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва

Камолиддин Бехзод қабрларининг бугунги ҳолати билан яқиндан танишиб, видео ва фотолавҳалар олиб келинди.

- Биз учун қувонарлиси, – дейди Зокиржон Машрабов, - мавлоно Лутфийнинг қабр-мақбараси яхши сақланиб, зиёратга келаётган меҳмонлар Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, ўзбекистонликлар ибрат нурини сочиб кетганлигини айтмоқдалар.

Экспедиция аъзолари ушбу масалалар бўйича Ҳирот вилояти волийси доктор Аҳмад Юсуф Нуристоний қабулида бўлдилар.

Қабулда Бобур номли жамоат фонди аъзолари, маҳаллий олиму-уламолар ва вазирлик вакиллари иштирок этдилар. Музокара ва фикр алмашувларда Алишер Навоий нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг, балки бутун башариятнинг даҳо шоири, давлат арбоби экани эътироф этилди. Ҳазратнинг қабр-мақбарасини қайта қуриш ўта долзарб масала эканлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан таъкидланди.

Орадан кўп ўтмай, Афғонистондан Андижонга, «жавоб сафари» билан тўрт нафар меҳмон ташриф буюрди. Улар миллатдошларимиз, умрларини асосан зиё тарқатишга, илму маърифатга бағишлаган фидойи инсонлар – Балх вилоят туризм мудир, маркази Мозори Шариф шаҳрида бўлган “Навоий анжумани” жамоатчилик уюшмаси раиси, яқинда ташкил этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур жамғармаси раҳбари, таниқли журналист Абдулла Руин, Балх университети доценти, Афғонистондаги Мирзо Улуғбек жамғармаси раиси Ҳидятулло Муҳаммад, Балх университети тиббиёт муаллими, зиёлилар билан ҳамиша ҳамнафас, ҳамғоя Абдусаттор Абдусамад, мозори шарифлик хусусий тадбиркор, зиёлипарвар Муҳаммад Наби. Қарийб ҳар соҳадаги дўстларимизни ҳамкорликка жамлаган омил эса – Бобур Мирзога муҳаббат, унинг номидаги жамғарма ва экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов билан кўп йиллик кадрдонликдир.

Меҳмонлар бир неча кун Ўзбекистонни сайр айладилар – Тошкентни, пойтахт билан водийни боғлайдиган йўлларни, туннелларни, Андижонни кўриб, томоша қилиб, завқларга тўлдилар.

Андижоннинг Бобур боғи мавзеидаги анжуман азиз меҳмонларнинг ихори хайрати билан янада файзли, янада шукуҳли ўтди.

Йиғилишни бошқарган Зокиржон Машрабов тақдир тақозоси билан Афғонистонда умргузаронлик қилаётган ўзбеклар билан тарихимиз, маданиятимиз, адабиётимиз, умуман, барча соҳада илдизларимиз бирлигини алоҳида таъкидлаб, бугунги анжумандан, дўстона мулоқотдан кўзда тутилган мақсадлар – Заҳириддин Бобур ва бошқа буюк аждодларимиз ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятини ўрганиш, уларнинг иззат-икромини жойига қўйиш борасидаги ишларни биргаликда давом эттириш, Бобур қомусини яратиш, Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий қабр-мақбараси таъмири ва бошқа вазифаларга тўхталиб ўтди. Тарихчи олим, Андижон Давлат университетининг профессори Рустам Шамсиддинов Бобур фонди амалга ошираётган ишлар, жумладан, Андижоннинг узоқ ва яқин тарихини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида гапириб, Бобур қомуси билан бир қаторда Андижоннинг ҳам қомусини яратиш зарурлиги тўғрисидаги эзгу режаларини маъқуллади.

Абдулла Руин мезбонларнинг фикр-мулоҳазаларини, ҳамкорлик борасидаги истақ ва таклифларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистонга қилган сафаридан олган бой таассуротларини, хайратини жўшиб-тошиб ифодалади.

- Шаҳару қишлоқлардаги шиддатли қурилишлар, хиёбонлару йўллардаги гулзорлар кўп завқимни оширди, - дейди у. - Ҳамма жойда ҳаёт, уринишлар «ҳамма нарса инсон учун» деган шиор остида кечаётгани яққол сезилиб турибди.

- Ўзбекистонга бундан ўн олти йил муқаддам келган эдим, - дейди Ҳидятулло Ҳидоят. – Ўша даврдаги Ўзбекистон билан ҳозиргиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ривожланиш ниҳоятда баланд. – Меҳмон, шунингдек, ўзи тузган Мирзо Улуғбек жамғармаси фаолияти, туркий халқлар тарихига оид китобларни нашр этиш тажрибалари ва муаммолари хусусида сўзлади. Афғонистонда болалар адабиёти ривожининг сустигидан ўқиниб, шу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларидан кўмак ўтинди. – Мен кўп сафарда юрганман, - деди у сўзи ниҳоясида, - лекин ўзбеклардай меҳмондўст халқни кўрмадим.

Абдусаттор Абдусамад ҳам Ўзбекистонда илгари бўлган. У ҳам юртимиздаги ўзгариш, ўсишлардан, хусусан, Бобур боғининг хусни-тароватидан, бу ерда халқ гавжумлигидан хайратда, Афғонистондаги ўзбеклар билан Ўзбекистондаги ўзбеклар ўртасидаги ришталарнинг мустаҳкамланиб бораётганидан бағоят мамнун. Бу боғланишларнинг янада пухта, борди-келдилар, ўзаро ҳамжиҳатликнинг бардавом ва мунтазам бўлишини хоҳлайди. Ўзбекистонликлар ҳаёти «Ният соф бўлса, манзил яқин туюлади» деган мақолга мослигини алоҳида таъкидлайди.

Муҳаммад Набининг Афғонистонда форс ва пуштун тиллари билан бир қаторда ўзбек тилига ҳам расман давлат тили мақоми берилгани тўғрисидаги суюнчли маълумоти йиғин қатнашчиларини қаттиқ ҳаяжонга солди, қарсақлар янгради. Зеро, бу Афғонистонда яшовчи ҳаммиллатларимиз азалий орзусининг ушалиши, биз учун эса юксак ифтихорга молик тарихий воқеа эди!

- Ҳа, Афғонистонда ҳам қора кунлар ўтиб, оппоқ тонг отиб келяпти, - дейди М.Наби завқ билан. – Ўзбекистонда эса мен «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳадиснинг амалий ифодасига гувоҳ бўлаётганимни изҳор этишдан хурсандман. Бобур халқаро илмий экспедицияси Зокиржон Машрабовдай зўр ташкилотчи, фидойи инсон раҳбарлигида дунёни кезиб юрибди. Бобур Мирзо номи билан Ўзбекистонда, хусусан Андижонда амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида газеталарда, китобларда ўқиб, маҳобатмасмикин, афсонамасмикин, деб ўйлардим. Ўз кўзим билан кўриб, ишончим комил бўлди, ҳаяжонга тушдим. Бобур Мирзо шундай иззат-икромга муносиб буюк шахсдир. У яратган асарлар эса, менинг наздимда бугун одамларнигина эмас, пурвиқор, ҳайбатли тоғларни ҳам бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиляпти, деб, бемалол айтиш мумкин. Менга ҳозир Бобур Мирзо шу жойда, ўз тахтида ўтиргандай, унинг руҳи шу атрофда шод кезиб юргандай туюляпти.

- Зокиржон Машрабов билан бутун мамлакат фахрланади. Мана, бугун ҳам у икки юрт зиёлилари бошини қовуштириб, кўп хайрли иш қиляпти, - дейди филология фанлари доктори, Андижон Давлат университетининг профессори Абдулҳамид Нурмонов.

Азиз меҳмонларга водийнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб, Нодирабегим, Увайсий, Ҳувайдо каби мумтоз адабиётимиз пири-устозларининг муборак марқадрларини зиёрат қилдириб келган тарихчи олимимиз Сайфиддин Жалилов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Хуршида Қўчқорова, таниқли шоира, адибалардан Замира Рўзиева, Омина Тожибоева ва ушбу сатрлар муаллифининг чиқишларида ҳам икки юртда яшовчи миллатдошларнинг муштарак орзу-истаклари, улуғ аجدодларимиз меросларини ўрганиш, мулоқотга асос бўлган вазифаларни амалга оширишда ҳамкорликни, ҳамдўстликни кучайтириш ва бошқа манфаатли мавзуларда гап борди, шеърлар янгради.

Меҳмонлар ва мезбонларнинг самимий дил изҳорлари, ўзаро яқин ва узоққа мўлжалланган режалар ечими бўйича фикр-мулоҳазалар айрибошлаш Бобур боғининг баланд адирида жойлашган сўлим, шинам чойхоналардан бирида, бир пиёла чой устида давом этди.

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,  
Рўзий қилгай Худой нусрат сизга.  
Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!  
*Заҳириддин Бобур*

\* \* \*

*Балки тушларига киргандир Бобур,  
«Ўзлонлар борму?» - деб, кўзларин ёшлаб.  
Улкан юрагига чирмашиб гурур,  
Ёнди, ёнаверди Зокиржон Машираб.*

*«Тараҳхум айлагил... Андижонийдур...»  
Битиб, айтиб кетган ахир саркаш лаб.  
Китобми, байтми у, қабрин хокидур,  
Йигиб келаверди Зокиржон Машираб.*

*Гоҳ Эрон, гоҳ Кобул, гоҳо Ҳиндистон,  
Айланиб улуглар изин қидирди.  
Неки топган бўлса кезиб саргардон,  
Тўтиёлар айлаб кўзига сурди.*

*Беш юз йил аввалги тақдирнинг иши  
Боис кетган бўлса Бобур «Ҳинд сори...»  
Унинг Андижонга қайтиб келиши,  
Зокиржон Маширабдек ўғлоннинг бори.*

*Ҳазрат Ватанида қайта тугилди,  
Ашъор ўқир ана – мамнун кўз ташлаб.  
«Мардонализингизни бори эл билди,  
Ҳазор раҳмат сизга», Зокиржон Машираб!*

*Замира РЎЗИЕВА*

### НЕГА? НЕГА? НЕГА?...

Зокиржон ака, халқимиз, маданиятимиз тарихига оид ёки умуман ҳаммиллат юртдош ижодкор, олимнинг йирикроқ, ноёброқ асари ё қўлёзмасидан воқиф бўлиб ё қўлга киритса, аввалига жуда суюниб кетади, кейин ҳайратга тушади, сўнг кўнглида нега шундай қимматли дурдона ҳозиргача ўзининг ҳақиқий ворисларига, китобхонларига етказилмаган, деган савол туғилади. Нега? Нега?.. Балки мен беҳабардирман деб, мутахассислардан, дахлдор олимлар, адиблардан сўраб-суриштиради, улардан таассуфли жавобни эшитгач, саволни энди ўшаларнинг олдига кўндаланг қўяди. Халқимизнинг “Ҳабибус-сияр”, «Тарихи Рашидий»дек ноёб жавоҳирлардан ҳам ҳанузгача бебаҳралигига, уларнинг муаллифлари оддий китобхонларимизгагина эмас, кўплаб илм аҳли, зиёлиларига ҳам яхши таниш эмаслигига ачиниб кетди ва зудлик билан асарни ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттириш зарур экан, деган қарорга келди.

Мумтоз адабиёт билимдонлари билан маслаҳатлашди. Яна Ваҳоб Раҳмонов, унинг рафиқаси Янглиш Эгамовалар Зокиржон аканинг жонига ора киришди, унинг азиз ниятини алқашиб, ҳар қандай ёрдамга ва хизматга тайёр эканликларини изҳор этишди.

Маълумки, Ваҳоб Раҳмонов Гулистон шаҳрида, яъни пойтахтликлар таъбири билан айтганда периферияда умргузаронлик қилади, педагоглик-устозлик ва илмий фаолият билан ҳам ўша, нисбатан овлоқ жойда шуғулланади. Лекин билими, ижодий, илмий маҳсуллари пойтахтда яшаб ижод қилувчиларникидан кам эмас. Туркий, форс тилларини мукамал билиши, қўлёзма-матнларга ўта масъулият билан ёндошиши, мумтоз адабиётда, хусусан, шеърятда қўлланган ҳар бир сўзнинг зоҳирий шакли-шамолию ботиний маъно-моҳиятини теран англаши адабиётшунос олим мавқеи ва мартабасини касбдошлари орасида янада сарбаланд айлаган омиллардан, десак муболаға бўлмас. Унинг Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг китоблари нашрида йўл қўйилган саҳв-беътиборликлар масаласида илмий унвони ўзиникидан баландроқ олимлар, ноширларни мот қилгани борасидаги мисоллар ҳам талайгина. Шахсан мени Ваҳоб Раҳмоновнинг тўғрисўзлиги, кичик кўнгиллиги, серғайрат ва ўта меҳнатқашлиги, ўзининг нафи тегиши мумкин бўлган иш учун ҳар қанча масофани писанд этмаслиги, яъни эринмаслиги, сўралган ёрдамни ва ҳамкорликни асло рад этмаслиги ҳайрон қолдиради ва унга нисбатан катта ҳурмат уйғотади. Гулистон билан Андижон оралиғи хийлагина йўл, қатновнинг Тошкент орқалиги ва Ваҳоб аканинг ҳамиша йўловчи уловларда юриши ҳисобга олинса, бу қатновнинг нечоғлик заҳмат ва қанча вақт талаб этишини фаҳмлаш мушкул эмас. Зокиржон ака Ваҳоб Раҳмоновни ҳамкорликка чорлаганига анча йиллар бўлди. Шундан бери унинг бир оёғи Андижонда: Бобуршоҳ билан боғлиқ тадбирларда, китобларни нашрга тайёрлашда фаол қатнашади. Бу орадаги унинг сермашаққат ва энг катта аҳамиятга молик иши «Бобурнома»нинг Каромат Муллахўжаева билан биргаликда амалга оширган табдили бўлиб эди. Ана шу табдил ва унинг нашридан сўнг Зокиржон Машрабовнинг Ваҳоб Раҳмоновга нисбатан ихлоси яна бир неча карра ортди.



Алқисса, «Тарихи Рашидий» таржимасини ҳам Ваҳоб ака турмуш ўртоғи, таниқли таржимон ва адабиётшунос олима Янглиш Эгамовага суянган ҳолда ўз зиммасига олган эди.

Зокиржон аканинг куйинишига сабаблар бор эди. Биринчидан, «Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Бобур Мирзонинг жигари, яъни, ўзимизга жуда яқин шоҳ, истеъдодли адиб ва шоирдир. Гарчи у тарихий шароит, Кашмир муҳити тақозосига, тарихий-адабий анъаналарга кўра, «Тарихи Рашидий»ни форс тилида битган бўлса-да, туркий-ўзбек тилида «Жаҳоннома», «Маҳмуднома» деган дostonлар ҳам ёзган. «Тарихи Рашидий» асарида эса темурийлар, жумладан Бобуршоҳ, Андижон билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, тарихлар ҳам бисёр ёритилган эди. Иккинчидан, асар инглиз, француз, немис, хитой, уйғур, рус, қозоқ ва бошқа тилларга аллақачон таржима қилинган ва лекин шу пайтгача ўзбек тилида чоп этилмаганлиги чиндан-да аламли ва хижолатли ҳол эди. Ахир Эйжи Манодек япон олими ўзининг «Бобур ва унинг даври» номли йирик тадқиқотида «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарлари асосида Марказий Осиёнинг XVI аср тарихини яратди-ку!

Кашмир ўлкасига ўн йилдан зиёд (1540-1551) подшолик қилган Мирзо Ҳайдар 1500 йили Тошкентда Юнусхоннинг қизи Хўб Нигор хоним ва Муҳаммад Ҳусайн оиласида туғилган, бир неча йил холаваччаси Бобуршоҳ тарбиясида бўлган. Кашмир халқи хотирасида кўплаб эзгу ишларни амалга оширган, ёдгорликлар қолдирган олижаноб ҳукмдор сифатида яшаб келади. Бинобарин, у Оврўпага ҳам улкан давлат арбоби, Бобур Мирзо каби етук саркарда ва қомусий олим сифатида маълум ва машҳурдир. Ва чиндан ҳам фахр-ифтихорга муносиб шундай тарихий шахс ҳаёти ва ижоди, унинг ўлмас обида каби асрдан асрга ўтиб келаётган асари(мен уни туркий тарихий романчиликнинг дастлабки ажойиб намуналаридан бири деган бўлардим)нинг салкам беш аср давомида ҳам ўзбек китобхонлари назари ва эътиборидан, ўқиш имконидан четда қолиб келаётгани ғалат ва ғалати эди! Бобур жамоат фондининг раиси Зокиржон Машрабов бошчилигидаги илмий-ташкилий ҳайъат ана шу ғалатликка хотима ясаб, халқимиз (ва албатта, асосан, зиёлиларимиз)нинг шу нодир маданий

обидадан бахраманд бўлишларига имкон яратиб бердилар. «Шарқ нашриёт-матбаа» акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ва “Ўзбекистон” нашриёти томонидан жаҳон китобчилик санъати андозаларида, гўзал мукова ва миниатюра намуналари ила жиҳозланган, ҳар бир саҳифаси нафис нақшлар билан безатилган «Тарихи Рашидий», “Ҳабибус-сияр” китоблари нафақат Бобур жамоат фонди фаолиятида, умуман, мамлакатимиз маданий ҳаётидаги таҳсинга лойиқ, ўчмас-йитмас ҳодисалардан бири бўлди десак, янглишмаймиз.

Шу йили юқорида юқорида зикр этилган Исматуллоҳ ибн Неъматуллоҳ Мўъжизийнинг «Таворихи мусиқиюн» рисоласи ҳам Фонд ташкилотчилиги ва ҳомийлигида чоп этилиб, китобхонларга етказилди. Маълумки, бизда мусиқашуносликка оид тарихий китоблар кўп эмас ва мавжудлари ҳам форс ва араб тилларида яратилган. Мўъжизий рисоласи шу соҳада туркий тилда ёзилган дастлабки асарлардан саналади. Қолаверса, «Таворихи мусиқиюн»да мусиқашунослик ибтидоси ва тадрижига оид кўпгина ноёб маълумотлар, жумладан, жаҳонга маълум ва машҳур алломалар Фисоғурс (Пифагор), Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Хоразмий, Нўъмон Самарқандий ва бошқа (жаъми 17 нафар) олимлар, фозиллар, шоирларнинг мусиқа ҳақидаги муҳим фикр-мулоҳазалари, адабиёт ва тарихга оид бир қатор янгиликлар ҳам келтирилган. Қисқаси, рисола мумтоз мусиқачилигимиз борасида ўқувчига, хусусан, кўшиқчилик санъати билан шуғулланувчиларга бой озуқа беради.

Китоб асарнинг араб алифбосидаги ва кирилл ёзувидаги матни, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги баёнидан иборат. Филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновнинг «Нодир туркий мусиқий рисола» сарлавҳали сўзбошисида муаллиф ва унинг асари кенг шарҳланган.

## УММОН ОРТИДА

Зокиржон ака 2011 йили Андижонда ўтказиладиган ““Тарихи Рашидий” асарининг жаҳон маданиятида тутган ўрни” мавзуидаги халқаро анжуманга

хорижий юртлардан етук бобуршунос, шарқшуносларни таклиф этиш ва улардан айримларининг номзодини халқаро Бобур мукофотига кўрсатишни мўлжаллаган эди. Рўйхатдагиларнинг ҳар бири билан шахсан ўзи телефон орқали боғланиб, розилигини олди. Фақат америкалик Виллер Текстон “Саломатлигим унча дуруст эмас, кани, ўша пайт яқинлашаверсин-чи, кўрамиз”, дея мужмалроқ гап қилди. Текстон М.Виллер – шарқшунос, бобуршунослик ҳамда Ҳумоюн ва Акбар даври тарихини ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшган. “Бобурнома”ни учинчи марта инглиз тилига ўгириб чоп эттирган (2002 й.). Китоб сўзбошисида асосий воқеалар баёни, Чингизийлар ва Темурийлар ҳақида маълумот, иловада эса исмлар ва лавозимлар, кўрсаткичлар берилган.

В.Текстон Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Жавҳар Офтобачининг “Тазкиратул-вақоийъ” ва Боязид Баётнинг “Тарихи Ҳумоюн” (бошқа номи “Тазкирати воқеоти Ҳумоюн ва Акбар”) тарихий асарларининг форсча матни ва ўзи қилган инглизча таржималарини нашр қилдирган. Зокиржон аканинг Текстон билан жуда-жуда кўришгиси, у билан Бобур ва бобурийлар, Муҳаммад Ҳайдар ҳаёти ва унинг ижодий фаолияти ҳақида суҳбатлашгиси келарди. Олимнинг Бобур юрти Андижонга келишини, халқаро анжуманда иштирок этиб, маъруза қилишини жуда-жуда хоҳларди. Зеро, америкалик шарқшуноснинг Бобур Мирзога юксак муҳаббати Зокиржон акада унга нисбатан катта қизиқиш уйғотган эди. Ана шу иштиёқ Зокиржон акани уммон ортига - Америка Қўшма Штатларига ундади.

Гарвард университетининг профессори Виллер Текстон анча ёши ўтиб қолган, чиндан ҳам соғлигининг мазаси йўқроққа ўхшарди. Бобур тўғрисида гап очилганда кекса бобуршунос жонланиб кетди. Ҳаяжонлангани, қувонганидан юзларига қизиллик югурди, Бобур Мирзо ва унинг асарларига хос фазилятлар ҳақида сўзлаб, хусусан, “Бобурнома”нинг такрори йўқ мемуар эканлигини қайта-қайта таъкидлади ва олис Ўзбекистондан – Бобур юртидан уни йўқлаб келган улуғ меҳмонга ўз кутубхонасининг бебаҳо мулки бўлган “Бобурнома”, “Тарихий Рашидий” китобларини (инглиз тилида), “Ҳумоюннома”нинг уч муаллиф қаламига мансуб нашрларини тухфа қилди.

Зокиржон ака Америкада Бобур Мирзониинг яна бир ихлосманди ва тарғиботчиси Стефан Дейл билан ҳам учрашди. Жаноб Дейл унга Бобур яратган боғлар тўғрисидаги “Саккиз жаннат боғи” деган рисоласини инъом этди.

Булардан ташқари Зокиржон ака дўконлардан темурийлар ва бобурийларга оид ўн бешга яқин ноёб китобларни сотиб олди ва ҳаммасини Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига, Санкт-Петербургда олиб келган “Бобурнома”нинг Қозон босмаси, “Бобурнинг касаллик тарихи” рисоалари каби мўтабар китоблар қаторига қўйди (Дилига эса уларнинг ҳам энг зарурларини вақти-соати билан ўзбек тилига ўгириб нашр эттиришни тугиб олди).

## 2011 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Аллоҳнинг ҳамма бандаси ҳам эл-юрт фаровонлиги, инсониятнинг комиллигига хизмат қиладиган илму урфон ривожига ҳисса қўшиш учун ўзини масъул деб билавермайди, қалби, онгидаги худбинлик туйғусини енгиб, билими, касбу аъмолини умумманфаати йўлида сарфлашга ўзида куч-қувват, ҳиммат топа олавермайди. Бировга озгина ҳақи ўтиб кетса ё сармоёси мўлжалидан андак камайиб қолса уйқуси қочадиган бадавлат кимсалар қанча!

Зокиржон акага эса маънавият-маърифат бобидаги фикрлар тинчлик бермай, дилида янги-янги ниятлар, режаларни ундириб, уни йўлга чорлайверади. Аввалига Бобур ва бобурийлар, бошқа буюк аждодларимиз умргузаронлик қилган юртлар, уларнинг абадий оромгоҳларини зиёрат қилиб, улар ҳақида бир мунча маълум ва номаълум маълумотларни йиғиб-териб келиб илмий истифодага киритиб, кўнгли хийла таскин топгач ва хийла тажриба орттиргач, ўзбек давлатчилигининг улкан намояндаси, темурийлар салтанатининг асосчиси Амир Темур юрган манзиллар бўйлаб сафар уюштиришни мўлжаллай бошлаган эди. Аҳднинг қатъийлашуви ва ҳаракатнинг тезлашувига интернет орқали тарқалган, улуғ Соҳибқирон номи билан боғлиқ бир хабар туртки бўлди. Ушбу маълумот аслида тор доирадаги илм аҳли, муаррихларга аён бўлса-да, уни ҳамма ҳам билавермас, биладиган қадимшунослар эса урғу беришавермас эди.

Илгари “Темур минораси” (“Башня Тамерлана”) атамаси билан юритилган ва кейинчалик негадир “Кесене сағанаси” деб ўзгартирилган, Россиянинг Челябинск вилояти Варна тумани рамзида ифодаланган мазкур тарихий ёдгорлик Зокиржон Машрабовни қизиқтириб қўйди ва шу баҳона Амир Темур ҳаётига оид китобларни варақлашга тушди. Соҳибқироннинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши олиб борган жанглари ва ғалабасининг Россия ва бошқа юртлар тақдирида тутган тарихий аҳамияти тўғрисидаги зиддиятли фикрлар уни сафарга чорлади. Айнан ўша “тарихий аҳамият”ни бўрттирмасликка уриниш тенденцияси Зокиржон аканинг энсасини қотирар, шу масалани яна бир қўзғаб, аниқлик киритиш ҳақида ҳам ўйлаб юрарди.

Ва ниҳоят, Фонд раҳбари ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмон, ушбу сатрлар муаллифидан иборат таркибдаги экспедиция ҳайдовчимиз Аҳмаджон жиловдорлигидаги “Хундай старекс”да Россия томон йўл олдик.

Соҳибқирон Олтин Ўрдага Дашти Қипчоқ (ҳозирги Қозоғистон) орқали ўтиб борган, табиийки, экспедиция йўналиши ҳам шундай эди. Амир Темурнинг ўз эътиқоди, удумидан келиб чиқиб, у пир мақомида улуғлаган, юришлари олдидан тавоф этган улуғ зот Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Арслонбоб ота қабр-мақбаралари зиёрати сафарнинг ибтидоси бўлди. Кейин буюк шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий таваллуд топган маскан – Фороб қишлоғи, шунингдек, Турон султони умрининг сўнгги кунларини кечирган, ўша маҳалларда муҳим стратегик нуқталардан бири бўлмиш тарихий шаҳар Ўтрор қолдиқлари кўрилди, у ерда Зокиржон ака қазув ишлари олиб бораётган археологлар билан суҳбатлашди.

Қарағандага етай деб қолдик. Қарағанда – шу номдаги вилоятнинг ёш шаҳри. Эндигина бир инсон умрини яшаётган бу кент Балхаш кўлининг шимоли-ғарбида қад кўтарган. Вилоятдан Сарисув ва Нура дарёлари ўтади.

Бу ҳудуд билан боғлиқ муҳим бир тарихий воқеа бор.

Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юриши чоғида улкан лашкар даставвал Саброн шаҳрида тўхтади, ундан Сарик Ўзан мавзеига – ҳозирги Қозоғистоннинг Тўрғай вилоятидаги Сарикқўпа кўлига қуйилувчи сойдан ўтиб,

Кичик тоғни ортда қолдириб, Жезқазғондан юз километрча шимолроқда жойлашган Улуғ тоққа етади ва унинг тепасига туғ ўрнатиб, ўша атрофга қароргоҳ қурдиради. Сўнг қўшинга тош тўплатиб, минорасимон бир иншоот барпо эттиради. Тоштарошларга қуйидаги битикни араб ва эски ўзбек тилларида ёздиради:

***“Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамиш... хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай...”***

Битикли тарихий тош XX асрнинг 30-йилларида ҳозирги Қарағанда вилоятига қарашли Жезқазғондан 50 км. ғарбдаги Қарсақпай кони яқинидан, Қорамўла тоғи ёнбағридан топилади.

Юқоридаги далилий ашёдан Темурбекнинг расмий унвони “Турон султони” экани, давлатимиз “Турон” деб аталиши аён бўлади. Мазкур нодир ёдгорлик ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Турон қўшини Улуғтоғдан кейин Йиланчиқ дарёсидан ўтиб, тўрт ой даштда йўл босиб, Қўстанай вилояти жануби-ғарбидан оқадиган Тобол дарёсига чиқади.

Афсуски, йўллар ўзгариб кетгани боис биз айни пайтда Улуғтоққа яқин юриш имконимиз йўқ, зеро, Жезқазғон Қарағандадан 250 км. нарида эди.

\* \* \* \*

Россиянинг анча ичкарасида жойлашган Варна туманига айлана йўллар билан етиб бордик. Амир Темур минораси кенг дала ўртасида Самарқанддаги қадимий, пурвиқор обидалар каби кўр тўкиб турарди. XIV асрда бунёд этилган мазкур бино ҳақида маҳаллий халқ орасида турли ривоятлар тўқилган, илмий фаразлар эса уларнинг айримларини инкор этарди.

Нақл қилинишича, аслида ёдгорлик Амир Темур буйруғи билан Тўхтамишхонга қўшин тортиши асносида қандайдир фожеона қисматга дучор бўлган қизи ё бошқа бир яқини хотирасига тикланган бўлиб, у ерда Россия

археологлари томонидан илмий-текширишлар олиб борилган ва турли тахминлар билдирилган. Лекин у даврларда ўша атрофда яшаган халқлар, ҳукмдорлар ўртасида бундай услуб ва тарҳда иморатлар, хусусан ёдгорликлар қуриш тажрибаси, урфи йўқлиги, Соҳибқироннинг эса қаерга борса эл-юртга зарур бир иншоот ёки обида барпо этиш аънаси бўлганлиги инобатга олинса, унинг Турон меъморлари, усталари ижодига мансублигига шубҳа-гумон қолмайди, қолаверса, халқ “Амир Темур минораси” деган атамани ҳаводан олмайди.

Зокиржон ака ана шу ёдгорликни, унинг меъморий қурилиш услубларини ўз кўзи билан кўрмоқчи ва ўқиганлари, эшитганларига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Чунки Соҳибқирон ҳақидаги ўзбек тилидаги манбалар, тарихий асарларда ушбу минора билан боғлиқ далил ва мулоҳазаларга дуч келмаган эди.

Ичи тахминан 6,5x6,5, сирти 12,5x10, бўйи минораси билан ўн етти метрлар чамасидаги, куббаси ўн қобирға-бурчакли, қизил пишиқ ғиштдан тикланган тарихий обида, афсуски, қаровсиз, унга элтар сўқмоқ майса-ўтлар билан қопланган, лекин машина излари бу ерга саёҳатчи-зиёратчилар келиб туришидан дарак берарди.

Бино олди деворининг чап томонига ўрнатилган мармар лавҳадаги маълумотларда ҳам чалкашлик, мавҳумликлар мавжуд эди. Мақбаранинг бир қатор ривоятларга кўра, Амир Темурга боғланиши, “Кесене” туркий тилда “Сағана”, “Қабр ёдгорлиги”, “Марҳумлар саройи” маъноларини англатиши, ёдгорликнинг 1983 йили таъмирлангани қайд этилган, аммо унинг ким томонидан қурилган бўлиши мумкинлиги хусусида бирон гап айтилмаган эди.

Айрим маҳаллий тарихчиларнинг асарларида (мас. В.С.Кобзовнинг “Уральская Варна” китобида) мазкур ёдгорликни Амир Темурдан узоқлаштиришга мойиллик сезиларди.

Хуллас, илмий ҳақиқатни излаш, ҳақни жойида қарор топтириш йўлидаги ҳаракатларнинг зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Зокиржон Мащрабов Қозон университети татар филологияси факультети ва бошқа жойлардаги учрашув-мулоқотлар чоғида масалага аввало Россия олий ўқув юртларида Шарқ тарихи, хусусан, Амир Темур, Заҳириддин Бобур,

Муҳаммад Ҳайдар даврлари билан боғлиқ Мовароуннаҳр, Турон – Туркистон тарихининг ўқитилиш кўлами, умуман, мазкур мамлакатда юқоридаги ва бошқа улуғ аждодларимизга қизиқишнинг қай даражадалиги, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қандай илмий текширишлар олиб борилгани, қандай китоблар чоп этилганини ўрганиш, ўша тадқиқотлар билан танишиш, шу мавзулар билан шуғулланадиган олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ёндошарди. Орада гап ўзанини Соҳибқирон билан Тўхтамишхон ўртасидаги жангларга бурарди, чунки у суҳбатдошларининг ўша муҳорабаларнинг Россия халқлари тарихида тутган ўрни хусусидаги мулоҳазаларини билишни истарди.

Амир Темурнинг мазкур жангда қозонган ғалабаси Россия халқларини мўғуллар зулмидан халос бўлишига олиб келди деган қарашни ёқловчилар йўқ эмас, жумладан, Самара вилоятида яшовчи Арнольдлар ана шундай фикрда эдилар. Экспедиция аъзолари уларни уйларида топишга муяссар бўлдилар. Ота-ўғил тарихчилар ўзбекистонлик меҳмонларга, ўзларининг тахминига кўра, Соҳибқирон ва Тўхтамиш орасида юз берган тарихий жанг ўрни – Кондурча дарёси қирғоғини кўрсатдилар.

Самара вилояти ўлкашунослик музейи директори Людмила Кузнецова Арнольдлар билан Амир Темур ва Тўхтамиш жангининг аҳамияти борасидагина эмас, мазкур тарихий муҳораба майдонида ёдгорлик ўрнатиш масаласида ҳам ҳаммаслак чиқиб қолди. Зокиржон Машрабов агар бу ғоя маҳаллий маҳкамалар ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланса, Бобур фонди ушбу ёдгорликни тарафлар ҳамкорлигида Ўзбекистонда тайёрлатиб келишни ўз зиммасига олишини билдирди.

Шундай қилиб, Бобур халқаро илмий экспедициясининг Россияга қилган дастлабки сафаридаёқ мақсад сари дадил қадам ташланди, мавзу янгиланди, тош ўрнидан кўзгатилади.

Бу гапни ошкора айтишга асослар етарли эди. Сафардан қайтилгандан кейин Зокиржон акага Россиядан телефонлар кела бошлади. Самара вилояти Красный Яр тумани ўлкашунослик музейи директори Юрий Бриков, тадбиркор



Александр Опарин ва бошқалар Амир Темур ва Тўхтамишхон низоларига оид тарихий жараёнлар, жанггоҳ, аниқроғи, Соҳибкироннинг қўшингоҳи ўрнини аниқлаш юзасидан Бобур халқаро илмий экспедициясини ҳамкорликка даъват қилишарди. Иш ўнгидан келаётганидан севинган Зокиржон ака тажрибали археолог, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоевни ёнига олиб, самолётда зудлик билан Красный Яр туманига етиб борди.

Амир Темур билан Олтин Ўрда хони 1391 йили тўқнашган жанг майдони хусусида маҳаллий ўлкашунос олимларда уч хил фараз ва хулоса юзага келган эди. Ҳар учала жой Зокиржон ака ва Боқижон Матбобоевлар томонидан географик ва археологик нуқтаи назардан батафсил кўздан кечирилди. Красный Яр тумани ҳудудидаги – Кондурча ва Сок дарёлари туташган бурчак яқинидаги кенг текисликнинг тузилиши ҳарбий ҳаракатлар учун қулай ва Амир Темур тузуқларида ишлаб чиқилган талаб ва шартларга мос келарди. Зокиржон ака билан Боқижон ҳам мана шу фараз ҳақиқатга яқин деган тўхтама келдилар.

Бу - тахмин, албатта. Тахминни исботлаш учун ўша жойларда археологик қазув ишлари олиб бориш, лоақал бир нечта шурф ташлаш лозим бўлади. Бобур экспедицияси ва маҳаллий ўлкашунослар бу ишларни биргаликда амалга оширишга ваъдалашдилар... ва Зокиржон ака билан Матбобоев яна экспедиция тузиб келиш режаси билан юртга қайтдилар.

Энди Зокиржон акани Андижонда Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни” мавзуидаги халқаро илмий анжуман билан боғлиқ ташвишлар, ташкилий ишлар кутарди. Конференция 2011 йил 8 сентябрь куни Бобур халқаро жамоат фондининг<sup>1</sup> мажлислар залида бўлиб ўтди. Унда Англия, Япония, Миср, Туркия, Хитой, Покистон, Афғонистон ва бошқа хорижий давлатлардан йигирмадан ортиқ бобуршунос олимлар қатнашди. Инглиз, ўзбек, рус, турк тилларида мавзуга оид илмий маърузалар тингланди. “Тарихи Рашидий” асари Шарқ адабиётининг бебаҳо маданий бойлиги сифатида баҳоланди.

---

<sup>1</sup> Ўтган йиллар ичида жамғарма номи икки бора жузъий ўзгаришни бошдан кечирди. “Бобур номли халқаро жамғарма” 2008 йилдан “Бобур номли жамоат фонди”, 2011 йилдан “Бобур халқаро жамоат фонди” деб атала бошланди.

Анжуман сўнгида бобуршуносликка ҳисса қўшган жаҳон олимлари, санъаткорлар, адибларнинг бир гуруҳи Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди. Чунончи:

1. Виллер Текстон – “Бобурнома” ва бошқа асарларнинг инглиз тилидаги мукамал тадқиқотлари учун;

2. Рамиз Аскер – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва “Танланган асарлар”ини озарбайжон тилида нашрга тайёрлашдаги ва туркий халқлар адабиёти ривожига қўшган катта ҳиссаси учун;

3. Тўлан Низом – Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурга бағишланган дostonлари учун;

4. Сирожиддин Саййид – “Юз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (фироқ ва соғинч дostonи)” асари ва Бобур ижодини тарғиб этишдаги самарали хизматлари учун;

5. Ғофиржон Сатимов – “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври” монографияси ва Бобур ҳақидаги асарлар таржимаси учун;

6. Янглиш Эгамова – “Тарихи Рашидий”, “Андижон шаҳзодаси” ва бошқа хорижий асарлар таржимаси учун.

## **Зокиржон аканинг ҳафсаласи нега пир бўлди?**

Маълумки, Андижон – ер юзидаги энг кўп ва кучли зилзила содир бўлиб турадиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тарихда (масалан, 1902 йили) Андижон ва унинг атрофида юз берган қаттиқ ер силкинишлари оқибатида кўплаб турар-жойлар қатори тарихий обидалар, мадраса-масжидлар ва бошқа муҳим бино ва иншоотларнинг ер билан яксон бўлгани, шаҳардаги минглаб аҳолининг қурбон бўлганини ҳозирги авлод яхши билавермайди. Лекин ана шундай машъум ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Зокиржон ака сейсмолог мутахассис, андижонлик фуқаро сифатида мана шу борада ҳам кўп ташвиш чекарди. У геология соҳасида фаолият кўрсатиб юрган кезларидаёқ, бу жабҳа билан жиддий шуғулланиб, Андижон, Асака,

Куйганёр, Хонобод шаҳарларини сейсмик микрорайонлаштириш хариталарини яратиш ташаббуси билан чиққан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Сейсмология илмий тадқиқот институти олимлари раҳбарлигида ва улар билан ҳамкорликда мазкур сейсмомикрорайонлаштириш харитасини яратишган, харита Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланиб, вилоятдаги қурилишларда фойдаланиш учун топширилган. шу ҳақдаги, яъни, Андижоннинг зилзила бўлиш эҳтимоли кўпроқ ҳудудлари тўғрисидаги ахборот-ҳисоботлари билан бирга масъул идора – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига топширган ва бу хулосалар Қўмита раҳбарияти ҳамда мутахассислар томонидан тасдиқланган, қўллаб-қувватланган эди.

Зокиржон ака Андижон шаҳар ижроия қўмитасига раислик маҳалларида ва бошқа раҳбарлик лавозимларида ҳам мутахассис ва мутасаддилардан, иш юритувчилардан ҳар қандай қурилишни амалга оширишда ана шу меъёрий ҳужжатларга риоя этишни талаб қиларди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти ва қарийб барча шаҳару қишлоқларда амалга оширилаётган мисли кўрилмаган суръатлардаги ободончилик, қурилишлар - замонавий уй-жойлар, маданий-маиший, маъмурий бинолар юртимиз ҳуснига ҳусн, файзига файз кўшаётир, жаҳон андозаларига мос кенг, равон кўчалар, хиёбонлар юзага келаётир. Бу борада, айниқса, Андижоннинг пешқадам бўлаётгани ушбу юртнинг ҳар бир фуқаросида фахр туйғусини уйғотади, албатта, шу жумладан, Зокиржон Машрабовда ҳам. Лекин у шунчаки фахрланиш билан чекланмай, бино, иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан пухта-пишиқлигига ҳам қизиқиб, зарурат сезилса, тавсия ва таклифлар айтиб туришни касб мутахассиси нуқтаи назаридан ўзининг виждоний бурчи деб билади.

Тўғри, танқидий мулоҳаза, маслаҳат мансабдор, мутахассисларнинг ҳаммасига ҳам ёқавермайди, улар ўз ташаббуслари ва ютуқларини тезроқ ўзларидан каттароқларга кўрсатиб, таҳсин олиш иштиёқида ёнадилар. Фақат бир нарсага тушуниш қийин: айрим ишлар, хусусан, қурилишлар худди тепадан биров милтиқ ўқталиб тургандай, ноқулай, ножоиз шароитларда – қор-ёмғирда

хам шошма-шошарлик, қувди-қувди билан олиб борилади, оқибатда наридани бери фойдаланишга топширилган биноларнинг кўп ўтмай бўёғи кўчиб, сувоғи тўкилиб тушади, деворларида дарзлар пайдо бўлади ва бошқатдан таъмирлаш бошланади. Ахир бу ортиқча сарф-харажат, исрофгарчилик, кўзбўямачилик-ку! Аксарият ҳолларда ёнғин ва техник ҳавфсизликлар ҳам ҳисобга олинмай, кўргазма учун қурилади бундай бинолар!.. Хўп, ўша иморат бир-икки ой кейинроқ битса, нима бўлади, бирон жойга ўт кетиб қолармикин ё осмон узилиб тушармикин?.. Шунини айтиш керакки, Зокиржон Машрабов кимларгадир ёкиш ёки ёқмаслигидан қатъий назар, бу борада ўз фикрида доимо собит туради, фақат бир кунлик ҳаёт билан эмас, узокни кўзлаб, оқибатини ўйлаб яшаш керак деб ҳисоблайди.

Икки минг ўнинчи йилларнинг бошларида мамлакат бўйлаб янги уй-жой ва бошқа биноларнинг эскиларини таъмирлаш, янги қуриш, кўчалар қиёфасини ўзгартириб, ободонлаштириш бўйича чин маънода мусобақа авж олди. Бу борада Андижон вилояти яна ўзининг “А” ҳарфидан бошланишини исботлади: Андижон шаҳридаги Комил Яшин (кейин “Ўзбекистон” деб ўзгартирилди) кўчаси кенгайтирилиб, уч-тўрт қаватли европа услубидаги янги бинолар қад кўтарди ва тез орада овозаси бутун республикага тарқалди. Барча вилоят ва шаҳарлардан бу иш услубини ўргангани, ибрат олгани гуруҳ-гуруҳ мансабдору мутахассислар кела бошлади, янгиланган кўчада амалий семинарлар ўтказилди.

Вилоятнинг туманларию қишлоқлардан сайр қилгани келганларнинг кети узилмайди. Ҳамма ҳайратда, ҳамма мамнун... Шаҳарнинг кўркама бўлиши ва шуҳрат қозонишидан Зокиржон Машрабов ҳам хурсанд, фақат бир нарсадан ичи ғаш эди. Маълумки, К.Яшин (янги “Ўзбекистон”) кўчасининг икки томони яксара бир қаватли хонадонлардан иборат эди. “Янги тизим” ишга тушгач, ана шу бир қаватли, инсонлар яшайдиган уй-жойларнинг томи очилиб, устига яна икки, уч қаватдан бино кўшиб кўтарилаётганди. Ҳолбуки, уларнинг пойдеворлари бир қаватли биноларга мўлжалланган эди. Андижон шаҳри эса нафақат водийдаги, балки Ўрта Осиёдаги энг кўп ва кучли зилзила бўлиб турадиган ҳудуддир. 1902 йилги зилзилада шаҳарнинг ёппасига вайрон

бўлганлигидан, албатта, вилоятнинг бошқа юртдан келган биринчи раҳбари Аҳмаджон Усмонов беҳабардир, лекин маҳаллий халқнинг катта ва ўрта ёшдаги вакиллари буни яхши билишарди, хусусан тарихчи олимлар ва бошқа илмли кишилар... Зокиржон ака эса шундан хавотирда эди. Хўп, анча йиллардан бери Андижонда кучли ер силкинишлари қайд этилгани йўқ, лекин беш йилми, ўн йилми, эллик йилдан кейинми... зилзила такрорланмайди деб ким кафолат бера олади? Вилоятнинг биринчи раҳбари икки йилдан кейинми, тўрт йилдан кейинми бу ердан кетади, лекин маҳаллий халқ шу ерда яшаб қолади-ку?!

Зокиржон ака бу жиддий масаланинг оғзаки гап билан битмаслигини ўйлаб, ҳокимга хат ёзди. Унда Андижон шаҳрида аввал юз берган ер қимирлашлари, унинг асоратлари ҳақида аниқ далиллар келтириб, геолог сифатида ўз фикрларини баён этди. Янги қурилаётган, тўғрироғи қаватлари қўшимча қилинаётган уйларнинг пойдеворлари юқори балли зилзилага бардош бера олиш-олмаслигини ҳам ҳисобга олиш, ўрганиш - келажакни ҳам ўйлаш лозимлигини эслатди. Эҳтимол, бу борада бош қотирган, хавотирланганлар бўлгандир, лекин ўз фикрини, ҳадигини, эътирозини билдиришга журъат қилган киши, бир Зокиржон ака бўлди чоғи.

Анчагача хатга жавоб бўлмади, Зокиржон Машрабов иккинчи, учинчи марта ёзди. Лекин яна жимжит - гўё хатлар сувга тушган тошдек эди. Иттифоқо бир куни Аҳмаджон Тугилович Боғишамолга, Бобур боғига бир иш билан чиқиб қолдию, улар кўришдилар.

- Сиз менинг ҳақиқий жонкуяр ўринбосарим экансиз, - деди ҳоким. Вилоят раҳбарининг Зокиржон Машрабовнинг юз минглаб аҳоли тақдирдан ташвишланиб, куюниб ёзган хатларига жавоби шу бўлди. Шунингдек, у танқидий фикрларни юқорига эмас, вилоят ҳокимлигига юборгани учун миннатдорлик билдирди ва бошқа ишга ўтиб кетаётганини суюнчилади – гўё буёғи билан энди менинг ишим йўқ, дегандек...

Аслида кўчанинг номини ўзгартириш масаласи ҳам баҳсли эди. Маълумки, ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Комил Яшин атоқли драматург, катта адиб, таниқли публицист сифатида маълум ва машҳурдир.

Шунингдек, у узоқ йиллар масъул вазифаларда ишлаган давлат ва жамоат арбобидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Мамлакатдаги йирик ва нуфузли ижодий ташкилотлардан бири - Республика Ёзувчилар уюшмасига 22 йил раҳбарлик қилган.

Комил Яшин 1916 йил кўзғолонига бағишланган “Бўрон” (биринчи ўзбек операси), Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида “Улуғ канал”, Алишер Навоий достони асосида “Дилором” опералари либреттолари ёзган. “Фарҳод ва Ширин” (Навоий асари асосида), “Равшан ва Зулхумор” мусикали драмаларининг, “Асал”, “Ҳамза”, “Генерал Раҳимов” Шиддат” каби бадиий, “Салом, баҳор!” ҳужжатли фильмлар сценарийларининг муаллифидир. У шунингдек, XX аср ўзбек шериятининг яна бир улкан вакили, драматургиямизни энг юксак поғонага кўтарган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг машҳур “Бой ила хизматчи”, “Майсаранинг иши”, “Паранжи сирлари” пиесаларини қайта ишлаб, сахналаштиришга тайёрлаган. Кўплаб драматик ва насрий асарларида Ҳамза образини яратган.

Булардан ташқари, К. Яшин Шекспирнинг “Антоний ва Клеопатра”, У. Гажибековнинг “Аршин молдон”, И. Брусиловскийнинг “Эр Торғин”, М. Ҳусайннинг “Олов”, И. Қосимовнинг “Инсон меҳри”, Л. Соболевнинг “Хўжайин” драмаларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ва яна бир жиҳати – Комил Яшин - Андижон фарзанди, ушбу юрт халқининг фахридир. Аввало шаҳардаги Ўзбекистон номига муносиб, Истиқлол шарофати билан очилаётган замонавий кўринишдаги кўчалардан бирини танлаш мумкин эди. Ҳамонки, мазкур кўчани шундай аташга қарор қилинган экан, у ҳолда Комил Яшин номини бошқа бир кўчага қўйиш керак эди! Менингча, ўзга юртдан келган ва ички ишлар соҳасидан чиққан ҳоким Комил Яшинни яхши билмас эди. Б у шарафли зотнинг кимлиги ҳақида тушунча берадиган одам раҳнаманинг атрофида юрадиганлар орасидан чиқмаган ёки улар шунчаки фикр айтишдан тийилишган. Балки... Аслида бундай пайтда зиёлилар билан ҳам бир оғиз маслаҳатлашилса дуруст бўлади, лекин катталар буни муносиб кўришмайди.

Тўғриси, бу борада биз қалам аҳли ҳам лоқайдлик қилганимизни тан олишимиз керак. Ахир ҳоким билан юзма-юз кўришиб айтиш имкони бўлмаса, матбуот орқали мулоҳаза ва эътирозларимизни, таклифларимизни билдиришимиз мумкин эди-ку?..

Хуллас, Зокиржон аканинг ҳафсаласи пир бўлди. Фақат бошқа юртдан келган ҳокимдангина эмас, унинг ёнида, катта-катта креслоларни эгаллаб ўтирган андижонликлардан ҳам.

Ҳай, мавзудан биров чалғидик, узр...

## **ЯНА СОҲИБҚИРОН ИЗИДАН**

Соҳибқирон қаламравига кирган манзилларни кўзлаган навбатдаги экспедиция 2012 йил 27 сентябрь куни Андижондан жўнаб кетди. Таркиб Зокиржон Машрабов, Боқижон Матбобоев, Фурқат Саидмаматов (телетасвирчи), Аҳмаджон (ҳайдовчи) ва каминадан иборат эди.

Раҳбар бу гал кўламни жуда кенг олган эди. Унинг режалари темурийлар империясининг асосчиси Амир Темур ўз сарҳадларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш, чегара юртларда тинчлик ўрнатиш мақсадида ҳарбий юришлар қилган мамлакат ва эллардаги тарихий шаҳарлару кентлар, у буюк шахс номи билан боғлиқ жойлару ёдгорликларни кўриб, зиёрат қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиб, маълумотлар тўплаб келишни кўзда тутарди.

Шубҳасизки, экспедициянинг асосий фаолияти яна Самара вилоятининг Красный Яр туманидан, Россия заминидаги кузатув ва тадқиқотларни давом эттиришдан бошланади. Бизни Юрий Бриков ва Александр Опаринлар мамнуният билан қарши олишди. Зеро, улар Амир Темур лашкаргоҳида самаралик археологлар томонидан шурф ташланган жойларни кўрсатиш ва янгиликлар билан таништириш иштиёқида кутишаётган экан. Мезбонларимиз эртасигаёқ бизни Кондурча ва Сок дарёлари икки томондан келиб қўшиладиган худуд яқинидаги яйдоқ текисликка бошлаб боришди. Бу ерда ўтган сафарги маслаҳатдан кейиноқ иш бошланиб кетган: Бриков, Опарин, Малигин ва бошқа

Ўлкашунос, археологлар мазкур дала-майдонни ўрганишга киришган, шу ниятда бир неча шурф (ер қатламларини текшириш, аниқлаш учун майда хандақ-чуқурчалар казиш) солишга ҳам улгуришибди. Зокиржон ака ва Боқижонлар ўша хандақчаларни синчиклаб кўздан кечиришди. Лекин тупроқ қатламларининг таркибини илмий лаборатория таҳлилидан ўтказмай туриб, бир нарса дейиш кийин эди. Бриков, Опаринларнинг айтишича, ковланган жойлардан олинган тупроқ намуналари таҳлил учун чет эл (Канада) илмий-текшириш муассасаларига юборилибди.

Кейин биз мезбонлар етакчилигида Соҳибқирон ўз лашкаргоҳини чегаралаш ва мудофа учун қаздирган хандақлар (улар ҳамон билиниб турарди) ёнлаб, Кондурча дарёси тарафдан Сок дарёси томонга қараб бир неча чақирим юриб бордик.

Хандақдан (Опарин, Бриковларнинг фаразича, 45 км. узунликда қазилган) икки мақсад кўзда тутилган бўлиши керак: чуқури – окоп, уюлган тупроқ эса ёв йўлини тўсмоқ (баррикада) учун.

Хандақнинг Олой тепалигидан ўтган жойига Опарин, Бриковлар ташаббуси, саъй-ҳаракати билан ажойиб бир маҳобатли ёдгорлик тоши ўрнатилган бўлиб, унга қуйидагича ёзув битилган эди: **“Бу ерда Амир Темурнинг 1391 йили Тўхтамишхонга қарши юриши чоғидаги ҳарбий қароргоҳи жойлашган. Ёдгорлик Кондурча жангининг 620 йиллиги муносабати билан ўрнатилди”**.

Шунингдек, мезбонлар Красный Ярда Амир Темур музейи барпо қилиш ниятлари ҳам борлигини суюнчиладилар. Бу ишларнинг бари, шубҳасиз, Бобур халқаро илмий экспедициясининг хосиятли қадамларидан сўнг юз бераётган жонланишдан далолат эди.

Амир Темур салтанати билан муҳолифатда бўлган Олтин Ўрда давлати таркибига кирувчи Астрахань, Сарой Боту, Сарой Берка, Белжамин ва бошқа қадимий шаҳарлар қолдиқларини кўриб-ўрганиш ҳам экспедиция дастурига киритилган эди. Афсуски, вақт ўтиши билан мазкур қасаба ва кентлардан деярли



хеч нарса қолмаган, фақат музейларда уларнинг ўрнидан топилган тош, сопол хум ва бошқа идишлар, турли ашёлар сақланмоқда эди.

Лекин Астрахань ҳақида шуни айтиш жоизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда ҳукмронлик қилаётган даврда Россия давлати билан ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга ҳаракат қилган. Бобур вафотидан кейин айнан астраханлик савдогарлар бунга жавобан амалий ҳаракатлар бошлаган, дастлабки борди-келдилар шу шаҳар орқали бўлган, илк хинд карвонсаройлари ҳам Астраханда вужудга келган. Алоқалар кейинги бобурийлар - Шохжаҳон, Аврангзеблар замонида кучайган, расмий тус олган.

Навбатдаги йўналиш Кавказ музофоти эди. Маълумки, Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан сўнгги, Олтин Ўрда тақдирини узил-кесил ҳал қилган жанги Доғистон ҳудудидан ўтган Терек дарёси бўйида, айрим манбаларга кўра, 1395 йил 15-17 апрель кунлари Терек ва Кума дарёлари оралиғидаги Нўғай даштида кечган. Унда ҳар икки томондан тахминан икки юз мингдан жангчи қатнашган.

Зокиржон ака ҳар бир тарихий ҳодисанинг вақти, ўрни борасида аниқ далил топишни хоҳлар, бунинг учун ўша давр, жойларга оид тафсилотлар билан махсус шуғулланишга, қиёслашга, ҳақиқий маълумотни тиклашга ҳаракат қиларди. Яъни, сафардан кўзда тутилган мақсад шунчаки буюк Соҳибқирон юрган, унинг қадами етган жойларни зиёрат қилиш эмас эди. Машҳур тарихий муҳораба юз берган яланглик – Терек соҳилларини кезар эканмиз, Зокиржон ака хаёлан олти аср ортга парвоз этиб, Амир Темурнинг жанг олиб бориш усуллари ва санъатларини кўз олдига келтиришга, тасаввурини бойитишга урингани табиий бир ҳолдир. Зеро, ўша дамларда бошқаларнинг ҳам кўз ўнгида беомон олишувлар намоён бўлиб, курол-яроқлар садоси кулоқлари остида жаранглагани аниқ эди.

Албатта, Зокиржон ака ҳаммадан кўра ортиқроқ ҳаяжонланар, улуғ бобомиз катта қўшин билан шунча узоқ масофадан келиб, ўз валинеъматига нисбатан кўп ғаламислик ва нонкўрлик қилган ғаним Тўхтамишхоннинг армиясини тор-мор этганини ўйлаб, ана шу тарихий воқеа содир бўлган ерларни ўз кўзи билан кўриб турганидан хурсанд эди. Бу ҳол унинг узун, залворли кўприк

ёнидаги Россия транспорт вазирлигининг Терек бўлими назоратчилари билан мулоқотида ҳам сезилиб турди.

Амир Темур турли сабабларга кўра, асосан ўз мамлакати дахлсизлигини сақлаш, сарҳадларни мустаҳкамлаш мақсадида Кавказга ва Эрон заминига бир неча бор от сурган ва ана шу юришлар чоғида унинг номи мазкур худудларда турли шаклда муҳрланиб қолган. Масалан, Доғистонда “Темир-Хан шура” деган жой бор, бу “Темирхон шахри” демакдир. 1394-1395 йиллари Соҳибқирон ўша қалъа-истехкомда тўхтаган, у ерда ҳарбий қароргоҳ тиклатган.

Шу тариқа экспедиция Соҳибқирон жанг қилган, тўхтаб ўтган йўлу манзиллардан юриб, Низомий Ганжавий, Насимий, Фузулийлар юрти Озарбайжонда, дунёга Шота Руставелидек зотни берган Гуржистонда, Саят Нова, Хачатур Абовян, Ованес Туманянлар камолга етган Арманистонда бўлди. Мазкур эллардаги тарихий шаҳарлар, обидалар билан танишилиб, керакли маълумотлар олинди, видео, фото тасвирларга туширилди.

Тоғли Қорабоғни эса Амир Темурнинг ҳаёт китобида алоҳида саҳифани ташкил этади, дейиш мумкин. У зот табиати ғоят фусункор бўлмиш ушбу маконни бениҳоя хуш кўрган, у ерда алоҳида ўрда барпо эттирган, хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилган, набираларига тўйлар ўтказган.

Тоғли Қорабоғ Бобур Мирзонинг бобоси Абусаид Мирзо вафот этган макон. Шунингдек, у таниқли озарбайжон адиблари (Нотавон, Воқиф) етишиб чиққан, кўплаб шеъру драматик асарларга илҳом берган қутлуғ бир маскан сифатида ҳам эътиборга лойиқдир.

Қорабоғдан қайтгач, Эронга йўл олдик. Соҳибқирон Тўхтамишхоннинг ваҳшийларча қилган вайронагарчиликларига барҳам бериб, шахзода Мироншоҳга инъом этган Табриз, буюк сўз усталари, илм пирлари Фариддин Аттор, Умар Хайёмларнинг қабр-мақбаралари билан файзли Нишопур, ислом оламига Имом Ризо ҳарами билан донг таратган Машҳад, Алишер Навоий ҳокимлик қилган Астробод (ҳозир Гургон), хийла қийинчилик билан етиб борилган Оқтўқайдаги туркман адабиётининг машҳур намояндаси Махтумқули қабр-мақбаралари зиёрати экспедициянинг мазмунли воқеларидан бўлди.

Эронда жиддий бир муаммога дуч келдик. Туркменистон мустақиллиги куни яқинлашиб қолганлиги муносабати билан ушбу мамлакатга ўтишга ижозат бериш тўхтатиб қўйилган экан. Анча диққатпазлик бўлди, чунки Туркменистоннинг Эрондаги консули Балувенинг айтишига қараганда, чегара камида ўн етти-ўн саккиз кунлардан кейин очилиши мумкин эди. Консул хижолатдалигини, лекин ҳукуматнинг тартиб-интизомига бўйсунмасликнинг иложи йўқлигини айтиб узр сўради. Яна Зокиржон аканинг дадиллиги, катъийлиги иш берди. У Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонасига мурожаат қилди. Элчи, консулларимиз раҳбарни шахсан танишар, Бобур халқаро жамоат фонди ва унинг илмий экспедицияси фаолиятидан яхши хабардор (2004 йилги сафаримиз чоғида элчимиз Илҳомжон Акрамов билан учрашган ва унинг меҳмони бўлганмиз) эдилар. Улар Эрон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликларига экспедиция ҳақида зарур маълумотлар етказиб, вазиятни тушунтиришгач, Туркменистон ҳудудига ўтиш учун бизга истисно тарзида рухсат берилди.

Туркменистонда эса биз Кўҳна Урганчга сафар қилишимиз лозим эди.

Маълумки, Марказий Осиё тарихида қадимги ва ўрта асрлардаги тамаддун марказларидан бири сифатида алоҳида мавқега эга ва Олтин Ўрда таркибида бўлган Хоразм ҳудудини Соҳибқирон 1388 йили узил-кесил ўз тасарруфига олади. Шу тариқа у Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, марказлашган ягона давлатни вужудга келтирган.

Милоддан аввалги 5-4 асрлардан мавжуд Хоразм том маънода кўҳна юртлардан биридир. Дастлабки номи Гурганж (Журжона деб ҳам аталган). 1221 йили Чингизхон лашкари томонидан вайрон этилиб, халқи қирилган, асир қилиб олиб кетилган.

Гурганчдан анча беридаги Урганч шаҳрини Хива хони Абулғозий Баҳодирхон 1646 йили барпо қилдирган. Шундан кейин Гурганж кўҳна Гурганж деб юртила бошланган.

Кўҳна Урганж - шайх, адиб, тасаввуфнинг таниқли намояндаларидан бири, Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг ватани. Бу ердаги энг

мўътабар тарихий иншоот у улуғ зотнинг анча путурдан кетган мақбарасидир. Бино ичида Кубро ва унинг шогирди Пурё Валининг дахмаси, рўпарада эса XV асрда ўтган ҳукмдор Султон Али ёдгорлиги бор экан.

Зеро, бу улуғ инсоннинг хотирасига нисбатан бу таҳлит безътиборлик чиндан-да ачинарли эди. Асл ва тўла исми-шарифи Аҳмад ибн Умар Хивакий ал-Хоразмий (1145 – 1221 й.) бўлган шайх уламои киром мақомига етишган, тахаллуси Кубро – “диннинг улуғ юлдузи” деган маънони билдиради. У диний мавзудаги кўплаб рисоалар муаллифидир. Рубоийларида эса жавонмардлик, юксак ахлоқийлик, инсонийлик ғояларини илгари сурган.

Номаи аъмоли битилган китобларда ёзилишича, Нажмиддин Кубро бутун Туронни вайрон қилган қаттол мўғул босқинчиларига қарши жангда мардона ҳалок бўлади. Ўз муридларини эргаштириб курашга отланган шайхга найза ўқи тегади, у душман байроғини маҳкам тутамлаганича жон беради. Байроқларини кекса жангчининг панжалари орасидан суғуриб олишга кучлари етмаган ёв аскарлари уни қирқиб олишга мажбур бўладилар. Байроқнинг бир қисми шайхнинг қўлида қолади. Зеро, душманнинг байроғини тортиб олиш уни маънан, руҳан мағлуб ва маҳв этиш демак эди. Ана шундай ватанпарварлик, фидойилик намунасини кўрсатган муҳтарам зотнинг қабр-мақбараси эса ранжирли бир алпозда эди.

Зокиржон ака Нажмиддин Кубродек машҳур валий сағанаси аҳволининг ночорлигига ўкинди, қани энди имкони бўлса, таъмирлаб, зўр бир зиёратгоҳга айлантириб қўйилса, дея афсусланди.

Кўҳна Урганчнинг шимоли-ғарб қисмидаги тарихий обидалар – Тошмасжид, Маткарим Эшон мақбараси, Тўрабекхоним (Қутлуғ Темурнинг хотини) кўшки (саройи) ҳам харобаликка юз тутган эди. Уларни ҳам тавоф қилиб, тасвирларга олдик. Қалбларимизда ҳайрат ва ачиниш туйғуси аралашиб кетди.

Экспедициянинг ҳисоб бўйича ўн тўққизинчи сафари кўҳна осори атиқаларга бой Хиванинг Ичан қалъа мажмуидаги Арк, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли, Карвонсарой, Хон саройи ёдгорликлари зиёрати билан

ниҳоясига етди ва бой таассуротлар билан Тошкентга, ундан Андижонга қайтилди.

## **ЖАҲОН БОБУРШУНОСЛАРИ ТОШКЕНТДА**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижод олами Зокиржон Машрабов наздида бир уммонга ўхшаб кўринади, унинг қаррига қанча чуқур кириб борилса, илмий тадқиқот учун янги-янги мавзу ва маълумотлар чиқаверадигандай туюлади (аслида ҳам шундай). Бу соҳада Ўзбекистонда ким нима иш қилган, нима ишлар қилинмоқда - ҳар ҳолда маълум, лекин жаҳон бобуршунослигида қандай янгиликлар, нечук муаммолар бор, умуман, бобуршуносликнинг қайси қирралари ўрганилдию, яна қайси қирралари ўз тадқиқотини кутмоқда – мана шу масалаларга аниқлик киритиш лозим эди. Бунинг учун жаҳон бобуршуносларини бир жойга жамлаш, кимнинг дилида нима гап бор – эшитиш керак. Бу, албатта, шунчаки, хоҳиш билан бўладиган иш эмас эди. Ташкилий, молиявий масалалардан ташқари турли минтақа, турли юртлардан забони, шарт-шароити, имконияти ҳар хил олимларни бир жойга, бир вақтга тўплаш учун ҳар бири билан алоҳида ва балки, қайта-қайта мулоқот қилиш, маслаҳатлашиш ва келишиш зарур эди.

Табиийки, тадбир, мавзу-моҳиятига кўра, Ўзбекистондаги дахлдор ташкилотлар (Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Ёзувчилар уюшмаси) билан ҳамкорликда ўтказилишини тақозо этар эди. Бобур фонди раҳбари шундай таклиф билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мурожаат қилди.

Бу масала атрофлича ўрганилиб, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиққач, Зокиржон ака тайёргарлик ишлари билан жиддий шуғулланди, ҳамкорлар билан келишилди, жой танланди, ишчи ҳайъати жамланди, дастурлар тузилди, анжуман материаллари тўпланди, маърузаларнинг тезислари нашрга тайёрланди, таклифномалар чиқарилди. Йиғин “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” деб номланди.

Халқаро конференциянинг мақсад ва режалари қуйидагилар эди:

- Жаҳон бобуршунослигида эришилган ютуқларни муҳокамадан ўтказиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш;

- Ўзбек олимларинг Бобурнинг илмий-ижодий, маърифий меросларини ўрганиш борасидаги натижаларни ғалвирдан ўтказиш ва уларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

- Бобурийларга дахлдор бой маданий мероснинг бир қисми АҚШнинг Оҳайё штатидаги санъат музейида сақланаётганлиги тўғрисидаги янги илмий ахборотларни илмий-адабий жамоатчиликка ҳавола қилиш;

- Марказий Осиё халқлари, афғон ва ҳинд, покистонлик ва бангладешлик ила аҳлининг мавзуга доир маърузаларини тинглаш, шунингдек, дунё қўлёзмалар фондида сақланаётган Бобур ва бобурийларга тегишли ва уларга оид асарларни тадқиқ қилиш, илмий муомалага киритиш, қўлёзма ва тошбосма китобларнинг каталогини тузиш, топилган янги далил-ҳужжатларни ишлаб, илмий тавсифини яратиш ва уларни ёш авлодга етказиш масалаларини муҳокама этиш.

Шунингдек, мазкур илмий анжуманнинг асосий мақсадларидан бири мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларни, халқ маънавий қадриятлари ва миллий ўзликни тиклаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва бошқа соҳалардаги ютуқларни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини, Бобур шахсияти ва ижодининг Ўзбекистонда ва жаҳонда юксак даражада эъзозланаётганини намоёни қилишдан иборат эди.

Конференция 2013 йил 10-11 июнь кунлари Тошкентда, янгитдан барпо этилган муҳташам Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг мажлислар залида бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман олдидан пойтахтдаги йирик тўйхоналардан бирида тадбир қатнашчилари ва бошқалар, юртимиз зиёлилари, жамоатчилик учун Бобур бобомизнинг хотирасига бағишлаб эҳсон оши берилди. Унда ўтган буюк аждодларимиз ҳақиқа Қуръон ўқилиб, маърифий маърузалар қилинди, миллий куй ва ашулалар тингланди.

Йиғинни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов кириш сўзи билан очди.

Ялпи мажлисга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, профессор Б.А.Абдуҳалимов раислик қилди.

Илмий машваратда Ўз ФА Тил ва адабиёт институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тарих институти, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбар ва аъзолари, Бобур халқаро жамоат фондининг раёсат аъзолари, республикамиз олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, шунингдек, Германия, Венгрия, Озарбайжон, Туркия, Миср, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон давлатларидан келган бобуршунос олимлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Ялпи мажлисда Бобур халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов, Ўз ФА академиги Азиз Қаюмов, Туркология институти директори, профессор Клаус Шониг (Германия), Рампурдаги Ризо кутубхонаси директори Азизиддин Ҳусайн (Ҳиндистон), Айн Шамс университети профессори Магида Махлуф (Миср), Карачи университети доктори Фоиза Захро Мирза (Покистон), Индира Ганди номидаги Ҳиндистон Миллий санъат маркази профессори Мансура Ҳайдар, Бобур халқаро жамоат фонди илмий маркази раҳбари, профессор Абдулла Аъзамов маъруза қилдилар.

Ялпи мажлис якунида куйидаги олимларга Бобур халқаро жамоат фондининг мукофотлари топширилди:

1. “Бобурнома”да феъл шакллари ва гап тузилиши” монографияси ҳамда Бобур ижоди ва “Бобурнома” бўйича тадқиқотлар туркуми учун профессор Клаус Шонигга (Германия);

2. “Буюк бобурийлар тарихи (XVI-XIX аср)” монографияси ва бобурийлар даври маданиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлари учун филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Низомиддиновга (Ўзбекистон).

Бобур ижодини ўрганишдаги хизматлари учун қуйидаги олим ва журналистлар Бобур халқаро жамоат фондининг тақдирлов ёрлиғи билан мукофотландилар: Б.Южел (Туркия), Х.Ризаев, А.Аҳмедов, М.Мирсайдуллаев, М.Юсупова (Ўзбекистон).

Тушликдан сўнг анжуман икки шўъбада фаолиятини давом эттирди.

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур даври тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати” мавзуга бағишланган шўъбада 17 та, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур: адабиётшунослик, тилшунослик, манбашунослик ва таржимашунослик масалалари” кўрилган II шўъбада ҳам 17 та илмий маъруза тингланди.

Конференция 11 июнь куни ўз ишини давом эттириб, учта шўъбада 39 та илмий маъруза эшитилди.

Анжуман доирасида ўтказилган, Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси ҳамда ҳомийлигида нашрга тайёрланган “Бобур энциклопедияси”нинг намуна нусхаси, “Ҳабиб ус-сияр”, “Бобур. Девон. Назм маҳорати”, “Андижон тарихи (энг қадимги даврлардан то сўнгги ўрта асрларгача)” асарларининг тақдимот маросимлари чуқур ва қизиқарли фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Яқуний ялпи мажлисда Б.Абдуҳалимов, А.Қаюмов, З.Машрабов, К.Шониг, М.Ҳайдар, Ф.Захро Мирза, М.Махлуф, А.Хусайн, А.Аскарый (Қозоғистон), Ю.Бриков (Россия), Х.Ноз (Покистон) сўзга чиқдилар.

Нотиқлар Бобур таваллудининг 530 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу халқаро илмий конференцияда буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий маърузаларнинг долзарб мавзуларда, юқори илмий савияда, янги далиллар асосида тайёрлангани, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида катта ютуқларга эришилганини эътироф этдилар. XIX асрда Ғарбий Европада шаклланган бобуршунослик илмий мактаби бугунги кунда Бобур юртида “Бобур энциклопедияси”ни яратиш даражасигача ўсганлиги ва жаҳон бобуршунослиги Ўзбекистонда марказлашаётганини таъкидладилар. Илмий анжумандан кутилган натижалар жаҳон бобуршунослик фани ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишонч билдирдилар.



Халқаро конференция яқунлари бўйича:

1. Юқори савияда ўтган илмий анжуман жараёнида маълум қилинган, ўзбекистонлик ва хорижий бобуршунос олимларнинг сўнгги йилларда қўлга киритган илмий тадқиқот натижаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бобур Халқаро жамоат фондининг яқин вақт ичида “Бобур куллийети” (Танланган асарлари)ни нашрга тайёрлаб чоп этиш лойиҳаси маъқулланди.

2. Бобур Халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар қўллаб-қувватланди ва уларга бобуршуносларнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турган “Бобурнома”нинг йўқолган саҳифалари, Бобурнинг “Асрори мусиқий”, “Ҳарб иши” ва “Қофия илми” асарларини, Темурийлар ва бобурийлар даврига оид муҳим қўлёзма ва бошқа манбаларни излаб топиш ҳамда замонавий тадқиқотларни таржима ва нашр қилиш, илмий истеъмолга киритиш борасидаги изланишларни республика олимлари билан ҳамкорликда давом эттириш, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига халқаро илмий конференция материалларидан олий ўқув юртларининг, ўрта махсус ва умум таълимнинг ўқув жараёнларида (маъруза ва амалий машғулотларда) фойдаланиш тавсия қилинди.

Дарвоқе, анжуман арафасида “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” сарлавҳаси билан чоп этилган ва ҳамир учидан патир тарзида жамланган “Халқаро симпозиум материаллари”нинг мундарижасидан ҳам бобуршуносликнинг жуда кенг соҳа эканлиги, бу борада келажакда яна кўп тадқиқотлар олиб борилиши, кўплаб илмий анжуманлар ўтказилишидан гувоҳлик берарди. Ушбу китобдан ўрин олган қарийб саксон нафар хорижий ва ўзбек бобуршуносларининг Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини ўрганиш, таҳлил қилишга бағишланган ва маърузага мўлжалланган мақолалар, мақолаларнинг тезис(қисқа баён)лари ўрин олган эди.

Шундай қилиб, қизғин муҳокама ва мунозараларга бой бўлган, жаҳон бобуршуносларининг юзма-юз фикрлашуви учун майдон ва имкон яратган

навбатдаги халқаро анжуман ниҳоясига етди. Йиғилишдаги чиқишлар, фикр-мулоҳазалар, умуман, анжуманнинг бутун фаолиятдан Бобур ҳаёти ва ижодини тўлалигича ёритиш муаммолари, “Бобурнома”нинг жаҳоншумул энциклопедик асар эканлиги, Бобурнинг буюк ижодкорлиги, унинг тарих, география, этнография, фикх, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини ривожлантиришдаги хиссаси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги фаолиятини чуқур очиб бериш, шу билан бир қаторда истиқлол туфайли унинг бой мероси халқимизнинг маънавий бойлигига айланаётгани ва ҳаққоний ўрганилаётгани билан кенг жамоатчиликни таништириш ғояси асосий ўрин олгани айниқса эътиборлидир.

Ҳамкасблар билан танишувлар, дийдорлашувлардан чет эллик олимларнинг ниҳоятда хурсандликлари уларнинг қизғин мулоқотларидан, ҳаяжонли фикр-мулоҳазаларидан, ўзаро ташриф қоғози алмашишларидан, самимий хайрлашувларидан англашилиб турарди.

Шубҳасизки, ушбу тадбир овозаси хорижий юртларга таралади. Иштирокчилар ўз ватанларига қайтгач, ҳамкасблари, илмий-жамоатчилик ва дўсту ёрлари даврасида Ўзбекистон, бобуршунослик, Бобур Халқаро жамоат фонди, маслакдошлар, мавзудошлар ҳақидаги таассуротларини қайта-қайта сўзлаб берадилар ва хотира дафтарларига қайд этиб қўядилар. Ажаб эмаски, шу тариқа жаҳон бобуршунослик фани яна ривож топса...

Анжумандан кейин Зокиржон ака енгил нафас олди: у яна бир тилаги ижобат бўлганидан, атрофида уни кўллаб-қувватлайдиган тарафдорлар, ҳаммаслаклар, Заҳириддин Бобурга унингдек ихлосмандлар кўплигидан мамнун эди.

Конференция меҳмонлари учун уюштирилган сўнгги, юқори даражадаги кечки қабул маросими янада файзли ва шукуҳли ўтди. Маросим башариятнинг буюк фарзанди Заҳириддин Муҳаммад бобурнинг оҳанрабои бирлаштирган, турли миллат ва мамлакат вакиллари бўлган заҳматкаш зиёлиларнинг дастурхон атрофидаги самимий, дилнавоз гурунгига айланди. Таниқли санъаткорлар

ижросидаги мумтоз ҳамда замонавий кўшиқлар қалбларга ҳузур ва фараҳ бағишлади.

Эртасига хорижлик меҳмонлар қадимий, донгдор шаҳарларимиз – Самарқанд ва Бухородаги тарихий обидаларни зиёрат қилишгач, Ўзбекистон ва ҳамкасблари билан қизгин хайр-хўшлашиб, ўз ватанларига жўнаб кетдилар.

\*\*\*

Шу йил Зокиржон аканинг оила аъзолари, кўнгил яқинлари, кадрдонлари, хайрихоҳлари учун хотирада қоладиган яна бир воқеа бўлди: оқсоқолимиз табаррук 80 ёшга тўлди. Кўплар бу сана катта юбилей тариқасида, ҳашаматли саройларда нишонланса керак деб кутган эди. Зокиржон ака эса ўз анъанасига содиқ қолиб, ўша куни эрталаб Бобур боғида маҳалладошлар, зиёлилар учун дастурхон ёзди.

Маросимга дил сўзларини айтишни кўнглига тугиб келганлар кўп эди. Лекин бу издиҳом ҳам Зокиржон аканинг 60-70 ёшлик таваллуд саналари каби икки-уч нафар меҳмоннинг соддагина, самимий табриги ва асосан “тўй бола”нинг жони-дили бўлган мумтоз куй-кўшиқлар кутловида ўтди. Меҳмонларни илтифот ва енгил ҳаяжон билан кутиб олаётган, ҳар бир даврага кўрсатилаётган хизмат ва эътиборга кўз-қулоқ бўлиб, баковулла, дастёрлар ҳатти-ҳаракатини имо-ишора билан бошқариб турган мезбон эса сира ҳам саксонга кирганга ўхшамас, балки таниқли шоир ва публицист Мирпўлат Мирзо “Жаҳонгашта” очеркида таърифлаганидай, “ўзини 22 ёшда ҳис қилар”, унинг шахди-жўшқинлиги ҳали кўп хайрли ишлар қила олишига ишонч уйғотарди.

\*\*\*

Фонд томонидан кейинги пайтларда яна қандай ишлар амалга оширилгани, бу жамоат ташкилотининг бобуршунослару умуман Бобур ихлосмандлари ўз ҳисоботларию муаммоларини, орзу ютуқларини – топган-тутганларини ўртага ташлайдиган бир марказга айланиб қолганини 2014 йил 14 февраль куни – Бобур таваллудининг 531 йиллиги муносабати билан Фонд мажлислар залида ўтказилган анъанавий илмий-амалий анжуманда кўтарилган масалалардан ҳам

билиб олиш мумкин эди. Адиблар, шоирлару бобуршунос олимларнинг чиқишларидаги фикр-мулоҳазалар, хулосалар, таклифлар Фонд фаолияти, қолаверса, умуман адабий жамоатчилик учун аҳамиятли эканини эътиборга олиб, уларнинг сўзларидан характерли нуқталарини иқтибос келтиришни лозим топдик. Чунончи:

*Ҳамидулла Болтабоев* (ф.ф.д. , проф., бобуршунос олим) академик Азизхон Қаюмовнинг “Андижон адабий муҳити” рисоласи ҳақида фикр билдирди. Мавжуд манбаларга қандай ёндашиш, Қашқар адабий манбалари асосида Фарғона адабий муҳити ҳақида тадқиқот қилиш мумкинлигини таъкидлади.

- Рисола шартли равишда “Бобур даврида Андижон муҳити” деб номланган бўлса-да, - деди олдим, - кенг маънода Бобур даврида яратилган адабий муҳит Андижон, Кобул ва Агра шаҳарларини қамраб олади. Темурийлар даврида битилган мумтоз адабий манбалар - “Лубоб-ул-албоб”, “Мажолис-ун-нафоис” тазкираларида ҳам Андижон, Фарғона адабий муҳитига доир маълумотлар бор. “Бобурнома”да Юсуф Бадеий, Юсуф Андижоний каби 20га яқин андижоний нисбаси билан ижод қилган шоирлар тилга олинган. Бобур ва бобурийлар нафақат Афғонистон, Кобулда, балки Ҳиндистонда ҳам туркийзабон адабиётга асос солган. Ушбу юртдаги адабиёт ҳақида Н. Низомиддинов тадқиқот олиб борган. “Анбос-ус-салотин” китоби эълон қилинди, унда Қўқон адабий муҳитига оид маълумотлар ҳам учрайди.

Бобур Мирзо ўз солномасини ёзган ягона ҳукмдор бўлса, Жаҳонгиршоҳ тазкиранавис шоҳ сифатида машҳур. Миллий адабиётимиз ҳақида ёзилган адабий манба “Мажмаъ-ул-фузало” асарини олиб келиб, нашр этиш керак.

*Болтабоев* Абдурауф Фитратнинг яқинда нашр этилган “Ўзбек адабиёти намуналари” китобини фондга туҳфа қилди.

*Сирожиддин Саййид* (Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари) Бобур Мирзо ижоди қалам аҳли учун катта мактаб, Бобур мероси улкан маънавий хазина экани, ёзувчи-шоирларимизнинг Бобур Мирзога бағишланган асарлари ҳақида гапирди. Варшавада чоп этилган Навоий асарлари

таржимаси ҳамда Бобур асарларининг поляк тилига ўғирма китобини йиғилганларга таништирди. Бобур Мирзога атаб ёзган шеърини ўқиб берди.

*Дилмурод Қуронов* (ф.ф.д.) “Бобур ва бугунги Андижон адабий муҳити” мавзусида маъруза қилиб, андижонлик ижодкорларнинг Бобур Мирзога бағишланган асарлари ҳақида маълумот берди.

*Абдулла Аъзамов* (физ-мат.ф.д.,проф.) асосан Бобур энциклопедиясини нашрга тайёрлаш жараёнига тўхталди:

- Энциклопедия қўлёмаси тақризга берилди. Уни нашрга топширишга ҳали эрта эканига амин бўлдик. Сабаби, “Бобурнома”нинг нашрларида муаммоларга йўлиқдик. Бобурнинг “Аруз рисоласи”ни қайта нашрга тайёрлаш керак. Аруз ҳақида ёзилган асарлар ичида мазкур рисола энг мукамал ва батафсили ҳисобланади. Бугунги кунгача Бобур асарларига тайёрланган луғатлар ҳамма сўзларни қамраб олмаган. “Бобурнома”да ботаника ва зоология” китобини немис олими Хауёншилд чоп этган. Худди шундай асар бизда ҳам нашрдан чиқарилса... Бобур давридаги ҳарбий қурол-аслаҳалар намоёиш этиладиган музей ташкил этиш керак. Бобур девони Ўзбекистонда тўлиқ нашр қилинмаган. Туркияда Билол Южел ва Афғонистонда Шафиқа Ёрқин тайёрлаган, бу ишни ўзимизда ҳам амалга ошириш зарур. “Бобурнома” асарини қайта, мукамал нашрга тайёрлаш жуда муҳим. Мамлакатимизда Бобурнинг бадиий маҳоратига бағишланган махсус жиддий тадқиқот йўқ ҳисоби. Бобур ихтиро қилган хат буйича афғонистонлик Ҳалим Ёрқин рисола ёзди. Боғи Бобурда “Бобурнома”да тилга олинган ўсимлик ва дарахтларни ўстириб, ботаника боғи ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Тўлан Низом* (Ўзбекистон халқ шоири) Бобур Мирзо ва унинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдарнинг яқин муносабатлари, Ҳайдар Мирзонинг ижодкор сифатида шаклланишида Бобурнинг хизмати катта ўрин тутиши ҳақида сўзлади. Ҳайдар Мирзога бағишлаб дoston ёзиб, тақриз учун берилганини айтиб ўтди.

*Замира Исоқова* (ф.ф.н., доцент, Наманган давлат университети) Бобур ва Машраб ижодининг ўхшашликлари тўғрисида гапириб, Наманган шаҳрида Машраб рамзий мақбарасини тиклаш борасида фикр юритди.

*Ҳабибулла Жўраев* (Фарғона давлат университети доценти) - Фарғона вилоятида жойлашган Сўх туманидаги “Бобурнома”да тилга олинган Санги ойина тўғрисида гапирди. Қаровсиз аҳволда қолган мазкур ёдгорликни муҳофаза қилиш таклифини билдирди.

*Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев* (т.ф.д., проф.) “Бобур касаллиги тарихи” китоби чоп этилгани, “Бобур номи ила” сарлавҳали рисоласини нашрга тайёрлаганини маълум қилди. Янги асарга Бобур Мирзо номи билан боғлиқ 60 га яқин атама киритилган. Қўлёзма тақриз учун топширилган.

*Мирсайдуллаев* Бобур байроғи ва Камолиддин Беҳзод чизган Бобур сурати нусхасини фондга тақдим этди.

*Дилором Ёрматова* (б.ф.д., проф.) - Зайтун ўсимлиги ва унинг Боғи Бобурда Ўзбекистон шароитига мослаштирилиб, яхши парваришланаётгани ҳақида гапирди.

*Муҳаммаджон Исомиддинов* (Фарғона давлат университети) Бобур даври билан боғлиқ янги нашр қилинган “Фарғона водийси аҳолиси этнодинамикаси” ва Нодирбек Абдулаҳатовнинг “Фарғона тумани тарихи” китоблари ва улардаги Бобур даври тарихи билан боғлиқ янги маълумотлар билан таништиради.

Йигилишда сўзга чиққан Бахтиёр Тўхтаматов (Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек драма театри раҳбари), ёзувчи ва шоирлардан Зиёвуддин Мансур, Энахон Сиддиқова, Замира Рўзиева, Рустам Мусулмон, Наби Жалолиддин, бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмонов, Фарида Каримова, ёш ижодкор Шаҳноза Қаюмовалар Бобур Мирзонинг бетакрор ижодий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш, янги асарлар яратиш борасида ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Миллий тикланиш партияси Андижон вилояти кенгаши томонидан А.Аъзамов, В.Раҳмонов, Б.Матбобоев, З.З.Машрапов фахрий ёрлик ва совға билан тақдирландилар.

## “Хомхаёл...”нинг рўёби

Фонд раҳбари зиммасида яна бир қатор жиддий вазифалар, жумладан, “Бобур энциклопедияси”ни ниҳоясига етказиш масъулияти турарди. Зокиржон Машрабов кўпчилик билан битадиган бир масаланинг бошини тутса, у то ҳал этилиб, хотиржам тортмагунча ўзи ҳам тинчимайди, бошқаларга ҳам тинчлик бермайди. Бобур қомусини яратиш фикри дастлаб туғилганда у бу юмушнинг нечоғлик мураккаб ва серзаҳматлигини ўйламаган бўлиши ҳам мумкин. Мана, иш бошланганига беш-олти йил кетяпти. 2013 йили Тошкентда ўтган “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мавзудаги халқаро анжуманга “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти намуна сифатида энциклопедиядан бир неча дона чоп этиб берганида Зокиржон ака, “Хайрият, бу ниятимизга ҳам етдик”, деб суюнган эди. Намуналар Бобур Халқаро жамоат фонди қошида ташкил этилган махсус илмий марказда диққат билан ўқилиб, ҳар томонлама жиддий ва чуқур муҳокамалардан ўтказилгач, қомусни қиёмига етказиш учун ҳали жуда кўп иш қилиш лозимлиги аён бўлиб қолди. Шундагина Зокиржон ака “бошини зўр ишга бериб қўйганини” англади. Лекин у ҳеч қачон бирон муҳим ишни қийинлиги, машаққатлилиги учун чала ташлаб кетган эмас. Тўғри, аввалига Фонд қошидаги илмий марказ раҳбари, асли ихтисослиги математик (шу соҳада фан доктори, профессор), аммо адабиётни, бадииятни манаман деган соҳа олимидан кам билмайдиган, “Муножот”, “Аруз”, “Бобур. Девон. Назм маҳорати” сингари теран илмий тадқиқотлар, бир қатор адабий асарлар муаллифи Абдулла Аъзамнинг ўта талабчанлигидан бир оз ранжигиси ҳам келди. Бироқ унинг ишга муносабати, меҳнаткашлиги, таҳрир услубини, ҳар қандай машғулотга бутун вужуди билан астойдил киришишини, ўзини асло аямаслигини кўриб (домла Аъзамов баъзида тажанглашиб ҳам қоларди), қомуснинг тобора бойиб, пухталлашиб, мукамаллашиб бораётганига ишонч ҳосил қилгач, бу машаққатли вазифани адо этиш учун малакали мутасадди танлашда янглишмаганига имони комил бўлди.

Зокиржон ака дастлаб қомус 2013 йил охиригача тайёр бўлади, деб ишонган эди. Лекин илмий марказдаги фаолият жараёнининг нақадар кенг кўламли ва мураккаб экани, янги-янги материаллар оқими тўхтамаётгани – Бобур дунёсининг уммон каби бепоён ва бениҳоя серирмоқлигидан марказ захматкашлари Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасан, Абдулла Аъзам, Ваҳоб Раҳмонов, Ботирали Йўлдошев ва бошқалар билан бирга ҳайрат ва ҳаяжонга тушарди.

Иш ҳажмининг улканлиги туфайли китобни чоп этишнинг энг охириги муҳлати деб белгиланган навбатдаги бобурхонлик кунлари (2014 йил, 14 февраль)гача ҳам улгуриш қийинга ўхшаб қолди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муайян тарихий шахс ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий қомус яратиш Ўзбекистон тарихида биринчи марта амалга оширилмоқда эди. Мақолалар, маълумотлар ниҳоятда кўп ва бир қараганда, уларнинг ҳаммаси бири-биридан зарурга ўхшар, баъзи муаллифлар қомус талабларини яхши билишмагани туфайли қулоч-қулоч мақолалар ёзиб келишар, Абдулла Аъзам уларга қомус асосан ихчам, мухтасар маълумотлардан иборат бўлиши кераклигини тушунтиролмай қийналарди.

Боз устига, жуда кўп ишларни жамоатчилик асосида, азбаройи Бобур Мирзога бўлган ҳурмат ва ихлос юзасидан адо этишга тўғри келарди. Бу борада ҳеч қайси муаллиф, ҳеч қайси муҳаррир моддий манфаат таъмасида бу ишга бош қўшмаганини ҳам айтиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Ўша кунлари Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом иккимиз Дўрмондаги Ёзувчилар боғида ижод билан жиддий машғул эдик: Тўлан ака мук тушиб, “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳақидаги шеърӣ романининг сўнгги бобларини таҳрир қилиш билан банд, камина эса ушбу китоб (“Бобурийлардан бири”)нинг кейинги давр воқеа-ҳодисалари билан тўлдирилган нусхаси устида ишлар, иккалаамизнинг ҳам фикри-ёдимиз ёзаётган асарларимизда эди. Зокиржон ака эса кун-кунора телефонда ҳозир “Бобур энциклопедияси”дан муҳимроқ ва зарурроқ иш йўқлигини таъкидлаб, биздан қомусга оид материаллар тайёрлашга ёрдам беришни талаб мақомида илтимос қиларди.



Аслида-ку, Зокиржон ака шу кунларда нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон бобуршуносларини ҳам оёққа турғазиб бўлган эди.

Хуллас, унинг бир оёғи яна Андижонда, иккинчиси Тошкентда бўлиб қолди. Январнинг охири, февралнинг бошларида, сурункали катта қор ёғиб, йўлларда юриш мушкуллиги, Қамчиқ довони беркилганига қарамай, эрта демай, кеч демай, Андижондан Тошкентга, Тошкентдан Андижонга ҳеч иккиланмай жўнаб юборарди. Ҳайдовчи Аҳмаджон бошлиғининг улуғ ёшда ҳам ҳеч бир ҳадиқ-хатарни писанд қилмаслигига тан берар ва баъзан хавотир ҳам оларди. Фақат Аҳмаджонгина эмас, Зокиржон аканинг бундоқ довюраклиги, шижоатидан хабардор ҳар бир яқини, жумладан, баъзида Тошкент сафарида унга ҳамроҳ бўлиб қоладиган Тўлан Низом ва камина ҳам қойил қолар ва... ундан ташвишланардик. Бизнинг меҳрибончилигимизга эса Зокиржон ака Бобур Мирзонинг шахди-шиддатини мисол келтирарди, бошида қанча режалару ташкилий муаммолар уюлиб ётганини, ўзини аяшга фурсати йўқлигини айтар ва табиатим шунақа бўлса, нима қилай, деган маънода кифт қоқиб кўярди. Ҳақиқатан ҳам агар Зокиржон Машрабов шундай дангалчи ва Бобур Мирзодай қайтмас, таваккалчи бўлмаганида Бобур Халқаро жамоат фонди дунёнинг энг йирик бобуршунослари эътиборини қозонармиди, уларнинг боши бир жойда - Бобур ватанида қовушармиди, Бобур халқаро илмий экспедицияси йигирмадан ортиқ сафари мобайнида кўплаб хорижий мамлакатларни кезиб, шунча кўп китоблар, қўлёзмалар, бошқа маълумотларни топиб, олиб келармиди, Бобур ва бобурийлар, темурийлар тўғрисидаги ўнлаб китоблар таржима бўлиб, халқимиз маънавий хазинасига қўшилармиди?.. Агар у ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишига ишонмаса, Кобул ва Аградан Бобур Мирзо, Ғазнидан Абу Райҳон Беруний, Мисрдан Аҳмад Фарғоний қабри хокларидан олиб келинармиди... Ёки, Мавлоно Лутфий қабри узра муносиб сағана - мақбара ўрнатилармиди?..

Қилаётган ишининг жамиятга, халққа манфаати тегишини, умри самарасиз ўтмаётганини ҳис этиб яшаш бу инсонга мудом куч-қувват, баланд руҳ ато этарди. Яратилажак қомуснинг ҳам Бобур Мирзо ихлосмандларига, бобуршуносларга, илм аҳлига, умуман, зиёлиларга, халқимизга сув ва ҳаводай

зарурлигига, бинобарин, жон чекишга арзишига имони комил эди. Зеро, “Бобур энциклопедияси” шунчаки Бобур ва бобурийлар тўғрисидаги маълумотлар тўпламигина эмас, балки у тарихни, мумтоз адабиёт, илму санъатни, табиату набототга доир, ўнлаб, юзлаб соҳага оид сир- асрорларни ўзида мужассам этган маънавий хазина бўлиб, ундан неча-неча авлодлар баҳра олажаклар. Шу маънода, ушбу қомус ижодкорларини хазина тўпловчилар, деб атасак, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

“Бобур энциклопедияси” ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни яқунлар эканмиз, ушбу илмий лойиҳа республикамизнинг атоқли тарихчи ва шарқшунос олимлари, адиблар, ноширлар, матбаа соҳаси номаяндалари иштирокида муҳокама қилинган йиғилишлардан бирини эсламасдан ўтолмаймиз.

Ўша нуфузли машваратда Бобур бобомиз ҳақида мукамал илмий қомус яратиш ғояси ҳақида сўз юритганида, очиқ айтиш керак, мажлис қатнашчиларининг аксарияти Зокиржон акага қандайдир ҳайрат ва таажжуб билан қарадилар. Кўзга кўринган, номдор олимларнинг баъзилари бу ишни амалга ошириш учун алоҳида илмий-тадқиқот институти тузиш лозимлигини, бу масала бўйича ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилиниб, катта миқдорда маблағ ажратиш кераклигини, умуман, мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун камида 8-10 йил вақт талаб этилишини баён қилдилар. Айрим нотиклар Ўзбекистонда бундай қомус ҳозирга қадар на Амир Темур, на Алишер Навоий, на Абу Райҳон Беруний, ва на ибн Сино ҳақида яратилмаганини рўқач қилиб, аввало ишни ана шу улуғ зотлар фаолияти ҳақида бошлаш ўринли бўлишини писанда қилар эдилар.

Айниқса, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг раҳбарларидан бири томонидан билдирилган шубҳа-гумонлар ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Қарийб ўттиз йил шу соҳада мутасадди бўлиб келаётган бу одам Бобур Фондининг ушбу интилишини “ширин, аммо хомхаёл” деб баҳолади, тарихий шахсларга бағишланган энциклопедияларни тайёрлаш ва нашр этишнинг нақадар оғир ва машаққатли бир юмуш эканини собиқ совет мамлакатларида чоп қилинган А.Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский ҳақидаги илмий қомусларнинг неча ўн

йиллар давомида тайёрлангани, бунинг учун қандай катта илмий ва ижодий кучлар, молиявий имкониятлар сафарбар қилингани мисолида тушунтирмоқчи бўлди. Сўзининг ниҳоясида у бундай жиддий лойиҳаларни ҳаваскорлик йўли билан амалга ошириб бўлмаслигини, агар Бобур Фонди зарур маблағни топиб, ўзи раҳбарлик қилаётган нашриёт ҳисобига ўтказиб берса, у бошлиқ “профессонал қомусчи”лар бу вазифани бажариб беришлари мумкинлигини, лекин бунинг учун камида 5-6 йил вақт керак бўлишини қистириб ўтди.

Бундай кескин гапларни эшитиб, қутлуғ ишга ҳозирлик кўра бошлаганларнинг руҳи тушиб кетгандек бўлди. Орага оғир жимлик чўкди. Зокиржон ака ҳам тараддудланиб қолди. Шунда Бобур фондининг раёсат аъзоси бўлган таниқли бобуршунос ёзувчи Хайриддин Султон сўз олиб, жумладан, шундай деди:

- Албатта, Бобур энциклопедиясини яратиш, йўқдан бор қилиш қанчалик қийин ва мураккаб иш эканини барчамиз яхши тасаввур қиламиз. Бу ерда ҳурматли қомусчи домламиз ҳаваскорлар ва профессионаллар ҳақида гапириб ўтдилар. Ҳақиқатан ҳам, бу жуда ўринли талаб. Яъни бу борада бир эски латифа ҳам борки, ҳозир уни эслаб ўтсак, фойдадан холи бўлмас. Маълумки, жаҳонга машҳур “Титаник” кемасини профессионал кемасозлар илм-фаннинг энг сўнгги, илғор ютуқлари асосида барпо этган эдилар. Афсуски, бу кема биринчи марта сувга туширилганидаёқ ҳалокатга учраб, океанга ғарқ бўлди. Ўз замонида Нуҳ пайғамбар эса кема ясаб тўфондан омон қолди. Ҳолбуки, Нуҳ алайҳиссалом кемасоз уста эмас, таъбир жоиз бўлса, бу борада ҳаваскор эди. Кўриб турганимиздек, ҳаётда баъзан бир қараганда ғайритабиий бўлиб туюладиган мана шундай сирли ҳолатлар ҳам юз беради. Машҳур Панипат жанггида Бобур Мирзонинг ўн икки минг қўшин билан Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ лашкари устидан ғалаба фозонгани ҳам айни шундай воқеалар сирасига киради.

Менинг фикримча, биз бугун Бобур Мирзонинг дилбар шахсиятига чексиз ҳурмат ва иштиёқ билан ёндошиб, мана шундай улуғ ва эзгу ташаббус билан чиқаётган соф ниятли кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

Уларнинг шашти, эзгу шижоатини ҳар турли важлар билан сўндирмасдан, аксинча, кўлимиздан келган ёрдам ва кўмакни беришимиз лозим.

Шундан сўнг мажлисда бошқа бир қатор олим ва адиблар ҳам сўзга чиқиб, Бобур фондининг ташаббусини кўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини изҳор этдилар. Хусусан, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни мутасаддиларининг қомусни чоп этиш билан боғлиқ ишларда амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари Зокиржон ака ва унинг маслақдошларини руҳлантириб, қувонтириб юборди.

Мана, бугун, орадан икки йил (ҳаракат бошланганига 6 йил) ўтиб, оғир ва машаққатли илмий изланиш ишлари ниҳоясига етди. Яхшиси, бу ҳақда қуйидаги ҳужжат орқали сўз юритсак, ўйлайманки, айти муддао бўлади.

#### «БОБУР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИНING БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.,

2014 й. 18 июнь

**Иштирок этдилар:** акад. А.Қаюмов (ҳайъат раиси), проф. А.Аъзамов (бош муҳаррир), ёзувчи А.Аҳмедов, проф. Ҳ.Болтабоев, проф. А.Мадраимов, З.Машрабов (Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси), ёзувчи Х.Султонов, проф. С.Ҳасанов.

Мажлисга бобуршунос, адиб Хайриддин Султонов раислик қилди. У «Бобур энциклопедияси» авваламбор, буюк аждодларимиз номини улуғлашга, уларнинг тарихий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишга имконият ва шароит яратиб берган мустақиллигимизнинг самараларидан бири эканлигини қайд этди. У, шунингдек, қомус Бобур номли халқаро жамоат фондининг ташаббуси ва кўллаб-қувватлаши, кўплаб бобуршунос ва бобурсеварларнинг асосан ишдан ташқари вақтида, жамоатчилик асосида, фидойилик билан қилган меҳнатлари натижасида дунёга келаётгани бугун

Ўзбекистонда пойдевори яратилаётган фуқаролик жамияти қандай имкониятларга эгалигидан далолатлигига урғу берди.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда “Ўзбекистон универсал энциклопедияси”, “Тошкент” энциклопедияси икки мартадан нашр этилган, бир неча соҳа бўйича энциклопедиялар таржима қилиниб босилган эди. Бобурга оид маълумотнома эса тарихий сиймолар, жаҳонга маълум ва машҳур аждодларимизга бағишланган биринчи шахс қомусидир. Унинг вужудга келиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ана шундай бошқа энциклопедиялар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Дастлабки тажриба сифатида у айрим хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин.

Х.Султонов сўзининг якунида «Бобур энциклопедияси» қўлёзмасини нашрга тавсия этиш таклифини билдирди.

Шундан сўнг китоб бош муҳаррири Абдулла Аъзамовга сўз берилди. У «Бобур энциклопедияси»нинг асосий матни ва 6 та иловадан 5 таси тайёр бўлгани, қўлёзма таҳрир хайъатининг етакчи аъзолари томонидан синчиклаб ўқиб чиқилгани, яна бир илова – сўзлик вёрсткага асосланиб тайёрланиши ҳақида ахборот берди.

Энциклопедия қўлёзмаси ЎзФАга, Тошкент Ислом университетига, шунингдек, хорижий таниқли бобуршуносларга юборилган эди. ЎзФАнинг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтларидан, Тошкент Ислом университетидан қўлёзмадаги камчиликлар кўрсатилган, қомуснинг илмий сифатини яхшилашга оид таклиф ва мулоҳазалар баён қилинган тақризлар олинган эди. А.Аъзамов тақризларда кўрсатилган асосли фикрларнинг деярли барчаси таҳририят томонидан инобатга олинганини қайд этиб, айрим баҳсли масалаларга ўз муносабатини билдирди. Сўнг у профессор Эйжи Манонинг мазкур хайрли ишга юксак баҳо берилган хатини ўқиб эшиттирди.

Бобур фонди раиси Зокиржон Машрабов бош муҳаррир хулосаларини қувватлаб, «Бобур энциклопедияси»ни ҳозирданок рус, немис ва инглиз тилларида чоп этиш тўғрисида Россия ва Германия олимларидан таклиф тушгани

хақида маълумот берди. Шунингдек, у китобнинг электрон варианты лотин алифбосида Эйжи Мано, Магда Махлуфларнинг илтимосига кўра уларга юборилгани ва улар томонидан ижобий ҳулосалар ва китобни имкон қадар тезроқ нашрдан чиқариш таклифи билдирилгани, профессор Магда Махлуф эса уни араб тилига таржима қилишни бошлаб юборганини эслатиб ўтди. Аини вақтда қомуснинг қўлёмаси хақида Андижон ва Наманган давлат университетлари олимларидан, бир қатор таниқли адиблардан ҳам ижобий фикрномалар олинганини қайд этди.

Академик Азиз Қаямов ўз сўзида бундай улкан кўламли ишда жузъий хато ва камчиликлар учраши табиий эканлиги, уларни китобнинг кейинги нашрларида тузатиш имконияти борлиги, қомус шу ҳолатда ҳам катта илмий қимматга эга бўлишини, нашрни мумкин қадар тезлаштириш зарурлигини айтди.

Проф. А.Мадраимов «Бобур энциклопедияси»ни яратишга ҳисса қўшган барча олим ва мутахассислар меҳнати таҳсинга лойиқлигини қайд этиб, бу борадаги илмий изланишлар туфайли Ўзбекистонда бобуршуносликнинг катта салоҳиятга эга бўлган ўзига хос илмий маркази шаклланаётганини алоҳида таъкидлади.

Профессорлар С.Ҳасанов ва Ҳ.Болтабоев ҳам «Бобур энциклопедияси» қўлёмасини нашрга тавсия этиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Фонднинг 2014 йилги фаолиятида унинг ҳомийлигида, Зокиржон аканинг лойиҳаси, қаттиқ саъй-ҳаракатлари натижасида чоп этилган китобларнинг энг салмоқлиси ва диққатга сазовори, шубҳасиз, “Бобур энциклопедияси”дир. Аввало Фонд раҳбари узоқ йиллар орзу қилиб келган мазкур жамланма – Ўзбекистонда машҳур тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти тўлақонли акс эттирилган қомусий асарнинг чиндан-да маданий турмушимиздаги катта воқеа эди. Марказий Осиёдан етишиб чиққан, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган тарихий шахслар қомусларини яратиш борасида Ўзбекистонда биринчи тажриба ролини ўйнайдиган мазкур китоб ўзбек халқининг атоқли фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг нисбатан қисқа, аммо кўп қиррали, сермазмун фаолияти давомида қолдирган тарихий, ижодий меросларини илмий нуқтаи назардан

таҳлил этиш, шоҳ ва шоир, мутафаккир олимга дахлдор воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар, далиллар, саналар ва бошқа маълумотларни тизимга солиш, уларни шарҳлар, изоҳлар билан таъминлаш, тарғиб этиш мақсадлари кўзланган эд.

2015 йил 14 февраль кунги Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган санага бағишланган анъанавий анжуманда кўрилган ва алоҳида эътиборга молик масала, шубҳасиз, “Бобур энциклопедияси” тақдимоти бўлди.

Дастлаб атоқли бобуршунос, академик Азиз Қаямов Бобур ижодини тарғибу ташвиқ қилишдаги катта хизматлари учун Зокиржон Машрабовга миннатдорчилик изҳор этиб, шахсан унинг саъй-ҳаракатлари билан Андижон шаҳри бобуршунослик соҳасида энг йирик илмий марказ бўлиб шаклланганини қайд этди ва эндиликда матншунос мутахассислар тайёрлашга ҳам эътибор кучайтирилса, айти муддао бўлар эди, деган истакни билдирди. Шунингдек, олим Андижон адабий муҳити тарихан истеъдодли адабий санъат намояндаларига бой бўлгани, жумладан Нодирабегим ижодини ҳам кенг қўламда ўрганиш кераклиги, “Бобур энциклопедияси”нинг нашр этилиши, иншооллох, шу ишларнинг бошланиши бўлмай, - деди.

Қомус ҳақида гапирган бошқа нотикларнинг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари ҳам бир-биридан қизгин бўлди.

Бош муҳаррир Абдулла Аъзам мазкур китобни тайёрлашда Фонднинг мулки бўлмиш “Бобурнома”нинг Техрон нусхаси, япониялик Эйжи Манонинг илмий-танқидий матни ва бошқа манбалар муҳим роль ўйнаганини таъкидлади. У, шунингдек, қомуснинг юзага келишида хорижий ва республикамиз бобуршуносларининг хизматлари беқиёс эканлигини айтиб, энциклопедияни яратиш билан боғлиқ жараёнлар, муаллифлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Олим сўзи ниҳоясида Фонд тасарруфидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига шахсий кутубхонасидан олиб келган А. Н. Самойлович асарлари, Ф. Шульцнинг “Бобур ва Моҳи” ва бошқа 10дан зиёд китобини ҳадя қилди.

Энциклопедиянинг жонкуярларидан бири, таниқли ёзувчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги қатор бадий, публицистик асарлар муаллифи

Хайриддин Султон мазкур қомуснинг қўлёзмаларини ўқиш, таҳрир қилиш жараёнларида Бобур Мирзо билан ёнма-ён юргандай, у чеккан дарду изтиробларни ўз вужудида ҳис этиб тургандай туюлгани ҳақида сўзлади.

Профессор Абдумажид Мадраимов энциклопедия мустақиллик меваси эканлиги, 1980-1990 йиллар республика матбуотида Бобур ҳақидаги мақолалар чиқаришга ҳаракат қилинганида айримлар имзо қўйишга ҳам чўчиганлигини айтиб, “Бобур энциклопедияси” Зокиржон Машрабовнинг ғайрати, жасорати ва кўпчиликнинг меҳнати натижасида дунёга келганини эътироф этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али ҳам мазкур қомусий китобнинг нашр этилиши катта фидойилик билан боғлиқ экани, тарихий асарлар ёзилишида бундай манбалар жуда асқотишини айтиб, энциклопедия заҳматкашлари ва муаллифларини бу улкан ғалаба билан қутлади ҳамда Фонд раиси Зокиржон Машрабов юксак ташкилотчилиги, ташаббускорлиги учун Республика Ёзувчилар уюшмасининг Дипломи билан тақдирланганини эълон қилди ва 5 томдан иборат “Озод Ватан саодати” китоблари, Бобур Мирзо бюстини Фондга туҳфа этди.

Ўзбекистон Миллий университети профессори Ҳамидулла Болтабоев ўз сўзида юртимизда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналари кўтаринки руҳда ўтказилаётганини таъкидлаб, “Бобур энциклопедияси” нинг илмий жиҳатлари, композицион тузилиши ўзига хос экани, ундаги иловалар, “Бобурнома” хронологиясининг жуда муҳимлиги, қомуснинг 50 га яқин фан соҳасини қамраб олгани, уни яратишда 130 га яқин муаллиф иштирок этгани, 40 саҳифалик суратлар берилгани ва бошқа маълумотларга эътибор қаратди.

“Бобурнома” асарини илк бор араб тилига таржима қилган Миср Ислом Республикаси Айн Шамс университети профессори Магда Махлуф ҳам Бобур Мирзонинг буюк шахслиги, унинг ижодини ўрганиш поёнсиз бир юмушлиги, “Бобур энциклопедияси” бу борадаги мислсиз муваффақият эканига урғу берди.

Афғонистонлик меҳмонлар Абдулла Руин, Муҳаммад Наби, Абдулмўмин Зиё ва Аҳмадшоҳ Вардаклар ҳазрати Бобурга ислом дунёсидаги буюк



шахслардан бири сифатида таъриф-тавсиф беришиб, йиғилганларга унинг Кобул шаҳридаги қабр-мақбарасининг аввалги ва ҳозирги ҳолатлари акс этган суратларни намойиш этдилар. Кобулдаги “Боғи Бобур” урушлар натижасида вайронага айлангани, бугунги кунда “Бобурнома” асосида қайта таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилганлиги, бу жойда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши, шунингдек, Бобур подшоҳнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда олиб борган ободончилик, бунёдкорлик ишлари, Афғонистон ёшларида Бобур илмий-адабий меросини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бораётгани хусусида гапирдилар ва Фонд раисига эсдалик совғаларини топширдилар.

Тақдимот юзасидан яна бир қанча олимлар, шоир ва ёзувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, уларнинг сўзларида ҳам қомуснинг фавқулодда ходиса эканлиги тўғрисидаги эътироф зоҳир эди.

Йиғилиш сўнгида “Бобур. Девон. Назм маҳорати”, “Аруз” китоблари, “Бобур энциклопедияси”, умуман Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганишдаги хизматлари учун Абдулла Аъзам Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди. “Бобур энциклопедияси”ни яратишдаги фаол иштироклари учун Азиз Қаюмов, Магда Махлуф, Саидбек Ҳасанов, Аҳрор Аҳмедов, Ҳасан Қудратиллаев, Ваҳоб Раҳмон, Шокир Рустамхўжаев, Абдулла Руин, Қодир Эргашев, Буробия Ражабова, Отабек Жўрабоев, Толиб Қаноатов, Бобур Йўлдашев, Зухра Бердиева, Шафоат Сотқиноваларга Бобур халқаро фондининг мақтов ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди

#### **МАЖЛИС ҚАРОРИ:**

1. «Бобур энциклопедияси» таҳририятига энциклопедия кўлөзмасини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига нашр этиш учун тақдим қилиш топширилсин;

2. Таҳририят ҳайъати томонидан «Бобур энциклопедияси»га А.Аъзамов бош муҳаррир, Б.Йўлдошев масъул котиб этиб тайинлангани маълумот учун қабул қилинсин ҳамда «Бобур энциклопедияси»нинг таҳририяти таркиби тўғрисидаги таклиф маъқуллансин.

\*\*\*

*“Бобур энциклопедияси монументал нашир бўлиб, у нафақат бобурунослик, балки айни пайтда Темурийлар тарихи ва Марказий Осиё тадқиқотлари соҳасига ҳам қўшилган йирик ҳиссадир. Энциклопедия юқори савияда тайёрланган, у жаҳондаги барча шарқшунослар учун муҳим қўлланма бўлиб қолади”.*

*Проф.Эйжи МАНО  
(Япония)*

## **Тарихлар қачон битилгай?**

Бобур фондини илму фан, маърифат ортилган кемага қиёслаш мумкин. Аммо уни моҳирлик билан бошқараётган кема капитани Зокиржон Машрабов бир манзилни кўзлаб, бир йўналиш бўйлаб, фақат бир чизик – издан юришни, яъни фақат маърифий-маънавий йўналиш билан чегараланиб қолишни хоҳламайди. Ноёб ўсимлик етиштиришми, бошқами, жамиятга, юртга, халққа зарур деб ҳисоблаган соҳага киришиб кетаверади. Мазкур жабҳалардаги оғриқли, муаммоли нуқталарга малҳаму ечим излашдан чарчамайди, аксинча, шу боралардаги заҳмат, машаққат самараларидан роҳатланади, ҳузурланади, жамиятга нафи тегаётганидан қониқиш ҳосил қилади.

Аввалги қисмларда қисман баён этилганидек, Зокиржон ака бир ватанпарвар фарзанд сифатида ота-она юрти Андижоннинг тарихини аниқлашга ҳам жиддий масалалардан бири сифатида ёндашади. Ўзини масъул, бурчли ҳисоблайди. Унинг давраларда, вилоятдаги, пойтахтдаги расмий йиғинларда: “Қўшни давлатларнинг тарихчилари аллақачон ўз миллати, юрти тарихини мукамал даражада яратиб қўйишди. Ўзбекистоннинг тарихи эса ҳалигача мукамал яратилгани йўқ, шу жумладан, Андижон тарихи ҳам...” – деб куйиниб гапирганларини кўп бора эшитганман. Чиндан ҳам бу ачинарли ҳол.

Мустақилликка эришганимизга чорак аср бўлсаю, лоақал шўролар даврида битилган “Ўзбекистон тарихи”ни лойқа ва курмаклардан тозаланиб, сараланиб, асл ҳолига мувофиқлаштирилиб нашр қилишнинг иложи бўлмаса? Масалан, Андижонда тарихчилар камми – Андижон давлат университетидаю бошқа ўқув юртларида тарих кафедралари бор-ку! Ҳар йили қанча талаба тарих факультетларини битиради. Лекин ... Ўз юрти - ота-боболари яшаб ўтган ватан тарихини яратиш борасида сидқидилдан жон куйдирадиган олиму уламоларни санай бошласангиз, Сайфиддин Жалилов, Рустам Шамсиддиновлардан кейин бармоқларингиз букилмай тўхтаб қолади. Қолаверса, қадимий, бой тарихга эга бўлган бу шаҳар, бу юрт номаи аъмолини тўла яратиш бир-икки кишининг имконидаги вазифа эмас.

Асли соҳаси геолог бўлган Зокиржон Машрабов сал кам қирқ йилдан бери ана шу ташвишда ёнади, куяди, куйинади, уринади. У Андижонни Самарқанд, Бухоро, Термиз каби қадимий кентлар билан олдинма-кетин пайдо бўлгани, йирик шаҳар сифатида шаклланишини билар ва бу шаҳарнинг ҳам ўшалар қатори йирик саналарининг нишонланишини, жаҳонга овоза қилинишини истарди. У Бобур ҳаёти ва фаолияти солномаси ҳамда у туғилиб ўсган Андижоннинг шаклланиш жараёни билан бир уйғунлик, яхлит тарих яралишини орзу қиларди. Иккала тарих ҳам унга азиз ва қадрли эди. Иккала тарих билан ҳам уларга бевосита дахлдор шахс сифатида ғурурланарди. Бу тарихларга бошқаларнинг ҳам ҳавас билан қарашини, ҳайратланишини хоҳларди ва бундан чексиз завқ туярди. Бу феъли, умид-интилишлари, саъй ҳаракатлари билан у “Тарихсиз келажак йўқ” деган ақидага риоя қилишини исботлар эди. Шу боис Зокиржон ака Андижон вилоятида археологик қидирув ишлари олиб боришаётган олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик ришталарини маҳкам тутишга уринар, соҳада эришилган ютуқ ва муваффақиятлар билан мунтазам қизиқиб борар, бу борада ўзидан лозим бўлган маслаҳат, моддий ва маънавий кўмагини аямасди. Хусусан Андижон вилоятидаги археологик қазилмаларнинг илк кунларидан бу жараёнда мунтазам қатнашиб келаётган археолог Боқижон Матбобоев билан доимий алоқада ва мулоқотда бўлиб туради.. Аслида у бу муҳим ишга Андижон шаҳар

ижроия комитети раислигидаёқ (1980 йилларнинг бошларида) киришган, лекин маълум сабабларга кўра бу тараддуд тўхтаб қолган, кейинроқ Ўзбекистон Фанлар Академияси Яхё Гуломов номидаги Археология институти билан келишиб, шартнома асосида ишни давом эттирган ва масалани маҳаллий раҳбарият олдига кўйиб, вилоят ҳокимининг “Андижон шаҳрида археологик тадқиқот-қидирув ишларини олиб бориш ҳақида” қарори чиқарилишига ҳам эришган эди.

Избоскан туманидаги Элатан, Жалақудуқ тумани ҳудудидаги Далварзин, Андижон шаҳридаги Сарвонтепа ва бошқа тарихий жойларни ўрганиш, илмий текширишлар олиб бориш асносида археолог, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев ва бошқа мутахассислар Андижон шаҳарсозлик маданияти икки ярим минг йиллик тарихга эга эканлигини ашъвий далиллар билан исботладилар. Кейинроқ Андижон шаҳри ўрамидаги маскан-маконларда олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистон – Хитой Қўшма археологик экспедициянинг қадимий Фарғона – Довон давлатининг маркази Эрши (Марҳамат)даги Ипак йўли бўйида жойлашган шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги тарихий жараёнларни ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар билан қўшилиб кетди ва археологик нуқтаи назардан катта натижаларга эришилмоқда. "Древный и средневековый Андижан" (2011 й), “Қадимий Андижон” (2014 й.), шунингдек, шу йил нашрдан чиққан “Андижон тарихи” китобларида мазкур тадқиқотлар ва жараёнлар атрофлича баён этилганки, китобга сўзбоши ёзишган Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Ю. Ф. Буряков, тарих фанлари доктори М. Х. Исомиддиновларнинг қайд этишларича, “Муаллифлар (**Б. Матбобоев. 3. 3. Маишрабов – Қ. Қ**) томонидан синчковлик билан, муфассал ҳолда тақдим этилган тадқиқотлар натижалари Андижоннинг шаҳарсозлик сономасини ишонарли далиллар билан очиб, унинг 2500 йиллик тарихга эга эканлигини илмий асосларда исботлаб берадилар”.

Андижон тарихига бағишланган мазкур китоблар хорижий мамлакатлар, хусусан МДХ давлатларига, ЮНЕСКОга юборилиб, улардан ижобий фикрномалар олинди.

2014 йил 12 октябрь куни Ўзбекистон – Хитой Қўшма археологик комплекс экспедицияси ва Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган “Қадимги ва ўрта асрлар Фарғона водийси тарихи ва этнографияси муаммолари (Андижон ёдгорликлари мисолида)” шиори остидаги халқаро илмий семинарда юқорида зикр этилган масала ва мавзулар муҳокама қилинди ва уларга баҳо берилди, галдаги ишлар, режалар белгилаб олинди.

Семинарда раислик қилган Бобур фонди раҳбари Машрабовнинг кириш сўзида куйидаги фикрлар баён этилади.

Дунёдаги энг қадимий цивилизация бешикларидан бўлмиш Хитой ва Ўзбекистон маданий алоқалари узоқ тарихга эга. Марказий Осиё ҳудудларида Хитой билан илк дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлардан бири қадимги Фарғона (Довон) подшоҳлиги ҳисобланади. Археологик маълумотларга кўра, мазкур муносабатлар милоддан олдинги II-I минг йилликларга бориб тақалади. Машҳур Ипак йўли тизимидаги қитъалараро савдо ишларида Фарғона водийси фаол қатнашган, чунки Хитойнинг Сиянь шаҳридан бошланган мазкур карвон йўли Фарғона водийси ҳудудини кесиб ўтган. Ушбу йўл тарихи билан боғлиқ кўплаб археологик ва ёзма манбаларнинг хабар беришича, Хитойга учкур отлар, мўйна, доривор ўсимликлар, шиша ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган. Ўз навбатида Хитойдан ипак, жез ойналар, чинни буюмлар ва бошда товарлар келтирилган. Бу алоқалар кейинги даврларда ҳам ривожланди. Шундан келиб чиқиб, бугунги анжуманда кўриладиган масалалардан бири ҳам Ипак Йўли бўйида жойлашган шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги тарихий жараёнларни ўрганишга бағишланган эди. Энг қадимги шаҳар Далварзин, кейинроқ Элатан, Андижон, Сарвонтепа, Мингтепа, Қува ва бошқа шаҳарлар савдо-иқтисодий алоқаларда фаол қатнашганлар. Мамнуният билан бир фикрни айтиб ўтиш керакки, мамлакатимиз моддий маданиятини ўрганиш муаммоси кейинги пайтларда хитойлик қадимшуносларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Андижон ва унинг теvarак атрофидаги ҳудудларда руй берган урбанизация жараёнлари ўзаро ҳамкорлик асосида чуқур текширилмоқда ва бу ишлар ўз самарасини бераётир.

Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шералиев халқаро илмий семинар иштирокчиларига вилоят ҳокимининг табрик сўзини ўқиб эшиттираркан, сўзининг якунида Андижон шаҳри ҳудудида 20 йил давомида археологик қазилмалар ўтказётган Археология институти бўлим мудирини Б. Х. Матбобоев бошчилигидаги тадқиқотчилар хизматларини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Бобур фонди билан ҳамкорликда Андижонда шаҳарсозлик маданияти пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари чуқур таҳлил қилинаётгани, сўнгги йилларда ўзбек ва рус тилларида Андижон шаҳри қадимги тарихига бағишланган 2 та монография (Боқижон Матбобоев ва Зоҳиджон Машрабов ҳаммуаллифлигида) нашр қилингани, энг асосийси, китобларда Андижон шаҳрининг 2500 йиллик санаси ишончли далиллар билан исботланганига алоҳида урғу берди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокими ўринбосари тарих фанлари доктори Б. Матбобоевга Андижон шаҳри тарихини ўрганишдаги хизматлари ҳамда «Древний и средневековый Андижан» ва «Андижон тарихи» китоблари учун Вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғасини топширди.

Хитой делегацияси раҳбари, Хитой Халқ республикаси парламенти юқори палатаси аъзоси, Ижтимоий Фанлар Академияси Археология институти директори, профессор Ванг Вей ҳам Ўзбекистон-Хитой иқтисодий-маданий алоқалари тарихи узоқ даврларга уланишини эътироф этди: милoddан аввалги II минг йиллик ўрталаридаги алоқаларни кўрсатувчи археологик манбалар мавжуд. Хитойнинг Яншао цивилизацияси билан Чуст қадимги деҳқончилик ривожини ўртасидаги муштаракликни кўрсатувчи моддий маданият намуналари ҳар икки ҳудудда етарлича аниқланган. Кейинги тарихий даврларда бу анъана давом этади. Мазкур муносабатлар мустақиллик йиллари янги поғоналарга кўтарилиб, ушбу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига расмий сафари чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатларда яққол кўринади. Сиёсий, иқтисодий ва маданий боғланишлар «2014-2018 йилларга мўлжалланган стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш дастури»да ўз аксини топган. «Ўзбекистон-

Хитой яқин кўшничлик муомалаларимиз мустаҳкамланаётганидан, археолог олимларимиз ўзбекистонлик ҳамкаблари билан биргаликда Марҳамат туманидаги Мингтепа шаҳар харобасида олиб борилаётган кенг камровли изланишларда, мамлакатингизнинг бой ўтмиш меросини ўрганишда қатнашаётганидан мамнунмиз,”-- дея сўзини якунлади профессор.

Хитой Археология институти «Илк ўрта асрлар археологияси» бўлими мудир, профессор Жу Янгши ва Ўзбекистон ФА Археология институти Турон бўлими мудир, тарих фанлари доктори Б.Матбобоевлар ўз маърузаларида Мингтепа шаҳар харобасининг қадимги Фарғона шаҳарсозлик маданияти тарихидаги ўрни ва роли масалаларини кенг ёритиб, семинар иштирокчилари диққатини ҳозирги замонавий технологик усуллардан фойдаланиб олинган натижаларга қаратдилар.

Семинарда кейинги 20 йил давомида Археология институти ва Бобур фонди ҳамкорлигида Андижон шаҳрида олиб борилган археологик қазишмалар натижаларига бағишлаб рус ва ўзбек тилларида чоп этилган “Древний и средневековый Андижан», «Андижон тарихи» ҳамда Бобур номли халқаро жамоат фондининг «Бобур ва бобурийлар библиографияси» китобларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Тарих фанлари докторлари М. Исомиддинов, У. Абдуллаев, филология фанлари доктори, профессор А. Нурмонов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом ва бошқалар мазкур китоблар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Мингтепа ёдгорлигининг мамлакатимиз тарихидаги роли ва ўрни ўта муҳимлигини ҳисобга олиб, ёдгорлик атрофини ҳимоялаш, очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш тўғрисидаги муҳим таклифлар семинар қатнашчилари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди ва уларга муносабатлар билдирилди.

Андижон давлат университети ректори, профессор Толибжон Мадумаров кўхна тарихимизни ўрганиш, буюк аجدодларимиз қолдирган илмий-маданий меросларини излаб топиб Ватанга олиб келиш ва уларнинг қабр-мақбараларини ободонлаштиришдаги хизматлари, Бобур ва бобурийлар даври адабиёти, тарихи,

маданиятини оммалаштиришдаги ҳамда Андижон шаҳрининг 2500 йиллик ёшани аниқлашдаги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари учун Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабовга, шунингдек, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдаги, мамлакатимиз қадимги ва ўрта асрлар маданияти, жумладан, Фарғона водийсидаги шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этишдаги ҳамда Ўзбекистон-Хитой Қўшма археологик комплекс экспедициясини уюштиришдаги ташкилотчилиги ва ёрдами, Марҳамат туманидаги Мингтепа шаҳар харобасини ўрганишдаги фаол иштироки учун Хитой Халқ Республикаси юқори палатаси аъзоси, Ижтимоий ФА Археология институти директори, Шанхай археология форумининг президенти, академик Ванг Вей жанобларига Андижон давлат университетининг «Фахрий профессори» илмий унвони берилганлиги ҳақидаги илмий кенгаш қарорини ўқиб эшиттирди.

Зокиржон Машрабов ўзининг ватанпарварлик тамойили ва шиорига содиқ ўлароқ, анчадан бери яна бир муҳим масала устида бош қотириб келарди. Нега энди 2500 йиллик тарихга эга бўлган Андижон энциклопедиясини яратиш мумкин эмас? Бу соҳада тажриба, асосий манба ҳам бор – “Бобур энциклопедияси” ... Бу икки мавзу, Бобур ва Андижон тарихи, шахслар, воқеа-ҳодисалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Қомусда ушбу вилоят ва шаҳар тарихига оид кўплаб қимматли маълумотлар берилган, бу “Андижон энциклопедияси”ни яратишда қўл келади, ишни анча енгиллаштиради.

Зокиржон ака бу ҳақда ўзаро давра ва катта-кичик йиғинларда гапириб, тарихчи олимлар, зиёлилар кўнглига қўл солиб, уларда фикр уйғотишга ҳаракат қиларди. Бугун, шу катта анжуманда ана шу нияти, режасини расман эълон қилишни лозим топди. Шунингдек, “Фарғона водийси тарихий обидалари”нинг китоб-альбомини чоп этириш таклифини ўртага ташлади. Бу янги ғоя ҳам йиғилиш иштирокчилари тарафидан қизгин маъқулланди.

Семинарда кўрилган масалаларни амалга ошириш йўсинлари йиғилиш қарорида ўз аксини топди, ташаббус ва таклифлар хатга тушди, демак, бу борада



кимларгадир, албатта, энг аввало Фонд раҳбарига масъулият юкланди. Масъулият ижрога қадам демак.

Ўзбекистон ФА Яҳё Гуломов номидаги Археология институти, Бобур халқаро жамоат Фонди ҳамда Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий ФА Археология институти ҳамкорлигида уюштирилган “Фарғона водийси археологияси ва тарихи муаммолари” мавзуидаги 3-чи илмий семинар 2015 йил 21 октябрь куни бўлиб ўтди.

Мажлисга раислик қилувчи Зокиржон Машрабовнинг ахборот беришича, 2002 йилдан бошлаб хитойлик археологлар билан ҳамкорликда Марҳамат туманидаги қадимий Мингтепа ёдгорлигида археологик қазилмалар олиб борилмоқда.

Тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев, профессор Джу Янгши (ХХР)лар ўз маърузаларида кейинги уч йил мобайнида Мингтепада олиб борилган қазилмалар даврида эришилган янги натижалар мазкур қадимги шаҳарнинг барпо этилиши милоддан аввалги 4-3 асрларга тўғри келиши, милодий 5-6 асрларда у ерда номаълум сабабларга кўра ҳаёт тўхтагани ва бошқа муҳим янгиликларни баён этдилар (Шу вақтгача Мингтепада ҳаёт 7-9 асрларгача давом этган деган фикр бор эди). Ушбу маконда ҳаёт тўхташига сабаб – катта сув тошқини бўлиши мумкин, деган тахмин эътиборга моликдир.

Хитойлик археологлар раҳбари, профессор Луи Жинг, илмий ходим Хе Сули ва бошқалар ташкилий ва амалий ёрдамлари, ишлашга яратилган қулай шароитлар учун Ўзбекистон ҳукумати, Андижон вилоят ҳокимлиги ва Бобур халқаро жамоат Фондидан ғоятда хурсандлигини айтдилар.

\* \* \*

2014 йил Фонд фаолиятида унинг ҳомийлигида чоп этилган китобларнинг сони ва салмоғи жиҳатидан ҳам эсда қоларли йил бўлди.

Асли касби-соҳаси математик, Зокиржон ака таъбири билан айтганда, замонамизнинг қомусий олимларидан бири Абдулла Аъзам адабий-маданий

воқелигимизда драматург сифатида долзарб мавзудаги пиесалари, хотира-эсселари билан ҳам ном қозонган адиблардан. Унинг, айниқса, мумтоз адабиётимиз таҳлиliga бағишланган ёзмишлари, Алишер Навоийнинг “Муножот”ига шарҳи, хусусан Шарқ классик шеърятининг асосий ўлчови бўлмиш аруз илми, санъати қоидалари кенг ва теран тушунтириб берилган, мумтоз ва замонавий шоирларимизнинг бу борада эришган муваффақиятларию йўл қўйган сахву хатолар рўй-рост кўрсатиб ўтилган «Аруз» қўлланмаси илмий маданий соҳага дахлдор кишиларни ҳайратга солган эди.

Ана шу ва бошқа хизматларини, айниқса, Бобурга ихлоси, эътиқодини юксак қадрлаб келаётган Зокиржон Машрабов соҳа мутахассислари билан кенгашган, келишган ҳолда Абдулла Аъзамни яратилажак “Бобур энциклопедияси” бош муҳаррирлигига таклиф этган ва математик-адабиётшунос олим, адиб бу шарафли ва масъулиятли, заҳматталаб вазифани сидқидилдан ижро этишга киришган эди. У қомусга материаллар жамлаш, саралаш ишларига ўта талабчанлик билан ёндашиб, ўзига бўлган ишончни ортиғи билан адо этарди. Айни вақтда олим мазкур мураккаб ва кенг қамровли иш билан мувофиқ равишда бошқа бир тадқиқот билан ҳам машғул эдики, бунинг самараси ўлароқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур девони (ғазаллари)нинг аруз баҳрлари ўлчовига солиб шарҳланган, яъни мумтоз шоирнинг назм маҳорати намойиш этилган “Бобур. Девон. Назм маҳорати” деган китоби “Тафаккур” нашриёти томонидан юксак полиграфик талабларга жавоб берадиган шаклу шамоийилга хос нафис миниатюра суратлари, безаклар билан чоп этилди.

Шу йили нашрдан чиққан яна бир фундаментал монография – ўзбек ва рус тилларидаги “Бобур ва бобурийлар библиографияси”, “Библиография Бабура и Бабуридов” китобидир. Бу ахборот-тадқиқотлар мажмуаси ҳам Зокиржон Машраб ғояси ва ташаббуси мевасидир. Арабшунос Ш. Рустамхўжаев ва библиограф З. Турдиеваларнинг сал кам беш йиллик меҳнати, изланишлари натижасида вужудга келган мазкур библиография Бобур Мирзо ижоди ва бобурийлар сулоласи ҳаёти, фаолиятини ўрганиш масалалари билан шуғулланаётган илмий ходимлар, магистр, талабаларга, Бобур шахси ва ижоди

билан қизиқувчи барча ихлосмандларга, ўқитувчиларга яқиндан ёрдам берадиган бебаҳо қўлланмадир.

Худди шу йили Фонд ҳомийлигида ушбу сатрлар муаллифининг қаламига мансуб иккита китоб нуфузли “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида босмадан чиқди. “Буюк соҳибқирон ўтган йўлларда” номли навбатдаги, бешинчи сафарномада Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Амир Темурнинг шимолий ва ғарбий йўналишдаги ҳарбий ҳаракатлари билан боғлиқ тарихий ходисалар акс эттирилган. Аниқроқ қилиб айтсак, асарда соҳибқирон бобомизнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юриши йўналишидаги манзил-маконлар - қадимги Дашти Қипчоқ, яъни ҳозирги Қозоғистон ва Россия ҳудудлари бўйлаб, шунингдек, ўз даврида Амир Темур қаламравига кирган юртлар – Кавказ ўлкалари (Доғистон, Озарбайжон, Туркистон, Арманистон, Тоғли Қорабоғ), Эрон, Кўҳна Урганч сафарлари давомида экспедиция аъзолари олиб борган кузатишлар, тадқиқотлар, уларнинг кўрган-кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи китоб – “Бобурийлардан бири” эса 2000 йили шу номда чоп этилган хужжатли-маърифий қиссанинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашридир. Ушбу асар халқаро миқёсда улуғвор, ғурурли ва машаққатли юмушларни адо этаётган Бобур халқаро жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги илмий экспедициянинг кўп йиллик, кўп масофалик, кўп қамровли фаолияти, Фонд ва экспедиция асосчиси, раҳбари, бениҳоя ғайрат ва жасорат эгаси, табиатшунос, қадриятшунос олим, дунё кезиб, жаҳон бобуршунослари диққат-эътиборини Бобур юрти Ўзбекистонга, унинг киндик қони тўкилган Андижонга қаратаётган ташаббускор, толмас инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов ҳақидадир.

“Бобур энциклопедияси”нинг ташкилотчиси, ҳомийси ва асосий буюртмачиси бўлган Фонд китобнинг катта бир қисмини мамлакатимиздаги таниқли бобуршуносларга, илмий-маданий муассасаларнинг раҳбарларига ва бошқа дахлдор ташкилотларга тарқатди. Шунингдек, хорижий давлатлардаги бобуршуносларга ҳам юборди. Одатда, қайси бир олийгоҳ, ўқув юрти, ё мактабга

учрашувга ё юбилейга таклиф этилса, совға-соврин учун Фонд ҳомийлигида чоп этилган китоблар (маърифатга айлантирилган пул) тухфа қилиш Зокиржон аканинг доимий одатидир. Шу тариқа нашр этилганига бир йил ҳам тўлмай, 5 минг ададдаги энциклопедия 2015 йил охирига бориб-бормай тугади. Эҳтиёж эса катта, талабгорлар, сўровчилар кўп эди.

Энциклопедия юборилган жойлардан келаётган кутловлар, раҳмат, миннатдорликлар Зокиржон Машрабовнинг кўнглини тоғдек кўтарар, у қилаётган ишларидан мамнунлик туярди. Айниқса, мисрлик бобуршунос олима Магда Махлуфнинг китобни араб тилига таржима қилаётгани ҳақидаги хушхабарни эшитиш ғоятда завқбахш, мароқли эди. Зеро, китоб у ёқда нашр қилинган, араб тилида сўзлашувчи 20 дан зиёд давлат китобхонлари Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконига эга бўладилар.

Хуллас, Зокиржон акада “Бобур энциклопедияси”ни қайта нашр эттириш фикри туғилди ва бу режани муҳокама қилиш учун дахлдор кишиларни Бобур Фондини Тошкентдаги маҳкамасига тўплади. Йиғилишда энциклопедия таҳрир ҳайъатининг раиси академик Азиз Қаюмов, ёзувчи Хайриддин Султонов, профессорлар Абдумажид Мадраимов, Саидбек Ҳасанов, Абдулла Аъзамов (бош муҳаррир), Ҳамидулла Болтабоев, Аҳрор Аҳмедов (“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти раҳбари), Шафоат Сотқинова ва бошқалар иштирок этдилар.

Мажлисни Хайриддин Султонов бошқарди. Унинг кириш сўзида мазкур қомуснинг нашр этилиши мамлакатимиз маданий ҳаётидаги катта ютуқлардан бири экани, Ўзбекистонда муайян шахсга бағишлаб яратилган биринчи энциклопедия кенг китобхонлар ва илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олингани таъкидланди. Йирик ҳажмдаги бу илмий китобни яратиш учун астойдил меҳнат қилингани, мазкур қомус бугунги кунда нашрга тайёрланаётган Амир Темур ва Алишер Навоий энциклопедиялари учун муҳим тажриба ва намуна бўлиши ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, энциклопедияда мақолалари билан қатнашган муаллифларга таҳсин айтилиб, келажакда уларга янги илмий ва ижодий муваффақиятлар тиланди. Нашрда йўл қўйилган камчилик ва

нуқсонларни бартараф этиш учун тахрир хайъати ва нашриёт ўртасида соғлом ижодий муҳит яратиш лозимлиги қайд этилди.

Бошқа чиқишларда энциклопедиянинг катта илмий-маърифий қимматга эга экани, у муттасил тўлдирилиб, бобуршуносликдаги янги ютуқлар билан бойитиб борилиши зарурлиги, мамлакатимиз ва чет элларда Бобур ҳаёти ва фаолиятига оид ижодий изланишларнинг ҳали жуда кўплиги, бу соҳага ўнлаб ёшлар кириб келаётгани, энциклопедиянинг кейинги нашрларида улардан самарали фойдаланиш кераклиги ҳақида фикрлар билдирилди, энциклопедия нашрида баъзи техник хатолар ўтиб кетгани, бобуршунослик борасидаги тадқиқотларни давом эттириш, Бобур асарларининг матншунослик нуқтаи назаридан мукамал бўлган янги, беш жилдлик тўпламини нашр этиш таклифлари илгари сурилди, биринчи нашрда даврнинг маданий ҳаёти ва тасвирий санъат мавзуси етарли даражада ёритилмагани, келажакда шуни эътиборга олиш лозимлиги таъкидланди, “Бобур энциклопедияси” - унда қатнашган олимларимиз, барча мутахассисларнинг билими ва профессионал малакасини ўлчовчи мезон экани ва бошқа ютуқ ва камчиликлар, таклиф ва тавсиялар муҳокама қилиниб, қомуснинг тўлдирилган қайта нашрига тайёргарлик ишларини 2016 йилнинг январь ойидан бошлаш ҳақидаги тўхтамга келинди.

## **Ноёб, нодир бойликлар**

Тиниб-тинчимас Зокиржон Машрабов Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини мумкин қадар батафсилроқ ўрганиш чораларини қидирар экан, бу маънавият ва маърифат уммонидан фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлишини кўзда тутиб, нуқул янги-янги режалар тузади, бу режаларни аввал ўз хаёлида пиштади, кейин яқин, хос кишиларга маслаҳат солади, фикри, ниятининг тўғри, маъқуллигига имони комил бўлгач, матбуотлардаги суҳбатлари, мақолаларида зикр этади, шу тариқа ўзига ўзи юклаган масъулият ижросига киришади. У бошқа соҳаларда бўлгани каби таржима ва нашр учун китоб танлаш борасида ҳам жуда синчков ва “мерган” – кўпларга етишиш, ўқиш

орзу бўлиб келаётган, хусусан, адабиётчилар, талабалар ва бошқа қатламлар учун жуда зарур бўлган нодир, ноёб манбаларни мўлжалга олади. Масалан, “Бобур энциклопедияси”дан сал аввалроқ нашр қилинган Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр фи ахбоби афроди башар” (“Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст”) асари ана шундай китоблардан эди. Мазмунан ҳам, ҳажман ҳам жуда салмоқли мазкур асарнинг қамров кўлами ҳам ниҳоятда кенг бўлиб, оламнинг яралишидан тортиб, исломгача ўтган пайғамбарлар, халифалик ва халифалар даврида Арабистонда рўй берган воқеалар, Чингизхон ва бошқа ҳукмдорлар билан боғлиқ тарихий ҳодисалар қамраб олинган. Аммо китобнинг асосий қисми, ўзак воқеалари амир Темур ва темурийлар сулоласи, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, унинг авлод-аждодлари жанглари баёнидан иборат ва айнан шу жиҳати билан асар Зокиржон Машрабов диққатини тортган. Аввалроқ китобнинг Бобур ҳаёти ҳақидаги боблари Зокиржон аканинг илтимоси ва буюртмасига асосан Исмоил Бекжонов таржимасида “Буюклик хислати” номи билан “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган эди. Кейинги нашрга залворли китобнинг учинчи бобидан учинчи ва тўртинчи қисмлари олинган бўлиб (таржимонлар Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов), соҳибқирон Амир Темур, Халил Султон, Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Абусаид Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Умашайх Мирзо, Бобур Мирзо ва бошқа ҳукмдорлар салтанати даврида рўй берган тарихий воқеалар акс этган.

Зокиржон Машрабовнинг мақсади аввало бобурийларга дахлдор китоб, манба, маълумотларни жамлаш ва хусусан Бобур Мирзо ижодини халққа, дунёга тўлақонли кўрсатиб, унинг қанчалар истеъдодли, серқирра, сермахсул, обрў-эътиборли, шуҳратли ижодкор, қисқаси, қомусий истеъдод соҳиби эканлигини ашъвий далиллар билан исботлаш, унинг беқиёс шу хизматларининг муносиб баҳоланишига эришиш ва қадрлаш, номи ва шонини абадийлаштиришдан иборатдир. Шу ниятда экспедиция ташкил этди, гоҳ ҳамсафарлар билан, гоҳ ўзи, гоҳ автоуловларда, гоҳ самолётда дунё кезди. Ҳиндистонми, Бангладешми, Эронми, Америками, Англиягами бориб, кутубхона ва музейларни, китоб

дўконларию бошқа илмий-маърифий муассасаларни, шахсий кутубхоналарни ахтариб, мавзуга оид нима топса, иложи бўлса, ўша манбаларнинг ўзини, лоақал ксеронусхаларини Ўзбекистонга олиб келиб, Бобур боғидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига қўяди. Шу тариқа ҳозир хазинадаги китоблар сони 700 дан ошди. Асосан темурийларга ва бобурийларга оид мазкур китобларнинг аксарияти ноёб нусхалар бўлиб, ҳар бири муайян бир тадқиқотга, докторлик ишларига арзийдиган топилмалардир.

Зокиржон Машрабов хорижий юртларда қўлга киритилган китоблар орасида хусусан Бобур Мирзо ҳақидаги асарларнинг кўплигидан, уларнинг бири-биридан ғаройиб, рамзли номларидан ҳайратга тушар, ғурурланар ва йиғинларда, давраларда, талабалар, ўқувчилар билан учрашувларда, суҳбат-мулоқотларда ўша китобларни намойиш қилиб кўрсатар ва ҳаяжонини яширмай, дангал, эҳтирослар билан хитоб қилар эди.

– Бу китобларнинг сарлавҳаларига эътибор беринглар: “Бобур – йўлбарс” – бу, албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, “Ўн олтинчи аср бунёдкори” – бу ҳам Бобур, “Тож кийган дарвеш” – бу ҳам Бобур экан!.. Қаранг! Чет эллик адиблар, тарихчилар, шарқшунослар бизнинг Бобур бобомизга қанчалик ихлос қўйишган, тан беришган ва кўкларга кўтариб таърифлашган! Нега энди биз – ватандошлари ана шундай ўтмишдошларимиз билан фахрланмаслигимиз, унинг иззат-хурматини жойига қўймаслигимиз керак?!

Дарҳақиқат, австриялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртленинг “Андижон шаҳзодаси”, америкалик шарқшунос Харольд Ламбнинг “Бобур – йўлбарс”, инглиз адибалари Румер Годеннинг “Гулбадан”, Анна Флора Стилнинг “Тож кийган дарвеш”, британиялик шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбрук қаламига мансуб “Ўн олтинчи аср бунёдкори” каби тарихий-бадий асарларнинг ҳар бири чиндан-да Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғвор қадди-бастини, шон-шавкатини намойиш этувчи эзма обидалардир. Ҳар бири ўзига хос услубда яратилган мазкур асарлар Бобур фондининг, айти замонда ўзбек китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айлантирилди. Уларни Фонд ҳомийлигида таниқли, тажрибали таржимонлар Янглиш Эгамова, Ғофиржон

Сатимов, ёш мутаржим Холида Сўфиевалар ўзбек тилига маҳорат билан ўтирганликларини ҳам эслаб ўтиш ва уларга ташаккур билдириш жоиздир.

Ўша йили “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи яна бир нодир китоб билан бойиди. Мисрдаги Қохира университети профессори Магда Махлуф таржима қилган ва дастхати билан Ўзбекистон Президенти номига юборган “Бобурнома” асарининг араб тилидаги нусхасини давлатимиз раҳбари ушбу музейга тақдим этди.

\*\*\*

2014 йил Фонд режасига мувофиқ Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг бир неча сафари уюштирилди. Раҳбар Зокиржон Машрабов Швецияга қилган сафари чоғида Фонднинг Швеция (Стокгольм) бўлимини очишга муваффақ бўлди. Бўлим раҳбари этиб, бир неча йиллардан бери шу мамлакатда яшаб, илмий-педагогик ишлар билан шуғулланиб келаётган, асли афғонистонлик олим, профессор, бобуршунос Абдулҳаким Журжоний тайинланди.

Зокиржон Машрабов Швециядан Германияга ўтди. Боинг университетидан бўлган учрашувда у талабаларга Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ҳаёти, барча жабҳаларда эришилаётган муваффақиятлари, тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олиш учун дадил қадамлар билан олға бораётгани, Бобур халқаро жамоат Фонди ва унинг илмий экспедицияси фаолияти ҳақида гапириб берди.

У сафар давомида Бобур Мирзо ва бошқа буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодига алоқадор муҳим илмий маълумотлар йиғиш билан шуғулланди.

\*\*\*

Экспедициянинг Афғонистонга қилган навбатдаги сафари маҳалида экспедиция аъзолари улуг аждодларимиз Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзодларнинг қабр-мақбаралари ҳолатини ўрганишиб қайтдилар ва у жойларни ободонлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашга киришилди.



Шунингдек, Фонднинг Мозори Шарифдаги бўлими бошлиғи - журналист, ношир Абдулла Руин ташкилотчилигида ва Фонд ҳомийлигида чоп этилган Бобур ва бобурийларга доир китоблар афғонистонлик ихлосмандларга тухфа этилди.

\* \* \*

Фонд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан Бобур боғида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Россия ва Хитой Халқ Республикасидан 6 та янги аттракцион-ўйингоҳлар олиб келиниб ўрнатилди, эски ўйингоҳлар таъмирланиб, боғда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи билан бир қаторда Андижон шаҳарсозлик маданияти музейи янги ашёлар билан бойитилди, обсерватория фаолияти ҳам янада жонлантирилди.

## **Мунозара ва хулосалар**

Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, буюк аجدодларимиз қадамжоларини, мангу оромгоҳларини зиёрат қилиш, уларни ободонлаштириш, темурийлар ва бобурийлар тўғрисида хорижда чоп этилган ноёб китобларни жамлаш ва уларнинг муҳимларини ўзбекчага ўгиртириб нашр қилдириш ва бошқа соҳаларда бир мунча ишлар қилингани ва қилинаётганлигидан Зокиржон Машрабов хийла мамнун эди. Фақат бир ҳолат –Бобур Мирзо туғилган жой масаласидаги икки хиллик аҳён-аҳёнда кўнглини хижил қилиб кўярди. Яъни Бобурни Ахсида туғилган, ўша ерда тахтга ўтирган дегувчилар ҳам йўқ эмас эди. Зокиржон ака бундай гапларни эшитса ё ўқиса куюнар, куюкиб кетар ва Бобурнинг Андижонда туғилганлигини йиғинларда, давраларда, матбуотдаги чиқишларида бот-бот таъкидлаб турарди. Лекин унинг куйинишларини ҳамма ҳам муносиб баҳолайвермайди. Кимлардир бу борада менга ҳам писанда қилиб “Бу –

маҳаллийчилик, ахир Бобур ҳамманики-ку...” дейишади. Йўқ, Зокиржон Машрабовнинг ниятлари, саъй-ҳаракатларининг маҳаллийчиликка асло даҳли йўқ! Чунки у Бобурни ўзгалардан, ҳеч кимдан тортиб олмоқчи эмас, балки ўзи суйган, ихлос қўйган улуғ зотнинг ҳамюрти эканлигидан фахрланади холос. Бу нарса ёшларда ватанпарварлик ҳисларининг, ўз миллатдошлари, ҳамюртлари, ҳамшаҳарлари, ҳамқишлоқлари орасидан етишиб, камолот касб этган таниқли, эътиборга молик, иззат-икромга лойиқ шахслар билан ғурурланиш туйғусининг шаклланишига, ғурурланиш асносида ўзи туғилиб ўсган манзил-маконга ҳурмати, муҳаббатининг янада ошишига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади. Аммо тарихий мўътабар шахсларнинг ҳамюрт, ҳамшаҳар бўлиб чиқишини хоҳлаш бошқа, тарихий далил, тарихий ҳақиқат бошқа нарса. Албатта, ҳар қандай истеъдод эгаси қаерда туғилганидан қатъи назар, ўз иқтидорию кашфиётлари, ижодий-илмий маҳсулотлари билан башариятга, умуммиллий тараққиётга, кишиларнинг маънавий-маърифий баркамоллигига хизмат қилади ва шу жиҳати билан у бутун жаҳон ифтихоридир. Лекин туғилган жой, саналарнинг, тарихий фактларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг чалкашлиги жуда кўп одамларнинг, хусусан ёшларнинг фикрини, дунёқарашини ҳаётий ҳақиқатдан чалғитади. Агар тарихий далиллар бу қадар муҳим бўлмаганида, инсоният тарихига даҳлдор китоблар рақамлар билан эмас, умумий гаплар билан тўлдириб юборилган бўлар эди. Энг асосийси, ким қандай тушунишидан қатъи назар, оддий бир ҳақиқат - Зокиржон Машрабовда туғилиб ўсган юртига муҳаббат кучли бўлмаганида, яъни у ижобий маънода андижонпараст бўлмаганида, Бобур Мирзонинг Андижон фарзанди эканига қатъий ишонмаганида ва у билан ҳамшаҳар сифатида, бошқа буюк аждодларимиз билан ватандош, миллатдош сифатида фахрланмаганида, кейинги салкам ўттиз йиллик умрини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ҳаёти - фаолиятларини ўрганишга бағишламаган, бу қомусий илмлар эгаси номида фонд тузиб, экспедициялар уюштириб, чегара-божхоналарда бир неча кунлаб музтарликлар чекиб, қароқчилару бошқа ғайри кучларнинг таъқибу таҳдидларига кўксини қалқон қилиб, улуғ ёшларида ҳам йўл азоби – гўр азобларини тортиб юрмаган, шунча (700 дан зиёд) ноёб китобларни топиб, сотиб

олиб келиб, уларни таржима қилдириб, нашр эттириб, хос ташкилотлару дахлдор кишиларга тухфа қилиб юрмаган бўлар эди! Бу ўрнакга муносиб бир фидойилиқдир! Зеро, мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Зокиржон Машрабовнинг Бобур Мирзо номи ва шаънини юксакка кўтариш борасидаги заҳматларини бекорга ибрат қилиб кўрсатмади.

Мавзудан бир оз чекиндик, узр. Гап Бобур Мирзонинг туғилган жойи ҳақида кетаётган эди. Зокиржон ака, асли касби геолог бўлса-да, ўзи тузган фонд йўналишининг шарофати, тақозоси билан Ўзбекистондаги қарийб барча бобуршунослар, хорижлик таниқли олимлар билан мустаҳкам алоқа боғлашга улгурди, уларнинг асарлари билан танишди ва ... Бобур Мирзо туғилган жой масаласига аниқлик киритиш мақсадида кўп манбаларни варақлади, ўзбеғу хорижий бобуршунослар, адиблардан суриштирди.

Менимча, асосий манбаларда, йирик олимлар томонидан Бобур Мирзонинг Андижонда туғилгани эътироф этилиб, дарсликлару қўлланмаларда қайта-қайта қайд этилиб келинаётгани боис бу масаланинг икир-чикирига жиддий аҳамият берилмаган эди, акс ҳолда “Бобурнома” асаридаги Бобур Мирзо ўз қўли билан ёзган **“Зоду буд (туғилиб ўсган ерим) Андижон...”** деган маълумотни китобларга, Бобур таржимаи ҳолига муҳрлаб қўйишган бўлар эди. Бу масалада эса, Зокиржон акага япониялик бобуршунос, “Бобурнома”нинг танқидий матнини яратган олим Эйжи Мано ёрдам берди:

**- Ахир Бобурнинг ўзи “Бобурнома”нинг қўлёзмаларида, масалан, Ҳайдаробод нусхасининг 200-нчи саҳифасида ёзиб қўйибди-ку буни...**

Дарҳақиқат, “Бобурнома”нинг барча нашрларида, жумладан, 1960 йилги нашрининг 263- саҳифасида шундай маълумот бор: *“Султон Саидхон Кошгар хони беш-олти яёқ-яланг била келди, туққан иниларимдек кўруб Ламгон туманларидан Мандровар туманини бердим. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда олгонда Қундузгаким ўттум, Андижон вилояти менинг сори боқиб, баъзи доругаларини қавлаб, баъзи ерларини беркитиб, манга киши йибордилар. Мен Султон Саидхонга бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуруб, зоду буд Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб йибордим”.*

Бу далил, бу исбот, бу тарихий факт Зокиржон Машрабов ва бошқалар томонидан оммавий ахборот воситаларида, китобларда эълон қилинди, “Бобур энциклопедияси”га киритилди ва у ўйладики, масала узил-кесил ҳал бўлди! Лекин, Ахси даъвогарлари ҳамон ўз фаразларидан қайтишмас ва “қистирма”лар қилишда давом этишар эди. Зокиржон ака яна диққат: нахотки “Зоду буд”-туғилган жой деганини англашмаётган бўлса? Ахир Бобур Мирзо “Бобурнома” асарида мазкур иборани улуғ бобокалони Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан ҳам қўллаган-ку: **“Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди”**. Ё одамлар китоб, газета ўқимасмикин? Ёки бировларнинг жиғига тегиш учун қилинаётган бемаза қайсарликмикин бу?

Зокиржон ака фикри, таклифини тарих фанлари докторлари Боқижон Матбобоев (Андижон), Муҳаммаджон Исомиддинов (Фарғона), филология фанлари номзоди, бобуршунос Ваҳоб Раҳмон (Гулистон)лар эътиборига ҳавола қилди ва тўртови ҳаммуаллифлигида “Илмий ҳақиқатларга содиқ бўлайлик” деган мақола ёзилди. Вилоят ва республика нашрларида эълон қилинган ушбу мақолада “Бобур Ахсида туғилган” дегувчиларнинг фикрлари Бобур Мирзонинг ўз сўзлари ва бошқа тарихий далиллар, мисоллар билан рад этилади: “Жаҳоннинг машҳур бобуршунослари - япониялик Эйжи Мано, АҚШлик Уиллер Текстон, туркиялик Рашид Раҳмати Арат, ўзбекистонлик олимлар Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов ўз асарларида қайд ва исбот этган, “Ўзбек миллий энциклопедияси” ва “Бобурнома”ларда Бобур Андижонда туғилиб ўсгани ва шу пойтахтда тахтга чиққани ҳужжат сифатида ёзилгани - жаҳоний илм-фан ҳақиқатидир.

Бироқ йиллар давомида айрим олим ва қаламкашларимиз бўлар-бўлмас баҳоналар билан “Бобур Ахсида туғилган ва Ахсида тахтга чиққан дея даъво қиладилар. Улар ўз ҳатти - ҳаракатлари билан илмда ёлғонга ён босаётганлари; давлат ҳужжати ҳуқуқидаги “Ўзбек миллий энциклопедияси” маълумотларига нисбатан нописандлик қилаётганликлари, жаҳон ва мамлакатимиз бобуршунослик илмидаги ҳақиқатларни поймол қилаётганликлари, энг ёмони,

Бобурнинг ўз сўзлари: “Зоду будим - туғилиб ўсган шахрим Андижон”, деган фикрини инкор этаётганликлари ачинарли ҳолдир”.

Мақола хотимаси ҳам, бизнингча, эътиборга моликдир: “Улуғларни гоҳ мамлакатлар, гоҳ миллатлар “бизники!” дея талаш қилиб турадилар. Бу ҳодиса - яхши. Бу ҳол уларнинг башариятнинг бир неча қисми учун ўта азизлигини кўрсатади. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун Ўзбекистон халқи учун азиз шоир, адиб, шох, саркарда. Бироқ Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари аҳолиси учун янада яқинроқ, севимлироқдир. Чунки Умаршайх ва Бобур бошқарган Фарғона водийси давлатига ҳозирги учала вилоятнинг ҳамма ерлари кирар эди. Шу маънода Умаршайх Мирзо ва Андижонда туғилиб ўсган, Фарғона давлати ҳукмдори бўлган Бобур Мирзо Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари аҳолисига бирдай мансубдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун башариятникидир.”

### **УЧ САФАР. ЯНА ҚОМУС...**

2015 йил Фонд фаолиятида унинг қошидаги илмий экспедициянинг Афғонистонга серқатновлиги билан ажралиб туради. Мана шу сафарларнинг ўзиёқ Фонднинг йилни қандай муҳим, долзарб режалар билан бошлаб, қандай самаралар билан яқунлаганидан шоҳидлик бера олади. Одамлар вилоятлардан нари борса 5-6 соатлик йўлдаги пойтахт Тошкентга йўловчи улов ё поездда ё ўзининг шахсий енгил машинасида бориб келиш учун қанча ҳозирлик кўришади, тараддудланишади, ташвиш тортишади. Афғонистон эса мингларча километр узоқликдаги – қанча шаҳару вилоятларни босиб ўтиб бориладиган масофа! Аввало ҳар бир экспедиция аъзосига мазкур мамлакатга бориш учун виза – рухсат олиш заҳматларини тасаввур қилиш қийин эмас. Айрим масъул касларнинг қабулхоналарида навбатларда туришлар... Яна чегара-божхона деган талаблари бисёр, расмиятчиликлари бир дунё назорат масканларидан ўтиш муаммоларини айтинг. Боз устига, Зокиржон Машрабов бир ўзи эмас, ёнидаги

бир неча ҳамроҳини – экспедиция аъзоларини кафилликка олиб, улар учун ҳам елиб-югуриш... Энг жиддий ва мураккаб ташвиш – автомобил учун ижозат олиш машмашалари... Буларнинг ҳаммасини раҳбар ҳал этиши лозим, бунинг учун эса қанча хона ва дарчаларга мурожаат қилиш, ўтиниш, юкиниш зарур. Илтимосу илтижоларни эшитавериб кўникиб, дийдаси қотиб кетган мулозимларга мақсад-муддаони уқдириш, тушунтириш, керакли ҳужжатларни тақдим этиш, уларни асослаб бериш... Анча-мунча одамнинг тоқати етмайди, асаблари дош бермайди.

Зокиржон Машрабов ана шундай муаммо - тугунларни ечиб, экспедиция аъзоларини Афғонистон ҳудудига бир йилда 3 маротаба олиб бориб келди! “Қатта мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган кичик сафарлар” дея лутф қилади Зокиржон ака бу экспедициялар борасида камтарлик билан. У шунчалик хотиржам ва мамнунлик билан гапирадики, худди барча ишларни ҳамирдан қил суғургандай битирган каби. Ният, режалар эса, чиндан-да улуғвор эди: Ҳирот шаҳридаги халқаро ЮНЕСКО ташкилоти, афғонистонлик мутасадди, мутахассислар билан ҳамкорликда қайта тикланаётган Алишер Навоий қабр-мақбарасига сағана тоши ва шарқона ўймакорлик услубида ясаладиган кириш эшигини ўрнатиш Бобур халқаро жамоат Фонди зиммасига тушган эди. Сағана тоши Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Ғозғон қишлоғида яшовчи моҳир сангтарош Уста Тоҳир Раҳимов томонидан Ғозғон мрамаридан тайёрланган, тош сиртига ҳазрат Навоийнинг “Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур қолса яхшилик бирла от” деган пурмаъно, ибратли байти ўзбек ва форс тилларида битилган эди. Мақбара учун эшикни тошкентлик ёғоч устаси Алишер миллий безаклар бериб ишлаган эди. Сафарларнинг навбатдагисида буюмларни юк машиналарга ортиб жўнадилар. Таркиб раҳбар Зокиржон Машрабовдан ташқари боғбон ва муҳандис Зайнобиддин Мамарасулов, адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмон, меъмор Муҳаммаджон Мирзаев, Уста Тоҳир , ҳам тасвирчи ҳам уста Илҳомжон Мамарозиқов, механик-ҳайдовчи Аҳмаджон Исабоев, юк машинаси ҳайдовчиси Ҳотамжон Кимсановлардан иборат эди. Андижон – Самарқанд – Бухоро – Туркманистон йўлларида икки кун юриб, чегарага етиб борадилар. Божхона ва бошқа ўтиш, назорат масканларидаги талаб

ва ташвишлар юқорида зикр этилганидан кам эмас. Фақат бу гал уларни келишувга биноан хорижий мамлакат ҳудудида ҳавфсизликларини таъминлаш учун тайинланган махсус аскарлар гуруҳи, ҳамкорлик қилишга ваъда берган Камолиддин Набизоданинг вакили Абдуқаюм Тебраш қозизода ва давлат божхона хизматчилари Афғонистон чегарасида кутиб олиб, Ҳиротга бошлаб кетадилар.

Ҳиротда ўзбекистонлик меҳмонларни вилоят маданият бошқармаси раёсатининг раиси Ориё Руфиён қабул қилиб, уларни Алишер Навоий каби улуғлар маскан тутган қутлуғ заминга ташрифлари билан қутлади. Атоқли кишилар мақбараларини жиҳозлашга қўшаётган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдирди.

Экспедиция аъзолари Алишер Навоийнинг Инжил ариғи бўйидаги қабр-мақбарасини зиёрат қилдилар. Қуръон ўқиб, савобини мумтоз шоиримиз, темурийларнинг яна бир буюк намояндаси, мутафаккир олим Мирзо Улуғбекнинг муҳтарама волидаси Гавҳаршод бегим ва бошқаларнинг руҳларига бағишладилар. Сўнг амалий ишга киришдилар. Бу ерга ЮНЕСКОнинг Ҳиротдаги вакили Носир Аҳмад Ёвар, зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилган эди.

Навоий қabri узра ўрнатилажак сағана тошининг оғирлиги салкам тўрт тонна бўлиб, тўққиз бўлак мармар тахтадан ташкил топган эди.

Иш қарийб бир ҳафтагача чўзилди. Мармар бўлакларини чоки сезилмайдиган қилиб ёпиштириш, бутлаш хийла серзаҳмат, диққат талаб иш эди. Бундан ташқари, атрофга ҳам мармар плиткалар ётқизилди.

Ҳирот вилоятидан вакиллар, жумладан доктор Муҳаммад Маъруф Кабирӣ, санъатшунос Устод Сабавӣ, Навоийнинг аввалги қабр-мақбараси меъмори Носир Аҳмад Марвий, вилоят маданият бошқармаси раёсатининг раиси Ориё Руфиён, Ҳирот жомъе масжидининг меъморий таъмир ишлари мудирӣ Ҳумоюн ибн Абдул Аҳад, Ҳирот университети олимлари ва бошқа зиёлилар Навоий янги қабр-мақбарасининг илк зиёратчилари бўлдилар. Улар сағана ва мармар

тўшамалар мақбара кўркини очиб юборгани ва файзига файз қўшганини эътироф этдилар.

Ҳирот волийси Муҳаммад Осиф Раҳимий томонидан уюштирилган Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзолари билан Ҳирот шаҳри меъморлари, санъатшунослари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари учрашувида Бобур халқаро Фонди раисига, экспедиция аъзоларига ташаккурлар билдириди.

Афғонистон сафарида Бобур Мирзонинг укалари Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзоларнинг Ғазни шаҳридаги, Қўқон хони Худоёрхоннинг Каррух туманидаги ва Бухоро хони Амир Олимхоннинг Кобул шаҳридаги қабр-мақбараларини зиёрат қилдилар, шунингдек, Камолиддин Бехзод қабри узра ўрнатилажак мақбара тарҳини яратиш учун буюк мусаввир дафн этилган тепаликнинг ҳолатини яна бир бор ўрганиб қайтдилар.

\*\*\*

Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Бобур фонди раёсати ва илмий экспедиция аъзоларининг асосий мақсадларидан бири бобурийларнинг кейинги авлодларини излаб топишдан иборат. Илмий экспедиция сафарлари давомида, масалан, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Тусийлар, Деҳлидаги Покиза Султонбегим, Лондондаги Тоҳира Султон, Манчестердаги Али Навозхон Бобур, Шотландиядаги шифокор ва олим Абдурахмон Беклар билан учрашув-мулоқотлар ва уларнинг бобурийлар авлодлари рўйхатидан ўрин олишлари ана шу ният ва саъй-ҳаракатлар натижасидир. Лекин гоҳо Бобур авлодлари, ворисларининг ўзлари Бобур фонди, экспедициясидан хабар топиб, уларни излаб-сўроқлаб келиб, ўзларини таништирдиган ҳоллар ҳам юз бериб туради. Улар бобокалонлари Бобур подшоҳнинг киндик қони тўкилган Андижон шаҳрига интиладилар, Бобурнинг шаҳардаги уй музейини, Боғишамолдаги Бобур миллий боғини, у ердаги Бобур рамзий қабрини зиёрат қилиш иштиёқи билан ташриф буюрадилар. Масалан, Муҳаммад Шоҳид мирзо хонадони аъзолари...



Компьютер савдоси билан шуғулланувчи ушбу покистонлик зиёли оила вакиллари 2015 йил ёз кунларидан бирида Бобур миллий боғидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи биносига ўз оёқлари билан кириб келишди. Музей мудираси Холида Сўфиева меҳмонларга инглиз тилида Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб бераётган пайт Муҳаммад Шоҳид мирзо ўзларининг кимлигини ва Андижонга – Боғи Бобурга келишлари сабабини баён этиб, жумладан, шундай деди:

- Биз кўпдан буён бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ҳазратлари туғилиб ўсган юртни кўриш ниятида юрардик. Мана, ўша эзгу орзумиз бугун ушалди. Биз бобомиз ўсмирлигидан ҳукмдор бўлган шаҳардамиз. Бобур подшоҳ Ўзбекистонда қандай эъзозланишини, бу табиий нафосатга бой боғдаги ушбу музей ва бобомиз билан алоқадор бошқа ҳашаматларни кўриб кўзларимиз қувонмоқда. Шаҳардаги Бобур ҳайкаллари, Бобур уй музейи, унинг номидаги театр ва мактаб, вилоят кутубхонаси, “Андижон ва жаҳон маданияти” музейи биноси ва ундаги жиҳозлар, расмлар, юзлаб китоб ва альбомлар, Бобур рамзий қабр-мақбараси - ҳамма-ҳаммаси биз учун табаррук. Биз Бобур подшоҳнинг у илк бора дафн этилган Аградаги Рамбоғ (Оромбоғ) ёнидаги мақбараси, Кобулдаги Бобур оромгоҳи зиёратида бўлганмиз. Аммо Андижонда бобомиз ҳақида кўрган, эшитган, билган маълумотларимиз биз учун янги бир жаҳон бўлди. Буюк бобокалонимизга кўрсатилаётган бу чек-чегарасиз эҳтиромларни биз янги Ўзбекистон – Истиқлолга эришган Ўзбекистон давлати ва жамоати хизмати эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ушбу китоб ёзилаётган кунларнинг бирида Бобур маданият ва истироҳат боғидиги “Бобур ва жаҳон маданияти”, “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейларида бўлиб, коинот сирларини ўрганишга мўлжалланган обсерватория, кутубхона ва спорт мажмуалари, янги қурилган меҳмонхоналар билан танишиб турсам, бир автобус хорижлик меҳмонлар келиб, Бобур юрти Андижоннинг кўҳна тарихи, Бобур ва бобурийлар ҳақидаги қўлёзма асарлар ва ноёб китоблар билан танишиш учун юқорида номлари келтирилган музейларга қараб юришди. Меҳмонларни одатдагидай музей раҳбари, таржимон Холида

Шамсиева кутиб олиб, Андижон тарихи ва боғдаги музейлар тўғрисида керакли маълумотларни бергач, уларни осма сим йўли бекатига қадар кузатиб қўйди. Улар боғнинг юқори қисмини зиёрат қилиш ва у ерда дам олиш учун чиқиб кетишди. Холидадан булар кимлар экан, деб сўрасам, у: Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Марғилонга келган хорижлик сайёҳлар бизнинг боғимизга ҳам келиб туришади, деб жавоб берди.

Дарвоқе, беш асрдан кейин Бобур Мирзо авлодидан эканлиги билан ифтихор туюб, Бобур фонди раҳбариятига ва бошқа олиму-фозилларга ўзларини таништириб юрганлардан яна бири ўзбекистонлик, янаям аниқроғи Сирдарёнинг Боёвут туманидан бўлмиш Зайниддин Насриддиновдир. Бу киши билан мен ҳам мулоқотда бўлганман. Унинг ҳикоя қилишича, бобоси, Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукмдор Абузафар Сирожиддин Муҳаммад Баҳодиршоҳ-III га туташувчи Мир Хазар бобурийларни қатағон қилган инглиз зобитлари таъқибидан қочиб Кашмирга, кейин Покистон, Афғонистон орқали Бухорога келиб ўрнашган. Бухоро амири Музаффархон Мир Хазарни илиқ кутиб олади ва унга генерал унвонини беради. Мир Хазарнинг ўғли Насриддин Мирзо Мавлонов (?) кулоқ сифатида Боёвутга сургун қилинади, сўнг, 1937 йилги қатағонида саккиз йилга қамалади. Қамокдан қайтгач, кейинги аёли Маҳбубахондан қатор қиз-ўғиллар кўради. Бобур фондига, матбуот органларига ўзидан хабар бериб мурожаат қилган Зайниддин Насриддинов ана шу фарзандлардан биридир.

## **Тўрт алломага янги сағана**

Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни муносабати билан 2016 йил 14 февраль куни ўтказилган анъанавий илмий анжуманда пойтахт Тошкентдан, қўшни вилоятлар ва бошқа ҳудудлардан таклиф этилган бобуршунос олимлар, шоир ва адиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адабиёт ихлосмандлари иштирокида 2015 йилги ишларга баҳо берилди.

Бу йил ҳам китоб нашри борасида муваффақиятли бошланган эди. Маълумки, Бобур Фонди буюртмасига кўра арабшунос Шокирхон Рустамхўжаев томонидан “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейида сақланаётган асарларнинг библиографиясини яратишга эришилгандан кейин, Ўз РФА кутубхонаси мудираси, библиограф Зухра Бердиева билан ҳамкорликда Республика кутубхоналари микёсида тайёрланган “Бобур ва бобурийлар библиографияси” борасида маълумотлар тўпланиб, китоб ҳолида чоп этилди.

Ўзбекистондаги бундай хайрли ишдан хабардор бўлган Россия Фанлар Академиясининг Туркология тиллар институти директори, академик А. Б. Дыбо ушбу муҳим китобни янада кенгроқ оммага, жумладан рус ихлосмандлари ва мутахассисларига ҳам етказиш мақсадида Ш. Рустамхўжаевни Москвага таклиф қилади ва Бобур халқаро жамоат фондининг хайрихоҳлиги, моддий ва маънавий қувватлаши туфайли қисқа муддатда, яъни 2016 йилнинг охирида “Издательство восточной литературы” нашриётида “Россия Фанлар Академияси” ва “Бобур халқаро фонди” тамғалари билан катта ҳажмдаги китоб нашрдан чиқади.

Мажлис раиси Зокиржон Машрабов ўз қувончи ва ҳаяжонини изҳор этаркан, мазкур китобни яратишда Рустамхўжаев ва Дыболарнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлганини таъкидлаб, маълумотноманинг жаҳон бобуршунослари, Бобур ижодини ўрганиш учун манба изловчилар учун тайёр қўлланма вазифасини ўташини уқдирди ва муаллифларнинг халқаро Бобур мукофоти билан тақдирланиши ҳақидаги қарорини эълон қилди.

Йиғинда, шунингдек, Фонднинг 2016 йилга мўлжалланган дастури муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Хуллас, Фонд кўхна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, хорижда яшаб ижод қилган, фаолият кўрсатган буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган илмий-тарихий, маданий меросларни излаб топиб Ўзбекистонга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида ўз Низомида белгиланган вазифаларни адо этиш йўлида 2016 йил давомида ҳам қатор эзгу ишларни амалга оширди.

\*\*\*

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Афғонистон заминига дастлаб (1992 йили) ўтган пайтдан бери Зокиржон Машрабовнинг кўз олдидан Абу Райҳон Беруний, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод қабрларининг ачинарли, ҳатто аянчли ҳолатлари кетмас, уларни таъмирлаш ва атрофларини ободонлаштиришни ўйлаб-ўйлаб кўярди. Экспедициянинг 2013 йилги сафари чоғида ўзбек мумтоз адабиётининг яна бир йирик намояндаси Мавлоно Лутфийнинг қабри қандай машаққатлар билан топилгани, Андижонда йиғма шийпонли мақбара, Нуротада Ғозгон мрамаридан сағана тоши тайёрланиб, улуғ шоирнинг қабри узра қандай ўрнатилгани, атрофи қандай ободонлаштирилгани борасида олдинги китобларимизда, телекўрсатувлар ва бошқа оммавий нашрларда ахборот берилган.

2016 йилга мўлжалланган муҳим режалардан бири – навбатдаги Афғонистон сафари шу йилнинг баҳорида амалга оширилди ва унда 2015 йили бошланган ишлар давом эттирилди. Юқорида зикр қилинганидек, ўтган йили Ҳирот шаҳрида афғонистонлик ҳамкорлар ҳамда Бобур Фонди томонидан Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти кузатувида Алишер Навоийнинг қабр-мақбараси қайта қад ростлади.

Экспедициянинг аввалги сафарларидан бирида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг қабри узра мақбара тиклаш юзасидан Афғонистон Маданият вазирлиги, Ҳирот шаҳар волийси ҳамда Бобур Фонди ўзаро келишув меморандумини имзолаган эдилар. Зокиржон Машрабов 2015 йил охирида сағана лойиҳаси устида иш бошлаб, дахлдор мутахассислар билан кенгашди. Афғонистонга юборилган махсус гуруҳ Ҳиротнинг Кўҳи Мухтор мавзеидаги Беҳзод қабри жойлашган ҳудуд – тепаликнинг сейсмик ва бошқа ҳолатларини ўрганиб, фото, видео тасвирларга олиб қайтгач, мутахассислар билан мақбарани қандай ашёлардан тайёрлаш мақсадга мувофиқлиги, уларнинг лойиҳаси, лойиҳани тайёрлаш муҳлати, даҳманинг шакли-шамойили, ўрнатилиши каби ташкилий ишлар келишиб олинди ва ишга киришилди. Андижонда шарқона мақбара, Нуротада сағана тоши тайёрлана бошланди.

Бобур Фондининг улуғ алломаларимизнинг мангу оромгоҳлари, марқадларини таъмирлаш, барпо этиш, ободонлаштириш ва зиёратгоҳларга айлантириш борасида амалга ошираётган ишлари миллатимиз, ватанимиз шон-шавкати рамзи бўлган илоҳий истеъдодли аждодларимиз руҳига, улар қолдирган маданий меросларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор намунасидир. Бу эзгу ишлар, шубҳасиз, нафақат Бобур Фонди, балки бутун Ўзбекистон халқи номидан ижро этилаётир. Бинобарин, иншоотлар, шу жумладан Камолиддин Беҳзод мақбараси ҳам пухта, узоқ йилларга мўлжалланиб, замонавий, чидамли ашёлардан тайёрланиши, пойдевор ҳам мустаҳкам бўлиши лозим эди.

Қурувчи мутахассис Ҳамидулло Халилов, лойиҳачилар Раҳмонжон Азимов, Муҳаммаджон Мирзаев суратлар асосидаги хомаки лойиҳа муҳокамасида масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Зеро Камолиддин Беҳзод дафн этилган тепалик унча кенг бўлмаган майдон бўлиб, қабрлар устига ўрнатилган сағана тошлари ўта зич жойлашган, Беҳзод қабри узра тикланажак мақбара бошқа қабрларга ҳалал бермаслиги, зиён етказмаслиги керак, бу эса қабрнинг ўлчамлари, жойининг ҳолати, икки ёндаги гўр, дахмаларнинг жойлашувини ҳам муфассал ўрганиб чиқишни тақозо этарди. Қолаверса, тепалик шамолга беткай бўлгани боис, анча-мунча иншоотни машҳур афғон шамоли кўпориб ташлаши ё томини учуриб кетиши эҳтимолини ҳам ҳисобга олишга тўғри келарди. Қисқаси, Беҳзод мақбараси устини ҳам Мавлоно Лутфий сағанаси томи кўринишида ёпиш, устунлар, барча ускуна-қисмларни мумкин қадар металл конструкциядан ясаш бўйича бир тўхтама келинди. Лойиҳани тайёрлашда Бобур экспедициясининг аввалги сафарлари давомида мутахассисларимиз томонидан Ҳирот шаҳридаги Мусалло майдонида амалга оширилган сейсмик-муҳандислик-геологик хулосалардан ҳам фойдаланиш таклифи маъқулланди. Ишни бу борада анча тажрибага, малакага эга бўлган уста Нозимжонга топширишга қарор қилинган эди.

Зокиржон аканинг яна бир улуғ нияти (у аллақачон режага айланган) бор, яъни, Ҳиротдаги Алишер Навоий қабр-мақбараси атрофидаги очик, кенг, бесамар майдонни боғга айлантиришни ҳам хаёллаб юрган эди. Беҳзод қабри

узра қад кўтарилажак йиғма мақбара тайёр бўлгач, бир юк машинасига мақбара ва сағана тоши, иккинчи юк машинага 1150 туп манзарали кўчат юкланиб, Афғонистон сари йўл олинди.

Ҳиротга етиб боришгач, у ердан яна минг туп манзарали кўчат сотиб олинди ва Алишер Навоийнинг ўтган йили афғонистонлик дўстлар билан ҳамжиҳатликда қайта тикланган қабр-мақбараси атрофини ҳиротлик ҳамкорлар кўмагида ободонлаштириш ишлари олиб борилди, икки гектар ерга кўчатлар ўтказилиб, боғ-хийбон барпо этилди.

Камолиддин Беҳзод қабрига сағана тоши ва дахма ўрнатиш ҳам меҳнат сайлига айланиб кетди. Тепалик баланд ва чиқиш йўли суйри бўлгани боис, оралик масофа юкларни ташиб чиқишда катта қийинчиликлар туғдириши табиий эди. Улкан ва бақувват “хартумли” кўтарма кранлар зарур эди. Албатта, бу масалада ҳиротлик ихлосмандлар, хайрихоҳлар ҳам кўмакка келдилар. Катта заҳматлар билан сағана тоши, мақбара бўлаклари ва бошқа анжомлар олиб чиқилди, қабр узра Ғозғон мрамаридан ясалган сағана тоши ўрнатилди, том тепасига эса металл каркасли бўлақлар чокланиб, бир ажойиб шийпон-мақбара тикланди. Меҳмонлару мезбонлар қувончининг чеки йўқ – Зокиржон Машрабов ва унинг ҳамроҳлари кўп йиллик режалари, ниятлари амалга ошганидан – улуғ мусаввир номи ва шонига муносиб бир эъзоз кўрсатишганидан мамнун, ҳиротликлар эса катта истеъдод эгаси, машҳур зот бўлган ҳамюртларининг қадди ва қадри янада юксакка кўтарилганидан хурсанд ва ўзбекистонликлар, Бобур экспедицияси аъзоларининг мислсиз ҳимматларидан чексиз миннатдор бўлиб, уларни қайта-қайта қучоқлашар, ташаккур изҳор этишарди. Зеро, янги марқад кўтарилиши билан кўҳна қабрлар макони бўлмиш мазкур тепаликда батамом ўзгача манзара ҳосил бўлган эди.

Алишер Навоийнинг устози, малик-ул калом Мавлоно Лутфийнинг қабри 2003 йили Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзолари томонидан Деҳи Канор қишлоғига яқин дашт ўртасидаги Шаҳзода Қосим қабристонидан қийинчилик билан топилган ва у 2006 йили ободонлаштирилиб, қабр узра мақбара ўрнатиб келинган эди. Ушбу сафар давомида ана шу сағана ҳам қайтадан таъмирланди.

Маълумки, Қўқоннинг сўнги хони Саййид Муҳаммад Худоёрхон давр ва вазият тақозосига кўра юртдан чиқиб кетган ва Афғонистонда вафот этган. Ҳирот чеккасидаги қабри тепасига қўйилган мрамар тошни кимлардир ўғирлаб кетган ва нишонидан маҳрум этилган гўр кўп йиллардан бери ғарибгина бўлиб ётарди. Зокиржон Машрабов ватанидан, иззат-икромдан мосуво бўлган бу ҳамюртимизнинг руҳини ҳам шод этишга аҳд қилиб, нуроталик Уста Тохирга сағана тоши яшашга буюртма берилган ва у тош ҳам Ҳиротга олиб борилган эди. Ҳозгон мрамаридан тайёрланган мазкур ёдгорликни Худоёрхон дафнгоҳи узра ўрнатиб, атроф-ҳудуд ободонлаштирилгач, гўё собиқ хоннинг обрў-эътибори, салобати қайта тиклангандай, сўнги манзилгоҳининг нуфузи ҳам баланд кўтарилгандай бир қиёфа касб этди.

Маросим якунида маҳаллий ҳокимият томонидан уюштирилган маҳсул йиғинда Ҳирот вилояти волииси, ЮНЕСКО ташкилоти вакили, шу ерлик зиёлилар Ўзбекистон раҳбариятига, Бобур халқаро жамоат фонди ва экспедиция аъзоларига такрор-такрор таҳсин айтдилар. Амалга оширилган салмоқли ишларнинг қанчалик юксак баҳолангани ва қадрланганини шундан ҳам билса бўладики, Афғонистон ҳукумати Зокиржон Машрабовни яқиндагина таъсис этилган халқаро Навоий мукофоти билан тақдирлашни муносиб кўрди.

- Навоий бобомиз номи билан аталувчи мукофот бир менга эмас, улуг зотнинг иззатию шаънини жойига қўйиш йўлида фидойилик кўрсатган барча кишилар меҳнати учун берилган мукофот деб биламан, – дил сўзларини изҳор этди Зокиржон ака катта минбар олдидаги нутқида.

## **Бобур Ҳушёрда**

Бобур халқаро илмий экспедицияси учун хорижий “юриш”ларга бой бўлган 2016 йилда юртимиз бўйлаб ҳам икки бора муҳим сафар уюштирилди.

“Бобурнома”нинг бошларида “Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олгон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўхпоялариға келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб,

Кобул азимати қилдим” деган жумла бор. Ажабки, Бобур мирзо истеъдодли, хассос адиб сифатида кўп заҳмату машаққатлар билан кечирилган яқин бир йиллик муддатни биргина жумла билан ифодалаган. “Вақоий” охиrhoғида Бобуршоҳ томонидан Агра шаҳрида юртга берилган катта тўй издаҳомида кўп улуғ, азиз меҳмонлар қатори Сўхдан, Ҳушёрдан келганларга ҳам чакмон, ипак сарполар, олтин-кумуш кийимликлар инъом қилингани қайд этилади. Ҳар бир воқеа-ҳодиса, муносабат моҳиятини англашга уринувчи Зокиржон Машрабов Бобур Мирзонинг Сўх ва Ҳушёрда бир йилга яқин яшаши ва ушбу манзиллар аҳлига кўрсатилган илтифоту мурувватлар сабабига қизиқиб юрарди, “Бобурнома”да эса улар ҳақида битилган икки жумладан ортиқ маълумот йўқ. Бобур мирзо Сўх, Ҳушёр томонларда нега шунча вақт юрган, у ерларда нима юмушлар билан машғул бўлган?..

2016 йил октябрь ойида экспедиция раҳбари анчадан буён чамалаб юрган ана шу мавзуга оид режасини амалга оширди – Сўх томонга учинчи бор экспедиция уюштирди.

Зокиржон ака одатда етти ўлчаб, бир кес мақолига, яна бир текшириб кўйиш зиён қилмайди, деган ақидага риоя этади. Масалан, хаёлига келган фикр ё мулоҳазани онгида узоқ вақт пиширади, бирор масала ё муаммони ҳал этиш керак бўлса, хулоса чиқаришга ошиқмайди – воқеа, ҳодиса илдизларини, жойини, омилини қайта-қайта синчиклаб ўрганади, суриштиради, энига ҳам, кўндалангига ҳам тафтишдан ўтказди ва узил-кесил бир қарорга келгач, ниятини амалга оширишга киришади. У Ҳушёр қишлоғига аввал икки марта борган, лекин кўрган-билганлари, эшитганларини чала ҳисоблар, яна ҳам батафсилроқ билиш, маълумотларни бойитиш ва уларни бошқалар эътиборига, тасдиғига ҳам ҳавола қилиш иштиёқида эди.

Сўхга учинчи бор “юриш”даги таркибимиз раҳбардан ташқари техника фанлари нозоди Зайнобиддин Мамарасулов, Фонд раҳбари ўринбосари Рустамжон Мамасолиев, чаққон, моҳир ҳайдовчи Аҳмаджон Исабоев ва каминадан иборат эдик.



Фарғона вилоятига қарашли мазкур туманнинг тақдири ғаройиб: унга Қирғизистон худуди, яъни Боткент вилояти орқали ўтиб борилади ва яна шу йўлдан қайтилади.

Ноҳия марказида бизни, Зокиржон ака телефонда сўзлашган мезбонлар – туман ҳокимлигининг вакиллари Абдушукур Тўрабоев ва Фаррух Эрназаровлар кутиб олиб, Ҳушёр сари бошлаб кетишди.

Марказдан саккиз чақирим наридаги ушбу қишлоқ ўртасида жойлашган Бобур номидаги 14-умумтаълим мактабига бордик.

Район раҳбарияти вакиллари, мактаб директори Садриддин Абдурахмонов, илмий бўлим мудир Дониёр Ҳақимов, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Муҳаммаджон Пўлатов, Илём Олимов, тарих ва мусиқа муаллими Султонали Болтабоев, физика-математика ўқитувчиси Гофиржон Сангинов, собиқ тил-адабиёт муаллими, фахрий Бегали Бўритаев ва бошқалар билан кенгаш-мулоқотларимиз, мезбонларнинг ота-боболаридан эшитган хотира, ривоятларидан, қишлоқнинг диққатга сазовор жойлари билан боғлиқ тарихий ҳодиса ва воқеалардан кўп нарса аён бўлди.

Айтишларича, Балтика кўлидан 1350 метр, Фарғона шаҳридан 415 метр баландда ўрнашган бу қишлоқ бўйи 2200 метрли Сандак (текис деган маънода), Айлоқи назар ва бошқа тоғлар билан ўралган бўлиб, табиати ўзига хос сўлим бир гўшадир. Шаҳзода Бобур ота мерос салтанати ва жонажон ватани Андижонни ғанимларга ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган ва аждодлари юрти Кобулни кўзлаб йўлга чиққан кезлари Ҳушёрда бир йилга яқин умргузаронлик қилгани бежиз эмас эди. Аввало у ўз давлати Фарғонадан, унинг пойтахти Андижондан буткул кўнгил узолмаган, албатта. Қолаверса, Ҳушёр стратегик жиҳатдан қулай бир макон эди. Бобур мирзо бу ердан чор-атрофга махсус чопарлар юбориб, бутун Фарғона мулкида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб турган. Демак, у Ҳушёрда келгуси тақдирини белгилаган, режалар тузган, атроф-жавонибдаги қишлоқлар, йўллар, довларни пухта ўрганган. Андижонга қайтиш илинжидан воз кечишга қарор қилгач, Овчи, Оббурдон, Матчо қишлоқлари бўйлаб юрган ва Қоратегин довларидан ошиб, Ҳисор орқали бобомерос Кобулга

ўтиб кетган. Оқибат, адолат шиори бўлган Бобур подшоҳ кейинчалик Ҳиндистоннинг ўзи пойтахтга айлантирган Агра шаҳрида ўтказилган, юқорида зикр қилинган катта тўйга андижонлик, самарқандлик, тошкандлик кўнгил яқинлари қатори унга очиккўнгиллик билан муносабатда бўлган, бағрларидан жой берган, яъни “бевилоят ва беватан юрган” чоғларида жонига ора кирган хушёрлик кадрдонларига ҳам чопар юбориб таклиф эттирган ва уларга мўътабар меҳмонлар қатори иззат-икром кўрсатган эди.

Бу оқибат, бу эътибор, яхшиликка яхшилик қайтариш, фидойиликни, эзгулик йўлида қилинган олижаноб саъй-ҳаракатни муносиб тақдирлаш нуқтаи назаридан ибратли мисол эдики, ўз навбатида Зокиржон Машрабовнинг ҳам буюк аждодларимиз хотираси, миллат, ватан учун қилаётган олижаноб хизматлари ўз баҳосини кутмоқда эди. Бу ҳақда сал кейинроқ...

## **Икки даҳо “учрашганда...”**

Қорақалпоғистоннинг чекка бир худудида фаолият юритаётган “Беруний авлодлари” жамоат фондининг таклифига биноан Зокиржон Машрабов йилнинг охирги ойида ҳамсафарларини (бу гал сафда адабиётшунос, бобуршунос Ваҳоб Раҳмон ҳам бор эди) ёнига олиб йўлга чиқди. Бизни Беруний туманига кираверишда ушбу ва Эллиққалъа туманлари вакиллари Қуронбой Шониёзов, Янгибой Қўчқоров, меҳнат фахрийси Рейимбой Қуронбоевлар кутишарди.

Беруний тумани ҳокимлиги меҳмонхонасида эса бизни туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Фарҳод Эрманов ва бошқалар қарши олишди. Чой устидаги суҳбат асосан Қорақалпоғистон ва Андижон муносабатлари, мамлакатимизнинг икки чекка минтақасидан етишиб чиққан икки буюк мутафаккир – Абу Райҳон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, уларнинг илмий, ижодий камолоти, жаҳонни ҳайратга солган кашфиётлари ва турли соҳага оид асарлари, Андижондаги Бобур халқаро жамоат

фонди ва бу юртдаги “Беруний авлодлари” жамғармаси фаолиятидаги муштаракликлар – улуғ аждодларимиз меросларининг миллатимиз, халқимиз, жаҳон миқёсидаги тамаддун ривожиди тутган ўрни ва аҳамиятини тарғибу ташвиқ этиш борасида олиб бораётган хайрли ишлари, Бобур Фондининг кўп йиллик тажрибаларидан ўрганиш, ибрат олиш мавзуларида борди. Айниқса, нисбатан ёш “Беруний авлодлари” жамғармаси раҳбари Қуронбой Шониёзов Зокиржон акадан унинг раҳбарлигидаги фонд эришаётган катта муваффақиятлар сирини билиб олиш пайида эди.

Худди шундай мулоқот эртасига эрталаб Эллиққалъа туманининг ҳар хил маданий-маърифий анжуманлар маскани сифатида ном қозонган Ақчақўл бўйидаги меҳмонхонасида давом этди. Бу ерда суҳбат жиловини ҳамюртимиз – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ашаддий ихлосманди, илм-фан, маданият шайдоси, ҳомийси, маърифатпарвар раҳбарлардан бири Неъматилла Худойбергандов бошқарарди.

Берунийдаги Зокиржон Машрабов ташрифига дахлдор асосий тадбир соат ўнга белгиланган эди. Шунинг учун Неъматилла Худойбергандов билан мароқли мулоқотимизни энг авж палласида бўлишга тўғри келди. Биз ҳали Абу Райҳон Берунийнинг рамзий қабр-мақбарасини ҳам зиёрат қилмоғимиз лозим эди. Ҳоким Фарҳод Эрмановнинг амалдорлик хонасидаги бир неча дақиқалик суҳбатдан сўнг кечаги мезбонлар ва яна бир қанча маданият ходимлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлигида Асака автозаводидан чиққан бир неча енгил машинада шаҳарчанинг жануби-ғарб массиви тарафга кетдик. Тартиб билан, махсус экилгани билиниб турадиган арчазорли хиёбон ўртасида ўртача баландликдаги тагсупачадан ”ўсиб” чиққан, томи гумбазли, оралари очик тўрт устунли сағана Берунийнинг рамзий қабри узра қад кўтарган экан (Бу мавзуга куйироқда батафсилроқ тўхталамиз). Қуръон тиловати ва бир муддатлик сукунатдан кейин дахма атрофини айландик. Тўғриси, кўнглимдан бу жойга бир оз эътибор кучайтирилса яхши бўларкан, деган истак ўтди. Балки, қорсиз қиш палласидаги андак носаришталик, пардозсизлик туфайли манзара менга сал хирароқ кўрингандир.

Хиёбоннинг кун ботиш томонида, мақбарадан 70-80 кадамлар чамаси нарида йирик деворлар кўзга ташланарди.

— Сизлар кўриб турган хароба қадимий Кот шаҳрининг қолдиқлари, Беруний бобомиз ёруғ оламини илк бор шу жойда кўрган. Биз шунинг учун улуғ мутафаккир-олимнинг рамзий қабрига бу ерни танлаганмиз, — дея изоҳ берди ўша — рамзий қабр барпо қилинган йиллари туман ҳокими бўлган Рейимбой оға. — Бу ҳудудлар бунчалик хароб эмас эди, 1969 йилги Амударё тошқини вайрон қилиб ташлаган. Жуда ваҳимали тошқин бўлган. Қанча одам хони-монидан, айримлар яқин жигарларидан айрилган...

Мен илму фан, кишилиқ тамаддуни юксалишига ўзининг денгизлар назарияси, Ернинг шарсимон глобусини яратиш, Ер радиусининг ҳисоб-китоби, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолати, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назарияси ва бошқа кўплаб табиий соҳаларга оид юзлаб илмий-тадқиқотлари билан ҳисса қўшган, айрим табиий фанлар, жумладан, геодезияга асос солган, Колумбдан 500 йил бурун уммонлар ортида одамлар яшайдиган қуруқлик борлигини башорат қилган фавқулудда истеъдодли, қомусий олим Абу Райҳон Берунийни дунёга инъом этган машҳур, табарруқ шаҳарнинг аянчли қисматига жуда-жуда ачиндим ва даврларнинг, гоҳо табиат кучларининг шу қадар бешафқатлигидан хўп ўқиндим. Лекин, ахир туғилиб-ўсган она маскани қарийб йўқ бўлиб кетган бўлса-да, олимнинг ўзи асарлари, амаллари, кашфиётлари мисолида ҳамиша барҳаёт-ку, қолаверса, қадимги Котнинг шундоқ биқинида буюк ватандошимиз номидаги янги, замонавий шаҳар гуркираб турибди-ку, деган фикр менга тасалли берди.

Шаҳарчанинг бош майдонига алоҳида кўрк ва файз бағишлаган, ҳали бўёқлари ҳам қуримаган энг янги иншоот — туман ахборот-ресурс марказига кириб борганимизда бинонинг фойе, йўлак ва заллари йиғилишда қатнашиш, оламга доврўқ таратган яна бир қомусий мутафаккир, шоир, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртидан келган меҳмонлар, хусусан, бугунги анжуман сабабчиси, фидойи инсон, замонамиз қаҳрамонларидан бири Зокиржон Машрабов билан учрашиш иштиёқида қадам ранжида қилган берунийлик,

эллиққалъалиқ, тўрткўллиқ зиёлилар ва бошқа соҳа намояндалари билан гавжум эди.

Гапни мукофот тафсилотидан бошласак. Биз ҳозир бўлиб турган туманда — халқимиз фахри ва ифтихори Абу Райхон Беруний юртида у буюк зот номи билан боғлиқ — “Беруний авлодлари” деган жамоат фонди ўн йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Буюк аждодларимиз қолдирган бой, бебаҳо маънавий-маърифий, адабий-бадий меросни тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фонд ана шу бойликларни чуқур ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб бораётган, улуғ алломаларимизнинг бизга номаълум асарларини топиш, чоп эттиришда, хусусан, берунийшуносликни ривожлантириш, фондни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган кишиларни, иқтидорли ёшларни рағбатлантириб бориш ниятида ўз мукофоти ва Абу Райхон Беруний сиймоси ифодаланган лауреатлик нишонини таъсис этган.

2015 йили мазкур мукофот билан узоқ вақтлардан бери Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти, бой меросини ўрганиш бўйича изланишлар олиб бораётган, шу мавзуда бир қатор илмий-бадий китоблар яратган, сўнгги пайтда буюк мутафаккирнинг “Минералогия” асарини ўзбек тилига таржима қилган адиб, адабиётшунос, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Азиз Қаямов тақдирланган, 2016 йилда эълон қилинган танловда эса фонд Бошқарув Кенгаши навбатдаги мукофотни Бобур халқаро жамоат фонди ва Бобур халқаро илмий экспедициясининг раҳбари, табиатшунос, бобуршунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабовга бериш туғрисида қарор қабул қилган эди.

Меҳнат фахрийси, собиқ туман ҳокими Рейимбой Қуронбоев тадбирни кириш сўзи билан очиб, йиғилиш қатнашчиларини Зокиржон Машрабовнинг қисқача таржимаи ҳоли, ижтимоий фаолияти билан таништирар экан, уларга бундан роппа-роса ўн тўққиз йил аввал айна шу изғиринли маҳалларда, янаям аниқроғи, 1997 йил 18-19 декабрь кунлари юз берган бир тарихий ҳодисани эслатди ва ана шу ҳодисалар муҳрланган видео лавҳаларни томоша қилишга таклиф этди.

Зокиржон ака раҳбарлигида 1993 йили Афғонистонга сафар қилган чоғимизда Абу Райҳон Берунийнинг Ғазни шаҳри чеккасида, шоли пайкаллари билан қўшилиб кетиш арафасида — ғоятда ғарибона ҳолатда ётган, тепасида мақбарасидан фақат бир уюм тош қолган қабри кўриб қандай афтода ҳолга тушганимизни яхши эсламан. 1997 йили қиш чилласи бўсағасида Зокиржон Машрабов мамлакатимиз Президентининг топшириғига биноан қисқа муддат ичида бир неча ҳамроҳи билан Афғонистонга икки бора ўтиб, кейинги сафарида кўп машаққатлар билан

Ўзбекистонга Беруний қабри хокидан олиб қайтган ва яна давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра, тупроқни Беруний таваллуд топган қадимий Кот — ҳозирги Беруний туманига келтиришган эди. Ўшанда, Рейимбой оғанинг айтишича, 18 декабрь, тунги соат иккилар, ўчакишгандай, чироқ ўчиб қолган, шаҳарча зимзиё эди. Берунийликлар эса, ҳоким Рейимбой Қуронбоев бошчилигида Зокиржон Машрабов ва унинг ҳамсафарлари ўтирган “Жип”ни ўнлаб енгил машиналарнинг фаралари ёруғида, катта ҳаяжон ва олқишлар билан қарши олишади. Зокиржон акани худди миллий қаҳрамон мисоли кўтариб олишади, унинг елкалари, юз-кўзларини силаб зиёрат қилишади. Ярим тунда, чироқсиз кечада бунчалар иззат-икром билан қарши олишларини кутишмаган Зокиржон ака ва унинг шериклари машаққатлару чарчоқларни, йўлдаги қароқчилар таъқибини ҳам буткул унутиб, берунийликлар шодиёнасига қўшилиб кетадилар.

Эртасига бутун Беруний шаҳарчаси аҳли, узоқ-яқиндан хосиятли муждани эшитиб, ошиқиб келганлар туман марказидаги майдону кўчаларга оқиб чиқадилар. Берунийнинг Ғазнидаги қабридан олинган табаррук тупроқ махсус кутига солиниб, матолар билан анбар кўринишида жиҳозланган рамзий тобутни одамлар қўлдан қўлга, елкадан елкага олиб, шаҳарча кўчаларини айлантириб чиқадилар ва шундан кейин бир кун олдин қазиб, тайёрлаб қўйилган “лаҳад” томонга юрадилар. Ҳар бир берунийлик ёки меҳмон тобутга интилиб, талпиниб, лоақал унинг дастасига қўлини теккизиб олишга ҳаракат қилар, тобут ортидан келаётган халойиқ худдики дарё оқимини, Жайхун тўлқинларини эслатарди...

Сал кам ярим соатли видео ролик залда ўтирганлар кўз олдида ана шу ўта хаяжонли ҳолатни қайта гавдалантирган эди. Ҳамма бутун вужуди, кўзи кулоққа айланиб, экранга тикилиб ўтирар, афтидан, ҳар ким видеодаги тобут кўтарган ё орқадан эргашиб бораётган халойиқ орасидан ўзини ахтарар ва ўша воқеалар ичига қайта шўнғиб кетган эди. Дам-бадам сафар кийимидаги, ўз ишидан кониқиш ҳосил қилган, берунийликларнинг аждодларига бўлган эътиқоди, эҳтиромидан ҳайратга тушган Зокиржон Машрабов йирик планда кўрсатиб кўйиларди.

Зокиржон акани кечаги интиқ кутишлар ва унга кўрсатилган эҳтиромлар сабаби шунда эди. Зеро, қорақалпоғистонликлар, жумладан, берунийликлар Бобур халқаро илмий экспедицияси раҳбарининг жасорати ва матонатини (хорижий давлат худудидаги қабрдан тупроқ олиб келиш ҳазилакам иш эмас!), олижаноб ва эзгу ишини унутишмаган, унинг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги, қадриятпарастлигини юксак қадрлашарди.

Видео лавҳа тугагач, хона ҳам, кўнгиллар ҳам қайта ёришди, кўпчилик энгил бир сўлиш олди, чапаклар, хитобли олқишлар янгради.

Шундан кейин Зокиржон Машрабовга “Беруний авлодлари” фондининг мукофоти берилганлиги эълон қилинди. Фонд раиси Қуронбой Шониёзов гулдурос қарсақлар остида Зокиржон аканинг кўксига мукофотнинг юлдузсимон қирралари ажиб бир тарзда уйғунлаштирилган кўркам, тилло жилоли кўкрак нишонини тақиб, мукофот пули, дипломини топширди, сарпо кийдирди. Туман ҳокими ўринбосари Роза Машарипова, тиббиёт фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Бозорбой Ўразалиев, филология фанлари номзоди, адабиётшунос Ваҳоб Раҳмон, меҳнат фахрийси Дурхоним Сейитниёзова, Хоразм Маъмун академияси илмий котиби, тарих фанлари номзоди Машариф Абдуллаев, шоир ва журналист, “Правда востока” газетасининг Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари мухбири Янгибой Кўчқоров, “Тамаддун нури” журнали бош муҳаррири, шоира Мунаввара Курбонбоева, мусаввир Собир Қутлимуродов ва бошқалар мукофот соҳибини

самимий муборакбод этиб, қайта-қайта миннатдорчилик билдирдилар, ёшлар гуллар билан хурмат бажо айладилар.

Ҳа, айтгандай, бир йўлда бир неча йуналишни қамраб, бир ўқ билан икки-уч куёни уриш шиорини маҳкам тутган Зокиржон ака бу ерда яна бир режасини амалга оширди. Аслида, у қадимги Жанубий Хоразмнинг пойтахти Котга сафаридан анча аввалдан Бобур халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлимини ташкил этишни кўнглига тугиб юрган эди. Бу борада йўл-йўлақай Ваҳоб Раҳмон иккимизнинг фикримизни олиб, бўлим раҳбарлигига номзод масаласини ҳам тахминан пишитиб келган эди. Беруний тумани меҳмонхонасидаги суҳбат чоғида шу ҳақда гап очган эди, туман ҳокими Фарҳод Эрманов, “Марҳамат, бўлимни бизда очинглар, қандай ёрдам керак бўлса, кўрсатамиз”, деб хайрихоҳлик билдирди.

— Майли, ўйлаб кўрайлик, — деди Зокиржон ака.

Эртасига эрталаб Эликқалъа меҳмонхонасидаги нонушта пайтида Зокиржон аканинг ниятидан хабар топган туман ҳокими Неъматилла Худойбергандов Бобур фондининг бўлимини ўзларида очишга тайёр эканлигини самимий тарзда таъкидлар экан, у ҳам берунийлик ҳаммансабининг кўмак тўғрисидаги сўзларини такрорлади.

— Ноқулай бўлди, — деди Зокиржон ака, кейин биздан маслаҳат сўрагандай.

Дарҳақиқат, иккала ҳокимнинг ҳам маърифатли раҳбарлиги, иккаласининг ҳам буюк аждодларимизга, жумладан, Бобур мирзога ихлоси, Андижонга хурмати баландлиги сезилиб турарди.

Тўхтамга яна Зокиржон аканинг ўзи келди. Беруний тумани ҳокимлигидаги қабул пайтида Фарҳод Эрмановнинг “Хўш, Бобур фондининг бўлимини қаерда очадиган бўлдинглар” деган саволига у: “Сизларда жуда бир нуфузли фонд бор. Менимча, фонд иккита бўлса, эътибор ҳам, кучлар дам, имкониятлар ҳам бўлиниб қолармикин...” дея дипломатик жавоб қайтарди.

— Майли, сиз нима десангиз, шу, бўлим қаерда очилса ҳам, кўлимиздан келадиган ёрдамни бераверамиз, — деди зукко ҳоким бағрикенглик билан.



Алалхусус, соҳага, масалага дахлдор бошқа ўртоқларнинг ҳам карашлари, таклифлари ўрганилгач, Бобур халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлимини Эллиққалъа туманида очишга келишилди. Бўлим бошлиқлигига туман ҳокими ва ўзгаларнинг тавсияларига кўра, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Янгибой Қўчқоров муносиб топилди.

Шундай қилиб, Беруний ва Эллиққалъага қилган сафаримиздан кўзда тутилган ишларни ярим кунда саранжомлаб, орқага қайтдик. Зокиржон ака эртасига тушгача Тошкентга етиб бориши ва Бобур энциклопедиясини 2-чи нашрга тайёрловчи олимлар билан учрашмоғи керак эди. Бунинг устига, йўлга чиққан заҳотимиз Андижон вилоят ҳокимлигидан кўнғирок қилишиб, уни Тошкентга, Вазирлар Маҳкамасига чақиришаётгани ҳақида хабар беришди. Раҳбар эндигина Қорақалпоғистондан чиққанини, Тошкентга фақат эртага етиб бора олишини айтди.

Самарқандга кечаси соат ўн бирларда келиб, кадрдон “Шаҳзода”да тунадик-да, кейинги куни шитоб юриб, соат ўн иккиларда Бобур фондининг Тошкентдаги маҳкамасига етиб бордик. Дарҳақиқат, “Бобур энциклопедияси” бош муҳаррири, муаллифлар таърифича, ўта талабчан математик-адабиётшунос Абдулла Аъзам, нашрга масъуллардан яна бири, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев шу ерда экан, кўп ўтмай, бирин-кетин бошқа муҳаррир ва муаллифлар ҳам кириб келишди. Зокиржон ака Абдулла Аъзам масъуллигида олимлардан энциклопедиянинг янги нашрга ҳозирланган қўлёзма матнини қабул қилиб олди ва уларга, шунингдек, “Фермер” журнали ходимларига кириб келаётган Янги йил муносабати билан совға-саломлар инъом этди.

Шундан кейин у ўзаро келишувларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига бориб, ҳаяжон ва бир дунё хайрли ташвишлар билан қайтиб келди. Бош вазир ўринбосари билан суҳбатда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан 2017 йили Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва

ижодини кенг миқёсда ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг номини абадийлаштириш, Бобур боғини янада кенгайтириб, ободонлаштириш ва жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган, бу эса Бобур мирзонинг ашаддий ихлосманди, тарғиботчиси Зокиржон Машрабовга янада катта куч-ғайрат бағишлагани унинг кўтаринки кайфиятидан сезилиб турарди. Андижонга ҳам ана шу кайфиятда етиб келдик.

Орадан атиги тўрт кун ўтиб, Эллиққалъадан хушхабар келди: Бобур халқаро жамоат фондининг янги ташкил этилган бўлими туман ҳокимлиги раҳнамолигида мактаблар ва касб-хунар коллежлари ўртасида “Бобур билимдонлари” мавзуида танлов эълон қилиб, унинг ижросига киришибди.

— Иш деган мана бундоқ бўпти, — дейди Зокиржон ака завқ билан.

Яхшилик, эзгулик йўлида қилинган меҳнату чекилган заҳматлар ҳеч қачон изсиз, баҳосиз, қадрсиз кетмаслигига қуйидаги муносабат ва эътироф яна бир ёрқин мисолдир.

## ДАВЛАТ РАҲБАРИ МАЪРУЗАСИДАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2016 йил 1 ноябрь куни Андижон меҳнаткашлари билан бўлган сайловолди учрашувида кенг қамровли маъруза қилиб, жумладан, маданий-маърифий соҳаларга, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига алоҳида тўхталди**

*“...Шонли тарихимизга қарасак ҳам, бугунги кунга боқсак ҳам, Андижон заминида кўп соҳалар бўйича қанчадан-қанча буюк, фидойи инсонлар етишиб чиққанига амин бўламиз. Чунки, ўз миллати, ор-номуси учун бел боғлаб, майдонга чиқиш Андижон аҳлига хос азалий одат. Мана, улуғ аجدодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни олайлик: бу буюк зот 12 ёшидан бошлаб марказлашган йирик теурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга ҳам-чўққа ҳам урди. Ҳеч қандай ёвуз душмандан ҳам, таҳликали*

*синовлардан ҳам кўрқмади. Қирқ етти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билмасдан ўз авлодларига, Ватанига бўлган буюк муҳаббатини, эзгу фазилатларини намойиш қилди ва уларни бизга табарруқ мерос қилиб қолдирди.*

*Биз ҳозир ҳамма ерда Бобурийлар авлодимиз, деб гурурланамиз. Ҳиндистондай бир миллиарддан кўпроқ халқи бўлган юртга борсак, улар бизга – бобурийларга, андижонликларга, Бобур ворисларига таъзим қиладилар. Шундай бунёдкорни яратган юртни ўпишга ва унинг элига мингдан-минг таъзим қилишга шайдирлар. Улар ҳар куни бунга тайёрдирлар. Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, бизнинг болаларимизга гурур билан айтадиган буюк аجدодимиздур. У Андижонда туғилди, Андижонда камол топди. Нима учун у ўзини бир умр ўтга-чўққа урди? Бу табиий гаплар, китобий эмас. Агар “Бобурнома”ни ўқисангиз, биласиз, ҳақиқатда мен ўзбекман, мен Андижонликман, деб шунча йил ҳукмдорлик қилиш ва шунча алгов-далговли асрларда из қолдириш кимнинг қўлидан келган? Бизнинг мана шундай аجدодларимиз борлиги, мана шулар Андижон фарзанди эканлигини ҳеч қайсимиз, ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.*

*Мен сизга битта нарсани эслатаман ва илтимос қиламан. Китобхонлик, ўқиш, китоб ўқиш, ўзлигимизни англаш нуқтаи назаридан, ўзлигимизни англаш учун китоб ўқиш керак! Турли соҳаларда бизнинг анча-мунча камчилигимиз бор, десак, Андижонга ҳам бу камчилик хос, десак – бу ҳам адолатдан бўлади. Биз бугун мулоқот нуқтаи назаридан ана шу адолатни тикласак, бобомизга ўхшаб, ўзимизни кўп-кўп ўтга-чўққа урсак, бизни улуг келажак кутади. Лекин, минг афсуски, биз жуда секин юрамиз. Юрайми- юрмайми, борамиз-да, деб бамайлихотир, аста-секин юрамиз. Азизлар! Секин юрган одам ҳеч қачон улуг марраларга етишган эмас. Ўзини ўтга-чўққа урган одам, гурури-ифтихори бўлган одам ўзининг олий, улугвор ниятига етади.*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз Ватанига бўлган буюк муҳаббатини, эзгу фазилатини мерос қилиб қолдиргани, бу ҳаммамизга аён. Эл-юрт*

*тақдири учун куюниб, тиним билмай яшаган ана шундай ажойиб инсонларнинг давомчилари бугун ҳам Андижон заминида кўплаб топилади. Ҳаммамиз яхши танийдиган Бобур халқаро фондининг раиси, ҳурматли Зокиржон ака Маширабовни мен худди шундай мард, ватанпарвар инсон, деб биламан. У кишининг қилган ишлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун алоҳида бир конференция ташкил қилсак ҳам кам бўлади. Зокиржон аканинг саъй-ҳаракатлари билан Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рамзий қабри, ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Бобур ва унинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш буйича катта-катта ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Афғонистондаги қонли уруш туфайли Алишер Навоий бобомизнинг вайрона бўлиб ётган қабр мақбарасини тиклаш ва обод қилиш мақсадида Бобур халқаро фонди аъзоларининг мамлакатимиздаги тегишли ташкилотлар кўмагида ўтган йили Ҳирот шаҳрида улкан ишларни бажариб кайтганидан, ўйлайманки, сизлар ҳам албатта хабардорсиз. Зокиржон Маширабов, шу билан бирга, Мавлоно Лутфий ва Бехзод каби аجدодларимизнинг муқаддас қадамжоларини топиш ва обод қилиш, уларнинг меросларини йиғиш, ўрганиш ва тарғиб этиш ишларига бош-қош бўлиб келмоқда. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деган сўзларни ўзига шиор қилиб яшаётган бу фидойи инсонга, келинлар, ҳаммамиз биргаликда янги куч-гайрат, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайлик!*

*Албатта, айтиш осон, лекин биласизларми, кўп одамлар бу ёшида хотиржамликни хоҳлайди. Тинчгина, невараларнинг олдида ёки Андижонда чойхонага бориб, чўнгара гуручида дамланган паловни мазза килиб еб ўтирса бўлади-ку?! Лекин бу одам биз қабул қилмасак, ойнадан, эшикдан қўймасак, ойнадан, ойна ҳам ёпиқ бўлса, худонинг амри билан ҳаводан киради. Иш битиришга қани энди шундай одамлар кўпроқ бўлса, мана шундай ишлар қилса-да! Чет элларнинг кўп кутубхоналарида, музейларида қанчадан-қанча ноёб қўлёзма асарларимиз, бебаҳо меросимиз ётибди.*

*Албатта, Бобур бобомиз, аждодимиз, деб кўп гапирамиз. Лекин ташвиқот ишлари етарли эмас, десак бу ҳам тўғри бўлади. Нимага шуни Андижон бошламайди!? Мана, Зокиржон аканинг ҳаракати билан, боғ қилиб қўйибмиз. Лекин боғ ҳали Андижонга, Бобурга ярашадиган даражада эмас, десак, тўғрироқ бўлади... Мана, мен ёрдамга тайёрман, авваламбор Бобур боғини замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги боққа айлантирсак. Хивадан хоразмликлар, сурхондарёликлар ҳам Бобур боғига борамиз, деб Андижонга келишадиган бўлар эди... Андижонда Бобур боғини, жамғармасини, домла ният қилгандай, дунё танийдиган жамғарма қилайлик... Шу борада ҳаммамиздан бир из қолиши учун, келинлар, 2017 йилни Андижонда Бобур йили, деб эълон қилайлик.*

*Ўзлигимизни англашни шундан бошлашимиз керак. Бобурдек буюк зот Андижонда бор. Яна қаерда бор? Йуқ-ку!? Худога шукур, вақт-соати келди, энди иқтисодиётимиз барқарор. Андижонда катта заводлар бор. Шу заводлар бўлармиди, танимизда Бобурийлар қони бўлмаганда?! Уч ой муҳлат ҳаммамизга. Бугунги гапдан хулоса қилиб, фондимизнинг обрўсини янада кўтарайлик ва шунга яраша бир иш ҳам қилайлик-да. Андижондаги Бобур тарихини, биз фақат ойнаи жаҳонда кўрамиз. Қарор қилинсаки, ҳар бир мактаб, коллеж, лицей, олийгоҳда алоҳида Бобур соатлари ўтилса, икки соатдан. Олтинчи синфдан тўққизинчи синфларгача, коллежда ҳам, лицейда ҳам. Керак бўлса, олийгоҳларда ҳам буюк Бобурнинг тарихини ўргатиш ва ўқитиш Андижонда бошқачароқ бўлса. Ахир Бобур Андижонлик-ку. Ҳозирча, Андижонда ҳам, Сурхондарёда ҳам Бобур бир хил ўрганилмоқда. Бу адолатдан эмас-ку. Андижон фарзандлари Бобурнинг тарихини, ижодини, китобини, шеърларини Бобур деганда, баралла, ҳамманинг ҳаваси келадиган даражада ўқиши, ўрганиши керак. Бобур ижодини ўрганиш бўйича танловлар бўлса, йил якунига кўра, биринчи ўринни олган ёшлар, керак бўлса, Ҳиндистонга юборилса, ўша жойда уч-тўрт кун юриб, Бобур тарихини, руҳини олиб қайтса, қандай яхши бўлади!..”*

## ХОНЗОДАБЕГИМ ЖАСОРАТИ

Бобуршуносликда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг бир туғишган опаси Хонзодабегимнинг Шайбонийхон никоҳига кириши билан боғлиқ воқеа ва унинг сабаблари турлича талқин этилади. Кимдир “темурий маликаларнинг ажойиб вакиласи дипломатия қурбони бўлган” деса, яна кимлардир Бобур Мирзога андак таъна қилгандай бўладилар. Зокиржон Машрабов эса Бобур Мирзога ҳам, унинг авлод-аждоди шаънига ҳам заррача доғ юқишини хоҳламайди, тўғрироғи, ноўрин доғ юқишини...

“Менинг ҳамюртларим – журъатли инсон, одамийликда тенги йўқ малика Хонзодабегим ва унинг жигаргўшаси Бобур Мирзо ўртасидаги ўша даврдаги муносабатлар тўғрисида кўп ўйлайман, – деб ёзади Зокиржон ака бир ўринда. – Ўйлаган сарим бутун борлигим яшнаб кетади, нурга тўлади ”. Опа-ука Хонзодабегим ва Бобур тўғрисидаги воқеаларни бошқача талқин қилиб, салбий муносабатлар билдириб мақолалар чоп этаётган айрим олимларимизнинг фикрларига қўшилмайди Зокиржон Машрабов. Масалан таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг Хонзодабегимга нисбатан “дипломатия қурбони бўлган” деган хулосасини унчалик мақбул эмас деб билади, катта тарихчи олим Ашраф Аҳмедовнинг Бобур Мирзога қарата айтилган “Самарқандни шармандаларча ташлаб чиқиб кетди” қабилдаги ибораларини, айтиш вақтда “ер юзи аҳолисини қирғинбарот қилган Чингизхоннинг авлодлари – темурийлар, бобурийларни инқирозга учратган Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахонларни мақтаб, уларни Мовароуннаҳрга – Самарқандга келишини айтиш муддао бўлган” деган қарашларини кўпол хато ҳисоблайди.

“Биринчидан – дейди Зокиржон ака республикамиздаги нуфузли оммавий ахборот воситаларидан биридаги суҳбатда, – Хонзодабегим шоҳлар сулоласининг зукко, узоқни кўра биладиган авлоди эди, шунинг учун буюк дипломат, қолаверса қондошини бениҳоя яхши кўрувчи опа сифатида йўл тутган... Шайбонийхоннинг таклифини қабул қилиш билан нафақат Бобур Мирзони, бошқа оила аъзоларини ҳам бевақт ҳалок бўлишдан сақлаган.

Хонзодабегим ана шу жасорати билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга тарих сахнасида ўз ўрнини яна қайта топиб, уч асрдан зиёд давом этган бобурийлар сулоласига асос солишига йўл очди.

Иккинчидан, тарихга назар ташласак, энг кучли саркардалар ҳам жангларда дам енгган, дам енгилган. Бобур Мирзо ҳам бундан мустасно эмас. Лекин унинг нияти улуг бўлган, яъни буюк Амир Темурдан кейин парокандаликка учраган темурийлар салтанатини тиклаш ва марказлашган давлатни қайта барпо қилиш учун жонини хатарга қўйиб курашган. Афсуски, ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ёш шаҳзода ўша даврнинг муҳити сабаб енгилди. Бироқ Бобур Мирзо юрагидаги орзусини Ҳиндистонда амалга оширди, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистонни бирлаштириб, буюк бобурийлар салтанати (империяси)ни барпо этди. Ва бу салтанат 332 йил расман, маънан эса дунё тамаддунида ҳамон давом этмоқда. “Бобурнома”, “Ҳумоюннома” ва Бобур Мирзонинг бошқа асарлари жаҳон кезмоқда, уларни ғарбу-шарқ олимлари ўрганмоқда, Бобур ва бобурийларнинг асарлари нафақат бизда, дунё китобхонлари қўлида, жаҳонга манзур ва машҳур кутубхоналарга файзу барака бериб турибди. Ва буларнинг барчасида Хонзодабегимнинг опалик, маликалик хизматлари беқиёсдир. Хонзодабегим ва Бобур Мирзо муносабатларидан замондош-ёшларимиз энг аввало яқинларига яхшилиқни - меҳру-муҳаббатни, эътиборни, мурувватни, оқибатни ўрганишлари керак. Буюк аждодларимизнинг мана шу серқирра ва олижаноб фазилатларидан ибрат олсалар ҳаётлари янада мазмунли ва бахтиёр бўлишига эришадилар”.

Зокиржон Машрабов Бобур Мирзонинг меҳрибон опаси Хонзодабегимга азбаройи ихлоси баландлигидан бу оқила, жасур малика ҳақида йирикроқ бир асар ёзилишини жуда-жуда хоҳлар ва Бобур ва бошқа тарихий шахслар ҳақида маъқулгина ҳикоялар ёзиб юрган андижонлик истеъдодли адиба Омина Тожибоевани ҳар гал кўрганида унга “Холис” газетасида босилган Хонзодабегим тўғрисидаги ҳикоянгизни каттароқ асарга, романга айлантурсангиз-чи...” дея таъкидларди. Албатта, Омина Тожибоевнинг бу жиддий ва ўта масъулиятли ишга киришиши енгил бўлмади, у узок ўйланиб

юрди, иккиланди. Уддасидан чиқа олармикинман, деган хавотир, андиша уни шаштидан қайтармоқчи бўлар, лекин ҳар гал Зокиржон ака “Бошладингизми?..” дея саволга тутганида, тезлаштиришни тайинлаганида унда қандайдир умид, ишонч, куч пайдо бўларди. Масаланинг бошқа жиҳати – манбаларда Хонзодабегим ҳаёти ва тақдири ҳақида маълумот кам эди. Адиба бор маълумотларни мумкин қадар синчиклаб ўрганди, тасаввурига зўр берди. Маҳкам Маҳмуд Андижоний ёзганидек, “... икки оғиз жумлада ҳассослик билан айтилган фикрларнинг замирида яширинган маъноларни ҳар томонлама ўйлаб”, воқеаларни бойитишга уринди ва ниҳоят битказиб, асарни соҳа билимдонлари, ноширлар диққат-эътиборига ҳавола этди. Роман (“Шамолларда учган нидолар”) уларга маъқул бўлди ва 2016 йили мамлакатимиздаги нуфузли нашриётлардан бири “Ўзбекистон” НМИУда гўзал бир муқовада босилиб чиқди. Шу тариқа Зокиржон Машрабовнинг яна бир орзуси ушалди.

- Таниқли адиба Омина Тожибоевани “Шамолларга учган нидолар” романини ўқиб, Бобурий маликалардан етишиб чиққан зукко тарихнавис шоира, олималар - Гулбаданбегим ва Зебунисобегимлар билан янада фахрланиб кетдим-да, Бобурий маликаларнинг суратларини яратиш учун таниқли мусаввиримиз Улуғбек Болтабоевга буюртма бердим, - дейди Зокиржон ака суҳбатларимизнинг бирида.

Зебунисобегим кўлида араб алифбосида, форс тилида битилган: “Менинг ёрим ҳам китоб, борим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китобдир” деган ёзув тасвирланган гўзал асар ҳозир “Бобур ва жаҳон маданияти” музейининг зийнатларидан бири сифатида намоёниш этилмоқда.

Омина Тожибоева юқоридаги асари учун 2019 йили халқаро Бобур мукофоти билан тақдирланди.

## **БОШҚА ВОҚЕАЛАР**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллига бағишланган илмий анжуман гарчи 2017 йилнинг феврида ўтказилган бўлса-да, фонд



раҳбарининг ҳисоботи ва бошқа нотикларнинг сўзларида келтирилган маълумотларнинг аксарияти 2016 йилга тегишли бўлгани учун ҳамда музокарада фонд, экспедиция фаолияти кенг муҳокама этилганини инобатга олиб, йиғилиш тафсилотларини ушбу ўринда қисман келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

Анжуманни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, иштирокчиларни буюк қомусий олим, йирик давлат арбоби, беназир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди билан табриклагач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Андижондаги сайловолди учрашувида Бобур ва бобурийлар ижоди, фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш борасидаги маърузасидан тайёрланган видеолавҳа иштирокчиларга намойиш қилинди. Сўнг Муҳаммад Али Президентимизнинг буюк аجدодларимиз ижоди ва фаолиятига берган баҳосидан ғурурланишимиз баробарида, катта маъсулиятни ҳис қилиб, Бобур ва бобурийлар ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғибу ташвиқ қилиш кераклигини таъкидлади. 2017 йил Андижонда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили” деб аталиши муносабати билан бу ишлар янада кучайишига ишонч билдирди. Бу борада фидойилик кўрсатаётган Бобур номли халқаро жамоат фонди раҳбари ва фаолларига алоҳида миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган китобларни совға қилди.

- 2016 йилнинг сўнгги ойлари Андижонликлар учун ниҳоятда қувонарли бўлди десам муболаға эмас, – деди фонд раҳбари З. Машрабов ўз ҳисоботида. – Мана, анжуман бошида бу ҳақдаги махсус фильм намойиш қилинди. Гувоҳи бўлганинглардек, давлатимиз раҳбари 2017 йилни Андижонда "Бобур йили" деб атади. Бобур фонди ва халқаро илмий экспедициянинг фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, келгусида Бобур миллий боғини жаҳон андозаларига мос ҳолда таъмирдан чиқариш буйича таклиф-топшириқлар берди. Шундан келиб чиқиб, 3 ноябрь куни фонд бошқарув кенгаши томонидан фонд фаолиятини янада ривожлантириш ва Бобур боғини қайта таъмирлаш юзасидан тайёрланган таклиф-лойиҳа режаси муҳокама қилинди ва маъқулланди. Бу таклиф вилоят ҳокимлигининг йил дастурига киритилди. Президентимиз бизга уч ой муҳлат

берган эди. Берилган муддат ичида Бобур ва бобурийлар ижоди, фаолиятини кенг тарғиб қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Боғда ҳам таъмирлов бошланди.

“Бобур энциклопедияси”нинг бош муҳаррири Абдулла Аъзам қомуснинг иккинчи наشري юзасидан қилинган ишлар, бобуршунослар олдида турган янги вазифалар тўғрисида гапириб, ғарб олимлари томонидан қўлланиб келинаётган “Бобур мўғул” деган ножоиз атамани истеъмолдан чиқариш вақти аллақачон етганини, бу борада қатъийроқ, амалий ҳаракат зарурлигини таъкидлади. Бобур Мирзонинг ота шаҳри Андижонда, темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандда ҳам Бобур ҳаётини акс эттирувчи ёдгорликлар ўрнатиш таклифини билдирди.

Ушбу таклиф юзасидан мажлис раиси З. Машрабов фикр билдириб, айти пайтда уста сангтарош Тохиржон Раҳимов томонидан ўн тонналик тошга Бобур Мирзо ҳаётига оид битиклар ёзилиб тайёрланаётгани, яқин вақт ичида ушбу тош Бобур миллий боғига қўйилишини, келгусида шоир қаламига мансуб байтлар чекилган бошқа тошлар ҳам ўрнатилишини маълум қилди.

Шунингдек, нотиқ Республика Ёзувчилар уюшмаси Алишер Навоийнинг 14 томлик танланган асарларини чоп этаётганидан хурсанд эканини, Бобур китобларининг ҳам уюшма томонидан нашр қилиниши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулло Болтабоев кейинги йиллар бобуршунослигидаги муваффақиятлар хусусида тўхталиб, ҳали илмий изланишлар давом этиши, айниқса “Бобурнома” асарини, унинг янги-янги қирраларини ўрганиш кераклиги ҳақида гапирди. “Бобур энциклопедияси”, “Захириддин Мухаммад Бобур. Бабуриды. Библиография” китобларининг соҳадаги аҳамиятига эътибор қаратди. Бобур мавзуида янги асарлар кўпаяётгани, илм аҳли, ёш тадқиқотчилар томонидан диссертациялар ёзилаётгани мамлакатимизда Бобур ижодига, фаолиятига бўлган қизиқишнинг ошаётганидан далолатдир, деди.

Бобуршунос Ҳасан Қудратуллаев “Бобур энциклопедияси”нинг иккинчи, тўлдирилган нусхасида аввалги нашрдаги камчиликлар бартараф қилинганлиги ва янги манбалар билан бойитилганлигини, умуман, энциклопедиянинг дунё бобуршунослиги ва шарқшунослигида муҳим воқеа эканлигини эътироф этди.

- Бобурийларнинг "мўғул" деб аталиши билан боғлиқ масала 2002 йилда Самарқанда ўтказилган конференцияда алоҳида мавзу сифатида кўтарилган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг авлоди бўлмиш Бобур Мирзонинг ўзбеклигини исботловчи далиллар етарли. Шунинг учун навбатдаги анжуманда бу ҳақда жиддийроқ чиқиш қилиниши лозим, – дея Абдулла Аъзам таклифини қўллаб-қувватлади олим. (Зокиржон Машрабов ҳам бу эътироз ва таклифни анча йиллардан бери катта-кичик йиғинларда таъкидлаб келарди).

Турон Академиясининг раиси Ҳайдарбек Бобобеков бугунгача қўлга киритилган ютуқлар яхши, аммо Бобур Мирзонинг тарихчи сифатидаги қиррасини яна ҳам яққолроқ кўрсатиш учун изланиш, тадқиқотлар олиб бориш зарур, деган истакни билдириб, Бобур халқаро фонди қошида илмий текшириш институтини очиш хусусида таклиф киритди ва Турон Академияси томонидан чиқарилган китоб ва журналлардан Фондга туҳфа қилди.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг мулоҳазаларига кўра, Бобур ҳақида қанча кўп китоб, асарлар ёзилган бўлса-да, яна ўшанча асарлар битилиши керак. Чунки ҳали Бобур Мирзонинг очилмаган қирралари кўп. “Бобур Андижонда туғилган, буни ҳеч ким инкор этолмайди, аммо унинг илдизи Самарқандда, шу маънода Самарқанд дарахт бўлса, Андижон унинг шохларидир,” деди ва давлатимиз раҳбарининг буюк аждодларимиз номларини абадийлаштиришга катта эътибор бераётганидан мамнунлигини изҳор этди. Бу йўлда эзгу ишларни бажариб келаётган Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедициясига ҳали етиб борилмаган жойларга ҳам бориб, Бобурийларнинг кўпларга маълум бўлмаган бошқа асарларини ҳам топишларида муваффақият тилади.

Балх университети (Афғонистон) профессори Зиёвуддин Қайсарий Бобур шахсиятини алқар экан, “Бобур – маданият, Бобур – тарих, - деди. - Асрлар

ўтса-да, у авлодларни бир-бирларига яқинлаштирмоқда. Асарлари орқали маънавиятга, маданиятга хизмат қилмоқда. Афғонистонда Бобур ижодий мероси, афсуски, Ўзбекистондагичалик чуқур ўрганилмайди. Биз бу ерга келиб билдикки, Бобурни тарихчи, географ, олим, адабиётшунос, биолог каби кўплаб фанларнинг билимдони сифатида кадрлар экансизлар. Бундан ниҳоятда хурсандман. Ва бу ердан кўп нарсаларни ўрганиб кетаяпман”.

Яна бир афғонистонлик Азизилло Арал Бобур ва бобурийлар ижодини дунё бўйлаб кенг тарғиб қилишдаги фаолияти учун Бобур халқаро жамоат фондига офаринлар айтиб, Фонднинг Афғонистонда олиб бораётган эзгу-савоб ишлари учун Зокиржон Машрабов халқаро Алишер Навоий мукофоти билан тақдирланганини эслатиб ўтди. “Биз ҳам бу ишга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаёмиз. “Бобурнома”дан маълумки, ўсимликлар билан маҳсул шуғулланган Бобур, хусусан, Афғонистон, Кобул табиатини таърифлаб, 20 дан ортиқ лола турларини аниқлаган. Ҳозирда биз лолаларнинг 10 дан зиёд турини излаб топдик. Келгусида уларни экиб кўпайтириш учун Андижонга ҳам олиб келамиз,” деди меҳмон ва Фонд раҳбарига ўз совға-саломларини тақдим этди.

Қирғизистонлик олим, Ўш давлат университети адабиёт кафедраси мудирини Равшанбек Турсунов Бобур ижоди юзасидан Ўшда олиб борилаётган илмий изланишлар хусусида ахборот бериб, анжуманлар ва тадбирлар орқали ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ҳақида ёшлар билимини чуқурлаштиришга ҳаракат қилинаётганига урғу берди. Ўш адабий муҳитида ҳам ижодкорлар баҳоли қудрат Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, унга бағишлаб асарлар яратишаётгани, ўзбекистонлик ижодкорлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ шоираси Энахон Сиддиқова ҳазрат Алишер Навоий ва Мирзо Бобурдек буюк аждодларимизнинг борлиги биз учун катта бахтдир. Ана шундай улуғларимизни улуғлаб, ижодларини ёш авлодга янада чуқурроқ сингдиришдаги меҳнатлари учун Бобур номли жамоат фонди фидоийларига қанча кўп ташаккур айтсак шунча оз. Уларни қўллаб-қувватлаб, ўз ижодларимиз

билан камарбаста бўлмоғимиз керак, деди шоира ва Бобур ғазалига боғлаган мухаммасини ўқиб берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, таниқли шоир Янгибой Қўчқоров Эллиққалъа туманида Фонднинг бўлими очилгани қорақалпоқ адиблари, шоирлари, умуман барча зиёлилар учун яхши бўлди. “Бобур авлодлари” танловини республикада биринчилардан бўлиб ўтказиб, шунга амин бўлдикки, ёшлар орасида Бобур асарларини ўқиб, ўрганаётган йигит-қизлар жуда кўп экан, бундан фақат хурсанд бўлиш керак, деб, бобурхонлик мушоирасини давом эттирди.

Йиғин ниҳоясида Бобур ва бобурийлар ижодини кенг тарғиб- ташвиқ қилишдаги хизматлари учун “Фермер” журнали бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов, Бобур Мирзонинг шоҳона либосларини яратгани учун Олтинкўл агроиқтисодиёт коллежи ўқувчиси Гулсора Маъмировалар Бобур халқаро жамоат фондининг тақдирлов ёрлиғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

## **АНДИЖОНДА “БОБУР ЙИЛИ”**

Бобур фондининг режаларидаги, баъзида мўлжалдан, навбатдан ташқари йиғинлар, тадбирларни ўтказиш, уларга четдан келадиганларнинг ётоқ, айримларининг йўл ҳақи ва бошқа ҳаражатларини қоплаш, экспедициялар уюштириш, хорижий мамлакатлардан топиб келинган нодир китобларни таржима қилдириш, чоп эттириш ва яна кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш учун хийлагина маблағ зарур бўлади, албатта. Маблағ топиш эса, осон эмас...

Фонднинг молиявий манбаларидан бири бўлган “Бахт куши” лаҳзалик пул-буюм лотереяси, лицензия олиш муаммолари билан боғлиқ сабабларга кўра бир неча йилдан бери тўхтаб турган эди. Зокиржон Машрабов йиллар давомида мутасадди маҳкамаларга кўп бора мурожаат қилди, югуриб-елди, қабулхоналарда навбат кутиб турди ва ниҳоят рухсат олди. Лекин рухсат олиш – бу борадаги заҳматларнинг бир қисми холос. Энди лотерея билетлари ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган ҳамкорларни хорижий давлатлардан излаш керак. Зокиржон ака

ёнига таржимон олиб Германияга, Хитой Халқ Республикасига борди, бошқа масъул кишиларни юборди. Лотерея билетлари чиқариб келинди ҳам дейлик, энди унинг ўйинларини амалга оширишнинг ўзига яраша талаблари, қоидалари борки, уларни четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Ўйинларни ўтказиш билан боғлиқ умумий ташкилий масалалар, ҳужжатлар, билетлар сотишга маъқул ва хос одамлар топиш ва жой олиш муаммолари, экспертиза, ютуқларни эгаларига вақтида, беишқал етказиш гуруҳларини тузиш, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот олиб бориш ва ҳоказо... Лотерея билети сотувчилари билан лотерея ўйинида иштирок этувчилар ўртасида юзага келадиган ихтилофли, мунозарали ҳолатлар... Ўйин қоидаларини яхши англамай, жанжал кўтарадиганлар учраб туради. Кўпинча бу борада ҳам лотерея ўйинларини уюштириш бўйича умумий ишларни бошқариш комиссияси раиси Зокиржон Машрабовнинг “қозилик” қилишига тўғри келарди. Лекин на чора, тоққа чиқмасангиз дўлана қайда, жон қийнамасангиз... Нима бўлганда ҳам бу борада 2017 йил хайрли келди, лотерея яна фонднинг жонига ора кира бошлади.

\* \* \*

2017 йил Андижонда «Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили» деб эълон қилиниши ҳамда Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан февраль ойининг бошларида Фонд Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Шоир ва мутафаккир олим, шарқона одоб намоёниси З.М.Бобурнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида минтақавий конференция ўтказди.

Анжуман қатнашчилари – Ёшлар иттифоқи Наманган, Фарғона, Андижон кенгашлари фаол ёшлари дастлаб Бобур миллий истироҳат боғига ташриф буюриб, рамзий қабрни зиёрат қилдилар, бу ердаги шоир ҳайкалининг яратилиш тарихи, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейидаги ноёб экспонатлар билан, Фонд биносида жойлашган «Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи» музейидаги Андижон шаҳрининг 2500 йиллигини исботловчи ашёвий далиллар билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Андижондаги сайловолди учрашувида Бобур ва бобурийлар ижодига алоҳида тўхталиб, Бобур халқаро жамоат фонди ва экспедицияси раҳбари Зокиржон Машрабонинг буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги фаолиятини ибрат қилиб кўрсатгани ва бу соҳадаги ишлар кўламини кучайтириш юзасидан берган топшириқлари ҳақидаги видеолавҳа ёшларга намойиш этилди.

Шундан сўнг конференция иштирокчилари Зокиржон Машрабов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, тарих фанлари доктори, археолог Боқижон Матбобоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбари Хуршида Қўчқаровалар билан учрашдилар.

Зокиржон Машрабов сўзининг аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Бобур ва бобурийлар ижодига берган баҳоси – бу ҳам фахр, ҳам масъулият эканлигини алоҳида таъкидлаб, Фонд ҳамда илмий экспедицияни ташкил этиш жараёнлари, 25 йил давомида олиб борилган илмий изланишлар, дунё бўйлаб қилинган сафарлар натижасида қўлга киритилган ноёб манбалар, хорижда яшаб, ўша жойларда мангу макон топган буюк аждодларимизнинг қабрларини обод қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида мухтасар ахборот берди. Тўлан Низом Заҳиридин Муҳаммад Бобурдек дунё тан олган ва башарият маънавияти юксалишига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ворислари эканимиздан фахрланишимиз керак ва уларга муносиб издош бўлишимиз лозим, дея, ёшларни ўша аждодларимиздек мард, жасур ва ватанпарвар бўлишга чорлади ҳамда шу мавзудаги шеърини ўқиб берди.

Таниқли шоира Хуршида Қўчқарова ҳам ўтган мутафаккир зотлар олдидаги маънавий қарзимиз бу – уларнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишимиздир, деди. Айниқса, Бобур Мирзонинг ўз авлодларига қолдирган адабий меросини яхшироқ ўқиш ва уқиш инсон маънавий камолининг янада юксалишига хизмат қилишини таъкидлаб, ёшларни Бобур асарларини кўпроқ мутолаа қилишга ундади.

Ўз навбатида минтақавий конференция иштирокчилари ҳам сўз олишиб, атоқли аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш йўлида фидойилик

кўрсатаётган Бобур номли халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси аъзоларига ташаккур изҳор этдилар, Бобур Мирзонинг ғазалларидан ёд айтдилар.

Учрашув сўнгида З. Машрабов Ёшлар иттифоқи водий вилоятлари кенгашлари раисларига Фонд томонидан нашр қилинган «Бобур энциклопедияси», «Бобур – йулбарс», «Бори элга яхшилиғ қилғил» китобларидан, бошқа иштирокчиларга эса ўзбек адиблари ва олимларининг Бобур Мирзога бағишланган асарларидан тухфа қилди.

\* \* \*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни (14 февраль) муносабати билан ўтказиладиган анъанавий анжуман бу гал Фонд васийлик кенгаши ва Фонд бошқарувининг кўшма йиғилишига уланиб кетди. Аввало унда 2016 йили фонд томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботиغا кенг ўрин берилди. Зеро бажарилган юмушлар, тадбирлар қамрови шуни тақозо этардики, бу ҳақда аввалги саҳифаларда баён қилинди. Лекин шуни айтиш керакки, Фонд раислигига сайлов муддати келиб қолган бўлиб, йиғилиш кун тартибида шу масала ҳам бор эди. Шу муносабат билан Бобур халқаро жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси Д. Тўрақулов Фонднинг охириги 5 йил давомидаги фаолиятига баҳо бериб, унинг ўз низомида белгиланган фаолият йўналишлари юзасидан бажарган ишлари, чоп қилинган китоблар, ўтказилган анжуман ва хайрия тадбирлари, эришилган барча ютуқлар бевосита узоқ йиллардан бери Фондни бошқариб келаётган Зокиржон Машрабовнинг саъй-ҳаракатлари, унинг бой тажрибаси, тадбиркорлиги, жонқуярлиги, тиним билмай меҳнат қилиши, изланишлари, янги-янги ғояларни таклиф этиши натижаси эканлигини, шу боисдан ҳам Фонднинг нафақат мамлакатимизда, балки хорижий юртларда ҳам нуфузи ошиб бораётганини эътиборга олиб, кейинги муддатга ҳам Фонд раиси лавозимига Зокиржон Машрабов номзодини тавсия этди.

Бошқарув кенгаши аъзоси Сайфиддин Жалилов ва бошқа сўзловчилар Зокиржон Машрабовнинг маънавиятимиз юксалиши йўлидаги хизматлари ҳамда буюк аجدодларимиз меросларини хориждан топиб келиш ва илмий истеъмолга



киритиш борасида олиб бораётган хайрли тадбирлари таҳсинга сазоворлигини таъкидлашиб, унинг номзодини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчиларининг ўзаро фикр алмашишларидан сўнг Фонд раислигига бир овоздан Зокиржон Машрабов номзоди маъқулланди ва тасдиқланди.

### **“БОБУР ВА ДУНЁ”**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва фаолиятига юқори баҳо бериб, бу улуг сиймо ижодини ўрганиш орқали аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёшларни унинг каби ватанпарвар, жасоратли, шижоатли, мард қилиб тарбиялаш ва уларда гўзал инсоний фазилатларни шакллантириш зарур эканини уқдириб, 2017 йилни Андижонда Бобур йили деб эълон қилишни маслаҳат берган эди. Муҳтарам Юртбошимизнинг топшириқларига биноан вилоят ҳокимининг қарори ҳамда Йил дастури қабул қилинди. Қарорга Зокиржон Машрабовнинг таклифи билан шу йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб Фонд муассислигида «Бобур ва дунё» журналинини ташкил этиш белгилаб қўйилган эди. Янги нашрни расмийлаштириш юзасидан керакли ҳужжатлар тайёрланди, вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида руйхатдан ўтказилиб, гувоҳнома олинди. Журналнинг биринчи сонини тайёрлаш ва шу аснода таҳририятни шакллантириб, кейинги сонларга ҳам ҳозирлик кўриш зарур эди. Журнални икки ойда бир, жорий йилда уч марта чиқариш мўлжалланди.

Фонд бошқаруви кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлими раиси Назиржон Саидов, Фонд ходими Матлуба Юсупова ва камина иштирокида Зокиржон Машрабов ҳузурида ушбу масалага дахлдор режа ва ташкилий ишлар муҳокама қилинди.

Йиғинда жарида номи жуда тўғри танлангани, асосий эътиборни шу атамани оқлайдиган материаллар жамлашга қаратиш;

Бобур ҳаёти ва фаолиятининг барча қирраларини қамраб оладиган, ўқувчиларни қизиқтирадиган мақолаларни чоп этиш;

Ҳар бир материалда албатта янги фикр, янги қараш бўлишиги эришиш;

Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедициянинг бобуршунослик ривожигаги ўрнини кўрсатиш.

Янги журнал маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиши зарур эди. Унинг муқоваси, рукн ва сарлавҳаларда адабиёт ва тарихни, илм ва фанни мужассамлаштирадиган ғояларни ёритиш, энг муҳими, миқёсни каттароқ, дунё даражасида олиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бобур фаолияти, ижодига ёндошилганида унинг ислом динига чуқур эътиқоди, шариат амалларига риоя қилгани, мазкур мавзуда рисола битганини назарда тутиб унинг диний йўналишдаги асарларидан ҳам эълон қилиш, умуман, Бобур фаолиятининг камроқ ёритилган қирраларини қамраб олиш, «Бобурнома»нинг табдилидан ҳам сонма-сон парчалар бериб бориш, журналнинг халқчил, яъни, услубининг содда ва тушунарли бўлишини таъминлаш керак деган хулосага келинди.

Журнал дизайни, макети ҳам албатта, ўзига хос бўлиши лозим.

Менга топширилган вазифа ижодий гуруҳни шакллантиришдан иборат эди. Дастлабки сонни тайёрлашга узоқ йиллар турли гаetalарнинг таҳририятларида самарали фаолият кўрсатишган тажрибали журналистлар Абдулла Комил ва Восит Аҳмад адабий-ижодий, Шерали Исмонов, Муҳиддин Исоқовлар техник ходимликга жалб этилди.

Иш кўламини очиш, жараённи тезлаштириш учун биринчи соннинг мундарижасини шакллантириб, материалларга буюртма бериш ва уларнинг масъулларини белгилаб олишдан бошладик. Журналда фақатгина Бобур ва бобурийлар мавзуси билан чекланиб қолмай, бошқа буюк аждодларимизнинг соҳага бевосита ё билвосита дахлдор, яқин фаолият йўналишларини ҳам ёритиб боришни режалаштирдик. Муқоваси, ички безаклар билан боғлиқ муаммолар ҳам бор эди. Журналнинг тезроқ оммавийлашувига эришмоқ учун, албатта, қизиқарли, ранг- баранг, ўқимишли бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун хорижлик бобуршуносларнинг мақолалари билан биргаликда улар ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш, тарихий манбалардан фойдаланиш, лекин

мумкин қадар аввал чоп этилмаган янги ижод маҳсуллари берилиши керак. У хоҳ илмий, хоҳ тарихий, хоҳ бадиий асар бўлсин, оригиналликка эътибор қаратиш шарт.

Табиийки, масъулият катта эди. Зеро, “Бобур ва дунё” деган номнинг ўзи жуда залворли, нашрнинг ўқувчилари эса – бобуршунос олимлар, етук мутахассислар, умуман, илмли кишилар... Уларга маъқул келадиган ва жалб эта оладиган материаллар топиш керак эди. Жонсарак, ишнинг кўзини яхши биладиган Зокиржон Машрабов аллақачон таниқли бобуршунослар билан кенгашиб, маслаҳат ва фикрларини олиб, уларга мақолалар буюртма беришни ҳам бошлаб юборган эди. Бошқаларимиз ҳам баҳоли кудрат ҳаракатга тушдик, материаллар секин-аста йиғила бошлади. Ёзувчи ва тележурналист Матлуба Юсуфохун қизи шу вақтларда Фондда ишлаётган эди, у келётган мақолаларни жамлаш, буюртмаларни кутиштириш, суриштириш вазифаларини ўз зиммасига олди. Ҳадемай, журналнинг 1-чи – нишона сонини тайёрлашга киришиб кетдик. Юқорида номлари зикр этилган ижодкор-ҳамкасбларимиз Абдулла Комил, Восит Аҳмад билан мақолаларни пешма-пеш ўқиб турдик. Компьютердан чиқариш, саҳифалаш, бадиий безак билан шуғулланишни шу соҳа мутахассислари Шерали ва Муҳиддиндан, матн теришни тажрибали компьютерчи Гулнора Ашурова ва Фонд ходимаси Дилафрўз Азизовадан илтимос қилдик.

Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг Андижондаги сайловолди учрашувида Заҳриддин Муҳаммад Бобурга берган юксак баҳоларидан фойдаландик. Дастлабки саҳифаларни Андижон вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмоновнинг табрикномаси, академик Азиз Қаюмовнинг “Ҳаётимдаги унутилмас хотиралар” бадиаси, Зокиржон Машрабовнинг “Асрларни чулғаетган нур” мақоласи бегади. Шунингдек, журналдан япониялик таниқли шарқшунос, бобуршунос Эйжи Мано, Қоҳирадаги Айн-Шамс университети профессори Магда Махлуф, туркиялик олим Билол Южелларнинг кутловлари, таниқли ўзбек бобуршунос, тарихчи олимларидан Саидбек Ҳасан, Ҳасан Кудратиллаев, Ваҳоб Раҳмон, Неъматилла Отажонов, Боқижон Матбобоев, Абдумажид Мадраимов, Буробия Ражабова ва бошқаларнинг мақолалари, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан

Низомнинг “Эътиқод” достони, шоира Замира Рўзиеванинг “Эҳтиром битиги” бадиаси ва бошқа материаллар, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазаллари, рубоийларидан намуналар, “Бобурнома” асари табдилидан боблар ўрин олди.

Журнал август ойининг бошларида Тошкентдаги “Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди. Бу борада бизга Зокиржон ака, Бобур халқаро жамоат фонди муассислигидаги “Фермер” журнали бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов ва бошқа масъул ўртоқлар яқиндан кўмак бердилар.

Шундай қилиб, Зокиржон аканинг жонсараклиги ва тадбиркорлиги билан қисқа муддатда Андижонда янги бир журнал дунёга келди. Лекин полиграфия билан боғлиқ муаммолар тақозосига кўра журнал маркази, таҳририяти пойтахтга кўчирилди ва муносиб тарзда чоп этила бошланди. Жарида муҳтарам Президентимизнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур шаънини улуғлаш борасидаги кўрсатмаларига амалий жавоблардан бири бўлди, десак, муболаға эмасдир. Зокиржон аканинг эса яна бир ғояси, нияти рўёбга чикди. Зеро, янги журнал “пешонаси”га битилган шиор сўзда айтилганидек, “Ким етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ” (Бобур).

## **Президентнинг Андижонга галдаги ташрифи**

Ҳамма жойда бўлгани каби Андижонда ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи кўтаринки руҳда, сабрсизлик билан кутилаётган эди. Ташриф ниҳоят 2017 йил июнь ойининг бошида амалга ошди ва халқ йўлбошчини кутиш бежиз ҳаяжон уйғотмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Шавкат Миромонович Мирзиёев аввалги йиғин ва ушрашувларида таъкидлаганидек, Андижонни яхши билиши, андижонликларга ўзгача муносабатини тагин бир бор исботлади.

Инсон манфаатларига, туғрироғи, ҳамма сабъ-ҳаракатлар шу шиор ва ғоянинг ҳаётга татбиқига алоҳида эътибор қаратилаётган йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш борасида, Ҳаракатлар стратегияси ижроси, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ва амалга

оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Юртбошимиз шаҳар ва туманлардаги бир қатор саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва бошқа соҳаларга оид жамоаларни бориб кўрди.

Президентимиз Хўжаобод, Олтинкўл, Бўз туманларидаги янги ташкил этилаётган айрим боғлар, кўшма корхоналар, тадбиркорлик фаолиятларидан мамнун бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ҳамма жойда, ҳар бир соҳага "Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади" деган шиор ва вазифа нуқтаи назаридан қараши халқни бениҳоя қувонтирди, қувватлантирди ва миннатдор қилди.

Хонобод шаҳридаги сиҳатгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва у ерда кенг миқёсдаги дам олиш масканини барпо этиш юзасидан берган таклиф ва кўрсатмалари эса вилоят аҳлининг айни кўнглидаги орзуси эди.

Ижод, илм, маданият ва маънавият аҳли учун эса мамлакатимиз раҳбарининг Боғишамол мавзеидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган, халқаро жамоат фонди тасарруфидаги боғда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга эди.

Оддий халқ ёки ижод кишиси улуғ, машҳур аждоди билан фахрланиб юриши бир олам, аммо ўша буюк инсоннинг мамлакатнинг энг мўътабар шахси, давлат раҳбари томонидан улуғланиши, зъозланиши одамга янада ортиқроқ ифтихор бағишлайди. Ўзбекистонимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг кеч кузида Андижон аҳли вакиллари билан бўлган сайловолди учрашувида адолатли ҳукмдор, маҳоратли саркарда, олижаноб инсон, атоқли шоир, мутафаккир олим, давлат арбоби, Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машаққатларга тўла ҳаёти, бетакрор ижодининг инсон маънавий камолотидаги катта аҳамияти тўғрисида тўлқинланиб гапирганида, менимча, уни ўша пайтда тинглаётганлару кейинчалик эшитганларнинг барчаси қаттиқ ҳаяжонга тушган эди.

Айниқса, Бобур Мирзонинг ватанпарварлик ғоялари, туйғулари билан тўлиб-тошган, бу борада ёшларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қиладиган асарларини мамлакатимизда, жумладан, унинг юрти Андижонда кенг тарғиб этиш лозимлиги хусусидаги эслатмалари умуман маънавиятга, адабиётга бўлган

юксак эътибори ифодаси эди. Юртбошимиз таклифи ва ташаббуси билан Андижонда 2017 йилнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус қарор қабул қилинган вилоят ҳокимлигининг йил дастури тузилиб, бу борада бир қатор хайрли ишлар бошланди. Шулардан бири "Боғи Бобур"ни кенгайтириш, уни янада ободонлаштириш ва халқаро туризм ҳудудига айлантириш билан боғлиқ тадбирлар, таъмирлар, қурилишлар эди.

Шавкат Миромонович боғдаги Бобур Мирзонинг ҳайкали, рамзий қабрини зиёрат қилиб, бошқа иншоотларни кўздан кечирар экан, унда хусусан Бобур халқаро жамоат фонди ва унинг экспедицияси томонидан турли хорижий мамлакатлардан олиб келинган темурийлар, бобурийлар ҳаёти ва ижодига оид Шарқу Фарб халқлари тилларидаги нодир китоблар, қимматли қўлёзмалар ва бошқа ашёлар асосида бунёд этилган "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи ёрқин тасаввур уйғотди. Зеро, мазкур мозийгоҳ давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий меросини чуқур ўрганиш, маданият масканларини ривожлантиришга қаратилган қарорларининг амалдаги намунаси эди.

Мамлакатимиз раҳбари Андижонда Бобур номини абадийлаштириш, тарғибу ташвиқ этиш борасидаги ишлар билан атрофлича қизикар экан, Бобур халқаро жамоат фондининг келгусидаги фаолиятига ривож тилади, айни вақтда ўзининг Бобур мақбарасини қайта барпо этиш, музейни янада кенгайтириш, умуман, истироҳат боғидаги ишларни янада жонлантириш билан боғлиқ маслаҳат-йўл-йўриқларини ҳам баён этдики, бу тавсия-режаларнинг рўёбга чиқиши Бобур боғини нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсдаги зиёратгоҳга айланишини таъминлашига ишончимиз комил эди.

Ҳа, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон заминида бўлиши кўп соҳа вакилларининг ғайратига-ғайрат кўшди, шу билан бирга айримларни хушёр

торттирди, вилоят аҳлининг меҳнаткашлиги, тadbиркорлиги, қатъиятлилиги, сабр-бардошлилиги ва бошқа фазилатларига берган баҳолари эса ҳаммага катта масъулият юклади.

"Бобур Мирзо – халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшаяпти. Бу масканни янада обод қилиш зарур. Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз", деган гаплари эса мамлакатимиз раҳнамосининг Андижонга, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга катта эҳтиромидан далолатдир.

## **Хожа Калонга сафар**

Зокиржон Машрабовнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ихлоси, эътиқоди шу қадарки, унга дахлдор ҳар қандай воқеа ва шахсга беътибор эмас, агар бирон тахминий гап эшитиб қолса, дарҳол унинг тагига етиш тараддудига тушади. Бобур фондига бот-бот келиб турадиган яна бир бобурпараст инсон, Бобур Мирзо пойқадами етган Дилкушо (ҳозирги Хўжаобод ўрамида) қишлоғи фуқароси Турдихўжа Эҳсонов Қирғизистон ҳудудида жойлашган Хожа Калон қишлоғидан сал наридаги якка қабр Бобурнинг дўсти ва саркардаси Хожа Калонга мансублиги тўғрисидаги хабарни айтиб, Зокиржон Машрабовнинг кўнглига ғулғула солиб кўйган эди. Унда ўша жойни бориб кўриш, зиёрат қилиш иштиёқи пайдо бўлади. Зокиржон Машраб хаёлида туғилган гоя шудгорга сепилган сара уруғга ўхшайди – у албатта униб чиқади ва ҳосил беради. 2017 йил куз кунларидан бирида Зокиржон ака раҳбарлигида Турдихўжа ака, асли ҳуқуқшунос, аммо адабиётга, маърифатга қизиқиши кучли Ёқубжон Жалолов ва камина ўз касбининг ҳадисини олган Аҳмаджон Исабоев ҳайдовидаги “Жип” автоуловида ўшга қараб жўнадик.

Сал аввалроқ Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг учрашуви муносабати билан икки кўшни давлатлар аро

борди-келдилар тикланиб, чегара-божхоналардан ўтиш расмиятчиликлари анча соддалашгани боис ортиқча музтарликлар чекилмади ҳисоб.

Ўшдан чиқиб кун ботишга қараб кетдик. Йўл Оқбўра дарёсидан гоҳ узоқлашиб, айланиб-айланиб яна унинг қирғоғида дам кенг, дам тор ўзанда пайдо бўларди. Сув шовваларининг тоғлар орасида тошдан тошга урилиб ҳосил қилган садолари баъзан олисроқдан, баъзан шундоқ ёнгинамиздан эшитила бошлайди.

Зокиржон ака бу йўлларнинг ўтмишда Фарғона водийси билан Қашқарни боғлайдиган қатнов йўналиши бўлганини қайта-қайта таъкидлайди ва Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобурларнинг бу довларда кўп бора юрганини тахмин қилади.

Ниҳоят Қорағул овулидан кейин Хожа Калон (бу ерликлар Хўжа Келен дейишади)га етиб бордик. Қишлоқнинг чор-атрофи баланд тоғлардан иборат бўлиб, одам ўзини худди катта, деворлари осмон ўпар кўрғонга кириб қолгандай ҳис этарди.

Хожа Калон қабри қишлоқнинг шимол томонидаги юксак тоғлар оралиғида бўлиб, оралиқ масофа 500 метрча бор экан. Лекин у ёққа борадиган улов ҳам, улов юрадиган йўл ҳам йўқ, фақат эшакда чиқиш мумкин эди.

Хуллас, кимдир эшакда, кимдир пиёда чиқиб бордик. Кун ботиш томондаги тоғ пойида мунғайиб ётган ёлғиз қабр ўскин кўкат ва буталар орасида, қаровсиз эди. Бироқ сайёҳлар ва бошқа зиёратчилар учун иккита узун-узун ўтиргич (скамейка) ясаб қўйилган экан. Ўтириб, Қуръони Каримдан тиловат ва Хожа Калон ҳақида дуо қилдик. Шундоқ гўзал жой ва мўътабар бир банданинг қабри қаровсиз қолганига ачиндик ва муҳокамага тушдик. Бу ростдан ҳам Бобур подшоҳнинг амири, саркардаси қабримикин?

Маълумки, “Бобурнома”да икки нафар Хожа Калон – йигирмадан зиёд ўринда Бобурнинг машҳур бекларидан бири Мир Хожаи Калон, беш-олти жойда Хожа Ахрори валий авлоди бўлмиш Хожа Калон исм-шарифлари зикр этилган. Мовароуннаҳрдаги хожагон-нақшбандия тариқатининг пешволаридан бири Хожа Ахрори валийнинг чевараси Хожа Калоннинг номи бир-икки ўринда қайд қилинади. Шунингдек, Аградаги Бобур Мирзо томонидан уюштирилган катта



тўй издаҳомларидаги иштироки, унга сарполар инъом этилиши ва унинг Самарқандга қайтиши, бир неча кундан кейин у илтимос қилиб кетган “Вақойиъ” (“Бобурнома”)дан бир нусха кўчириб бериб юборилиши бир қадар муфассал баён этилади.

Мир Хожаи Калонга келсак, “Бобурнома”даги қайдлардан аён бўладики, у Бобур Мирзонинг ишонган саркардаларидан. “Бобур энциклопедияси”да ёзилишича, Бобурнинг сафдоши, йирик саркарда ва давлат арбоби Хожа Калон ҳақида “Бобурнома”дан ташқари “Тарихи Рашидий”, “Табақат-и Акбар- шоҳий”, “Тарихи Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Таҳмосп Сафавий” асарларида ҳам маълумот берилган. Демак, Хожа Калон анча нуфузли, таниқли тарихий шахслардан бўлган. Дарҳақиқат, Амир Хожа Калон - Султон Абусаид Мирзо ўғли Умаршайх Мирзо салтанатининг ва динининг улуғ устунларидан бири бўлган Мавлоно Муҳаммад Садрнинг ўғли эди, - дейилади “Тарихи Рашидий”да. Шу асарда таъкидланишича, Хожа Калоннинг яна беш оға-иниси ҳам Бобур Мирзо хизматида юришган, жангларда фаол иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлишган. Хожа Калон Бобур Мирзо томонидан аввал Қандахор, кейин Ғазни, Гардиз, Ҳазарожат вилоятларига ҳоким этиб тайинланган ва у ерларда тартиб ўрнатиб, ўзини кўрсата олган. Шунингдек, у ўз маҳорати ва тадбири чоралари билан Панипатдаги тарихий жанг ғалабасининг таъминланиши ва Ҳиндистоннинг забт этилишига жуда катта ҳисса қўшган.

Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг бошқа шаҳар ва қалъаларини, жумладан Бажаврни ишғол қилишда ҳам алоҳида хизмати сингган эди. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, Бобур Мирзо Панипатдаги зафардан сўнг Аграни қўлга киритиб, хазинани эгаллаш учун Ҳумоюн Мирзо, Шоҳ Мансур барлос , Юнус Али ва Абдулло Вали каби энг ишончли кишилар қаторида Хожа Калонни ҳам юборади.

Умуман олганда, юқорида таъкидланганидай, Хожа Калоннинг Бобур билан ўзаро жуда яқин ва қадрдон бўлишгани аён. “Бобурнома”да Хожа Калоннинг Ҳиндистон иссиғига чидамай, Кобулга қайтиб кетгани айтилган. Аммо Бобур Мирзонинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” тарихий рўмонида ёзилишича, Бобур Мирзонинг аразлашган дўсти Хожа Калон қарийб ўн

тўрт йилдан кейин яна Ҳиндистонда, аниқроғи Силкутда ва Лохурда пайдо бўлади. Ҳатто Кашмирни забт этишда Муҳаммад Ҳайдарга ёрдамга келиши кутилади, аммо у негадир келмайди. (Бу “Тарихи Рашидий”да баён этилишича, 1540 йил ноябрь ойида содир бўлган воқеалар эди). Хуллас, Хожа Калоннинг ўшандан кейинги тақдири шахсан менга номаълум эди.

Энди савол туғилади: Хожа Калон ўшанда ўз лашкарлари билан Лохурдан чиқиб, Кашмирга келмай, қаёққа кетган? Унинг сўнгги оромгоҳи бу чекка худудларда қандай пайдо бўлиб қолди?..

Лекин Хожа Калон ҳақида манбаларда учрайдиган ўзгачароқ маълумотлар кишини ўйлантириб қўяди, фикрларини, тахминларини чалкаштириб юборади. Ўзбек мумтоз адабиётининг билимдони, академик Азиз Қайюмовнинг “Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Хожа Юсуф Андижоний” деган рисоласида (Тошк. “Мумтоз сўз” нашр. 2009й.) муаллиф ўз падари бузруквори, кўқонлик адабиётшунос, тазкиранавис Пўлатжон домулла Қайюмовнинг “Тазкират уш-шуаро”сидан шундай иқтибос келтиради: “Бу киши (*Калон – 1 – Қ. К.*) асли Фарғонадан бўлиб, андижонлидир. Турк-чиғатой элидан эди. Номи Хожа Калонбекдир. Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг амирларидан, аёни рижоллардан эди. Кобил ва Қандаҳор томонларда ҳоким, амир бўлиб хизмат этар эди. Кўпинча Кобилда турмишдур. Унда вафот этмишдур”. А. Қайюмов изоҳи: “Калон – 1 деб бу тазкирада кўрсатилган киши Бобурнинг энг яқин дўстлари ва ҳарбий кўмондонларидан бири бўлмиш Хожа Калон бўлса керак. Хожа Калон асли Андижондан эканлиги “Тазкират уш-шуаро”да аниқ ёзилган...” Пўлатжон Қайюмов Хожа Калоннинг туркий ва форсий ашъорлари борлигини айтиб, байтларидан мисол ҳам келтирган...

Агар Мир Хожа Калон Кобулда вафот этган бўлса, ушбу қабр Хожа Аҳрори Валий авлоди бўлмиш Хожа Калонга тегишлимикин, деган савол туғилади. Қабр кимники бўлса ҳам таъмирга, жойлар ободонлаштиришга муҳтож эди. Зокиржон Машрабовнинг бу ишни ҳам кўнглига тугиб қўйгани аниқ эди. Бинобарин, унинг халқаро “Турксўй” ташкилотининг Ўш шаҳри тарихига бағишланган анжуманидаги (ушбу йиғинда мен ҳам бор эдим) ва вақтли матбуотлардаги ушбу

мавзуга оид чиқишларида юқоридаги масалани – Хожа Калон қабри ва унга бориладиган йўллари (хусусан 500 метрлик ўта носоз қисмини) қирғизистонлик хайрихоҳлар билан ҳамкорликда таъмирлаш ва ободонлаштиришга Бобур фонди тайёр эканлигини таъкидларди.

## **Яна халқаро анжуман**

“Бобур йили” муносабати билан уюштирилган «Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги навбатдаги халқаро конференция 2017 йил 27-28 октябрь кунлари Андижон шаҳридаги Бобур номли халқаро жамоат фонди мажлислар залида бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси вице-президенти, профессор Б.А.Абдуҳалимов очди ва олиб борди. Конференция иштирокчиларини Андижон вилояти ҳокими номидан унинг биринчи ўринбосари Абдужаббор Эгамбердиев табриклади.

Анжуман ҳамраиси Зокиржон Машрабов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бобур боғига ташриф буюриб, “Бобур ва жаҳон маданияти музейи” ва Бобурнинг рамзий-қабр мақбарасини зиёрат қилиб, бу жойларни ободонлаштириш, музейни кенгайтириш учун Бобур халқаро фондига ёрдам тариқасида катта маблағ ажратилиши юзасидан мутасадди ташкилотларга топшириқ бергани, келгусида ушбу даргоҳ асосан Бобурнинг ҳаёти, ижоди, фаолиятини акс эттирадиган мукаммал мозийгоҳ бўлишига алоҳида урғу берди.

Конференцияда Ўз ФА тил ва адабиёт институти, Санъатшунослик институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вакиллари, Бобур халқаро жамоат фондининг бошқарув кенгаши аъзолари, республикамиз олий ўқув юртларидан профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар, шунингдек, хорижий давлатлардан келган бобуршунослар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ялпи мажлисда япониялик профессор Эйжи Мано, Туркия жумхурияти университети профессори Билол Южел, ҳиндистонлик профессор Мансура Ҳайдар, Хўжайли университети профессори Мунаввар Текжан, Озарбайжон адабиёт институти профессори Алмас Биннатова, шоир ва исломшунос олим Мирзо Кенжабек ва бошқалар маъруза қилдилар.

Ўзбекистонда бобуршунослик “Бобур энциклопедияси”, “Бобур ва бобурийлар библиографияси” каби бутун дунё зиёлилари учун қўлланма бўла оладиган асарлар яратиш даражасигача ўсганлиги натижасида 2013 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан қатнашган олимлар, жумладан Ўзбекистон ФА академиги Азиз Қаюмов, Айн Шамс университети профессори Магда Махлуф (Миср), Туркология институти директори Клаус Шонинг (Германия), профессор Мансура Ҳайдар (Ҳиндистон) жаҳон бобуршунослигининг маркази Ўзбекистонга, пойтахт Тошкентга кўчганлигини эътироф этган эдилар. Бу эса Бобур ва бобурийлар ҳаёти, фаолиятини ўрганишга ёшларнинг ҳам қизиқиши ортишига омил бўлди, дея таъкидланди. Бу галги илмий анжумандан ҳам кутилган натижалар жаҳон бобуршунослиги ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилишига ишонч билдирилди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман учта шўъбада ўз ишини давом эттирди.

I-шўъбада “Бобур даври тарихи, адабиёти ва санъати” мавзусига бағишланган 15 та;

II-шўъбада “Бобур асарлари таржимаси ва қўлёзма меросининг ўрганилиши муаммолари” мавзусига бағишланган 9 та;

III-шўъбада “Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мавзусида 10 та илмий маъруза тингланди.

Музокарада сўзга чиққан нотиклар Бобур ҳаёти, фаолияти ва ижодига бағишланган илмий маърузалар юқори савияда, янги манбалар асосида тайёрланганлиги, бобуршунослар орасида ёш олим ва тадқиқотчиларнинг кўпайгани, бу албатта мустақиллик йилларида мамлакатимизда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда кенг имкониятлар яратилганлигининг натижаси эканини эътироф этдилар. Айниқса, Ўзбекистон давлати томонидан Бобур Мирзо

ижодини ҳар томонлама чуқурроқ ўрганиш, ёшлар ўртасида кенг тарғибу ташвиқ қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Анжуманнинг якуний ялпи йиғилишида профессорлар Эйжи Мано, Билол Южел, Мансура Ҳайдар, Намиқ Бурхониддин, Ҳасан Қудратуллаев, Абдумажид Мадраҳимов, Шокирхон Рустамхўжаев, Ваҳоб Раҳмон, Мақсуда Ражабова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлис ҳамраиси Машрабов нотикларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, мажлис қарор- лойиҳаси билан таништирди.

Ялпи йиғин ниҳоясида қуйидаги олимларга Бобур халқаро мукофоти топширилди:

1. “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография” китобини яратишдаги хизматлари учун Анна Владимировна Дибога (Россия);

2. “Жаҳон маданияти ва Бобур” музейида сақланаётган адабиётлар библиографияси”, “Бобур ва бобурийлар библиографияси” ва “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография” китобларини яратишдаги ва умуман Бобур илмий меросини тарғиб қилишдаги хизматлари учун Шокирхон Рустамхўжаевга (Ўзбекистон);

3. Мукамал “Бобур девони” китоби ва умуман Бобур ижоди ҳақидаги илмий ишлари учун Билол Южелга (Туркия).

### **Халқаро конференция қарор қилди:**

1. «Захириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг юқори савияда ўтганлиги эътироф этилсин;

2. Анжуман доирасида Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси ҳамда ҳомийлигида тўлдирилган ва қайта ишланган «Бобур энциклопедияси»нинг 2-нашри, “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография” китобларининг ва “Бобур ва дунё” журналининг тақдироти юқори савияда, қизиқарли ўтганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

3. Ҳар беш йилда бир мартаба Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг зоди буди Андижон шаҳрида Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро конференция ўтказиш белгилаб қўйилсин;

4. Бугунгача жаҳон илмий-адабий жараёнида Бобур ва бобурийларга нисбатан хато қўлланиб келинаётган “Буюк мўғул” атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод қилган тилга нисбатан ишлатиладиган янглиш “чиғатой тили” атамаси ўрнига “эски ўзбек(туркий) тили”ни илмий истеъмолга киритиш тавсия этилсин;<sup>1</sup>

5. Бобур халқаро илмий экспедицияси амалга ошираётган эзгу ишлар маъқулланиб, темурийлар ва бобурийлар даврига оид муҳим қўлёзма ва бошқа манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш, илмий истеъмолга киритиш, Мирзо Бобурнинг «Бобурнома», Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома» асарларининг йўқолган саҳифалари, «Асрори мусиқий», «Ҳарб иши», «Қофия илми» рисоаларини жаҳон бобуршунослари билан ҳамкорликда излаб топиш ишларини давом эттириш вазифа қилиб қўйилсин;

6. Сўзловчиларнинг таклифларига биноан Андижон шаҳрида “Бобур издошлари ва ихлосмандлари” илмий-маърифий ёшлар маркази тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин;

7. Қайта бунёд этилаётган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида таниқли бобуршунослар Эйжи Мано, Вилер Текстон, Азиз Қаюмов, Сайфиддин Жалилов ва бошқа машҳур олимларнинг бўлимларини ташкил қилиш ҳақидаги лойиҳа маъқуллансин;

---

<sup>1</sup> .Ушбу масалани конференция кун тартибига киритиш филология фанлари докторлари С.Ҳасанов, Ҳ. Болтабоев, М. Ҳасаний, Ҳ. Қудратиллаев, тарих фанлари доктори А. Мадрахимов, филология фанлари номзоди В. Раҳмоновлар томонидан ҳар бирининг имзоси қўйилган ҳолда таклиф этилган эди.

8. Бобур ва бобурийлар ҳақида жаҳон миқёсида чоп этилаётган асарларнинг нусхаларини “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида жамланиб, илмий истеъмолга киритиш чораларини кўриш таклифи эътиборга олинсин;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида чет элларда сақланаётган, буюк аждодларимизга мансуб кўлёзма ва ноёб китобларнинг нусхаларини Ватанга олиб келиш ва библиографиясини босқичма-босқич яратиш режага киритилсин;

\_\_\_10. Халқаро конференция материаллари тўплам ҳолида нашр қилиниб, Ўзбеки

стон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими, халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тизимларида фойдаланиш тавсия этилсин.

Мажлис қарорида белгиланган вазифалар барча йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Қарор остига эса ялпи мажлис раиси, профессор Эйжи Мано (Япония), ҳамраис Зокиржон Машрабов (Ўзбекистон) ва котиб Мунаввар Текжан (Туркия)лар, шунингдек, бошқа хорижий олимлар (17 киши) имзо чекдилар.

**ИЛОВА**

***“Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мазусидаги халқаро конференция баёнига киритиш учун***

### **ТАКЛИФЛАР**

***1. Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан жорий (2017) йилнинг 27-28 октябрь кунлари Андижонда ташкил этилган халқаро конференция юқори савияда ўтганлиги эътироф этилсин.***

*2. Заҳриддин Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида “зоду будим (туғилиб ўсган жойим) Андижон...” (151-бет) ва “ота юртим Андижон” (66-бет) деб ёзиб қолдирган фикрлари, мамлакатимиз Президенти ва жаҳон бобуруносодалари томонидан Бобур Андижонда туғилган, Андижонда камол топган ўзбек фарзанди эканлигини бутун жаҳон тан олган тарихий ҳақиқат эканлигини инобатга олиб, бугунгача жаҳон илмий-адабий жараёнида Бобур ва бобурийларга насбатан хато қўлланиб келинаётган “Буюк мўғул” атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод қилган тилга нисбатан янглиш “чизатой” атамаси ўрнига эски ўзбек (туркий) тилини илмий истеъмолга киритиш тавсия этилсин.*

*(Имзолар...)*

.....

“Бобур абадияти” номи билан Тошкентдаги “BAVOZ” нашриётида (2018 йилда) чоп этилган мазкур халқаро анжуман материаллари тўпламига қарийб 70 нафар муаллифнинг маъруза матни киритилгани ҳам юқоридаги йиғиннинг нуфузидан ҳамда мавзунинг нақадар зарур ва долзарблигидан далолат бериб турибди.

## **Фавқулодда ҳодисанинг такрорланиши**

Шу йил уч йил муқаддам юз берган фавқулодда маданий ҳодиса яна такрорланди, яъни “Бобур энциклопедияси” қайта нашрдан чиқди.

...Бошда “Бобур энциклопедияси” тайёрланиши экан, деган гап кимларгадир эриш туюлган, кимларгадир ёқинқирамаган эди. Чунки Алишер Навоийдек буюк сиймо ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳали қомусий маълумотлар тўплами йўқ эди. Ҳолбуки бу мавзуда анча йиллардан бери “миш-миш” юрар, фақат у юзага чиқмасди. Бу борада шуғулланиши мумкин ва зарур бўлган кишилар – академиклар, фан докторларию номзодлари, профессор, доцент, докторант,



аспирант, илмий ходим мақомидаги навоийшунослар бир институт, ҳатто ундан ҳам кўп – мамлакатимизнинг барча вилоятларида мавжуд бўлган гуманитар йўналишдаги йирик илм даргоҳларида Навоий ижоди билан шуғулланувчилар сон-саноксиз эди.

Яна, иккинчи жаҳон урушидан аввалу кейин, мустақиллик даврларида ҳам Бобур ижодига қарата қўйилган жиддий чекловлар Навоийга нисбатан қўйилмаган, ҳатто Бобур номида илмий тадқиқот институти ҳам йўқ эди. Шундай бўла туриб, қанақасига бирдан Бобур ҳақида энциклопедия яратилади? Қолаверса, энциклопедия деган нарса анча-мунча маблағ билан бинога келмайди. Қайси саховатпеша буни ўз зиммасига олдийкин? деган саволлар кимларнидир таажжубга, ҳайратга, кимларнидир ҳижолатга солар эди. Ҳатто, Зокиржон Машрабовни билагидан тутиб, четроққа тортиб: “Ҳимматингизга ҳасанот. Лекин биласиз, ҳаммамизнинг адабиёт соҳасидаги энг буюгимиз, энг улуғимиз, пири комилимиз, бу – ўзбек мумтоз шеърятининг шаҳаншоҳи Алишер Навоийдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи ҳам ҳеч ким Навоийдек “кўп ва хўп шеър айтмағони”ни эътироф этган. Агар мурувватингизни шу ёққа йўналтирсангиз, аввал Навоий бобомизнинг энциклопедиясини яратсак, кўп улуғ иш бўларди”... дегувчилар ҳам бўлди. Шунда Зокиржон ака мийиғида кулиб, одатдаги камтарлик йўсинида: “Мен бир геолог одамман. Албатта, Алишер Навоийга ҳам эътиқодим баланд, бироқ Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ихлосмандиман, кўнглимда шунақа бир ният туғилиб қолувди, қани, навоийшунослар ҳам иш бошлайверишсин-чи, биз ҳам қараб турмай, қўлимиздан келганича ёрдам берармиз”, – деб жавоб қилган...

Ўша воқеадан кўп ўтмаёқ дунё юзини кўрган “Бобур энциклопедияси” , мана, уч йилдан кейин қайта нашр этилиб турибди! (“Навоий энциклопедияси”дан эса ҳамон дарак йўқ...). Демак, бундай фундаменталь маълумотномаларга эҳтиёж катта экан-да. Ҳолбуки, биринчи нашри ҳам худди бу сафаргидек 5 минг нусхада чоп этилган эди. Яна, 70 босма табоқдан ортиқ ҳажмдаги китобни қайта тайёрлаш ҳам унчалик жўн иш эмас. Энциклопедия бош муҳаррири Абдулла Аъзамни табриклаб, “ўзиям жуда қаттиқ ишладингизлар-да,”

дея хайратимни, ташаккуримни, тасанноимни изҳор этсам, “Ҳа, энди уриндик-да, кўзойнаклар дош беролмай, лупада ўқий бошладим...” деди. Лекин мен гап оҳангидан зорланиш эмас, ифтихор маъносини туйдим.

Дарҳақиқат, бу ғурурланишга, фахрланишга арзийдиган, қолаверса, юз-юзлаб олиму уламолар, тадқиқотчилар, минг-минглаб талабаю ўқувчилар узоғини яқин, мушкулени осон қиладиган хайрли, савобли бир юмушдир.

– Аслида бу бизнинг бурчимиздир,– дейди яна математик бош муҳаррир барча адабиётчи-мутахассислар номидан, – лекин бунинг учун бизга ғояни роса пишитиб таклиф этган, моддий ва маънавий жиҳатдан шарт-шароит яратиб берган Зокиржон ака омон бўлсин.

Ҳа, халқаро илмий анжуманлар ташкил этиб, нафақат мамлакатимиздаги, балки жаҳондаги бобуршуносларнинг бошини бир жойга қовуштиришдек улкан ва мураккаб миссияни зиёда равишда адо этиб келаётган Зокиржон Машрабов “Бобур энциклопедияси” яратувчиларини ҳам “чертиб-чертиб” олган, уларни маош билан таъминлаган, жой ва бошқа шароитларни муҳайё қилган эди. У, айниқса, бош муҳаррир танлашда сира янглишмаган, деб ўйлайман. Асли математика фанлари мутахассиси, профессори бўлган Абдулла Аъзамни адабиёт ихлосмандлари истеъдодли драматург, эссеист, зукко адабиётшунос, навоийшунос сифатида ҳам яхши биладилар, ҳурматлайдилар, қадрлайдилар. Зокиржон аканинг ўзи ҳам Абдулла Аъзамнинг Навоийнинг “Муножот”ига шарҳини, “Аруз” китобини, Бобур девонига битган шарҳларини таърифлашга тўғри келиб қолса, беихтиёр ҳаяжонланиб, тўлқинланиб кетар ва ҳеч иккиланмай, унга нисбатан “қомусий олим” иборасини қўллар эди. Яна бир жиҳати – Абдулла Аъзам гарчи том маънода андишали Шарқнинг, ўзбекнинг фарзанди эса-да, ҳар ишда адолатшиор, илм, ҳақиқат йўлида хийла қайсар ва ... ўта талабчан бўлиб, бу табиатини ҳар қандай қадрдонига, ҳамкорига ҳам, ҳатто энциклопедия юмушларида раҳнамо Зокиржон Машрабовнинг ўзига нисбатан қўллашдан ҳам чекинмасди, зеро у ишнинг, маҳсулотнинг пухта, мукамал бўлишига эришиш борасида бош муҳаррир сифатида бошқалардан ҳам кўра кўпроқ масъуллигини яхши ҳис этарди. Албатта, бу мулоҳазалар менинг четдан туриб кузатганларим ва

анча-мунча эшитганларим ҳосиласи, лекин айни вақтда Абдулла Аъзамни ҳамқур, собиқ университетдош сифатида, қарийб ярим асрлик қадрдон сифатида феъл-атворини анча-мунча билишим, илмий-ижодий фаолиятларидан бохабарлигимни ҳам илова қилиб қўймоқчиман.

Энциклопедиянинг янги нусхаси биринчи нашри юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар эътиборга олинган ҳолда, имкон қадар тузатишлар, таҳрирлар ва қисман тўлдиришлар билан тайёрланган эди. Зеро, аввалги нашр дастлабки тажриба бўлгани, китоб қисқа муддат ичида ошиғич ҳозирлангани учун унда муайян илмий, услубий ва полиграфик хато ва камчиликлар бўлиши истисно қилинмаган, билъакс, таҳририят бу борадаги фикр-мулоҳазаларни китобда кўрсатилган манзилга юборишни сўраган эди.

Умуман, “Бобур энциклопедияси”нинг мазмун-моҳияти, ташкилий жиҳатларига эътибор қаратиладиган бўлса, китобга киритилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” мақоласида ҳам қайд этилишича, мазкур илмий-оммабоп мақолалар, маълумотлар жамланмаси “Жаҳон тарихидаги буюк шахслардан бири бўлган Бобур ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти, Бобур яшаган даврдаги сиёсий-ижтимоий муҳит, унинг моддий ва маънавий мероси, аждод-авлодлари ҳамда бобуршуносликка бағишланган илмий-энциклопедик нашр бўлиб, уни яратиш ғояси Зокиржон Машрабов томонидан 2007 йили кўтарилган ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди фаолларининг 2008 йилги йиғилишида маъқулланган”.

2009-2010 йиллари Саидбек Ҳасанов ва Отабек Жўрабоев томонидан қомус сўзлигининг дастлабки варианты тайёрланган (1500 та сўз).

Хуллас, энциклопедиядан крилл алифбоси тартибида 4000 дан зиёд мақола жой олган, 5та қисмга бўлинган 40 саҳифали иллюстрация илова қилинган, китоб сўнгида бобуршунослик бўйича исмлар кўрсаткичи, қисқартмалар ва муаллифларнинг рўйхатлари ҳамда рус ва инглиз тилларида резюме (қисқа баён) берилган.

Китобнинг бу наشري ҳам мамлакатимиздаги нуфузли нашриётлардан бири “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида бадий безакли кўркам муқовада, салобатли ҳажм-шаклда чоп этилган.

\*\*\*

2018 йил 14 феврал куни Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ҳар доимгиджек қизгин ўтди. Унда турли масалалар кўрилди, муҳокама қилинди.

Филология фанлари номзоди, таниқли матншунос Ваҳоб Раҳмон аввалги халқаро анжумандаги маърузалар ва бошқа материаллар жамланган “Бобур абадияти” китобининг тийёрланиши, нашр этилиши хусусида ахборот берди. Тўпламга киритилган илмий мақолаларнинг аҳамияти, бобуршуносликка қўшган ҳиссасини таҳлил этди.

Таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Мирзо Кенжабек «Мубайян» ва насрий баёни. “Рисолаи волидийа” назмий таржимаси ва шарҳи» китобининг яратилиши, илмий изланишлари ҳақида гапирди. Бобур нафақат шоир, олим, буюк саркарда, балки етук исломий олим, фикҳ илми билимдони эканлигини таъкидлаб, авлиёликка дахлдор жиҳатларига диққатни тортди.

Ёзувчи Омина Тожибоева эса “Шамолларга учган нидолар” номли романи Бобурнинг опаси Хонзодабегимнинг мураккаб ҳаётини акс эттиришга бағишлангани, тарихий манбаларни ўрганиш, асарнинг ёзилиш жараёнлари тўғрисида сўзлади. Маликанинг Бобур тақдиридаги ижобий ўрнини баён қилди.

Конференция йиғилишида ҳар икки китобнинг тақдимоти бўлди.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид кейинги йилларда бобуршуносликда қўлга киритилаётган ютуқлар борасида тўхталиб, ҳали илмий изланишлар давом этиши, айниқса, «Бобурнома» асарини ўрганиш ва янги қирраларини тадқиқ қилиш кераклиги ҳақида гапирди. Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан «Бобур энциклопедияси», «Захириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография» китобларининг нашр этилиши катта

муваффақият эканини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, Бобур ижодини ўрганиш ва унга бағишланган асарлар кўпаяётгани, мамлакатимизда илм аҳли, ёш тадқиқотчилар томонидан диссертациялар ёзилаётгани Бобур ижодига, фаолиятига бўлган қизиқишнинг ошаётганидан далолатдир, деди.

Эронлик олим Муҳсин Пирмуҳсиний Фонд ва илмий экспедиция фаолиятига юксак баҳо бериб, Эронда ҳам фонднинг бўлимини очиш таклифини киритди. 3. Машрабовга ўз мамлакати ҳақида ҳикоя қилувчи қимматбаҳо китобни совға тариқасида инъом этди.

Япониядаги Токио университети тадқиқотчиси, археолог Куше Жого япон-ўзбек алоқалари кенг қамровда ривожланаётганлиги, уларнинг юртида ҳам Бобур шахсиятига қизиқиш катталиги, бунда бобуршунос олим Эйжи Манонинг хизматлари беқиёслигини билдирди. Шунингдек, Андижон замини археологик топилмаларга бойлигини ҳам эътироф этди.

Қирғизистонлик олим, Ўш давлат университети проректори Идрисбек Кенжаев Бобур ижодини ўрганиш борасида Ўшда қилинаётган ишлар, илмий изланишлар хусусида гапириб, анжуманлар ва тадбирлар орқали буюк аждодимиз ҳақида ёшларимизга маълумот беришга ҳаракат қиляпмиз, - деди. – Ўш адабий муҳтида ҳам ижодкорлар баҳоли қудрат Бобур ҳаётини ўрганиб, у ҳақда асарлар яратишмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан янада яқинроқ алоқаларни йўлга қўйишда мана бундай йиғинлар яқиндан ёрдам беради, деди у.

## **Яна ўшал Ҳиндистон...**

Фонднинг республикамиздаги ташкилотлар, маданий-маърифий муассасалар, хорижий мамлакатлар билан олиб бораётган илмий ҳамкорлик ва бошқа йўсиндаги алоқалари йилдан-йилга кенгайиб борарди.

Темурийлар, бобурийларга оид чоп этилган илмий, биографик, тарихий, бадиий ва бошқа жанр ҳамда йўналишдаги асарларнинг республика интеллектуал салоҳияти учун муҳим аҳамият касб этаётгани бор гап.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Зокиржон Машрабовни яна сафарга ундади.

2018 йил август ойида экспедициянинг муҳим ва самарали сафарларидан яна бири амалга оширилди. Бобур подшоҳнинг учинчи ватанига айланган Ҳиндистонга бундан аввал ҳам бир неча маротаба сафар қилинган ва бугун Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида сақланаётган 700 дан ортиқ асарлар, нодир қўлёзмалардан нусхалар ва бошқа маънавий-маърифий ашё-экспонатларнинг катта бир қисми бобурийлар 332 йил ҳукмронлик қилган мамлакатдан олиб келинган, лекин Ҳиндистонда улуғ аждодларимиз номи билан боғлиқ бундай маданий бойликлар ҳали кўп...

- Буюк бобомиз қолдирган бебаҳо мерос нафақат у ҳукмронлик қилган юртлар, балки жумлаи жаҳон бўйлаб бебаҳо жавоҳирлар янғлиғ сочилиб кетган, – дейди экспедиция раҳбари бу галги сафардан кўзда тутилган мақсадларга шарҳ берар экан, - улар узоқ Япониядан тортиб Европанинг Лондон, Париж каби шаҳарларида дейсизми, ёхуд Америка қитъасидаги музей ва кутубхоналар, ҳатто шахсий архивлардан ўрин олган. Уларни Ватанимизга қайтармоқ осон бўлмасда, аммо бу биз, авлодлар учун ғоят шарафли вазифалардандир.

Экспедиция аъзолари (раҳбардан ташқари бобуршунос Ваҳоб Раҳмон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид, “Фермер” журнали бош муҳаррири, публицист Абдурасул Жумақулов ва бошқалар) сафар дастури ижросини пойтахт Деҳлидаги қадамжолар – Бобур подшоҳнинг фарзанди Ҳумоюн Мирзо мақбараси, ота-боболари бизнинг юртлардан бўлмиш машҳур зотлар – Хусрав Деҳлавий, Мирза Ғолиб, Мирзо Абдулқодир Бедил қабрларини зиёрат қилишдан бошладилар. Сўнг Ҳиндистоннинг таниқли бобуршунос олимлари, адиблари билан мулоқотлар уюштирилди. Жумладан, давлат арбоби ва адиб Салмон Рушдий, адабиётшунос

олим, Рампурдаги Ризо кутубхонасининг собиқ директори Саид Муҳаммад Азизиддин Хусайнлар билан...

Салмон Рушдий меҳмонларга “Бобур ва унинг авлодлари” асарининг инглиз ва араб тилларидаги нашрларини тухфа қилди. Муаллифнинг “Бобур фарзандлари” деган пиесаси ҳам бобурийларнинг Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида тутган ўрни мавзусида экан.

Профессор Азизиддин Хусайн ўзи чоп қилдирган “Девони Бобур” ва доктор Абдусалом Желоний нашрга тайёрлаган Шайх Хомид бинни Фазлуллоҳ Жамолийнинг “Девони қасоиди Жамолий” китобларини ҳада этиди.

Экспедиция аъзолари дастлабки кунлари яна Ҳиндистон мамлакатининг кўп йиллик тарихи, маданияти, сиёсати, адабиёти ҳамда санъатига оид ноёб китоблар, маълумотлар сақланадиган Миллий архивдан “Бобур девони”, “Воқеоти Бобурий” (“Бобурнома”), Бобур даврида яшаган Ҳаким Қандаҳорийнинг Бобурга бағишлаб ёзган “Гули рангин” (“Қизил гул”) достонидан нусхалар олишга муваффақ бўлишади.

Сафарнинг тўртинчи куни Деҳлидан 450 км. узоқликдаги Рампур шаҳрига етиб борадилар. Асосий режа – шаҳардаги машҳур Ризо кутубхонасига ташрифдан иборат эди. Кутубхонанинг бой фондидан ташқари бинонинг бобурийзодалар томонидан яратилгани ва у шоирлар, олимлар йиғилиб, мушоира, баҳс-мунозаралар ўтказиб туришадиган адабий-маданий даргоҳ бўлганлиги билан ҳам диққатга сазовор эди.

Кутубхона мудирининг ўринбосари Нақи Аббос Кайфий, жамоа Бобур Мирзонинг асил юртидан келган азиз меҳмонларни илиқ кутиб олиб, уларнинг илтимосларини лутфан бажо этадилар, яъни нашр қилинган китоблар каталоги, ўнга яқин нодир китоблар диски, “Девони Бобур”, Жавҳар Офтобачининг “Тазкират ул- воқеот” (Воқеалар зикри), Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жоме ут-таворих” асарлари, Бобур авлодларига оид “Нақду таҳқиқ” (“Матн ва тадқиқот”) номли халқаро журналнинг 9 та сонини тақдим этдилар. Меҳмонлар лутф ва мурувватга жавобан Самарқанд, Бухоро рамзлари туширилган эсдалик совғалари ҳамда ҳинд халқининг даҳо мутафаккирлари

Робиндранат Тагор ва Маҳатма Гандиларнинг ўзбек тилида босилган китобларини кутубхонага армуғон қилдилар.

Ҳиндистондаги яна бир машҳур китоб ва қўлёзмалар хазинаси – Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонасида боболаримиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ва бошқа муаллифларнинг китоблари, қўлёзмалари ниҳоятда эъзозланиб сақланаётганига гувоҳ бўлдилар. Лекин улардан нусха олишга баъзи расмийликлар монелик қилади. Аммо кутубхона мутасаддилари билан бу муаммони келгусида ҳал қилиш йўл-йўриқларини келишиб оладилар.

Бобурийлар пойтахти бўлган Агра шаҳрида дунёнинг саккизинчи мўъжизаси ҳисобланадиган Тожмаҳални яна ҳайрату завқ билан томоша қилдилар, бу ерга йилига 8 миллион сайёҳ зиёратга келишини эшитиб, қалблари ифтихорга тўлади, зеро, шундай буюк ва “пултопар” иншоот-ёдгорликни яратганлар Бобур бобомизнинг авлодлари-да.

Бобур Мирзо 1526 йили ўз тарҳи – лойиҳаси билан бунёд этган Оромбоғ сайри ҳам экспедиция аъзоларини фаҳрга , айна дамда маҳзун хаёлларга чўмдирадилар. Ахир жаҳон аҳлини лол қолдирган Тожмаҳал, Оромбоғлар Ўзбекистон заминидан , Бобур Мирзо туғилиб ўсган Андижон шаҳрида барпо этилиши ҳам мумкин эди-ку.

Сафар чиндан-да жуда самарали бўлди. Зокиржон Машрабовнинг жасуруна саъй-ҳаракатлари, қатъияти, ишбилармонлиги, ҳар соҳадаги масъуллар, мутасаддилар билан тил топиша олиши туфайли Ҳиндистонда сақланаётган, аслида бизнинг миллатимиз, халқимизга дахлдор бўлган илмий-бадиий мерос намуналари – 120 дан зиёд қўлёзма ва нодир манбаларнинг нусхалари, ўндан ортиқ китобларни юртимизга олиб келишга мушарраф бўлдилар. Шубҳасизки, улар Президентимиз ташаббуси билан Андижондаги Бобур боғида бунёд этилган янги, муҳташам бинога кўчган “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи хазинасини бойитади ҳамда араб, форс, инглиз ва бошқа жаҳон тилларидаги мазкур манбалар Фонд ташкилотчилигида бирин-кетин ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этирилади ва илмий истеъмолга киритилади.



“Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, – дейилади Зокиржон Машрабовнинг мазкур экспедиция сафари якунлари ҳақидаги мақоласида (“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 20 сентябрь), – “Times of india” рўзномаси муҳаррири билан бўлган учрашув ва Дехли, Рампур, Лакхнав, Патна, Агра каби шаҳарлардаги турли маданий-маърифий муассасаларда кечган суҳбатлар жараёнида хинд халқи, кенг жамоатчилиги мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб боришаётганига ишонч ҳосил қилдик”.

## **Умаршайх Мирзо қабри қаерда?**

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг падари бузруквори Умаршайх Мирзонинг қачон, қай тарзда боқий дунёга рихлат қилгани кўпчиликга маълум, албатта. Лекин шуниси ачинарлики, бу темурийзоданинг қабри, мақбараси йўқлиги боис, у дафн қилинган манзил ҳозиргача аниқланган эмас. Зокиржон Машрабов бу хусусда ҳам кўп ўйлар, лекин шуғулланишга фурсат топмай, бир чеккаси қўшни вилоят зиёлиларидан ҳам истиҳола қилиб юрарди. Республикада чоп этиладиган газеталардан бирида “Бобур фонди Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо қабр-мақбарасини тиклаш билан нега шуғулланмаяпти?” деган иддаоли чиқишлар бўлгач, раҳбар бу масалага ҳам ойдинлик киритишга аҳд қилди. Бир неча бор кичик экспедициялар уюштириб, Наманган вилояти ҳудудидаги Эски ва Янги Ахси кентлари ўринларида кузатувлар олиб борди. Сафарларнинг энг кейингисида (2018 йил, май) бобуршунос Ваҳоб Раҳмон, наманганлик тадқиқотчи олима Замира Исҳоқова ва камина ҳам бор эдик. Тўрақўрғон тумани ўрамида, Сирдарё ёқаларида ва унга яқин жойлашган Ахси, Якка йигит қишлоқлари, Якка том МФЙ, Тош кўча, Хўжа маҳалларини оралаб ўтиб, дарё бўйига чиқдик. Янги Ахсидан ёдгор бу масканларни Ахси қишлоғи дейишаркан.

Дарё оқими аввалги ўзанидан жануб томонга тахминан 500-600 метрча масофага бориб қолган, ўша ердан шимол сари кескин бурилиб яна Ахси қишлоғининг кун ботиш тарафидан оқиб ўтарди. Оралиқдаги катта сайҳонлик шопипоязор эди. Тўғриси, бу атрофда қадимий шаҳардан бир белги ё аломат йўқ, ундан фақат Ахси деган ном қолган эди, холос. Маҳаллаларда аҳоли қалин, қаер марказу қаер ёзги қароргоҳ бўлгани ҳақида тасаввур қилиш ҳам имконсиз эди. Зокиржон аканинг мақсади Умашайх Мирзонинг қабри қайси ўртада бўлганини лоқал чамалаб билиш (ва балки ўша ерда рамзий қабр-мақбара тиклаш ҳам...) эди.

Биз турган жой – кенг шопипоязорлар шимол тарафимиздаги қишлоқ – Ахсидан икки-уч одам бўйи паст бўлиб, қишлоқнинг кун чиқишдан кун ботишга қараб кетган ушбу четининг нақ сув олган, асов тўлқинлар ўпириб тушган дарё қирғоғи эканлиги яққол сезилиб турарди. Бундан чиқадики, шопипоязорлар – дарёнинг собиқ ўзани...

- Демак, Умаршайх Мирзо қабри тақрибан биз турган ерлар теварагида бўлган ва уни сув оқизиб кетган, – деди Зокиржон ака ҳафсаласи пир оҳангда.

Ҳа, ҳозирги ҳолатда бундан ўзгача хулоса чиқаришнинг иложи ҳам йўқ. Лекин раҳбарнинг умиди батамом сўнмаган эди. Орқага қайтиб, бир замонлар шаҳзода Бобур душман таъқибидан чекиниб, бир неча хос кишиси ҳамроҳлигида юрган йўлдан - Ахси билан Карнон ўртасидаги Пули равон, Гунбази Чаман, Санги, шунингдек, Файзобод қишлоқлари орқали ҳозирги Тошкент йўлини кесиб ўтиб, Карнонғача бордик. Маҳаллий аҳоли вакиллари, жумладан, ўқитувчи-муаллималар билан гаплашдик, лекин ҳеч ким бизга собиқ Ахсикентнинг марказини ҳам, Умаршайх Мирзо қабрининг тахминий ўрнини ҳам, Бобур Мирзо уни ёғийга тутиб бермоқчи бўлганлар билан бир неча муддат турган “усти ёпиқ уй”да жонини ўз ихтиёри билан Яратганга топширмоқчи бўлган, аммо илоҳий бир синоат туфайли ҳавфдан омон қолган хилват боғ қаерда бўлганини ҳам айтиб беролмади. Аммо, қанчалик рост, билмадим, Бобур Мирзо Санг қишлоқдан Карнонғача йўл солдирган, деган гапни ҳеч иккиланмай айтдилар.

Зокиржон ака Умаршайх Мирзо дафн этилган жой борасида гоҳо иккиланиб ҳам қолар эди: Бобур Мирзонинг падари бузруквори, темурийзода ҳокимнинг қабри Ахсида бўлса, наҳотки Наманган аҳлидай зиёли халқ уни Сирдарё ювиб оқизиб кетгунча қараб тураверган бўлса?.. Ё, Сафед Булонда дафн этилгани ростмикин?..

Ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Олабуқа тумани ҳудудида жойлашган Сафед Булон қишлоғи ва у ердаги анча қадимий “Шоҳ Фазл” тарихий меъморлик мажмуи ҳақида ёзилган бир рисола Зокиржон аканинг қўлига тушиб қолган эди. Ўша ёққа дарҳол сафар уюштирди. Мазкур ёдгорлик ўрамидаги қабристонга бир қанча тарихий шахслар, жумладан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг падари бузруквори, Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо ҳам дафн этилган деган гапни айтдилар. Аммо бу маълумотни исботловчи бирон белги ё нишон йўқ эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, кўнгли тинчимаган Зокиржон ака яна Сафед Булонга жўнади. Бу гал ҳамсафарликка адабиёту тарих билимдони Ваҳоб Раҳмон ҳам олинган эди. Яна ўтган сафарги гапни эшитдилар. Лекин, қани асос?.. Йўқ, яхшиси, Бобур Мирзонинг ўз сўзларига кулоқ солиш керак. Ахир “Бобурнома”да “Бир-икки кундан сўнг Кандирлик добони била Ахси ва Андижон сари азимат қилдим. Ахсига етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим” деб ёзилган-ку. Демак, Умаршайх Мирзо айнан Ахсида дафн этилган, бошқа ерда эмас. Зокиржон аканинг геолог сифатидаги хулосаси: “Аниқроғи Умаршайх Мирзо янги Ахсига дафн этилган бўлиб, асрлар давомида Сирдарёнинг қуёш тушадиган ўнг қирғоғини сув ювиши оқибатида шаҳар харобаларини ҳам, қабрни ҳам оқизиб кетган”. “Бизнингча, – дея фикрини давом эттиради Зокиржон ака “Бобур ва дунё” журналининг 2018 йил 6 (9) сонидан босилган “Бобур қурдирган мақбара топилди” сарлавҳали мақоласида, – Умаршайх Мирзонинг номини абадийлаштириш учун унинг рамзий қабр-мақбараси янги Ахси атрофида бунёд этилса, тарихий ҳақиқат тантана қилган бўлар эди”.

Зокиржон ака ва унинг ҳамсафарлари Сафед Булонда бошқа бир нарсани аниқлашга муяссар бўлдилар, тўғрироғи, янги бир маълумотга дуч келдилар.

Шоҳ Фазл тарихий-меъморий мажмуаси директори ўринбосари Тожихон Тошпўлатова экспедиция раҳбарига совға қилган китоблар – Шоҳ Ҳаким Холиснинг “Сафед Булон қиссаси” достони ҳамда мазкур мажмуанинг собиқ директори Турсунбой хожи Абдунаби ўғлининг “Сафед Булон тарихи” асаридан, хусусан дostonдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шоҳ Фазл мақбарасига гумбаз кўтартиргани, уч юз эллик тилло бериб, сағана тиклатгани, гумбазни битириб, кошин қилай деб чоғлангани... ҳақидаги сатрларни ўқиган экспедиция аъзолари хайратга тушадилар, мамнун бўладилар. Уч юз эллик тилла хийла катта маблағ эди. Зотан, бу воқеа ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг нақадар олижаноб, олиҳиммат ҳукмдор бўлганидан далолат берувчи тарихий бир далилдир. Яна бир мулоҳаза: юқоридаги воқеадан Умаршайх Мирзо ва унинг ваълиаҳд фарзанди Бобур Мирзони Сафед Булонга боғлаган қандайдир сабаб ва омиллар бордай, бу эҳтимоллик шу борадаги изланишларни давом эттиришни тақозо қиладигандай туюлади.

Балки дарё қабрга яқин келиб қолгач, Умаршайх Мирзо қабрини Сафед Булонга – таниқли кишилар дафн этиладиган Шоҳ Фазл мажмуасига кўчиришгандир?

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да ёзилишича, **“Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арк ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойларида Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди”**. Бундан келиб чиқадики, Умаршайх Мирзо вафотидан кейиноқ Ахси нуфузидан, ёзги қароргоҳлик мақомидан ҳам мосуво бўлган, эътиборсиз, қаровсиз қолган. Чунки Бобур Мирзо Андижондаги бесаранжомликлар, Самарқанд юришлари ва бошқа ташвишлар билан андармон бўлиб, Ахсининг “ҳоли”дан хабар ололмаган, ҳарамнинг ҳам, ҳокимликка дахлдор бошқа кишиларнинг (хоин Узун Ҳасан ва унинг тарафдорларидан ташқари, албатта) ҳам Ахсидан оёқлари узилган. Умуман олганда, шаҳзода Бобур Ахсига қизиқмаган ҳам. Негаки, болалиги, ёшлиги Андижонда кечган. Маҳаллий кишилар эса, ҳокимга тегишли жой деб, тасарруфга олишга журъат қилмаган. Қолаверса, ёзги қароргоҳ жойлашган Ахси аҳоли яшайдиган маҳалладан бир шаърий (2-3 км) нарида бўлган. “Қишлоқ

кердаю, дарахтлар қаерда?” мақолини афтидан Ахси учун айтганлар” деб ёзади Бобур Мирзо “Бобурнома”да . Демак, пойтахтдан ҳеч ким келмай қўйгач, Ахси бора-бора харобага айланган. Чунки афтидан, ўша даврларда унинг ёзги қароргоҳликдан ўзга хизмати, вазифаси бўлмаган.

## **Таажжуб, ҳайрат, истаклар**

Кези келганда шуни айтишни истардимки, Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчилар орасида Бобурнинг бирон мадраса ва ё бошқа илм даргоҳида расман таҳсил кўргани маълум эмас, ўнлаб илм-фан соҳалари бўйича маълумотни, хусусан бадиёт борасида шунча тажриба, малака ва маҳоратни қаердан олган экан деган таажжублар, ҳайратлар қулоққа чалиниб қолади. Академик Азиз Қаюмовнинг юқорида зикр этилган, Заҳириддин Муҳаммад давридаги Андижон адабий муҳити тадқиқ этилган рисоласида шундай жумлалар бор: “Бобурнинг болалик йиллари қандай ва қаерда кечганлиги, унинг қачон ўқишга боргани, қандай қилиб тилларни ўргангани (туркий, форс, араб), адабий материаллар билан қай йўсинда танишгани тўғрисида қўлимизда тафсиллий маълумотлар йўқ.” Албатта, академик олимимиз қайд этганидек, аввало “... шеър ва адабиётга дид, ҳавас ва севги Бобур оиласида алоҳида ўрин тутган; яна болага ота ва бободан табиатан ҳам ўтгани турган гап”, шу билан бирга Бобур Мирзо ижодий салоҳиятининг шаклланиши ва юксалишида Ҳирот, Самарқанд каби маданий марказлар билан муттасил алоқа ва ҳамкорликдаги бўлиб Андижон адабий муҳитининг хизмати катта бўлган. Шунингдек, шаҳзода Бобурнинг Андижоннинг Эски шаҳар мавзеидаги ҳозир Бобур уй музейи бўлиб турган эски Арк яқинида жойлашган Хожар Ноиб масжид-мадрасасида таҳсил олганлиги тўғрисидаги фикрлар ҳақиқатга яқиндир.

Мухтасар қилиб айтганда, Бобур ижодий салоҳияти, маҳоратининг шаклланишида Андижонда яшаб ижод қилган, номлари юқоридаги рисолада зикр этилган ўнлаб истеъдодли шоирларнинг таъсири, ҳиссаси катта бўлгани аниқ (Афсуски, биз у қалам аҳлининг ижодий мерослари билан яхши таниш эмасмиз).

Бобур фонди (Андижон, Бобур боғи)нинг хос мажлислар залида ўтказилган илмий анжуманлардан биридаги профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг маърузасида эса юқоридаги рисолага кирмай қолган яна бир қанча шоирлар ва уларнинг ижоди ҳақида маълумот берилдики, йиғиндан сўнг мен маърузачи дўстимизга ҳайратимни ва “қўлингиздаги шунча ноёб материалларни тўлароқ, оммавийроқ тарзда матбуотда ёритиш керак экан” деган истак-таклифларимни баён этишдан ўзимни тиёлмадим. Бу хусусда Зокиржон акага ҳам “арз” қилдим, чамаси, у ҳам муҳтарам профессоримизга бир неча бор эслатди. Умидимиз борки, бу истагимиз амалга ошиб қолса, Бобур Мирзо ижоди сув ичган чашмалар тўғрисида янада тўлароқ маълумот ва тасуувурга эга бўлар эдик. Гап шундаки, Андижон адабий муҳити билан боғлиқ аниқлаштирилиши лозим бўлган муаммолар, жумбоқлар, фаразлар талайгина.

## **Навоий нега Андижон шевасида ёзган?**

Зокиржон Машрабов ҳақиқатдан ҳам беҳаловат, бетиним одам. Нималарнидир ўйлаб топади, янги-янги, кутилмаган фикрларни ўртага ташлайди, илмий манбааларни, тарихий воқеа-ҳодисаларни чоғиштириб, уйғунлаштириб, янги фаразлар, хулосалар чиқариб, кўпчиликнинг, ҳатто соҳа мутахассислари, билимдонларини ҳам ҳайратга солади, гангитиб қўяди.

“Бобурнома”даги Андижонга берилган таъриф сўнгида шундай сатрлар бор: **“Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоий мусаннафоти, бовужудким Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур.”** Мазкур жумлалардаги мазмун-моҳиятга ҳамма ҳам эътибор қилавермайди, аслида бу жуда муҳим ва дадил, ишонч билан айтилган гаплар...

Зокиржон Машрабов бу жумбоқли таъриф-баҳо асосига ҳам қизиқиб юрарди: Андижон билан Ҳиротнинг оралиғи минглаб чақиримли масофа бўлса,

Алишер Навоий қанақасига Андижон шеvasида, тилида ёзиши мумкин? ”Маърифат” газетасида босилган Навоийнинг боболари Ҳиротга Аравондан бориб қолишгани тўғрисидаги мунозарали мақоладан кейин Зокиржон аканинг таажжуб ва қизиқиши ортган эди. Матбуот бу борада анча йиллар сукут сақлаб, кўнгиллардаги ғулғула ҳислари энди пасая бошлаганда, 2010 йилларнинг ўрталарида бирдан бу мавзу яна “ғимирлаб”, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бобоси Исомиддин Паҳлавоннинг ҳозирги Қирғизистоннинг Аравон туманида туғилганлиги тўғрисидаги гаплар кўпайиб қолди. “Навоий Самарқандда ўқиб юрган чоғларида бир неча бор Андижон орқали Аравонга борган,” деган маълумотлар пайдо бўлди. Шундан сўнг Зокиржон ака яна бу мавзудаги чиқишларни синчиклаб ўрганишга киришди. Фонд раҳбарининг республикамиз матбуоти саҳифаларида эълон қилинган мақолаларида, жумладан “Ўзбекистонда хорижий тиллар” журнали муҳбири Назира Тошпўлатова билан қилган суҳбатида шундай сатрларни ўқиймиз: “Бу ҳақда Бегижон Аҳмедов, Қаҳрамон Қодиров, Валижон Мирзаев, Ҳабибулло Идрисов, И.Абдурахмонов ва бошқа олим-адибларнинг оммавий ахборот воситаларида “Буюк Алишер Навоийнинг катта отаси Исомиддин Полвон (Паҳлавон, Аравоний) Аравонликми? Аравондан Ҳиротга кўчиб борганми?” йўсинидаги бир қанча қизиқарли мақолалар чоп этилган. Мақола муаллифларининг ёзишича, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо пойтахтни Ҳиротга кўчиргач, икки минг суворий Самарқанд орқали Ҳиротга чақирилган, улар орасида Исомиддин Полвон ҳам бор эди. Ҳиротга борилгач, Шоҳруҳ Мирзо Исомиддин Полвонни лашкарбоши Амир Буғанинг Шаҳрибону исмли қизига уйлантиради. Улар ўғил кўриб, исмини Ғиёсиддин кўйишади. Ғиёсиддин кичкина (Полвон) улғайиб вояга етгач, машҳур саркарда Саид Чангнинг қизи Ҳалимабонуга уйланади ва уларнинг оиласида жаҳонга машҳур, буюк Низомиддин - Алишер Навоий туғилади”.

Ўшлик адиб Бегижон Аҳмедовнинг “Тафаккур бўстони” китобидаги “Навоийнинг ота-боболарининг келиб чиқиши асли пойтахт Андижоннинг ёнида жойлашган Аравонда бўлиб, Алишернинг Андижонда таҳсил олиши, Юсуф Андижоний, Юсуф Сафвий, толиби илм Қиёмиддин Товғач билан бирга

ўқиганлиги, асарларини Андижон шеvasида ёзганлиги тарихдан маълумлиги” хақидаги фикрлари, яна муаллиф ЎзФА мухбир аъзоси, навоийшунос олим, риштонлик Бокий домланинг ҳам шундай хулосага келганлигини таъкидлаши Зокиржон Машрабов юрагидаги ғулғула оловини алангалатди. У яна ўзбек мумтоз адабиётининг билимдони, академик Азиз Қаюмовнинг “Бобур давридаги Андижон адабий муҳити” рисоласини кўлига олади ва ундаги ушбу сатрларга кўзи тушади: **“...”Бобурнома”да кўрсатилишича, ҳар бир саводли хонадонда, бундай хонадонлар Андижонда кўп, кишилар Алишер Навоийнинг шеърлари туркий тилнинг Андижон лаҳжасида ёзилишини қайд этар ва шу билан ифтихор қилар эдилар.”** Бобур Мирзонинг шу хусусдаги фикрларини тўла тасдиқлаган олимимиз XV асрда Хуросон пойтахти Ҳирот ва Фарғона вилояти маркази Андижон ўртасида маданий алоқалар муттасил давом этгани, бу ҳамкорлик XVI асрда, Шайбонийлар ҳукмдорлиги даврида ҳам тўхтамаганлигини кўп далиллар билан исботлаган. **“Бир сўз билан айтганда, Андижон адабиёт гурунгининг шаклланиши, илмий-бадий камолоти ва адабий барҳаётлиги устоз Навоий сиймоси билан, унинг ҳаётбахш, ҳамиша навқирон шеърляти билан узвий боғлиқлиги – инкор этиб бўлмас ҳақиқат”** деб ёзган эди яна бир навоийшунос Абдулазиз Абдулҳамидов.

Шундан кейин Зокиржон Машрабов мамлакатимиздаги таниқли навоийшуносларга бир савол билан мурожаат қила бошлади: “Далиллар, мулоҳазалар Алишер Навоийни Андижон томонга тортаябди-ку, Сиз нима дейсиз?” Кимдир “китобларда, масалан, мактаб дарсликларида Навоийнинг туғилган жойи Ҳирот деб ёзилади-ку,” дея эътироз билдирар, кимдир шошиб қолганиданми, “буни ўйлаб кўриш керак экан” деб, фикр айтишни пайсалга соларди.

- Ҳўп, Ҳиротда туғилган деган маълумот қайси тарихий манбалардан олинган?

Бу саволга Зокиржон ака тайинли жавоб ололмади ва ўйлаб кўрувчиларга имкон яратиш учун, ҳам ўзи текширувдан муфассалроқ ўтказиш мақсадида яна китоб кўришга тушди: аввалги йилларда нашр этилган Навоийга оид манбаларни



варақлади: уларда буюк шоирнинг Ҳирот шаҳрида таваллуд топгани қайд этилар, аммо бу далил қайси тарихий манба ё ҳужжатга асосланганлиги кўрсатилмаганди. Афғонистонга қилинган сафарларда Зокиржон Машрабов Ҳирот шаҳрининг кутубхона ва музейларидаги манбаларни суриштирди, олимлар ва бошқа зиёлилар билан мулоқаот қилиб, мақсад-муддаосини айтди, кўмак беришларини сўради, лекин китобларда ёзиладиган маълумотни тасдиқловчи аниқ бир асосни топишга муяссар бўлмади. Бу орада ўйлаб кўрувчиларга берилган рамзий муддатлар ҳам ўтди, ҳеч бир садо чиқмади. Кейин Зокиржон ака ўз фаразларини, бошқаларнинг ҳам мулоҳазаларига суянган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қила бошлади. Тўғрироғи, мақола, фикрлар, хулосалар шунчаки фараз эмас, улар орасида ҳақиқатни ойдинлаштиришга яқин олиб борувчи тарихий далиллар йўқ эмас. Чунончи: Навоийнинг ўз эътирофича, унинг ота-бобоси “Султон Ҳусайн Бойқаронинг бобо ва аждодлари хизматларида улуғ мартабага сазовор” бўлишгани, Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх билан эмикдош(кўкалдош)лиги, ўша катта Умаршайхнинг Андижоннинг машҳур кишиларидан бўлган Хизр ўғлоннинг қизи Мулкат оғага уйланиб, ундан Искандар, Бойқаро исмли ўғиллар кўргани ва бошқа далиллар Зокиржон акага суянчдай кўринади. Қолаверса, “Таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирождидинов яқинда интернет тармоғида эълон қилган мақоласида Алишер Навоийнинг Ҳиротда таваллуд топганлиги ҳақида бирор манбада ёзилмаганлигини қайд этади. Унинг барча асарлари соф Андижон шевасида ёзилганлигини таъкидлайди”. Ушбу қайд этилганлар Зокиржон Машрабовга шундай хулосага келишга туртки бўлади: “... Алишер Навоийнинг Андижон шевасида қалам тебратгани, сўзлашув услуби бу улуғ бобомизнинг ҳам аждодлари, ота-онасининг Соҳибқирон Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо билан Андижонга келиб яшаганини кўрсатмоқда. Чунки, одатда боланинг тили у улғайган юрти, ота-онасининг талаффузига қараб шаклланади. Оиладаги маънавий-маърифий муҳит Алишерда адабиёт ва санъатга жуда эрта қизиқиш уйғотганлиги маълум.

Юқоридаги манбаларга таяниб, ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, қадим-қадимдан жаҳонга машҳур бўлган пойтахт Андижоннинг адабий-маданий муҳитида кўз очиб, вояга етиб тарбияланган буюк аждодларимиздан бири Мирзо Бобур бўлса, яна бири Алишер Навоий бобомиздир!”

- Мен бир геолог одамман, лекин Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг ихлосмандиман ва улар билан фахрланаман, - дейди Зокиржон ака йиғинларда ўз хулосалари ҳақида гапирар экан. – Агар соҳа билимдонлари, мутахассисларида бошқа асосли манба-далиллар бўлса, албатта, тан оламиз. Илм-фанда кўр-кўрона қайсарлик, чалғитишга уриниш эмас, тарихий факт, далил муҳим!

## **2019 йилга бир назар**

Бу йил ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилдики, улардан айримлари, жумладан, илмий анжуманлар ҳақида қисқача ахборот бериб қўйиш жоиздир. Зеро, Бобур фонди режаси асосида уюштирилган ҳар қанақа йиғин, ҳар қандай тадбир аввало бир эмас, бир неча мавзунини қамраб олиши ва улар кўпчилик иштирокида кенг муҳокамадан ўтказилиб, кейин амалиётга тадбиқ қилиниши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Одатдагидай, Зокиржон ака январь ойи ва феврал бошларида Бобур Мирзо туғилган кунга бағишланадиган анъанавий анжуманга ҳозирлик кўриш билан андармон бўлди. Бунинг учун аввало ўтган йилги фаолиятнинг ҳисоботини тайёрлаш, янги - 2019 йилга режа-дастурлар тузиш, шунингдек, баҳор мавсуми яқинлашуви муносабати билан атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан ҳам шуғуланиш керак.

2018 йил ҳам аксарият аввалги йиллар каби ҳар жиҳатдан самарали кечди. Айниқса, Ҳиндистондан олиб келинган нодир асарларнинг ксеронусхаларини муқовалатишга анча фурсат кетди, чунки бундай китоблар 120дан зиёд бўлиб, ҳаммаси ҳажман ҳам салмоқли эди. Зокиржон Машрабов бу “бойлик”ларни

Бобур Мирзонинг анъанавий “тўй”ига келганларга суюнчилаб кўрсатмоқчи эди. Каттагини ёзув столининг усти янги муқоваланган даста-даста китоблар билан тўлиб кетган. Зокиржон ака ким келса, мазкур маънавий “ёмби”лар тўғрисида изоҳ ва тушунчалар берарди.

14 февраль. Одатдагидай, эрталаб Андижон шаҳридаги Бобур майдони адабиёт ихлосмандлари, талабалар, пойтахтдан, ёндош республика ва қўшни вилоятлардан келган шоир, ёзувчилар, олимлар, вилоят ижодкорлари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум эди. Ёмғир гоҳ севалаб, гоҳ тезлаб турган бўлишига қарамай, ҳеч ким жойидан жилмас, ҳеч кимнинг кўзи - юзида безовталиқ, бетоқатлик сезилмасди.

Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдурахмонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Хуршида Ваҳобжон қизи, “Дўстлик” ордени совриндори Фарид Усмон ва бошқаларнинг Бобур Мирзо ҳақидаги ҳаяжонли, эҳтиросли фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар дам сайин кучаяётган ёмғир остида, айримлар шамсия ҳимоясида, кўплар очикда тингладилар.

Сўнг меҳмонлар ва мезбонлар билан тўла автобус ва енгил машиналар Боғишамол мавзеидаги Бобур боғига қараб юради. Бобур фондининг мажлислар залига киришдан олдин меҳмонлар бино саҳнида ҳар йилгидек, кўчма шийпон панасида сумалак, кўк сомса, кўк чучвара ва бошқа баҳорий неъматлар, кофе, чой билан тамаддиланадилар.

Мажлиسخона ҳар доимгидай озода, шинам ва илиқ эди. Ҳамма ўзларининг тахминий ўринларига жойлашгач, илмий анжуман бошланди. Йиғилиш раиси Зокиржон Машрабов 2018 йилдаги фаолият ва галдаги вазифалар хусусида, шунингдек, экспедициянинг Ҳиндистонга сафари ва у мамлакатдан олиб келинган нодир китоблар юзасидан ҳисобот берди.

Фонд раисининг биринчи ўринбосари Зоҳиджон Машрапов муҳтарам Президентимиз топшириғи асосида, Вазирлар Маҳкамаси фармойишига кўра Бобур номидаги миллий истироҳат боғини реконструкция қилиб, “Бобур зиёратгоҳи” мажмуасини барпо этиш, жумладан, боғнинг марказий хиёбонида

масжид, музей биноси қурилиши, “Бобур ва жаҳон маданияти” мозийгоҳини мақбара кўринишида қайта таъмирлаш ишларининг бориши ҳақида маъруза қилди.

Юқоридаги қурилишлардан ташқари Бобур боғи худудидаги “Боғи баланд”, “Кема” дам олиш масканлари тўла таъмирланиб, боғнинг “Буюк Ипак йўли” қисмидаги ошхона ва савдо расталарини қайта қуриш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, истиқболли режа асосида боғнинг “Туякамар” қисмида 1,5 гектар майдонга замонавий иссиқхона қуриш бошлаб юборилди. Булардан ташқари, боғнинг бўш ҳудудларида pista, бодом, зайтун кўчатлари етиштириш бўйича ҳам амалий ишлар давом эттирилди.

Экспедиция аъзоси, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Ғайрат Мажид экспедициянинг Ҳиндистонга, экспедициянинг яна бир аъзоси, филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмон эса Қирғизистонга, хусусан Сафед Булонга қилинган сафарларида амалга оширилган ишлар ҳақида хийла батафсил ҳикоя қилиб бердилар. Ваҳоб Раҳмон, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо қабри ўрнини аниқлаш юзасидан Сирдарё бўйларида, Аҳси қишлоғида ва Аҳси – Карнон йўналишида олиб борилган изланишлар борасида ҳам тўхталди.

Тадқиқотчи З.Тешабоева “Фразеологик бирикмаларнинг концептуал ўзбекча-русча-инглизча таржималари (“Бобурнома”нинг Ш.Лейден-В.Эрскин (1826й), А.Бевериж (1921 й.), В. Текстон (1996й.) таржималари асосида) луғатининг тайёрланиши бўйича ахборот берди. Таниқли шоир ва олим Мирзо Кенжабек ўзи нашрга ҳозирлаган “Мубайян” ва насрий баёни. “Рисолаи волидия” назмий таржимаси ва шарҳи”, “Бобур Мирзо асарларида арабий матнлар”, “Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами”. “Машраб. Куллиёт”, “Абдураҳмон Жомий. Муҳаббат маҳзани” китобларининг мазмун-моҳияти, улардаги мавзуларнинг муҳим ва долзарблиги борасида гапириб ўтди. Ва яна бир қанча чиқишлар бўлди.

Алқисса, анжуман ниҳоясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек Бобур ва бобурийлар ҳақидаги

илмий-бадий асарлари, шунингдек, номлари юқорида қайд қилинган китоблари учун , таникли киноактёр ва режиссёр Темурмалик Юнусов Бобур илмий-адабий меросини радио ва телевидение орқали тарғиб-ташвиқ қилишдаги хизматлари учун халқаро Бобур мукофоти билан; Беғижон Аҳмедов “Тафаккур бўстони” китоби ҳамда буюк аждодларимиз ҳақидаги мақолалари, шунингдек, ўзбек-қирғиз адабий-маданий алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун оқсоқол шоир Қоражон Қодиров Алишер Навоий ва Мирзо Бобур тўғрисидаги мақолалари ҳамда шеърӣ туркумлари учун; тадқиқотчи Комилхон Каттаев Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи Бобурия” асари таржимаси, тадқиқоти, изоҳ ва луғатлари ҳамда Бобур ижодини тарғиб қилишдаги хизматлари учун Бобур фондининг тақдирлов ёрлиғи ва пул мукофотиға сазовор бўлдилар.

Анжуман, ҳар доимгидек, Бобур боғида, миллий услубдаги шинам емакхоналардан бирида , “чой устида” Бобур лирикаси, ғазалхонлик, санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар ҳамоҳанглигида давом этди.

## **Зайтун боғлари**

Зокиржон акадаги қизиқиш, фаолият қўламининг ранг-баранглиги кишини ҳайратга солади .Унинг шунча тадорик, тадбирлар, маданий-маърифӣй, ташкилий юмушлардан вақт орттириб, зайтунчилик билан ҳам астойдил шуғулланаётганига ҳам нима дейсиз!

Фонд тасарруфидаги Бобур боғи ҳудудида катта адирлик майдонлар мавжуд бўлиб, у ерларда ҳар хил – мевали, манзарали дарахтлар, бошқа ўсимликлар, яна, республикамизда ноёб бўлган ўсимликлар ўстиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келинади. Кўнглию онгида ниятлар, ғоялар қатлам бўлиб ётган Зокиржон Машрабов боғда зайтунзор яратиш ҳақида ҳам ўйлаб юрарди. Чунки зайтун мойи экологик жиҳатдан тоза, инсон саломатлигига ижобий таъсири кучлилиги боис дунё, хусусан оврўпа мамлакатлари аҳолиси озиқ-овқатга шу ўсимлик мойини ишлатишлари тўғрисидаги маълумотдан бохабар бўлгач ва яна анча йиллардан бери шу соҳа билан шуғулланиб келаётган олима, биология фанлари доктори

Дилором Ёрматова билан мазкур мавзудаги мулоқотларидан кейин фикри янада катъийлашди.

- Қанийди, халқимиз дунёдаги кўп юрт-эллар қатори шифобахш зайтун мойи истеъмолига ўтса... – деб орзу қилади у.

Зайтун хўжалиги билан, ушбу ўсимликни кўпайтириш тажрибалари билан танишиш, унинг кўчати ва қаламчаларидан олиб келиш учун зайтун энг кўп экиладиган ва истеъмол қилинадиган мамлакатлар – Испания, Италия, Греция томонларга қилган сафарлари чоғида мутахассислар билан бу дарахтни Ўзбекистон шароити ва иқлимига мослаштириш борасида суҳбатлар олиб борди. Экспедициянинг Кавказ республикларида қилган сафари чоғида Зокиржон аканинг Боку ва бошқа шаҳар кўчаларида шиғил мева тутиб, ҳам йўлак, хиёбонларга кўрк бағишлаётган зайтун дарахтларига ҳавас қилгани ва унинг уруғидан олиш учун уруғчилик дўконларини излаганларимиз ёдимда. Бугунги кунда Туркия, Сурия, Эрон мамлакатларидан келтирилиб Бобур боғи ҳудудига – очик жой ва иссиқхоналарга экилган кўчатлар сони уч минг тупга етди. Ҳозирча тажриба ўзини оқлайдигандай, зайтунни Андижонда ҳам иқлимлаштириш мумкиндай туюляпти. Тўғри, талофат катта. Пленкалар билан ўралиб, совуққа чидамлилигини оширадиган махсус суюқликдан фойдаланилаётган бўлишига қарамай, ҳар йили қишда тахминан эллик фоиз кўчат нобуд бўлаяпти. Лекин Зокиржон ака ноумид шайтон деб кўнгилни узгани йўқ, ўн беш фоизи яшаб кетса ҳам, кейин уларнинг шохидан қаламча қилиб кўпайтирса бўлар. Ахир Иордания, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Сурияларнинг қишлари биздагидан кам эмас, лекин ўша юртларда ҳам зайтун плантациялари гуркираб турибди-ку, узум, анжир, анор, хурмо, лимонлар ҳам Ўзбекистон иқлим-шароитига мослашган-ку, деган хаёл Зокиржон акага тасалли ва умид бағишлайди.

Асли келиб чиқиши Ўзбекистон, аммо бозорларимизда асосан хорижий эллардан келтирилган навлари сотиладиган хандон писта, бодом, шунингдек, ёнғоқ, чилонжийда каби шифобахш меваларнинг ҳам инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали эканлиги, лекин нимагадир мамлакатимизда шу меваларнинг дарахтларини кўпайтиришга унча аҳамият берилмаётганини ўйлаган Зокиржон

ака Бобур фонди шу масалага ҳам диққатини қаратиши керак экан, деган хулосага келди. Унинг фикрича, бу муаммони ҳал этишнинг амалий ва илмий жиҳатларини ҳам ўрганиш, бошқаларнинг, айниқса, тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиш, бунинг учун Фонд қошида қандайдир уюшмами, илмий марказми ташкил қилиш тақозо этиларди. Шундай бўлди ҳам. Фонд раёсати йиғилишларидан бирида бу мавзу атрофлича муҳокама қилинди ва “Зайтун, писта ва бошқа субтропик ўсимликлар етиштириш илмий маркази ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Марказнинг фаолият доираси, қамрови кенг бўлиши, масалан, илмий муассасаларда илмий тадқиқотлар олиб боришаётган бакалавр, магистр, докторантларни ҳам жалб этиш, турли мамлакатлардан ҳар хил соҳага оид олимлар келиб турадиган, юқоридаги мева ўсимликларини кўкартириш, кўпайтириш тажрибалари муҳокама қилинадиган масканга айланиши лозимлиги кўзда тутилган эди.

Ана шу йиғилишнинг ўзида илмий марказнинг бош раҳбари (Зоҳиджон Машрабов), ижрочи директори (Рустам Мамасолиев), марказ аъзолари, шунингдек, марказнинг илмий раҳбари (Зокиржон Машрабов), илмий маслаҳатчилари (Дилором Ёрматова ва Иброҳимжон Асқаров) сайландилар.

Хуллас, Зокиржон ака Бобур боғини бодомзор, ёнғоқзор, пистазор ва зайтунзорга айлантириш учун йўл, чоралар изларди. Аллоҳ унинг дастига куч, ниятларига ривож берсин.

\* \* \*

Андижонга йўлингиз тушиб қолса, албатта, Тошкент (аввалги Мирпўстин) кўчасидан юринг. Бобур номли халқаро фонд биноси илгари ўша кўчада... эди. Ҳозир “Тошкент” меҳмонхонасига айланган ушбу бино томидаги шаҳарда илк бор қурилган баланд курант минорасида умр дақиқаларини санаб турган соатни кўриб, шубҳасиз ҳайратланасиз, унинг меъмorigа, ижодкорига таҳсин айтасиз.

- Бу – Бобур соати, - дейди унинг бунёдкори Зокиржон ака. – Бу орзу менга кўп йиллар тинчлик бермай келарди. Андижон шаҳар ижроия комитетига раислик пайтимда баъзи бир ниятларни дилимга тугиб қўйган эдим. Аввало,

шаҳар ҳокимлигининг ҳозирги шинам биносини, «Чархпалак»ни, унинг ёнидаги миллий нақшли чойхонани қурдириб битказдик. Бу ишлар анчагина енгил кўчган. Аммо Боғишамол дам олиш масканига кўз бўлиб тушган осма йўл (собик Иттифокдаги энг узун сим йўл эди)ни торттириш хийла югуртирган мени. Тақдир тақозосини қарангки, ана шу осма йўл бугун Бобур боғи тасарруфида бўлиб, зиёратчиларга кўкда - баландда туриб, Андижонимиз шаҳарлари, боғлари, далаларини томоша қилдириб, завқ бермоқда. Курантни эса ўша, Абдулҳамид Чўлпон таваллуд топган, яшаган Қатортерак мавзеида, чархпалак ёнида қурдирмоқчи эдим. Насиб бўлмаган. Еревандан зўр соатлар олиб келиб қўйган эдим, шаҳар ижроқўми биносининг ертўласида қолиб кетди. Илгариги замон, илгариги сиёсат бўлганида, нимага энди шаҳардаги биттагина курант қандайдир бир жамғарма биноси олдида қад кўтаради, деб, бунга йўл қўйишмасди. Маблағни қаердан олдингиз деб, хуноб қилишарди. Тангрига минг қатла шукрлар бўлсинки, бу ниятим мустақиллик шарофати билан амалга ошди.

\*\*\*

Юқорида қаламга олинганлар саксон йиллик умр довонидан ошиб, тўқсонни қоралаб бораётган мўътабар, маърифатпарвар бир инсоннинг режалари, саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиққан ва чиқаётган, ҳар бири маданий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этадиган тадбирлардирки, улар одамзотнинг қобилияти, куч-қуввати ва имконияти чексизлигини, аҳд ва амалиётни нечоғлик уйғунлаштира билишини, умуман, сидқидилдан уринган киши беқиёс муваффақият ва натижаларга эриша олиши мумкинлигини намоён этадиган далил ва рақамлардир.

Бу ишлар ҳақида ўқиган, эшитган, билган тарихчилар, бобуршунослар, қадимшунослар ва айрим мансабдорлар хижолат бўлишмасмикин, деб ўйлаб қоламан баъзида...

- Менга яна бир-икки йил муҳлат ва имкон берасизлар, - дейди Зокиржон ака адабий-илмий давраларда, – кўзлаган баъзи режаларимни битириб олсам,



кейин уйда оёқ-қўлни ёзиб, дам оламан, балки баҳоли қудрат ўқиш-ёзиш ишлари билан шуғулланарман.

Зокиржон ака битириб олмоқчи бўлган ишлар қуйидагилар:

\*Бобурнинг «Ҳарб иши», «Муסיқа сирлари» рисолаларини, «Бобурнома» ва «Ҳумоюннома»нинг йўқолган қисмларини излаб топиш...

Зокиржон аканинг қанчалар оптимист-некбин инсонлигини шундан ҳам билса бўладики, Бобур Мирзонинг юқоридаги асарларини сал кам ўттиз йилдан бери излайди, суриштиради, бошқаларга ҳам мурожаат қилиб, бу ишнинг нақадар муҳимлигини уқдириб туради. Шу пайтгача бизга тақдири ноаён ана шу маданий бойликлардан ном-нишон йўқ. Лекин Зокиржон ака уларни топишдан умид, кўнгил узгани йўқ, узмоқчи ҳам эмас.

- Худо хоҳласа, улар бир куни албатта бир жойдан чиқади, - дейди у ишонч билан. - Қай бир кутубхона ё музейда, балки кимнингдир тоқчасида, жавонида ёки китоблар, қўлёзмалар орасида ётган бўлиши мумкин...

Иншоаллоҳ!...

\* «Куллиёти Бобур» (Бобур асарларининг тўла тўплами)ни, тарихнавис олим, адиб ва саркарда Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ҳаёти ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиб, унинг «Жаҳоннома» ва «Маҳмуднома» дostonларини нашр қилдириш; шунингдек, «Тарихи Фаришта», «Меҳри нимрўз», «Тож кийган дарвеш» каби асарларни ўзбек тилига ўгиртириб чоп эттириш;

Фарғона водийси ёшлари ўртасида «Бобурни англаш бахти» мавзусида танлов ўтказиш, Олой - Зарафшон тоғ тизмаларидаги тошбитикларга Бобур ёзиб қолдирган ғазаллар, байтлар нусхаларини алоҳида йирик тошга ўйиб ёздириб, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи экспонатлари қаторига киритиш...

\*Зокиржон акага анчадан бери тинчлик бермай келаётган яна бир ўй – Андижон шаҳри энциклопедияси, Бобур академиясини яратиш эса хийла салмоқли юмушлар сирасига киради...

## Осуда ҳаётда сурур йўқ

Албатта, бу орзу-ниятлар илмий фаолияти, ижтимоий хизматлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланган, мамлакатимиз Президенти томонидан «Маънавиятимиз фидойиси» деб таърифланган Зокиржон ака Машрабовнинг ҳаёлида пишиб етилган, маданий ҳаётимиз, маънавий камолотимиз учун жуда муҳим лойиҳалар бўлиб, ҳали кўнгил қатида навбат кутаётган, ошкор этилмаган ўй ва режалари қанча!

У «дам олиш» ҳақида гапирганда бошлаб кўйган ишларини суянч ва маслаҳатчи, қобил, меҳрибон фарзанди Зоҳиджон Машрабов ва шогирдларининг изчил давом эттиришларига умид қилаётгани табиий. Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетини битирган, кейинчалик қўшимча равишда Андижон халқ хўжалиги олийгоҳида ҳам сиртдан таҳсил олган Зоҳиджон бугунги кунда Андижон Давлат университетининг тадқиқотчиси, Андижоннинг қадимий ва ўрта асрлар тарихига оид мавзуда илмий иш олиб борапти. Соҳага оид қатор мақолалар эълон қилди. “Андижон тарихи” китобининг ҳаммуаллифларидан бири. Айтиш мумкинки, Зокиржон ака ўғлига ишонса, суянса бўлади.

Ҳа, у оиладан, фарзандларидан тиниб-тинчиган одам. Иккала қизи шифокор. Тўнғич қизи – Дилоромхон – тиббиёт фанлари номзоди. Азизахон эса таниқли кўз дўхтири. Набиралар ҳам ўқиш ва ишдаги ютуқлари билан бобо ва бувисини қувонтиради.

Зокиржон ака Бобур боғидан эсадиган шабода албатта бўйлаб ўтадиган шинам ҳовлисида, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, чорпояда лўла болишларга ёнбошлаганча, «тўқсон беш» чойни ўгириб ичиб ўтирса ярашади. Аммо, бизнингча, юқоридаги улкан мақсад ва вазифаларга ўзи бош-қош бўлмай, четда кузатиб туришига ишониш қийин. Чунки, унинг вужудидаги кексаликка ҳали-бери бўй берадиганга ўхшамайдиган ғайрат, куч-қувват, юрагидаги орзулар, ўз юртига, миллатига, Бобур Мирзога, барча улуғ алломаларимизга бўлган кучли

меҳр, ихлос хотиржам ўтиришга изн бермайди-ёв! Зеро, у қолган умримни ҳам улуғ аждодларимизга, Бобур Мирзога сарфламоқчиман, деган эди қачондир.

Бир куни Зокиржон ака шифохонага тушиб қолди. Тўғрироғи, меҳрибон шифокор қизларининг ташаббуси ва жонкуярлиги билан тўнғичи раҳбар бўлган “Темирўлчилар” сихатгоҳига жойлаштирилди. Аслида, у чарчаган маҳалларида қизларининг қистови билан шу ерда беш-олти кун дам олиб, даволаниб туради. Бу гал анча кун шамоллагандай бўлиб юрди. Муаммо асосан томоқда - овози кийналиброқ, қирилиброқ чиқар ва гоҳо қисқа-қисқа йўтал тутиб қоларди. Ўтиб кетар, ўтиб кетар деб юраверди, врачлар тайинлаган ҳапдорилар ҳам негадир қор қилавермади. Одатда Зокиржон ака бунақа енгил-елпи шамоллашларни енгиб юборарди. Шифохонада шифтга тикилиб бекор ётишга сира хуши ҳам, тоқати ҳам йўқ : юриб ўрганган одам, ўзини бир жойда депсиниб тураверадиган отга ўхшатарди. Қолаверса, режадаги ишларнинг сурилиб кетаётганидан диққатланади. Кунлар жуда секин ўтаётгандай туюлиб, зерикади ва юраги сиқилади. Шифохонадан чиққач, ўзини эркин сеза бошлайди.

Бу сафар бошқачароқ бўлди. Касали тузалмаётгандай, аксинча, томоқ қирилиши ҳам, йўтал ҳам вужудига тобора маҳкамроқ ўрнашиб бораётгандай эди. Ўзини чинакам жиддийгина бемордай ҳис қила бошлади. Бу ҳол эса Зокиржон акага ёқмасди.

Еттинчими, саккизинчи куни жўралар йиғилиб кўргани бордик. Зокиржон акага ажратилган, гўё барча шарт-шароитлари мавжуд алоҳида икки хона ҳам лойиҳасига кўра тор бўлиб, биз кўпчилик (ўндан ортиқ) бўлганимиз учун ташқаридан олиб кирилган курсиларга қисилибгина ўрнашдик. Хоналар шифохонанинг ичкарироғи - тўғрироғида ва кўздан панароқ жойдалиги учун ёруғлик ҳам меъёрий эмас эди. Бир пас ўтирганимиздан кейин ҳаво танқислиги билина бошлади.

Зокиржон аканинг ҳолатида ростдан ҳам ўзгариш сезилмас, қайтага ранг-рўйи бир оз синиққандай, хос кийим ва муҳит уни ростакамига беморона қиёфага киритиб олгандай эди. Йўтал давом этар, фақат овоз сал очилган эди.

Ҳол-аҳвол сўрашдик, биримиз қўйиб, биримиз ўзимизча таскин-тасаллилар беришга ҳаракат қилдик.

- Сизга бунақа жойда, бунақа кийимда ётиш ярашмас экан, -деди кимдир.

- Мен ҳам ўзимни қафасга тушиб қолган шердай ҳис қиляпман, - деди Зокиржон ака. – Анча ишлар қолиб кетди. Афғонистонга ўтиб келишим керак эди.

“Ўтиб келишим керак эди” деган гап менга жуда наша қилди – худди Асака ё Избосканни назарда тутгандай...

Орадан уч кун ўтган эди, Зокиржон ака қўнғироқ қилиб, бир келиб кетсангиз деб қолди.

- Шифохонагами?-сўрадим, тинчликмикан деган хавотирда.

- Йўқ, Боғи Бобурга. Фондга...

Телефонда майдалаб сўраб ўтириш ножоиз эди, дарҳол йўлга тушдим.

Хонасига кириб борсам, Зокиржон ака иш столи орқасидаги чарм ғилофли креслосида, одатдагидай тўқ кулранг, одми кўйлақда, тепа тугмалари қадалмаган ҳолда кўксини шабадага тутиб ўтирар, стол устида ҳамишигидай ҳар хил қоғозлар... Афтидан раҳбар нимадир ёзмокда эди. У уч кун илгари мен кўрган одамга сира ўхшамас, юзлари қип-қизил, нигоҳлари тийрак, овози ҳам дадил, умуман жуда тетик – биров уни кечагина шифохонадан чиққан деб ўйламасди.

- Ҳайрон бўляпсизми, -деди у менинг чиндан ҳам ажабланаётганлигим ва нигоҳий саволларимга жавобан. – Ётавериб диққат бўлиб кетдим, ке, менга рухсат бер, қизим, қолганини ўзим даволаниб оламан, дедим. Шифохонадан чиқдим, мана, яхши бўлиб қолдим. Мен, ўзи тинмай юриш учун, ишлаш учун яралганга ўхшайман.

Балки ўша куни у кадрдон жўралари олдида ўз ҳолатидан ҳижолат чеккандиру руҳиятида қандайдир ғалаёний бир жараён, эврилишлар юз бергандир.

Тўғри, иши, касб-кори жони-дилига айланган одамлар кўп, лекин Зокиржон акадақаси кам бўлади. 86 ёшда халқаро фондни – йирик ва фаол нотижорат нодавлат ташкилотини, халқаро илмий экспедицияни бошқаришни, узоғи ўн кун

ё ҳафтасига Тошкентга (пойтахтдаги қароргоҳга) катнаш ва у ерда турли маҳкамалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб қайтиш, йилда бир неча бор узоқ-яқин сафарларга бориб келиш, яна ҳар хил идоралардан келиб турадиган текширувчи, солиқчиларнинг саволларига жавоб айтиш ва бошқа кўзда тутилган ва тутилмаган масалалар билан шуғулланишни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Зеро, бу дадиллик шунчаки ғайрат-шижоат билангина боғлиқ эмас, балки туғма, илоҳий салоҳият, қувват, қудратнинг инъикосидир...

Ўша воқеадан бир неча кун ўтиб Зокиржон аканинг яна сафарга ҳозирлик кўраётганидан воқиф бўлиб қолдим (Демак, унинг “дам олиш” ҳақидаги гапи ҳазил).

- Яна йўл юрилар экан-да, - дедим ҳайрон бўлиб.

- Табиатим ўзи шунақа, - деб жавоб берди Зокиржон ака руҳланиб. – Бир жойда узоқ туриб қолсам, бўшаша бошлайман, йўл юрмасам, зерикаман, ўзимни димланиб қолган ариққа қиёслайман. Ўзиям умримнинг ярми йўлда, автомобилда кечган бўлса керак. Сафарлардан ташқари, деярли эллик йилдан бери хизмат машинасида юраман, бу давр ичида Тошкентга қатнаганларимнинг сон-саногини йўқ...

Ростдан ҳам, Зокиржон аканинг умр бўйи машинада юрган масофалари ҳисобланса, неча юз минг чақирим бўларкин? Ҳар ҳолда, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилса, дунёдаги энг ҳайратомуз маълумотлардан бири бўлиши турган гап.

Бобур Зокиржон аканинг умри мазмунига, ўнгию тушининг мавзуига айланиб кетганлиги айтилиши ҳақиқат. Унинг шахсий хоҳиш-армонлари билан ватан, эл-юрт, жамиятга, маънавият ва маърифатга, яна ҳам аниқроғи, Бобурга оид режа-истакларини айро тасаввур қилиш мушкул.. Мабодо уни ярим тунда уйғотиб, дабдурустдан “Қандай армонларингиз бор?” деб сўрасангиз, у ҳеч иккиланмай санай бошлайди:

- Бобур ва у яшаган давр ҳақида мукамал тарихий, бадиий асарлар яратилгани йўқ... Бобурнинг киндик қони тўкилган Андижоннинг ёшини аниқлаб

олдик ҳисоб, лекин энди Андижон шаҳар қомусини яратишимиз керак. Бунинг учун тарихчи олимларимиз, адабиётчиларимиз ишга киришишлари лозим.

Ҳа, яна бир гапдан кўпчиликнинг хабари бор – 1980 йилларда кўхна Андижонимизнинг Эски шаҳар мавзесидаги, аниқроғи шаҳарнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган марказидаги “Арк ичи” қайта тикланиб, унга “Бобур уй музейи” мақоми берилган эди. Бу номнинг ўзиёқ жаҳон бобуршунослари, юртимизга узоқ-яқиндан ташриф буюрадиган меҳмонларни, умуман, Бобур Мирзо ихлосмандларини ўзига жалб қилиши ва у ер гавжум бир зиёратгоҳ масканга айланиши кўзда тутилган эди. Лекин афсуски, у кейинги маҳалларда эътибордан четда қоляпти.

- “Арк ичи” биносининг яна бир эътиборли томони шундаки, - дейди Зокиржон ака, - у темурий-бобурийлар давридан қолган ягона ёдгорлик – тарихий обида ҳисобланади. Ушбу иншоот-мадраса XIV асрда, Хожар Ноиб хукмдорлик даврида қурилган. Умаршайх Мирзо саройи, хонадони “Арк ичи” ўрамида бўлиб, ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу мадрасада таҳсил олган.

Шунинг учун ҳам, 1980 йиллари юртимизнинг таниқли адиблари, тарихчилари Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Бўрибой Аҳмедов, Аҳмадали Асқаров, Ҳошимжон Раззоқов, Олимжон Холдор, Сайфиддин Жалилов ва бошқалар иштирокида атрофлича ўрганилиб, унинг тарихий-маърифий аҳамияти инобатга олиниб, Андижон шаҳар ижроия кўмитасининг қарори билан Хожар-Ноиб мадрасаси қайтадан таъмирланган ва жиҳозланиб, “Бобурнинг уй музейи” ташкил қилинган. Арк ичининг атрофи ободонлаштирилиб, унинг тарғибу-ташвиқоти йўлга қўйилса ва у жойлашган қадимий темирчилик-хунармандчилик расталари кўчаси “Мусаффо осмон остида ишлаб турган музей”га айлантирилиб, шунга мувофиқ, яъни ўрта аср хунармандчилигига хос шарт-шароит, манзара яратилса ва бу ҳудуд халқаро туризм маршрутига киритилса, Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳларнинг Андижон томонга оқими кўпроқ бўлиши турган гап.

Зокиржон аканинг олимларимиз ва адибларимиздан яна бир ўпка-гинаси бор: Бобурнинг ўсмирлиги, шахзодалиқ даврлари хусусида ким, қачон йирикрок асар – қиссами, романми ёзаркин?..

Андижонлик ёзувчи Дурбек Қўлдошевнинг “Императорнинг туғилиши” асари Бобур Мирзонинг асосан болалиқ паллаларини акс эттиришга бағишланган бўлиб, бу борадаги бўшлиқни маълум маънода тўлдиришга ҳисса қўшиши билан эътиборга моликдир.

\*Зокиржон ака узоқ йиллардан бери Бобур тўғрисида катта экранларда кўп қисмли, “Спартак”, “Юлий Цезарь”, “Наполеон”, “Уруш ва тинчлик” сингари жиддий, жаҳоншумул бадий фильмни кўришни орзу қилиб келарди. Давлатимиз раҳбари бу фикрни қўллаб-қувватлаб, соҳа кишиларига тегишли кўрсатмалар берди, улар Зокиржон Машрабовга мурожаат қилиб, таклифлар сўрадилар. У ўз мулоҳазаларини, ҳатто фильм сценарийсини ким ёзиши мумкинлигию бош ролни ким ўйнаса мақбул ва мувофиқроқ бўлиши борасидаги тавсиялари, таҳминларини ёзиб юборди. Бу ёғи энди кино мутахассисларининг саъй-ҳаракати, шижоатига боғлиқ...

Маълумки, Зокиржон аканинг эзгу ишлари, орзу-армонларининг ҳаммаси ҳам бобурийларгагина дахлдор эмас, албатта. Ўзга соҳалардаги режа ва ниятлари саноғига ҳам бармоқлар етмайди. Масалан, унинг яна бир тилаги, умиди юқорида эслатиб ўтилганидай, Ўзбекистоннинг мукамал тарихи яратилганига гувоҳ бўлиш. У, ўзи айтганидай, “геолог одам”, “тарих билан нима ишим...” дейиши ҳам мумкин, илло, ундай дейдиган лоқайдлардан эмас. Чунки ўз юрти, ватанини бошқалардан доим кўпроқ яхши кўради, фарзандлари, неvara-чеваралари қаторида бўлган ёш авлоднинг сиёсату ҳар хил дунёқарашлар таъсирида тарихий ҳақиқатлар бузиб талқин қилинган, буюк аждодларимиз обрў-этибори, жаҳон миқёсдаги нуфузи, мавқеи мумкин қадар пасайтирилиб, хизматлари, ихтиролари, кашфиётлари камайтирилиб кўрсатилган бечора, қурама тарихимизни эмас, тўлароқ, холисроқ маълумотларга асосланган бой тарихга эга миллий ўтмишимиз рўй-рост акс эттирилган солномамизни ўқиб билишлари, фахрланишларини истайди. Бу борада ҳам у ватанпарварлик ҳиссиётлари кучлилигидан нега қўшни

халқларнинг тарихчилари ўз юртлари тарихини аллақачон том-том китобларга жо қилиб дунёга намоён этиб бўлишди-ку. Бизнинг муаррихларимиз унча шошилмаяпти, дея ўгинади. Балки бизникилар “Яхши от кейин чопади” кабилида иш тутишаётгандир? Ёки тарихимиз ниҳоятда бойлиги, вақтнинг эса ғувиллаб ўтиб кетаётгани учун улгуришмаётгандир?...

\*Археология соҳасидаги ишлар – Андижон ўтмишини, айникса, Бобур даврини ўрганишни (зеро, унинг вояга етиши ва жаҳонга машҳур олим, шоир, подшоҳ бўлиб танилишида киндик қони томган шаҳардаги, умуман, Фарғона мулкидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муҳит ҳал қилувчи омил бўлгани шубҳасиз) давом эттириш, шунингдек, ўтган асрда юртимиздан олиб кетилган, ҳозирда Санкт-Петербург ва бошқа шаҳрларда сақланаётган моддий-маданий ашёларни келтириб, Андижон шаҳарсозлик маданияти ва тарихи музейини янада бойитиш ҳам режали орзу.

\*Бобур боғини янада ободонлаштириш; Ўзбекистонда зайтун етиштириш бўйича илмий-изланишларни фаол давом эттириш;

\*Афғон заминида, Ишкамиш шаҳрининг бир чеккасида хокисор бўлиб ётган Бобораҳим Машраб қабр-мақбарасини шоир доврўғига, обрў-шаънига муносиб янги сағана тоши ўрнаттириб, мақбара бунёд этиш, унинг атрофи ва у ерга борар йўлларни ободонлаштириш, зарур бўлса, Ғазни шаҳрида Абу Райҳон Беруний қабри узра барпо қилинаётган марқад қурилишига бош қўшиш...

Қани энди, Зокиржон акага қолса, Аҳмад Фарғонийнинг Ал Фустотдаги, Ал Форобийнинг Дамашқдаги, Али Қушчининг Истамбулдаги қаровсиз қабрлари устига муҳташам дахмалар тикласа!..

\* \* \*

Зокиржон Машрабов ўзи ҳақида кўп гапиришни унча хуш кўрмайди. Ибратомуз, кенг кўламли тадбирларни амалга ошираётганидан сўз очсангиз, “Ҳа, энди...” деб, мавзуни бошқа ёққа буради. Бунақа маҳалда айтадиган бир гапи бор: “Асосий ишни бажараётганлар - бобуршунослар, адиблар, атрофимдаги сизга ўхшаган дўстларим. Мен, демак, шунчаки хўжалик ишлари бўйича сизларга ёрдамчиман, холос...”



Дарҳақиқат, у ўзини ижодкорлар, хусусан, қалам аҳлига жуда яқин олади. Айниқса, каломни Бобурдан бошлаган кишига меҳри товланиб, дунёдаги ҳамма яхши нарсаларни унга инъом қилиб юборгудай бўлади. Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» асари кўлига тушганида, унинг худди ўз китоби нашр этилгандай суюнгани, ҳаяжонланганига, ҳаммага ташвиқ қилиб юрганига кўп бора гувоҳ бўлганман. «Шундай мириқиб ўқидим, баъзи жойларида беихтиёр кулиб юбораман,» дейди. Умуман, Бобур мавзуида қалам тебратадиган адибларни каттиқ ҳурмат қилади. Пиримқул Қодировни эса жони-жаҳонида кўрарди. «Юлдузли тунлар» романини Тожмаҳалнинг мармар супасида йиғлаб тугатганман», дейди ҳар гал ўша асар тўғрисида гап кетганда. Шоир, филология фанлари доктори, марҳум Исмоил Тўлак Зокиржон аканинг журналист дўсти Собиржон Шокаримов билан ҳамкорликдаги «Асрларни бўйлаган Бобур» китобига ёзган сўзбошисида асарнинг ҳар бир саҳифасида Бобур Мирзога бўлган ҳурмат ва муҳаббат бўртиб турганини алоҳида таъкидлаган ва бу муносабатни «покиза эътиқод» деб таърифлаган эди.

- Шу даражада бобурпараст бўлиш ҳам мумкин экан-да, дейман ҳайрат билан.

У нафақат бобурпараст, айти пайтда ижобий маънодаги юртпараст, миллатпараст ҳамдир.

- Кейинги йигирма беш-ўттиз йиллар давомида кўп юртларда бўлдим. Турфа миллат ва элат вакиллари билан суҳбатлашдим. Аммо дилимдаги иқрорим шуки, Ўзбекистондек файзли юртни, ўзбек халқидек самимий миллатни учратмадим, - дейди ифтихор билан.

Ижодкорлар ҳам Зокиржон акани маънавият фидойиси, чин ватанпарвар сифатида қадрлашади, юксак баҳолашади. Хайридин Султоннинг юқоридаги китобини Заҳириддин Бобур ва Зокиржон Машрабовга бағишланган дейиш мумкин. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом бу қалби жўшқин инсон сиймосини бадийлаштириб, “Рухлар қасидаси” деган дoston битди. Ушбу китоб ичидаги ва сўнгги саҳифаларда илова қилинган бағишловлар Зокиржон

Машрабов мадҳи, таърифига доир шеърларнинг бир қисми, холос. У ҳақда турли муаллифлар томонидан эсселар, очерклар ёзилган, бадиалар, таҳсинномалар битилган, яна таниқли бобуршуносларнинг эътирофлари, айтимлари... Зеро, бу маърифатпарвар геологга қалам аҳлининг ҳурмати чексиз: унинг ранг-баранг фаолиятида ўзларининг Бобур ва бошқа улуғларимиз тарғиботи, эъзозланишига оид истаклари рўёбини, ўнлаб адабиёт мутахассисларию маданият мутасаддилари, ижодий ташкилотлар, илмий-маърифий муассасалар ҳал этолмаган, ҳал этмаган тadbирлар, нашрлар билан боғлиқ муаммолар ечимини кўраётганлари, бошқа ибратли ишларига гувоҳ бўлаётганлари туфайли...

\* \* \*

«Ҳаётда доимо ўзинг эриша олмаган бирон нарсага шайдо бўлиб яшаш керак. Инсон юксакликка интилган сари янада баркамоллашади», деган экан бир улуғ адиб.

Зокиржон ака эса, шайдо бўлган нарсаларига, кўзлаган марра-манзилларига эришяпти ва камолот касб этган сари ватанпарварлик туғини маҳкам тутганича, янги-янги уфқлар сари талпиниб, ортидан бошқаларни ҳам эргаштириб яшаяпти.

«Осуда ва беғам ҳаётда сурур йўқ! Нимадир юракни ўртаб, фикрни тинч кўймаслиги керак», деган эди яна бир донишманд. Наздимда, бу ҳикматлар қаҳрамонимиз эътиқоди, яшаш тарзининг моҳиятини англашга ёрдам беради. Балки, аслида, Зокиржон Машрабов каби фидойи инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳикматларга маъно ва мазмун бағишлар...

Бу инсонга сидқидилдан қойил қолганлар кўп, албатта. Лекин баъзан “...тушунмайман, ўзига доим ҳар хил ташвишлар орттириб, қанча қийинчилик билан топадиган сармояларини экспедиция, турли йиғинлар ўтказишга, аллақандай китобларни чоп эттиришга сарфлаб нима зарур экан?...” каби талмовсирашлар ҳам қулоққа чалинади...

Зокиржон ака гоҳи-гоҳида мени бирон юмушда ёрдамга чақириб қолади. Айрим пайтларда чарчаган ё бошқа бир иш билан банд бўлиб турган бўлсам, ўзимда бир зум иккиланиш туяман. Шундай пайтда кўз олдимга лоп этиб

матншунос, бобуршунос Ваҳоб Раҳмон келади. Саксонга яқинлашиб қолган бу валломат олим бир оғиз гап билан Сирдарё вилоятидан – Гулистондан Тошкентга, Тошкентдан Андижонга қанча йўл босиб, неча автоуловга алмашиб Фондга етиб келади. Баъзан ҳар ойда...Ваҳоб Раҳмондан ташқари Тошкентдан, хорижий мамлакатлардан ёши улуғ олимлар, адиблар чегара-божхоналардаги расмиятчиликлар, музтарликларга бардош бериб, поездларда, самолётларда етиб келишади Андижонга - Ҳиндистондан, Туркиядан, Америкадан... Зокиржон Машрабовнинг таклифию ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юзи-хурматидан. Ҳозирда тўқсонни қоралаётган одам, мана, салкам ўттиз йилки, ўшаларни кутиб олади, меҳмонхоналарга жойлаштиради, нонуштасию тушлиги ҳақида бош қотиради. Улар иштирокида катта анжуманлар ўтказилади. Кейин қарийб барча меҳмонларни пойтахтгача улов ёки уловга чипта билан таъминлаб, эҳтиром билан кузатиб қўяди. Экспедициялар уюштиради. Ора кунда Тошкентга қатнайди - Бобур Мирзо ва бошқа улуғ аждодларимизнинг фаолиятлари, меросларини ўрганиш, уларни эъзозлаш билан дахлдор масала-муаммоларни ҳал этиш учун...

Шуларни ўйлайману хижолат бўлиб кетаман ва дарҳол “Бўпти, ҳозир етиб бораман!” дейман-да, апил-тапил йўлга тушаман...

Бобур таваллудининг қай бир йирик санаси муносабати билан Андижонда ўтказилган халқаро анжуман Бобур қадамжойи – Хўжаободдаги Дилкушо оромгоҳида давом этди. Одатдагидай, хориждан ва Тошкентдан нуфузли олимлар, адиблар бор эди. Ўшанда каминага сўз берилганида Зокиржон аканинг ажабтовур ишларини шуҳратпарастликка йўйиб юрганларга киноя қилиб, шундай деганим эсимда:

- Зокиржон акадай бобурпарастлик ҳаммага насиб этсин.
- Зокиржон акадай юртпарастлик ҳаммага насиб этсин.
- Агар Зокиржон ака шуҳратпараст бўлса, шундай шуҳратпарастлик ҳаммага насиб этсин!..

Зотан, Зокиржон Машрабовнинг бобурога табиат, дарвишваш хатти-ҳаракатларини англаш учун одамда ўз халқи тарихига ҳурмат, миллатнинг юзи,

шони-шавкати бўлган улуғ аждодларни кадрлаш, улар билан фахрланиш туйғуси бўлиши даркор.

Балки Зокиржон аканинг Захириддин Муҳаммад Бобурга шу қадар садоқат, меҳру вафо кўргизаётгани бежиз эмасдир?.. Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон уни «Бобурийлардан бири» дея таърифлаган эди. Дарҳақиқат, қаҳрамонимиз томирларида Бобур Мирзо ва унинг авлодлари қони оқаётган бўлса, не ажаб?

Бу гаплар шунчаки чиройли тимсол учун айтилган эмас. Ҳарқалай, шахсан мен шунга аминманки, Зокиржон Машрабов улуғ Бобур Мирзонинг ҳақиқий маънавий ворисидир. Бу фикрга тўла ишонч ҳосил қилишни хоҳловчиларга Зокиржон аканинг 2013, 2020 йилларда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан “Бори элга яхшилиғ қилғил” деб номланган китобини ўқишни тавсия этган бўлардим.

Машрабовлар сулоласидан Зокиржон аканинг давомчилари ҳам чиқиб қолса, ажаб эмас...

“Вақт ва имконият тақозо қилганда, ёнимга Машрабовлар – Бобуршоҳ ёки Ахрорбекларни таржимон ва ҳамкор қилиб олиб, Европа мамлакатларининг музей ва кутубхоналаридаги тарихий, нодир асарлар, манбалар билан танишиб, улардан айримларининг имкон даражасида асли ёки нусхаларини қўлга киритиб, “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейини бойитишга ҳаракат қиламан, - деб ёзади Зокиржон Машрабов мақолаларининг бирида. - Масалан, Бирма давлатига бориб, Баходир Шоҳ- Зафарнинг абадий оромгоҳини зиёрат қилиб, у буюк аллома, подшоҳ ҳақидаги зарур маълумотларни тўплаб олиб келишда набирам, инглиз тилида яхши сўзлашадиган Сардорбек Аҳмаджоновнинг кўмаги катта бўлди.

\* \* \*

Давраларда Зокиржон аканинг кам сонли умрзоқлар саноғида, ҳавас қилгулик сағлом, бардам ва ҳамиша фаол фаолиятда юриш-туриши борасида гап кетганида, бунинг боиси – Яратган Эгам илоҳий салоҳият ато этган буюк ўтмишдошларимизни эъзозлаш, иззат-икромларини ўрнига қўйиш, тарғиб этиш,

намуна қилиб кўрсатиш йўлидаги жон койитишлари учун ўша алломаларимизнинг руҳлари шод бўлиб, унга мадад тилаётган, бу аҳдига содик бандасининг эзгу ишлари, катта-кичик йиғинлар ва бошқа тадбирлар муносабати билан хайрия, эҳсонлар қилаётгани Парвардигорга ғам хуш келаётган бўлса керак, деган мулоҳазалар билдирилади. Менимча ҳам шундай. Фақат бир гапни илова қилишни хоҳлардим: Зокиржон Машрабов улуғларимизни улуғлаш орқали миллатимиз, ватанимиз – Ўзбекистон шаънини, шонини янада юксакка кўтариш ва элни маънан бойитишга бор имкони, умрини сарфлашни ҳаётининг мазмунига айлантира олган фидойидир.

Бундай инсон билан бир замонда, бир юртда, бир маслакда яшаш одамга қониқиш бағишлайди, айна пайтда катта масъулият юклайди..

\* \* \*

Ушбу китоб, Яратганнинг инояти билан учинчи бора тўлдирилди. Лекин қаламдан четда қолган воқеа-ҳодисалар бир дунё. Аллоҳ насиб этиб, асар келгусида янги қўшимчалар билан бойитилиб, такрор-такрор чоп этилса ажаб эмас. Омин.

*Авалло Андижон ҳақида бир мулоҳаза айтсам, бу қутлуг гўша ҳақида ўз қалбимда жўш урган меҳр-муҳаббатимни қисман изҳор қилган бўламан:*

*Алфавит «А» ҳарфидан бошлангани учун Андижон «А» ҳарфидан бошлангани ёки Андижон «А» ҳарфидан бошлангани учун алфавит «А» ҳарфидан бошлангани? Билмадим, ҳар ҳолда бу мантиқда қандайдир асос бордирки, йўқса Андижон ҳамма ибратли соҳада сафлар бошида бу қадар мутлақ турмас эди. Бунга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Қаранги, андижонликларнинг дўпписи ҳам чуқур, чунки бу дўппи остидаги тафаккур тўла бош ҳам чуқур фикрлайдиган бош-да!*

*Энди Зокиржон ака Машрабов ҳақида шуни айтиш керакки, бу инсонни нафақат Андижон учун, балки халқимиз учун Худо берган. Бу одамнинг халқаро Бобур жамғармасини нафақат жамғарма, балки, Андижон Академияси, дейиш мумкин.*

*Биз Наманган аҳли ҳам андижонликлардан кам жойимиз йўқ. Кўп ишлар қиламиз, югурамиз, еламиз, лекин нимадир етишмаётганга ўхшайверади. Энди билсам (бу ҳам одатдагидек шахсий фикрим), бизнинг Зокиржон Машрабовимиз йўқ экан. Кам бўлманг, оқсоқол, Сизни ўзингиз улуғлаган улуғларнинг руҳи қўллагай.*

*Зиёвуддин МАНСУР,*

*шоир*

## *Бағишловлар*

### **Фидойи инсон ҳақида қўшиқ**

Аввал худо бериб руҳига мадад,  
Онасин дуоси қилиб сарбаланд,  
Унга яқин бўлди дунёи сарҳад,  
Бел боғлаб отланди Зокиржон Машраб,  
Юртдоши жаҳонгир Бобурга ўхшаб.

Бобур изларидан шаҳдам, пайдар-пай,  
Йўл юрди, мўл юрди куну тун тинмай,  
Юраги толиқса чалар эди най,  
Дардкаш куйга ошиқ Зокиржон Машраб,  
Маърифат пешвоси Бобурга ўхшаб.

Бағрига босганча “Бобурнома”ни,  
Бобур девонини – соғинчномани,  
Тошларга бош қўйди ечмай жомани,  
Матонат кўрсатди Зокиржон Машраб,  
Метин иродали Бобурга ўхшаб.

Қадим шаҳри Ҳирот бўлиб бир кадам,  
“Хамса” дostonларин сўйлаб дам-бадам,  
Навоий қабрига гул эккан одам,  
Мард ўзбек боласи Зокиржон Машраб,  
Навоийни севар Бобурга ўхшаб.

Сўлим “Боғи шамол” юксак адирда,  
Бир рамзий қабр бор ҳавоий қирда,  
Бунда булбул сайрар, тонгда, асрда,  
Боғпараст, гулпараст Зокиржон Машраб,  
Боғлар бунёдкори Бобурга ўхшаб.

Олиб келганида Бобур ҳокидан,  
Қуёш ерга тушиб осмон тоқидан,  
Бобур озод, - деди юрт фироқидан,  
Аллоҳга суянди Зокиржон Машраб,  
Ҳақ йўлдан тойилмас Бобурга ўхшаб.

Ҳайдар Аёзийни топди ахтариб,  
Қабри тут остида ётганди ғариб,  
“Тарихи Рашидий” китоби шариф,  
Дея кўзга суртиб Зокиржон Машраб,

Меҳр бағишлади Бобурга ўхшаб.

Соҳибқирон Темур эрк халоскори,  
Темурийзодалар - мардлар қатори,  
Доно маликалар уларнинг ёри,  
Ўғлим, қизим дейди Зокиржон Машраб,  
Ҳумоюн падари Бобурга ўхшаб.

Одам ҳам хокисор бўлурму шунча,  
Қалбига муҳаббат тўлурму шунча,  
Тўлан Низомдек эл билурму шунча,  
Элга эл, дўстга дўст Зокиржон Машраб  
Замонлар ўтса ҳам Бобурга ўхшаб.

*Тўлан НИЗОМ,  
Ўзбекистон халқ шоири*

## **Бобурни севганлар**

(Парча)

Анжонда Бобурни севганлар бордур,  
Таъзимга бошини эгганлар бордур,  
Муҳаббат кўрини тўкканлар бордур,  
Зокиржон Машрабов деганлар бордур,  
Шунинг-чун шодондур Бобур бобомиз.

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ*

## **Бобурнинг фарзандиман**

*Зокиржон Машрабовга*

Отам ўтди, падарим покиза дилбандиман,  
Буюк шажарада бир ҳалқаман-пайвандиман.  
Кўнглимдаги ўйимни айтмоғим керак сизга,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

Боболарим изи бор йўллардан юриб келдим,  
Йўллар эмас, неча юз йиллардан юриб келдим,  
Дўллардан ҳам юрдим мен, селлардан юриб келдим,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.



Қуриб кетсин дунёнинг йиртиқ, жулдур жомаси,  
Ёзмиш кўнгил қони-ла ошуфта дил хомаси,  
Шундан Хатти Бобурий, неъмат Бобур номаси,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

Етти кўкни тутмасми, ё Аллоҳ, овоз деган,  
Ҳақдан садо бермаса ўтиндай гап соз деган,  
Ўжар, қайсар юрагим шундайин бир сўз деган-  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

Ёлғон пойи патақдир, ҳақ калом кайвонидир,  
Дилга нурдир Тожмаҳал, муҳаббат айвонидир,  
Асли баҳор айёми йигитлик овонидир,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

Олов ошно бўлғайдир киборга, билганим шул,  
Зафар насиб, кўл берса Аҳрорга, билганим шул,  
Келди Бобур, минг шукр, диёрга, билганим шул,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

На топгум ва на бергум, тентираб, дайдиб, эй дил,  
Англагил, бу давронга келганмиз қайтиб, эй дил,  
Мусаввиди авроқ1 ҳам турибди айтиб, эй дил,  
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандиман.

### *Ғайрат МАЖИД*

*1. Кўчирувчи котиб (“Бобурномадан”).*

### **Андижон деб, жони фидо**

Оромидан, ҳаловатдан жудо - Зокиржон Машраб,  
Андижон, деб ҳам жони фидо - Зокиржон Машраб.

Улуғларнинг изларида қадам босган мардона,  
Ўзбекнинг бағрида хур нидо - Зокиржон Машраб.

Ватан тупроғини тўтиё айлаб кеча-кун,  
Дунёга таратган куй- наво - Зокиржон Машраб.

Бобур, Соҳибқирон, Навоий, Лутфий, ки Машраб,  
Салафлар деб бир умр адо - Зокиржон Машраб.

Кимгадир олиму бировга устоз, “Бой ота”,

Андижонга Илохдан ато - Зокиржон Машраб.

У яшайди Ватан дея, келар акс садо-  
Оҳиро бўлди марди Худо - Зокиржон Машраб.

*Наби ЖАЛОЛИДДИН*

## **Эзгулик элчиси**

*(Мухтарам Зокиржон Машрабовга)*

(Достондан)

Бобурга меҳр, ҳавас тушиб дилига,  
Йиллар армонлари чиқиб тилига,  
Кўп савобли ишлар турар олдида,  
Ватан муҳаббати ўчмас ёдида...

Ўттиз йил, қирқ давлат... айтишга осон,  
Бундай сайёҳларни кўрганми жаҳон?  
Нияти эзгулик, омон-омонлик,  
Аслида булар ҳам зўр қаҳрамонлик.

Форобий, Беруний, Аҳмад Фарғоний...  
Аллома бобомлар бари жаҳоний.  
Жаҳонга илмдан нур таратдилар,  
Ҳамиша баҳорий боғ яратдилар.

Йўлинг оғриқлари бўлмади осон,  
Ер битта, ой битта, биттадир осмон.  
Божхона сабрларин чунон синади,  
Гоҳ ишлар ўнганмай йўлда туналди.

Мина яксон қилган дала бағридан,  
Ҳазонга айланган гуллар боғидан  
Ўтдилар ватаннинг тинчлигин ўйлаб,  
Гўё ўтган бўлди эртақлар бўйлаб.

Бобур хоки топди ўз кўнимини,  
Ҳар меҳмон ёд этар унинг номини.  
Майсалар нозида шудринг ялтирар,  
Уларни эркалаб шамол бош урар

Мавлоно Лутфийни эъзоз айлабон,  
Қабртош кўндирди меҳр бойлабон,  
Эътиқод, имони хўп бутун инсон,  
Сиздайин зотларга тўлсайди жаҳон.

Шоирлар номидан мен таъзим қилай,  
Мавлоно Лутфийнинг умрини тилай.  
Тинглангиз Андижон қизининг сўзин,  
Шоир Мунавварга берингиз изн!

*Мунаввара ТИЛЛАБОЕВА*

## **Сиздайлар бор экан...**

*(Фидоий ватанпарвар Зокиржон Маширабовга бағишлайман)*

Аждодлар меросин асраб-авайлаб,  
Кафтда олиб юрган эй, улуғ инсон.  
Дунё элларини бир-бир оралаб,  
Миллат тарихига қўшаяпсиз шон.

Чеккан заҳматингиз, меҳнатингиздан,  
Ўзбекнинг шуҳрати ортмоқда шоён.  
Бугун Берунийлар, Бобурлар номи  
Ёшларнинг тилида жаранглар аён.

Сизни боболарнинг руҳи қўлласин,  
Қўлласин мустақил даврон ва замон.  
Сиздайлар бор экан ушбу дунёда,  
Тан олгай Ўзбекни жумлаи жаҳон.

*Саъдулла ОЛЛОМОВ,  
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

**ЭКСПЕДИЦИЯ САФАРЛАРИ**

<b>Рақамлар</b>	<b>Таркиблар</b>	<b>Вақт, саналар</b>	<b>Йўналиш-манзиллар</b>
<b>1-чи</b>	З.Машрабов, Х.Султон, А.Ҳамидов, С.Шокаримов, С.Турсунов, Р.Шамситдинов, Ш.Мадазимов, О.Ураимов, М.Раҳимов, М.Қосимов, Ф.Расулов, А.Исмоилов, Б.Зокиржонов, Р.Холмирзаев	19.05. –15.07. 1992й.	Туркменистон-Эрон-Туркия-Сурия-Иордания-Саудия Арабистони-Бирлашган Араб Амирликлари-Покистон-Афғонистон
<b>2-чи</b>	З.Машрабов, С.Жалилов, С.Шокаримов, Т.Низом, Ф.Расулов, А.Қосимов, А.Сиддиқов.	27.11. –12.12. 1992й.	Афғонистон
<b>3-чи</b>	З.Машрабов, С.Жалилов, С.Шокаримов, Қ.Қенжа, Т.Рўзиёв, Ф.Расулов, А.Қосимов, О.Солиев.	22.07. –13.09. 1993й	Туркменистон-Афғонистон-Эрон-Покистон-Ҳиндистон
<b>4-чи</b>	З.Машрабов, Ф.Расулов, Ғ.Сохий, И.Зоҳидов, А.Аҳмадалиев, Р.Юнусходжиев, Б.Шерматов, О.Мирзаев, М.Мирзаев, И.Мамарозиқов, О.Солиев	17.05. –11.06. 1995й.	Туркменистон-Афғонистон-Эрон
<b>5-чи</b>	З.Машрабов, Ф.Расулов, М.Қосимов, И.Мамарозиқов	17.09. –15.10. 1996й.	Қирғизистон-Хитой-Покистон-Эрон-Афғонистон
<b>6-чи</b>	З.Машрабов, Ф.Расулов, М.Қосимов, И.Мамарозиқов	14.05.1997й.	Туркменистон-Афғонистон
<b>7-чи</b>	З.Машрабов, Ф.Расулов, М.Қосимов, И.Мамарозиқов	15.10. –5.12. 1997й.	Туркменистон-Эрон-Туркия-Сурия-Иордания-Миср
<b>8-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Кенжа, Н.Отажонов, И.Мамарозиқов, Ф.Расулов,	01.10. – 0.12. 2000й.	Қирғизистон-Хитой-Покистон-Ҳиндистон-Бангладеш- Эрон-Туркменистон
<b>9-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Кенжа, М.Анвар, Ф.Расулов, И.Мамарозиқов	03.08. –24.08. 2003й.	Эрон-Афғонистон-Туркменистон
<b>10-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Кенжа, М.Қосимов, З.Мамарасулов, И.Мамарозиқов, М.Машрабова, М.Мамарасулова	20.12.2003й. -20.02.2004й.	Туркменистон-Эрон-Туркия-Сурия, Иордания-Саудия Арабистони-Ироқ
<b>11-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Мавлонов, У.Ўтаганов, И.Мамарозиқов, К.Мирзаев, А.Хожиматов, М.Обидов, Муҳаммад Анвар	29.04. –29.05. 2006й.	Туркменистон-Афғонистон
<b>12-чи</b>	З.Машрабов, В.Раҳмонов, Ғ.Сатимов, Р.Орифджонов, Т.Ҳамидов, Ф.Саидмаматов, А.Исабоев	05.10. –21.10. 2009й.	Қирғизистон-Тожикистон-Афғонистон-Туркменистон
<b>13-чи</b>	З.Машрабов, В.Раҳмонов, Ш.Сотқинова, Ф.Саидмаматов	08.11. –15.11. 2009й.	Ҳиндистон-Кашмир
<b>14-чи</b>	З.Машрабов, В.Раҳмонов, Ф.Саидмаматов, А.Исабоев	21.04. –05.05. 2010й.	Туркменистон-Афғонистон-Эрон
<b>15-чи</b>	З.Машрабов	05.08. –29.08. 2010й.	АҚШ
<b>16-чи</b>	З.Машрабов	25.12. –02.01. 2011й.	Малайзия-Сингапур

<b>17-чи</b>	З.Машрабов, Муҳаммад Али, Б.Матбобоев, Қ.Кенжа, В.Раҳмонов, А.Исабоев	01.06. –15.06. 2011й.	Қозоғистон-Россия
<b>18-чи</b>	З.Машрабов, Б.Матбобоев	26.07.- 07.08. 2012 й.	Россия
<b>19-чи</b>	З.Машрабов, Б.Матбобоев, Қ.Кенжа, Ф.Саидмаматов, А.Исабоев	26.09.-26.10. 2012й.	Қозоғистон – Россия – Озарбайжон - Грузия - Арманистон — Эрон – Туркменистон
<b>20-чи</b>	З.Машрабов	06.11.2014й.	Афғонистон
<b>21-чи</b>	З.Машрабов, Мамасолиев Рустам, Халим Ёрқин, Исабоев Ахмаджон	02.12.2014й.	Афғонистон
<b>22-чи</b>	З.Машрабов, Ваҳоб Раҳмон, М.Мирзаев, З.Мамарасулов, Т.Раҳимов, И.Мамарозиқов, А.Исабоев Х.Кимсанов	15.07.2015й.	Афғонистон
<b>23-чи</b>	З.Машрабов, Р.Мамасолиев, Т. Раҳимов, И.Мамарозиқов, С.Азимов, А.Исабоев, Р. Қодиров, Н.Аҳмедов, Х.Қўзиев	05.03.2016й.	Афғонистон
<b>24-чи</b>	З.Машрабов ва А.Аъзамов	08.04.2016й.	Афғонистон
<b>25-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Кенжа, Р.Мамасолиев, А.Исабоев	2016й. октябрь	Сўх-Хушёр (Фарғона)
<b>26-чи</b>	З.Машрабов, В.Раҳмонов, Қ.Кенжа, А.Исабоев	2016й. декабрь	Қорақолпоғистон (Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа)
<b>27-чи</b>	З.Машрабов, Р.Мамасолиев, А.Исабоев	28.03.2017й.	Афғонистон
<b>28-чи</b>	З.Машрабов, Қ.Кенжа, Ё.Жалолов, Т.Эҳсонов, А.Исабоев	20.09.2017й.	Қирғизистон
<b>29-чи</b>	З.Машрабов, Ё.Жалолов, В.Раҳмон, Т.Эҳсонов, А.Исабоев	12.12.2017й.	Қирғизистон
<b>30-чи</b>	З.Машрабов, Ваҳоб Раҳмон, А.Жумақулов, Ғ.Мажидов, А.Машрапов	11-23.08. 2018й.	Ҳиндистон



## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Қамчибек Кенжа 1946 йили 15 августда Избоскан туманидаги Гуркиров кишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини битиргач, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ҳафтаномида, Избоскан тумани «Пахтакор» газетасида адабий ходим, бўлим мудир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий адабиётни тарғиб қилиш марказининг Андижон вилоят вакили вазифаларида ишлади. 1983 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашига адабий маслаҳатчи этиб тайинланди. 1985 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига раҳбарлик, айти вақтда (1996 йилдан 2018 йилгача) «Холис» ижтимоий-оммабоп газетасига бош муҳаррирлик қилди.

Адибнинг «Соғинч», «Яшил барг», «Кўнгил кўчалари», «Ишқинг тушса...», «Орзумандлар», «Нотаниш гул», «Тоғ йўлида бир оқшом», «Соҳилдаги сув париси», «Қизил гуллар», «Муҳаббатни гуноҳ десалар», «Соҳибжамол аёл сири», «Бобурийлардан бири» (2000, 2015 й.) 2 жилдли «Сайланма», «Севинчларим ва куйинчларим», «Кўнгил кечинмалари», «Палахмон», «Муҳаббат бадали», «Машаққат ва жасорат», «Ҳаёт ҳикматлари», «Дўст киму қадрдон ким?» – жами 40 дан зиёд шеър, насрий, публицистик китоблари, қисса ва романлари чоп этилган.

Қамчибек Кенжа атоқли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ва темурийлар, буюк мутафаккир, мураккаб тақдирли, чигал қисматли шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ҳамда бошқа улуг аждодларимизнинг тарихий, илмий-адабий мерослари, меъморчилик ёдгорликларини чуқур ўрганиш мақсадида Андижонда ташкил топган Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида қарийб чорак аср мобайнида бир қанча салмоқли сафарномалар битди. Чунончи; «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача», «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда» сингари китобларида Афғонистон, Покистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон мамлакатлари, Кавказ республикаларида умргузаронлик қилган буюк алломаларимиз саркардаларимиз

хаёти ва фаолиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишлар, экспедиция аъзоларининг заҳматли ва мароқли саргузаштлари, мазкур юртлар, шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари, одамларнинг феъл-атворлари ва яшаш тарзлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Бобурийлар изидан», «Бобур саломи», «Буюк Бобур ворислари» номли ҳужжатли-оммабоп фильмларнинг сценарий муаллифи; жаҳон шеърятининг Александр Пушкин, Хенрих Хейне, Шандор Петефи, Валерий Брюсов, Михаил Светлов, Вл. Фирсов, Назрул Ислоҳ каби улкан намояндаларининг шеър ва дostonлари, бир қатор хорижий муаллифларнинг насрий асарларини ўзбек тилига ўгирган. Унинг шеър ва ҳикоялари рус, украин, инглиз, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг аъзоси Қ.Кенжаниннг кўп йиллик самарали меҳнат ва ижодий фаолияти “Мустақиллик” нишонлари, «Шуҳрат» медали, “Меҳнат шуҳрати” ордени, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, “Меҳнат фахрийси”, Андижон Давлат университетининг фахрий профессори илмий унвони, Халқаро Бобур мукофоти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мукофоти, “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони ва бошқа ёрлиқлар билан тақдирланган.

*Муаллифнинг яшаш манзили: Андижон вилояти, Избоскан тумани, Гуркиров қишлоғи, Зиёкор кўчаси, 40-уй.*

*Телеф. телегр: 94 102 41 00*

## **МУНДАРИЖА**

Ваҳоб Раҳмон. Фидойи инсон тасвири (Сўзбоши)

*Нубувватхон аянинг ҳикояларидан.....*

### **БИРИНЧИ ҚИСМ**

*Бола бошдан... ..*  
*Яхшилар.....*  
*Ҳаёт пиллапоялари.....*  
*Меҳр илдизлари.....*  
*Мозийга қайтиш.....*  
*Алоҳида суҳбат.....*  
*Мансаб ва зовлар.....*  
*Қора булутлар соясида.....*  
*Нажотбахш шабадалар.....*  
*Сарсон муаммолар.....*  
*“Зиндон”дан чиққан ҳайкал.....*  
*Китоб тўйи.....*  
*Ва ниҳоят... ..*  
*Фикри-ёди Бобурда қолди.....*  
*Халқаро экспедиция.....*  
*Машаққатли илк сафар .....*  
*Жангоҳлар олаб... ..*  
*Рамзий қабр.....*  
*Яна Ҳиндистон орзуси.....*  
*Сабоқ ва янги аҳдлар.....*  
*«Муродга қасд қилиб югурган етур...».....*  
*Алам устига аламлар.....*  
*Йўл азоби.....*  
*Чегарадаги машамалар.....*  
*Жангоҳ Патна ва Деҳлида.....*  
*Агра, Тоғмаҳал. Калкутта.....*  
*Ҳайдаробод. Бобур авлодлари.....*  
*Ташвишли ва хуррам кунлар.....*  
*Бирни кўриб шукр қил... ..*  
*Бу на жавоҳирким... ..*  
*Бобур Ҳисорга қандай етиб борган?.....*  
*Оғир қисмат.....*  
*Оловга бош суқиб.....*  
*Тундаги хужум.....*  
*Миср томонларда.....*  
*Етти йиллик хулосалар.....*  
*Халқаро илмий-амалий кенгаш .....*  
*Сайлов ҳаяжонлари ва изтироблари.....*

### **ИККИНЧИ ҚИСМ**



<i>Навбат – Андижон тарихига.....</i>	
<i>Андижон – Қашгар – Дакка.....</i>	
<i>Ҳиндистон бўйлаб.....</i>	
<i>Илова.....</i>	
<i>«Бобурнома»нинг 470 йиллиги.....</i>	
<i>Ўнинчи сана.....</i>	
<i>2003 йил воқеалари.....</i>	
<i>Афғонистон сафари.....</i>	
<i>Лутфий қабрини излаб.....</i>	
<i>Сермашаққат 11-чи сафар.....</i>	
<i>Минг чақирим орқага .....</i>	
<i>2005 йил воқеалари.....</i>	
<i>Деҳи Канорга махсус сафар.....</i>	
<i>2006 йил .....</i>	
<i>Андижоннинг асл тарихи .....</i>	
<i>Хайрли ишлар .....</i>	
<i>Халқаро анжуман.....</i>	
<i>Тибет тиббиёти Андижонда.....</i>	
<i>2009 йил воқеалари.....</i>	
<i>Қашмирга саёҳат.....</i>	
<i>Яна Қашгарда.....</i>	
<i>Афғонистонлик ўзбеклар.....</i>	
<i>Нега? Нега? Нега?... ..</i>	
<i>Уммон ортида .....</i>	
<i>2011 йил воқеалари.....</i>	
<i>Зокиржон аканинг нега ҳафсаласи пир бўлди?.....</i>	
<i>Яна Соҳибқирон изидан.....</i>	
<i>Жаҳон бобурушунослари Тошкентда.....</i>	
<i>“Хомхаёл...”нинг рўёби .....</i>	
<i>Тарихлар қачон битилгай?.....</i>	
<i>Ноёб, нодир бойликлар.....</i>	
<i>Мунозара ва хулосалар .....</i>	
<i>Уч сафар. . Яна қомус.....</i>	
<i>Тўрт алломага янги сағана.....</i>	
<i>Бобур Ҳушёрда.....</i>	
<i>Икки даҳо “учрашганда”.....</i>	
<i>Давлат раҳбари маърузасидан.....</i>	
<i>Хонзодабегим жасорати.....</i>	
<i>Бошқа воқеалар.....</i>	
<i>Андижонда Бобур йили.....</i>	
<i>“Бобур ва дунё”.....</i>	
<i>Президентнинг Андижонга галдаги таширфи.....</i>	
<i>Хожа Калонга сафар.....</i>	
<i>Яна халқаро анжуман.....</i>	

<i>Фавкулотда ҳодисанинг такрорланиши.....</i>	
<i>Яна Ҳиндистон... ..</i>	
<i>Умаршайх Мирзо қабри қаерда?.....</i>	
<i>Таажжуб, ҳайрат, истаклар.....</i>	
<i>Навоий нега Андижон шевасида ёзган?.....</i>	
<i>2019 йилга бир назар.....</i>	
<i>Зайтун боғлари.....</i>	
<i>Осуда ҳаётда сурур йўқ.....</i>	
<i>Бағишловлар .....</i>	
<i>Экспедиция сафарлари.....</i>	
<i>Муаллиф ҳақида .....</i>	

## (Ички муқоваларга)

### СУРАТЛАР ОСТИГА ЁЗУВЛАР:

1. (16-бет). Бўлажак фан номзоди Зокиржон Машрабов илмий ишлар билан машғул.
2. (32- бет). 3. Машрабов Андижон шаҳар ижроия комитети раиси (1980-йиллар).
3. (110- бет.) Навоий, Бобур ва бошқа буюкларимиз ҳайкаллари муаллифи Равшан Миртожиев
4. (139- бет.) Ҳиндда Бобур йўлбарсни енгган деган нақл юради.
5. (212- бет.) Неъматилла Отажонов ва Қ. Кенжа Қашқар шаҳрининг Қашқар майдонида.
6. (235- бет.) Ҳирот. Гозургоҳ. Алишер Навоий ишлаган, ижод қилган, мушоиралар ўтказган маскан.
7. (237- бет.) Кобул. Бобур Мирзо мақбараси – соддаю, салобатли.
8. (238- бет.) Ҳиротлик тарихнавис Мавлоно Анбарий ва афғонистонлик бобуршунос Ҳалим Ёрқинлар билан.
9. (238- бет.) Мозори Шариф (Афғонистон) шаҳрида Алишер Навоийга ишланган панно. Суратда тадбиркор Муҳаммад Наби, Ҳалим Ёрқин, Зокиржон Машрабов, Абдулла Руин.
10. (238- бет.) Ҳирот. Гавҳаршодбегим мақбараси. .
11. (239- бет.) Ғазни. Султон Маҳмуд Ғазнавий мақбараси. .

12. (249- бет.) Бобур туғилган куни тадбиридан сўнг. Ўнгдан (1- қатор): Саидбек Ҳасанов, Сайфиддин Жалилов, Зокиржон Машрабов, Азиз Қаюмов, Ёқубжон Жалолов, Ҳатиф Носиров, Сайфиддин Турсунов, Тўлан Низом, Маннон Ҳамидов. 2- қатор: Холмуҳаммад Олимжонов, Назиржон Саидов, Усмонжон Шукуров, Комил Мирзаев, Тўйчибой Мамасолиев, Қамчибек Кенжа, Тўлқин Ҳайдаров (хофиз).

13. (291- бет.) Кашмир. Муҳаммад Ҳайдар мирзо дафн этилган Мозори солотин.

14. (292- бет.) Кашмир, Муҳаммад Ҳайдар мирзо қабри устида, маҳзун хаёллар оғушида.

15. (294- бет.) Ёркент. 3. Машрабов ва Холмуҳаммад Олимжонов чолғу асбоблари дўконида.

16. (309- бет.) Бобур ҳалқаро илмий экспедицияси сафари чоғида.

Туркистон, Эски Иқон қишлоғи. Муаллиф улғ устоз Миртемир уй-музейи ёнида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан.

17. (310- бет.) Соҳибқирон Амир Темур тошбитиги (1391 йил, апр.) айни вақтда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланади.

18. (310- бет.) Соҳибқирон ўз лашкари билан кечиб ўтган Тобул дарёси бўйида мазкур воқеа муҳокамаси.

19. (310- бет.) Тобул дарёси кўприги устида. Муҳаммад Али ва Ваҳоб Раҳмон.

20. (311- бет.) Варна (Россия)даги “Амир Темур минораси”.

21. (312-б) Самара вилояти. Амир Темур Тўхтамишхонни буткул мағлуб этган жанг содир бўлган худуд, Қундузча дарёси бўйида.

22. (312- бет.) Татаристон. Қозон университети татар филологияси факультетида ёзувчи, профессор Ҳатип Миннегулов ва бошқалар билан мулоқот. 2012 й.

23. (313- бет.) Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўктам Аҳмедов Андижонда.

24. (318- бет.) Ўнгдан: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Андижон вилояти партия комитетининг мафкуравий ишлар бўйича Секретари

- Мирзажон Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Меҳнат қаҳрамони  
Комил Яшин ва Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул  
котиби Олимжон Ҳолдор (1970 – йиллар).
25. (319- бет.) Ахтуба дарёси (Россия).
  26. (320- бет.) Демак, Олтин Ўрда давлатининг пойтахти шу ҳудудда бўлган.
  27. (320- бет.) Волгоград вилояти. Селитренное қишлоғи (қадимги Сарой Боту шаҳри) қолдиқлари олдида.
  28. (320- бет.) Красний Яр туманидаги янги барпо бўлаётган мавзе. Амир Темир ва Тўхтамишхон жанги шу ёқларгача чўзилган деб тахмин қилинади.
  29. (321- бет.) Волгоград - Астрахан йўли. Қадимги Сарой Боту шаҳри ўрнидаги муваққат мозийгоҳ (ўтов).
  30. (321- бет.) Доғистон, Терек дарёси бўйида. Амир Темур билан Тўхтамишхоннинг яна бир жанги шу дарё ёқасида бўлган.
  31. (321- бет.) Доғистон, Махачқалъа. Машҳури жаҳон шоир Расул Ҳамзатов яшаган хонадонда. 2012 йил.
  32. (321- бет.) Расул Ҳамзатовнинг куёви Умахон экспедиция аъзолари, ўзбекистонлик меҳмонларни кузатаётган палла.
  33. (322- бет.) Озарбайжон, Боку. Кўхна қалъа девори.
  34. (322- бет.) Гуржистон, Тбилиси.
  35. (322- бет.) Арманистон. Севан кўли бўйида форелхўрлик
  36. (323- бет.) Тоғли Қорабоғ маркази – Степанакерт шаҳри
  37. (323- бет.) Машҳадда.
  38. (323- бет.) Экспедициядан қайтишда. Эронлик йигитлар “Биз сизларни 2:0 га ютдик” деб ҳазиллашишмоқди. Аслида бир кун аввалги Эрон – Ўзбекистон ёшлар футболли командалари ўйини бизнинг йигитларимиз фойдасига 2: 0 бўлган эди. (2012 йил).
  39. (324- бет.) Эрон. Гургон – аввалги Астробод – ҳазрат Навоий қадамжойи.

40. (324- бет.) Гургон, Ақтўқай. Махтумкули мақбараси.
41. (324- бет.) Гурьев (Қозоғистон)да.
42. (325- бет.) Боқижон Матбобоев Ичон қалъа (Хива) зиёратгоҳида.
43. (372- бет.) Ҳирот. Камодиддин Бехзод қабри устига Бобур халқаро жамоат фонди томонидан тикланган мақбара.
44. (400- бет.) Тарих фани, Бобур ижоди фидойиси Сайфиддин Жалилов ва Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом.
45. (411- бет.) Андижондаги Бобур боғи.
46. (424- бет.) Ҳиндистон бўйлаб архив, кутубхона, музейлардан ноёб қўлёзма, нодир китобларни йиғишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Фарҳод Арзиевга Бобур фонди тухфалари топширилди. Суратда: З. Машрабов, Ф. Арзиев ва шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид.

#### **ЗАРВАРАҚ (вкладка)га – 16 саҳифа.**

1. а/. Зокиржон Машрабов, таниқли ҳинд шоири, адабиётшанос, бобуршанос Қамар Райис, таржимон Муҳайё Абдурахмонова, Сайфиддин Жалилов, Қ. Кенжа.  
б/. Ёркент.
2. Тошкент ва Андижон зиёлилари даврасида. 2016й.
3. Бобур ихлосмандлари. Ўнгдан: Абдулҳамид Нурмонов, Абдусамад (Афғонистон), Зокиржон Машрабов, Хуршида Ваҳобжон қизи, Қ. Кенжа, Тўлан Низом; орқадагилар: Рустам Шамсутдинов, Фарид Усмон, Муҳаммад Наби (Афғонистон), Зайнобиддин Мамарасулов, Абдулла Руин (Афғонистон), Замира Рўзиева, Омина Тожибоева. 2011 й. Бобур боғида.
4. а/. Андижон вилоят ҳокимининг 1-чи ўринбосари Машариф Юсупов, Хуршида Ваҳобжон қизи, Турсунбой Содиқова, Замира Рўзиева, Энахон Сиддиқова (Фарғона). 2006 й.

- б/. З.Машрабов дунёдаги энг баланд чўкки – Жамолунгма (Ҳимолай тоғлари) пойида.
5. а/. “Косонсой” (Наманган) сиаҳатгоҳида. Чапдан: Зайнобиддин Мамарасулов, Зокиржон Машрабов, таниқли ҳин адиби Қамар Райис, Қ. Кенжа ва сиаҳатгоҳ бош шифокори Абдуллажон хожи. 2004 й. Май.
- б/. Бобурийларнинг Ҳиндистондаги сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ-Зафарнинг Рангун (Бирма)даги уй-музейи.
6. а/. Андижон шаҳар, Навоий боғидаги Амфитеатрда Наврўз байрами. Чапдан: Юнусали Пиримқулов, Рустам Қодиров, Комил Мирзаев, Тўражон Раҳматжонов, Тўлан Низом, Зокиржон Машрабов, Қамчибек Кенжа ва бошқалар. 2008 й.
- б/. Деҳли хиёбонларида маймунларнинг одамлар билан ўйнашиб юриши оддий ҳол.
7. а/. Икки қадрдон – З. Машрабов ва З. Мамарасулов Аграда.
- б/. Тобул дарёси кўпригида.
8. а/. Чапдан: Ўлмас Саиджонов, Абдулла Орипов, Йўлдош Сулаймон, Зокиржон Машрабов... 2-чи қатор: Муҳаммаджон Ҳакимов, Назиржон Саидов, Алижон Аҳмедов.
- б/. Эрон. Гургон (аввалги Астробод) вилояти, Оқ қалъа шаҳарчасидаги Маҳтумқули ҳайкали ва майдонида. Телетасвирчи Фурқат Саидмаматов билан.
9. а/. Қадрдонлар З. Машрабов, Ҳ. Носиров, К. Мирзаевлар Бувасадин қабристониди, ўтганлар зиёратида.
- б/. Ўнгдан: Хуршида, Қ, Кенжа, С. Жалилов, З. Машрабов, истанбуллик ватандош, ёзувчи Собир Сайхон ва унинг тошкентлик ҳамроҳи Бахтиёр. 2007 й.
10. а/. Бобур фондиниң Германия бўлими бошлиғи Ян Хонзелниң оиласи Фондиниң Россия бўлими бошлиғи Морозов ва унинг рафиқаси кузатувида.
- б/. Экспедиция сафаридаги завқли онлар. 2012 й.

11. а/. Чапдан: ..., Янглиш Эгамова, Ваҳоб Раҳмон, Абдулла Аъзам, Зокиржон Машрабов, Исмоил Жеменей (Қозоғистон), Хуршида, Маҳаммадёр Яхшибоев (Қашқадарё), Қ. Кенжа.

б/. Абдулҳамид Нурмонов, Тўлан Низом ва Иброҳимжон Асқаров қизгин мулоқотда.

12 . а/. Бобурийлар авлоди Тоҳира Султон бегим хонадонида. Лондон, 2004 й.

б/. Туркистон. Қадимий Ўтрорнинг қайта таъмирланаётган ёдгорликлари олдида.

13. а/. З. Машрабов тадбиркор набираси Нодирбек билан Мичиган (АҚШ)да.

б/. Россия. Самара вилояти, Кондурча (Қундузча) дарёси бўйида.

14. а/. Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмад, адиба, драматург Раҳбар Файзибоева, таниқли шоиралар Эътибор Охунова, Ойдин Ҳожиева ва Андижон тумани раҳбари Нўъмонжон Абдулазизов. 1986 й.

15 . Замондош, даврдош андижонлик зиёлилар.

16. а/. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлардан бирида: З. Машрабов, А. Собиров, Қ. Кенжа.

б/. Бобур халқаро жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилган китоблардан намуналар.